

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Тиб қонунлари



УЧ ЖИЛДЛИК САЙЛАНМА

3

ЖИЛД

ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ
НОМИДАГИ
ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЁТИ

И 13

Ибн Сино, Абу Али.

Тиб қонунлари: (Уч жилдлик сайданма). (тузувчилар: У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев). Ж. З—Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ мөроси нашриёти, 1992—320 б.

Муҳтарам китобхон! Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» қомусий асарига бўлған талаб-истакларингизни ҳисобга олиб З-жилдлик сайданма ҳолида учи қайта чоп этишин лозим топдик. Сайданманинг З-жилдидаги жароҳатлар, дорилар, шарбатлар, мурабболарни тайёрлаш, бош, суяқ, тери касалликлари таърифи ҳамда китобда учрайдиган айrim истилоҳлар изоҳи ўрин олган.

Тузувчилар ва нашрга тайёрловчилар: Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзоси Убайдулла Каримов, Беруний муроҷаоти совриндори Ҳамидулла Ҳикматуллаев.

Ибн Сино, Абу Али. Канон медицины: В 3 т. Т 2.

БЕКБР.

410000000
M 351(04)—92 48—92

© А. Қодирий номидаги ҳалқ мөроси
нашриёти, 1992 йил.

ISBN 5—86484—068—8



Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Унинг паноҳига сиғинамиз ва ўзига таваккал қиласиз.

ҚОВУҚ ҚАСАЛЛИҚЛАРИ

Гоҳо қовуқда моддали ва моддасиз мизож қасалликлари, шунингдек шиш ва тиқилмалар пайдо бўлади, тошлар ҳам [тиқилмалардан] ҳисобланади. Гоҳо бунда кичрайиш ва катталашиш каби миқдор қасалликлари, баъзан туртиб чиқиш ва ўрнидан қўзғалиш каби нотўғри вазият қасалликлари пайдо бўлади. Қовуқда ёрилиш, очилиш, узилиш ва яраланиш билан узлуксизликнинг бузилиши қасалликлари ҳам пайдо бўлади.

Гоҳо қовуққа бошқа бошқарувчи ва шарафли аъзоллар ҳамкор бўлади. Масалан, мия қовуқ қасаллигига [ҳамкор бўлиб] бош оғрийди ва бош айланиши юз беради. Баъзан мия қовуқнинг иссиқдан бўлган қасалликларига ҳамкор бўлиб *сарсомга* бориб етади. Шунингдек, жигар ҳам [қовуққа] ҳамкорлик қилиб, қовуқнинг совуқлигидан, кўпинча, истисқо пайдо бўлади.

Қовуқ қасалликлари қишида кўп бўлади, буларни ҳам буйракни даволайдиган нарсалар билан ва кучлироқ ҳам тозаловчанроқ [ҳайдовчанроқ] нарсалар билан даволанади; бу хил дориларни ичилади, [маҳсус] асбоб ёрдамида қовуқнинг ўзига юборилади, ташқаридан суреб ишқаланади, сийдик йўллари устига, киндик тагига ва ички «чуқур дарзга» боғланади. Қовуқ оғриқлари шимолий ҳавода ва шамол ҷоғида, шимол томондаги мамлакатларда ва совуқ фаслларда кўп бўлади.

ҚОВУҚ ТОШИ ВА УНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Олдин буйрак тоши ҳақида айтганларимизни диққат билан ўрганиб, кейин бу боб тўғрисида ўйлаш керак. У ерда қовуқ тоши билан буйрак тоши орасидаги кайфият ва миқдор жиҳатидан бўлган фарқни билдинг: қовуқ ва буйрак тошлари ўртасида шундай фарқ бор: буйрак тоши бир оз юмшоқ, кичикроқ ва қизғишироқ бўлади, қовуқчики [эса] қаттиқроқ, анча катта, қорам-

тир, кулранг ва оқиш бўлади. Яна [буйракда] майланган тош пайдо бўлса-да, қовуқ [тоши], кўпинча, сийдик ажралғандан кейин сезилади. Қовуғига тош келган киши озрии бўлиб, буйрагида тоши бор киши, аксинча [семиз бўлади]. Болалар ва буларнинг ёшига яқин кишиларнинг, [кўпинча], қовуқларига тош келади.

Бу ерда яна шуни айтамизки, қовуқ тошида сийдик оқиш бўлиб, чўкма қизил бўлмайди, балки оқ ёки кулранг бўлади; баъзан сийдик қуюқ бўлиб, чўкмаси зайдун ёғидек бўлади, [лекин], кўпинча, айниқса [касаллик] бошланишида [сийдик] суюқ бўлади. Қовуқ тошининг оғритиши буйрак тошининг оғритишича бўлмайди. Чунки қовуқдаги тош бўшлиқда туради, тош сийдикни тўсиб турган ҳол бундан мустаснодир. Тош сийдик йўлига тушганида оғритиш кўпроқ бўлади. Қовуқ тоши кўпроқ дағал бўлади. Чунки қовуқдаги тош шундай бир бўшлиқда турадики, унинг устига уни дағал қиласиган нарсалар келиб чўкиши мумкин. Яна бундай [тош] кенг ўринда жойлашгани сабабли унинг ўзи ҳам катта бўлади. Гоҳо бир қовуқда икки ёки ундан кўп тош бўлиб ҳам қолади, улар бир-бирларига ишқаланиб, ораларида қумдек [тош] ушоқлари пайдо бўлади. Қовуқнинг [ички] сатҳи дағал тошдан қирилиши натижасида гоҳо шу қум билан бирликда кепаксимон чўкма ҳам пайдо бўлади. Қовуқ тошида доимо олат ва унинг тагида, қовуқ устида қичиш ва оғриқ бўлади. Бунга олатнинг қовуқ билан ҳамкорлиги [сабаб] бўлади.

Қовуғида тош бўлган киши, айниқса ёш бола қўлини олатга кўп олиб боради. Бунда олат доимо қўзғалиб туради. Бу гоҳо кўтон тушишига, сийдик тутилишига ва чиқишининг қийинлашига бориб етади ҳамда чиқадиган [сийдик] сиқиб итариғланликтан ва орқасида зўр итарувчи бўлганидан куч билан чиқади. Кўпинча, [касаллик] охирида касал иродасиз сиядиган бўлиб қолади, сийиб бўлиши биланоқ, яна дарҳол сийгиси қистайди; буни келтириб чиқарувчи нарса тўплланган сийдикни ҳайдалиши каби ҳайдалишни [талаб қилаётган] тошдир. Тошнинг тирнаши сабабли, айниқса у катта ва қаттиқ бўлганда, кўпинча, [касал] қон сияди.

Кўпинча, [бу касалликда] сийдик тутилиб қолади, шунда қовуғида тоши бор кишини чалқанчасига ётқизиб икки сонини кўтариб силкитилса, сийдик отилиб чиқади. Бу қовуқда тош борлигига кучли далилдир. Кўпинча, кишини тиззаси билан чўккалатиб аъзоларини бир-бираiga букса, бу [иш] осонлашади. Баъзан [касални]

юқоридағи ҳолатда [чўккалатиб], унинг орқа тешигига бармоқни киргизиб, тошни бир ёқса суриш билан [бу ишни] осонлаштирадилар. Баъзан қовуқни турли йўсинда эзиб, босиб, касални чалқасига ётқизиб ёки чўккалатиб [сийиши осонлаштирадилар], булар тажриба билан аниқланади. Бундай ишлар фойда бермаганда тошни итариш учун катетер қўлланилади. Агар [сийдик йўлида] бирон нарса бўлса ва катетер унга бориб тегиб, [ичкарига] итариб, сийдик жўнашса, бу ҳам тош [борлигига] кучли далил бўлади. Агар катетерни киргизиш қийин бўлса, яхшиси уни куч билан [киргизаман деб] касални мashaқатга солмаслик керак. Кўпинча, катетерга илашган нарса тошнинг қандай моддадан вужудга келганлигини кўрсатади. Майда тош каттасига қараганда сийдикни кўпроқ тўсади, чунки кичик тош сийдик йўлига тиқилиб қолади, катта тошлар эса тезликда сийдик йўлидан чиқарилади.

Билгинки, қовуқقا тош келиш шимолий [совуқ] мамлакатларда, айниқса, болаларда кўп бўлади.

ҚОВУҚ ТОШИННИГ ИЛОЖЛАРИ

Қовуқ совуқроқ, [юракдан] узокроқ ва [ундаги] тош кучлироқ қотиб маҳкам ўрнашганлиги сабабли [бу касаллик] кучли дориларга муҳтождир. Бунинг дорилари буйрак тошларини даволашда айтилган кучли дориларнинг ўзидир. Тош кичик ёки юмшоқ бўлса, буларга сажазониё ва митридан фойда қиласди; асоносиё ҳам шундай; уларга бир үқия талоқгиёҳ ва ярим үқия қобиғи олинган маҳлабнинг устига бир бармоқ ботгундек сув солиб, хўп қайнатиб, сузиб [ицирилса] ҳам фойда қиласди. Мана бу ҳам уларга фойдалидир: янчилган қулт ўн беш дирҳам, парсиёвашон етти дарҳам, талоқгиёҳ саккиз дирҳам, темиртикан ўн дирҳам, ёввойи сабзи уруғи ва тоғ петрушкасининг ҳар биридан тўрт дирҳамдан ва оқ анжирдан етти дона олиб, тўрт ритл сувда бир ритл қолгунча қайнатилади ва ҳаммомдан чиққандан кейин ичилади. Бунинг бир ичими ярим ритлдир.

[Қовуқ тошида] ишлатиладиган ванна кучли бўлиши керак. Уларга таниғлиқ дорилардан тоғ мурчи барги, парсиёвашон, содаж, бўйимодарон, қизил гул ва [баданни] ҳаддан ташқари бўшаштирмаслиги учун бир озгина буриштириш хусусиятига эга бўлган нарса солинади. Ишқаланадиган дориларга гальбан елими, зифт, қаврак елими ва фарфиян соладилар.

Боғланиадиган дориларнинг энг афзали Макка муқли бўлиб, ёғларнинг энг яхиси чаёнларнинг ёғларидир. Буларни қовуқ турган ерга қўйиб боғланади, томизилади ва қурол билан қовуққа юборилади, буларга қувват берувчи бирор нарсани ҳам аралаштирадилар. Боғланиадиган дориларнинг таркибиغا қўйидагилар киради: талоқгиёҳ илдизи, ширин ажриқ илдизи, жулаҳ, содаж, гулхайри ва *парсиёвашон*. Бунга [яна] қизил тасма япроги ҳам солинади. Ғуйрақ тоши бобида айтилган чумчук ўа унинг тоифасидан бўлган [қушлар] ҳам жуда фойдалидир. Даволашда тош дориларини қурол билан киргизиб ишлатиш бу [касалликда] маҳсус қўлланиладиган тадбирлардан саналади. [Касаллар] бундан жуда фойдаланадилар. Қовуқ тоши сабабли сийиш қийинлашиб ёки сийдик тўсилиб қолса, бирор тўсиқ ёнки қўрқиши сабабли [қовуқни] ёришга имконият бўлмаса, бу ҳолда баъзи одамлар ҳийла ишлатиб орқа тешик билан можак орасидан кичкина ёриқ очиб, у ердан сийдикни чиқариш учун бир найча қўядилар. Бу билан ҳаёт кечириш [гарчи] осон бўлмаса ҳам, ўлим даф қилинади. Дорилардан бирон фойда бўлмасдан, [қовуқни] ёришга қасд қилинганда сақланиш лозим бўлган нарсадан сақланиш, наслга бирор офат етмаслиги ёки қонкетмаслиги ва битмайдиган яра пайдо қиласлик учун бу иш учун қовуқ анатомиясини, қовуқ бўйнининг маний йўлига туташадиган ерини, артерия [ўтган] ерини ва қовуқнинг гўштлари ўрнини биладиган ва қовуқнинг анатомияси билан яхши таниш бўлган кишини танлаш керак. Бундан илгари касални чалқасига ётқизиб, ичак ва қовуғига пахтадоф қилиш лозим.

БУ ИШ УЧУН БУЮРИЛГАН ТАДБИР

Бу шундан иборат: курси тайёрлаб унга касални ўтқазилади, [шу ерда] ҳозир бўлган ходим қўлини касалнинг икки тиззаси тагига киргазади. Кейин [табиб] ёриш тадбирини кўради. Олдин тошни топиб, уни ёриладиган ерга келтириб, шу ерда ушлаб туриш керак. Бунинг учун ўрта бармоқни эркаклар ва қизларнинг тўғри ичагига, жувон хотинларда эса бачадон йўлига киргизилади ва тошни топилади; кейин иккинчи қўл билан тошнинг устидан босиб қорнининг юмшоқ ери ва киндиқдан сирпантириб қовуқ оғзи яқинигача туширилади. Тошни дарздан бир арпа бўйи қадар қўйига ҳайдашга тиришилади. Дарздан ёришдан сақлан, — бу

жуда ёмон; дарэ ҳақиқатда ўлдирадиган ердир. Тошни итаришда сустлик бўлмасин, сустлик қилинса, ёриқ кенгайиб, битмайдиган бўлиб қолади. Тошни итарсанг ва ёриқни ичга ўтмайдиган деб билсанг, кескин, агар шу пайтгача қилинган иш қаттиқ аламга, қовуқ бўйнинг қайрилиб қолишига, қувват тушишига, ҳаракат ва сўздан қолишга, қовоқ ва кўзнинг ич-ичига тушиб кетишга олиб бормайди деб тушунсанг, шундай қил; борди-ю, ёриш шундай ҳолларга олиб борадиган бўлса, у чоғда ёрмай қўяқол, чунки агар ёрап экансан, касал дарҳол ўлади. Кейин тош устидан қийшиқ қилиб озгинага ёрилади, ёрганда асабга тегишдан сақланиши билан бирликда ёриқ қовуқнинг бўйнига тушишига тиришилади. Чунки агар ёриқ қовуқнинг танасига тушиб қолса, ҳеч бир битмайди. Бундан ташқари мумкин бўлганича ёриқни кичкина қилишга тириш. Агар тош кичкина бўлса, кўпинча, у сиқиши биланоқ отилиб чиқади, катта бўлса, кенг ёриқ қилишга ва кўпинча, тортиб оладиган илмоққа муҳтоҷ ўёлинади. Баъзан тош жуда катта бўлиб унинг ҳажмига мослаб ёриш мумкин бўлмайди. У чоғда уни омбир билан майда-майда [бўлакларга] майдаланади ва синганини олинаверади. Қовуқда ҳеч бир нарса қолдирилмайди, чунки агар қолдирилса, [унинг яна] ҳажми ортиб катталашади.

[Баъзи вақтда] тош қовуқнинг бўйнида ва олатнинг яқинида [эканлиги] билиниб туради, бу чоғда қовуқнинг устидан силаб босиш лозим бўлади. Бу [ишида] сенга бир ёрдамчи керак бўлади; тош бир ерга қадалиб қолса, ўша жойни оstdан очиб тошни чиқарилади. Кўпинча, тош кетига қайтмаслиги учун [у турган жойни] орқасидан бўғиб бойлаб қўйиш тузукдир. Агар тош олатнинг бошига яқин келган бўлса, у ердан уни чиқаришга қаттиқ уринилмасин, чунки бундай қилиш, кўпинча, жароҳат пайдо қиласди ва у битмайди. Балки [тошни] тўғрилаш, орқасидан бўғиб бойлаш ва уни чиқариш учун олатнинг боши тагидан ёриш керак бўлади.

Айтилганларнинг ҳаммасини қилиб, тошни чиқарсанг, кўпинча, қориннинг қаттиқ эзилиши ва ёриқнинг оғришидан шиши пайдо бўлади; бу қўрқинчли нарсаларданadir. Буни қайтарадиган нарсалардан бири касалга ҳуқна қилиб, ични тозалаш ва бундан кейин унга ични юмшатадиган нарса ичиришdir. Унга фақат бир озгинага нарса едир, шунда ҳам юмшатувчи нарса едир. [Шишнинг] олдини олиш учун томирдан қон олишга муҳтоҷ бўлсанг, уни қиласан. Агар кучлироқ ёрдам олмоқчи,

бўлсанг ёки шиш белгилари пайдо бўлиб оғриқ жуда ҳам қаттиқ бўлса, касални ваннага ёки тұгмачагул, зигир уруғи, гулхайри ва кепак каби юмшатувчи нарсалар қайнатилган сув солинган тосга ўтқазишиңг керак. Бу сувга кўпгина ёғ солиб чайқатилган ва илиқ бўлиши керак. Қасални ваннадан чиқарганингда аъзо атрофини бобуна ва укроп ёғлари каби юмшатувчи ёғлар билан ишқалайсан. Жароҳатга қиздирилган сариёғ қўйилади ва унинг устига озгина сирка қўшилган қизил гул ёғига ботирилган пахта қўясан, бундан кейин битпрувчи дорилар ишлатилади.

Шиш катталашса, касални сариқ йўнғичқа ва зигир уруғи қайнатмаларидан қилинган мазкур ваннага ўтқазиши давом эттирасан, агар оғриқ зўрайса, касални иккинчи ҳам учинчи куни илиқ сув ва ёғ [аралашмасига] ўтқаз. Агар ёриқ ва жароҳат унчалик оғритмаса, учинчи куни [бойлоқлар] ечилади Газагўт ёғи билан қовуқни қиздириш давом эттирилади. Чунки қовуқ қиздирилса, унинг ҳоли яхшироқ, ундаги оғриқ ва чиқариладиган сийдик ҳам озроқ бўлади; қобиғи кесилган кишига сийдик жуда азоб беради. Шунинг учун бу қасалларга сувни кўп ичирмаслик керак. Қасал ҳар сафар сийганида сийдик ёрилган ерга тегмаслиги учун ходим [ёрдамчи табиб] боғланган ерни эҳтиёт қилиб босиб туриши керак. Кейин, ёрилган ерда қўйлдаги икки ҳолдан бири кўрилади: ё қон керагича миқдорда оқмайди, бунда шиш [пайдо бўлиши] ва аъзонинг бузилиш хавфи туғилади; айниқса ранги қизилдан қорага ўзгарганда бу хавф бўлади; ёхуд қон ҳаддан ташқари оқиб, қоннинг [тўхтамай] кетиш хавфи пайдо бўлади. Биринчи ҳолда, мазкур белги кўрилган ҳамон бузилишнинг олдини олиш учун ништар уриб қонни оқизиш ва ўша ерга сирка ва туз эритмасига ботирилган каноп латтани қўйиб боғлаш керак: иккинчи ҳолда, яъни кўп қон кетиш хавфи бўлганда, тўғрироқ чора — касални маълум буриштирувчилар ивитилган сувларга ўтқазиши, ёрилган жойга янчилган кундур ва зок қўйиш, унинг устидан пахта қўйиб ва унинг устидан сувли сирка билан ҳўлланган ва ундан кўра каттароқ пахта қўйишдир. Агар катта томир ёки артерия кесилганини билсанг, унинг иложини сиқиб боғлаш тадбири билан қиласан. Агар қон бўйсунмаса ва уни тўхтатиб бўлмаса, [касални] ўтқир сиркага ўтқаз. Қўпинча, қонни тортиш учун томирдан, қон олишга муҳтоҷ бўласан. Баъзан қовуққа ва икки човга увштирувчи [дорилардан] қўйишга тўғри

келади. Ёриш ва қон оқишдан пайдо бўладиган ҳоллардан бири бир парча [ивиган] қоннинг қовуқ томон оқиб, унда қотиб қолиши сабабли сийишнинг қийинлашувидир. Бу ҳолда бармоқни ёриққа кирғизиш ва азият берувчи нарсани қовуқдан ва унинг бўйнидан узоқлатиб чиқариш керак. Бу жойни сувли сирка билан қотиб қолган қон эриб чиққунча даволанади. [Кесишдан] келиб чиқадиган ҳолларнинг [яна] бири насл қолдириш [қобилиятининг] қирқилишидир.

Куйидаги ёмон аломатлар пайдо бўлганда, табиб касалнинг халок бўлишига жазм қилади: киндик остида оғриқнинг кучайиши, қўл ва оёқларнинг совуши, иситманинг ўткирланиши, титроқ пайдо бўлиши ва мадорнинг тушиб кетиши. Кейин, ёрилган ерда қаттиқ оғриқ кучайиб, ҳиқичноқ пайдо бўлса ва қорин безовта ҳаракатга тушиб қолса, албатта ўлим яқинлашган бўлади. Яхши аломатларга келсак, улар ҳушнинг аслига қайтиши, иштаҳанинг тузалиши, тус ва кўринишнинг жуда ҳам соғлом ва яхши бўлишидан иборатdir.

Қовуқ шишларини даволаш. Биринчи галда касалнинг қувватига қараб, сўл бослиқ томиридан қон олиш керак. Бу иложларнинг биринчиси ва энг яххисидир. Агар бу [касалликда] иссиқ жуда ҳам қаттиқ бўйса, қайтарувчи қуюқ суртмаларни қисқа муддат ишлатида; уларни ортиқча ва узоқ қўйилмайди, чунки бу ҳам зарарли ва шишин тезликда қаттиқлаштиради. Аксинча, бўшаштирувчилар билан даволай бошланилса ва кучли сезгирилик бунга монелик қилмаса, яхшироқ бўлади; чунки [касал] аъзо асабларга бойдир. Шунинг учун касалга компресслар, масалан, эритувчи ва юмшатувчи [дорилар] солиб қайнатилган сувга ботирилган булут ва юнг билан компресс қилиш ҳамда ичига иссиқ сув ёки латифлаштириб юмшатувчи ёғлар солиб пулланган қовуқ пуфаги ва шунинг каби буйрак [касалликларининг] иложи бобида билган нарсаларинг билан компресс қилиш ёқади. Шулар билан бирликда [касаллик] бошланишида агар касал кўтаролса, катетер ёрдами билан испағул кабиларнинг шиллиғини ёки арпа сувини эшак сути аралаштириб [қовуққа] юборилади, хавфсизроқ йўл шудир. Бундан кейин эшак сутини ёғ билан, сўнгра хиёршанбарни хотинлар сутида шишнинг даврига қараб, ўзинг билган тартибда юборилади. Баъзан шу тартибда мазкур дорилардан ҳуқна қилиш ҳам фойда қиласди.

Боғланадиган нарсалардан яхшилари касаллик бошлинишидан кейинги [даврда] кепаксиз оқ нон ва қобиғи олинган кунжутнинг сут, гунафша ёғи, бобуна ёғи ва шу кабилар билан аралашмасидир. Яна қайнатилган шолғом ва қайнатилган сариқ йўнғичқани боғлаш ва улар билан компресс қилиш ҳам жуда яхшидир. Агар шиш бир ҳафтадан ўтиб ниҳоятга етса, боқила уни, зигир дони ва бобунани мусаллас билан қўйилади. Шиш қайта бошлаши билан болдир таги томири [соғин] дан қон олинади ва буйрак бобида айтилган ва эритиш хусусиятига эга бўлган қуюқ суртма ва марҳамларни ишлатишида кенгчиллик берилади. Кўпинча, айниқса увштирувчилардан кейин, зуфо, қундуз қири ва шамдан қилинган қуюқ суртмага муҳтоҷ бўлинади.

Билгинки, бу [касалларни] ваннага ўтқазишни давом эттириш жуда фойдалидир. Агар, уларнинг сийгилари келиб қолса, ваннага сийиб юборишлари яхшироқ бўлади. Бундай ванналар учун энг яхши сув, илгари айтилган бўшаштириш хусусияти бўлган сувлардир, буларга гоҳо қандул, ёввойи зира, тўпалоқ, сунбул, амом, қорачайир, сариқ йўнғичқа ва зигир уруғи солинади; бундай [сувлар] шиш оғриғини тўхтатади. Қайта-қайта эслатилган бўшаштирувчи сувлар — зигир уруғи ва сариқ йўнғичқа қайнатмалари, ёки шолғом, темиртикан ва карам қайнатилган сувлардир.

Қовуқдаги йирингли шишини даволаш буйрак йирингли шишини даволашга яқиндир, аммо бунда кучлироқ дориларга муҳтоҷ бўлинади. Оқ кўкнорни мақтаганлар, ундан бир ярим дирҳам олиб, айниқса сийиш қийин бўлиб оғриётганида, сунбул ва қорачайир қайнатмасида ичирилади. Оғриқ қаттиқлашиб, ўлим хавфи пайдо бўлса, увштирувчи дорилардан суртма ва кўтармалар қилишдан қочиб бўлмайди. Суртмаларни мингdevona, меҳригиёҳ ва кўкнордан зайдун ёғига қориб тайёрланади, ёки тўртдан бир дирҳам афюн олинниб, озгина заъфарон ва гунафша ёғи билан қўшилади, шуни бир латтага шимдириб орқа тешикка кўтарилади. Касал кўпинча, бундан роҳатланиб, ухлаб қолади. Агар касал кўтаролса, бу хил дорилардан баъзиларини катетер орқали юборилади. Сиртдан суртиладиган афюн суртмаси кучли равишда увштиради. Ичиладиган нарсалар ва бошқа иложлар эса, сарсом ва барсомда қўлланадиганлар кабидир.

Сийдик куйдиришини даволаш. Агар сийдик мадда ва қонли бўлса, уни даволаш қовуқ ва унинг атрофида-

ги яраларни даволаш қабидир, бу, [юқорида] тафсили билан баён қилинди.

Бунинг учун яхши нусха. Қўйилдаги сифатда кулчалар тайёрланади: қовун уруғи, бодринг ва қовоқ уруғининг ҳар биридан йигирма дирҳам, кундур елими, [араб] елми ва бақам дараҳти елимининг ҳар биридан ўн дирҳам, афюндан уч дирҳам ва петрушка уруғидан бир дирҳам олиниди; шу таркибни кўкнори шароби билан ичилади; бир ичими кулча ясалгандан кейин икки дирҳам вазнида бўлади.

Агар яра ва [сийдикда] мадда бўлмаса, энг яхши даво, қовуқ касалларига оид фаслларда билганинга мувофиқ [ични] суриб, ортиқча хилтларни бўшатиш билан сийдикни чучмал қилиш, шунингдек қусиши, соvuқлик ва ҳўлловчи таомлар, сабзавотлар ва меваларни истеъмол қилиш, ҳар хил шўр, ўткир мазали ва жуда ширин нарсалардан ҳамда чарчашиб ва жинсий алоқадан қочишдир. Қанавча уруғи, испағул уруғи ва беҳи уруғи каби нарсаларнинг шиллиқларини ҳамда кўкнор ва сийдирувчи совуқлик уруғларнинг бир миқдорини ичириш ва уларни ҳийла қуролида [қовуққа] юбориш [ҳам] фойда қиласидиган тадбирлардандир; буларнинг ҳаммасини совуқ сув билан ичирлади. Ариа бўтқаси, арпа суви, чала пишган тухум, шунингдек бодом ёғи билан ёхуд семиз жўжа ва товуқ билан тайёрланган қовоқ оши ва мosh ошини истеъмол қилинса, [фойдали] бўлади.

Агар [сўзак] безларда пайдо бўлган қуруқликдан бўлса, унинг иложи баданини ҳўллаш ва жинсий алоқа каби баданини қуритадиган нарсалардан сақланишдир. Бу касалликда ҳийла қуроли ёрдамида юбориладиган нарсалар: испағул шираси, қанавча уруғининг шираси ва беҳи уруғининг шираси, [араб] елми, қўргонин упаси, янги тухумнинг оқи ва хотинлар сутидан иборат. Баъзан эшак сути, хотинлар сути ва эчки сутини доимо юбориб туриш кифоя қиласи, баъзан бу сутларга совуқ шиллиқлардан ва оқ шамча дорилардан озгина солинади. Баъзан тухум оқининг ёлғиз ўзини ёки юқорида айтилганларнинг биронтаси ва қизил гўл ёғи билан юбориш ҳам кифоя қиласи. Баъзан бунга увштирувчи дорилар қўшилади. Агар оғриқ қаттиқ бўлса, айниқса [касал] мадда сийганди, юбориладиган нарсалар ичига биронта увштирувчи нарса қўшиш зарур бўлади; буни яралар бобида айтилган нусхаларга мувофиқ [қўшилади].

Яхши нусха: кўкнор пўстн, крахмал, чукуж.

миянинг қуюлтирилган шираси — булардан қовуқка юбориладиган таркиб ясалади, агар буларни кучайтиришга эҳтиёж тушса, афюн ва мингдеёона уруғидан бироз қўшилади.

СИЙИШ ҚИЙИНЛИГИ ВА СИЙДИК ТУТИЛИШИ

Сийиш қийинлигининг сабаби баъзан қовуқнинг ўзида бўлади, масалан, қовуқнинг кучсизлиги; бу мизожнинг, айниқса совуқ мизожнинг бузилиши орқасида, масалан, шимол шамолининг кўп эсиши орқасида пайдо бўлади, ёки у шиш ва бошқа [касалликлар] натижасида бўлади. Бунда [қовуқ] сийдикни ҳайдаш вақтида уни табиий ҳолдагидек сиқиб чиқариш учун унинг ҳаммасини қулай қамраб ололмайди. Бунга гоҳо ташқаридан таъсир этган совуқ ва иссиқлик, ё урилиш, ё сийдикни қасдан узоқ тутиб туриш [ҳам сабаб] бўлади. [Сийиш қийинлигининг] сабаби баъзан қовуқ бўйни ва олат каналидан иборат бўлган сийдик каналида бўлади, ёки у [ҳайдовчи] қувватда бўлади, ёхуд қуролда, яъни [қовуқ] мушагидан бўлади, ёки сийдикни юборувчи аъзода, ёки сийдикнинг ўзида бўлади.

Сийдик каналида бўладиган сабаб ё мустақил, ёки бошқанинг ҳамкорлиги билан бўлади; мустақил бўлгани сийдик каналининг ўзида тиқилма бўлган ё бошқа [бирон нарсанинг] ҳамкорлиги билан бўлганидир. [Каналининг] ўзида тиқилма иссиқ ё қаттиқ шишдан, ёхуд рутубат, ивиган қон, ёки йиринг каби ғализ нарсалардан пайдо бўлади; кўпинча тиқилмага йиринг сабаб бўлади. Ёки [тиқилма] тош, қаршилик кўрсатувчи ел, сўгал, яра ямоғи, совуқдан қисилишдан ёки куйдирапли иситмалар ва сўлдирувчи касалликларда бўлгани каби қаттиқ иссиқдан бўлган буришишдан пайдо бўлади. Гоҳо сийдик тутилиши [сийдик йўлидаги] ярадан бўлади; гоҳо қовуқда пайдо бўлиб, кучли тиқилмага сабаб бўладиган тортишишдан бўлади, бу [ҳол] сийдикни ҳаддан ташқари узоқ тутиб турган кишида қовуғи чўзилиб йўл ёпилиб қолиши натижасида бўлади. Бу хил [сийдикни] тутиб туриш кечаси уйқу сабабли ва кундузи машғул бўлганлик сабабли бўлади.

Ҳамкорликдан бўладиган тиқилма сабабли бўладиган [сийдик тутилиши], масалан, ичак, бачадон ва қиндиқ олдидаги иссиқ ёки қаттиқ шиш сабабли бўлади, ёки ахлатининг қуруқлиги, чўзувчи кўп балғам, қарши таъсирли ёки чўзувчи елдан, тўғри ичакда ўса бош-

лаган шишдан бўлади. Баъзан ичбуруғ [захир], бавосирни кесиши ёки бавосир алами, ёки [орқа тешикнинг] алам берувчи ёрилишидан ҳам бўлади. Ё, масалан, умуртқа поғонасининг пастки томонида шиш ёки буралиш пайдо бўлиши, ёки маяк қорин девори томон кўтарилиб, сийдик йўлини сиқиши ва юқорига тортиб, уни торайтириши [натижасида] сийдик чиқиши қийинлашади ва у оғриқ билан оз-оздан чиқади.

Сийишни қийинластирувчи ва уни тутиб турувчи сабаб баъзан сийдик йўлидаги тиқилмасиз ва шишиз яраларнинг оғрифи бўлади. Ҳар гал [касал] сиймоқчи бўлганида, [яра] оғритади ва сийувчи киши оғриқдан қочиб қовуғини қорин мушаклари билан сиқмайди, айниқса мушакларда кучсизлик, тиришиш бўлганда ва шунга ўхшаш ҳолларда шундай бўлади. Касал ўзини зўрлаб сийса, миқдор ва кайфиятда табиий бўлган сийдикни сияди ва оғриқ тўхтайди. [Касални] мажбур этилганда ҳам шундай бўлади. Баъзан бундай касалнинг сийиши қийин бўлиши билан бирга сийдиги томчилаб чиқади, гўё сийдикнинг оз-оздан чиқиши [оғриқни] енгиллатиб, уни чидаб бўладиган ҳолга келтиради.

[Сийиш қийинлигининг] сабаби қувватда бўлишига келсак, бу ё сезувчи қувватда, ё ҳаракатлантирувчи қувватда, ёки табиий қувватда бўлади. Сабаб ҳис қилювчи қувватда бўлганда қовуқнинг ҳиссига ёки мушакларига оғат етган бўлади ва [натижада ҳис] ҳайдовчи қувватдан кучли ҳайдашни талаб қилолмайди. Ёки [сезгиларнинг] келиб чиқадиган жойларига шундай оғат етган бўлади, [масалан], қаронитус ва литағиғус касалликларида эсдан чиқариш ва кам сезиш бўлгани каби. Ҳаракатлантирувчи қувват сабабли сийиш қийинлашишига келсак, бунда мушак бўшашиб [ёйилолмайди] ва қисилишдан қутилиб ёйилиш томон ҳаракат қилолмайди. Бунда қорин мушаклари ҳаракат қилдирувчи қувватга бўйсунмайди ва қовуқда бўлган нарсани қувват кучсизлиги ёки тортишиш ва шу каби ҳолатлар сабабли сиқиб [чиқаролмайди].

[Сийиш] табиий қувват сабабли қийинлашганда, — масалан, ҳайдовчи қувват хилоф иссиқ мизожнинг бузилишидан кучсизланади, — бу камроқ учрайди; ёки соvuқ мизожнинг бузилишидан кучсизланади, бу эса кўпроқ учрайди. Ёки моддали мизожнинг бузилиши сабабли [кучсизлашади], масалан, бу хил мизож иссиқ бўлганда сийдик ўткир бўлади, совуқ бўлганда эса бўшаштирувчи ёки тортиштирувчи рутубатлар мавжуд бўлади.

Бундай қучсизликнинг сабаби гоҳо [инсоннинг] сийдикни тутиб туриси ихтиёрининг табиатга қарши туриси бўлади, натижада ҳайдовчи қувват кучсизланади.

Мушакларда бўладиган сабабга келсак, бу ё [унинг] мизожига етган оғат, ё [ундаги] шиш бўлади, ёки тиришиш, бўшашиш, ёнки йиқилиш, ё урилиш ва бошқа сабабли ҳаракат қобйлиятининг йўқолиши каби асабга етган оғатдан иборат бўлади. Бу оғатлар ё [асабнинг] ўзида ёки уларнинг келиб чиқсан жойларида бўлади, масалан, асабнинг тармоқларида орқа мия ва бош мияда бўлади.

[Сийдик] юборувчи аъзодаги сабаб туфайли [сийдик тутилганда у буйракда иссиқ шиш, ёки қаттиқ шиш, ё тош бўлади, ёки юқоридан тортузчи ва тубанга ҳайдовчи қувватлардан бири кучсизланган бўлади; ёки жигар истисқо каби ҳоллар сабабли сувлик қисмни айриб [буйракка] юборишга қодир бўлмайди. Бу қисмни тармоқлари билан айрим боб қилишинг ёки сийдикнинг озайиш қабилидан деб билишинг мумкин.

Сийдикнинг ўзидағи сабабдан бўладиган [тутилишда] сийдик алам берадиган даражада ўткир бўлади; бу кўп маротаба тажриба қилинган. Айтишларича, сийиш қийинлиги бўлиб, унинг кетидан ичбуруғ бўлган киши еттинчи кунда ўлади; агар унда иситмә пайдо бўлса ва сийдикни кучли ҳайдаса, [ўлмаслиги мумкин].

Билгинки, кўпинча, сийдикнинг куйдириб ачитиши тамом бўлгач, кетидан сийдик йўлидаги безларда қуришлик пайдо бўлади ва бу ҳол сийдикнинг қуюлишига ва тутимишига олиб боради. Бундай ҳол юз бермаслиги учун ҳўлловчи нарсаларни истеъмол қилиш керак.

Белгилар. Мизож совуқлиги сабабли бўлган сийдик тутимишининг белгиси сийдик қуюқ бўлса ҳам, суюқ бўлса ҳам, тусининг оқ бўлишидир. Бундан илгари ҳожатга кўп туришга муҳтоҷ бўлиш, иссиқ сувда чўмилишни кўп исташ, совуқни кўп сезиш ва шу билан бирга бошқа алломатларнинг юз бермаслигидир. Сабаб иссиқлик бўлганда бунга сийдик ўткирлиги ва аланганданишининг сезилиши белги бўлади. Агар [касалликка] совуқдан сиқилиш сабаб бўлса, бўшаштиришдан фойдаланиш бунга белги бўлади. Агар [баданинг] эриши ва қуидиравчи иситмалар сабаб бўлса, уни ҳўллашнинг фойда қилишидан билинади; [бу хил] тутимишининг белгиларидан яна бири шуки, бунда оз сийдик чиқмайди ва кўп миқдордагиси ҳўллиги, сийдик йўлини ҳўллаши ва кенгайтириши сабабли осонлик билан чиқади,

Қовуқда ёки қовуққа қўшни аъзоларда бўлган шиши
ё чиқиқ сабабли бўладиган [сийиш қийинлигининг] белгисини эса юқорида айтилганлардан билдинг, буларнинг ҳар бирига айрим мустақил фасл бағишлиданади. Кейин, шишдан бўлган сийиш қийинлиги билан бошқа сабабдан бўлган сийиш қийинлиги орасидаги фарқлардан бири шуки, шишдан бўлганда бу [касаллик] жуда оғир бўлмаса [сийдик] бирдан эмас, оз-оз ва аста-секин тутилади.

Қовуқдаги тиқилмадан бўлган сийдик тутилиши, унда бўлган касалликдан ёки қовуқнинг қисилиши [натижасида] чўзилиши, кўпчиши ва тортишиши тифайли бўлишини биласан. Сийдикни юборувчи аъзо [буйрак] сабабли сийдик тутилишида қовуқ чўзилиши ва кўпчиши бўлмайди. Тиқилманинг ҳамма хиллари хоҳ қовуқнинг ўзидан, хоҳ қисувчи бирон нарсадан пайдо бўлган бўлсин, оғриқ билан ўтади. Тиқилма пайдо қилувчи шиш юқорида билган белгилари билан танилади. Шинисиз, тиқилувчи моддани катетердан, яъни у чиқарган қон ёки хилтдан, ёки катетернинг йўлини тўсиб, уни ичкарига киришга қўймаган сўгал ё тош, ё чандиқдан билинади. Тошни ўзининг аломатларидан ва катетернинг жуда қаттиқ нарсага тегишидан биласан. Қон билан хилт яна илгари чиқарилган сийдикдан ҳам билинади. Қоннинг ўзини қовуқда қон қотиш белгиларидан, яъни рангнинг сарфайишидан, нафас билан томир уришининг кичкланиши ва тезлашувидан, совуқ тердан, титроқли иситмадан ва кўнгил айнишдан билинади. Бу — касалликларнинг ёмон хили бўлиб, ундан қутилиш кам учрайди. Қуюқ хилтни, — агар у арзидиган миқдорда бўлса, — сезиларли оғирликдан ва сийдикдан ҳам шиллиқ чиқишидан билинади.

Ийғувчи [қисувчи] ёки қотиравчи совуқдан бўлган сийдик тутилишига келсак, уни биргалашувчи ва олдин бўлиб ўтган сабаблардан билинади. Елдан бўладиган сийдик тутилишининг белгилари оғирликсиз тортишишdir. Бу [еллар], кўпинча, кўчиб юради ва баъзан қовуқда қамалиб қолади. Сезиш кучсизлигидан бўлган сийдик тутилишининг белгиси — сийдикнинг ачиширишини сезмасликдир. Ҳайдовчи қувват кучсизлиги туфайли [сийдик тутилганда], қовуқни қўл билан босилса, сийдик осонлик билан чиқади. Мушакнинг бўшағанлигига сийдикнинг зарб билан чиқмай, кучсиз чиқиши ва ичдаги бирон нарса сиқишига жавоб бермағанлигининг сезилиши белги бўлади; бунда ҳам қовуқни

[босиш] сийдикни [тез] чиқаради. Мушакнинг тириш-ганлик белгиси шундан иборатки, бунда чиқадиган озгина сийдик ҳам зарб билан отилиб чиқади.

Буйрак кучсизлигидан бўлган сийдик тутилишини юқорида айтиб ўтилган [буйрак кучсизлиги] белгиларидан билинади, буйрак тоши ва шишдан бўлган сийдик тутилишида ҳам шундай. Хуласа: агар оғирлик ва оғриқ буйрак томонда сезилса, иллат буйракда бўлади, агар бунда шиш белгилари бўлса, буйракда шиш бўлади. Агар [буйрак чегарасида] жуда кўп оғирлик бўлса, у ерда сийдик қамалиб қолган бўлади. Агар оғирлик бундан кўра озроқ бўлса, бу ерда шиш ёки шишиз тўсувчи рутубат бор бўлади. Агар оғирлик бўлмасдан, балки тортишиб оғриш сезилса, буйракда ел бор бўлади.

Агар қорин юмшоқ бўлиб, буйрак ва қовуқ тиқилмалари ҳамда қовуқ кучсизлиги ва бошқа [иллатларнинг] белгилари бўлмаса, [сийдик тутилишининг] сабаби буйракдаги [сувлиликни] тортиш қувватининг кучсизлиги бўлади. Буйракдаги тортиш қувватининг ёки жигардаги ҳайдовчи қувватнинг кучсизлигидан бўлган [сийдик тутилишига] истисқо касаллигининг белгилари далолат қиласи. Яра ёки сийдик ўткирлигидан пайдо бўлган оғриқ сабабли бўладиган [сийдик тутилишининг] белгиси шуки, бунда оғриққа чидаб турганда, шўнингдек чидашга мажбур қилингандан кейин, сийила оғриқ қолади.

Ярадан бўлган сийдик тутилишида яраларнинг белгилари юз беради. Без аъзоларда ҳўлликнинг қуришидан бўлган [сийдик тутилишининг] белгилари мазкур сабабларнинг олдиндан бўлганлиги ва ҳўлловчи нарсалар билан ҳўлланганда сийдикнинг мўл чиқарилишидир.

Иккала касалликни даволаш. Агар сабаб мадда ёки хилт бўлса ва [касалнинг] аҳволи сийдик ҳайдовчилар фойда қиладиган даражадан ёмон бўлмаса, ўзинг билганинг кучли очувчи дори истеъмол қилганингда, у қовуққа бошқа моддани янгидан туширади, оғриқ ва тортишув ортади, ҳеч нарса чиқиб кетмайди. Бу бобда турп сувининг кучли таъсири бордир, ҳаттоқи уни овқат билан истеъмол қилиш керак; қора нўхат суви ҳам шундайдир.

Сийдирувчи нарсаларга келсак, улар тоғ петрушка-сининг уруғи, ёввойи сабзи уруғи, қаврак елими, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, амом, қуст, рум сас-

Сиқ қавраги, иғир, укрол ва унинг уруғи, буларнинг ҳам-
масини қайнатилган турп сувида ёки қора нўхат сувида,
ё темиртикац сувида, петрушка ва арпабодиён, хусусан
ёввойи арпабодиён ширасида ичилади. Даشت пиёзидан
қилинган *сиканжубиндан* ичиш ҳам жуда фойдалидир.
Митридат ва тарёқнинг фойдаси зўрдир; *куркум* дориси,
амрусиё ва Кубод подшо дориси ҳам шундай. Буларни
болаларга оналарининг сути билан ичирилади ёки улар-
ни эмизузвчи хотинларнинг ўзига ичирилади.

Кучли сайдирувчи дорининг тарки-
би; арча бужури, туёғўт, амом, жувона, тоғ петруш-
каси уруғи, рўян, аччиқ бодом ва сунбулнинг ҳар бири-
дан йигирма *дирҳамдан*, қовун уруғидан ўн *дирҳам*, бош
за қанотлари қирқилган олакуланг таналаридан бир
дирҳам олинади. [Сўнг] қаврак елимими мусалласда
эритиб, шу таркибдан фундуқлар тайёрланади. Бунинг
бир ичими уч *дирҳамгача* бўлади. Яна арча бужури ва
ангузадан қовуқда қон қотиш бобида айтилган таркиб-
да тайёрланган дорини ичилади ёки қовуққа юборилади.
Гоҳо таркибига қундуз қири, *фарфюон*, занжабил, узун
мурҷ ва бальзам ёғи кирадиган дорилар [ҳам] ясалади.
Оғриқ бўлса, бундай дориларга афюн, мингдевона
уруги қўшилади. Сен бу [дориларни] «Қарободин»дан
тонасан.

Тош дориларининг ҳаммаси бу [касалликнинг] кўп-
чилик турларига, улар хоҳ иссиқликдан, хоҳ совуқлик-
дан бўлсин, шиши ёки яралар бўлмаган тақдирда фой-
далидир. Бундай [дорилар] чаёнларнинг кули, булут
тоши за шиша кулидан иборатдир. Айтишларича, латча
қовуғининг қуритилгани сайдик тутилиши учун таъсири-
ли нарсалардан саналади; бундан, райҳоний шаробда
уч *дирҳам* ичилади. Яна куйдирилган дарё қисқичбақа-
сидан икки *дирҳам* олиб, райҳоний шароб билан, айниқ-
са болаларга ичирилади.

Сабаби қовуқнинг совуқлиги бўлган [касалликлар]
бобида бошқа дориларни айтганмиз; [бу касалликни да-
воловашда], ўша айтилганларни ҳам ўқиш керак. Қуол-
гани қон парчасининг [ивиб] қотиб қолиши сабабли бўл-
гани [сайдик тутилишини] эса қовуқда ивиган қоннино
қотиши бобида айтилган нарсалар билан даволанади.
Гоҳо шу дориларни турп суви билан қўшиб, қуюқ сурт-
ма қилиб ишлатилади. Гоҳо буларни тарёқ, митридат,
амрусиё ё *куркум* дориси ва Кубод подшо давоси билан
қўшиб суртилади. Баъзан исириқ, кийик ўти [ва] кап-
тар тезагидан тайёрланган кучли қуйиладиган дори

тайёрлашга муҳтожлик туғилади. Яна бурақ, назла ўти, хардалдан [ҳам шундай қўйиладиган дори] тайёрланади.

Тажрибадан ўтган яхши қуюқ суртма: дафна меваси, укроп, амом, қашқарбеда, қора нўхат уни ва бобунанинг ҳар биридан ўн дирҳамдан, ёввойи сабзи уруғи, тури уруғи, боғ ва тоғ петрушкалари уруғининг ҳар биридан ети дирҳамдан олинади; бальзам ёғи ёки гулсапсар ёғига арман карамининг сувини қўшиб, буларнинг [ҳаммасини] қориб қуюқ суртма тайёрланади.

Яхши марҳам таркиби: Эрон қавраги, муқл, говшири ва игирлардан баробар ҳиссалар олиб, ўрдак ёғи, сариқ мум ва гулсапсар ёғи билан қўшиб марҳам тайёрланади. Асбоб билан қовуққа юбориладиган дорилардан гальбан елими, майъа елими, говшири ва мурчдан тайёрланган дорилар [ишлатилади]; баъзан бунига ангуза ҳам қўшилади.

Агар [сийдик тутилишининг] сабаби тош бўлса, тошнинг қаерда бўлишига қараб даволанади. Агар бунинг сабаби сўгал, ортиқ ўсан гўшт ва эт униш бўлса, бунинг учун даво бўшаштирадиган ванналарга тушиш, қовуқ бобидаги маълум бўшаштирувчи ёрларни ишлатиш, нордон ва буриштирувчи нарсалардан сақланишдан иборат. Булар баъзан таъсири қилиб ва баъзан таъсири қилмайди.

Агар [сийдик тутилишининг] сабаби шиш бўлса, шишни даволаб бўшаштирилади ва юмшатилади. Шунингдек, [касални] сув ҳаммомида терлатилади. Юмшатувчи дорилардан қуюқ суртма, қовуққа юбориладиган ва тўғри ичакка кўтариладиган дорилар тайёрланади. Сув ичишни камайтириб [касални] сийдирувчи нарсалардан бутунлай узоқлаштирилади ва уни икки кунга бўлса ҳам овқатдан тийилади. Кўп бўшаштириш ва юмшатишдан кейин шиш юмшаганда гоҳо қўл билан уқалаб [қовуқни] сиқилса, сийдик чиқади. Бундай ҳолларда карам, гулхайри, пиёз ва ганданонинг қайнатилганини боғланса, кўп ёрдам беради. *Бослиқдан* қон олиш олдиндан қилинадиган ишларнинг энг зарурларидандир, бундан кейин болдир венасидан қон олинади. Баъзан, шулардан кейин сийдик юришиб кетади.

Агар [сийдик тутилишининг] сабаби совуқ ва сиқилиш бўлса, совуқ мизожнинг бузилишида қўлланиладиган дорилар билан даволанади; агар сабаб иссиқлик бўлса, юмшатадиган ва бўшаштирадиган мўтадил ва совуқ ёғлар билан даволанади, масалан, гунафша ёғи

ва қовәқ ёғини укроп ва бобуна ёғлари билан эритиб ёшилатилади. Агар бунда қуруқлик ҳам бўлса, бўшашибуровчи ванналар, ёғлар ва ҳўлловчи овқатларни истемол қилиб, касалликдан янги соғайган кишилар тадбири қўлланилади ва касални ҳаммомга туцирилади.

Агар [сийдик тутилишига] сабаб фалаж бўлса, фалажнинг иложи билан даволанади. Агар сабаб мушакларнинг тиришуви бўлса, тиришиш бобида айтилган чоралар қўлланилади. Агар сабаб совуқ мизож бўлса, билган иссиқ ёғлар ва иссиқ маъжунларинг билан даволанади. Қўйидаги таркиблар бунга ва фалажга фойда қиласидиган нарсалардан саналади: ёввойи капитар тезагидан ярим дирҳам олиб, болалар сийдиги билан ичилса, сийдикни юргизади; ёки сичқон тезагидан бир мисқол олиб, укроп қайнатилган сув билан ичилади. Қўпинча, у иккаласини мумиё билан [қовуққа] юборилади. Ёки калхатнинг қуритилган жифилдонидан бир дирҳамни ўзи баробар ҳинд тузи ва иссиқ сув билан юборилади. Унга рум сунбули ёғини иссиқ сув билан ёки икки донақ ангузани эшак сути билан ичиш фойда қиласиди. Бу дорилар қуюқ хилтдан бўлган [сийдик тутилишига] ҳам фойда қиласиди.

Иссиқдан бўлган сийдик тутилишига келсак, буни совуқлик уруғлар, коҳу донлари, суюлтирилган шароб ва аччиқ анор [суви] билан даволанади.

Агар сийдик тутилиши йиқилиш ёки урилиш сабабли бўлса ва булардан шиш пайдо бўлган ёки бўлмаганлигидан [қатъи назар] бирон нарсани ўринидан силжитган бўлса, уни даволашда биринчидан — томирдан қон олиш, мўътадил бўшаштирувчи нарсалар, ванналарга солиш ва сийдиришга ҳаракат қилиш билан даволанади. Агар [касал] кўп қон сийса, каҳрабонинг ёнгоқ елимида тайёрланган кулчалари билан [қонни] тўхтат. Агар қоннинг ивиб қолишидан қўрқсанг, уни ивиб қотган қоннинг иложи билан даволагин. Агар ивиган қон тиқилмага айланган бўлса, ивиган қон тиқилмасини даволагин; буни юқорида айтиб ўтилди.

Агар сабаби ел бўлса, қовуқ елининг иложи билан даволанади. Агар [сийдик тутилиши] сийишга монелик қиласидиган оғриқ сабабли бўлса, увштирувчи [дориларни] қурол билан [қовуққа] юбориш орқали даволанади, кейин сийдириш тадбири қўлланилади, бундан кейин яралардаги илож қўлланилади, ёки ўтқир сийдикни айтиб ўтилган овқат ва сабзавотлар билан, шунингдек елимловчи нарсаларни қурол ёрдамида [сийдик йўлига]

юбориш билан мўътадиллаштирилади; бу нарсалар ўт-
кир сийдик билан сийдик йўлининг сезувчи сатҳи ора-
сида тўсиқ бўлади.

Сезишнинг кучсизлигидан бўлган сийдик тутилишида,
агар касаллик бошланган аъзо [бошқа бўлса], уни да-
воланади, агар мушак ва қовуқнинг ўзидан қўзғалган
бўлса, тарёқ ва митридат каби заҳарга қарши дорилар,
руҳга мувофиқ келадиган ишқаланадиган ва қурол ёр-
дамида юборилувчи дорилар билан, масалан, ясмин,
наргис, гулсангар ёғлари ҳамда заъфарон ёғи ва айниқ-
са, бальзам ёғи билан даволанади. Нафсоний руҳ се-
вадиган мевалик дарахт ва сабзавотларнинг япроғидан,
масалан, олма ва боғ ялпизи япроқларидан, шунинг-
дек газагўтдан қуюқ суртмалар истеъмол қилинади.
Буларга исириқ ва тоғ газагўтлари каби қўзғатувчи
нарсалар аралаштирилади, кейин буларни қовуқ устига
боғлайдилар.

Агар [сийдик тутилиши] ҳайдовчи қувватнинг куч-
сизлигидан бўлса, ғолиб мизож ва кучсизлантирувчи
касалликни билганларнинг риоя қилиб даволанади.
Бу, кўпинча, совуқликдан бўлади, уни қиздириш ва
буриштириш хусусияти бўлган нарсалар билан, хусусан
[қовуқда бўладиган] сезиш кучсизлиги тўғрисида айтил-
ган нарсалар билан даволанади.

Агар сабаб сийдикни узоқ ушлаб туришдан бўлса,
уни ҳам зифир уруғи, сариқ йўнғичқа, махсар ва беда-
лардан тайёрланган юмшатиб бўшаштирувчи ванналар
ва шу нарсалардан тайёрланган қуюқ суртмалар билан
даволанади, сўнгра сийдикни юргизишда кучли дорилар
ва катетер ишлатилади. Бу ўринда бальзам ёғи ва бу-
нинг қаторидагиларнинг катта фойдаси бордир.

Буйрак, жигар, ичак ёки орқа сабабли бўлган сий-
дик тутилишида шу аъзоларни даволаш керак; агар да-
волаш у аъзоларга фойда қилса, бунга ҳам фойда қи-
лади; фойда қилмаса, бўшаштирувчиларни истеъмол
қилиш керак, масалан, ванналар, қуюқ суртмалар, қу-
рол орқали [қовуққа] юбориладиган дорилар, шунинг-
дек сийдирувчилар ҳам истеъмол қилинади; лекин кўп
моддани тушириб юборишдан қўрқилса, [сийдирувчи-
ларнинг истеъмолини чегаралаш керак].

Билгинки, сут, — иситма бўлмаганда, — уларга энг
ярайдиган нарсадир. Агар уруғлардан ясалган фундуқ-
лар ярайдиган бўлиб, иситма бўлмаса, яхшиси уларни
сут билан ичиришдир.

КУП ЖИХАТДАН ФОЙДАЛИ БУЛГАН СИЙДИРУВЧИ ДОРИЛАР БАЕНИ

Бир [табибнинг] айтишича, капитар тезагини *мумид* билан юборилса, сийдиради; ғализ тиқилма бобида ва совуқдан бўлган [сийдик тутилишини] даволашда айтилган нарсалар ҳам шундай. Бир [табиб] айтади: «Тажриба қилиб қуйидагини ишлатиб кўрдик, таъсир қилди: табарзат тузидан кўтарма дори ясад, тўғри ичакка кўтарилса, сийдикни юргизиб, ични равон қиласади». Айтишларига кўра, бит ёки тўшакдан тўкиладиган канани олиб, олат ичига киргизилса, сийдикни юргизади, бу *фасофис* ва *анжил* деб аталадиган нарсалар бўлса керак. Шунингдек саримсоқ ва пиёзни [ола-устига] суртилса ҳам сийдикни юргизади; ёки заъфарон чўпини сийдик йўлига киргизилса ҳам шундай бўлади. Шиш бўлмасдан, қандайдир бир тиқилма бўлса, зайдун ёғига солиб офтобга қўйилган жуда зарарли бўлмаган оқ чаёнларни кумушдан ясалган қуролда юборилса ва унинг киришига дам бериш билан ёрдам қилинса, фойда беради.

КАТЕТЕР ВА УНИ СИЙДИРИШДА ҲАМДА ДОРИ ЮБОРИШДА ҚУЛЛАШ

Дорилар таъсир этмаганда, бошқача ҳийла қилиб катетер ва сийдирувчи нарса ишлатиш керак бўлади. Қовуқда шиш борлигига ёки уни яқиндан эзив [босиб] турган нарса бўлганда, буни ишлатишдан сақлан, чунки бундай вақтларда уни киргиши шишга сабаб бўлиб, оғриқни ортиради.

Катетернинг энг яхшиси энг мулойим ва букилиши жуда осон буюмдан қилинганидир. Баъзи денгиз ҳайвонлари ва баъзи бир қуруқликда яшайдиган ҳайвонларнинг териси бир оз ошланса, шундай бўлади. Кейин бундан катетер ясад уни оғиз елими билан ёпиштирилади. Баъзан катетерни қўргошин ва қалайдан қилинади, булар ҳам яхши бўлади. Агар улар жуда ҳам юмшоқ бўлиб қолса, [қўргошин ёки қалайга] шиша чиқиндиси ва марказитдан бир оз қўшиш ёки уларни кўп марта эритиб қўйиб, устига така қонини солиш орқали қаттиқроқ қилинади. Бу жиҳатдан така қонининг кучи фойдали таъсир беради, қўргошин ва қалайларни қаттиқроқ қиласади. Катетернинг учи мил учи каби думалоқ ва унда бир қанча тешиклар қилинган бўлиши керак; бунда тешикларнинг баъзисида қон, қум ёки қуюқ хилт-

дан бир оз қамалиб қолса, юбориладиган дорига ёхуд чиқариладиган сийдикка бошқа ўтиш жойи мавжуд бўлиб, қуролни кетма-кет чиқарип киргизишга эҳтиёж қолмайди. Қатетерни баъзан кумушдан ва бошқа маъданлардан ҳам ясалади.

Буларнинг ҳаммаси баъзан бирон нарсани [қовуққа] юборишга, баъзан ундан бир нарсани чиқаришга мўлжаллаб ясалади. Бир нарсани [қовуққа] юборишга мослаб ясалганининг очиқ бўш томонига кичик халтадек бир нарса ёки юмшатилган [мол] қовуғи бириткирилди; унга дори қўйилиб ҳуқнада юборилганидек юборилади. Буларни қуланж бобида айтганимиз танланган ҳуқна қуролига ўхшатиб ясаш ҳам мумкин.

Агар катетер сийдикни чиқаришга мосланиб ясаладиган бўлса, бунда бўшлиқ бўлиши мумкин эмаслигига асосланиб, тортувчи қуролни [поршень шаклида] қилишга тўғри келади. Бу шундай бўлади: [катетернинг] ичини бирон нарса билан тўлдирилади, кейин у нарсани куч билан тортилади, шунда унинг кетидан чиқарилиши керак бўлган сийдик ёки бошқа нарса тортилади. Баъзан катетернинг ичига ё устига лойиқ қилиб бирон нарсани киргизиб қўйилади, бу нарса бир қадар ҳавони [катетер ичидан] сиқиб чиқаради, у нарсани тортилганда ҳаво учун кирап жой бўлмагани учун, равон қилинмоқчи бўлган сийдик ёки бошқа нарса ҳам албатта тортилиб чиқади. Катетер ичидаги бўшлиқни тўлдириб турадиган нарса толалари бир текисдаги юнг парчаси бўлиб, унинг ўртасидан ип билан боғланган бўлади. Агар юнгни [катетернинг] иккала очиқ томонидаги ковакка тиқиб, кейин ипни тортилса, юнг чиқади ва бунга өргашадиган [сийдик] ҳам кетидан чиқади. Иккинчи хил [қуролда] эса катетернинг ковагидан ўтувчи нарса тикка бир таёқча ёки уни қоплайдиган филоф бўлиб, бунинг ушлаб тортадиган дастаси ҳам бўлади.

Бу қуролни ишлатишга келсак, унинг энг яхшиси: касални думғаза суяги учига ўтқазиб, орқасидан ушлаб турилади, думбаси билан ўтқазилмайди; унинг иккала тиззасини човларидан юқорироққача кўтарилади ва чов оралиқлари очиқ тутилади; бундан олдин [касалнинг баданини] бўшаштирувчи ванналар билан иситилиб, кейин катетерни унинг олати узунлиги қадар киргизилади. Ҳар бир киши учун ишлатиладиган қурол, олатнинг узун-қисқалиги ва кенг-торлигига қараб [ясалган] бўлиши керак. Катетерга олдин мумли ёғ, айниқса мақсадга муносиб ёғлар суртилган бўлиши керак. [Ка-

тетер олатнинг] узүйлигина киргандан кейин, олатни тургандагидек қилиб тиккалав, киндиқ томонга бир оз мойил қилинади, кейин секинлик билан катетерни бир [бармоқ] бўғини ёки икки бўғин қадар қовуқ йўлига юбориб, уни қовуқ бўшлиғига етказилади. Бу пайт оғриқ тўхтайди ёки камаяди, ёки [катетернинг] ичкарига ўтиб [чиқариладиган] нарсани қўзғатгани сезилади; хулоса, унинг [қовуққа] ўтгани сезилиб туради, кейин олатни тубанга, ўз ҳолига ёки ундан ҳам тубанроққа қайтарилади; шундай қилганингдан кейин, агар керак бўлса, бирон нарсани торт, ёки [дори] юбормоқчи бўлсанг, уни итариб киргиз. Умуман, катетернинг шилмаслиги ва оғритмаслиги учун уни секин ва мулоҳимлик билан ишлатиш керак.

ДИАБЕТ

Диабет сувнинг қандай ичилган бўлса, шундайича қисқа вақтда [сийилиб] чиқишидир. Бу касалликнинг ичиладиган нарса ҳам касал аъзоларга нисбати — меъда ва ичак тойғаноқлигининг ейиладиган нарсалар ва ичакларга бўлган нисбати кабидир. Бу касалликнинг «диабет»дан бошқа яна бир неча юонча исмлари бордир, бунга гоҳо *диёсқумос, фаромис* ҳам дейилади; араб тилида уни *даввора* [айланувчан], *дўлоб* [сув тортадиган чарҳ], зилқ *ул-куля* [буйрак тойғаноқлиги], *зилқ ул-мажор вал-маъбар* [йўл ва ўтадиган жойлар тойғаноқлиги] деб аталади. Бу касалликка йўлиқдан киши чанқаб сув ичаверади, бироқ қонмайди, аксинча, ичиши биланоқ сия беради ва сийдикни ҳеч бир тутиб турга олмайди. Диабетнинг сабаби — буйракнинг аҳволига боғлик, у [буйракнинг] кучсизлигидан, ё сийдик йўлининг оғизлари кенгайиб, буйракда сувлик қисм бўлган муддатда юмилмайдиган бўлиб қолишидан иборат. Бу гоҳо баданга ё жигарга таъсир қилган совуқдан бўлади. Баъзан совуқ сув ичиш ё музлатувчи совуқдан [баданинг] қаттиқ сиқилиши ҳам бунга сабаб бўлади. [Диабет] баъзан тортувчи қувватнинг зўрлигидан пайдо бўлади, [тортувчи қувватнинг зўрлиги] эса, хоҳ моддали бўлсин, хоҳ моддасиз бўлсин, табиий бўлмаган иссиқ қувватдан бўлади; бунинг моддасизи кўп учрайди. Буйрак [сув моддасини] жигардан ўзи кўтара оладиган [миқдордан] кўра ортиқроқ тортади ва уни ҳайдаб, яна жигардан тортади. Жигар эса, ўзининг юқорисидаги [аъзолардан] тортади, шундай қилиб, суюқ-

лиқнинг тортилиши ва ҳайдалиши тұхтосиз бұлиб туради. Сен биласанки, бирон суюқлик кучли суръатда ҳайдалса, бу бүшлиқнинг талабига биноан кетидагини әргаштиради, шунинг билан [суюқлик] кетма-кет тұпла-ниб, бири-бирининг кетидан илашиб кета беради.

Бу ёмон касалликдир, у, күпинча, эришга ва ингич-ка оғриққа олиб боради. Чунки бу касаллик бадандан күп рутубатни тортади ва баданинг сув ичиш орқали ортиқча рутубатдан кераклигини олишига моне бўлади. Шу дамгача ўқиган нарсаларингдан [бу касалликнинг] белгиларини ҳам била оласан.

Даволаш. Диабет пайдо бўлганда, кўпинча, олов сингари иссиқликдан пайдо бўлади. Шунинг учун уни сийдик ҳайдамайдиган нарсалардан коҳу ва кўкнор каби совуқ мизожли сабзавотлар, мевалар ва қуолти-рилган ширалар билан совутиш ва ҳўллаш орқали ҳам-да совуқ ва ҳўл ҳавода ором олдириш ва ташналикини қондириб буйракни совутиш ва [қовуқ] мушакларини кучайтириш учун совуқ ванинда кўкариб совқотгунча ўтқазиш билан даволанади. Бу касалликда кофур ва нилуфар каби совуқ [мизожли] хушбўйликларни ҳид-лаш ҳам фойда қиласди.

Бунга фойда қиласдиган тадбирлардан бири [касал-ни] ухлатиш ва ташналикини уннуганини тадбирлардан бири өса юқорида айтилган тадбирнинг ўзидир, сувдан ортиқча ичирилса ҳам бу иш билан машғул бўлиш керак. Бунинг энг яхшиси [касалга] жуда совуқ сув ичириб қостиришдир, буни бир неча бор тақрор-ланади. Сув моддасини қостириш ва қаттиқ терлатиш билан буйракдан [бошқа томонга] буриш керак. Бел-нинг паст томонини увшитириш ҳам фойда қиласдиган нарсалардандир, чунки бунда [тортувчи] қувват сув талаб қилишдан тұхтаб, уни тортишдан ҳам ожиз қо-лади. Бетобнинг сақланиши лозим бўлган нарсалардан бири орқани чарчатиш ва сийдирувчи нарсаларни истеъ-мол қилишдир. Буларга ични мўътадил ҳуқналар билан бўлса ҳам юмшатиш фойдаидир, чунки буларнинг кўп-чилигига ич қотган бўлади. Баъзан иллатнинг аввалида [касал] томирдан қон олдиришга муҳтож бўлади.

Ичиладиган фойдали нарсалардан [бири] совутил-ган нордон айрондир, бу қанча қуюқ бўлса, шунча яхши, хусусан қўй сутидан бўлгани энг яхшисидир. Қо-вурилган қовоқ суви, бодринг шираси, испағул уруғи ва аччиқ анор суви, тут суви, олхўри суви ва шунинг ка-билар ҳам [фойдали]. Бу хил ичимликларни касал сув

ўриинг кўттарганича ичади. Бое ялпизининг қуюқ ши-раси ҳам уларга жуда фойда қиласди. Қизил гулнинг суви, ҳатто унинг ширасини ўз вақтида ичилса, уларга фойда қилиб ташналийкни қондиради. Ҳар гел бундан икки қутулийгача ичилади. Сигир ёки қўйнинг ачиған айронидан томчилаб чиқсан сув ҳам уларга фойда қилиб, ташналикларини босади. Айтилишича, уларга фойда қиладиган нарсалардан [бири будир] — учта тухумни сиркага бир кечаку кундуз солиб қўйилади, кейин ичилади. Бундай [касалларга] биз тажриба қилган [тадбир] қуйидагича: арпа уни ҳамда чиритилган нор-дон айроннинг сузилган сувидан бўза тайёрланади, булардан бўза олишни бир неча марта такрорланади, кейин сузиб, сувини арпа уни билан қўшиб, яна бўза қилинади. Ҳар гал такрорланганда, [бўзанинг мизожи] совуқроқ бўлади; уни совутиб ичилади.

Анор гулидан қуйидаги таркибда тайёрланадиган кулчалар ҳам диабет дориларидандир: араб акациясининг ширасидан икки дирҳам, қизил гулдан уч дирҳам, анор гулидан тўрт дирҳам, араб елимидан бир дирҳам ва катиродан ярим дирҳам олинади ва ҳаммасини бирга қўшиб испағул шираси, совуқ сув ёки қовоқ суви билан ичилади. Яна табошир ва муҳр лойидаги қилинган кулчаларни қовоқ суви ёки бодринг, ё анор суви билан [ичилади]. Яна табошир, муҳр лойи ва куйдириб ювилган дарё қисқичбақасининг ҳар биридан бир бўлак; лаккдан учдан бир бўлак, кўкнор уруғи ва коҳу уруғининг ҳар биридан бир ярим бўлак олиб, шуларни испағул шираси билан қўшиб кулча дори қилинади ва керакли топилган миқдорда ичириб турилади.

Қуюқ суртмалар. Совутиш ва тиқилма пайдо қилиш хусусияти бўлган дорилардан тайёрланган қуюқ суртмалар [ишлатилади].

Қуюқ суртманинг нусхаси: толқон, агар топилса тоқ жингалакларидан олиб буларга бир оз беҳи, олма да дўлана гулларидан қўшилади, шунингдек янги қизил гул, ровоч, қизил тасма ва анор пўстидан [қўшилади]; ҳаммасини аралаштириб қуюқ суртма шаклида ишлатилади.

Суртиладиган дорилардан бири [мана бу]: араб акацияси ширасидан тўрт дирҳам, кундур елимидан икки дирҳам, такасоқол шираси, ладан ва ором доруларининг ҳар биридан икки дирҳамдан, мозидан бир дирҳам олиб янчилади ва ҳўл мирта суви билан қориб, суюқ ҳолида суртилади. Айрон билан ва қуюқ суртма-

лар бўбида айтилган буриштирувчи дорилар билан қилинадиган ҳуқналар бу касалликда кучли ҳуқналардан саналади. Гоҳо янги соғилган сут, қовоқ ва бодом ёғлари билан ҳуқна қилинади.

Диабет билан оғриганларнинг овқатлари латифликлари сабабли тезлика ўтга айланмайдиган нарсалардан иборат бўлиши керак; уларнинг латифлиги ва озлиги буғга айланниб тарқаладиган ва ахлатни қуритадиган даражада бўлмаслиги керак; [ахлатнинг] қуриши сув моддасини ичакдан буйракка йўналтириш билан бўлади. Аксинча [озиқнинг] латифлиги унинг сув қисми тарқалиб, кўп сийдик тўпламайдиган [даражада] бўлса ва бу билан ич юмшоқ бўладиган бўлса, бу яхши озиқдир, чунки [бундай касалларга] буюриладиган озиқлар орасида ёнг яхшиси ейилганда ични юмшатиб, ташналиknи синдирадиганларидир.

Уларга мувофиқ келадиган озиқлар **хандарусдан** тайёрланган атала, кашкоб, сихкабблар ва ҳуломлар бўлиб, буларга ични боғловчи баъзи бир нарсалар ҳам аралашган бўлиши керак. Яна бир яшар мол этидан, семиз товуқлардан ва қорамол почаларидан қилинган ёғли шўрвалар, агар ташна қилишидан кўрқимаса, нордон қилинган ва қилинмаган янги балиқлар, сув қўшиб пиширилган эчки сути, бунда қўшилган сувнинг ҳаммаси ва сутнинг бир оз қисми қайнаб чиқиб кетиши керак; буларнинг ҳаммаси диабет билан оғриганларга фойдалидир. Совутиш ва буриштириш хоссаси бўлган меваларнинг беҳи каби сийдикни ҳайдаш таъсири бўлганларидан парҳез қилиш керак. Агар бу [касаллик] совуқ [мизождан] пайдо бўлган бўлса ва шу билан бирга бир оз ташналик ҳам бўлса, — бироқ бундай [касални] кўриш бизга тўғри келмади, — бунга баъзи илгари ўтган олимлар тадбир қилганлар ва айтганларки, ташналиknи латиф тадбир билан тўхтатиб, кейин енгил ҳуқналар билан ични бир неча марта суриш керак. Кейин ҳар бири нўхатдек бўлган ўн бир дона сабр, ҳаб дориси билан ични сурилади, сўнгра [касалга] уч кун дам бериб, ҳалиги тадбирларни қайтарилади. Кейин, таом устидан [касалга] турп ва шунга ўхшаш нарсаларни бериб қустирилади ва унинг баданини, **айниқса** қўл ва оёқларини қортиқлар, пахтадоғлар ва буғлашлар билан қиздирилади, баъзан қизартирадиган дорилар истеъмол қилишга тўғри келади.



УРУФ АЪЗОЛАРИНИНГ МИЗОЖЛАРИНИ ҚЎРСАТУВЧИ БЕЛГИЛАР

Иссиқ мизожнинг белгилари. Олатдаги ва [мояқ] халтасидаги томирларнинг кўриниб туриши, йўғонлиги ва қаттиқлиги, қов ва унга яқин ерлардаги мўйларнинг тез ўсиши, [уларнинг] дағал, кўп ва зич бўлиши, тез балогатга етиш. Уруфининг мизожини билишни хоҳлаган киши [аввало] ўз тадбирини ислоҳ қилиб, сўнг уруфининг рангини кўрсин.

Совуқ мизожнинг белгилари. Юқоридагиларнинг аксидир.

Хўй мизожнинг белгилари. Уруфнинг суюқлиги, кўплитиги ва олатнинг суст тараплашиши.

Қуруқ мизожнинг белгилари. [Ҳўй мизож белгилари-нинг] аксидир. Бунда уруф баъзан ип шаклида чиқади.

Иссиқ-қуруқ мизожнинг белгилари. Уруф жавҳарининг зич бўлиши, шаҳватнинг тезлигидан андак жинсий ёндашиб ва уни ўйлаш билан ҳам уруфининг тўкилиши, кўпинча, түғдириши; бу мизожда шаҳват кучли ва тез, ҳаракати зўр бўлади, лекин бу [мизождаги киши] алоқадан тез қолади. Агар қуруқлик ҳаддан ташқари бўлса, сувлик озайиб, олат тез-тез қўзғалади, бироқ уруф кам тушади. Қов, сон ва уларнинг яқинларидағи мўйлар иссиқ ва қуруқ мизожда қалин ва кўп бўлади.

Иссиқ-ҳўй мизожнинг белгилари. Бундай кишида, иссиқ-қуруқ мизожли кишига қараганда уруф кўп бўлади. Бироқ мойлари камроқ, бола бўлдириши ҳам камроқ бўлади; кўп алоқага қобилияти жиҳатидан кучлироқ бўлади, бироқ шаҳвати ва қўзғалиши кўп бўлмайди. Алоқани ҳаддан ташқари тарк қилса, заарланаради. Иҳтиломи кўп, етилиши тез бўлади.

Совуқ-қуруқ мизожнинг белгилари. Уруфнинг қуюқлиги, озлиги ва ҳамма жиҳатдан иссиқ ҳўй мизожнинг аксича бўлишлик.

Совуқ-ҳўй мизожнинг белгилари. Қов атрофларида,

мўйнинг кам бўлиши, шаҳват ва алоқанинг сустлиги, уруғнинг суюқлиги, насллантиришнинг камлиги, [мўй] ўсишининг сустлиги ва уларнинг камлиги.

Табиий бўлмаган мизожларнинг белгилари ҳалигача пайдо бўлмаган табиий мизож белгиларининг пайдо бўлишидир; унинг ҳар хил турларини ҳис орқали билинади.

ЖИНСИЙ АЛОҚАНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Уз вақтида воқе бўлган ўрта ва мўътадил жинсий алоқа шундай бўладики, унинг кетидан чиқиндиларни бўшатиш, гавдани енгиллашуви ва гавдани [кейинги] ўсишга тайёрлаш ҳосил бўлади. Гўё сўнгги озиқдан бир нарсани кучлаб бадандан олинган бўлиб, унинг ўрнини тўлдириш учун табиат кучли таъсир қиласиган ҳаракатда бўлади; шу вақтда бўладиган бўшалиш бунга ёрдам қиласи. Гоҳо алоқадан кейин [кишини] енгган фикр йўқолиб, тетиклик пайдо бўлади, қаттиқ аччиқланиш босилади ва [киши] тинчланади. Бу ўзининг тетик қилиши ва мия ҳам юракда уруғ туфайли тўпланган дудни даф қилиши билан меланхолияга, савдоий касалликларнинг кўпига фойда қиласи. Тўлиқликдан бўлган буйрак оғриқларига, балғамий касалликларнинг ҳаммасига, — айниқса булар туғма ҳарорати уруғ чиқиши билан камаймайдиган кишиларда бўлсалар, — фойда қиласи. Шунингдек, у овқатга иштаҳани очади; чов ва мояклар атрофида пайдо бўладиган шишларнинг моддасини кесади. Алоқани тарқ қилган ва уруғ тўхталганида кўз олди қоронғиланиш, бош айланиши ва бош оғирлиги, [буйракдан келувчи] сийдик йўлларида ва белда оғриқ ва шишлар пайдо бўлган ҳар бир кишига мўътадил [алоқа] шифо беради. Мизожи жинсий алоқани талаб қиласиган кишиларнинг кўпчилиги уни тарқ қилганларида баданлари совуб, ҳоллари ёмонлашади ва овқатга иштаҳалари йўқолади, ҳаттоқи, овқатни қабул қиласдан қусиб ташлайдилар. Баданида тутун бури бўлган кишини алоқа енгилластириб, унга фойда қиласи ва унинг учун қўрқинчи бўлган тутунли буғ тиқилиши [натижасида юз берадиган] зарарларни йўқотади. Гоҳо эркакларда алоқани тарқ қилиш натижасида уруғ тўпланиб ва совуб заҳарликка айланади ва уруғ юрак ва мияга заҳарлик ёмон буғ юборади, бу нарса хотинлардаги «бачадон бўғилишига» ўхшайди. Заҳарлилик куаймасдан олдин у [туғдирган] зарарли ҳолларнинг энг

кичиги, баданинг оғирлиги, совуши ва ҳаракатнинг қийинлашувидан иборат.

ЖИНСИЙ АЛОҚАНИНГ ЗАРАРЛАРИ ВА УНДАГИ ҲОЛЛАР ҲАМДА АЙРИМ УСУЛЛАРНИНГ ЁМОНЛИГИ

Алоқа [вақтида] охирги озиқланиш жавҳаридан бир қисми бўшатилади ва бу шундай заифлаштирадики, бошқа бўшатишларнинг ҳеч бири бунчалик заифлик бермайди; бу ўз лаззати сабабли руҳ жавҳаридан ҳам кўп миқдорни чиқариб юборади. Бу жиҳатдан кўп лаззатланувчилар [алоқадан сўнг] кўпроқ кучсизлашадилар. Алоқа бу билан кўп шуғулланувчининг баданини тезлиқда совутишга, қуритишга, туғма ҳароратини тарагтишга ва қувватини туширишга олиб боради. У [олдин] бегона тутуни ҳароратни қўзғатади, [натижада] мўйни кўпайтиради, кейин тугал совутиб, кўриш ва эшитиш ҳисларини заифлаштиради. [Жинсий алоқа] болдириларда сустлик ва оғриқ пайдо қиласи, ҳатто [киши] гавдасини ўзи кўтариб туролмайдиган ҳолга келади; баъзан унинг ҳоли яширин тутқоноққа ўхшайди. Кўпинча, бундай кишида савдо, сўнгра сафро ғолиб бўлади; унда кучсизликдан бош айланиш пайдо бўлиб, аъзоларида бошидан орқа умуртқасининг охиригача чумоли юргандек жимиirlаш пайдо бўлади; унинг қулоги ҳам шанғиллайди.

Кўпинча, [ортиқча жинсий алоқадан] куйдирувчи ўткир иситмалар пайдо бўлиб, шу иситма билан кишилар ҳалок ҳам бўладилар. Баъзан бунинг натижасида қалтироқлик, асад кучсизлиги, уйқусизлик ва ўлиш олдида бўладиганидек кўз фўлакларининг олдинга чиқиши содир бўлади. Уларда соч тўклиши, жинсий кучсизлик, орқа, буйрак, қовуқ оғриқлари ва ич юрмай қолиши каби ҳоллар юз беради. [Кўп алоқа] баъзан қуланж пайдо қилиб, [вужудларни] бадбўй қиласи, оғиз ва милкларни ҳидлантиради. Баданида ёмон ўт хилтлари бўлган кишиларда алоқадан кейин тук ҳурпайиб, эт увушиш пайдо бўлади, агар хилтлар сасиган бўлса, ундей кишиларда алоқадан кейин сассиқ ҳидлар чиқиб туради.

Ҳазми кучсиз кишиларда алоқадан кейин ич қулдураши пайдо бўлади. Шундай ёмон мизожга мубтало бўлган кишилар борки, улар алоқадан узоқлашса, кўнгли беҳузур, бадани ва беши оғир бўлиб, дили сиқилади ва иҳтиломи кўпаяди; агар улар алоқа қила

бошласа, мөъдаси кучсиз бўлиб қурийди. Алоқадан сақланиши энг зарур бўлган кишилар ундан кейин [баданида] титраш ёки совиш, ёки яширин нафас сиқилиши, юрак ўйнаши, кўз чуқурланиши ва таомга иштаҳанинг йўқолиши пайдо бўладиган кишилардир. Қўкраги касал ёки кучсиз, ёхуд мөъдаси кучсиз киши ҳам [алоқадан сақланиши керак]. Мөъдаси заиф киши учун энг мувофиқ нарса жинсий алоқани тарқ қилишdir. Болалини тез ташлайдиган хотин ҳам алоқадан қочсин.

Жинсий алоқанинг бирмунча ёмон шакллари бор, масалан, хотин эрнинг устига чиқиши; бу алоқанинг зарарли шаклидир, чунки бунда уруғнинг шиддат билан отилиши натижасида дабба бўлиш, мояк кўпчиши, олат тешиги ва қовуқнинг яраланиш хавфи бор; бунда олат йўлига хотин томонидан бирон нарса оқиши ҳам мумкин.

Билгинки, уруғни [туширмай] тутиб туриш ва қайтариш жуда зарарли бўлиб, бу, кўпинча, икки тухумдан бирини айбдор қилишга олиб боради. Ахлатни чиқариш ва сийиш зарурати бўлиб турганда, шунингдек бадантарбия ё бирор ҳаракат, ёки кучли нафсоний таъсирланышдан кейин алоқа қилмаслик керак.

Эркак болалар билан алоқа қилиш кўпчилик фикрича қабиҳ бир иш, уни шариатда ҳам ҳаром қилингандир. Бу бир томондан зарарли ва бир жиҳатдан зарари камроқдир: бунда уруғни чиқариш учун табиат кўп ҳаракатга муҳтож бўлиши томондан зарари кўпроқдир, бунда уруғнинг хотинлар билан алоқа қилгандагига қараганда қўп тўкилмаслиги жиҳатидан зарари камроқдир. Хотинларни жинсий аъзосидан бошқа ерига алоқа қилишнинг зарари шунга яқин туради.

ЖИНСИЙ АЛОҚА ҚИЛИШ ВАҚТЛАРИ ТУФРИСИДА

Қорин [овқатга] тўла бўла туриб алоқа қилмаслик керак, чунки бу ҳазмга тўсқинлик қилиб, тўлиқлик устига ҳаракат қилишдан келиб чиқадиган касалликларга тез ва оғир таъсир қилиб учратади. Агар бу ҳол бирор кишида юз бериб қолса, овқат мөъдада ўрнашсин ва у сузуб юрмаслиги учун [алоқадан кейин] бир озгина ҳаракатда бўлиб, кейин мумкин бўлган қадар [кўпроқ] ухласин. Оч қоринга ҳам алоқа қилмаслик керак, чунки бу янада зарарлироқ, табиатга оғирроқ ва туғма иссиқликни ўлдирувчанроқ бўлиб, эриш ва ингичка оғриқ касаллигини келтириб чиқарали, балки алоқа

таом меъдадан пастга туша бошлаб биринчи ва иккинчи ҳазм камолга етгандан кейин учинчи ҳазм ўрталарида бўлиши керак. Бу [учинчи ҳазм] турли кишиларда турлича бўлади. «Алоқа, ҳазм ҳар жиҳатдан тугаллангандан кейин бўлиши керак» деган кишиларнинг сўзларига илтифот қилинмасин, чунки бу вақт бадзанда сингдириш иши бошланиб ва аъзоларнинг ҳаммасида ҳазм бўлаётган озиқдан қолдиқ бўлиб, меъданинг бўшаган вақти бўлади. Одамлар борки, уларда бу хил ҳолатнинг вақти кечанинг аввалига тўғри келади; бу юқорида айтилгарларга биноан улар учун алоқага энг мувофиқ вақт бўлади; иккинчи томондан ҳам фойдаси борки, бундан кейин узоқ уйқу бўлиб, қувват қайтиб келади, хотин узоқ вақт ухлаганида бачадонида уруғ [жойлашиб] қарор топади. Алоқа соғлом ва ҳақиқий истак билан бўлиб, қараш, ўйлаш, қашиш ва қичиш қўзғатган истаклар билан бўлмаслиги керак, балки у истак уруғ кўплиги ва тўлалиги билан қўзғалган бўлиши керак. Булар [эрлик] қувватининг соғлом бўлишига ёрдам беради.

Меъда бузилган вақтда, шунингдек, қусиши ва ични суриш билан кучли бўшатишдан кейин, ҳайз ва қонлиич кетишдан кейин ва жисмоний ва нафсоний ҳаракатлардан кейин, сийиш ва ахлат чиқариш чоғида ва томирдан қон олишдан кейин алоқа қилишдан қочиш керак. Ич кетишнинг эскирганига келсак, уни жиисний алоқа моддани қуритиши ва ичакдан бошқа томонга йўналтириши билан қуритади. Иссиқ вақтларда ва иссиқ жойларда алоқадан сақланиш керак. Эркак киши бадани қизиб ёки совуб турганида алоқадан қочиши керак; бироқ бадан қизиб турганда алоқа қилиш — совуб турганида алоқа қилишдан кўра бехавотирроқдир; шунингдек, кишининг бадани ҳўл бўлгандан кейин алоқа қилиш — бадан қуруқлигида алоқа қилишдан яхшироқ.

Мўътадил [мизожлилар] учун, тажрибада аниқла нишига кўра, алоқанинг энг яхши вақти шуки, бунда киши бирмунча вақт алоқа қилмай кейин алоқа қилса, ўзини соғлом, енгил ва ҳисларини ўткир сезади.

Бола бўладиган ва бола бўлмайдиган уруғ. Маст киши, қариган киши, бола ва кўп алоқа қилувчи кишиларнинг уругидан бола бўлмайди. Аъзоларига оғат етган кишининг уруғидан соғлом бола тугилиши камдан-кам бўлади. Олат жуда узун бўлса, уруғнинг ҳаракат қилиш масофаси узоқ бўлиб, у туғма ҳарорати синган ҳолда бачадонга етиб келади, бундай уруғ, кўпинча, бола бермайди.

Яқинда алоқа қилған кишининг белгиси. Унинг сий-
дигида бир-бирига чувалашган иплар ва тармоқлар бў-
лади.

ЖИНСИЙ ҚОБИЛИЯТНИНГ ҲАМЛИГИ

Бунинг сабаби ё олатнинг ўзида, ё уруғ аъзоларида, ёки бошқарувчи ва уларга қўшни аъзоларда, ёхуд бош-
қарувчи аъзолар билан жинсий аъзолар ўртасида ту-
рувчи аъзоларда бўлади. Баъзан бу — маҳсус қўшни
аъзолардаги сабабдан ёки баданинг қўйи қисмida ёки
баданинг ҳаммасидан дамнинг камлигидан бўлади.

Олатнинг ўзи сабабли бўладиган нуқсон олат мизо-
жининг тузилишидан ёки унинг ҳаддан ташқари бў-
шашишидан бўлади. Алоқа хоҳишининг moyklar ва
уруг идишлари сабабли камайиши улардаги мизожнинг
садда ҳолда ёки қуруқлик билан биргалашиб ҳаддан
ташқари бузилишидан бўладики, бу кейингиси энг ёмон-
дир, ёки бунда қуруқликнинг танҳо ўзи ғалаба қилған
бўлади. Бу [нуқсон] баъзан уруғ ҳаракатининг сустлиги
ва қўзғатувчи ачишлириш таъсирини йўқотганлигидан
бўлади. Баъзи кишиларда уруғ қуюқлиги сабабли тўкилмай-
ди, лекин кечалари иҳтилом бўладилар, чунки буларда
уруг идишлари кечалари қизийди, уруғ ҳам қизиб
суюлади.

Бошқарувчи аъзолар сабабли бўлган камликка кел-
сан, бунинг сабаби қалдан бўлиши мумкин, бунда
[олатни] кенгайтирувчи руҳ ва ёл моддаси кесилиб қол-
ган бўлади; [сабаб] жигардан бўлганида эса, уруғ мод-
даси кесилиб қолган бўлади. [Сабаб] мия томонда
бўлганда, сезувчан қувватнинг моддаси кесилиб қолган
бўлади. Бунга [сабаб] буйракнинг совуши, ориқлаши
ва унинг маълум касалликлари ҳам бўлиши мумкин;
бунга баъзан ҳазм иши ёмонлашганда меъда ҳам [са-
баб] бўлади. Буларнинг ҳаммаси ё бошланма аъзо билан
жинсий аъзолар орасидаги йўлларнинг тўсилиши сабаб-
дан бўлади. Мия сабабли бўлган [жинсий] заифлик,
кўпинча, йиқилиш ёки урилиш туфайли бўлади.

Алоқа қобилиятынинг камлиги сабаби қўйи жойлаш-
ган аъзолarda бўлишига келсан, буларда мизож жуда
совуқ ё жуда иссиқ, ёки қуруқ бўлиб, натижада дам-
ловчи [еъ] йўқолади. Дамланиш [қўзғалишга] яхши
ердамчидир, ҳатто, қориндаги дамлик, агар у ҳаддан

ташқари кўп бўлиб алам бермаса, олатни қўзғатади. Савдойи касал кишиларда дамланиш кўп бўлишидан олат кўп қўзғалади.

Кўшни аъзолардан бўлган сабабларга келсак, масалан, бавосирни кесишда унинг орқа тешигига алам етиб, бу орқа тешик ва унинг мушаклари билан олат аъзоларини туташтирган асабга зарар қилган бўлади.

Уялиш ва турли хаёллар ҳам жинсий алоқани сусайтирадиган ва унга тўсқинлик қиласидиган нарсалардан саналади, булар, масалан: алоқа қилинадиган [хотинни] ёмон кўриш, ёки ундан уялиш, ёки олдиндан алоқага кучсиз ёки ожиз бўлиб қоламаними деб юракда қўрқув пайдо бўлиши — айниқса олдин унда тасодифан шундай ҳол юз берган бўлса, — ҳар гал [алоқа] қилмоқчи бўлганида бу нарса кўз олдига келиб, [алоқадан ожиз бўлади]. Алоқани тарк қилиш ҳам заифликка сабаб бўлади, бунда нафс уни эсдан чиқариб, аъзолар ундан қайтади ва табиат уруғ туғдириш билан кам шуғулланади. Бу болани сутдан айирган хотинда табиат сут туғдириш билан шуғулланмай қолганига ўхшайди.

Билгинки, олатни қўзғатадиган сабаб уруғдан ёки бошқа нарсадан қўзғалган елдир, совуқ ва иссиқ иккови ҳам елга зиддир, чунки совуқ елнинг туғилишига тўсқинлик қиласи, иссиқ эса ел моддасини таратиб юборади. Елни туғдиришда, мўътадил рутубат ва унга яраша ҳароратга тенг келадиган нарса йўқдир. Атайлаб отга миниш — одат қиласидиган кишиларга ҳамда буйрак ва унга яқин ерлари ҳўл мизожли ва шунинг билан бирга совуқ бўлган кишиларга, бу жиҳатдан фойда қиласидиган нарсалардандир, лекин буйраги қуруқ ва иссиқ мизожли кишиларда ва отга минишин мўътадиллик билан ишлатмаганда, бу нарса зарарли бўлиб, наслсизликка сабаб бўлади.

Белгилар. [Жинсий заифлик] олатнинг бўшашганлиги ва асаб мизожининг совуқлигидан бўлганлигини олат таранг бўлмаслигидан ва совуқ сувда бужмаймаслигидан билинади. Баъзан уруғ кўп бўлиб, тезлик билан чиқади ва баъзан олат қўзғалмасдан уруғ тўкилади. Кўпинча, бу билан бирга бадан ориқлайди ва заифлашади, бироқ шаҳватда нуқсон бўлмайди.

Мояк ва уруғ аъзолари сабабли бўладидиган [жинсий кучсизлик] агар бу аъзоларининг соғушидан бўлса, уруғ камаймаса ҳам қийинлик билан чиқади ва [олатни] ушлаб кўрилгандা совуқ туюлади. Агар бу аъзоларининг қуруқлиги ва уруғ камлигидан бўлса, бунда уруғ

кам бўлиб, қийинлик билан чиқади. Буларнинг кўлчилигида бадан ориқ ва кам қон бўлиб, ҳаммомга тушиш ва озиқланиш билан [бадани] ҳўллаш уларга фойда қиласди.

Жинсий аъзолардан илгари турган аъзолар сабабли бўладиган [заифликда] сабаб агар жигар ва буйракда бўлса, иштаҳа кам бўлади, ҳазм, иштаҳа ва қон, туғилиши муносиб равишда бўлмайди. Агар бу юракда бўлса, олатнинг қўзғалиши кам бўлади ва баъзан уруғ чиқариш олат қўзғалмасдан ҳам бўлади, томир уриши кучсиз ва юмшоқ бўлиб, бадан иссиғи кам бўлади.

Агар [жинсий заифликнинг сабаби] миядан бўлса, уруғ ҳаракатини сезиш кам бўлади. Алоқани тадабқилувчи қаттиқланиш ва орзу бўлмайди. Буни ҳисларнинг аҳволи, айниқса кўзнинг ҳолидан ҳам билинади, хусусан [заифлик] мияга етган урилиш ёки йиқилиб тушишдан кейин бўлса [шундай бўлади]. Жигар, юрак ва миядан ҳар бирининг кучсизлигини кўрсатадиган белгилар айтиб ўтилди. Буйрак касалликларининг ўзига хос белгилари бор, уни ўз еридан қаралсин. Қыйи аъзоларда дамнинг озлигидан бўлган [заифликка] келсак, унинг белгиси шундан иборатки, бунда аъзоларнинг қуввати соғлом бўлиб ҳамда юрак, жигар, кўнгил тусанш ва уруғ кучли бўлатуриб, заифликни фақат олатнинг қўзғалишида кўрасан. Йични дам қилувчилар ишлатилса, [касал] улардан фойдаланади. Уруғ ҳаракати ва қитиқланиш камлигидан келган [заифликнинг] аломати алоқа вақтида кўп миқдорда қотган уруғнинг чиқишидир; буниң кўлчилиги совуқ мизождан келиб чиқади. Гоҳо уруғ кўп бўлиб, лекин айтганимизча жуда ҳаракатсиз ва қотган бўлади.

Семиз кишилар ориқ кишиларга қараганда, алоқага ожизроқ бўладилар. Алоқани кўп қилишин истовчилар умуман, терлаш ва терлатадиган ҳаммомга тушишни камайтириш ва мумкин қадар томирдан қон олишни тарқ қилишин лозим, шунингдек, иккى оёқ кафтини иссиқ ёғлар билан ишқалаш керак, чунки бу, буйрак ва уруғ идишларини қувватли қиласди.

Даволаш. [Бунинг] сабаби бошқарувчи аъзоларда эканлиги билинса, даволашни ўша аъзоларга йўналтириш керак. Агар сабаб бирор совуқлик бўлса, — кўпинча, шундай бўлади, — бу чогда *митридатдек* [яхши таъсир қиласиган] ҳеч нарса йўқдир; бу шу [касаллик] учун энг кучли доридир, ҳатто у сабаби қайси аъзода бўлса ҳам совуқликдан бўлган [заифликка] қарши куч-

ли доридир. Сабаб жигар кучсизлигига бўлганда *дигуркумо, амрусиё ва саожазониёлар* [ишлатилади]. Агар меъдада ҳазм бузилган бўлса, меъдага қувват берилади. Агар сабаб буйракда бўлса, олдин буйракни унга хос дорилар билан даволанади; бу, кўпинча, қиздириш билан бўлади, чунки орқани ва буйракни қиздириш олатни қўзғатишда фойдалидир. Бу таъсир қилиб бўлгач, бўлак дорилар билан даволанади. Хушбўй ҳидли, бурунга қўйиладиган ҳўлловчи нарсалар мия ва юракка ҳам фойдалидир. Юракка мушк, тарёқ ва митридат каби дорилар ҳам [фойдалидир].

Агар сабаб қўйи аъзоларда дамланишнинг камлиги бўлиб, у совуқнинг қаттиқлигидан келиб чиқкан бўлса, енгил уқаланади ва яқинда айтадиган ёғларимиз билан силанади. [Бунда] яна кўп дорчин ишлатилади. Овқатлардан — донлар, масалан, боқила, ловия, нўхат ва ангузадан бир оз кўшилган ва туз сепилган пиёз ишлатилади. Агар дам иссиқлик сабабли озайган бўлса, со вўтиш ва ванналар билан ҳамда ишқаланадиган, суртиладиган ва [мувофиқ] озиқлар билан [мизожни] мўътадиллаштирилади. [Касал] совуқлик ва дамлик нарсаларни, масалан, нок, шом тути, боқила, сут ва қатиқ истеъмол қилсин.

Агар [жинсий заифликнинг] сабаби бадан кучсизлиги бўлса, бадани қувват берадиган озиқлар билан, масалан, шўрвалар, товада пиширилган, қовурилган ва кабоб қилинган нарсалар, ҳалим, чала пиширилган тухум, шолғом, сут, сариёғ, оқ нон ва турли мағзлар, масалан, бодем, ёнғоқ, норжил, писта, чилғўза, сақиҷ дарахти уруғи ва бошқа шунга ўҳшаган нарсанинг мағзлари билан кучайтирилади; бу нарсаларга дориворлар қўшиб пиёз, ялниз, гандано, сариқ ва қора беда ва индов билан аралаштириб берилади. Шунингдек, бадани тўғри келадиган [даражада] ҳаммомга тушириш ва қувват берадиган ёғлар билан силаб, масалан, гулсан-сар мойи ва бои дарахти мойи билан силаб ҳам қувватти қилинади. Агар оғтиқроқ қизларнинг мухтож бўлса, [ёққа] мушк, қундуз кирғи ва бошиқа нарсалар соғириши.

Агар сабаб уруғ зондерининг соғиришини изборат ғарбий тарз қўйини таъсиртган кичик уруғи дориларни отами да ишади рувчин баён барти сийини орқали даюнлайди. Агар бу билан бирга курунгли ҳам бўлса, унга сўнадиган нарсалардан иссиқлик ва ҳўлловчилар [негизи] яхши беконади. Агар [занғу ташини] сабабни уруғ

аъзоларининг ўта кетган иссиқлиги бўлса, унга ҳар бир мўтадил ҳўллаб совутувчи нарса, масалан, сигир қатиғи ва семизўт солиб қайнатилган сут фойда қиласди. Агар иссиқлик билан бирга қуруқлик ҳам бўлса, ҳаммомлар билан, тухум сариги ва ичига учдан икки ҳиссаси қадар янтоқшакар солиб қайнатилган сут билан, шунингдек, шўрвали овқатлар билан ва совуқлик ёғлар билан, ҳаттоки, коҳу ва қовоқ ёғлари билан мўтадил равишда ҳўлланади. Агар сабаб қуруқлик бўлса, гавдани озиқлар, сутлар ва ҳаммомлар билан ҳамда суюқ шароб билан ва донлардан қилинган сут ошлари билан ҳўлланади; бунга хурсандлик ва дам олиб ётиш ҳам [фойда қиласди].

Агар [заифликка] сабаб олат асабининг совуқлиги ва бўшашиши бўлса, уни қовуқ бобида айтилган ва бўшаш ҳам совуқликка қарши ишлатиладиган нарсалар билан даволанади.

Бўшатишлар, чарчашиб, чиқиқни ёриш ва руҳий ҳаракатлардан кейин алоқа қилишдан қочиш керак. Чунки, булар кишини алоқага кучсиз қилиб қўяди. Кетма-кет кўп алоқа қилишдан сақланиш керак. Агар шундай бўлган бўлса, узоқ вақт ундан сақланилсин, чунки алоқанинг кўп бўлиши жинсий қобилиятни қирқиб қўяди. Меъда бузилишидан сақланиш керак. Агар меъда бузилиб қолса, озиқни енгиллатиб ҳазмни яхшилансин ва меъданни қувватли қилинсин. Яхшиси сувни камроқ ичиш керак, чунки сувни кўп ичиш энг зарарли нарсадир. Газагўт, самсақ, исириқ, ялпиз, хушбўй канавча, зира ва тоғ мурчи уруғи каби елни тарқатувчи ва иссиқлиги билан қуритувчи ҳар бир нарсадан, шунингдек ясмиқ, жингак, тариқ ҳамда нордон ва буриштирувчи нарсалар каби совуқ бўлиши билан бирга қуритувчи нарсалардан қочилсин, чунки улар қуритувчиидир. Увштирувчи дорилар, кофур, испағул уруғи, нилуфар ва қизил гул каби қаттиқ совутувчи нарсалардан ҳам қочилсин. Бироқ, кўкнор уруғи бир оз увштираса ҳам, ўзининг ёғлилиги ва елни қўзғатиши билан унинг ўрнини босиб, ундан ортиқлик ҳам қиласди.

Ҳайз кўрган хотин, кампир, касал хотин, балогатга етмаган хотин, узоқ вақтдан бери алоқа қилмаган хотин ва қиз билан алоқа қилишдан сақланиш лозим. Чунки, буларнинг ҳаммаси ўз хосиятлари билан уруғ аъзоларининг қувватини кесади. [Алоқага заиф] бўлган кишига алоқа қилувчилар ҳақидаги ҳикояларни, алоқа усууллари ва турлари тўғрисида ёзилган китобларни

ўқиб бериш керак. У қувватли бўлгунча алоқани бутуна-
лай тарк қилиб, шулар устида фикр қилсин. Алоқани
тарк қилиб, нафсини тийиб, ожиз бўлиб қолганлар ҳам
буларга яқин турадилар. Буларни аста-секин унга ўрга-
тиш ҳамда айтиб ўтилган ишқаланадиган ва уқалана-
диган нарсаларни ишлатиш керак. Буларнинг олдида
алоқа сабаблари ва шунга оид сўзлар гапирилсин ва
улар ҳайвонларнинг қочирилишини кўрсинаш; шу
[айтилганлар] кифоя қиласидир.

Шаҳватни қўзғатиш деб номланган маҳсус тадбир-
ларга келсак, буларнинг кўпчилиги қиздириш, ҳўллаш
ва [тиқилмаларни] очишга йўналтирилганлар. Орқа
ва буйракни компресслар билан ҳамда қиздирилган боғ
даражти ёғи ва пахта ёғлари билан ва ишқалаш орқали
қиздирилади.

Жинсий қувватни қўзғатишга хос деб аталган до-
риларга келсак, булар силанганда ва ичилганда асаб-
нинг совуқлигига фойда қиладиган дорилар ҳамда
иккинчи ва учинчи ҳазмларда дам ҳосил қилиб қизди-
радиган дорилардир. Буларнинг дам қилиш хусусияти
дам берадиган ёт рутубатдан бўлади. Яна хосияти би-
лан таъсир қиладиган дорилар, иссиқ, ҳўл ва кўп қон
туғдирадиган озиқлар ҳам [шулас жумласидандир],
булар шу билан бирга дам ҳосил қилиш, ёпишқоқлик
ва маҳкамлик [хоссасига эгадир], масалан, нўхат, ло-
вия ва биз айтадиган озиқлар шундайдир. Буларни
энг яхшиси ҳўл ҳаммомга тушиб оқ ясмин, гулсапсар
ва нарғис, бошқа шу каби нарсаларнинг ёғлари билан
ишқалагандан кейин истеъмол қилиш керак. Овқатла-
нишдан илгари чала пиширилган тухум устига сақан-
қур тузи ёки биронта шунга ўхшаш нарса сепиб ейила-
ди. Шаҳватни қўзғатадиган озиқ ейилганда кетидан
озгинарайхоний шароб ичиб, ўринга ётилади. [Ётишдан
илгари] икки сёғини иссиқ сув билан ювиб, олатни
қўзратувчи ишқаланадиган ва силанадиган нарсалар
ишлатилади.

Биз ҳозир бу дори ва озиқларни кўрсатиб, уларни
жинсий заифлик турларидан қайси бирида ишлатили-
шини айтамиз.

Билгники, бунда озиқларга кўпроқ суюниш керак;
модданинг кўпайиши ва қувватнинг қайтилишини
озиқлардан кутилади. Жинсий алоқа қувватини орттир-
моқчи бўлган киши шаҳвоний қувват берадиган дори-
ларни кўп ишлатганда, ўз баданинг ҳолини текшириб
борсан таъин: сарз ыситма, шин ва тўлишилик сезилса,

төмирдан қон олдирсин ва табиатини мўътадиллаштири-
син, сўнгра қайтадан [дори] истеъмол қилсин. Бадани
қуришга олиб борадиган даражада қиздирилмасин.
Шаҳватни қўзғатувчи дорилар ва озиқлар истеъмол қи-
лингандан кетидан бир қадаҳ райҳоний шароб ичилсин.

ШАҲВАТНИ ҚЎЗҒАТУВЧИ СОДДА ДОРИЛАР

Уруғлардан шолғом, карам, қичитқиўт, Миср боқи-
ласи, таратизак, ялпиз, сабзи, морчӯба, турп, беда, қо-
вун, петрушка, тоғ петрушкаси ва ёввойи зира уруғла-
ри, шунингдек мурчлар, узун мурч, кичик қоқила, кун-
жут, зифир ва боғларда экиладиган қизил индов
уруглари, бон донаси ва унинг ёғи, ёввойи сано уруғи,
ҳабб уз-зalam, сариқ йўнғичқа уруғи, айниқса унинг
асал билан қайнатилиб қутилганни. Донлардан: нўхат,
боқила, ловия ва шуларга ўхшаганлар.

Пўстлоқ ва қуруқ ўтлардан: қирфа, дорчин, мускат
ёнғоги пўсти, темиртика, толисфар, мағзлардан: санав-
бар, қуш тили, сақич дарахти меваси, ёввойи сано уруғи,
ниста ва фундуқ мағзлари [ишлатилади]. Елимардан:
катиро, агуза елимлари [фойдали], бу [сўнгиси] иссиқ
ва жуда дам қилувчилардан саналади; совуқ мизождан
[заифлашган] киши ангузадан бир мисқолни шароб би-
лан исча, фойдаси катта бўлади.

Илдиз ва чўплардан: чаёнүт илдизи, оқ ва қизил
баҳманлар, ёввойи занжабил, чучук куст ва «тулки
мояги» илдизлари [ишлатилади]; бу кейингиси олатни
қўзғатишда кучлидир; яна кангар илдизи, пиёз, айниқ-
са унинг қовурилганни, қовурилган дашт пиёзи, ёввойи
сабзи, занжабил, айниқса буларнинг мурабболари, хөв-
линжон, назла ўти, темиртика илдизи, ёввойи укрон
илдизи, туёғўт, бузайдон, муғос, совринжон ва айниқса,
луъба барбария яҳшидир, чунки бу шароб иссиқлигидан
баданинг ҳамма қисмини қўзғатади. Яна тўпалоқни
ичиш ҳам у билан силаш ҳам [фойдалидир].

Ҳайвонлардан [олинадиган дорилар]: уромастика
калтакесаги, варал ва сақанқур, айниқса унинг думи-
нинг таги, киндиги, иккала буйраги ва тузи. Сақанқурни
кўкламда тутиб сўйилади ва ичини тозалаб туз тиқила-
ди, кейин қуригунча сояга осиб қўйилади. Шундай
қилгач, унинг тузини ол-да, ўзини ташла. Бундан Са-
қандур тузига қараганда озроқ олсанг ҳам кифоя қила-
ди. «Сув қизлари»дан жиррий, илон балиқ, наҳанг ва
умуман, иссиқлик балиқлар ҳам [жинеий алоқа кубва-

тини кучайтиради]. Туя сути ҳам шундай, уни ҳазм бўлиб, оғирлик қилмайдиган миқдорда йигирма кунгача ҳар куни ичилади. Майда балиқ ва хамелеоннинг қуритилгани — буни ҳар гал етти дирҳамдан ичилади. Балиқ тухуми, товуқ тухумлари, айниқса каклик, кантар ва чумчуқ тухумлари, умуман ҳайвонларнинг мияси, хусусан товуқ, чумчуқ, ўрдак, жўжа, қўзиларнинг мияси, буларни туз билан истеъмол қилинади. Хос дорилар ўрнида юрадиган дори бу: буқа олатини қуритиб янчилади ва бундан озгинасини чала пишган тухум устига сепиб ейилади. Яна ҳайвонлардан олинадиган ажаб бир нарса: сутдан ажратилган бўталоқнинг панирмоясини олиб қуритилади ва керак бўлишидан ўн икки соат илгари бундан бир нўхат миқдорида олиб, уч ритл сувда ивтиб ичилади. Агар бу нарса азият берса, совуқ сувга чўмилиниади. Яна асал ҳам фойдали, бундан дори-ворсиз асал суви тайёрлаб, доимо ичилиб турилади; агар бунга озгина заъфарон қўшилса яхши бўлади. Суюқликлардан темир суви ва ёш шароб ичилади, эскирган шароб эса буғни латифлаштириб тарқатади ва зарар қиласди.

Мевалардан ширин узум, айниқса унинг янгиси, жинсий қобилиятни қўзғатиш учун яхши [таъсир қиласди], чунки бу қонни рутубат ва елга тўлдириб, унга яхши озиқ ва иссиқлик ҳам беради.

Сабзавот ва бунга ўхшашиб нарсалардан: темиртика, айниқса унинг сувини асал билан қиём бўлгунча қайнатиб яланади. Яна таратизакни, айниқса унинг ширасини ҳар куни эрталаб бир ритл кучли набиз билан ичиб, кейин керакли овқат ейилса, тезда фойда қиласди.

Ичиладиган ҳўлловчи мураккаб дориларга келсак, буларнинг бошлиги митридатdir; юракда заифлик бўлганда мушк дориси ҳам фойдалидир. Яна уруғлардан қилинган жуворишиндан уч мисқолни бир уқия ҳўл таратизак суви билан [ишлатилади]. Алоқага хоҳишии ғизгатадиган дорилаудан машҳури сақачайур дорисидир; она уч лирҳам ёброғи таратизак уругний синир сути билан [истеъмол қилинади]; шунингдек темиртика, дориси, иккала хил тудағанидан тайёрланадиган дори ва маҳсий дориси, сақачайур тузи, тухум сарнати устига эшсиган индов уруғи ҳам [ишлатилади]; яна, ҳўроғ молашиниг қуритичапини ўзига баробар сақанкүр тузи биласи, гўниб, ҳар куни икки дирҳомдан ичиб турилади. Яна: таратизак уруғи, турп уруги ва қовун уруғининг ҳар сарнати биро чисса олиб, янги сорғутган сут бўлсан

ичилади. Яна: санавбар донаси, тоғ петрушкаси уруғи, эрқак тоғ эчкиси ўти, сақич елими — буларнинг ҳаммасидан баробар олиниб асал билан қорилади ва бир *мисқолдан* истеъмол қилинади. Яна, ёввойи сабзи, таратизак уруғи, иккала хил тұдарий, занжабил, узун мурчнинг ҳар биридан икки *дирҳам*, қүш тили, чумчук мияси ва кундур елимининг ҳар биридан бир *дирҳам* вазнида олиб норжил ёғи билан ҳўлланади, кейин асал ва каллақанд билан қориб ишлатилади. Совуқлиги ҳаддан ташқари ошган кишига индов ва назла ўтидан қилинган маъжунни ичириш жуда фойда қиласи.

Яна: уч *дирҳам* говширни бир *үқия* самсақ қайнатмасида ҳўллаб, уч кун ичилиди. Яна: занжабилдан уч ҳисса ва узун мурчдан бир ҳисса олиб асалга қорилади, бундан бир *мисқолни* иссиқ сув билан берилади. Яна: морчуба уруғи, ёввойи сабзи ва занжабилнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, оқ ва қизил тударий, оқ баҳман Буни тило шароби билан қўшиб, ҳар гал тўрт *дирҳам* ва қизил баҳманинг ҳар биридан уч [*дирҳамдан*], беда уруғи, турп уруғи, таратизак уруғи, қичитқиёт уруғининг ҳар қайсисидан икки *дирҳамдан*, қовурилган дашт пиёзи ва сақанқур киндигидан уч [*дирҳамдан*], қүш тилидан икки *дирҳам* ва шакардан қирқ *дирҳамдан* уч кун ичилиди. Бундай кишиларга бериладиган овқатлар ҳам шаҳватни қўзғатадиган бўлиши керак.

Биз тайёрлаган кучли дорилардан бири мана бу: ангуза, сабзи уруғи, ҳил таратизак уруғи, қүш тили, кирмدونанинг ҳар биридан бир ҳисса, бузайдон ва мушкдан олтидан бир ҳисса олиб, кичик санавбар мойи билан ҳўлланади ва асалга қорилади.

Жуда зўр дори. «Балозур асали», ари асали ва сариёғдан баробар бўлаклар олиниб, бир марта қайнатилади; кейин бундан бетоб кўтара олганича *набизга* солиб ичирилади; бу ажойибdir. Ҳаддан ташқари кўп иссиқлик бўлмаган яхши дорилардан бири [мана бу]: сариқ йўнғичқа билан хурмодан олиб титилгунгача қайнатилади. Кейин хурмони олиб ундан [данаги] чиқарилади, кейин уни қуритиб янчилади ва асалга қорилади. Бундан бир ичими чилғўза вазнида бўлиб, унинг устидан набиз шароби ичилиди. Яна ярим ритл сақич дарахти дони ва бир ритл хурмони янчид икки ритл қўй сутида ивитилади, кейин икки кунгача шу ивитилганини еб, устидан сут ичилиди.

Яхши дорилардан бири мағзлар маъжуни бўлиб, уни қуйидаги нусха билан тайёрланади: бодом, пўсти олин-

ган фундуқ, писта ва цўсти олиниб тарашланган норжил, санавбар донаси, ёввойи сано донаси, ҳабб уз-залим, сақич дарахти донаси — буларнинг ҳар биридан баробар бўлаклар олинади; анор гули, узун мурч ва занжабилнинг ҳар биридан ўн бўлакдан ёки бир оз кўпроқ олиб, ҳаммасини [қўшиб] янчилади ва Сижистон новвоти билан қорилади; бундан ҳар куни бир тухум [катталигид] олиб қабул қилинади.

Орқа тешик, қов, мояклар ва олатга ишқаланадиган ва қуйиладиган дорилар. Ярим дирҳам назла ўти олиниб, янги оқ ясмин ёғига аралаштирилади; баъзан бунга фарфийон ва мушк ҳам аралаштирилади; кейин бу [ёғ] билан олат, бут ва шу ерга яқин жойларни ёғланади. Ёки назла ўти ва унинг ярмича мушк олиниб, булардан бир мисқолни бир уқия оқ ясмин ёғида ҳўлланади. Яна хардални оқ ясмин ёғи билан ёки қичитқиёт уруғини оқ ясмин ёғи билан ёки ангузани оқ гулсапсар ёғи билан [ишлатилади].

Ишқаланадиган кучли дорилар. Мозарион уруғини иссиқ ёғ билан, ёки бурақни тозаланган асал билан, ёки буқа ўтини тозаланган асал билан [ишқаланади].

Яна бир яхши даво: наргис пиёзидан озгина олиб, оқ гулсапсар ёғи билан қўшиб ишқаланади, ёки ўсма уруғи ва назла ўтидан баробар миқдорларда олиниб ёғ билан, ёки тоғ майизини иссиқ ёғ билан қўшиб ишқаланади. Яна, ангузани асал билан қўшиб, тўпалоқнинг эса ўзи билан ишқаланади. Ёки, хотинак супурги, зифт ва гулсапсар ёғининг мумли суртмаси, шаббўй ёғи, мум, мастаки ва тўпалоқни олат ва унинг атрофига суртилади. Ҳуқна бобида айтилган ёғларнинг ҳаммаси, айниқса чигит ёғи ва хусусан, тўпалоқ ёғи ишқаланганда фойдаси ажойиб бўлади. Арслон ёғининг бу жиҳатдан қуввати зўрдир.

Руғуснинг ишқаланадиган жуда кучли дориси. *Мурр* ўчирилмаган олтингугурт ва махсар уруғининг ҳар биридан бир дирахмийдан, назла ўтидан икки оболо, қорамурчдан ўттиз дона, кирмоднадан йигирма дона олиб, бир дирахмий денгиз пиёзи билан майнин қилиб янчилади; агар буларнинг ҳар бирини айрим янчилса, яна яхшироқ бўлади. Кейин мумли суртма билан қўшиб, асал қуюқлигига келгунча эзилади, шу билан белнинг қуви қисми ва бут силанади. Олатки ангуза [билин ишқаланса], уни қўзғатиб таранг

қилади; унинг қаттиқ иссиқлигидан қўрқилса, уни гунафша ёғи билан суюлтирилсин:

Кўтариладиган дорилар. Урдак ёғи, чигит ва назла ўтини норжил ёғи билан қўшиб кўтарилади. Айтишларича, әшак ёғидан шамча қилиб орқага кўтарила, ажойиб [таъсир кўрсатади]. Яна [юқорида] айтилган зифтли суртмаларни ҳам кўтарилади:

Ҳуқналарга келсак, уларни калла ва жўжалар қайнатмасидан тухум сариғи қўшиб тайёрланади. Ахта қўйининг мояқларидан ҳуқна таркибига тушса яхши бўлади, бунинг мия ва гавданни қувватли қилишда фойдаси бордир. Думба ёғи, ёнғоқ ва кунжут ёғи; сариёғ, писта ва фундуқ ёғи; норжил ёғи, маҳлаб ёғи ва чигит ёғларининг [хуқнада таъсири] жуда ажойибdir. Иссиқ мизожиллар учун темиртикан ёғи, кўкнор ёғи, қовоқ уруғи ёғи, қовун уруғи ёғи ва шунинг кабилар билан қилинадиган ҳуқналар яхшидир.

Бизнинг ҳуқна. Тандирда мағос, бузайдон ва ёввойи сабзи қўшиб бир кечадан мобайнида жуда қаттиқ қайнатилган калла за жўжалардан бир бўлак олиниб, унга сутдан ярим бўлак, сариёғдан ярим бўлак, маҳлаб ёғи ва норжил ёғларининг ҳар биридан учдан бир бўлак, боғ ялпизидан бир бўлак, сақанқур ва уромастика калтакесагининг буйрак ёғидан борича солинади; ёғдориворлар хизматини қилади, — кейин шу таркиб билан ҳуқна қилинади.

[Бошқа] ҳуқна. Ҳўл темиртіжандан бешдан бир даста, сариқ йўнғичқа, шолғом уруғи, тарағизак уруғи, сабзи уруғи ва морчўба урганинг ҳар биридан бир сиқимдан, яна така ҳаром мағзи, мояги ва миясини янчиб олиниди; шуларнинг ҳаммасига икки ритл сув ва икки ритл янги соғилган сут қўйиб, қуюлгунча қайнатилади. Бунинг тўрт үқиясига сақич уруғи ёғидан бир уқия қўшиб ҳуқна қилинади; буни, халога ўтирилгандан кейин оч қоринга уч кунгача тақрорланади.

[Бошқа] ҳуқна. Қўй думбасидан олиб тилинади; тилингап жойларига ярим дирдам янчилган қундуз қирини бир тенинда тикилади. Думбани оғир нарса тагига уч кун боғтиғиб қўйилади, кейин уни тўғраб, ичидаги қундуз қири билан зритилади ва ёчини олиб сақланади. Шу бердан бир ускурражса, сариёғдан ярим ускурражса гандано сувидан ярим ускурражса ва сариқ йўнғичка қайнатмасидан ярим ускурражса олиниди. Буни ҳуқна юқиб кечадан уч соғт ўтгунча қўйинади, яйни чи-

ухлаш олдида янгилаб шу билан ухланади. Бу ҳуқна шу равишда уч кун такрорланади.

Кучли ҳуқна. Қўйнинг калласи, учга-тўртта мояги ва бир бўлак думба ва нўхат олиб, ҳаммасини тандирда қайнатилади; қаттиқ қайнатилгандан кейин суви ва ёғи олинади. Бунга бодом ёғи, ёнғоқ ёғи ва сақич дарахти уруғи ёғи ёки бир оз *сақанқур* гўшидан солиб ҳуқна қилинади. Бошқа ҳуқналар «Қарободин»да ёзилгандир.

НУҚУЛ ОВҚАТЛАР ТУГРИСИДА

Бундай [кишиларнинг] озиқлари семиз эркак улоқ гўшидан ва қўй гўшидан, нўхат ва пиёздан [тайёрланади], гўшти қовурмасдан тайёрланади, чунки қовуриш гўштнинг қувват беришига ва озиқлигининг кўп бўлишига тўсқинлик қиласи. *Муғаммаёт*, ҳатто, уларнинг *муррий* билан нордон қилингани яхши [овқатдир]. Шунингдек, семиртирилган товуқлар ва жўжалар, айниқса болдирғон бериб боқилганлари, чала пишган тухум, хусусан дорчин, мурч, болдирғон ва *сақанқур* тузи билан дориворлангани, балиқ тухумлари ва иссиқ балиқ гўшли ҳам яхшидир. Агар бунда совуқлик бўлса, [овқатга] занжабил, мурч, қалампирмунчоқ, дорчин ва шунинг кабилар солиб қувватли қилинади. Шолғом ва карам, айниқса сабзи [солиб] тайёрланган овқатлар, хусусан уларга солинган гўшtlар яхши пишганда бундай [касалларга яхши] овқат бўлади. Чумчуқ ва кантар мияси, сариёф ва сутлар, шунингдек ҳалимлар, *жузоблар*, кабоблар, сут билан гуруч ва қўй сути билан гўшт ҳам, [улар учун фойдалидир].

Улар ейдиган сабзавотлар морчўба, таратизак, гандано, кангар, айниқса боғялпизидан иборат бўлади; [ялпиз] уруғ идишларини жуда кучайтириб, уруғни қаттиқ тутиб турадиган қиласи, натижада шаҳват ҳам кучаяди. Ёввойи беда ва сариқ йўнғичқа ҳам [фойда беради]. Заъфарон қўшиб нўхатдан қилинган овқатлар, оқ нон сут билан ва поржил суви ҳам яхши [фойда беради]. Айтишларича, чумчуқларни [пишириб] еб, устидан сув ўрнига сут ичишга одатланган кишида олат доимо қўзғалиб, уруғ кўп бўлади; пиёзни ёғда қизаргунгача қовуриб, устига тухум чақиб солиб ейилса ҳам [яхши бўлади].

Иссиқ мизожли кишиларга келсак, уларга қаттиқ, сут, қовурилган иссиқ балиқ, қовун, бодринг, таррак, қовоқ, ҳамма хим ҳўл мевалар ва ҳўл сабзавотлар ҳаг-

токи, коҳу ҳам [фойда қиласи]. Семизўтнинг уруғи ҳам уларда уруғни ортиради. Тухум оқи, ҳайвонларнинг бош ва орқа миялари, дарё қисқичбақалари уларга кўп фойдали бўлиб, уруғни ортиради.

ДОРИЛАРГА ҮХШАШЛИГИ БУЛГАН ОВҚАТЛАР

Булардан бири: сутдан бир *ритл* олиб, унинг устига янтоқ шакаридан, мўътадил мизожлилар учун, қирқ *дирҳам* солиб қуолгунча қайнатилади; бундан ҳар куни бир қадаҳга яқин ичиб турилади. Бу иссиқ мизожлилар учун [ҳам] мўътадиллар. Совуқ мизожлилар учун эса, ўн *дирҳам* дорчинни майин янчид, бир *ритл* сут билан аралаштирилади ва чайқатилади. Бундан бир қадаҳни оч қоринга ёки таом устидан сув ўрнига ичилади.

Овқат устига, айниқса *табоҳиж* ва қўй ёғи ейилгандан кейин, сув ичилмасин. Бу [нарсалар] мизожи совуқ ҳам қуруқ бўлган кишиларга фойда қиласи. Булар жумласидан яна бири: сигир [сугидан олинган] сариёғдан бир кўзача, сигир сугидан бир кўзача ва писта ёғидан бир кўзача олиб, учдан бири қолгунча ҳаммасини қайнатилади. [Ҳар куни] эрталаб бир оз шароб билан бундан икки қошиқдан ичилади. Яна, каллақанддан бир *ритл*, пиёзнинг сиқиб олинган сувидан бир *ритл*, янги соғилган сутдан бир *ритл* олиб, ҳаммасини қуолиб ивигунча қайнатилади; бундан ҳар куни эрталаб бир *үқия* қадар олиб истеъмол қилинади. Яна: катта қора нўхатдан олинади ва уни таратизак сувида шишиб бир оз кўпчиб кўтарилигунча ивтилади; кейин уни сояда қуритиб каллақанд билан янчид қорилади; бир ичими — эрталаб бир ёнгоқ ҳажмида, ухлаш олдида бир фундуқ қадар бўлиб, унинг устидан бир қадаҳ шароб ичилади. Яна қора нўхатни темиртикан сувида ивтишиб, эҳтиёт қилиб офтобда ҳар гал қуриганда ҳўллаб ишланади, кейин ун қилиб сақланади. [Буни] янги соғилган сут ва каллақанд билан ҳолвайтар қилиб ишлатилади. Яна, уч *ритл* янги соғилган сут олиб, унга ярим *ритл* янтоқ шакар ва ярим *ритл* янчилган сақиҷ дарахти уруғи солиб қайнатилади. Кейин буларни эзиб тиндирилади; бундан ярим *ритл* олиб, устига ярим *дирҳам* ҳавлинижон солинади. Бундан ҳазм бўладиган миқдорда олиб, бир неча кун ичилади; бу [таъсирда] ажойибдир. Яна: пиёз суви ва шунча асал олиб, асалнинг ўзи қолгунча қайнатилади; ухлаш олдидан бундан бир-икки қошиқни иссиқ сув билан ичилади. Яна, учни олдий чучук сув

билан ҳолвайтардек қилиб аралаштирилади. Кейин буни сиқиб [сувини] олинади ва янги соғилган сут ва унинг ярмисича норжил суви билан қайнатилади, кейин уни ўрдак ёғи билан ёғланади ва ҳалимдек қилиб пишириб истеъмол қилинади. Ёки сақанқурнинг тузи ёки ангуза сепилган тухум сарифини чала пиширилади. Буни айниқса, ҳаммомдан чиққандан кейин истеъмол қилинса, кучли бўлади, буни яна гулсапсар ва ясмин ёғи билан қўшиб ишқаланади. Яна, тухум сарифи олиніб уриб чалинади, оқи билан қўшиб урилса ҳам бўлади; кейин унинг тўртдан бирicha әзилган пиёз сувидан олиб чала пиширилади; буни бир озгина туз ва юқорида кўрсатилган дориворлар қўшиб истеъмол қилинади.

Яна: сабзи, пиёз ва шолғомдан олиб янчилади ба боқила, нўхат ва гўшт қўшиб, асал билан пиширилади, кейин иссиқлик дориворлар қўшилади. Яна, боқила, нўхат ва ловиядан олиб, иссиқ сувда ивитилади. Кейин қўй гўштини табоҳиж учун тайёрлагандек қилиб, қийма қилинади, бир қатор шу [гўштдан] олинади, устига пиёз ва [ивитилган] донлардан иккинчи қават қўйилади, ҳар бир қават устига сақанқур тузи, озгина ангуза ва озгина дорчин ва кўп янчилган қалампирмунчоқ сепилади, унинг устига сабзининг суви ёки мұғаммаётга солинадиган бирон бошқа сув қўйиб [пиширилади]. Яна, ўттизта чумчуқнинг миясини олиб, уларнинг сувлиги йўқолсин ва хамир қилиш мумкин бўлсин учун шиша идишга солиб қўйилади; кейин бунга ўз миқдорича янгигина сўйилган эчки буйрагининг ёғидан солиб, устига қалампирмунчоқ, мурч ва занжабил қўшилади. Бундан фундуқлар ясалади; алоқа қилмоқчи бўлингандага иккитаси ни кетма-кет ейилади.

Биз синаган яхши қўймоқ. Чумчуқ ва капитар миясидан элликта, чумчуқ тухуми сарифидан йигирмата, товуқ тухуми сарифидан ўн иккита ва янчилб яхши пиширилган қўй гўштининг сиқиб олинган сувидан бир коса, сиқилган пиёз сувидан уч уқия, сабзи сувидан беш уқия, туз ва иссиқлик дориворлардан керагича ва сариёғдан эллик дирҳам олинади. Булардан қўймоқ тайёрлаб ейилади. Унинг устидан ҳазм бўлиши олдида ширинга мойил кучли райҳоний шароб ичилади.

Биз тажрибадан ўтказган [овқатни тайёрлаш] тартиби: қил-қил донаси, бодом, фундуқ, ёнғоқнинг ҳар биридан бештадан олиб, пўчоғини тозаланади; норжил ва чилғўзанинг ҳар биридан етти дона олиб, ҳар биридан айрим-айрим янчилади. Бир ҳабба қадар мушк ва

Ярим донаққа яқин зағарон солинган сувда юқоридағы тарнинг иккى бұлғагы каллақанд әритилади; бунга юқоридаги нарсаларни қорилади. Бир ичими әрталаб беш діржам, бу фойдалидір.

Халволяр. Тозаланған санавбар донасидан иккисінше, таратизак уруғи ва қовун уруғидан бир бұлакдан олиб, ҳаммасини сариёғда қайнатилади, устига озгина мурч ва дорчин ҳам құшилади; кейин унга кифоя қиарлы миқдорда асал солиб, ҳалво қилинади.

Бошқачаси. Нұхатни сувда, ёки таратизак сувда, ёки темиртикан сувда күпчиғуница ивитилади; кейин сариёғда күйдірмасдан бир оз қовурилади. Сұнгра кичик санавбар донасидан шунча олиб, устига ҳаммасини қоришга етарлы асал солинади; озгина масаки ва дорчин аралаштириб идишга күтарилади ва жолвани кесгандек қиilib кесилади.

Бошқачаси. Асални қайнатиб қуюлтириледи, устига катта санавбар дони, сабзи уруғи, узун мурч, ёввойи сабзи уруғи, дорчин ва таратизак уруғини сепиб жуворишин каби тайёрланади. Агар [касал] сабзи ва таратизак уруғларини ёқтираса, уннинг ўрнига сақындарахти уруғи ва озгина мушк солинади.

Уларга бериладиган ичимликлар — ширин шароблар, чинакам ширин майиздан тайёрланған майиз шароблари, қуюқлиги бўлган шаробларнинг ҳаммаси ҳам уларга мувофиқ келади.

Уларга мувофиқ келадиган бир шаробнинг сифати. Таратизак, шолғом ва анжирни сувда қайнатиб тинитилади, кейин қайнатиб тинитилган майиз сувидан шунга баробар олиб құшилади ва каллақанд билан ширинлигини орттирилади ва набиз қилиб етилтирилади.

Биз тайёрлаган бошқа хил шароб. Темиртикан, таратизак, сабзи ва шолғомларни сувда қаттиқ қайнатиб сувнин сузгичдан ўтказилади, сұнгра ўша сувнинг ҳар бир бұлғагига уннинг олтидан бирининг тұртқаңында бирича каллақанд, ёки қызил шакар ва олтидан бирининг тұртқанда биринша — буст анжира, ярим бұлак яхши ширин тоифий майиз, еттидан бирининг олтидан бирича яичилған норжил құшилади ва набиз қилиб етилтирилади.

Бизнинг бошқа [шаробимиз]. Узум шираси олниб, бүннинг ҳар үн машиға уч манн қуйилати даңыдан солинади: таратизак уруғи, шолғом уруғи, бузайлан, мореңба уруғи, күн тили, қылқыл дөгеси, мұтба барбария,

**сабзи уруғи ва иккала хил баҳман — буларнинг ҳам-
масидан баробар миқдорда солиб эзилади ва халтага
солиб оғзини бўшгина боғланади ва ҳалиги шира билан
хумга солиб, етилгунча доимо чайқатиб турилади.**

**Бошқа шароб. Сабзи ва аижирни кўпгина сув-
да қайнатиб тиндирилади. Сувига уруғи олинган майиз
солиб қайнатилади, тиндирилиб, унга каллақанд соли-
нади, сўнг қайнагунча ўз ҳолига қўйилади. Темир суви
ва темир ўчирилган сув ҳам [жинсий қобилиятни] ку-
чайтирувчидир.**

**АЛОҚАДАН ЛАЗЗАТЛАНТИРИШ, ФАРЖНИ
ТОРАЙТИРИШ ВА ИСИТИШ ТҮҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ БЕРИШДА ТАБИБНИНГ УЗРИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

Табиб учун олатни катта қилиш, фаржни торайти-
риш ва хотинларни лаззатлантириш тўғрисида гапириш
уюят эмасдир, чунки булар насл қолдиришга сабаб бўла-
диган воситалардан биридир. Кўпинча, олатнинг кичик-
лиги насл йўқлигига сабаб бўлади, чунки хотинлар ало-
қадан лаззатлана олмасдан уруғ туширмайдилар, чун-
ки бу уларга одат бўлган нарсага хилофдир; уруғ ту-
ширмагандан кейин бола ҳам бўлмайди. Бу, кўпинча,
хотинларнинг эрларидан нафратланиб, бошқани ахта-
ришларига сабаб бўлади. Хотинларнинг фаржи тор бўл-
маганда ҳам аҳвол шундай бўлади; эрлари буларга ва
булар эрларига мувофиқ келмайдилар ва буларнинг
ҳар бири алмашинмоққа муҳтоҷ бўлади. Шунингдек,
лаззатланиш тезликда ургунинг тўкилишига сабаб бў-
лади, хотинларнинг уруғ туширишлари, кўпинча, эрлар-
дан кейин бўлади, бунда уларнинг ҳожатлари қондирил-
май қолади, шунинг учун ҳам насл бўлмайди. Шуниси
ҳам борки, бундай [хотинлар] алоқага қаттиқ орзуманд
бўлиб қолиб кетадилар; шунда номусни сақламовчилари
кимни топсалар, ўзларига рухсат қиласидилар. Мана шу
сабабли хотинлар бир-бирларига ишқаланиб, ўзаро ҳо-
жат қондиришгача бориб етадилар.





БОЛА БҮЛМАСЛИК ВА БҮЙИДА БУЛИШНИНГ ҚИЙИНЛИГИ

Бола бўлмасликнинг сабаби ё эр уруғида, ёки хотин уруғида, ёхуд бачадон аъзоларида, ё эрлик олати аъзолари ва уруғ олатларида бўлади. Баъзан ғам, ҳавф, бош оғриқлари, ҳазм кучсизлиги ва меъда бузилиши каби бошланғич [аъзолардаги] сабабдан ёки [алоқа вақтидаги] тасодифий хатодан бўлади.

Уруғдан бўлган сабабга келсак, бу тугдириш қувватига тескари, иссиқ ёки совуқ мизожнинг бузилиши, [уруғ мизожининг совуқ бўлиши], табиий совуқдан, сийдикнинг узоқ тутилиши ё бутуилай тутилишидан бўлади ёки [уруғ мизожининг] ҳўл ва қуруқлигидан иборат бўлади. Бунинг сабаби эса мувофиқ келмайдиган озиқлар ва нордон нарсалардир, чунки булар [уруғни] совутувчи ва қуритувчилар жумласига киради, гоҳо уруғдаги сабаб тугдиришга моне бўлмайдиган, балки тугдиришни қийинлаштирадиган ёки бачадонга келадиган бола озигини бузадиган мизож қуруқлиги бўлади. Гоҳо уруғдаги сабаб эр уруғининг хотин уруғига унинг қабул қила оладиганидан бошқача ёки икки назариядан бирининг айтишича, хотин уруғи ҳамкорлик қила оладигандан бўлак таъсир кўрсатишидан иборат бўладики, натижада ораларида бола бўлмайди. Уларнинг ҳар бири бошқа билан алмашсинлар, бола бўлиши мумкин бўлади. Гоҳо эр ва хотиннинг ҳар бирида бўладиган мизож бузилиши сабабли уруғлар бир-бирларига мослашмайди; [уруғлар] бир-бири билан эътидолга келмай, балки бузуқлигини орттиради. Ундай [эр ва хотин] алмашинса, зидлашув билан бир-бирларидаги [мизожни] эътидолга келтирадиган ҳолга келиб [уруғлар ҳам] мўътадиллашади.

Ўсмир, маст, меъдаси бузилган, тиришув касали бор, кўп алоқа қиласиган ва танаси соғлом бўлмаган кишиларнинг уруғлари бола бермайдигач уруғлар жиниси-

дандин; чунки Буқротнинг айтишича, уруг ҳар бир аъзодан келади ва у соғлом [аъзода] соғлом ва касалда касал бўлади. Шу ҳолларнинг ҳаммаси баъзан иккала уруғда ҳам мавжуд бўлади. Айтишларича, эр уруғининг бузилиши сабабларидан бири ҳали балогатга етмаган қизлар билан алоқа қилишdir, бироқ бу маҳсус ҳолларда воқе бўладиган нарсалардандин.

Бачадонда бўладиган сабабга келсак, бу уруғни буздиган мизож бузилишидан иборат бўлиши мумкин. Бунинг кўпчилиги [уругни] қотирадиган совуқдан бўлади, масалан, бу ҳол хотинларда [уругни] совутувчи совуқ сув ичишдан келиб чиқади. Бундай ҳол эркакларда ҳам бўлади. Баъзан [совуқ] ҳайз қонининг қисмларини ўзгартиради ва баъзан ҳайз қони ўтадиган тешикларни торайтириб қўяди ва натижада қориндаги болага [озиқ бўладиган қон] етиб бормайди. Баъзан [мизож бузилиши] уруғни бузадиган модда ва бошқа рутубатлар билан бирга бўлади. У эрлик уруғини қуритади ва ёки эритади, ёки ҳўллайди, ёки тутиб турувчи қувватни кучсизлантириб, уни тойдириб юборади, бу кўп учрайди; ёки [мизож бузилиши] уруғни тортадиган қувватни кучсизлантиради, бунинг таъсирида [бачадон] уруғни қаттиқ тортолмайди. Ёки у иссиқ қуруқлик ёхуд совуқлик туфайли [бачадондаги] озиқ йўлларини торайтиради, ёхуд бола озигини бузади, ёки унинг болага етиб боришига тўскинлик қиласди, чунки кучли иссиқлик бачадонни қисиб юборади. Бунга яна совуқлик, ёки ярадан унган эт, ёки сўгал жинсидан бўлган ортиқча этларнинг борлиги, ёки болани ўровчи пардага ғалаба қилиб, озиқнинг тутиш йўлларини бекитиб қўйган қуруқлик ҳам [сабаб] бўлади.

Совуқ-хўл мизожли бачадонда эрлик уруғида, сизот ерларда экин уруғида пайдо бўладиган ҳоллар юз беради; иссиқ-қуруқ мизожли [бачадонда] эса, оҳак сочилган ерларда бўладиган нарса юз беради. [Бола бўлмасликнинг бачадонга боғлиқ сабабларидан] яна бири модда, яъни ҳайз қонининг тўхталиб қолишидир, бу бачадоннинг моддани тортишдан ва етказишдан ожиз бўлгандек юз беради. Ёки бачадон оғиб, ё айланиб қолади, ёки бўйида бўлишдан олдин тиқилма, қаттиқлик, сўгалсимон ёки бошқача эт, яраларда эт униши, бурништирувчи совуқ ва тиқилма пайдо қилувчи бошқа сабаблар, шунингдек қуруқлик туфайли бачадон оғзи қаттиқ юмилиб, натижада уруғ ўтмайди. Баъзан туққандан кейин бачадон бўш юмилиб, уни тутиб турса олмайди

ёки уни тойдирувчи ёғ кўп бўлади. Бу [ёғ кўплиги] баъзан бутун тананинг иштироки билан ва баъзан, асосан, бачадонда, шунингдек чарвида ҳам бўлади, ёки танҳо бачадоннинг ўзида бўлади. Ёғ чарвида кўпайганда уругни сиқади ва уни қисиб чиқаради. Бунга яна бутун тана ёки бачадоннинг қаттиқ ориқлаши, бачадонда шиш, яра, бавосир ёки тўсиқ бўладиган ортиқча эт каби оғатлар ҳам [сабаб] бўлади. Гоҳо бачадон оғзида эрлик олати каби қаттиқ нарса пайдо бўлиб, олат ва уруғнинг киришига тўсқинлик қиласди. Ёки [бачадонда] битиб кетган яралар бўлиб, улар [бачадонни] тўлдиради ва ҳайз қони оқадиган томирларнинг оғзини бекитиб қўйган бўлади. Баъзан бачадон оғзининг дағаллиги ҳам [бола бўлмасликка сабаб] бўлади.

Тугдириш аъзоларида бўладиган сабабга келсак, улар уруғ идишининг кучсизлиги, ёки унинг мизожида пайдо бўлган бузилишдан иборат; масалан, қулоқ орқасидаги венаси кесилган, ёки тошни чиқариш учун қувуғи ёрилган кишида зарап тугдириш аъзоларига умумлашади. Баъзан биронта асаб кесилиб, натижада уруғ идишлари, уруғ тугдирадиган қувват ва уругни отадиган [аъзода] кучсизлик пайдо бўлади. Мояги эзилган ёки мояигига сассиқалаф боғланган, ёки кўп кофур ичган кишиларда ҳам шундай ҳол юз беради. Эрлик олати туфайли бола бўлмасликка келсак, масалан, у калта тузилган бўлса, шундай бўлади, ёки эркак семиз бўлиб, олатнинг кўп қисми эт билан беркитилган бўлади. Ёки хотин семиз бўлиб, фаржнинг оғзи узоқ бўлади ва олат [бачадонга] тўғри бўлмайди, баъзан иккала томон ҳам [семиз] бўлади. Эрлик олатининг эгрилиги, пайининг қисқалиги ҳам [сабаб] бўлади, чунки бунда олат бачадонга рўпара бўлолмайди ва уруғ бачадон оғзидаги ҳалқага бориб етмай қолади.

Бошлама аъзоларда бўладиган сабабларни эса юқорида санаб ўтдик. Бўйида бўлиш осонлашсин учун ҳазм аъзолари ва руҳ аъзолари кучли бўлишлари керак. Тасодифий хато эрлик уруғини [бачадон] қамрай олишидан илгари ёки ундан кейин туширишдан иборат. Уруғ туширишда бўладиган хато шундан иборатки, хотин ва эрнинг жинсий алоқа вақтида уруғ келтириш замонлари турлича бўлиб, доимо улардан бири уруғни бошқасидан олдин келтиради. Агар эркак олдин келтирса, хотинни уруғ келтирмаган ҳолда қолдиради. Агар хотин уруғни олдин келтирса, эр ўз уруғини хотиндан кейин келтиради. Шунда бачадон оғзи уруғни тоғтувчи

ҳаракатдан тўхтайди, [бачадон] эса хотин уруғини туширганда сезадиган даражада қаттиқ очилиб ёпилиб ёрлик уруғини тортмай қўяди.

Бир гуруҳ [табибларнинг] фикрича, бачадоннинг уруғ келтириш вақтида шундай қилишига сабаб эр сувини [бачадон] ичига тўқадиган ички уруғ идишларидан оқадиган суюқлик билан бирга тортиш учундир, ёки ўз уруғини тортиш учун шундай қилади, чунки агар бошқа бир гуруҳ табибларнинг айтганлари тўғри бўлса, хотинларнинг уруғи ичкарида туғилса ҳам ташқарига бачадон оғзига тўқилади, кейин бачадон уни ютади. Хотиннинг ўз уруғини ташқаридан тортиш учун бўлган бу хил ҳаракат ёрнинг уруғ келтиришига хос эмасдир.

Эр уруғини [бачадон] ўз ичига олгандан кейин бўладиган хатога келсак, у, масалан, сакраш, бир нарсага уриб олиш, ёрлик уруғи туширилгандан кейин тез туриш ҳамда бўйида бўлгандан кейин шунинг каби бошқа қаттиқ ҳаракатлар қилишдан иборат; булар болани тойдирали. Ёки тўсатдан қўрқиш ёки болани тушириш бобида айтганимиз бошқа сабаблардан бирининг содир бўлиши ҳам шулар жумласидандир.

Буқротнинг айтишича, эр хотиндан ҳеч қачон совуқроқ бўлмайди, яъни бошқарувчи аъзоларининг мизожида, биринчи мизожда ва соғлом уруғ мизожида, аммо кейиндан пайдо бўлган мизожда эмас.

Билгинки, туғадиган ва ҳомиладор бўладиган хотин бола бўлмайдиган хотинга қараганда кам касал бўлади. Бироқ [туғадиган] хотин туғмайдиган хотинга қараганда заифроқ бўлади ва тезроқ қарийди. Бола бўлмайдиган хотин кўп касал бўлади, унинг қариши секинроқ бўлиб, умрининг кўп қисмида ёш хотиндек бўлади.

Белгилар. Бола бўлмаслик қайси уруққа боғлиқлигини кўрсатувчи белгиларга келсак, бу тўғрида бир қанча нарсалар айтганиларки, уларнинг тўғри эканлиги тасдиқланмайди ва биз бу тўғрида бирон ҳукм килмаймиз. Масалан: иккала уругни сувга солиб кўриш керак, қеъсисчанинг уруғи сур юзига чиқса, қайчилик ўшанинг тенгиде бўлади дейдилар; яна шундай дейдилар: иккада тонининг сийиғини каду чинига қўйиб кўришади ийси бирни кокуни кургаса, сийилик ўшанда бўлсан. Энда айтганилар: бугдайдан етти дона, арпадаң етти дена ва бекимлардан етти дона оғлиб сопол идишга солинади. Унинг устига [эр-хистичлан] бирини сийлириб етти кун кўйинлари, агар ден кўкарса, бола бўлмаслик учун ташқаридан сўнгурдли. Бундан кўра ҳам [ақлдан]

узоқ нарсаларни айтганлар, хотинни тажриба қилишдан айтилганларнинг яхшироғи мана бу: бир идишда ҳўл хушбўй нарса қайнатилиб, хотиннинг бачадони варонка орқали буғланиши керак. Агар тутатилган нарсанинг ҳиди унинг оғзига ва бурунларига ўтса, сабаб хотиндан бўлмайди, агар ўтмаса, у чоғда бу ерда тиқилмалар ёки ёмон хилтлар бўладики, булар ҳид ва хушбўй нарсанинг ўтишига монелик қилган ёки уни бузган бўлади. Яна айтадиларки, хотин бир бўлак саримсоқни [фаржига] кўтариб, унинг ҳиди ва таъмини юқоридан сезадими ёки йўқми эканлигини қарайди; бу асосан [бачадонда] тиқилмалар борми ёки йўқлигини кўрсатади. Агар тиқилмалар бўлса, бу бола бўлмасликни кўрсатади, агар тиқилмалар бўлмаса, унда бола бўлмаслигига бошқа сабаблар ва бўйида бўлишига бошқа монелар борлиги эҳтимолдан узоқ бўлмайди. Қондан тоза бўлиб, бачадони оғзида рутубат қоладиган ҳар бир хотинда [уроф] тойиб тушадиган бўлади.

Уроф ва унинг аъзолари мизожидаги белгиларига келсак, юқорида билганингдек [мизожнинг] иссиқ ва совуқлигини уругдан, хотиннинг уни ўзига теккандаги сезишидан, урүғнинг қуюқ ва суюқлигидан, қовдаги мўйнинг ҳолидан, урүғнинг рангидан ва ҳидидан, томирнинг тез ва суст уришидан, сийдик рангидан ва сийдик рангининг озлигидан ҳамда гавданинг шу белгиларга иштирокидан билинади.

Ҳўллик ва қуруқлиги эса, эрлик уруғининг қуюқ бўлиши билан бирга озлигидан ёки кўп бўлиши билан бирга суюқ бўлишидан билинади. Соғлом уроф оқ, ёпишқоқ ва ярақлаган бўлиб, унга пашша қўнади ва ейди. Урүғнинг ҳиди хурмонинг янги чиқарган ғунчаси ёки ясмин гули ҳиди каби бўлади.

Ҳайз қони ва унинг аъзоларидаги мизож белгилари. Сенга маълумки, унинг иссиқ ва совуқлигини ушлаб кўришдан ва [ҳайз қони] рангидан билинади; қаралади: у сарғишми, қорамтирми ёки гунгуртга мойилми, ёки оқишими; яна [хотиннинг] қовидаги мўйига ҳам қаралади. [Мизожнинг] ҳўл ва қуруқлиги қоннинг кўп-озлиги билан қуюқ-суюқлигидан билинади. Яна кўзларнинг яллиғланиши ва хираланишига ҳам аҳамият берилади, чунки кўз, Буқротнинг фикрича, бачадоннинг ҳолини кўрсатади. Қайси хотин ҳайздан тозаланганди, бачадоннинг оғзи қуримаса, балки ҳўл бўлиб турса, бу хотинда бола бўлмайди.

Семизлик, орнқлик, ёғли бўлиш, олатнинг қисқалиғи

ва эгрилиги, олат боши ичиде томирнинг қисқалиги, ба-
чадоннинг тўнкарилганлиги ва икки томондан уруғ ту-
ширишнинг қандай эканлиги тажриба билан аниқланा-
диган нарсадир. Серёғли фаржларга кириш йўли тор,
[бачадондан] узоқ бўлиб, бачадон мугузлари қисқа ва
қоринчалари бўртиб чиққан бўлади, у ҳар бир ҳаракат-
дан ларзага келиб, андак ҳиддан ҳам азиятланади.
Бачадоннинг бирон томонга оғганлигини фаржнинг ичи-
ни пайпаслаб кўриш билан билинади: агар бачадон оғзи
[фарж тешигига] рўпара бўлмаса, демак у бир томонга
оғган бўлади. Бачадони оғган ёки тўнкарилган хотин
жинсий алоқа вақтида оғриқ сезади.

Тадбир ва даволаш усуллари. Бу соҳада қўлланила-
диган тадбир икки йўл билан бўлади. Биринчиси [хо-
тинни] оҳисталик ва мулойимлик билан ҳомиладор қи-
лишга киришилади, иккинчиси бўйида бўлишга моне
бўладиган сабабларни даволанади.

Бола бўлмайдиган ва яратилишда туғмайдиган бўл-
ган [хотинларни], эрининг мизожига қарши мизожда
бўлиб, уни алмаштиришга муҳтоҷ хотинни, шунингдек
олати калталиктининг давоси йўқдир. Шунингдек, ҳайз
қони келадиган томирларнинг оғзи яралардан битиб
силлиқланган хотинлар учун ҳам даво йўқдир. Эрлари-
ни алмаштиришга муҳтоҷ хотинларни даволашнинг та-
бига алоқаси йўқ. Булардан бошқаларига тадбир қи-
линади.

Биринчи йўлнинг тафсили. Жинсий алоқа учун энд
мувофиқ вақтни танлаш керак, буни биз юқорида айтиб
йтдик; бунинг учун ҳайз охирига етган вақтни ва биз
айтган сабабларга кўра унинг билан алоқа қилиш ло-
зим бўладиган вақтни танлаш керак. Жинсий алоқани
бир оз вақт кечикириш керак, бироқ бу уругларни со-
вукقا айланиб бузиладиган даражада узоқ давом этма-
син; агар шундай бўлиб қоладиган бўлса, [бola] туғ-
майдиган қилиб алоқа қилсинглар, сўнг яхши уруғ тўп-
лангани маълум бўлгунча алоқани тарқ қилиб туради-
лар. Алоқани ҳайздан тозаланганликнинг аввалида
бўлишини риоя қилсинглар; бироқ ҳар бир хотин бадани
учун бу муддат турлича бўлади. Кейин [эр-хотин] ўйна-
шадилар, айниқса мизожи ёмон бўлмаган хотин билан
шундай қилинади. Кейин эр хотиннинг эмчакларини
мулойимлик билан ушлаб, қовуни қўтиқлайди, лекин
ҳақиқий равишда қўшилмасдан туради, хотин қизишиб,
унинг хөхнши ортгач, [олатни] устдан тиллиққа ишқа-
ланади, чунки шу ер хотиннинг лаззат оладиган еритидир.

Сўнг хотиннинг қаттиқ ёпишиб, кўзлари қизара бошлайдиган ва энтикиб, тутилиб сўзлайдиган вақтини кутиб турлади. Бу чоғда уруғни бачадон оғзига тўғрилаб [уруг тушадиган] ўринни озгина кенгайтириб юбориш керак. Кенгайтириш ташқи ҳаво таъсири етмайдиган даражада бўлсин, чунки ташқи ҳаво дарҳол [уругни] бузади ва у бола беришга ярамай қолади.

Билгинки, агар уруғ жуда тор [ўринга] юборилса, ҳатто эрнинг олати муқобил деворга тегиб қолса, баъзан уруғ зое кетади. Аксинча, уруғ бачадон оғзиғача бир оз отилиб бориши керак ва олатнинг тешиги бекилиб қолмаслиги лозим. Шундан кейин эр хотинга бир оз муддат қаттиқ ёпишиб турган ҳолда [олатини] жуда нарига тақаб туради; бачадон оғзини очилишлари ва «нафас» ҳаракатлари тамом тўхтаганилиги билингунича шундай ётилади, сўнгра эркак ҳам бир оз тинчланади. Хотин эса оёғини кериб, сонларини кўтариб, белини пасайтириб ётади, кейин эркак туриб хотинни шу ҳолда қолдиради, у икки оёғини жислаб нафасини ичига қамаб ётади, агар у шундан кейин ухлаб қолса, бўйида бўлиши кўпроқ муқаррар бўлади. Агар жинсий алоқадан олдин хотинга шу ҳолга мувофиқ тутатқилар ишлатилган бўлса, яна яхшироқ бўлади. Алоқадан олдин кўтармалар, хусусан муқл ва шунга ўхшаш унча иссиқ бўлмаган елимдан қилинган кўтармаларни истеъмол қилинади.

Иссиқ мизожли хушбўй нарсаларни бачадон остидан тутатиш [бу бобда] ажойиб таъсири кўрсатадиган нарсаларданadir; Унинг ҳидини хотин юқоридан сезмайди. Кейин узун найча олиб унинг бир томонини иссиқ кулга қўйиб, иккинчи томонини етиб келган иссиғи чиқарлик даражада қилиб бачадонга киргизилади. Хотин шу ҳолда ётади, ёки чидагунигача ўтиради, сўнг [эр-хотин] қўшилишадилар.

Даволашнинг иккинчи йўлига келсак, бу шундай бўлади: агар бола бўлмасликка иссиқ [мизож] ва иссиқ хилтлар сабаб бўлса, у [хилтларни] бўшатиб, мизожни маълум озиқ ва ичимликлар билан мўътадиллаштирилади. Бачадонга маълум ширалар, совуқлик ва ёғлардан тайёрланган ҳароратни эътидолга келтирадиган мумлиқ суртмалар истеъмол қилинади. Агар сабаб совуқлик рутубат бўлса, уни яқинда айтадиганимиз нарсалар билан даволайнади; бу ҳил сабаблар кўп учрайди. Агар [бола бўлмасликка] сабаб бачадон оғзининг ўрнидан қўзғалиши бўлса, уни аъзонинг ўрнидан қўзғалишига

қарши қўлланадиган чоралар билан ҳамда ўз бобида айттишган қортиқлар билан даволанади, [табибларининг] айтганига биноан муносиб томондаги болдиридан қон ҳам олиниади. Агар сабаб ённинг кўплиги бўлса, бадантарбия ва енгил овқатлар истеъмол қилиниади; сувли ҳаммомлардан сақланиб, иссиқ булоқ сувларида гина чўмила олишлари мумкин. Томирдан қон олдириш ва ўткир ҳуқналар воситаси билан бўшатилади, шунингдек, тарёқ ва тиёдаритус каби қуритувчиларни истеъмол қилиниади. Суюқ оқ шароб ичмасдан, сув қўшилмаган кучли қизил шаробдан озгина ичиши керак. Хурмо дарахтидан олинган оқ асал, гулесапсар ёғи ва мурр бундай [хотинлар] учун фаржга кўтариладиган яхши дорилардандир.

Агар бола бўлмасликнинг сабаби эрлик уруғининг яхши ўрнашишига моне бўладиган ел бўлса, у чоқда каммуний каби нарсалар билан даволанади ҳамда рум арпабодиёни, петрушка уруғи, газагўт уруғи, айниқса маълум илдизларнинг сувига солинган газагўт уруғини ичирилади, шунингдек булардан тайёрланган дориларни фаржга кўтарилади. Қундуз қири, газагўт уруғи ва төр мурчи уруғи елни тарқатадиган нарсалардандир. Агар сабаб қаттиқ қуруқлик бўлса, у чоқда ҳўлловчи ҳуқналар ишлатилади ва юмшатувчи ёғларни [фаржга] кўтарилади; шунингдек сут, айниқса эчки сути ва ёғли шўрвалар ичирилади. Агар сабаб бачадон оғзининг торлиги бўлса, уни [кенгайтириш] учун доимо қўрғошиндан қилинган милни ишлатиш керак, буни тадриж билан йўғонлаштириб борилади. Юмшатувчи марҳамлар билан силанади ва у [хотин] кўп алоқа қилиши лозим. Унга карам ейиш, петрушка, зира, рум арпабодиёни ва бошқа нарсаларни истеъмол қилиш фойдалидир.

Бола бўлмасликнинг даволаб бўладиган сабаби, кўпинча, совуқлик ва рутубатдан иборат бўлади. Бўйида бўлишга ёрдам берувчи дориларнинг кўпчилиги совуқ ва ҳўлликни йўқотнига қаратилгандир.

Агар рутубат бор бўлса, уни иёражлар, ҳуқналар, кўтарилидиган дорилар билан бўшатиш керак. Ичила антап нарсалардан митридат, тарёқ, тиёдаритус каби иссоқлик маъйкун, шунингдек кокабинаж доинси берилади. Хотинга физ сийғитин ичирилса, у ўзининг маҳсус хусусияти билан таъсир қилади; ҳомиладор қилишда ёки ёжоиб доридир, буни жинсий алоқега яқин ёки алоқа вақтида қилинсан. Физ тинининг киринисини ўзи чиритади, у борзов фойда қилади. Рум сассиқ

қаврагининг уруғи ҳам яхши ва синалган дорилардан бири, уни кўп бола берсин деб гоҳо урғочи молларга ҳам ичирилади. Бальзам ёғи, бон ёғи ва гулсапсар ёғидан тайёрланадиган, шунингдек қора нефтьдан қилинган дорилар фаржга кўтариладиган яхши дорилардан-дир. Гоз ёғини ҳам юнг билан кўтарилади. Ундай дориларни хушбўй тирноқ, мушк, сунбул, тўпалоқ, укроп, каклик ўти, жувона, зуфо, муқл, «тулки мояги» ва қандулдан ҳам тайёрланади, бу ажойибdir. Яна уларни сарв ёнғоғи, дафна меваси, омила шираси, амом, *содаж* ва ёввойи зирадан тайёрланадиган, умуман, ҳар бир қиздирувчи ва буриштирувчи нарсадан, айниқса, сирғанишга [қаршилик қилувчи] нарсалардан тайёрланади. Ҳайз кўргандан кейин қуён панирмоясини турбуд ёғи, гунафша ёғи билан кўтарилса, бўйида бўлишга ёрдам қиласди. Шунингдек, қуён тезагини ва айтишларича, эркак кийик ўтини кўтарилса, айниқса унга тулки мояги ва асалдан бир оз қўшиб кўтарилса, фойда қиласди. Унинг тезагини бўри ўтини ёки қуён, ёхуд арслон ўтини икки *донақ* миқдорида кўтариш ҳам шундай.

Яхши шамча. Завъфарон, амом, сунбул ва қашқар-бедаларнинг ҳар биридан уч ярим *дирҳамдан*, *содаж* ва ёввойи зираларнинг ҳар биридан бир *үқиядан*, гоз ёғи ва тухум сарифидан икки *үқия*, рум сунбули ёғидан ярим *үқия* олиб, [хотин] ҳайздан тозалангандан кейин ҳаворанг юнгда уч кун кўтарилади, уни ҳар куни янги-лаб турилади. Яна: қуруқ ёки ҳўл саримсоқ олинисб, устига ўз миқдорicha кунжут ёғи қуйилади, кейин уни эзилиб пишиб, сув қисми кетгунича қайнатилади *ва* юнгда кўтарилади, бу яхши доридир. Баъзан дори кўта-ришдан олдин Абу Жаҳл тарвузи этининг қуввати ўтка-зилган бирон нарса билан ҳуқна қилишга тўғри келади, бу рутубатларни чиқаради. Ёки фаржга кундур елими каби дорини кўтарилади...

Буғлаш учун *мурр*, *майҳа* елими ва дафна мевасидан тайёрланган кулчалар ишлатилади; бу билан ҳар куни буғланади. Яна: қизил зирних ва сарв бужуруни суюқ *майҳа* елими билан қориб, ҳайздан тоза бўлгандан кейин уч кун кетма-кет варонка орқали буғланади. Шунингдек, *мурр*, суюқ *майҳа* елими, гальбан елими, дафна меваси, седана, муқл ва зуфолар билан ҳам [буғланади].





ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУФИШ

Боланинг пайдо бўлиш, ҳаракатга келиш ва туғилиш муддатларини анатомия ва ундан кейинги [фаслларда] айтиб ўтдик. У ердан билинадики, еттинчи ой бола туғилдиган ойларнинг энг олдини экан; бунда бола қоринда эканида туғилиш ва мизож жиҳатидан кучли бўлиб, унинг ўсиши, ҳаракатга келиши ва чиқишига талаби тез пайдо бўлади. Шу муддатда туғилган болаларнинг кўпчилиги ўлади, чунки булар кучсиз тузилган бўла туриб [туғилиш вақтида] қаттиқ ҳаракатларга дучор бўладилар, чунки бундай туғилган бола аслда кучли бўлса ҳам, пайдо бўлиш замонига яқиндир.

Саккизинчи ойда туғилган болалар эса бошқаларга қараганда ҳам кўпроқ ҳалок бўлиб, камдан-кам яшайдилар. Агар саккиз ойликда туғилган боладан бирортаси яшаб қолган бўлса ҳам, бу жуда кам учрайди. Шумуддатда туғилган қиз болалар ҳам камдан-кам яшайди. Баъзи мамлакатларда саккиз ойликда туғилган бола ҳеч бир яшамайди, чунки уларнинг ҳоллари шундаки, уларнинг пайдо бўлиши, ҳаракатланиши ва туғилишга интилиши шу вақтгача кечиккан бўлади, бу ҳол улардаги қувватнинг аслданоқ кучли бўлмаганидан дарак беради. Агар бундай [болалар] тугалланишнинг бошида [она баданидан] қутилишга ҳаракат қилсалар, улар қувватлари етти ойда туғилган болаларда бўладиганидек, бошданоқ кучли бўлиб, тугалланишнинг бошида қутилишга интиладиган болаларга қараганда кўпроқ заифлашадилар. Агар шундай бўлмасдан, балки тузилишлари ва туғилишга ҳаракатлари бундан илгари тамом бўлган бўлса, бунда ҳам [бola] ўрнидан ажралишга интилиб тўнкарилади, бироқ бу билан ҳолсизланиб мақсадга етолмайди ва қувват қайтгунча тўнкарилган ҳолда қолади. Бу ҳол уни [яна] ожиз ва кучсиз қиласди; шу вақтда у [болада] йўналган ерига етолмасдан қу-

тилиш учун турли ҳаракатлар қилиб чарчаган ва ҳолдан кетган кишида бўладиган ҳол юз беради. Кейин у иочор касал ва кучсиз бўлиб қуввати тарқалади. Агар у шундай ҳолда туғилса, у ҳақда касал ва кучсиз бўлиб туғилган бола сингари ҳукм юритилади. У ҳақдаги ҳукм шуки, унинг тирик қолишига умид қилинмайди.

Тўққизинчи ойда туғилган болага келсак, агар унинг яратилиши ва ҳаракатга интилиши еттинчи ойда тугалланган бўлиб, бироқ қутилиши мумкин бўлмасдан яна бачадонда қолиб, саккизинчи ойда биз юқорида айтгандар пайдо бўлган бўлса, у чоғда [бола] бир ой ичидашу қадар ўзини тиклаб оладики, унга қувват келиб тўнкарилишдан тўғриланади ва маҳкамланиб қайтадан тўнкарилгунча [шундай қолади], туғилганда эса соғлом қолади.

Агар бундай бўлмасдан шу вақтда қўзғалишга интилса, у ҳақдаги ҳукм ҳар бир кучсиз бола ҳақидаги ҳукм каби бўлади.

Унинчи ойда туғиладиган болаларнинг кўпчилигида тўққизинчи ойда туғилишга интилиш бўлиб, бироқ бу нарса мусассар бўлмаган ҳамда саккизинчи ойда туғиладиган болада юз берадиган ҳолатлар пайдо бўлган бўлади. [Бачадондан] ажралиш вақтининг еттинчи ойга тўғри келиб, [боланинг] ўзини ўнглаб олишининг ўнинчи ойгача чўзилиши ва ўнинчи ойда тўла ўнгланиб олиши камдан-кам учрайди. Бундай ҳол ахёnda бир бўлиб, боланинг заифлигидан дарак беради, чунки [қувватни] тиклаб олиш еттинчи ойдан ўнинчи ойгача қолади.

ҲОМИЛАДОР ХОТИНЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАДБИРИ

Уларнинг ичи жуда қотган бўлса, ёғли шўрва, ширхушк ва шулар каби мўътадиллик билан юмшатувчи нарсалар билан ични доимо мулойим қилиб турнишга аҳамият берини лозим. Мўътадил билантарбия қилиш ва секин-аста юрнишга буюриш керак, аммо булар ҳаддан ташқари бўлмисени, чунки ҳаддан ташқариси нузватни тушнифли. Булар шунинг учун керакни, ҳайз қони тўхташи сеъди уларда чиқнидилар кўнайиб кетади. Улар ҳаммомни кўп истеъмол қилмасликлари керак, ҳатто турниш якнишлагмагунча ҳаммомни ўзларига ҳаромлек биланлари керак. Бошлини ҳам ёфламасликлари керак: кўпинча, бундан назла пайдо бўлиб йўтал боштаганини, бу бозани қўзғатиб турнишга тобеърлайди.

[Ҳомиладор хотин] қаттиқ ҳаракат, сакраш, урилиш, ийқилиш, айниқса, жинсий алоқадан, шунингдек қоринни тўлдириб овқат ейишдан ва аччиғланишдан сақла-ниши лозим. Ғамга соладиган ва хафа қиладиган нар-саларни уларга айтмаслик ва болани туширадиган ҳам-ма сабабларни улардан узоқлаштириш керак, айниқса бўйида бўлишнинг биринчи ойида йигирма кунгача ва хусусан биринчи ҳафтада уч кунгача шундай қилиш ке-рак; шу вақтда уларга болани қўзғатувчи бир нарса ман қилинади. Қориндаги болани сақлаш тўғрисидаги ёзганларимизга ҳам қаралсин. Үндай хотинлар ўзлари-ни қовурға остидан юмшоқ юнг билан ўраб қўйсилар.

[Ҳомиладор хотинларнинг] озиқлари тоза ион, шўр-ва ва зирбожклардан иборат бўлиб, улар ковул, Миср боқиласи ва хом зайдун каби ҳар бир ўткир ва аччиқ нарсалардан, шунингдек ловия, нўхат ва кунжут каби ҳайз қонини юргизадиган нарсалардан қочишлари ке-рак. Агар улар бўйида бўлган куни таом ейишини иста-салар, шунда Буқрот уларга толқонни сувга солиб бе-ришни буюради, чунки толқон қоринни дам қилса ҳам тездан озиққа айланади. Уларнинг шароблари райҳоний суюқ эски шаробдир. Буқрот улар қора шароб исчинлар, деган, бунда у суюқ қора шаробни кўзда тутган бўлса керак, унинг қоралиги кучлилигидан бўлиб дурдалиги-дан бўлмайди. Газаклари майиз, ширин беҳи, иштаҳани қўзғатадиган нок, нордон-чучук олма ва нордон-чучук анордир. Уларнинг дорилари эса марварид жуворишини кабилардан иборат.


Нусха. Тешилмаган марвариддан бир дирҳам, назла ўтидан бир дирҳам, занжабил ва мастакининг ҳар бири-дан тўрт дирҳамдан, ёввойи занжабил, чаёnsимон дару-нак, петрушка уруфи, чакамуғ, қоқила, мускат ёнғоғи, мускат ёнғонининг пўсти ва қирғанинг ҳар биридан икки дирҳамдан, оқ баҳман, қизил баҳман, мурч ва узун мурч-нинг ҳар биридан уч дирҳамдан, дорчиндан беш дирҳам, Сулаймон шакаридан шуларнинг ҳаммасича олинади. Бир гал ичишга энг кўп миқдори бир қошиқdir, бу юкли хотинларда бачадон ва меъда ҳолларини тузата-ди. Уларнинг меъдаларига қаттиқ аҳамият берib ку-чайтириш керак, бунинг учун гул қандни уд, мастаки ва бунинг кабилар билан қўшиб берилади. Кўп шакар ва жуда ўткир бўлмаган енгил дориворлардан тайёрланган жуворишинлар билан ва буриштирувчи, қиздирувчи хуш-бўй суртмалар билан ҳам [кучайтирилади].

ЯНГИ ТҮҚҚАН ХОТИНЛАР УЧУН ҚҰЛЛАНАДИГАН^{*} ТАДБИР

Хотин туққач, уни ўраш ва түғиш қонини етарли даражага келтиришга ҳаракат қилиш керак. **Овқатни қиздирадиган, буриширадиган хүшбүй нарсалар билан тузатиш керак;** бирданига ғализ овқаттарга ұтмаслик керак, бу иситма беріб ўзгартируачи құваттан за жигарни күчсизлантиради ва ташналикни құчайтиради, баъзан эса истисқога ҳам сабаб бўлиб қолади. Агар шу билан бирга у хотиннинг жигари қаттиқлашиб қолса, унинг тузалишига умид йўқ.

Түғиш қони келадиган кунларнин ҳаракатлари ва даврлари бордир. У давр тўлғоқ ва сөриқдан бошланади. Қасал йигирма тўрт кундан ўтиб тузалмаса ёки тузалган бўлса ҳам қайталаса, бу қасалликнинг суст ўтишидан дарак беради, шунда **кучсизлик** ва бухрон кунларидан бошқа вақтда бўшлатиш тадбириниң қўллаш лозимдир.





ҲОМИЛАДОР БУЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Табиб гоҳо туфиши хавфли бўлган ёш хотинлар, ба-
чадонида бирор касаллик бўлган хотинлар ҳамда қо-
вуғи кучсиз бўлган хотинларларда ҳомиладорликниң
олдини олишга мажбур бўлади; [қовуқ заиф бўлганда] —
бала оғирлик қилиб, кўпинча, уни ёриб юборади ва
сийдикни тутолмаслик касаллиги юз беради, натижада
хотин умрининг охиригача сийдикни тутолмайдиган бў-
либ қолади. [Ҳомиладор бўлмаслик] тадбирларидан
бiri жинсий алоқа вақтида ҳомиладорликка олиб ке-
ладиган ҳолатда алоқа қилмасликдир, бу ҳолатларни
юқорида айтиб ўтган эдик; яна эр ва хотин уруғини бир
вақтда келтирмасликлари, [алоқадан кейин] тезлик би-
лан ажралишлари керак. Хотинни эса жинсий алоқадан
бўшаш билан туришга ва орқага бир неча марта, —
саккиз-тўққиз марта, — сакрашга буюрилади, шунда,
кўпинча, уруғ чиқиб кетади. Юқорига ва олдинга сак-
раш, кўпинча, уруғни тўхтатади. Уруғни тойдиришга
гоҳо аксириш ҳам ёрдам беради.

Риоя қилиш зарур нарсалардан бiri жинсий ало-
қадан илгари ва кейин [фаржга] қитрон кўтариш ва
уни олатга суртишdir; бальзам ёғи ва қўргошин упа-
сини [суртиш] ҳам шундай. [Жинсий алоқадан] илгари
ва кейин анор чарвиси ва аччиқтош кўтариш ҳам [фой-
да қиласиди]. Қарам гули ва уруғини ҳайздан тоза бўл-
ганда ва жинсий алоқадан олдин ва кейин кўтариш
айниқса, уни қитронга солиб ёки ялпиз қайнатмасига
ботириб кўтариш бу тўғрида кучлидир. Ҳайздан тоза
бўлгандан кейин Бобил толи япроғини юнгда кўтариш,
айниқса уни Бобил толи япроғининг сувига ботириб кў-
тариш, [ҳомиладорликка моне бўлади]. Шунингдек, Абу
Жаҳл тарвузининг эти, чўл қовоғи, темир чирки, қарам,
сақмуний ва қарам уруғидан баробар миқдорда олиб
қитрон билан биргаликда кўтарилади. Жинсий алоқа-

дан кейин мурч кўтариш бўйида бўлишга тўсқинлик қилади; фил тезагини тауҳо ҳолда кўтариш ёки юқорида кўрсатилган вақтларда у билан буғлаб кўтариш ҳам шундай. Ичиладиган нарсалардан бирни қорарайхон суви бўлиб, ундан уч уқия ичирилса ҳомиладор бўлишга моне бўлади.

ТҮЛФОҚ ТУТГАН ХОТИННИНГ ТАДБИРИ

Хотиннинг туғиши яқинлашганда уни доимий равишда иссиқ сувда чўмилтириш ёки ваннада олиб туриш керак, яххиси, хотин кучсизланиб бўшашмаслиги учун бу тадбирни ҳаммомдан ташқарида қилиш керак. Қов, орқа ва чотларга укроп, бобуна, шаббўй ва бошқа нарсаларнинг ёғини ишқалаш, доимо хушбўй нарсаларни [фаржга] кўтариб, чотга суюқ мумли суртмалар, бўшаштирувчи ёғ ва шиллиқларни, шунингдек семиртирилган товуқ ва роз ёғлари каби эритилган ёғларни совуқ ҳолда эмас, иссиққа яқинроқ қилиб илитиб қўйилади; хусусан [хотиннинг] фаржи қуруқ ёки фаржи билан бирга бутун танаси ҳам қуруқ бўлганда шундай қилинади. Қийин туғадигага хотинга бир ойгача ҳар куни наҳорга беҳи уруғи шиллигини зигир уруғи шиллиги билан бирликда ичириш керак. Дард тута бошлаган кунларда сариқ йўнгичқа суви ичирилади. Унинг озиғи ични юмшатувчи сабзавотдан, шўрвалардан, семиз гўштлардан ва семиртирилган товуқлардан иборат бўлади; буриштирувчи нарсаларни ман қилинади. Унинг фаржини мушк ва атрлар билан буғлаш керак. Туғиши яқинлашиб тўлғоқ ушлаганида миқдори оз ва озиқлиги кўп таомлардан бирон нарса едириб, унинг устига райхоний шароб ичирилади. Кейин хотини бир муддат иккни оёғини узатиб ўтириши керак, кейин бир оз вақт чалқасига ётади, шундан кейин бирдан туриб нарвонга чиқиб тушади ва қичқиради. Бачадон оғзи озгинча очилиб, кейин очилиши кўпая бошласа, хусусан ички тери ёрилгандан кейин мумкин бўлганича қаттиқ кучаниши, қийналиб бўлса ҳам аксириши, оғени мумкин бўлганича катта очиши ва мумкин бўлганича кўп дарсини ичига тортиши керак: бундай қитни бола за ўрлошинчи чиқаради. Туғин вақтида ўтиришнан чарсаннинг энг яххиси ордасида суннити бор куренкир, бульга бачадон очилгантан кейин ўтқазилади. Хотин агар семиз бўлса, бошини қўйи қилиб тўнкарилиб ётали ва бачадон оғзи фаржига тўғри бўлсни учун ташни таъзасини чорги ташчи китнилади.

Кейин фаржга юқорида кўрсатилган юмшатувчи нар-саларни суртилади. [Фаржни] бармоқлар билан кенгайтириб очиш керак, шундай қилиб қоринни босилса, у тўрт оёқли ҳайвонлардек тезликда туғади. Қоғоноқ кўриниб бола яқинлашгани билинса, бироқ қоғоноқ қалинлигидан ёрилмаса, уни тирноқ билан ёки қурол билан ёрилади, бу қуролни бармоқ оралиғига олиб, болага тегизмасдан секинлик билан [ишлатиб], рутубатни оқизиб болани тойдирилади. Агар бола чиқадиган ерга келмасдан қоғоноқ тезда ёрилиб кетса ва орадан анча муддат ўтиб фарж қуриб қолса, дарҳол фаржга тойдирувчи суюқ мумли суртмалар, шиллиқлар, эритилган ёғлар, тухум оқи ва сариқларини қўйиш керак.

Туғиши қийин бўлған хотинларни дори ишлатмасдан даволаш тадбири. Хотиннинг туғиши қийинлашса ва унинг қуввати кучсизлашган бўлса, унга ёқимли хушбўй нарсалардан озгина ҳидлат, гўшт сувидан ҳўплат ва чала пишган тухум ва шунга ўхшаш кам миқдорли яхши овқатлардан еdir, кейин хушбўйрайхоний шаробдан бир неча қадаҳ ичир. Кейин уни ўтқазиб уйнинг ҳароратини мўътадил қил: агар қиши вақти бўлса кўп ўт ёқ, ёз бўлса, уни елпиттири. Бир озгина иссиққа мойил илиқ сувда миёнқовурғаларигача етказиб ўтқаз, айниқса ўн боғ ялпиз солиб қайнатилган сувли идишга ўтқаз. *Mурр* каби нарсалардан қилинган шамчани фаржга кўтариб хотинни, унинг туғиши аъзоларини ва умуртқасини мумли суртма ва илиқ ёғ билан ишқалат, айниқса [туғишининг қийинлашувига] сабаб совуқ бўлса шундай қил; шиллиқларни ва тойдирувчи нарсаларни ҳам ишлат. Кўпинча, бу нарсаларни фаржга юборишга ҳам тўғри келади. Бунинг учун хотинни чалқасига ётқизиб думбасининг тагига ёстиқ қўйилади, икки оёғини кўтариб мумкин бўлганича икки сонини кериб турилади ва фаржга тойдирувчи ва бошқа хил моддаларни узунлиги бачадон узунлигига бўлган най билан юбор, кейин ёнидаги хотинлар, бачадон оғзи очилди ва рутубатлар оқа бошлади, деб айтганларича [туғувчи хотинни] бир оз муддат шу ҳолда қўясан. Бу чоғда уни аксиртирасан ва юқори кўтариб курсига ўтқазасан, кейин қориининг пастки қисмини сиқишига буюриб хотинни қаттиқ кучанишга мажбур қиласан ва икки биқинини қисиб-қисиб уқалатасан, мана шунда у тезда туғади. Баъзан бачадон оғзи кўриниб турсин учун фаржни пружина билан очишига тўғри келади. Хотинни ерга қараб ётқизиб, чўккалатиб, чалқасига ётқизиб ва яна бошқа хил ҳолади.

ларда ётқизиб кўрилади; буларнинг қайси бирида боланинг боши фаржга яқин келиб туғиш осонлашувини қаралади. Дояга қўполлик қилишга ва фаржга тойдирувчи нарсалар қўйишга руҳсат берма.

Бу тадбирлар кифоя қилмаса буғланадиган ва кўтариладиган дорилардан фойдалан. Агар сен эрталаб туғувчи хотинга ҳаб дори ва бошқа хил туғишини осонлаштирадиган дорилар ичирган бўлсанг, бироқ у туғмаса, тушда унга кунжут ёғи қўшилган ловия ва нўхат шўрвасидан ҳўплатиб ичириш керак. Кеч кирганда биз қуида айтадиган шамчалардан бирини кўтариб ўша билан ухлашга буорасан, тонг отгунча биз айтадиган дориларнинг бири билан буғла, кейин яна дори ичирасан, агар булар ҳам фойда қилмаса, мастак унини газагўт суви билан қориб, орқа ва киндикка суртасан.

Агар оғриқ зўрайиб кетса, айниқса совуқдан зўрайса, фаржга қиздирувчи ёғ қўясан. Қадимги табиблар болани чиқаришда ҳаракатлар бобида бир ҳийла айтиб қолдирган бўлсалар ҳам, биз уни тушириб қолдирдик, чунки бундан умид камдир.

Боласининг оёғи бошидан олдин чиқсан хотинга ишлатиладиган тадбир. Бола тўғри ўтиргунча унинг оёғини аста-секин ичкарига қайтариб секин айлантирилади; боши тушгунча икки болдирини оз-оздан кўтарасан. Агар булардан биронтаси ҳам мумкин бўлмаса, болани боғлагичлар билан боғлаб чиқар. Кесишдан бошқа илож қолмаса, уни ўлик бола тўғрисида айтилганларга мувофиқ қилиб [кесиб олинади].

Боласи ёни билан келган хотинни [туғдириш] тадбири. Бу олдингисига яқин бўлиб, болани юқорига итариш, ўтқазиш ва аста тўнкариш билан тўғриланади.

Бачадонида шиш бўлган ҳолда туғувчи хотинга ишлатиладиган тадбир. Бунга мумли суртмалар ва ёғлар ишлатилади. Буларда туғиш ҳолати ва бошқа нарсаларда сэмиз хотинларга қўлланиладиган [тадбирлар] ишлатилади.

Бола катталиги сабабли туғиши қийинлашган хотинни [туғдириш] тадбири. Бундай болани доя яхшилаб ушлаб мулоҳимлик билан оз-оздан тортиши керак. Агар најжот бўлса [яхши], бўлмаса, уни латта парча билан боғлаб аста-секин тортиди. Бунда ҳам натижা бермаса, омбирлар ишлатиб чиқаришга ҳаракат қилинади, агар бу ҳам мувофиқ бўлмаса, осонроқ бир йўсунда кесиб чиқарилади ва қорнида ўлган болага ишлатиладиган тадбир ишлатилади.

Боланинг ўлиб қолиши ёки ўнинг шакли тирик қолишига умид қолдирмайдигай даражада бузуқ бўлиши сабабли туғиши қийинлашган хотинга ишлатиладиган тадбир. Юқорида айтилган ва яна айтиладиганлардан [фойдаланиб] ўлик болани чиқарадиган дорилар қўлланади, агар бўндан фойда бўлмаса, илмоқлар солиб бўлак-бўлак қилиб кесиб чиқарилади, буни бола шишиб кетмасдан олдин теззикда қилинади. Агар боланинг боши катта бўлиб ичидаги нарсалар оқсий учун уни ёриш ва кесиш мумкин бўлса, шундай қилинади.

[Туғувчи хотин] ҳушидан кетганда ишлатиладиган тадбир. Боланинг қайтиб кетиш хавфи бўлмаса, [хотиннинг] юзига сув сепилади ва унга хушбўй нарсалар ҳидлатиш ва гўшт сувини шароб ва дориворлар аралаштириб оғзидан қўйиш билан қувватини кўтарилади.

Туғишини осонлаштирувчи дорилар: узун ва қовоқ уругисимон гижжаларни чиқарадиган ҳамма дорилар болани чиқаради. Агар туғувчи хотинга *хиёранбар* пўстлоғидан тўрт *мисқол* ичирсанг, турган ўрнида туғдиради. Ангуза ва қундуз қири ичириш жуда яхци даводир. Дорчинни ичириш ҳам яхшидир, чунки бу тўлғоқни ва туғишини осонлаштиради. Рум гулхайриси япроғининг сув ва асал билан қайнатмаси туғишини жуда осонлаштирадиган нарсалардан биридир. Сариқ йўнричқа суви ҳам туғишини енгиллаштиради.

Фойдаси етук яхши дорилардан бири мана бу: *парсиёвашондан* олиб янчилади ва шароб ҳамда бир озгина ёғ билан ивтиб ичирилади. Бу, шунингдек, кийик ўти ҳам тажрибадан ўтган дорилардандир.

Қадимги бир табиб ишлаган, лекин кейинги табиблардан бири ўзиники қилиб олган ҳабдори. Дорчин ва арча бужурининг ҳар биридан ўн дирҳам, яхши Цейлондорчинидан етти дирҳам, қурфа, мурр, юмалоқ аристо-лохия ва аччиқ қустнинг ҳар биридан беш дирҳамдан, майъа елими ва афюндан икки дирҳамдан, мушкдан тўртдан бир дирҳам; булардан ҳаб ясалади ва уч *мисқолини* икки ўқия эски шароб билан ичирилади. Менимча, афюнни камайтириб бир дирҳам билан чекланиш яхшироқдир.

Бошқа яхши ҳаб. Арча бужуридан ўн дирҳам, газа, гўтдан беш дирҳам, исириқ донидан тўрт дирҳам, ангуза, қаврак елими ва рўяннинг ҳар биридан уч дирҳамдан олиб ҳаб ясалади. Бундан уч дирҳамни ҳайз қонини юргизувчи нарсалар қайнатмасида, масалан, арча бўжури, кийик ўти ва рўян қайнатмасида ёки қизил ло-

вия қайнатмасида, ёки газагүт қайнатмасида ичирилади.

Яна бир яхши ҳаб. Арча бужури — икки дирҳам, ангиза — ярим дирҳам, қаврак елими — ярим дирҳам, рўяндан ярим дирҳам олиб, шуларни бир галда ичилади.

Яна: узун аристолохия, мурч ва мурдан баробар миқдорда олининб, ҳаб ясалади. Бундан уч дирҳамни ҳар куни бир уқия Миср боқиласи суви билан ичирилади. Бу [болани] туширади, туғиши осонлаштиради ва бачадонни кучли равишда тозалайди.

Юқоридаги ҳолларда шунинг каби таъсир берадиган [дори]: ҳаворанг муқл, мурр ва арча бужуридан фундуқлар ясаб ичирилади. Бу болани туширади ва туғиши осонлаштиради.

Жуда яхши маъжун. Бунга баробар келадиган ҳеч нарса йўқ дейдилар. Мурр, қундуз қири ва майъа елимининг ҳар биридан бир мисқол, дорчиндан ярим мисқол, арча бужуридан ярим мисқол олиб, асал билан қорлади. Вир ичими иккӣ мисқол, энг яхшиси уни шаробга солиб ичиришdir, шунда у foятда фойдали бўлади.

Куюқ ва суюқ суртмалар. Абу Жаҳл тарвузи этининг қайнатмасидан, — унинг янги сиқилган шираси бўлса яна ҳам яхшироқ, — олиб газагүт шираси билан аралаштирилади ва мурдан бир оз солиб қовға киндиккача етказиб суртилади.

Ажралган болани чиқаришда кучли таъсир қилувчи кўтариладиган дорилар. Абу Жаҳл тарвузининг эти ва газагүт шираларига юнгни ботирилиб кўтарилади; ёки юнг нарчасида аристолохияни кўтарилади, ё баҳур Марям, ё төр майизи, ёвойи бодринг, ё етмакни кўтарилади, ёхуд ҳарбақ, говшир ва ҳўқиз ўтидан шамча қилиб кўтарилади, бу болани тирик ёки ўлик ҳолда туширади.

Хосияти билан таъсир қилувчи дорилар. Туғишдак қийналаётган хотинга чап қўлига магнит ушлаб туриши ёки эшак тӯёғи кулини суртишни айтсинлар, — бу foятда яхшидир, — ёки шу билан бурласинлар. От тӯёғи ва тузланган балиқ кўзи ҳам шунингдек [хосиятга эгадир]. Айтишларига қараганда, агар ўиг сонга маржон осилса, туриш қийинлигига қарши фойда қилар эмиш. Яна: агар хотиннинг сонига Африқо стиракси осилса, уни оғриқ тутмайди, дейдилар. Айтишларича, зальфаронни янчид қорилса ва бундан мунҷоқ ясаб туғувчи хотинга осилса, у йўлдосини ташлар эмиш.

Тутун билан [буғлаш]. [Туриши қийинлашган хотин-

га] мурр тутат, бу жуда яхшидир; яна мурр, гальбан елими ва гов. ирни қорамол ўтига қориб тутат; бунинг бир мисқоли билан буғла ҳади. Ёки сариқ олтингугурт, қизил мурр, қорамол ўти, говшир ва гальбан елими олиниб, булар билан ҳам буғланади. Илон пўсти ёки кантар тезаги билан буғлаш ҳам туғишини осонлаштиради, аммо илон пўсти билан буғлаш, баъзан, болани ўлдиради. Говширнинг ёлғиз ўзи билан буғлаш ҳамда уни лочин тезаги [билан қўшиб] буғлаш туғишини осонлаштиради.

Бола туғилиши биланоқ қўлланиладиган тадбир. Буни умумий китобда айтиб ўтганмиз, ўша ердан ахтарилсин.

ВЕНАЛАРНИНГ КЕНГАЙИШИ

Бу касаллик болдир ва панжаларга тушувчи қоннинг кўплигидан булардаги томирларнинг кенгайишидир. Тушувчи қоннинг кўпи савдовий қон бўлади, баъзан савдовий бўлмаган тоза қон ҳам бўлади, гоҳо шиллиқли қуюқ қон бўлади. Қандай бўлмасин, у чиримаган қон бўлади. Шундай бўлмаганда оёқ яраланишдан ва ёмон сифатли шишлардан соғ қолмас эди. Вена кенгайиши, кўпинча, қариларда, кўп яёв юрувчиларда, ҳаммолларда ва доимо подшоҳ олдида турувчи [соқчиларда] пайдо бўлади. Агар касаллик пайдо бўладиган бўлса, унинг кўпчилиги ўткир касалликлар кетидан бўлади; чунки юқорида айтилган кишилардан шу касалликка истеъоддиларининг [оёғига] моддалар ҳайдалади. [Бу касаллик] баъзан бўғин оғрифидаги каби бошланади; у юқорида кўрсатилган кишилардан талоқ касалига дучор бўлганларда кўпроқ бўлади. Бу хил вена кенгайиши гоҳо даволашни. Қабул қилмайди, баъзан уни кесилади, натижада озиқларни ҳайдовчи [томирлар] йўқлигидан [касал] аъзо озиб кетади. [Вена кенгайиши] савдолик [қондан] бўлиб, уни кесилса ва касаллик йўқотилса, савдовий касалликлар ва меланхолия пайдо бўлади: Лекин [бу касалликни пайдо қилган] қон тоза бўлиб, касалликнинг ўзи қўпорилган бўлса, меланхолия пайдо бўлишидан қўрқилмайди. Кўпинча, кенгайган томирлардаги нарса сасийди, у ярага айланади.

«ФИЛ КАСАЛЛИГИ»

Бунда вена кенгайиши касаллигига бўлганидек оёқ панжаси катталашиб йўгонлашади. Бу касаллик баъзан савдовий хилтдан бўлади, — бу кўпроқ учрайди, — баъзан қуюқ балғам хилтидан бўлади. Гоҳо у томир кен-

гайишнинг сабабларидан ва яхши қондаги ҳам бўлади, кейинги ҳолда қон [оёққа] кўп тушиб, оёқ ундан оз бўлса ҳам озиқланади, бунда оёқ олдин қизил бўлиб, кейин қораяди. [Фил касаллигининг] сабаби кучли равишда тўлиб кетиш, ҳарорат кўплигидан аъзонинг кучсизлиги ва аъзонинг ҳаракатдан қўзғалган зўр ҳарорати туфайли [қонни] кўп тортишлигидир. Бунинг пайдо бўлишилгига ҳам томир кенгайишига ёрдам этадиган ҳоллар ёрдам этади.

Белгилар. Бу [касалликнинг] ҳар бир сабаби ранг ва олдинда қилинган тадбир билан ажратилади. Савдодан бўлгани қаттиқ ва иссиқликка бир оз мойил бўлади. Туси қизил бўлгани қорасидан соғломроқ бўлади, балғамдан бўлгани эса юмшоққа мойил бўлади. Савдодан бўлгани, кўпинча, тезликда ёрилади ва ярага айланади; қондан бўлганининг белгилари эса маълум.

Вена кенгайиши ва фил касаллигини даволаш. Фил касаллиги ёмон сифатли бўлиб кам тузалади, агар у азият бермаса, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш керак. Агар у яраланишга бошлаб, ел тушиш хавфи туғилса, аъзони тагидан кесишдан бошқа чора йўқдир. Агар касалликни бошланишда дарак қилинса, унга бўшатишлар орқали, айниқса қаттиқ қустириш билан, шунингдек балғам ва савдони чиқарағидан чоралар билан қарши турилади; агар муҳтоҷ бўлинса, [балғам ва савдони] томирдан қон олиш билан чиқарилади. Кейин оёқнинг устига буриштирувчи дорилар ишлатилади. Лекин касаллик мустаҳкам ўрнашиб қолган бўлса, уни даволашдан фойда чиқишига кам умид қилинади; фойда бериши умид қилинадиган бўлгандаги ҳам, маълум бўлсинки, бу иллатдан қутулиш иложи томир кенгайишига қўлланадиган тадбирларни кучайтириш ва кучли тарқатувчиларни истеъмол қилишдир. Қитронни ялаш ёки уни чапиб ишлатиш фойда қиласи; дейдилар. Веналар кенгайишига қарши ишлатиладиган тадбирларга келсак, [олдин] қонни қўл веналаридан бўшатиш керак, савдо ва қуюқ хилтлар ҳам бўшатилади. Тадбирни яхшиланади, шунингдек, бетобни ҳар бир [хилтни] қўйилтирувчи нарсадан, машаққатлантирувчи ҳаракатлардан ва узун муддат тик туришдан узоқлаштирилади. Бундан кейин [кенгайган] томирларга қаралади ва улардаги савдовий қоннинг ҳаммасини чиқарилади. Охирда соғин томиридан қон олинади. Кейин ҳар бир оз-оз муддатдан кейин баданини иёраж фиқро каби нар, салар билан тозалаб турилади; [иёражнинг ўткирлигига]

ни] қайтариш учун унга бир озгина ложувард тоши қўшилади, бу тадбирни мумкин бўлганча давом эттирилади. [Қасал] девпечакни оғиз сувига солиб ичиб турди; у ҳаракатни бутунлай тарк қиласди. Оёқларни бойлоқ билан пастдан юқорига ва товондан тиззагача тортиб боғланади. Шулар билан бирликда буриштирувчи суртмалар истеъмол қилинади, бу суртмаларни, айниқса бойлоқ остидан суртилади. Бундай касал учун яхшиси оёқ устида турмаслик ва оёғни боғламасдан юрмаслик керак...

Кесишдан бошқа чора нажот бермайдиган бўлганда, этни ёриб кенгайган томирни чиқарасан ва уни узунасига ёрасан; уни энига ёки кўндалангига ёришдан эҳтиёт бўл, акс ҳолда у қочиб азият беради. Шундай қилганингдан кейин унда бўлган қоннинг ҳаммасини чиқар, уни оқизиш мумкин бўлганича оқизиб, сўнг бўйига ёриб тозалайсан. Баъзан томирни секинлик билан тортиб бутунлай кесиб олиб ташланади; бу чоқда уни бутунлай олиб ташлаш лозим, бўлмаса зарар қиласди. Чиқаришнинг энг яхши ўсули доғлаш билан бўлади, чунки доғлаш кесишдан яхшироқдир. Бироқ фақат қизил [томирларни] чиқариш мумкин, қорасини чиқариш дуруст бўлмайди. Қорасини олдин таърифлаганимиз йўсида тозаланади. Баъзан [бадани] яхши тозалаб, савдовий ва қуюқ хилтларни сурмагунча яра тузалмайди. Кесиш, сугуриб чиқариш ва доғлашдан кейин савдо хилтини пайдо қиласдиган нарсалардан узоқлашиш ва савдо хилтидан бўлган чиқиндилар туғилмасин учун доимо бадани тозалаб туриш лозим бўлади. Шундай қилинманда касаллик қайталайди, чунки модданинг [касал жойга] йўналиши тўхтатилмаган бўлади; ёки одатда оёқдан шарафли аъзоларга йўналадиган [хилтлар] ҳаракатга келади. Бироқ кесиш ва ёрища паст аъзога даф қилинган нарсани қайтариш хавфи туғилади, натижада йўналиш олий аъзолар томон бўлиб қолади. Шу жиҳатдан [бадани] яхшилаб тозаламасдан олдин [томирни] ёрмаслик ва унга ҳеч нарса қиласлик яхшироқ бўлади. Қай бир вақтларда [кўпчиган] безлар фил касаллигига ухшаб [табибларни] янгиштиради. Лекин безга тегилса, қўл тагида қимиirlаб турди, фил касаллиги эса биз айтгандекдир.





ОРҚА [БЕЛ] ОФРИГИ

Орқа оғриғи мушакларда, умуртқаларни ўраган ички ва ташқи бойлоқларда бўлади. Қандай бўлса ҳам, у мизожнинг совушидан, хом балғамдан, кўп чарчашдан ва кўп жинсий алоқадан бўлади. Гоҳо буқрилик сабабларидан бўлади, — агар ҳали буқрилик мустаҳкамланмаган бўлса, — ёки баъзи ички аъзоларнинг иштироки билан бўлади. Масалан, буйрак кучсизлашганда ва ориқлагандага ҳамда умуртқага жойлашган катта томир кўп тўлганда [бел оғрийди]. Ёки ўпка найида шиш ва чиқиқ чиққандага ҳам шундай [оғриқ бўлади], бироқ орқанинг ўртасида бўлади. Оғриқ гоҳо бачадон иштироки билан ҳам бўлади; масалан, ҳайз қони тушишга яқинлашганда ё «бачадон бўғилиши»да туғиш олдида шундай бўлади. Орқа оғриғи баъзан буҳрон белгиларидан бири бўлади.

Белгилар. Совуқдан ва хом шиллиқдан бўлган орқа оғригининг белгиси шуки, кўпинча, уни юриш ва бадантарбия қилиш босади; унинг бошланиши оз-оздан бўлади, баъзан унда совуқ сезилади. Чарчашдан, оғир нарса кўтариш ва шунинг каби нарсалардан ҳамда жинсий алоқадан бўлган орқа оғригини шу сабаблардан биронтасининг олдинда бўлганлиги кўрсатади. Буйракдан бўлган орқа оғриғи белинг пастида бўлади, бу билан бирга жинсий алоқа кучсизлашади ва буйрак кучсизлигининг маълум сабабларидан бири мавжуд бўлади.

Орқа оғригининг содда ҳарорат сабабли эканлигини яллиғлаш, енгиллик, ачишиш ва лўқилламасликдан билинади. Томир тўлишидан бўлган орқа оғригини ҳарорат, яллиғлаш, лўқиллаш, бадан тўлиқлиги билан бирга оғриқнинг бутун орқага ёйилиши кўреатади. Буқрилик сабабларидан бўлган орқа оғриғига буқрилик бобида айтган нарсаларимиз далил бўлади. Орқа оғриқлари букилишга ёки тиккайиб қолишга мажбур қиласади. Буки-

лицга мажбур қилувчи оғриқлар — букрилик сабабла-ридан бўлган тириштирувчи қаттиқ шиш ёки бошқа нарса сабабли келиб чиқсан оғриқлардир. Тиккайиб қолишига мажбур қилувчи оғриқлар шундай оғриқлар-дирки, бунда нафснинг мушакларни оғриқ берувчи бу-килиш ва сиқилишдан сақлашга интилишига хилоф бўл-маган [ҳолатни] эгаллашга мажбур бўлинади. Агар қўл оғриқ етган [жойни] пайпаслаб топса, унинг са-баби сиртқи мушакда бўлади, топмача, сабаб ички му-шакда бўлади.

Даволаш. Бунда қўйида айтадиганимиз бўғин оғриқ-ларини даволаш усуслари ҳамда букрилик ва умурт-қадаги елларни даволаш чораларига мурожаат қилиш лозим, чунки бунда йўл биттадир. Совуқдан бўлган орқа оғригини, у совуқдан бўлганидан, ўтган бобларда айтил-ган ичиладиган, қўйиб боғланадиган ва ишқаланадиган нарсалар билан даволаш керак: бунда хом балғам бўл-ганидан, уни Абу Жаҳл тарвузининг этидан қилинган иёраж ва «сассиқ ҳаб» кабилар билан бўшатилади. Чарчац ва шунинг кабилардан бўлган орқа оғригини яхши озиқ, ишқаланадиган мўътадил дорилар ва илиқ ёғлар билан даволанади. Жинсий алоқадан бўлган орқа оғригини эса жинсий алоқа заифлигини даволаш орқа-ли даволанади.

Буйрак сабабли бўлган орқа оғригини буйрак куч-сизлигини даволаш билан даволанади. Катта томирлар-нинг тўлишидан бўлган орқа оғригини даволаш учун бослиқдан қон олинади, тизза ости томиридан қон олиш ҳам [даво бўлади]. Бу оғриқни дарҳол босади, айниқса унинг кетидан қизил гул ёғи ва шу каби нарсалар ишқаланса, шундай бўлади, букрилик сабабидан бўлган орқа оғригининг давоси букрилик давоси кабидир.

Орқа оғригининг кўпчилиги умуртқа [мизожининг] совуқлигидан ёки буйрак кучсизлигидан бўлганлигидан даволанишнинг ҳам кўпчилиги шу икки [аъзога] қара-тилган бўлиши керак. Буйракни даволаш ҳақида тўла гапирдик, шунингдек умуртқани қиздириш тўғрисида ҳам букрилик бобида етарли айтганмиз; лекин совуқ-дан бўлган орқа оғриғига хос даволардан бири *фар-фюон* ёғини танҳо ҳолда ишлатишдир; унга қарши ичи-ладиган ва синалган нарсалар тўрт доридан тайёрла-надиган тарёқ ёки петрушка суви билан канакунжут ёғидир. Яна қора нўхат ивитмасики игир, тўрт *дирҳам* сариёф ва *бир дирҳам* асал билан ўн тўрт кун истеъмол қилинади. Морчўбани узоқ вақт еб юриш ҳам жуда

фойдалидир. Шу оғриққа учраган совуқ мизожлилар учун сурги «сассиқ ҳаб»дир.

Боғланадиган нарсаларга келсак, шуни айтиш көрекки, самбитгул боғлаш эскирган орқа оғригини тузатади. Говшир, муқл, қаврак елими, Эрон қавраги, қундуз қири, фарфиион кабиларнинг танҳо ўзини ёки дафна ёғи, дафна уруғи, газагўт ёғи, газагўт уруғи, майъа ёғи ва канакунжут ёғи билан қўшиб боғлаш ҳам жуда фойдалидир. Ишқаланадиганлардан фарфиион ва қустёғларидир. Гулсапсар ёғининг ажойиб хосияти бор; яхшиси олдин орқани қиздириш, дағал латта билан ишқалаш, кейин шу [ёғни] суртишдир.

БУГИН ОҒРИҚЛАРИ, ПОДАГРА, ИРҚУННАСО ВА ШУНГА УХШАШЛАРДА УМУМИЙ БУЛАДИГАН [НАРСАЛАР]

Бу касалликларда таъсирланувчи сабаб — касалликни қабул қилувчи аъзо, таъсир кўрсатувчи сабаб — мизожлар ва ёмон моддалар бўлади; қуролга боғлиқ бўлган сабаб эса, табиий йўлларнинг кенгайиши бўлиб, бу кенгайиш бирон касалликдан ёки яратилишдан бўлади; ёки бу хил [сабаб] маълум бир ҳаракат натижасида, ёки касаллик, ёки яратилишданоқ юпқаланиб сийракланишдан ғайритабиий йўлларнинг вужудга келишидан иборат бўлади: масалан, безлик этлар каби. Кейин шу қисмларнинг ҳар бирига кенг тафсил берилади. Қабул қилувчи аъзонинг бу касалликларга сабаб бўлиши ё мустаҳкам ўрнашган мизож бузилиши, айниқса совуқ мизож бузилиши сабабли кучсизланишидан ёки мизождан ташқари бошданоқ кучсиз яратилганликдан бўлади; ёки ҳароратнинг кучлик тортилишидан бўлади, — айниқса бунга ҳаракат ёрдам берса, — ташқи сабаблардан бўлган оғриқлар ҳам [шундай]; бу қисм мизож сабаб бўлган қисмдан узоқ бўлмаса ҳам унга [яқин туради]. Яна, [қабул қилувчи аъзонинг бу касалликларга сабаб бўлиши] унинг бошқа аъзолар тагига, яъни моддалар табиий равишида ҳаракат қиласидиган ўрнига жойлашиши туфайли бўлади, шунинг учун бу касаллик, кўпинча, оёқ ва сонларда бўлади.

Таъсир кўрсатувчи сабабга келсак, бу гавданинг ҳаммасида ёки унинг бошқарувчи аъзоларида яллиглатувчи, қотириб совутувчи ёхуд буриштириб қуритувчи мизож бузилиши бўлади, хусусан ёт рутубат аралашганида шундай бўлади. Моддалар эса танҳо қон ё

балғамли қон, ё сафроли қон, ё савдовий қон бўлади; ёки [модда] танҳо балғам бўлади, — балғамнинг энг ёмони хомидир, — ёки танҳо ўт [сафро], ёки балғам ва ўтдан таркиб топган хилт бўлади, ёки мадда жинсидан бир нарса ё: уд [аъзо қисмларига] киришиб кетган еллар бўлади.

[Моддий сабабнинг] кўпчилиги ўт аралаш балғамдан иборат бўлади. Бундан кейинги ўринда хом балғам, кейин қон, сўнг сафро ва камдан-кам савдо бўлади. Бу сабаб қисмлари баъзи бир ўтган сабаблардан ҳам иборат бўлади. Назлалар еа тумовлар шу хил сабаблар дандир. Қуланжни ичакларни қувватлантириш орқали даволаш ҳам шундай; бунда ичаклар одатдаги чиқиндиларни ҳайдаб қабул қилмайди, натижада у чиқинди-лар қўл-оёқларга тарқалиб кетади.

Бу [оғриқларга] яна бу хил оғриқларни пайдо қилидиган хилтни туғдирувчи озиқ моддаларни истеъмол қилиш, ҳазмнинг камлиги, ҳаракатсизлик, тинч ётиш, бадантарбияни қилмай қўйиш, кўп жинсий алоқа, кетма-кет маст бўлиш, шунингдек ҳайз қони, кўтондан қон оқиши ва бошқа хил-одатдаги бўшатилишларнинг тўхталиб қолиши ҳамда томирдан қон олдириш ва ични суриш каби нарсаларнинг тўхтатилиши ҳам сабаб бўлади. Яна тўлиш устига бадантарбия ва жинсий алоқа қилиш, таом устига ҳаммомга тушиш, наҳорга таомдан илгари кўп шароб ичиш ҳам [шулар жумласидандир], чунки бу асабга зарар етказади.

Хом хилтлар баданда тўпланиб табиий йўсинда ва сийдик орқали бўшатилмаса, ёки сунъий равишда чиқарилмаса ва бўғинлар томон даф қилинса, албатта, бўғин оғригини келтириб чиқаради, агар улар [томирларда] қолиб сасиган бўлса, иситмаларга олиб боради. Агар табиат у хилтни ахлат ёки сийдик билан ҳайдаса, сийдик доимо суюқ эмас, қуюқ ва хом бўлади. Бу чоқда бу хил ёмон ҳолатдан [касални] сақлаш керак, агар шундай қилинмаса, юқорида биз айтган [касаллик] лардан бири юз беради. Агар бу хом моддаларга бўғинларнинг машаққатга солувчи ҳаракати, урилиш ё йиқилиш ёрдам этса, ёки қувватларнинг сустлашуви [бўғинларга] хом моддани тортадиган аччиқланиш ёки уйқусизлик билан ортиб кетса, натижада моддалар чуқур шўнғиб, бўғин оғриқларини пайдо қилади. Бу хилтларнинг кўпчилиги иккинчи ва учинчи ҳазм чиқиндири бўлади, булар қариялар, эски касалликларга мубтало бўлганлар ва касалдан янги туриб тўғри тадбир қўлла-

маганиларда кўиаяди. Бу тўғридир, чунки буларнинг яхши ҳазмга кучлари келмайди, айниқса етарли дара жада бўштиш ва [хилтларни] ҳайдаш билан эмас, тўхтатиш билан даволанган бўлсалар шундай ҳол юз беради.

Оғриқнинг бўғинларда кўп бўлишига сабаб шуки, бўғинлар бошқа аъзоларга қараганда кўпроқ бўшdir; уларнинг ҳаракатлари кўпроқ, мизожлари кучсизроқ ва совуқроқ бўлади; уларнинг қўл-оёқларда жойлашганилиги уларни биринчи бошқарувчидан узоқлаштиради. Бўғин ораларидағи моддалар, айниқса уларнинг ҳомлари, кўпинча, тошга айланади ва ганчга ўхшаб қолади. Бундай кишиларнинг бўғинларида, айниқса бармоқлари орасидан эт униб, бармоқлари букилади ва буришиб қолади; уларда оғриқ баъзан кучайиб, баъзан тўхтайди. Бундай ҳол, кўпинча, иссиқ мизожли кишиларда бўлади; уларда униб чиқадиган эт, кўпинча, қонли моддадан бўлади. Бўғин оғриқларининг кўпчилигига олдин подагра пайдо бўлади. Бўғин оғриқлари наслдан наслга ўтадиган касалларданdir, чунки уруғ [мизожи] ота мизожига ўхшац бўлади.

Кўпинча, бўғин оғриқларини даволаш, бўғинларни кучайтириш ва моддаларни ундан даф қилиш ҳалокатга сабаб бўлади. Чунки чиқинди сифатида бўғинларга борицига одат қилған моддалар бундай [даволашда] бош аъзоларга қайтади. Агар у чиқиндиларни иккинчи марта бўғинларга оғдирилмаса, улар касални хатарга туширадилар.

Бўғин оғриқлари ва подагранинг пайдо бўлиши учун энг қулай вақт баҳордир. Чунки бу вақтда қон ва хилтлар ҳаракатга қелади. Куз бундан ҳам ёмон, чунки бу вақтда хилтлар ва ҳазм иши ёмонлашади, бундан олдин, яъни ёзда бадан тешиклари кенгаяди, чунки бу вақтда кундузлари иссиқ кучаяди. Бўғин оғриқлари пайдо бўлиши билан тадбир қилинса, уларни даволаш осон бўлади. Агар улар ўрнашиб одат бўлиб қолса, айниқса турли хилтлардан бўлгани ўрнашиб қолса, даволаб бўлмайди. Агар бўғинлари оғрийдиган ва подаграси бср кишиларда вена кенгайиш касаллиги пайдо бўлса, уларнинг тузалиши шу билан бўлади.

Бўғин оғриқларига учраганларнинг баъзилари ёмон тадбир қилиш билан бу касалликни ўзларига-ўзлари жалб қиладилар, баъзилар борки, уларга бу касаллик аъзоларининг бузуқ тузилгандиги ва томир йўлларининг кенглиги сабабли жалб қилинади; уларда асл аъзолари-

нинг мизожи ёмонлигидан ёмон хилтлар туғилади. Гоҳо бўғин оғриқлари иситмаларда ва улар кўтарилган вақтда қўзғалади, баъзан бўғин оғриқлари иситмалардан ҳам пайдо бўлади.

Ирқуннасога келсак, бу ҳам бўғин оғриқлари жумласидан бўлиб, ёнбош бўғинидан бошланадиган ва орқадан сон бўйлаб тушадиган бир оғриқдир; кўпинча, у тиззагача ва тўпиққача чўзилади. Унинг муддати ортиб борган сайин модданинг кўп ва озлигига қараб, пастга тушиши ҳам орта боради. Баъзан оғриқ бармоқларгача чўзилиб, бундан оёқ ва сон ориқлайди. [Қасалликнинг] охирида оғриган жойни қўл билан босилса, ёки оёқ бармоқлари учидан озгина юрилса, касалга ором беради. Бунда энгашиш ва қоматни тиккалаш қийин бўлади. Баъзан табиат бўшалади ва касал бундан фойдаланади. Баъзан [бу оғриқ] сон бошининг ўрнидан чиқишигача олиб боради.

Ёнбош оғриғига келсак, бу шундай [қасалликки], бунда оғриқ ёнбошда тўхтаб *ирқуннасога* ўтмаганда тубангга тушмайди. Бу, кўпинча, қаттиқ нарсаларда ўтириш ва кўп [от] миниц сабабли ёнбошда пайдо бўладиган кучсизликдан келиб чиқади. Сабаблари шулардир: унинг кўпчилиги хом [балғамдан] бўлади. Кўпинча, узоқ муддат ҳатто ўн ойлаб бўлиб турган бачадон оғриқлари [ёнбошга] қўчади. Гоҳо у иссиқ моддалар ва аралашма моддалардан ҳам бўлади, ёнбош томирларининг қонга тўлишидан ва шу жойларда чуқур жойлашган шишлардан бўлади; лекин бу шишлар чуқур жойлашганигидан бошқа бўғинлардаги шишлардек яхши кўриймайди.

«Ёнбош оғриғига учраган кишининг сонида уч бармоқ катталигига оғритмайдиган, лекин кучли қичиидиган қаттиқ қизиллик пайдо бўлса ва қасалнинг кўнгли сабзвотларни тусаса, у киши йигирма бешинчи кунда ӯлади» дейдилар. Бўғин оғриғи бўлган ҳар бир аъзо тигичкалашиб ориқлайди. *Ирқуннасо* ва подаградан бошқа бўлган бўғин оғриқлари даволаниб, уларнинг моддаси таги-тугидан қўпорилган бўлса, тезликда қайталашиб. *Ирқуннасо* ва подаграга келсак, булар озгини сабаб билан тезликда қайталашибиган қасалликлардандир; бу ҳол аъзонинг [тубанг] жойлашганидан бўлади. Бу қасалликлар, айниқса подагра, — наслга кўзидиган қасалликлардандир.

Ирқуннасонинг моддаси, кўпинча, бўғинда бўлади ва удан энли асабга эмилади. Қачон [асаб] оғриса, у,

аввалда [бўғинларда] тиқилиб қолган моддалардан бошқа моддаларнинг гавданинг ҳамма қисмларидан унга қараб қўйилишга тайёрлагани бўлади. Гоҳо бошданоқ [модда] бўғинда бўлмасдан, балки энли асабда бўлади. Қўпинча, шиллиқли суюқлик бўғин чуқурчасида кўпайиб ўсиқ билан бўғин чуқурчаси оралариаги бойлоқни бўшаштиради, натижада ёнбош суяги ўрнидан қўзғалади; бундан олдин бириниш ва ўрнидан қўзғалиш ўртасида бир ҳолат юз беради, бу тез чиқиб ва тез ўрнига тушиб жуда қалқиб туришдир.

Ирқуннасо бўғин оғриқларининг энг қаттифидир; доғ солиш бундан омон беради. Подагра ҳам бўғин оғриқларидан бўлиб, оёқ бармоғидан, хусусан бош бармоқдан бошлайди, гоҳо товондан бошлайди, гоҳо қадамнинг пастидан бошлайди, баъзан эса товоннинг бир ёнидан бошлайди, сўнг бутун [қадамни] қоплади. Баъзан сонгача чиқади, шунда гоҳо сон шишади. Бу [касаллик] пай ва асабларда ўринлашмасдан, балки бойлоқларда ва Жолинуснинг айтишича, бўғинларни ташқаридан ўраган жисмларда бўлса керак. Шу жиҳатдан подаграси борларда шиш ва оғриқлар тиришишга олиб келмайди. Подагра билан оғриғанларнинг маяқ халталари узунлашади. Утдан бўлган подагра, айниқса кўп совуқ таъсир этганда, кўпинча, дафъатан ўлишга сабаб бўлади.

Белгилар. Бу касалликларнинг белгилари орқали билишинг зарур бўладиган сабаблардан биринчиси мизожнинг соддалик ё модда билан бирикканлик ҳолидир. Мизожнинг соддалик ҳоли бунда камдан-кам учрайди; бундай ҳолда оғриқ оғирликсиз ва кўпчишсиз бўлиб, тус ўзгармайди ва модданинг белгиси ҳам бўлмайди.

Мизожнинг моддийлигига келсак, бунда биринчи галда билиниши лозим нарса модданинг жинсидир. Модда жинсини оғриқ вақтида касал ўриннинг тузидан ёки шишнинг тузидан биладилар, бу [сўнггиси] хом балғамда бўлади, ёки уни ушлаб кўриб биладилар: у ер совуқми ё яллиғланган, ёки одатдагича иссиқми? [Моддаларнинг жинсини] яна оғриқнинг белгиларидан биладилар: оғриқ қаттиқ яллиғлаш ва лўқиллаш биланми ё мўътадил яллиғлаш ва тортилиш биланми? Ёки фақат тортишиб [оғрийдими]?; буни яна фойда берадиган ва оғриқни босадиган нарсалардан билинади, бироқ увшитиравчи нарсалар янгиштириши мумкин: совуқлик дори мувофиқ келса, моддани иссиқ деб гумон қилинади, ваҳлонки у увшитириши билан мувофиқ келади. Зичлаштирувчи совутиш натижасида оғриқнинг кучайиши

ҳам янгиштиради: бу чоқда у моддани совуқ деб гүмон қилинади; ёки эритиб тарқатиш билан оғриқнинг тўхташи ҳам янгиштиради, бунда моддани совуқ деб ўйланади, аслида у модда иссиқ бўлиб, уни тарқатилгани учун оғриқ тўхтайди. Мана шуларнинг ҳаммасига риоя қилиш лозим. Яна [модданинг жинсини] оғриқнинг бошланиш ва ортиш вақтидан биладилар: оғриқ [қорин] бўшаганда бошланадими ёки унинг тўлалик вақтидами? Шишининг тез ёки суст пайдо бўлишидан ёки унинг бутунлай бўлмаслигидан биладилар; бу нарса суюқ ва иссиқ, ёки мураккаб, ўртача модда борлигига ёки хом балғам борлигига далил бўлади. [Модданинг жинсини] оғирликнинг ҳолидан ҳам биладилар: бирданига кўп тўпланиши мумкин бўлган суюқ моддаларда оғирлик кўпроқ сезилади; кўп вақтларда [модданинг жинси] сийдик ва унга ғалаба қилган нарсадан ва ахлатдан билинади: улардаги ғолиб нарса сафрони моддами ёки шиллиқлими ва уларнинг ранги қандай? Ёнбош оғриғи ва ирқуннасода ахлатда шиллиқли нарса кўп бўлади. [Модданинг жинсини] гоҳо [касалнинг] ёшидан, одатидан, ейладиган ва ичиладиган нарсалар, бадантарбия ва ҳаракатсизлик хусусида олдиндан қилиб келган тадбиридан ёки буларнинг тескарисидан, шунингдек бутун бадан мизожининг иштирокидан билинади.

Қон моддасини оғриқ ўрнининг қизиллигидан билинади, модда чуқур ўрнашган ҳол бундан мустаснодир. Буни яна қаттиқ таранглик, [босганда] қаршилик, лўқиллаш, оғирлик, олдин ишлатилган тадбир ва қон мизожли баданнинг маълум белгиларидан билинади; бу [хил бадан] баъзан йўғон, этли ва ёғли бўлади. Қонли ирқуннасода оғриқ узунасига бир хилда чўзилган бўлади; уни томирдан қон олиш дарҳол тўхтатади.

Модданинг сафровий эканлигига иллат кичик, оғриғи оз бўлиши билан бирга ушловчига сезиладиган қаттиқ ҳарорат, таранглик ва қизилликнинг озлиги, оғриқнинг тери сиртига мойил бўлиши, совуқдан қаттиқ роҳатланиш, илгарида қўлланилган тадбир ва сафрони бадан ҳолида биз айтган бошқа белгилар далил бўлади.

Балғам моддасини туснинг ўзгармаслиги ёки қўргошин рангига ўхшаб ўзгаришидан билинади. Бунда аланталаниш кам бўлиб, оғриқ доимий бўлади, қон ва унинг белгилари бўлмайди ва оғриқ энига қараб кучли тарқалади. [Касалнинг] бадани йўғон бўлса ҳам, этли бўл-

масдан ёғли бўлади. Бу хил мизож учун юқорида айтилган маълум белгилар ҳам [далил бўлади].

Модданинг савдодан эканлигини кўрсатувчи белгилар оғриқнинг яшириилиги, тарапликнинг камлиги, даволашдан кам фойдаланиш ва оғриқ жойдаги [терининг] қовжираб, унда кўпчиш ва ялтирашнинг бўлмаслиги ва кўпинча, хира ранга бўлишидан иборатdir. Бунга яна касал кишининг мизожи, талогининг ҳоли, ҳаддан ташқари иштаҳа, олдин ўтган тадбирлар ва савдолик мизожнинг олдин кўрсатиб ўтганимиз бошқа белгилари ҳам далил бўлади.

Ӣирингли моддани қаттиқ иссиқликдан билинади, бунда яна қуидагилар ҳам бирга бўлади: қичимадек бир нарса, қиздириш хусусияти бўлган ҳар бир нарсадан қаттиқ заарланиш, совутиши билан бирга бир оз буриштириш хусусияти бўлган нарсалардан кучли фойдаланиш.

Ел моддасига келсак, уни оғирликсиз қаттиқ тортилиш, оғриқнинг кўчиб юриши ва елларни туғдирувчи тадбирлардан билинади.

Аралаш моддаларга келсак, уларнинг белгиси шулардан иборатки, уларда иссиқлик ва совуқлик нарсалар билан даволаш кам фойда беради, даволанишлардан фойдаланиш вақтлари турлича бўлади, яъни бир вақтда бир даводан ва иккинчи вақтда унга зид даводан фойдаланади. Бундай ҳол, кўпинча, иссиқ мизожли ва ўт табиатли кишиларда балғам ва хом балғам туғдирадиган ҳўлловчи ва совутувчи нарсалар истеъмол қилгандан ва улар тўла [қорин] билан [кучли] ҳаракат қилғанларида юз беради. Бунда иккиси хилт араласиб, булардан қуюғи латиф қонли ва ўтли хилтлар етакчилиги билан бўғинларга ҳайдалади. Бу кишилар, кўпинча, катта қўллар билан мулоим эзишдан фойдаланиб, уларнинг оғриқлари қолади. Чунки бунинг натижасида хом хилт етилиб таралади. Уларга яна ҳарорати мўътадил ишқаладиган нарсалар, шунингдек тинчлик фойда қиласи, чунки ҳаракат етилишга моне бўлади.

БУГИН ОҒРИҚЛАРИ, ПОДАГРА ВА ИРҚУННАСО ОҒРИФИНИ ДАВОЛАШ

Касалликнинг сабаби содда мизож деб билинса, унинг тадбири осондир; чунки бунда [касаллик] кўпинча, шишсиз содда яллиғлашдан иборат бўлиб, унинг давоси мизожни алмаштиришадир. [Бу хусусда] муҳтоҷ

бўлинадиган нарсаларнинг энг буюги сафро ёки қонни бўшатишидир. Гоҳо у қотиш ва алам берувчи совуқдан иборат бўлади, бунда ҳам мизожни алмаштириш кўфоя қиласди, бунда қонни қиздириш учун асосан балғамни бўшатиш зарур бўлади. Кўпинча, [сабаб] тириширувчи қуруқлик бўлади, маълумки, бунда ҳўллашга муҳтоҷ бўлинади.

Сабаб модда бўлганда қуюлаётган нарсани тескари томонга тортиш ва камайтириш, аъзо моддани қабул этмаслиги учун уни кучайтириш, модда йўқ бўлсин учун унинг мавжудини таратиш билан унга қарши туриш керак. Буларнинг ҳаммасида умумий қоидаларга мурожаат қилиш зарур. Агар модда қонли бўлса, ёки қон галаба қилган бўлеа, қарши томондаги томирдан қон олиш билан машғул бўлиш керак, агар [оғриқ] бадан бўғинларига умумий бўлса, иккала томондан қон олиниади. Кейин, айниқса оғриқ тубан томонларда бўлса, қустиришга машғул бўлиш керак, чунки бундай ҳолларда қустириш ични суришдан фойдалари оқдир. Сўнгра, агар модданинг етилмаганлиги ва ғализлиги моне бўлмаса, ични суришга ўтилади, олдин кучли сургидан бошланади, гарчи мулоимлик бехавотирроқ ва аста-секинлик мувофиқроқ бўлса ҳам шундай қилиниади. Кейин бунинг жетидан оз-оздан тозалайдиган сургилар берилади. Одамлардан баъзилари бирин-кетин енгил [сургидан] бошлашни ва [модда] етилгандан кейин кучлиси билан [ишини] тугатишни расм қилганлар; бироқ тўғриси шуки, агар модда суюқ ва сафровий бўлиб, уни етилган деб билинса, уни тезроқ бўшатиш зарур. Агар [модда] қуюқ бўлса, олдин уни суюлтириб ва етилтириб, кейин бўшатиш томонига ҳайдалишга тайёрлайдиган қилиб сургий берилса, зарари йўқдир; сен булар орасида бир оз ични юргиздириб, ишини енгиллаштирасан.

Агар модда мураккаб бўлса, сурги ва қуюқ суртманни мураккаб қил, чунки тўғриси шуки, бошланишда [дори билан] даволаш ва томирдан қон олмаслик [керап], чунки қон олиш хилтларни қўзғатиб, бадани ҳаракатга солади ва эҳтиёж талаб қилган нарса чиқмай қиласди. Шунингдек, бошланишда бўшатилмайди ҳам етилганилик билангунча [касалға] арпа суви ичиришни тўхтатилмайди, агар тўлишлик чиқаришга муҳтоҷ қиласа, бу ишини сағратқи суви ва итузум суви билан *хиёр шанбар* каби [касални] бир ёки икки марта ўтиришга мажбур қиласидиган ичиладиган дорилар билан ёки ҳуқна билан қилиниади, бу кейингиси яхшироқдир. Агар бў-

шатилиш сабабли [оғриқ] туша бошласа, яхши тад-
бирсиз бўшатишни қўллама; чунки [бўшатиш] баъзан
хилтларни ўрнидан қўзғатиб иллат томон юборади.
Буҳронларни тўртинчи, еттинчи ва ўн биринчи кунлар-
да нима бўлишини кузатиб бор. Яхши буҳрон улар учун
ўн тўртинчи кунда бўлганидир. Агар [модда] етилгунча
бўшатишни кечиктириб, қўйиладиган дорилар бобида
айтилган қонунга мувофиқ совуқ, иссиқ ва илиқ сувлар-
ни қўйиш билан кифояланадиган бўлинса, шундай қи-
линади, шунда ҳам совуқ сувдан бошланади.

Иссиқ мизожли ва увуштирувчи суртмаларга келсак,
уларнинг ҳаммаси заарлидир: иссиқ мизожилари
[хилтларни] тортгани учун заарли, увуштирувчилар
эса, уларни қамаб хомга айлантиргани учун заарлидир.
Совутувчи суртмалар қуюқ хилтларни хомга айланти-
риб, суюқ хилтларни тарқатади ва касалликни чўзади.
Иссиқлик суртмаларнинг уларга заарли бўлиши бўғин-
ларни ҳўллагани учундир. Сиканжубин эса ўз нордон-
лиги билан уларга унчалик мувофиқ эмасдир. Кучли
урӯғлар, масалан, арпабодиён уруғи, кўпинча, хилт чи-
қиндиларини кўйдириб тошга айлантиради.

Етилтирищ тамом бўлганда савринжон, бузидон ва
уларнинг уруғи билан бўшат; яна мулойимлик билан
қон ҳам ол. Бу чоқда яна қурбақаёт кабиларни қўйила-
ди, олдинроқ кучсиз дорини ичиришдан ўзингни торт,
чунки у моддани қўзғатиб қўяди-ю арзирли сурмайди;
ҳатто, кўпинча, бошқа қотган моддаларни суюлтириб
[касал] аъзога оқизади. Дорини истеъмол қилишни
истаган киши эрталаб ейладиган овқатни кейинга қол-
дириб олдин дорини ичсин, кейин уч соат ўтказиб ша-
роб ва озгина сув билан ўн мисқол нон есин. Олти
соатдан кейин ҳаммомга кириб ювансин, сўнgra муво-
фиқ келадиган нарса билан овқатлансин. Кейин сийди-
радиган нарса ичсин, чунки сийдик чиқариш бўғин
оғриқлари моддасини кесади. Негаки, бу, айниқса иссиқ
бўлган ҳазм ишининг чиқиндиси әканлиги сенга маълум-
дир. Бу ҳам борки, совуқдан бўлган бўғин оғриқли ва
хўл мизожли кишиларнинг кўпчилиги кўп сурги ичиш-
дан ва хуқна қилишдан фойдаланмайдилар, [лекин]
сийдирувчи нарсалар билан даволангандарида сиҳат
топадилар. Оғриқ танлилардан шундайлари борки, улар
сурги ва сийдик ҳайдовчи дориларни кўп ишлатишни
қўтара олмайдилар, бунинг натижасида уларда қой
куйиш ҳодисаси рўй беради, шуларнинг ҳаммасига риёй

қилинсин. Тарәқ ҳам шундай совуқ [мизожли оғриқларда], хусусан бўшатишлардан кейин фойда қилади, чунки у моддаларнинг қолдиқларини мулойимлик билан тозалаб тарқатади ва аъзоларнинг ҳаммасини кучли қилади.

Моддани аъзодан қайтаришга келсак, ҳали модда кучли қўйилиб, унинг миқдори кўп бўлганда бундай қилиш ярамайди, бу нарса иккита ёмон натижага олиб келади: бири шуки, у моддани сиқиб унинг ҳаракатига тўсқинлик қилади ва натижада зўр оғриқ пайдо бўлади, — агар шунинг каби ҳодиса воқе бўлиб қолса, [моддани қайтаришдан] сақлан ва юмшатувчиларни ишлат. Иккинчиси шуки, [қайтариш], кўпинча, моддани бошқарувчи аъзоларга юбориб, уларни хатарга солади. Лекин модда кўп бўлмаганда ёки унинг қўйилиб келиши оз бўлганда, уни оғриқнинг аввалида, шунда ҳам ирқуннасадан бошқасида, қайтаришнинг зарари йўқдир; ирқуннасада моддани қайтариш уни чуқурлиқда қамаб қўяди, бунда уни қайтариш оз ва кучсиз бўлиши керак, ёки уни қилмасдан бўшатиш билан машғул бўлиш керак. [Касалликнинг] охирида эса, тарқатадиган ва моддани латифлашириб чуқурда юзага чиқарадиган нарсаларга мурожаат қилиш керак. Бу ишни тилиб қортиқ солиш, сўриш, доғлаш, қизартирувчи ва қавартирувчи дорилар қўйиш билан бажарилади. Булар билан моддани оқизиб бир муддат [жароҳатни] биткизмасдан қўядилар. Саримсоқ ва пиёз қавартирувчи нарсалардан дир, бироқ балозур асалига тенг келадиган нарса йўқ. Булардан кейинги ўринда яттуъларнинг сутлари ва анжир сути туради. Тарқатувчи ва қавартирувчиларга юмшатувчи нарсаларни аралаштириш керак, бўлмаса, улар бўғинларда тош пайдо қилишга олиб келади, чунки қавартириш ҳам қуюқ хилтни қуритиш жиҳатидан тарқатиш кабидир. Тарқатувчи ва қавартирувчи дориларга ёғлар аралаштириш, совутувчилардан эса сақланиш керак. [Касалликнинг] бошланишида бўшатишдан илгари буларга кучли тарқатувчиларни қўшиш ярамайди, акс ҳолда у кўп моддаларни тортиб латифини тарқатади, қолганини эса қуюлтириб банд қилиб қўяди. Бунга аксар ҳолларда риоя қилиш керак, айниқса модда ёпишқоқ ёки савдовий бўлганда шундай қилиш лозим.

Оғриқ чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқлашса, оғриқ қолдирадиган нарсаларни ичирмай ва суртмай чора йўқ. Суртиладиган нарсалар ё моддани енгил тарқатиш билан ёки увштириш хусусияти билан оғриқни қолдиради. Зарурат бўлмаганда увштирувчилар истеъ-

мол қилинмасин. Шунда ҳам оғриқнинг шиддатини бо-
садиган миқдорда истеъмол қилиш мумкин. Иссиқдан
бўлган бўғин оғриқларига увуштирувчиларни журъат
 билан ва кўплаб ишлатавер; кўпинча увуштириш [пасть-
га] йўналиб кетаётган моддани қуолтириш жиҳатидан
юз беради, бунда у [модда] қамалиб қолади. Маълум
бўлсинки, увуштирувчи дориларни ишлатишда бирдан
иккинчисига ўтиб турish яхшироқ бўлади. Қай бир
вақтларда бир дори бир аъзога фойда қилиб, бошқа-
сига фойда қилмайди. Баъзан у бир вақтда фойда қи-
либ, кейин зарар қилади ва оғриқни қўзғатади. Туғал
тузалиб ва [ундан кейин] тўрт фасл ўтгунча шаробдан
бутунлай узбўлашиб керак. Шаробга одатланган киши
уни тадрижий равишда тарқ қилиши лозим, шунда улар
сийдирувчиларни ҳам истеъмол қиласилар. Сийдикни
ҳайдовчи дорилар қўшилган асал шароби уларга фойда
қиласи.

Бўғин оғриғига учраган савдо мизожли кишиларнинг
талоқларини ислоҳ қилиш, савдо хилтини бўшатиш ва
баданини озиқлар, ишқаланадиган дорилар ва шу каби
нарсалар билан хўллаш керак. Кўп юмшатмасдан зўр
бериб тарқатишга ўрин берилмайди, буни умумий қоид-
даларда билган эдинг. Бўғин оғриғига учраган кишилар
гўштдан узоқлашишлари керак, ҳатто, бу иллатнинг
совуқдан бўлганида ҳам шундай қилиш керак. Агар
гўшт [истеъмол қилиш] лозим бўлса, тоғ қуши, қуён,
оҳу этлари ва умуман чиқиндиси оз гўштдан истеъмол
қиласин.

Агар оғриқ олдин орқада пайдо бўлиб, сўнг икки
қўлга ўтса, хилтни ўзи мойил бўлган томондан чиқариш
учун қўл томиридан қон фасан.

Бундай касалликларда ич сурин. Уларда ёлғиз шил-
лиқни сурмасдан, балки сафрони ҳам сурин лозим, чун-
ки агар шиллиқнинг ёлғиз ўзини чиқарилса, у дарҳол
фойда беради, бироқ сафро шиллиқни аъзога яна бир
марта оқизиб қайтаради. Уларга ишлатиладиган сур-
гилар зўр ҳароратли ва жуда кучли бўлмаслиги керак,
акс ҳолда улар хилтларни эритиб аъзога ўзи олганидан
бир қаёнча марта кўп қилиб қайтаради. Совўқ хилтни
дарҳол сурганидан савринжоннинг манфаати кўп деб
эътиқод қиласилар, бунда бошқа хусусият ҳам бор; су-
ришнинг кетидан у буриштиради ва кучайтиради, иати-
жада дори билан тортилган, бироқ нима учундир чиқмай
қолган чиқиндиларнинг қайтиши мумкин бўлмайди;
яна у дори қуввати билан суюлган хилтларнинг

йўлларга оқишига қаршилик қиласди. Савринжоннинг бошқа иссиқ мизожли тарқатувчи ва бўшатувчилардан фарқ қилувчи хоссаси шундан иборат; кейингиларнинг кўпчилиги ўтиш йўлларини кенгайтириб кенглигича қолдирадиган нарсалардир. Лекин савринжон меъдага зарарлидир, шунинг учун уни мурч, занжабил ва зира каби нарсалар билан аралаштириш керак. Унинг суриши кучли бўлсин учун гоҳо унга сабр ва *сақмуниё* ҳам аралаштирадилар. Баъзилар сўзанакда ҳам савринжондаги каби таъсир бор ва унинг меъдага зарари йўқ, дейдилар. Арман тоши ҳам бўғин оғриқларига фойда қиласди. Бу тўғрида танилган дорилардан «нажот ҳаби» билан «сассиқ ҳаб»ларни кўрсатиш мумкин. Руфус иёражининг ирқуннасо ва подаграга фойдаси каттадир. Ўсма уруғи ҳам фойдалидир, яна моҳудона, бўзидон, моҳизаҳра, тизим гул, *луфо*, Абу Жаҳл тарвузи, сабр ва чўл қовоғи олинниб, буларга исириқ, *ушна*, анзиратгўштхўр, муқл ва назла ўти қўшилади.

Енгил сурги нусхаси [рецепти]. Занжабил бир *дирҳам*, мурч ярим *дирҳам*, дараҳт пўкаги ярим *дирҳам*, маҳсар мағзи икки *дирҳам*, сўзанак йлдизи уч *дирҳам* вазнида; ҳар гал ўн саккиз қиротдан йигирма тўрт қиротгача ичилади. Бу дори [касални] олти ёки етти марта ичини суриб фойда қиласди.

Яна, Кирмон зираси, занжабил ва савринжоннинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва сабрдан икки *дирҳам* олинади. Бу доридан икки ярим *дирҳамни* толқон қилиб, укроп қайнатмаси билан ичилади, бу шу вақтнинг ўзидаёқ фойда қиласди. Яна: ёнғоқ ёғи ва анзиратгўштхўр ёки канакунжут ёғи ва анзиратгўштхўрни олинниб бир кун иёраж фикро билан ва бир кун танҳо ҳолда етти кун истеъмол қилинади. Баъзан бу дорини темиртикан ва укроп суви билан қайнатиб ишлатилади. Яна: савринжон, бўзидон, моҳизаҳра, мурч, занжабил, Рум арпабодиёни ва ёввойи сабзидан олиб асалга қорилади ва бундан ҳар кун ичиб турилади. Яна: савринжондан ўттиз *дирҳам* ва Абу Жаҳл тарвузининг этидан ўн *дирҳам* олиб, ўн беш ритл сувда уч ритли қолгунча қайнатилади. Бундан ҳар куни ярим *ритлни* уч ўқия шакар билан ичилади; бу жуда ажойибdir.

Фойдали, енгил сурги. Қизил анзиратгўштхўрдан уч *дирҳам* ва савринжондан уч *дирҳам* олиб эзилади ва юзта ёнғоқ ёғи билан аралаштирилади, кейин буни укроп сувида ичирилади. Бу қийнамасдан суради ва қўритади.

Жуда кучли қустириувчи дөри. Бу бўғин оғриги ва ирқуннасо касалига йўлиққан кишилардан ҳўл мизожли ва савдо мизожлиларга фойда қиласди; [унинг нусхаси]: сабрдан бир уқия, қора харбақ уруғидан бир уқия, луғодан ярим уқия, сақмуниёдан бир уқия ва фарфиюндан ярим уқия олиниб, карам ширасига қорилади. Агар шу дори билан қустирилса, у касалликни тегидан қўпоради.

Сурги учун ичириладиган дорилар. Уларга фойда қиласдиган дорилардан бири қўйидаги сифатда *буссаддан* тайёрланадиган доридир: *буссаддан* бир ярим *мисқол*, — баъзи табиблар бу қизил *шаббўй* деган, — қалампирмунчоқдан беш *дирҳам*, пион гул, *мурр* ва укроп уруғининг ҳар биридан бир уқия, жулаҳдан ўн икки данак вазнида, икки хил аристолохиянинг ҳар биридан икки *уқиядан* олинади. Бундан бир данак вазнидагисини асал суви билан ичирилади ва [касалга] тўққиз соат таом берилмайди, ўн кун шундай қилинади.

Яна ҳар вақт истеъмол қилинадиган дори; бу сийдириш билан тозалайди. «Ер дуби», ер бағирлаб ўсуви санавбар ва гентиана илдизининг ҳар биридан тўққиз *уқиядан* ва қўруқ газагўтдан тўққиз *уқия* олиб янчилади ва эланади. Олдин ейилган таом ҳазм бўлгандан кейин ҳар куни оч қоринга бир қошиқ шу дорини уч *уқия* совуқ сув билан ичилади.

Яна *буссадни* гули қизил *шаббўй* деб гумон қилувчилар сўзига мувофиқ тайёрланадиган дори; бунинг нусхаси олдингиникига яқинdir. Дорчин, пион гул, *мурр* ва сунбулнинг ҳар биридан икки *уқиядан*, ҳинд *содажидан* бир уқия, қалампирмунчоқдан ўн беш ҳабба, *буссаддан*, яъни юқорида айтилган *шаббўйдан* ярим *уқия* ва икки хил аристолохиянинг ҳар биридан тўрт *уқиядан* олинади. Ҳар куни уч *қиротдан* ичилади. Ўни баҳорда кеча ва кундуз баробарлашувидан бошлаб ҳар куни уч *қиротдан* эллик кун ичилади; кейин ўн беш кун *тарк қилинади*. Сўнг йил бўйича ичиш шу хилда такрорланади; бироқ Сириус юлдузи тулу қилиши билан бир ярим ой ичилимайди; [буни ичиш] турли мамлакатларда ҳам турлича бўлади. Агар касал бутун йил ичишга қодир бўлмаса, йилнинг совуқ қисмида ичин. Агар дорини бир йил ичадиган бўлса, икки юз кундан ўтгандан кейин бир кун ичиб, бир кун ичмаса, ёки бир кун ичиб икки кун ичмаса зарари йўқдир. Бу касални асргача бўлса ҳам овқат ейишдан ман қилиш керак; бундан ташқари бошқа тадбирларни ҳам тузатиш ва бўғин оғриқлила-

рига зарар қиладиган нарсалардан парҳез қилдириш лозим. Бир гуруҳ табибларнинг ўйлашича, одам суюгини куйдириб ичириш ҳеч бир хилоф чиқмайдиган даражада тажрибадан ўтган нарсалардандир. Буни бир тӯда эси паст кишилар истеъмол қилиб, [гӯё] подагра ва бўғин оғриқларидан шифо топган эмишлар. Хермес иёражи-ниң ҳам фойдаси каттадир; кимки уни баҳорда бир неча кун ичса, бўғинлари қувватли бўлади. Бу дори чиқиндиларни кўпроқ сийдик ва терлатиш орқали чиқарди, натижада ирқуннасони тузатади.

Шиши ва бўғин оғриқлари чўзилиб кетган бўлса, ундан касаллар Хунайнга нисбат берилган қўйидаги тадбирдан фойдаланадилар: тўртдан бир *кайлажа* қуруқ арча бужурини ейгил олов устида озгина сувда, сув қорайгунча қайнатилади. Кейин шу сувнинг тинитилганидан бир ритл олиб, унга уч *үқия* кунжут ёғи қўйилади. Касал шуни ичib, устидан ёўрадан қилинган таомни ейди. Ёнбош оғриғи учун енгил тадбир: айниқса оғриқ ҳаммом, иссиқ сув ва кечқурунлари ёмон таомдан кейин ичилган уруғлар билан босилмаган бўлса, уни нўхат суви ичib қусиши ва сабзавот суви ва *хиёришанбар* билан ични суриш босади.

Қуюқ хилтдан ва тошга айланмоқда бўлган [хилтлардан] пайдо бўлган бўғин оғриқларига фойда қилалигиган қуюқ суртмалар. Яхши қуюқ суртма: тозаланган қовоқ уруғи ва канакунжутдан уч *үқия* олиб, бир *үқия* сигир тути ёғида [маскада] майин қилиб эзилади. Ёпишадиган бўлсин учун унинг устига бир *үқия* асал солинади ва қўйиб боғланади, айниқса қуриган бўғинларга боғланади, баъзан унга ўткир сиркадан ҳам бир *үқия* қўшилади. Сигир тапписини боғлаш бўғин, орқа ва тизза оғриқларida жуда кучли [таъсир кўрсатади]; бу кўп бошқа дорилардан яхшироққа ўхшайди.

Кучли қуюқ суртма. Эски зайдун ёғидан бир *ритл*, Искандари содасидан бир *ритл*, сақичдан бир *ритл*, *фарфиюндан* бир *үқия*, гулсапсар илдизидан икки *үқия* ва сариқ йўнғичқа унидан бир ярим *ритл* олиб, қуюқ суртма тайёрланади.

Яна муқл, говшир ва эритилган чарвидан қилингани [қуюқ суртма] тизза ва бўғинларда хом шиллиқдан бўладиган [оғриқ] учун жуда фойдалидир.





БАРЧА АЪЗОЛАРГА УМУМИЙ БҮЛГАН КАСАЛЛИКЛАР

БИРИНЧИ МАҶОЛА

БИР ҚУНЛИК ИСИТМА

ИСИТМАНИНГ МОҲИЯТИ

Иситма юракда аллангаланиб, артерия ва веналардаги руҳ ва қоннинг воситалигида бутун баданга тарқаладиган, натижада баданда ҳам аллангаланиб [кишининг] табиий ишларига зарар етказадиган ёт ҳароратдир. Бу ҳарорат разабланиш ва ҷарчаш [сабабли] чиқиб, бадаига ёпишиб олиш ва унинг табиий ишига зарар бериш даражасига етиб бормайдиган ҳароратга ўхшамайди.

Баъзи кишилар иситмани касаллик-иситма ва белги-иситма деб дастлабки икки қисмга бўладилар ва шишилар туфайли чиқадиган иситмаларни [шу] белги-иситмадан деб ҳисоблайдилар. Улар сўзларининг маъноси: касаллик-иситма шундай иситмадирки, бунда иситма билан унинг касаллик деб ҳисобланмайдиган сабаби ўртасида [бирор] восита бўлмайди. Масалан, чириш иситмаси: бунда чириш иситманинг бевосита сабаби бўлиб, ўзи эса касаллик эмас, балки касалликнинг сабабидир. Аммо шиш иситмасига келсак, у шиш сабабли юз бериб, унга эргашиб келади ва токи шиш мавжуд ёкан, у ҳам мавжуд бўлади; аммо шиш эса ўзича бир касаллик. Бирор мунозара қилувчи «шиш иситмаси шишнинг ҳароратига тобе бўлса ва [бу иситма] шишдаги оғриқ сабабли бўлиб, белги-иситма деб ҳисобланса, бунда бир қунлик иситмаларнинг аксари ҳам белги-иситма бўлиши керак. Агар шиш иситмаси шишдаги чиришга тобе бўлса, бунда шишнинг ўзи шишлиги туфайли иситмага дастлабки сабаб бўлмай, балки ўзидағи чириш туфайли дастлабки сабаб бўлади; демак шиш иситмасининг асл сабаби чириш бўлиб, шиш эса бирор

восита орқалигина иситмага сабабдир» дейиши, ёки «белги-иситмадан шундай маънони англамай, балки шиш иситмаси шишга эргашиб келади, унинг мавжудлиги шицниң мавжудлиги билан боғлиқ деб ҳисобланса, чириш иситмаларининг ҳоли ҳам чиришга нисбатан худди шундай-ку» дейиши мумкин. Бироқ бунга ўхшаш мунозаралар билан шуғулланиш тиб илмида бирор фойда бермайди ва табобат билан машғул бўлган кишини ўз санъатидан четлатиб, уни овора қилиб қўядиган масалаларга ундейди. Бу тўғрида одат қилинган йўлга юриб айтамизки, шиш ва тиқилмалардан бўладиган иситмалар белги-иситма бўлсин!

Яна айтамиз: инсон баданида мавжуд бўлган ҳамма нарса уч жинсдан иборат: [улардан бири] бадандаги рутубат ва руҳларни қамраган аъзолар бўлиб, уларни ҳаммомнинг деворига ўхшатилади, [иккинчиси] шу қамралиб турган рутубатлар бўлиб, уларни ҳаммомдаги сувга қиёс қилинади, [учинчиси] нафсоний, ҳаётий ва табиий руҳлар ҳамда [баданга] тарқалган буғлар бўлиб, буларни ҳаммомнинг ҳавосига қиёс қилинади. Ет ҳарорат туфайли дастлабки алангаланишда алангаланувчи [жисм] мазкур уч жисмнинг бири бўлади. [Дастлабки алангаланиш] сўнгган вақтда унга қўшничилик қилаётган нарса совуганда эса, алангаланишнинг сўниши шарт эмас, балки у иссиқлигича қолиб, қўшничилик қилаётган нарсани қайтадан қиздириши мумкин. Инсон [бадани] даги ҳеч бир жисмоний жинс [мазкур] уч жисмдан ташқари бўлмайди.

Агар иситма аввало асосий аъзоларга ёпишиб, масалан, олов ҳарорати ҳаммом деворига, темирчининг дамига ёки ошпазнинг қозонига таъсир кўрсатганидек таъсир этса, иситмаларнинг ана шу хили ингичка оғриқ иситмаси деб аталади. Агар иситма аввало хилтларга ёпишиб, кейин, масалан, ҳаммомга иссиқ сув қуйилганда шу сабабли [ҳаммом] девори қизиганидек ёки иссиқ шўрва қўйиш сабабли қозон қизиганидек хилтлардан аъзога тарқалса, иситмаларнинг бу хили хилтдан бўлган иситма деб аталади. Агар иситма аввало руҳ ва буғларга ёпишиб, кейин, масалан, баъзан ҳаммомга иссиқ ҳаво кириб ёки ҳаммом қизитилганда ҳавоси исиб, сувни ва деворни қизитганидек, руҳ ва буғлар орқали аъзоларга ёпишса, иситмаларнинг бу хили бир кунлик иситма деб аталади, чунки у тезлик билан тарқалувчи латиф нарса [руҳ]га ёпишади; агар у иситмаларнинг

бошқа бир турига айланиб кетмаса, бундай иситманинг бир кеча-кундуздан ортиққа чўзилиши камдан-кам учрайди.

Иситмаларнинг шундай тақсим қилиниши [қуйида] навларга бўлиб қилинадиган тақсимга яқин келади. Аммо баъзи иситмаларни бошқа жиҳатдан ҳам тақсим қилиб, ўткири ва ўткир бўлмагани, узоққа чўзиладигани ва узоққа чўзилмайдигани, кечаси тутадигани ва кундузи тутадигани, қўрқинчиз, бехавотир [тутадигани], ёмон ҳолатларга эга бўлгани, вақт-вақти билан тутадигани, давомлиси, — давомлисининг баъзиси зўраювчи ва авж олувчидир, — [тутишда] бир-бирига ўхаши, иссиғи, эт увштирадиган ёки эт ҳурпайтирадиган совуғи, ёлғиз бир турдагиси ва мураккаблари бўлади дейдилар.

ВАБО ИСИТМАЛАРИ ВА УНГА ҲАМЖИНС БУЛГАН ЧЕЧАҚ ВА ҚИЗАМИҚ ИСИТМАСИ

Вабо иситмаси ҳақида сўз. Биз сенга «Куллиёт» китобида билдириб ўтганимизга кўра, гоҳо ҳавода ҳам сувдагидек ҳолат юз беради: унинг кайфияти иссиқлик ва совуқликка томон ўзгаради, табиати ҳам ўзгаради ҳамда сув туриб қолиб сасигани ва чиригани каби [ҳаво ҳам] туриб қолиб чирийди. Сув соғ ҳолида эканлигида бузилмай, унга тупроқ жинсидан бўлган ёмон жисмлар ара ҳашиб, таркибида ёмон кайфият пайдо қилгандагина бузилганидек ҳаво ҳам соғ ҳолатида эканлигида бузилмайди, балки унинг таркибида ёмон кайфият пайдо қиладиган ёмон буғлар унга аралашгандагина бузилади. Бунга, кўпинча, шамол сабаб бўлиб, у ботқоқлик жойлардан ёки бузилаётган жасадлар кўмилмай ёки куйдирилмай қолган уруш майдонларидан ёки ўлдирувчан ваболи узоқ жойлардан ёмон буғларни яхши [ҳаволи] жойга ҳайдайди. Баъзан [бундай] сабаб шу тоза жойнинг яқинида [ёки шу ернинг] ўзида мавжуд бўлади. Баъзан ернинг тагидаги жузъияти бизга маълум бўлмаган сабаблардан турли хил чириб бузилишлар пайдо бўлиб, улар сув ва ҳавога ҳам ўтади.

Қуруқ ҳаво сабабли пайдо бўладиган [вабо] иситмалари рутубатли ҳаводан бўладиган шунга ўхашаш [иситма] ларга қараганда камроқ учрайди. Аммо сафронинг қуруқ ҳаводан бўлиши сафродан келиб чиқадиган иситмаларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бироқ вабо иситмаларига келганда, булар [тоза бўл-

маган] рутубатли ҳўл ҳаводан пайдо бўлади. Ҳўл ҳаволи [жойларда] иситмалар кўп пайдо бўлса ҳам, улар ўтири бўлмайди, [аммо] муддати узоқроқча чўзилади; оз ёмғирли, қуруқ ёа фаслида эса бу иситмалар камроқ пайдо бўлсада, жуда ўтири бўлиб, тезда ўтиб кетади. Одатдаги табиати сақланиб турадиган йил фасли [иситмалар учун] энг яхши фаслдир.

Бу ўзгаришларнинг барчасининг манбаи осмон [жисмларининг] маълум бир вазияти бўлиб, бу вазият уларни бизга номаълум бўлган тарзда вужудга келтиради, шундай бўлса ҳам, бир гуруҳ [мунажжимлар] бу ҳақда бирор далилга муносабати бўлмаган даъвони ўртага ташлайдилар.

Сен билишинг керакки, бунинг дастлабки узоқ сабаби осмон шакллари, яқин сабаби эса ердаги ҳолатлардир. Осмоннинг таъсир қилувчи қувватлари билан ернинг таъсирланувчи қувватлари ҳавода кучли рутубатлилик ҳосил қилганида буғлар ва тутунларни ҳавога кўтариб тарқатади ва уларни кучсиз ҳарорат билан чиритади. Мана шу ҳолатдаги ҳаво юракка етиб боради ва ундаги руҳ мизожини бузади. [Сўнг] юрак теварагидаги рутубатлар чирийди ва табиийликдан ташқари ҳарорат пайдо бўлиб, ўз йўли бўйича баданга тарқалади; натижада вабо иситмаси пайдо бўлади ва, айниқса, бу иситмага чалинишга қобилиятли бўлган кўпчилик кишиларга тарқалади. Агар таъсир қилувчининг ёлғиз ўзи мавжуд бўлиб, таъсирланувчи уни қабул қилишга тайёр бўлмаса, таъсир кўргазиш ва таъсирланишлар юз бермайди. Бадан биз айтиётган нарсага ёмон хилт билан тўлган вақтидагина қобилиятли бўлади; тоза баданлар эса ундан таъсирланмасликлари мумкин. Кучсиз баданли кишилар, масалан, жинсий алоқани кўп қиласидиган, шунингдек, тери тешиклари кенг, бадани рутубатли ва ҳаммомга кўп тушадиган кишилар ҳам бундан таъсирланишга қобилиятлидирлар.

Белгилар. Бу иситма ташқи кўринишда сокин бўлса ҳам, ичда беҳузурликка соладиган бўлиб, кўп ҳолларда ҳалокатга олиб келади. [Касалнинг] куйиб қаттиқ алангаланаётгани сезилиб туради, нафас чуқур, баланд ва кетма-кет бўлади, кўпинча, нафас қисади ва нафас бадбўй бўлади; ташнилик кучаяди, тил қурийди; гоҳо [иситма] билан бирга кўнгил айниш ёки иштаҳа пасайиши юз беради; агар зўрлаб бўлса ҳам овқат едирб, ударга қарши турилмаса, бу ҳол уни ҳалок қиласиди. [Касалнинг] меъдаси оғрийди, талоги катталашади;

құның бекізурлік ва бетоқатлық содир бўлади; қуруқ йўтад юз беради, қувват тушиб беҳушликкача олиб боради, ақл қоришади, қовурға тоғайларининг таги тортищади, қасалда уйқусизлик пайдо бўлади, бадани бўщащади ва ҳаракатларига футур етади. Баъзан бу иситмаларда [баданда] қизил, сарғиш тошмалар кўринади. [Бу тошмалар] баъзан тезда кўринади ва яна тезда ичкарига ботади; [огизда] чақа ва яралар пайдо бўлади; томир уриши кўпинча, кетма-кет ва кичик бўлиб, кечалари аксари щиддатлиликка ўтади. Баъзан бундай қасалларда истиқсога ўхшашиб ҳолат юз бериб, ичларидан сафро ва бошқа хилтлар ўтади. Ахлат суюқ, жуда қўланса ва ғайритабий бўлади, баъзан унга савдо аралашиб келади, кўпинча, кўпикли ва сассиқ бўлиб, унга эриётган бирор [хилт] қўшилиб ўтади. Қасалнинг сийдиги сувсимон, сафро ва сафро аралашиб бўлади; у, кўпинча, савдо құсади, сафрони эса ундан ҳам кўпроқ ташлайди; бундай қасаллардан сассиқ тер чиқади. Бу иситма мазкур белгиларнинг бор кучи билан акс этган ҳолида бошланиб, [сўнг] иш беҳушликка, қўл-оёқлар совущига, летаргияга, тиризиш ва кузов қасалликларига бориб етади.

Вабо иситмаларидан шундайлари ҳам бўладики, уларда қасалнинг ўзи ҳам, унга яқин туриб ушлаб кўриб текшираётган бошқа киши ҳам ҳароратни унча сезмайди, томир уриши ва сийдик деярли ўзгармайди, аммис шу билан бирга, бу иситма тезда ҳалок қилувчи бўлиб, табиблар бунинг тадбиридан ҳайратда қоладилар. Мана шу кейинги ва бундан илгарироқ айтилган қасаллардан нафаси сассиқ бўлғандарнинг кўпчилиги ҳалок бўлади, чунки чириш юракка ўрнашиб қолган бўлади.

Вабо [пайдо бўлишининг] белгилари. Вабо сабаблари ўринида юрувчи [ҳолат] ларнинг вабо пайдо бўлишига далолат берувчиларидан бири куз фаслининг бошларида ва Элул ойида осмон тошлари ва юлдуз учишининг кўпайишидир, чунки булар бўлғуси вабодан худди унинг сабабига, [масалан] Конун ойида жануб ва шарқ шамолларининг бир неча кун тинмай эсишига ўхшаб дарак беради. Сен ҳавони зичлашган ва туманли ҳолда кўрсанг ва ёмғир ёғади деб гумон қилсанг-у, бироқ ҳаво чангли ва қуруқ бўлиб ёмғир ёғмаса, билгинки қищ [фаслининг] мизожи бузуқ бўлади.

Аммо ёз фаслида бўладиган ёмон ва ярамас вабога келсақ, бунга баҳорда совук бўлиб, ёмғир кам ёғиши далолат қиласи. Сўнгра агар сен жануб шамоли кўп

эсиб, бир неча кунгача ҳавони кудуратли қилиб тўрганини кўрсанг, кейин бир ҳафта ва ундан кўпроққача ҳаво тоза бўлса ва бунинг кетидан кечаси совуқ, қундузи эса ҳаво дим, булутли, кудуратли ва иссиқ бўлса, вабо келгани аниқ ҳамда вабо, чечак ва шунга ўхшаш иситмаларни кута бер! Шунингдек, ёз унча иссиқ бўлмай, жуда кудуратли ва дараҳтлар ғуборли бўлса ҳамда [ўтган] кузда осмонда юлдуз учishi, оловлар ва «найзача»лар [каби чақмоқлар] кузатилиб ўтилган бўлса, бу вабо белгисидир. Шунга ўхшаш, ҳавонинг бир кунда бир неча марта ўзгарганини кўрсанг, кейинги куни эса ҳаво тиниқ бўлса, қуёш бир куни соф, бошқа бир куни кудуратли кўриниб, ғуборга ўралиб чиқса, вабо пайдо бўлишига ҳукм қила бер!

Сабаблар билан тўё биргалалишб қелувчи белгиларга келсак, сен, масалан, [вабодан] олдин қурбақа кўпайганини ва чириндишлардан пайдо бўладиган ҳашаротларнинг ҳам кўпайганини кўрасан; яна вабога даголат қиладиган белгилардан бири шуки, сен сичқон ва ер тагида яшайдиган жониворларнинг ҳайронлик ва саросимага тушиб, ер юзига қочиб чиққанликларини, лайлак ва шунга ўхшаш ўз табиати бўйича сезгир жониворлар уясидан қочиб, баъзан [босиб ётган] тухумларини ҳам ташлаб кетишларини кузатасан.

Вабо иситмасини даволаш. Бу касал даволарининг барчаси моддаларни қуритишдан иборат, моддани қуритиш эса томирдан қон олиш ва ични сурдириш билан бўлади. Бунда бўшаттиришга шошилиш керак; агар ғолиб модда қонга тегишли бўлса, томирдан қон олинади, бошқа хилтларга оид бўлганда, уларни бўштилади. Касал турадиган уйларни салқин қилиш ва ҳавосини яхшилаш керак; уйни салқин қилиш, унинг теварагига ҳўл мевалар, совуқлик райҳонлар ва совуқлик дараҳт новдаларини қўйиш, шунингдек, совуқлик хушбўй ҳўл мевалардан, кофур, гул суви ва сандаллардан тайёрланган суюқ хушбўйликлар ва сепиладиган дориларни ишлатиш керак; касалнинг уйига ҳар куни бир неча марта, хусусан ғул, тол ва нилуфар сувлари сепилади. Агар уйда сув ва хушбўйликлар сепадиган қурол бўлса, жуда яхши. Уйнинг ҳавосини тузатиш тадбирини яқин орада айтамиз.

Бундай касалларга кофур кулчалари, қайнатиб қуютирилган совуқлик ширалар, қатиқ зардоби, ёғи олинган қатиқ ва нордон мазалик қурт солиб, ивитилган гул суви ичирилади ва сув қўшилган сирка истеъмол қилди.

рилади. Бир йўла кўп совуқ сув ичиш жуда фойдали-
дир; аммо уни оз-оздағ бирин-кетин ичиш, баъзан ҳаро-
ратни қўзғатади.

Агар аҳвол қовурға тогайларининг тортишувига, қўл-
оёқлар совуши ва узоқ уйқусизликка, ақл қоришувига
бориб етса ҳамда сен кўкрак ва унинг устидаги нарса-
нинг кўтарилиб-пасайиб турганини кўрсанг, ҳароратни
сиртга тортадиган кўрпа ёпмай илож йўқ. Қасалнинг
иштаҳаси тушиб кетса, мажбуран овқатлантирилади,
чунки бунга ботирлик қилиб, мажбуран овқатланган ка-
сал, кўпинча, енгиллаша бориб тирик қолади, шунинг
учун уларни зўрлаб овқатлантириш зарур. Уларга бе-
риладиган овқат нордон ва моддани қуритувчи нарса-
лардан бўлиб, миқдори оз бўлсин, чунки овқатлар ҳам
[уларнинг баданида] ёмон сифатлиликка айланади ҳам-
да кўп миқдордаги овқат ўзининг ёмонлиги билан ва,
шунингдек, тўлиқлик туғдириши билан зарар қиласди.

Үй ҳавоси баъзан соғлом кишиларга ва баъзан ҳам
соғлом, ҳам касал кишиларга мослаб тузатилади. Соғ-
лом кишиларга мослаб тузатишдан мақсад ҳавони қу-
ритиш, тозалаш, қандай қилиб бўлса ҳам, унинг чири-
шига тўққинлик қилишдир. Ҳавони хом уд, анбар,
кундур елими, мушк, ширин қуст, *майҳа* елими, сандак-
рак елими, ангуза, қалампирмунчоқ сақичи, мастаки,
сақич, ладан, асал, заъфарон, омила шираси, сарв, тоғ
арчаси, *ушна*, дафна дарахтининг [чўпи], тўпалоқ, қо-
рачайир, арча уруғи, игир, шоҳбонак, аччиқ бодом ва
туёғўтлар билан тузатадилар; баъзан шулардан мурак-
каб дорилар ясалади; [касал ётган] уйга сирка ва
ангзуза ҳам сепилади.

Соғлом кишилар ҳамда вабо теккан кишиларга мос-
лаб ҳавони тузатишга келсак, бунга сандал, кофур, анор
пўсти, мирта, олма, беҳи, *абунус*, *сож* дарахти, юлғун
ва ровочларни тутатиш билан эршилади. Буларни
қайта-қайтадан тутатиш лозим.

Вабодан сақланиш. Бадандан ортиқча ру-
тубатларни чиқариш, ҳар бир важҳдан [бадани] қури-
тишга яқин тадбирни қўллаш ва овқатни кам бериш
лозим. Аммо жисмоний ҳаракатларни мутлақо қил-
дирмаслик, [касални] ҳаммомга туширмаслик, унга
шароб ичирмаслик ва уни ташна қилиб қўймаслик ке-
рак. Ҳавони биз айтган нарсалар билан тузатиш ва
овқатни нордонликка мойил қилиб, оз миқдорда бериш
лозим. Қасалга бериладиган гўштни нордон нарсалар
билан қўшиб қайнатилсин. Қасал ҳулом, қарис оши

ҳамда татим ғўра суви, лимон суви ва анөр сувларидан сирка қўшиб ёки сиркасиз тайёрланган масусларни есин; сиркалган фойдали нарсаларни, айниқса сиркага солинган ковулни [ишлатсин]. Ангузга уларга фойда етказадиган нарсалардан бўлиб, кишилардан чиришни узоқлаштиради.

Вабо [таъсир қилиш]дан олдин тарёқ ва митридатни бошқа тўғри тадбирлар билан биргаликда истеъмол қилиш вабодан қутқазадиган нарсалардандир. Сабр, заъфарон ва муррлардан тайёрланган дори [ҳам шун дай]. Ундан ҳар куни бир дирҳамга яқин истеъмол қилинса, албатта, фойда беради.

ЧЕЧАК

Баъзан бир қадар чириш орқали қонда ачиб қайнаш юз беради; бу мева сувларида содир бўладиган ва уларнинг бир қисмини бошқа бир қисмидан ажралишига олиб келадиган ачиб қайнаш жинсидандир. Табиийга ўхшаш бир омил сабабли [ачиб қайнаш] ана шундай бўлиб, бунда [у ҳолат] ҳомиладорлик вақтида ҳайз қонида пайдо бўлган озиқлик [модда]нинг қолдиқларидан қонга аралашган қисмини ёки ҳомиладорликдан кейин лойқа ва ёмон овқатлардан туғилган [озиқлик] қисмларни қондан ажратиб ташлаш учун қонни ачитиб қайнатади. [Бундай қолдиқлар қоннинг] қуюқ-суюқлигини ёмонлаштиради ва то унда аввалгисидан кўра қуюқроқ ва аниқроқ жавҳар ҳосил бўлгунига қадар уни ғалаёнга сола беради.

Табиат узум ширасини [ачитиб қайнатар экан] ундан ҳавога тегишли кўпикни ва тупроққа тегишли чўкмани кеткизиб жавҳарини бир турли шароб [даражаси] гача қуюлтирганида юқоридагига ўхшаш бир ҳолат кузатилиди. Ташқаридан етишган бирор сабаб туфайли пайдо бўлувчи [ачиб қайнаш] ҳам шу қабилдан бўлиб, у қонни ғалаёнга келтиради ва хилтлар билан кучли равишда аралаштириб юборади; бунинг натижасида [қонда] ачиб қайнаш ва кўпириш вўжудга келади. Ана шунга ўхшаш ҳолат йил фасллари, айниқса баҳор фасли лозим бўлганидан бошқача кайфият ва тартибларга эга бўлганида содир бўлади.

Чечак ва қизамиқ юқумли касалликлар жумласидан бўлиб, жануб шамоллари кўп эсгандан кейин кўпаяди. Иссиқ ҳўл [мизожли], айниқса рутубати кудуратли ва томидларидан қон кам олинган бадан чечак касалига,

чалинтиради, айниқса одат қилмаган нарсани [66] устидан қиздирувчи дорилар ва овқатлар истеъмол қиласа шундай бўлади; масалан, сутлар, айниқса туюва бияларнинг сутлари; хусусан, одатланмаган киши бу дарни кўп истеъмол қилиб, кетидан анчагина шароб ёки иссиқлик дориларни ичса шундай бўлади. Чечак қасаллиги гўё буҳроннинг бир туридир.

Чечак, кўпинча, болаларда, сўнг ўсмирларда юз беради; кексаларда эса у кам учрайди, уларда чечак фаяқат қучли սабаблар мавжудлигида ва жуда иссиқ ва рутубатли мамлакатлардагина юз бериши мумкин. Чечак қуруқ баданлардан кўра рутубатли баданларда, қиши фаслидан кўра баҳорда кўпроқ пайдо бўлади; баҳордан кейин кузнинг охирида, айниқса [шу куздан олдинги] ёз фасли иссиқ ва қуруқ, [кузнинг] ўзи ҳам иссиқ ва қуруқ бўлганида кўпроқ юз беради.

Чечак фақатгина терида ва бадан юзасига яқин ерларда пайдо бўлмай, балки бўлақлари бир-бирига ўхщаши бўлган ташки ва ички аъзоларнинг ҳаммасида, ҳатто парда ва асабларда [ҳам] пайдо бўла беради. Чечак пайдо бўлганда [аввало] қичимани келтириб чиқариб, кейин игна учига ўхшаш, тариқсимон нарсалар кўринади; сўнгра бу нарсалар йирингга тўлиб, бадан сиртига чиқади, яра бўлади, кейин [қуриб] турли рангда қовжираб, тушиб кетади.

Кўпинча, чечак флегмона, *мошаро* ва йиринг йиғувчи шишларга ўтади. Чечак [яралари] кўринганида улар, кўпинча, флегмона рангига эга бўлади, лекин баъзан турли рангларга: кулранг, бинафшаранг ва қора рангда тошади, чунки чечак [тоцмалари]га ҳар хил тур ва ранглар ҳосдир: уларнинг баъзиси оқ, баъзиси сариқ, баъзиси қизил, баъзиси кўк, баъзиси бинафша ранг бўлиб, баъзиси эса қорамтири бўлади.

Қўк ва бинафша рангли чечак — ёмон; қора рангликка кўпроқ мойил бўлган чечак [яна ҳам] — ёмонроқ, қора рангликдан қанчалик узоқ бўлса, ёмонликдан [ҳам] шунчалик узоқдир. Оқ ранглиси, айниқса бунинг сони кам, ҳажми катта, тошиши осон, камроқ бехуэур қиладиган, иситмаси кучсиз ва у сиртга чиқиши билан иситмаси тарқаладигани, ҳамда [аввалги белгисидан кейин] учинчи ва шунга яқин кунларда тошадигани бехавотирроқдир. [Бехавотирликда] бу оқидан кейинги ўринда катта, кўп сонли, бир-бирига яқину лекин тулашиб кетмагани туради; бир-бирига тулашиб кетган, ҳатто этнинг катта бир қисмини эгаллаган қирралик

еки юмалоқ чечак ёмондир. Шунингдек, бирининг ичидә яна бошқа бир чечак бўладига қаватма-қават катта хиллари ҳам ёмон.

Аммо бир-бирига яқин, [юзага] чиқиши қийин, бир-бирига яқин ўрнашган кичик, оқ, қаттиқ хилларига келсак, гарчи улар дастлаб бехавотир туюлса ҳам, бироқ буларда қийинлик билан етилиш хавфи ва касал аҳволи ёмонлашиб, унинг ҳалокатга учраш хавфи бор, чунки бунга сабаб модданинг қуюқлигидир. Чечакнинг, кўпинча, ҳалокатга олиб борадиган хавфли ёмон турларидан бири ҳолати ўзгариб турувчи: гоҳ юзада кўриниб, гоҳ ичга ботадиган ва, хусусан, бинафшараг бўлиб кўринадиганидир. Шунингдек, [этга] ёпишган, қувватни заифлаштириш, аъзони кўкартириш ва қорайтиришдан холи бўлмайдиган хили ҳам ҳалок қиласди. Агар чечак тошгандан кейин пайдо бўлған [аъзо] кўкариши ва қорайиши қувватни туширмаса, аксинча қувват ортиб борса, бундай чечак ҳалокатга олиб бормайди. Лекин у, кўпинча, яралар ва шуларга ўхашшларни келтириб чиқаради. Аввал иситма пайдо бўлиб, кейин чечак тошиши — аввал чечак тошиб, кейин унга эргашиб иситма чиқишидан кўра бехавотирроқдир.

Чечак тошган кишидаги ҳолатлардан кўпроқ эътибор берилиши лозим бўлгани унинг нафас олиши ва товушидир. Бу иккаласи яхшилигича қолса, демак, иш бехавотир; агар чечак, шунингдек, қизамиқ тошган кишининг нафаси [узилиб-узилиб] кетма-кет чиқаётганлигини кузатсанг, қувват тушганлигини ёки кўкрак-қорин нардаси яллиғланганлигини тажмин қила бер. Сўнгра агар сен ташналик зўрайётганлигини, беҳузурлик давом этаётганлигини ва бадан сирти совуётганлигини кўрсанг ҳамда чечак ёки қизамиқ рангни кўкартирса, [касаллик] беморни ҳалокатга ундаётган бўлади. Буни чечакнинг сустлик билан [бадан] юзасига чиқадиган ва кечроқ тошадиган хилидан бўлиши ҳам қувватлайди.

Чечак билан [юргиганда] үладиган касалларнинг кўпчилиги бўрилиб ёки бўтма касаллигига учраб үлади; батъян эса улар ичак шиљиниши ва ич суриши натижасида қувват тушиши туфайли ҳалок бўладилар. Чечак ва қизамиқнинг бинафша ранглиси ичга ботганлигини кузатсанг, билгинки, бу касални тезда бехуш қиласди. Касал тезда қон сия бошласа ва бунинг кетидан қора рангли сийса, айниқса унинг қуввати тушган бўлса ва қувват тушиши билан ёнгига ичидан кўк, қонсимон ва гўшт селисимон нарса ўтса, у албатта үлади.

Сув чечак билан қизамиқ ўртасидаги бир касаллик бўлиб, иккаласидан кўра бехавотирроқдир.

Агар модда ҳайдалишга [ҳозирланиб] икки марта йигилса, кўпинча, киши икки марта чечак билан оғрийди.

«Қўрғошинсимон мум» бу чечакнинг поча ва оёқлардан кўра юз, кўкрак ва қоринларга кўпроқ тошадиган хилидир. Бу ёмон хил чечак бўлиб, модданинг атроф [аъзолар] га ҳайдалмайдиган қуюқ эканлигига далолат қиласди.

Чечак чиқишининг белгилари. Чечак чиқишдан олдин бел оғрийди, бурун қичийди, бетинч уйқу, аъзоларда санчиқ, бутун баданда оғирлик юз беради; юз ва кўз қизаради, кўз ёшланади, [бадан] алангаларади, нафас қисиши ва товуш бўғилиши билан бирга керициш ва эснаш кўпаяди, сўлак қуюқлашади, бош оғирлашиб оғрийди, оғиз қурыйди, кўнгил беҳузур бўлиб, томоқ ва кўкраклар оғрийди, чалқанча ётганда ва шундай ётишга мойил бўлинганда оёқлар қалтирайди ва, шулар билан бирга, қон бузилишидан туғиладиган иситма воқе бўлади.

ҚИЗАМИҚ

Билгинки, қизамиқ гўё сафродан пайдо бўладиган чечакка ўхшайди; бошқа кўп ҳолатларда бу иккаласининг ўртасида фарқ йўқ; фарқ фақат шундаки, қизамиқ сафродан пайдо бўлади ҳамда унинг ҳажми кичикроқдир. У гўё теридан юқорига чиқмагандек [туюлади] ва айниқса бошланишида, айтарли қаварчимайди, чечакнинг бошланишидаёқ дўнглик ва қавариш содир бўлади. Қизамиқ чечакка қараганда камроқ [хавфли] дир, унинг кўзга тошиши ҳам чечакдагидан камроқ.

Қизамиқнинг пайдо бўлиш белгилари чечакнинг юз бериш белгиларига яқин, лекин қизамиқда ўқчиш кўпроқ, кўнгил беҳузурлик ва алангаланиш кучлироқ, бел оғриги эса камроқ бўлади. Чунки чечак касаллигидаги бел оғриги орқага ўрнашган томирни тортиштирувчи қон тўлиқлиги сабабли вужудга келади; чечак бузилган қоннинг кўплиги туфайли [пайдо бўлади], қизамиқ эса бузилган оз қоннинг жуда ёмонлигидан келиб чиқади. Қизамиқ, кўпинча, тўсатдан, чечак эса аста-секин юз беради.

Қизамиқнинг бехавотирлик белгилари чечакнинг бехавотирлик белгиларига ўхшайди. Тез тошлиб юзага чи-

қадиган ва етиладиган қизамиқ бехавотир, қаттиқ, кўқ, бинафша ранглиси эса ёмондир. Етилиши суст, тез-тез бехуш ва беҳузур қиладигани ўлдирувчидир. [Кўриниб туриб], тўсатдан ичга ботиб йўқ бўладигани ҳам ёмон бехушликни келтиради.

Даволаш. Чечакда, агар шароит кўтарса, шошилинч равишда етарли даражада қон олиш, шунингдек, қизамиқда ҳам агар қон тўлиқлиги бўлса, [қон олиш] керак. Қонни тўртинчи кунгача олсин, чечак тошгандан кейин эса, томирдан қон олиш билан шуғулланиш керак эмас, лекин тўлиқлик зўр бўлиб, модда ғалаба қилса, енгиллик келтирадиган миқдорда қон олиш мумкин. Бу касалликда ишлатиладиган тадбирлардан энг муовифиги томирдан қон олишдир. Бурун томиридан қон олиш бурун қонаши каби фойда қиласди, баданинг юқори қисмларини чечакдан сақлайди; бу болалар учун енгилдир. Томирдан қон олиш лозим бўлса-ю, уни [кераклигича] тўла олинимаса, қўл ёки оёқнинг чириб бузилиш хавфи туғилади. Шунингдек, кишининг [табиий ҳароратини] доимий равишда кучли сўндирилганда ҳам шундай хавф туғилади.

Бу иккала касалликда аввало кучайтирувчи, қайтارувчи, [ҳароратни] сўндирувчи ва, шу билан бирга, ични боғламайдиган ва қонни қуюлтиrmайдиган нарсалар, масалан, *тамр ҳиндий* қўшилган чилонжийда оши, хурмо гулидан тайёрланган овқат, ясмиқ оши, шўрвалар ва ични кучли юмшатиб юбормайдиган овқатлар бериш керак. Буининг учун ўша овқатларга *тамр ҳиндий* ва [хусусиятда] шунга тўғри келадиган нарсани қўшиш лозим; қовоқ оши ва тарвуз [ҳам фойдали]. Қисқаси касалликнинг аввалида ёқ ич юмшоқ бўлиши лозим; уни юмшатиш учун энг яхши восита *тамр ҳиндийдир*, агар бу билан ич юмшамаса, *тамр ҳиндийга* эҳтиётлик билан озгина [дарахт] шираси ёки янтоқшакар ёки олхўри ивитилган сув қўшилади. Гоҳо чечак белгилари юз бериши биланоқ *қадир* дарахти мевасининг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан уч *дирҳамини* битта кофур кулласи билан қўшиб ичириш фойда қиласди; шундай вақтда хурмо гулиниң шароби foят мағфаатлидир.

Касаллик чўзилиб иккимчи кундан ўтгачида ва чечак тоинига тутинганида совутиш тадбирини қўллаш, кўпинча, кетта хатога сабаб бўлади, чунки у чициндиларни ичга қамаб бошқарувчи аъзоларга ўнталтиради ва бу билан [чечакининг] тошиб чиқинига имконият бермайди. Буининг кетижасида бетоқаттик ва беҳузурлик

пайдо бўлади, баъзан бехушлик юз беради. Аксинча шундай ҳолларда чиқиндига уни кўтариб [кўчирадиган] ва тиқилмаларни очадиган, масалан, шакар қўшилган арпабодиён ва петрушка шираси ёки маълум илдизлар ва уруглар қайнатмасини [бериб] кўмаклашиш керак. Баъзан [касалга] бир оз заъфарон ҳидлатилади. Анжир суви жуда яхши, чунки анжир [чечакни] сиртга томон қаттиқ ҳайдайди ва у [чиқиндининг] зараридан кутулиш воситаларидан биридир. Шундай вақтда, фоят катта фойда келтирувчи дорилардан бири: ювилган лаккдан беш дирҳам, пўсти ажратилган ясмиқдан етти дирҳам, катиродан уч дирҳам олиб, ярим ритл сувда чорак ритл қолгунича қайнатилади ва ичирилади.

Чечакнинг юзага чиқишига зўр ёрдам берадиган [дори]: сариқ анжирдан етти дирҳам, пўсти ажратилган ясмиқдан уч дирҳам, лаккдан уч дирҳам, катиро ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан икки дирҳамдан олиб, ярим ритл сувда [сувнинг] учдан бирига яқин қолгунича қайнатилади ва сузиб ичирилади. Бу [дори] юрак атрофидан ҳароратни ҳайдайди ва хафақонга тўсқинлик қиласди.

Шу вақтда касалга ёғни ҳеч бир йўлатилмасин. Касал устига кўрпа ёпиш, уни, айниқса қишида, совуқ ҳаводан узоқлатиш, терлаган кишига ишлатиладиган тадбирни қўллаш лозим бўлади, чунки совуқ тери тешикларини тўсиб, моддаларни орқага қайтаради. Ях билан совутилган сувни кўп ичиш ва хайшга кириш бу касалга жуда заарлидир. Томирдан қон олиш юзага чиқаётган [чечакни] қайтариши ва чекинтириши сабабли баъзан заар етказади. Демак, [қонни] касалликнинг иккинчи ёки учинчи кунларидан ўтказмай олинсин.

Кўрпа ёпиш ва қиздиришдан [касалда] бехушлика ұхшаш бир ҳолат ёки бехушлик юз берсая, ҳавони, айниқса нафас билан тортилаётган ҳавони совутиш, кофур ва сандал ҳидлатиш зарур. Агар хайшда ёки бир оз совуқ ҳавода касалнинг баданини очиқ ҳолда қўйиш зарурати туғилса, шундай қилинади. Шунингдек, чечак тезда юзага чиқсин деб касални иссиқ тутилганда ёки совутиш тадбирини ишлатмай унга ёрдам берилганда, енгиллик туғилиш ўрнига ҳарорат кўтарилаётганини ва тилкораяётганини кўрсанг, иссиқ тутишдан сақлан!

Чечак ва қизамиқ тошган кишиларнинг қорнига қуюқ суртма борлашдан сақланиш керак, чунки бунда ўша [борланган] жойда нафас олишнинг қисилиши ҳамда ёмон ич кетиш, қон сийишлардан иборат икки хатар бор.

Қасалликнинг охирида ич суришдан эҳтиёт бўлиши, ясмиқнинг ўзини бериш ўрнига бир неча марта суви янгилаб, қайнатилган ясмиқ бериш, тарж ҳинди билан нордон қилиб бериладиган ясмиқ ўрнига анор суви, татим ёки ғўра, ёки шунга ўхшашлар суви билан нордон қилинган ясмиқни бериш керак.

[Қасалликнинг] бошланишида ишлатилиши буюрилган қонни қуюлтирувчи ва совутувчи, унинг ачинбайнашига тўсқинлик қилувчи дориларга келсак, улар, масалан, ровоч ва ғўранинг қайнатиб қуюлтирилган шираси, совуқлик меваларнинг сувлари, айниқса, қадир дарахти мевасининг шароби, хурмо гулининг шароби, хурмо гулининг ўзи ва хурмо дарахтининг ўзаги кабилардир.

нок барги, дўлана барги, гул барги ва қизил тасма барги шиralарининг ҳар биридан тўртдан бир бўлак, такасо-қол шираси, қуруқ гул, қуруқ нилуфар, қуруқ зиркниш шираси, сачратқи уруғи, сутчўп уруғи, анор гули, нилу-фар ва гулларнинг ҳар биридан ўндан бир бўлакнинг ярми ва ҳўл ялпиз ширасидан олтидан бир бўлак, ҳўл зирк ширасидан ярим бўлак олиб, дорилар ва шиralарни қўшиб оловга қўйиб аралаширилади ва бунга ясмиқдан тўрт бўла^т, пўсти ажратилган арпадан икки бўлак, татимдан уч бўлак ва анор донидан уч бўлак солиб, ҳаммасини олов устига қўйиб ярми қолгунича қайнатилади, кейин совугунича қўйиб қўйилади, куч билан кавлаб қўйиб, тинилади; сўнг [шу таркибининг] ҳар бир уч юз дирҳами учун бир мисқолдан кофур олиб янчилади ва «қовоқ» ёки колба тагига сепилади, устига шу таркибни секинлик билан қўйилади, кейин идишнинг оғзи-ни қаттиқ бир нарса билан беркитиб идишни то қайнашга яқинлашгани билингунича чўғ устига қўйилади. Шундан сўнг уни олиб чайқатилади ва кофур учиб, бекор кетмаслиги учун сопол идишга қўйиб, оғзи маҳкамла-нади. Бунинг бир ичими — ўн дирҳамгача. Баъзи кишилар бу дирҳамга сунбул, занжабил, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, мурч ва тўпалоқлардан топилган миқдорда қўшадилар.

Чечак тамом тошиб бўлса ва етти кундан ўтиб етилганлиги кўринса, тилла игна билан оҳиста-оҳиста тешиб, рутубатини пахтага шимдириб олиш тўғри тадбирлардан ҳисобланади. Туз қўйишга келсак, буни қўймай илож йўқ, аммо уни қўймоқчи бўлганингда яқинлаштирма, чунки туз оғритади; шунинг учун бошқаларига қўйиб катталарини то тешик йўли бириккунича қолдир, улар бириккандан кейингина туз қўй. Чечак тамом етилишидан олдин туз қўя кўрма, чунки у, баъзани шиш ва қаттиқ оғриқ пайдо қиласди. Чечак етилганидан кейин туз қўйиш зарурий ишдир; буни заъфарон қуввати ўтказилган намакоб билан қилинади. Агар [намакоб қилинган] сув гул суви бўлса, бу жуда яхши; сувда гул, юлғун, ясмиқ қайнатиб, кейин агар [туз солиб] шўр қилинса, айниқса унга кофур ва сандал қўшилса, яна ҳам яхши бўлади. Туз қўйиш чечакни етилтиради ва қуритиб тезда тушириб юборади.

Чечакни юлғун тутуни билан буғлаш жуда фойда-лидир. Қиши фаслида юлғун ўтинини муттасил ёқиши ке-

рак. Агар чечак ўта рутубатли бўлса, мирига ва унинг баргининг тутуни билан буғламай чора йўқ.

Чечак етилганда ва уни қуришишга киршилганда, чечак тошган кишини гуруч, тариқ, арпа ёки боқила унларининг устига ётқизиш фойдали тадбирлардандир. Бу тадбирнинг энг мувофиқ [қўллаш усули] уни чети тикилган ва уни қувватини ўтказувчи сийрак тўқилган рифоф ичига солишидир. Бу соҳада чучукмиянинг барги яхшидир. Ёғлар эса бундай вақтда ҳам зарарли, чунки ёғ чечакнинг қуришига тўсқинлик қиласиди. Чечак қурий бошлаганида бунга кўмаклашувчи мазкур дориларни бир оз заъфарон қуввати кўшиб суртиш керак.

Чечакдан яралар пайдо бўлганида бунга қарши оқ марҳам, айниқса унинг бир оз кофур қўшилгани, шунингдек, қамиш илдизи кукунининг гул суви билан қўшилгани ёки тол дарахти ёки дўлана дарахти илдизининг кукуни фойда қиласиди. Баъзан қўроғошин уласи ва куйдирилган қўроғошинни сениш фойда етказади.

[Чечак] бурунда қуриб-қовжираганида бунга қўроғошин уласининг ҳамда куйдирилган қўроғошин **ва** [олтин] тўполининг қуввати ўтказилган холис гул ёғи билан тайёрланган мумли суртма фойда келтиради. Чечак қуригандан кейин ва у ярага айланган пайтда ёғ ишлатиш фойдали, чунки у чечак қуриган пайтида тезда тушириб юборади, ярага айланган пайтида эса марҳамлар [қўшиладиган] модда бўлади. Қизил марҳам чечак яраларига қарши яхши доридир.

АЪЗОЛАРНИ ЧЕЧАК ВА ҚИЗАМИҚ ОФАТИДАН ЭҲТИЕГ ҚИЛИБ САҚЛАШ

Чечак офатидан сақланиши зарур бўлган аъзолар томоқ, кўз, бурун, ўпка ва ичаклардир, чунки чечакда [кўпроқ] шу аъзолар яраланади; кўзга келсак, баъзан оқиб тушади, баъзан эса унга оқ тушади; томоқда баъзан бўғма пайдо бўлади ва қизилўнгачнинг ютишига тўсқинлик қиласиган яралар юз беради ҳамда бу яралар томоқда баъзан ўйдирадиган ўйиб сювчи ярага айланади.

Бурунга келганда, баъзан унда жаво йўлни **тўсалитган** яралар пайдо бўлади. Ўлкада эса чечак ва қизамиқ тошмаларида қаттиқ нафас кишини юз беради; ўпка яратсанда, баъзан кишини сиз касалига учратади. Ўтакларга келсак, уларда, мўтнича, даволанини, кимга бўлса, интишини содир бўлади.

Кўзни сақлашнинг энг яхши йўли: кўзга, айниқса [чечак бошланишининг] биринчи кунида, татим ва кофур қўшилган муррий ва кашнич суви суртилади, *муррийнинг* ёлғиз ўзини ҳам суртиш мумкин. Шунингдек, кофур қўшилган кашнич суви ва татим суви билан ишланган сурма дори суртилади. Касалликнинг бошланишида анор чарвисининг шираси ҳам фойдалидир; аммо чечак кўринганида гул суви ва кофурдан тайёрланган суртма [дори] мувофиқроқ. Айтишларича, бунга оқ нефть суртиш жуда фойдалидир. Писта ёғи чечак тошиб кўз заараланганида бизнинг мамлакатдаги хотинлар ишлатадиган [дорилардан] бўлиб, агар кўзда оқ парда бўлса, уни кетказади ва кўзни яхши қиласди. Чечак тошмаси [кўзга] чиққанида оқ шамча [ишлатиш] жуда яхши.

Оғиз ва томоқни чечак оғатидан сақлаш [касалликнинг] бошланғич пайтида, масалан, анорни сўриш ва донини чайнаш билан, шунингдек, айниқса касал ўша иккала аъзонинг оғриётганлигидан шикоят қиласа, Шом тутини сўриш ва унинг қайнатиб қуюлтирилган шираси билан гарфара қилиш билан бўлади. Шунда Шом тути ширасини оз-оздан ялатиб турish керак.

Бурунни [сақлаш]га келсак, бунга *момисо*, сандал ва гўранинг қайнатиб қуюлтирилган ширасидан тайёрланган суртма дори билан эришилади. Сирканинг ёлғиз ўзини бурунга тортиш ҳам жуда фойдалидир. Упкани сақлаш учун эса, кўкинор уруғи қўшиб ясмиқдан тайёрланган ялатма дори каби [фойдали] бир дори йўқдир.

Ичакларни сақлаш, айниқса, [чечак] бошланғич давридан ўтгандан кейин лозим бўлиб, буни буриштирувчи нарсалар билан амалга оширилади. Агар касалликнинг охирида ич суриши юз берса, табошир кулчаларини ровочнинг қайнатиб қуюлтирилган шираси билан бирга [ишлатиб], шунингдек, шовул уруғи кулчалари билан даволанади.

ЧЕЧАК ИЗЛАРИНИ ҚЕТҚАЗИШ

Зийнат бобида гапирганимизда бу ҳақда қайтадан тўхтаб ўтамиш, ҳозир эса [бу бобга] мувофиқроқ ва муносабати кўпроқ нарсаларни баён қиласмиз.

Чечак изларини кеткизувчи нарсалар, [масалан], қуритилган қамиш илдизи, болала донининг уни, тол ёғочининг кукуни, анзиратгўштхўр, қовун уруғи, қовунинг қуритилган пўчоғи, ювилган гуруч, арпа суви, тухум оқи, ғовак лой, куйдирилган қўргонин, новпот, крах-

мал ҳамда ширин ва аччиқ бодомлар, ёғлардан эса гулсапсар ва писта ёғлари ҳамда гул ёғи билан қўшилган эшак ёғи ва шуларга ўхшаш ёғлардир. Қўзичоқ туёғини қовурилганда унинг ичидан чиқадиган сув бу бобда жуда фойдалидир.

Кучлироқ нарсаларга келсак, улар, [масалан], денигиз кўпиги, «мурчтоши», қуст, қаврак елими, кундур елими, совун, бурақ, куйдирилган суяқ, чириган суяқ, турп уруғи, қуритилган турпнинг уни, аристолохия ва Миср боқиласидир.

Ширин ва нордон анорлар, тоза шароб, илитилган тухум сариги ҳамда товуқ, каклик, ўрмон каклиги ва семиз қирғовулларнинг шўрвалари — истеъмол қилинганда кўринишни чиройли қиладиган овқатлардандир. Чечак изи қолган киши тез-тез ҳаммомга тушиб туриши лозим.

Чечак изларини кетказадиган мураккаб дорилардан бири: куйдирилган суяқ, қўйнинг эски қумалори, янги сопол, крахмал, қовун уруғи, ювилган гуруч ва нўхатларнинг ҳар биридан ўн бўлакдан, бон мевасининг уруғи, Миср боқиласи, қуст ва узун аристолохиянинг ҳар биридан беш бўлакдан ва қуруқ қамиш илдизидан йигирма бўлак олиб, шу таркибдан қовун суви ёки ёввойи таррак суви, ёки арпа суви, ёки боқила суви билан суюқ суртма дори тайёрланади; бу дорини аъзога суртиб [ётиб], эртасига эрталаб гунафша қайнатмаси билан ювиб ташланади.

Бошқа [дори]: янги сопол, чириган суяқ, форс қамишининг илдизи, крахмал, Миср боқиласи, қовун уруғи, ювилган гуруч, бон меваси уруғи ва қустлардан баробар бўлакларни олиб, шу таркибдан юзни ювиладиган дори тайёрланади. Унга Миср боқиласи ва қора нўхаг ҳам [қўшилади].

ШИШЛАР ВА ТОШМАЛAR

Айтганиски, ҳар бир шинъ ва тошма исенқ бўйларда ҳам бўйлайди. Исенқ шинъ эса ё қондан, ёки шунига ўхшаш янисадан, ёки сафродан, ё шунга ўхшаш нарсадан бўйлайди. Қонни бўйлайшинни ё яхни котсан, ёки ёни курилайди, яхни крон ё қумик, ёни сирои бўйлайди. Ўзбек ченичидан ҳар инсаннига чиқадиган сурх ёки курилайди кимини бўйдо бўлинб, унда дўйсулни орнайди; фарзандни кимини чиқадиган фарзандни ёни сурх ғорзандиган, бунни ишорено деболади. Бу ўзбек ченичидан

Қуюқ ёмон қондан турли ёмон чиқиқлар пайдо бўлади. Агар бундай қоннинг ёмонлиги ва куйиндилиги кучайиб кетса, унда сарамас пайдо бўлади ва бунда қуиб қовжираш юз беради. *Нори форсий* сарамасдан ҳам ёмонроқдир. Суюқ ёмон қондан сарамасга мойил флегмона пайдо бўлиб, у ярамас ва ифлосдир. Агар қон жуда суюқ бўлса, флегмонали сарамас пайдо бўлади; қон жуда ёмон бўлганда эса елли ва сувли қаварчиқларга эга бўлган сарамас пайдо бўлиб, унда қуиб қовжираш юз беради.

Сафродан бўладиган шиш ё сиртқи терининг ичкарисида тўхтамайдиган жуда латиф сафродан бўлади; бу сафро жуда ўтириб бўлиб, ундан учук пайдо бўлади; [учук] баъзан фақатгина югурувчи бўлади, — бу хили жуда латиф — ёки югурувчи ва ўйиб еовчи бўлади, буниси — ёмондир. Ёки [шиш] бир оз қуюқроқ ва иссиқлиги камроқ сафродан келиб чиқади. Бу [хил сафро] аввалгидан кўра терининг ичкарироғида тўхтайди ва унда балғам ҳам бўлади. Бу сафродан тариқсимон учук пайдо бўлади, бунда алангаланиш камроқ бўлиб, у сустроқ тарқалиб йўқолади. Агар модда қуюқроқ ва ёмонроқ бўлса, ўйиб еовчи учук пайдо бўлади. Агар [сафро] қуюқлиги қон қуюқлигича бўлиб, ўзи ёмон бўлса, ёмон [сифатли] сарамасни келтириб чиқаради. Шуларнинг ҳаммасида модда кейинчалик ўзгариб турлича бўлса ҳам, [аввалда] ёмон ва латифдир. Латифлиги сабабли табиат уни ҳайдайди, шунда у тери ва терига яқин ердан бошқа [жойда] тўхтамайди.

Иссиқ шишнинг моддаси кўп бўлиб, у жуда катта бўлса, бу ўлдирувчи тотун шишлардан саналади. *Тароқиё* деб аталадиган шишлар ҳам шулар жумласидандир. Бу хил ёмон шишлар ва шуларга ўхашшлар вабо йилида кўпаяди. Иссиқ шишлар жумласидан бўлган ёмон шиш пасаймаса ва ундан кейин юмшаб кучаймаса ва модда йиғмасдан [аъзони] чиритиб бузишга олиб келса, бу нарса доимо шишнинг катталиги ва модданинг кўплигидан бўла бермайди, балки гоҳо модданинг ёмонлигидан ҳам бўлади.

Билгинки, шишнинг ёлғиз ва холис биргина [моддадан] воқе бўлиши камроқ учрайди, у кўпинча мураккаб [моддадан] бўлади. Билгинки, лўқилламайдиган ҳар бир сиртқи шиш йиринг йиғмайди; ички шиш ҳақида эса гапириб ўтдик.

ЭШАКЕМ (ШАРО)

Эшакем елли қаварчиқлар сингари ёйиқ майдада тошмалардан иборат бўлиб, бир оз қизил рангга мойил бўлади, қичииди, беҳузур қиласди, кўпинча тўсатдан пайдо бўлади; гоҳо ундан рутубат оқиб туради. Баъзан у қондан бўлади. Кўпинча, кечаси зўрайиб [кишини] қаттиқ беҳузур қиласди.

Эшакем [тошишига] бадандада дафъатан қўзғаладиган иссиқ буғ сабаб бўлади. Бу буғ ё сафроли қондан, ёки бурақли [шўр] балғамдан пайдо бўлади. Қондан бўлган эшакем жуда қизил рангли ва иссиқ бўлиб, тезда кўринади, балғамдан бўлганида эса буларнинг ҳаммаси камроқдир. Балғамдан бўлганининг кечаси кучайиши қондан бўлганига қараганда кўпроқ учрайди.

Эшакем кенг жойни эгалласа-ю, томирдан қон олинмаса, кунора иситма [пайдо бўлиш] хавфи туғилади. Бошланишидан шу [даражага етиш] муддати орасида томирдан қон олиш лозим.

ЭШАКЕМНИ ДАВОЛАШ

[Қасалда] қон ғолиб бўлса, тезда томирдан қон олиш керак, кейин, унинг қуввати кўтарса, сафрога қарши сурги дори берилади. Масалан, икки бўлак ҳалила ва бир бўлак иёражни таркиб қилиб, сиканжубин билан биргаликда уч дирҳамдан ичирилади. Тамр ҳиндий, ширин ва нордон анорларнинг пўчоқлари билан бирга [сиқиб олинган] сувини ёки нимтуруш анорнинг пўчоғи билан [сиқиб олинган] сувини, туршак ивитилган сув ва қатиқ ичириш ҳамда таркибиға кофур қўшилган табошир кулчаларини анор суви билан ичириш орқали эшакем тўхтатилади. Бир кунда бир неча марта иссиқ сув ичириш уни [тўхтатишда] фойда берадиган ва кишининг табиатини юмшатадиган тадбирлардандир. Татим ивитиб тинитилган сув эшакемни тўхтатувчи нарсалардан бўлиб, бундан уч уқия ичирилади. Бундай кишига тафшил, бодом ёғи билан зайдун сиркаси, ғўра суви билан зайдун сиркаси ва қатиқ зардоби берилади.

Агар хилт бурақли бўлса, баданни бир бўлак ҳалила ва унинг ярмича турбуд билан бўшатилади; бу таркибдан бир ичиш миқдори уч дирҳам бўлади. Қасалга ҳўл сарв ёнғофининг бир уқиясини бир дирҳам сабрга қўшиб берилали; маҳсарни янчиб, нордон сирка билан қў-

шиб ҳам ичирилади ёки қизил кесак [ивитилган] сув ва янги ғишт [ивитилган] сув ичирилади.

Балғамдан бўлган эшакемда бир дирҳам келиндо-
жани уч дирҳам шакарга қўшиб ҳамда уч дирҳам оғир-
лигидаги панжангўшт уруғини янги соғилган сут би-
лан берилади.

Эшакемнинг барча турларида тажриба қилиниб муз-
вофиқ топилган дори: икки дирҳам ялпиз, икки дирҳам
табошир, ярим дирҳам қизил гул, бир қирот кофурдир.
[Бу таркибни] нордон анор суви билан ичирилади. Ёки
наҳорга арча уруғи ичирилади.

ТОУНЛАР

Қадимги [табиблар] нинг энг қадимгилари арабча таржимаси «тоун» бўлган сўзни бессимон, ғовак этли аъзолардаги ҳар бир шишга ишлатганлар. Бундай аъзо-
лар, масалан, мояқ, эмчак ва тил тагидаги бессимон этлар каби сезувчи бўлади ёки қўлтиқ, чов ва шуларга ўхшаш жойлардаги бессимон эт каби сезгисиз бўлади. Кейин бу сўз, шулар билан бир қаторда, иссиқ бўлган шишга ишлатилган, ва ундан сўнг ўлдирувчи иссиқ шишга ҳам ишлатилган. Кейинчалик эса, моддаси аъзо-
ни бузадиган ва [аъзо] атрофи рангини ўзгартиради-
ган заҳарли жавҳарга айланиши сабабли ўлдирувчи бўлган ҳар қандай шишга ишлатилган.

Тоун шишидан баъзан қон, йиринг ва шуларга ўхшаш нарсалар оқиб туради, у артериялар орқали юрак кай-
фиятини ёмонлаштиради, натижада қусиш, хафақон ва ҳушдан кетиш пайдо бўлади. Баъзан шу ҳолатлар зў-
райиб ўлдиради. Мана шу охирги [шишни] қадимгилар фумото деб атаган бўлсалар керак.

Ўлдирувчи шундай шиш кўп ҳолларда қўлтиқ, чов, қулоқ орқаси каби кучсиз аъзоларда пайдо бўлиши ке-
рак; [тоуннинг] энг ёмони қўлтиқ ва қулоқ орқасида пайдо бўладиганидир, чунки у бошқарувчиликда кучти аъзоларга яқин бўлади.

Тоун шишидан бозхартироғи қизими, сўнгра же-
риқ ғакғансидир. Тоуннинг ёриғи рангинка мөйнит [туб-
иклима], бирор кандай ҳам ишлатилади. Тоун чи тоғди забо [тубиклима] таъсисида ишлатади ишлатади.

Тоун чи тоғди забо [тубиклима] ишлатади боради, яъни
тобе ишлатади. Тоун чи тоғди забо [тубиклима] таъсисида ишлатади, яъни тобе ишлатади,
яъни тоғди забо [тубиклима] таъсисида ишлатади. Тоун чи тоғди забо [тубиклима] таъсисида ишлатади, яъни тобе ишлатади.

(ТОУННИ) ДАВОЛАШ

Томирдан қон олиб бўшатиш, вақтнинг кўтаришига ёки тақозо қилишига қараб, сасиган хилтни чиқарип ташлаш зарур. Кейин юракни эҳтиётлаб уни совутиш ва күшбўйлик хусусияти бўлган нарсалар билан кучайтириш керак бўлади. Масалан, [касалга] цитрон ва лимонларнинг нордон суви, олма ва беҳининг қайнатиб қуюлтирилган ширалари ва нордон анор берилади; гул, кофур ва сандал кабилар ҳидлатилади; [бериладиган] овқат эса, масалан, сирка билан ясмиқ, тог каклиги ва очки боласи гўштларидан тайёрланган жуда нордон масусдан иборат бўлади.

Қасал ётган жойга кўп муз, тол барги, гунафша, атиргул, нилуфар ва шунга ўхшашларни ёйиб қўйилади. Унинг юраги устига эса, иссиқ хафақонга ва вабога учраганларга ишлатиладиган маълум совутувчи ва қуҷайтирувчи дорилар суртилади. Умуман, у кишига ишлатиладиган тадбир ваболи ҳавога учраганларга қўлданиладиган тадбирдан иборат.

Тоун шишининг ўзи ва унга ўхшаш юқорида ҳар хил исм билан аталган шишларни буриштирувчи ва совутувчи дорилар билан, сув ва сиркага ёки гул ёғи, ё олма ёғи, ёки мастаки дарахтининг ёғи, ёки мирта ёғига ботирилган булут билан даволанади. Бу тадбир — [шишларнинг] бошланишида қўлланилади. Кейин, агар мумкин бўлса, шишни ёриб даво қилинади ва моддасини оқизиб юборилади, унинг қотиб қолишига йўл қўйилмайди; қотиб қолган тақдирда заҳаралилиги ортади. [Моддани] секинлик билан сўрадиган қортиққа эҳтиёж тушса, бу ҳам ишлатилади.

Тоуннинг жавҳари чиққанини сингари бўлса, авжига чиққанида ёки авжига яқинлашганида [шишни] йиринглатиш керак. Агар иситма бор бўлса, модда орқага қайтмаслиги учун совутиш тадбирини қўллашга шошилма. Тоун шишини йиринглатиш бобуна ва укроп суви кабиларни қўйиш билан ва чиққилар бобида айтиладиган йиринглатувчи бошқа латиф нарсалар билан бўлади. Айтишларича, фумото ва мигилус [шишларига] сунбулсоҷ, Рум исмалоги, қўйпечак ва гулхайри илдининг озгина қаврак елими, шароб ва асал қўшилган қуюқ суртмаси, ёки санавбар елими ва мумли суртма билан асал майвизак, ёки асалари уясининг чиркини сиркада ивтийлган Миср боқиласи билан ёки сақиҷ би-

**лан ёввойи бодринг илдизини, ёки анжир, ё хамир би^а
лан қўшилган табий содани ишлатилади.**

ЧИПҚОНЛАР

Чипқонлар ҳам чиқиқлар жинсидандир. Булар кў-
пинча ҳазм ёмонлигидан, [бадан] тўлиқлиги устига қи-
линган ҳаракатлардан ва шуларга ўхшашлардан пайдо
бўлади. Чипқонларнинг энг ёмони — энг чуқуридир.

ЧИПҚОНЛАРНИ ДАВОЛАШ

Чипқон пайдо бўлганида яқин уч кунгача иссиқ
шишларга ишлатиладиган тадбирлар билан даволаш,
кейин шимилтириш ва етилтириш билан шуғулланилса,
баъзан у тарқалиб кетади, — бу кам учрайди — ва
баъзан етилади.

Чипқонни даволашда бепарво бўлиш керак эмас, бе-
парволик қилинса, у катта чиқиқقا айланади. Томир-
дан қон олиш ёки сурги ишлатиш билан керагича бў-
шатиш тадбири қўлланилса, бунинг олди олинади.

Чипқон тагли бўлиб лўқилласа ва уни пишириш за-
рур бўлса, етилтирувчи дорилар ишлат.

Баданига кўп чипқон чиқа берадиган киши сурги
қилса, тез-тез ҳаммомга тушиб терисини сийраклатиб
турса ва бадантарбия қилиб юрса, чипқондан қутулади:

Сут ёки анжир суви билан қўшилган канавча уруғи,
хардал ва асал ёки асалнинг ўзи билан бирга анжир
чиқонни пиширувчи дорилардандир. Чайналган буғ-
дой чипқонни пиширишга яхши [ёрдам беради]. Бурақ
билан қориширилган майиз ёки хардал билан қўшиб
гулсапсар ёғига аралаштирилган анжир чипқонга [қар-
ши] машхур доридир; машхур хамиртуруш дориси ҳам
шундай. Қуйидаги таркибли дори чипқонни аста-секин
етилтиради; унинг таркиби: бир ярим уқия сариёф, ачи-
ган хамиртурушдан икки уқия, янчилган канавча уруғи
ва испағулларнинг ҳар биридан бир ярим уқиядан,
анжир ширасидан уч уқия, сариқ йўнгичқа ва зиғир
урӯзларининг ҳар биридан беш дирҳамдан олиб, сутда
қайнатиб ишлатилади. Бу мўътадил [доридир].

Чипқоннинг пишини қийин бўлиб, ҳарорати сокни
ва ўзи оғир бўлса, уни субориб турган томирдан қон ол.
Кейин шу жойга ўртиқ кўй; бироқ чипқон бошланиши-
да бу тадбирни қўллама, акс ҳолда зардобенмоҳ қон
чиқиб, қуюқ [қисми] қамалиб қолади ва шу етга қаттиқ
яра пайдо бўлади.

Чипқон пишсаю, ёрилмаса, уни ё дорилар билан, ёки чиқиқлар бобида айтилганларга қараб тиғ билан ёрасан.

Зигир уруғи, капитар тезаги ва хамиртуруш чипқонни тешиб оқизувчи яхши дорилардандир.

САРАТОН

Саратон савдо [хилтига] тегишли шиш бўлиб, сафро моддасининг куйинди савдога айланган [қисмидан] ёки холис ва чўкмали [савдодан] эмас, балки сафро аралашиб куйган моддадан келиб чиқади. Саратон оғриғи ачишиши, бир оз лўқиллаши, моддасининг кўплиги туфайли тез ўсиши [ҳамда] моддаси [касал] аъзоға томон тарқалиш олдида қайнази сабабли кўпчиши билан *сиқиррусадан* фарқ қиласди. Яна атрофига, [яъни] ўзи турган аъзога қисқичбақа оёқлари сингари томир [илдиз]лар ёйиши билан ҳам ундан фарқ қиласди. Саратон флегмона сингари қизил бўлмай, балки қорамтирихира кўкиш рангли бўлади. У, кўпинча, бошланишидаёт саратон бўлиши билан ҳам [сиқиррусадан] фарқ қиласди; қаттиқ [*сиқиррупс*] эса кўпинча, иссиқ шишдан келиб чиқади. [Саратон] сезгили бўлиши билан ҳам ҳақиқий *сиқиррусадан* ажралади: [*сиқиррусада*] эса, ҳеч бир сезги бўлмайди. Саратон, кўпинча, ғовак аъзоларда пайдо бўлади; шунинг учун у хотинларда кўпроқ учрайди. У асабга бой аъзоларда ҳам [кўп бўлади].

Саратон бошланаётганида яширин ҳолда қолади, чунки у дастлаб пайдо бўлганида, кўпинча, уни аниқлаб билиш қийин бўлиб, кейин белгилари кўринади. У бошланишда кичик боқила донидек қаттиқ, юмалоқ, хира рангли ва бир қадар ҳароратли бўлади. Ўнинг баъзиси қаттиқ оғриқли, тинч бўлади. Баъзиси ярага айланади. Чунки у холис ва ёлғиз сафро [моддасининг] куйиндисидан вужудга келган савдодан пайдо бўлади; баъзиси турғун бўлиб ярага айланмайди. Ярага айлангани гоҳо ярага айланмайдиган хилига ўтиб олади. Тиғ билан даволаш баъзан саратонни ярага айлантириб юборади ва унда яна ҳам қаттиқроқ ва қалинроқ лаб пайдо қиласди. Бу шишнинг саратон деб аталиши иккни замжҳдан: ё қисқичбақа ўз овига ёпишгани сингари бу шиш ҳам аъзога ёпишганлигидан ёки, кўпинча, кўриниши юмалоқлиги, ранги ва атрофларидан қисқичбақа оёқлари каби томирлар чиқиши сабабли бўлса керак.

(САРАТОВНИ) ДАВОЛАШ

Саратонни даволашдан шуни кутиш керакки, у баш-
ланыётганида баъзан уни кўпайтирмай ўз жойида тўх-
татиб қўйиш ҳамда ярага айлантирмай сақлаш мумкин
бўлади. Саратон бошланиш пайтида иттифоқо, камдан-
кам тузалиб ҳам кетади; аммо мустаҳкамланиб олгани
эса тузалмайди.

Кўпинча, бадан ичкарисида яширин саратон пайдо бўлади. Буқротнинг айтишича, бундай саратонни тегиб безовта қилмаслик яхшироқ, чунки тегилса, у ҳалокатга олиб боради. Агар уни ўз ҳолига қўйиб даволанимаса, айниқса, арпа суви, тошлоқ балиғи, илитилган тухумнинг сарифи ва шуларга ўхшаш совутувчи, ҳўлловчи, тинч ва бехавотир модда пайдо қилувчи нарсалар билан овқатлантирилса, бир қадар соғлик билан [тириклик] муддати узаяди. Агар унда ҳарорат бўлса, сигир қатининг ёғи олинган янги айрони ва ҳўл сабзавотлар, ҳатто ковоқдан тайёрланган овқат берилади.

Саратон кичик бўлса, баъзан уни кесиш мумкин. Агар саратонни бирор нарса билан йўқотиш мумкин бўлса, бу [тиғни] шиншинг атрофларига ўтказиб, уни суғориб турган ҳамма томирларни чиқариб оладиган қилиб жуда тагига ётказиб туриб кесиш йўли билан бўлади. У томирлардан биттаси ҳам қолмаслиги керак, улардан кўп қон оқизилади. Бундан олдин сурги қилиб ва томирдан қон олиб баданин ёмон моддадан тозалаш, кейин миқдори ва кайфияти яхши овқатлар билан шу тозалик ҳолида сақлаш ва [саратонли] аъзонинг ҳайдовчи қувватини кучайтириш лозим. Шу билан бирга кесиш, кўпинча, [саратоннинг] ёмонлигини ортиради.

Баъзан кесгандан кейин доғлашга эҳтиёж тушади; агар саратон бошқарувчи ва нағис аъзолар яқинида бўлса, баъзан доғлаш зўр хавф туғдиради.

Кадимгилардан бирининг ҳикоя қилишича, бир табиб саратор шиши чиққаи бир эмчакни кесганида, иккинчила саратор найдо бўланган. Мен айтаманки, бу иккичи эмчакда ҳам саратор чиқиш олдинга бўлдиб, шу кесгига ўтири келло қолдак. Сейлини буки монда иккичи оғизни кечирсан эмчигидан саратор чиққаси бўлди. Мунтазам бўйичанинг сардори.

Scutellaria galericulata L.

From Nova Ryzhikov, collected near Lake Baikal, 1900-1901. The species was described by V. A. Kostylev.

қайнатмасини *саканжубинга* солиб кўп марта ичирмади. Касал бақувват киши бўлса, харбақ иёражи ичирилади.

САРАТОН ЧИҚҚАН ЖОЙГА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Саратонга дори ишлатишда тўрт мақсад кўзда тутилади. Саратонни тубдан йўқотиш, — бу қийин, уни зўрайиб кетишдан тўхтатиш, ярага айланишдан тўхтатиш ва ярага айланганини даволаш. Саратонни йўқ қилиш мақсади кўзда тутилганда ҳосил бўлган ёмон мoddани тарқатиш, [саратонли] аъзода пайдо бўлишга қобилиятили нарсани ҳайдаш хусусиятлари бўлган, шу билан бирга, жуда кучли бўлмаган ва [моддани] қўзғатмайдиган дориларни танлаб ишлатилади, чунки кучли дори саратоннинг ёмонлигини кўпайтиради. Ачиштирувчи нарсалардан ҳам сақлакиши зарур. Шунинг учун [саратонга] ишлатиладиган яхши дорилар ювиб [ишлатиладиган] маъданий нарсалардир; масалан, ювилган тўтиёни шаббўй ёфи қўшилган гул ёғига аралаштириб ишлатилади.

Саратонни зўрайишдан тўхтатишга келганда, бу мақсадга моддани кесиш, овқатни тузатиш, машҳур қайтарувчи дорилар ёрдамида аъзони кучайтириш ва маъданий нарсалардан чапиладиган дорилар ясаб ишлатиш билан эришилади. Масалан, тегирмон тоши ва қайроқ тошининг [ишқаланганда тушган] кукунини ҳамда қўрғошин ҳовончага гул ёғи ва кашнич суви каби суюқликни қуйиб, қўрғошин даста билан ишқаланганда чиққан нарсани чапилади. Шунга ўхшаш узум фўрасини янчиб қўйиб боғлаш ҳам фойда етказади.

Саратонни ярага айланишдан тўхтатиш мақсадида ишлатиладиган дорилар: ярага айланишдан тўхтатиш мақсадида ишлатиладиган дорилар: агар ачиштириш хусусияти бўлмаса, юқорида айтилган зўрайишдан тўхтатувчи чапиладиган дориларнинг ҳаммаси ҳам фойдалидир; айниқса, уларга қўрғошин даста ва қўрғошин ҳовончанинг ишқаланганда чиққан нарсаси аралаштирилса, [фойдалидир]. Агар уларга муҳр лойи ёки арман лойи, ёки дўмбул зайдуннинг ёғи, гулҳамишабаҳор суви, ёки коҳу шираси, ёки испағул шираси қўшилган қўрғошии упаси аралаштирилса, бу яхши таркиб бўлади. Яхши фойда берадиган қуюқ суртмалардан бири: сув қисқичбақасининг янгиси, айниқса унинг иқлимиё [олтин тўполи] билан қўшилгандир.

Ярага айланган [саратонни] даволашга келгандা, бунинг яхши тадбирларидан бири шуки, каноп латтани итузум сувига ботириб доимо яра устига қўйиб турилади, латта қуришга яқинлашганда уни [қайтадан] ҳўллаб турилади.

Буғдо мағзи, кундур елими, қалай упасининг ҳар биридан бир дирҳамдан, арман лойи, муҳр лойи ва ювилган сабрларнинг ҳар биридан икки дирҳамдан олиб, буларнинг ҳаммасини янчидан, сепиладиган дори тайёрлаб ҳўл [ярага] ишлатилади, қуруқ [ярага] эса гул ёғи билан қўшиб марҳам қилиб қўйилади. Гоҳо бунга гул ёғи билан тайёрланган мумли суртмага қўшилган қисқичбақа кули ҳам фойда қилади; яхшиси, ўнга ўзи баробар миқдорда иқлимиё қўшишдир. Баъзан тўтиёдан тайёрланадиган дори ҳамда семизўт суви ёки испағул шираси билан ювилган тутиёнинг ўзи фойда етказади.

МОХОВ КАСАЛЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА САБАБИ

Моҳов касаллиги савдонинг бутун баданга ёйилишидан пайдо бўладиган ёмон бир иллатdir. У аъзолар мизожини, кўриниш ҳамда шаклини ва, ниҳоят, аъзолар узлуксизлигини ҳам бузади; ҳатто аъзолар ейилиб, яраланиш сабабли тушиб кетади. Моҳов касаллиги бутун баданга тарқалган саратон кабидир; у баъзан ярага айланади, баъзан эса айланмайди. Гоҳо у касал [баданида] узоқ давом этади.

Савдо [хилти] гоҳо бирор аъзога ҳайдалиб бориб, ўзининг ҳолатига қараб қаттиқлик ёки *сикиррус*, ёки саратон пайдо қилади. Агар [савдо] суюқ ҳамда кўп бўлса, ўйиб еювчи ярани келтириб чиқаради. Савдо тери юзасига ҳайдалиб чиқса; маълум қора сепкил, қора доғ, темиратки ва шуларга ўхшашларни пайдо қилади. Гоҳо савдо бутун баданга ёйилади, шунда агар у сасиб бузилса, савдо иситмасини келтириб чиқаради, у йигилиб турсаю, бузилмаса, моҳов касаллигини пайдо қилади.

Моҳов касаллигининг энг биринчи таъсир этувчи сабаби жигар мизожининг жуда иссиқ ва қуруқликка мойил бўлиб бузилиши, — бунда қон куйиб савдога айланади, — ёки бутун бадан мизожининг бузилишидир, ёки бу иккала мизож шу даражада бузиладики, бу сабабли қон совиб, қуолади. Моҳовнинг моддий сабаби эса, савдони түғдирадиган обҳатларлар: баланди тулли-

радиган овқатлар ҳам, агар уларни [истеъмол қилинганда] устма-уст меъда бузилса, уларга ҳарорат таъсир қилиб, суюқ қисмини тарқатса ва қуюғидан савдо туғдирса, [моддий сабаб бўлади]. Тўлиқлик ҳамда тўқ қоринга овқатланишлар ҳам худди шу маънони ифода лайди.

Тери тешиклари тўсилиб туғма ҳароратнинг бўғилиши ва қоннинг совуб қуюлиши, айниқса, талоқ қонни торта олмайдиган ва уни савдо хилтидан тозалашга қурдати етмайдиган даражада кучсиз бўлганда ёки ички аъзолардаги ҳайдовчи қувват [савдо хилтини] орқа тешик ва бачадон томирларига ҳайдашга кучсизлик қилганда ва тери тешиклари тўсиқ бўлганида моховини [келтириб чиқарувчи] ёрдамчи сабаб бўлади.

Гоҳо буларнинг ҳаммасига ҳавонинг ўз-ўзидан ёки мохов касаллигига учраганларнинг яқинлиги туфайли бузилиши ҳам ёрдамлашади, чунки бу касаллик юқумлидир. Баъзан мохов касаллиги наслдан наслга ўтади ва касал яратилган уруғ [маний] таркибининг ўзидағи мизож сабабли ёки бачадондаги бирор ҳолат туфайли унда воқе бўлган мизож, масалан, ҳайз қони кетаётган пайтда бола бўлиши сабабли пайдо бўлади.

Ҳаво иссиқ бўлиб турган пайтда овқат ҳам ёмон бўлса, [масалан], овқат балиқ жинсидан, қоқланган гўшт, ғализ гўштлар, эшак гўшти ва ясмиқдан бўлса, бу аҳвол мохов касаллигининг келиб чиқишига кўпроқ мос бўлади; чунончи, Искандария шаҳрида, кўпинча, шундай бўлиб туради.

Савдо қонга аралашганида унинг оз [миқдордаги-си], кўпининг туғилишига ёрдам беради, чунки савдо қонни икки важҳдан: биринчиси, ўзининг ғализ жавҳари сабабли ва, иккинчиси, қотиурувчан совуқлиги сабабли ғализлаштиради. Қоннинг қисман рутубати ғализлашгач, бадан ҳарорати таъсирида унинг қуриши осонроқ бўлади. Моховга учраганларнинг қони гоҳо шу даражада қуюқлашадики, агар уларнинг томиридан қон олиниса, қумга ўхшаш бир нарса чиқади.

Бу касалликни баъзан «*до ул-асад*» [«шер касаллиги»] деб аталади. Бу касаллик шерларда кўп учрагани учун шундай аталган дейдилар; баъзиларнинг айтишича, бу касаллик бемор исзини шер кўрнишидек жиддий ва ҳаҳрли қилиб қўяди, яна бошқа бир гуруҳнинг айтишича эса, бу касаллик кимга ёпишса, уни шердек парчада ёзборади, мана шунинг учун ҳам унга «шер касаллигит чиста бўлтиришади».

Бу [касалликнинг] заифини ҳам даволаш қийин; кучлисини эса даволашга умид йўқ. Моховнинг энди бошланётганини даволаш мумкин; [баданга] ўринашиб олганини даволаб бўлмайди. Сафро савдосидан вужудга келгани бетинчроқ, азияти кўпроқ, белгилари ёмонроқ, куйдириб ачишириш ва [баданни] яралантиришда кучлироқ бўлади-ю, лекин даволашни осонроқ қабул қиласи; қон чўкмасидан вужудга келгани эса, бехавотир ва тинч бўлади, яралантирмайди. Куйган савдодан пайдо бўладиганининг белгилари сафродан бўладиганининг белгиларига ўхшайди, лекин у даволашни сустроқ қабул қиласи.

Бу касаллик ҳаётга мувофиқ кайфиятга, яъни ҳарорат ва рутубатга зид кайфиятли бўлгани сабабли доимо аъзолар мизожини бузиб боради ва, ниҳоят, бошқарувчи аъзоларга етиб, касални ўлдиради. Мохов, аввало, қўл-оёқлардан ва юмшоқ аъзолардан бошланади; шу аъзоларнинг мўйин тўкилиб ранги ўзгаради, баъзан эса яраланади; сўнгра мохов аста-секин бутун баданга ёйлади. Бу касаллик дастлаб ички аъзоларда пайдо бўлса ҳам, аввало қўл-оёқ [ва бурун-қулоқ]ларга таъсир қиласи, чунки бу аъзолар заифдир. Шу билан бирга, бу касалликка учраган киши, баъзан моховнинг зарари ички аъзоларга ва бошқарувчи аъзоларга [етганлиги] аниқ кўринишидан илгариёқ ўлади; бу хилдаги ўлим мохов касаллиги ва мизож бузилиши сабабли юз беради.

Саратон биргина аъзога тегишли мохов касаллиги бўлса ҳам, ундан қутулиш мумкин бўлмагац, бутун баданга тегишли саратон бўлган мохов касаллигига нима ҳам дейиш мумкин! Лекин мохов касаллигига бир нарса бор: бунда касаллик бутун баданга тарқалади, кучли тадбирларни қўллаганингда [бутун] касаллик билан машғул бўласан-у, айрим аъзолар билан ишинг бўлмайди. Саратонда эса бундай эмас.

БЕЛГИЛАР

Мохов касаллиги бошланганда [бадан] ранги қораликка мойил бўлиб қизаради; кўзда қизғиши хиралик пайдо бўлади; нафас қисилади; ўпка ва ўпка найининг заарланиши туфайли товуш бўғилади; аксириш кўпаяди; бурун дўнгиллаб манқаланади; баъзан бурунда тиқилма пайдо бўлиб, ҳид сезмайди; мўй сийраклашиб камаяди. Кўкрак ва юз атрофлари терлайди; бадан ҳиди, айниқса, тер ва нафас сассиқлашади; [касалда]

тентаклик ва кишиларни кўролмасликлардан иборат савдойи хулқлар пайдо бўлади, у савдога тегишли тушларни кўп кўради, уйқусида ўзининг устида бирор оғир нарса тургандек сезади. Кейин мўйлар, айниқса, юз ва юз теварагидаги мўйлар тўкилиб кетади; баъзан мўйли жойлар ўйилиб тушади; тирноқлар ёрилади; касалнинг кўриниши хунуклаша бошлайди ва юзи қаҳрли бўлади; ранги қораяди; бўғинларида қон қотиб сасийди. Нафас қисилиши зўрайиб ҳатто [нафас олиш] жуда қийин ва оғир бўлади; товуш ғоятда бўғилади, иккала лаб қалинлашиб ранг қораяди; баданда юонча *сotурус* деб аталадиган жониворга ўхшаш ортиқча ғуддалар пайдо бўлади. Кейин мохов касаллиги бетинч бўлса, бадан яралана бошлайди, бурун тоғайи ейилади, кейин бурун ва қўл-оёқ учлари тушиб кетиб, сассиқ зардоб оқади. Товуш йўқолади, мўй ҳеч қолмайди; ранг жуда қораяди.

Кувватнинг заифлиги, [ҳароратни сўндиришга бўлган] эҳтиёжнинг камлиги сабабли мохов касалига учраган кишининг томир уриши заиф бўлади, чунки мохов совуқ [мизождан] келиб чиқадиган касалликдир; совуқлик ҳам заиф бўлгани туфайли томир уриши тез эмас, суст бўлади; унда тезлик ва катталик йўқлиги сабабли кетма-кет бўлади.

ДАВОЛАШ

Касаллик оғирлашишидан олдин бўшатиб, тозалаш тадбирини қўллашга шошилиш керак. Касалда қон кўплиги аниқланса, унинг иккала қўлидан бўлса ҳам, тезда етарли даражада томирдан қон олиш лозим; аниқланмаган тақдирда томирдан қон олинмасин, чунки катта томирдан қон олиш фойдадан кўра кўпроқ зарар етказади. Аммо катта томирлардан қон олиш хавфли бўлса ва бадан сиртида совуқ қон борлигни маълум бўлса, айрим майдада томирлардан қон олишга буюрилади. Бу жиҳада қон слиш қортиқ қўйин ва зулук солишдан кўра дурустлоқ ҳамда ички оғирларга уччине зарари камроқсан. Бу [майдада томирлардан қон олишга буюрилади] роҳи тартиб. Аммо бу роҳни тақдирланада, гўйинча, ғарбий, томирлардан қон олишига туттиб, суннади. Надобатларни ишонишни туттиб, оғирларни қон олишни туттиб, оғирларни буюрилади.

Бу роҳни туттиб, қон олишига туттиб, оғирларни бўлганда, оғирларни туттиб, оғирларни буюрилади, тақдирларни туттиб, тақдирларни буюрилади. Гури же эти, туттиб, оғирларни туттиб, оғирларни бўлганда, оғирларни туттиб, оғирларни буюрилади, тақдирларни туттиб, тақдирларни буюрилади.

касалга бир ҳафта дам бериш, кейин луғозиё иёражи, Абу Жаҳл тарвузининг этидан тайёрланадиган иёраж кабилар билан бўшатиш лозим бўлади. Яна девпечак, Рум райҳони, чилпоя, қора ҳалила, Кобул ҳалиласи, қора харбақ, ложувард ва арман тошидан тайёрланган қайнатмалар ва ҳаб дорилар билан бўшатилади. Буларга Абу Жаҳл тарвузининг эти ва сақмуниёларни қўшиш, айниқса, касалда сафро бўлганда, зарар қилмайди; буларга сабр ва ёввойи бодрингни ҳам қўшилди. Бундай bemорлар учун тиёдаритус яхши доридир. *Иёраж фиқро*, айниқса унинг сақмуниё билан кучайтирилгани, хусусан, бир оз харбақ ёки арман тоши қўшилгани мохов касаллигига учраганлар учун яхши сурғи дорилардандир. Моддаларни қўзғатиб баданга ёймаслик учун ёзда [юқоридаги] қайнатма дорига кучли нарса қўшмай енгил қилиб ишлатиш керак.

Моҳов касаллигига учраганлар учун қайнатма. Сариқ ва қора ҳалиланинг ҳар биридан ўн дирҳамдан, жувонадан беш дирҳам, яхши хушбўй ангузадан ярим дирҳам, уруғи олинган майиздан ярим манн олиб, уч ибриқ сувда то [сувнинг] учдан бири қолгунича қайнатилади. Кейин буни сузиб олиб тинитиб, беш дирҳам оғирлигига асал аралаштириб ичирилади. Қасалнинг баданига сариёғ суртиб, токи у терлатгунича офтобда ўтиргизилади ёки етмиш қадам юргизилади. Қасал ўнг, чап, орқа ва олд томонларига айланиб ётсин; кейин нонга асал қўшиб есин. Биз таърифлаган йўсинда бу дорини етти кун давомида ҳар куни янгидан қайнатиб ичилади.

Қасаллик [баданига] ўрнашиб олмаган bemорларни даволашда бир марта гина бўшатиш кифоя қилмайди, балки касал ҳолатининг тақозосига қараб гоҳо ойига икки марта ёки ҳар ойда бир марта бўшатишга эҳтиёж тушади; бўшатиш мўътадил дорилар билан бўлади. Гоҳо қирқ кунгача узлуксиз ҳар куни мазкур дорилардан камроқ миқдорда ичириб, бир марта ёки икки марта сурғи қилдирилади. Аммо [улардан] харбақ ва шунга ўхшаш жуда кучлиларини ҳамда оғирлиги кўпларини [йил ичидা] бир марта баҳорда ва бир марта кузда ёки ундан кўра кўпроқ марта [ичириш] кифоя қилади.

Бундай касалларнинг миясини бош касаллклари бобида айтилган томоқни чайиладиган ва бурунга юбориладиган машҳур дорилар билан тозалаб турниш керак. Бурунга юбориладиган дорининг таркиби: узун мурч, кончўп, чакамуғ, баранкнинг ички қисми — буларнинг

ҳар биридан бир *дирҳам*, мускат ёнғоғи, кийигўтнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, тоғ мурчининг ширасидан уч қутулий ва кунжут ёғидан уч қутулий олиб, аралаштириб токи суви [буғланиб] кетгунича қайнатилади, кейин сузиб, шиша идишда сақланади. Ундан буруннинг икки тешигига сифадиган миқдорда қуийб турилади; бу доридан анчагина ишлатилгандан кейин бурунга ҳўлловчи дорилар томизиб турилади.

Бундай касалларни түгма рутубатни қуритадиган ва тарқатадиган ҳар бир нарсадан тийиш керак. Уларнинг меҳнат қилиб чарчаши ва ғам тортишлари мумкин эмас. Улар ўзлари турган жойдагига зид ҳавога кўчишлари лозим. [Баданлари] тозалангандан кейин узум шираси қўшилган бодом ёғи каби ёғлардан ичиб туришлари керак; бу тадбир бир неча марта тозалангандаридан кейингина қўлланилади. Ҳар куни эрталаб ичакларидан чиқиндилар ҳайдалгандан кейин бадантарбия қилишлари, баланд овоз чиқаришлари, сакраш ва кураш тушишлари, кейин уқаланишлари керак. Улар терласа, терни артиб олинади. Ундан кейин иссиқ ва совуқлиги мўътадил, кўп ҳолларда ҳўлловчи, [касалликнинг] бошланишида кучайтирувчи ёғлар билан ёғланиб туришлари керак. Чунки улар касаллик бошланишида ҳалила ва сирка билан қўшилган мози каби кучайтирувчи дориларга муҳтож бўладилар.

Баъзан ёғга хотинлар сутини қўшиб баданга ишқаланади; агар [бадан] қуруқлиги зўрайиб кетса, шундай ёғни бурунга ҳам юборилади. Қасалда кўнгил айниш бошланса, қустириш керак. Уларнинг баданига ёғ суртишдан олдин ҳаммомга тушириш яхшироқ. Ҳаммомга тушганларидан кейин кўл-оёқларига мирта ёғи ва масатки, узум гули ёғи ва қандул ҳамда қуст ёғи суртилади. Сўнгра табиб уларга ярим соат дам берсин, кейин томоқларига [қуш] пати тегизиб қустирилади, сўнг озгина эрман ичирилади. Баъзан таркибига табиб соғда, олтингугурт, дафна меваси, дурадгорлар елими, ҳатто хардал, шунингдек, каклик ўти, мурч, узун мурч, назла ўти, тоғ майизи, сабр ва ялиизлар қўшилган суюлтирувчи ва тарқатувчи ёғларни [касалнинг] баданига суртимга ҳамда шуналри бўғинларига қўйиб борганига охтибж тушади. Баъзан *фарғион* каби дори [чиқинчилик] тўғри келади; бу тадбир касалнинг чиқинчиликни терқатиш ва терлатиш учун ҳаммомга туширилгандан қўлланилади; чунки терлатиш уларни даромадида юнисиб иштудир. Баъзан баданига тарағи, шо-

лисо, қафторғонлар суреб ишқаланади; баъзан шундай дориларни офтоб иссиғида суртиб, ишқалашга эҳтиёж тушади. Уларнинг ҳаммомда юванишлари учун энг яхши сув атир совун билан сариқ йўнғичқа қайнатилиган сувдир.

Мохов касаллигига учраган киши асло жинсий алоқа қилмасин!

Ичириладиган нарсаларга келганда, улардан *афъо илонлари* гўсти билан тайёрланган тарёки форуқ, тўрт [доридан] тайёрланадиган тарёк қафторғон ва *дабид қибрисолар* дориларнинг энг афзалидир. Гоҳо шу дориларни касалларнинг бурнига ҳам юборилади. *Афъо илонидан* тайёрланадиган кулчаларнинг ёлғиз ўзидан ҳар гал бир мисқолдан олиб, бир уқия қуюқ шароб ёки *тило* шароби билан ичирилади. Денгиз пиёзи кулчалари ҳам [ичирилади].

Билгинки, *афъо илонининг* гўсти ёки у гўштнинг қуввати ўтказилган дори бундай моховлар учун энг олий дорилардан биридир.

Афъо илони шўрхок жойларники, қирроқ [сув] ва ботқоқлик ерларники бўлмаслиги керак, чунки бундай илонларнинг, кўпинча, фойдаси кам бўлади, балки ҳавфли ҳамдир: уларнинг кўпида ташналантириб ҳалок қилиш хусусияти бор. Шунинг учун тоғда бўладигани, айниқса, унинг оқини танлаб олинади. Илоннинг боши ва думи бир йўла кесилади; ундан кўп қон оқса, узоқ вақт тирик қолиб типирчиласа, мана шуниси ишлатилади; акс ҳолда ташлаб юборилади. Илоннинг сўйгандан кейин кўп қон оқиб, узоқ вақт типирчилагани мувофиқдир. Илон тозалангач, уни қуида айтиладиган йўсинда қайнатиб гўсти ейилади, шўрваси ичилади.

Ичига *афъо илони* тушиб ўлган ёки шу илон ичган шаробни иттифоқо ичганида ҳамда бир киши; «у ўлиб тинчисин, бошқалар ҳам қутулсин», — деган мақсадда касалга шундай шаробни атайлаб ичирганида ёки тушда аён бўлган ҳукмга бўйсуниб шундай қилганида бир қанча моховга учраганлар тузалиб кетганлар. «*Афъо илони тузи*» ҳам улар учун фойдалидир.

Афъо илони шўрвасига келганда, боши ва думи кесилиб, ичи тозаланган *афъо илончаларни* гандано, укроп, нўхат ва бир оз туз қўшиб титилиб пишгунича анчагина сувга солиб қайнатилади; ҳамда суякларини олиб ташлаб, гўстини тозалаб истеъмол қилинади: гўсти ейилади, шўрвасига оқ нон тўғраб ичилади. Баъ-

зан шўрва тузукроқ бўйсин учун кептар боласини қўшиб қайнатилади.

Бу тадбирни гоҳо дастлаб ишлатила бошлаганда; фойдаси кўринмайди, аммо кейинроқ бирдан сезилади. Соғайишдан бир неча кун олдин, баъзан касалнинг ақли йўқолади. Удори фойдаси билинганинг ва энди ишлатишин тўхтатиш вақти келганинг белгиси шуки, касал кўпчий бошлайди, сўнгра баъзан ақли қоришади, кейин қоронғиланиб бадани кўпчимаса, шу тадбир яна қўллансанн.

Бу касалликка қарши тавсиф қилинган яна бир дори: пўст ташлаган қора илонни сўйиб, то қуртлагунича ерга кўмиб қўйилади, [сўнг] қуртлари билан чиқариб олиб қуритилади ва ундан бир дирҳам оғирлигида олиб, асал шароби билан қўшиб касали ҳаддан ташқари бўлган кишига уч кунгача ҳар куни бир дирҳамдан ичирилади. Афзо илони қуввати ўтказилган ёғни, масалан, шу илон қайнатилган зайдун ёғини ва қуидаги дорини касал баданига суртиш фойдали. Унинг таркиби: пўст ташлаган қора афзо илонини олиб қозонга солинади, унинг устига саккиз уқия ўткир сирка, бир уқия сув, хўл чакамуғ ва чаёнүтларнинг ҳар биридан икки уқиядан солиб, илон титилгунича енгил оловда қайнатилади, [сўнг] сувни тинитиб қўйиб [касалнинг] соқол ва сочини қириб ташлангандан кейин у билан ишқаланади. Бу тадбирни уч кунгача қўлланилади. Афзо илонни истеъмол қилиниши сабабли бундай касалларда бузилган тери шилиниб тушади ва ўрнига эт битиб, соғлом тери чиқади.

Моҳов касаллигига учраган кишининг [баданида] қуруқлик зўрайса, мўътадил ҳароратли ҳўлловчи дориларни баданга суртиб ишқалаш ҳам баъзи вақтларда фойда қиласди. Шунингдек, озгина шаббўй ёғи қўшилган бинафша ёғини бурунга юбориш ҳам фойдали. Яна йиртқич ҳайвоилар, хўқиз ва қушлар ёғини, қуст ёғи ва қандулини ҳам суртиб ишқаланади. Гулсангар ёғи қўлбенчарни [моҳовдан] сактайди; ёғларни суртиб ишқалади. [Бодом] төваленинг шам иёни бўллади. Бодом тобеъи муроди олдин фуорларни кечирижсаннан кийин, олдинни сенингнига салади.

Бодомнинг ёғи суртиб ишқалади ва унинг даромадида олдинни салади. Ишқалади ва олдинни салади кечирижсаннан кийин, олдинни сенингнига салади. Бодомнинг ёғи суртиб ишқалади ва олдинни салади кечирижсаннан кийин, олдинни сенингнига салади. Бодомнинг ёғи суртиб ишқалади ва олдинни салади кечирижсаннан кийин, олдинни сенингнига салади.

Фондаёқ ичиш керак. Бундай бемор учун қўй сути энъ фойдали нарсаларданdir; ундан ҳазм бўладиган миқдорда ичириш керак. Фақатгина сут билан чекланилса, жуда фойдали, бунинг иложи бўлмаганда эса имконият борича тоза нон, қўзичноқ гўштининг шўрvasи ва шуларга ўхшашибиз келгусида баён қиладиган нарсалардан бошқаси берилмасин.

Нафас олиш қайтадан тузалгач, сут [ичириш]ни тўхтатиш, қустириш мақсадида, — бошқа мақсадда эмас, — мазаси ўткир нарсаларни истеъмол қилдириш ва юқорида айтиб ўтилган дорилар билан [бадани] бўшатиш яхшироқ. Сўнгра агар яна эҳтиёж туғилса, [нафас тузалгунича] сут ичишни такрорланади. Шутадбирни бир йил ичидаги бир неча мартаба қўллаш керак.

Касаллик ўрнашиб қолган кишиларга келганда, уларнинг томиридан қон олиш ва кучли дори ёрдамида сурги қилиш билан шуғулланиш керак эмас. Чунки улардаги чиқиндилар қўзғалади, лекин ажралмайди, балки оҳисталик билан моддаларни ичакларга йўналтирадиган ҳамда сиртдан шимиб оладиган ва тарқатадиган нарсаларни ишлатиш керак.

Бундай касаллар учун фойдали ичимликлардан бири мана бу: сиркадан бир ярим *үқия*, цитрондан ҳам шу миқдорда ва хом чўл карамининг ширасидан уч *үқия* олинади ва ҳаммасини аралаштириб, эрталаб ва кечқурун ичириб турилади. Ёки фил суягини эговлаганда тўкилган қипигидан ўн қирот миқдорда олиб, сариёғ қўшилган уч *үқия* шароб билан ичирилади. Шунингдек, ангузани асалга қўшиб, бир *жавза* миқдорида [берилади], ёки денгиз пиёзидан ўн *дирҳам* миқдорида олиб, яланадиган даражагача қуюлтирилган асал шароби билан [берилади]. Ёки зирадан беш *дирҳам* олиб асал билан қўшилди ва яланадиган даражага келтириб [берилади]. Уларга уч *қавосусдан* олти *қавосусгача* [миқдордаги] ялпиз ширасини [ичириш] ҳам фойдали бўлади.

Мохов касаллиги билан оғриганлар, дори истеъмол қилиш билан бирга, гоҳо-гоҳо шўр балиқ ҳам еб туришдан сақлансинлар, лекин қусиш учун ва овқатни хушхўр қиладиган миқдорда [ишлатиш мумкин].

Гоҳо уларнинг аъзоларини, масалан, бош тепаси, бош суюги чоклари, ҳиқилдоқнинг таги, иккала чакка, энса, қўл ва оёқларнинг бўғинлари каби аъзоларни алоҳида-алоҳида доғлаб даволанади.

Баъзан табибларнинг айтишича, мохов касаллиги хавфи туғила бошлаганды бошнинг олд томон тепасидан юқорироғини битта, ундан қўйироқни ва соч ўсадиган жойининг охирги чегараси — қош тепасини яна битта, бошнинг ўнг ва чап томонларини ҳам биттадан доғланади; кейин бошнинг орқа томони — бўйин чуқурчасининг юқорисини битта, тангасимон чок олдини иккита, талоқ устини битта доғлаш керак. Доғлаш енгил ва ингичка қурол билан бажарилсан. Бошни доғлаганда доғлаш мияга ўтиб, унинг мизожини бузадиган [доғлаш] ларга айланаб қолмаслигининг эҳтиёжини кўргандан кейин, суякка етказиб, ҳатто кўп марта қайтариб бўлса ҳам, суяк устидаги пўстни шиладиган қилиб доғлаш керак, билимсиз табиблар, қўллари енгил бўлмагач, [бошни] шу хилда доғлаб, касални ўлдириб кўядилар.

Мохов касаллиги билан оғриганлар учун фойдали мураккаб дорининг сифати. *Бузуржалӣ* ва шу касалликда афъо илонлар ўрнига ўтадиган биший ва *сулоҳа* дорилари шулар жумласидандир. *Бузуржалӣга* келсак, унинг хиллари кўп; ҳиндлар уларни тажрибадан ўтказиб таърифлаганлар. Унинг машҳур таркибларидан бири мана бу: қора ҳалила ва ҳинд чакамуғининг ҳар биридан ўн *дирҳам*, узун мурчдан беш *дирҳам*, оқ аконитдан икки ярим *дирҳам* олиб, ҳаммасини янчиб сигир сутидан олинган сариёққа қўшиб асал билан қорилади. [Касалнинг] бадани тозалангандан кейин бу таркибдан ҳар гал бир мисқолдан икки *дирҳамгача* ичириб турилади. Агар унга ўзига баробар мушк дорисини қўшиб ишлатилса, [касалга] зарар етказиш хавфи туғилмайди, чунки бу [бузуржалӣнинг] зарарини қайтарувчидир.

Катта бузуржалӣ деб аталадиган маъжуннинг сифати. Бу маъжун мохов касаллиги, песлик, доғ, темиратки, сариқ сув [йиғилиши], қичима ва эски қўтиларга қарши фойдали бўлган *жуондорондир*. У ақлни турғунлаштириб, унутиб қўйишни кетказади; эсда тутиш [қувватини сақлаш] учун яхши ва бешхушликка қарши фойдаидир. Бу дорини ҳинд олимлари ўз подшоҳлари учун ясаганлар. Унинг таркиби: ҳалила, балила, омила ва ҳинд чакамуғининг ҳар биридан ўн тўрт *дирҳамдан*, мускат ёнғоги, кичик қоқила, кундур [дарахтининг] пўстлоги, ёввойи укропнинг илдизи, тоғ сунбулининг илдизи, мурч, узун мурч, мурч илдизи, *нориқайсар*, анор ипори, етмак, денгиз пиёзи шираси

ва ҳинд *содажининг* ҳар биридан саккиз мисқолдан ва яхши кўк аконитдан тўрт мисқол олиб, дориларни бир бошқа, аконитни бир бошқа янчидан. [Аконитни] янчувчи киши аввало бурун ва оғзини сигир сути ёғи билан ёғлаб, сўнг [латта] билан боғлаб олади. Сўнг *хазоий* каллақанди ёки *синжарий* каллақандидан Бағдод маннида икки ярим манн олиб янчидан, темир қозонга солинади; устидан уни эритадиган миқдорда сув қўйилади; эригач оловдан туширилади, сўнг устига юқоридаги дориларни сепиб яхшилаб қориширилади, кейин шу таркибдан ҳар бири бир мисқоллик ғўлакчалар ясалади; ҳар куни наҳорга иссиқ сув ёки набиз билан бир донадан ичирилади.

Сулоха маъжунининг сифати. Бу — ҳиндларнинг бузуржалай ўрнида ишлатадиган зўр дориларидир. У киприк тўкилганига, соч оқарганига, нафас қисиш, хафақон, иштаҳасизлик, кучли ич суриш, истисеко, сариқ касаллиги; кам қувватлилик ва бавосирларга қарши фойда қиласи; кексаларни ёшартиради; қичима ва яраларга [қарши] ҳам фойдали. Унинг таркиби: ювиб тозаланган *сулохадан* икки юз олтмиш *мисқол*, — *сулоха* — тоғ такаларининг сийдигидир, бу такалар маси бўлган кезларида *Сулоха* деб аталадиган тоғда тош устида қорайиб, ёғлик суюқ зифт сингари бўлиб қолади, — яна ҳалила, балила, омила, мурч, узун мурч, дафна дараҳти, кичик қоқила, қирфа, чилпоя, уд чўпи, бола, дикора, табошир, «бургут тоши», гуруч ва *моқисларнинг* ҳар биридан тўрт *мисқолдан*, муқлдан икки юз олтмиш *мисқол*, новвотдан бир юз қирқ *мисқол*, қизил тилла, соф кумуш, қизил мис, темир, қўрошин ва пўлатларнинг ҳар биридан саккиз *мисқолдан* олинади. Бу маъданларни куйдирилади ва [юқоридаги] дорилар билан қўшиб янчиб эланади, ҳаммасини асал ва сариёғ билан аралаштирилади ва кўй рангли шиша идиши а кўтариб олинади. Бундан бир ичими бир *мисқолдан* бўлиб, қўй сути ёки ишнқ сув билан ичилади. Бу [таркиб]га кўнгиги олнаган асалдан олтмиш етни *мисқол*, сариёғдан ўтгиз тўрі *мисқол* қўшиб қайнаниса, яхнига ду бўлади, чунки [хунда] у кўтартиб [мўничи] бўлганни бўнгана сайди.

Първите куби доказват усъди. Първият куб е създаден от първата човешка, боянта във съзидателната съдба на първия човек като Кодификатор на всички човечески и небесни закони. Този куб е създаден от първата човешка, боянта във съзидателната съдба на първия човек като Кодификатор на всички човечески и небесни закони.

қизаргунича оловга тутилади, қизарга чана ўша сувга ботирилади; йигирма бир марта шундай қилиб, кейин сувни сузилади, пўлатнинг сувдаги чўкмасини олиб, қайтадан ўша сувли қозонни оловга қўйилади, унга қорамол сийдиги солинади.

Темирни ҳам қиздириб, шу сувга йигирма бир марта ботирилади, бунинг чўкмасини ҳам ажратилиб, кейин шу чўкмадан саккиз мисқол ва пўлат чўкмасидан саккиз мисқол олинади. Мисни ҳам шундай қилиб, унинг чўкмасидан ҳам саккиз мисқол олинади. Кумушни эса тўзондек бўлгунича эговланади, кейин темир ёғлоғига солинган тузли сувда яхшигина куйгунича қайнатилади. Агар кумуш [бу билан] куймаса ёғлоғига озгина сариқ олтингугурт ташланади — шунда у, албатта, куяди. Бу кумушдан ҳам саккиз мисқол олинади. Ана шуларнинг ҳаммасини янчидан эланади.

Тиллани куйдиришга келганда, уни ҳам тўзондек майдалангунича эговлаш керак. Унга бир мисқол онук, яъни қўрошин қўшилсин. Қўрошинни тиллага қўшиб эговлаб иккаласини биргаликда эритилади. Уни бир соатга қўйиб қўйилади, кейин яна иккаласини биргаштириб эговланади ва яна бир мисқол қўрошин қўшилади, қайтадан эгов билан эговлаб, ёғлоғига солиб, устига тузли сув қўйилади, сув [буғланиб] кетиб, тилла билан қўрошин қолгунича қайнатилади, сўнгра ҳовошчада майин қилиб янчилади ва юқоридаги дориларга аралаштирилади.

Сулохани тозалаш қўйидагича: темиртикан суви ва қорамол сийдигини олиб темир идишдаги *сулоха* устига уни кўмадиган миқдорда қўйилади. Идишни бир соат қўёш иссиғига қўйилади, кейин қаттиқ ишқалаб сувни темир идишга сузиб олинади. Уни қўёш иссиғига уч кун қўйиб қўйилади, сўнг [яна] сузиб қуюқ чўкмасини олинади; устига яна темиртикан суви ва қорамол сийдиги қўйилиб, аввалгидек иш кўрилади. Уч марта шундай қилингач, қуюлиб асалдек бўлгунича ва зифт сингари қорайгунича йигирма бир кун давомида қўёшга қўйилади.

Кичик *сулоханинг сифати*. Бу ҳам катта *сулохадек* фойда етказади. Унинг таркиби: тозаланган *сулохадан* бир бўлак ва муқлдан тўрт бўлак олинади. Муқлни янчилади, [сулоха] вазнича асал ва асал баробарида шакар, асалнинг ярмича сигир сути ёғидан қўшиб аралаштириб шишага кўтариб олинади. Буни ҳар гал бир мисқолдан [қилиб] илтилган сигир сути билан ичилади.

Мохов касаллигига қарши фойдали дорининг таркиби. Тозаланган қора ҳалила, тозаланган сариқ ҳалила ва занжабилнинг ҳар биридан ўн бир дирҳамдан, жувонадан беш дирҳам, яхши ангуздан уч дирҳам, тозаланган майиздан ярим маккүк олиб уч даврақ сувда то учдан икки қисми кетиб бир қисми қолгунича қайнатилади, — даврақ Бағдод ритлида тўрт ритлдир, — сўнгра сувини сиқиб олиб сузилади ва сузилган сув устига етарли миқдорда асал қўшилади. Мана шундан бир ритлдан ичирилади ва касал баданинг [маълум] жойига сигир сути ёғи суртиб то терлагунича қўёшда ўтқазиб қўйилади. Қасалнинг қуввати етса, етмиш қадам юришга, гоҳ ўнг томони, гоҳ чап томони, гоҳ қорни ва гоҳ орқаси билан ётишга буюрилади; касал етти кунгача ўртacha миқдорда нон ва асал билан овқатланади. Шу билан бирга, ҳар куни юқорида айтилган дориларни янгилаб ишлатиб турилади.

Мохов касаллигига қарши суюқ суртманинг таркиби. Пўст ташлаган қора илонни сўйиб, қозонга солинади, устига ўткир сиркадан саккиз уқия ва сувдан бир уқия қўйилади, ҳўл чакамуғ ва чаёнт илдизининг ҳар биридан икки уқиядан олиб, [Ҳаммасини] то илон титилиб кетгунича паст олов устида қайнатилади; кейин латтадан сузиб ўтказилади, суяклар гўштдан ажратилади, сўнгра бўлинганда қош ва сочларини қириб ташлашга ҳамда шу доридан уч кун давомида суртишга буюрилади.

Яна бошқа суюқ суртманинг таркиби: тоғ майизи, тозаланган қора ҳалила ва омилаларнинг ҳар биридан бир бўлакдан олиб, думбул зайдундан [золинган] ёғда қайнатилади. Қасаллик таъсир этган жойни жумрут ва анор гули қайнатмаси билан ювиб ташлагандан кейин бу дорини суртилади.

Яна бир суюқ суртма: ҳалила ва мозини куйдириб сирка билан [қўшиб] касал жойга суртилади.

Бундай касалларга [бериладиган] овқатлар эса тез ҳазм бўладиган яхши каймусли нарсалар, масалан, маълум қуш гўштларининг қайнатма шўрваси ва гўшти енгил ҳазм бўладиган янги балиқdir, буларга зэрур дориворларни қўшиб берилади. Тозаланган арпа иони ва хандарус иони ҳамда шулардан тайёрланган суюқ ошлар ва ҳўл сабзавотлар бундай касаллар учун яхши овқат ҳисобланади. Гоҳо шу овқатларга лавзати, тури ва гандано кабиларни қўшишга эҳтиёж тушнади. Кокуя,

арлабодиён ва гандано каби [моддани] парчаловчи нарсаларни, айниқса, баданни тозалашдан олдин, истеъмол қилишга бепарволик билан қараш керак эмас. Чунки булар касалнинг [еган] овқатларини ортиқча нарсалардан тозалайди ва чиқиндиларни ҳайдалишга тайёрлайди. [Шунинг учун], яхши дорилар истеъмол қилингач, бу тадбир ҳам қўллансан. Бу бобда бундай касаллар учун шўр балиқ ҳам жуда яхшидир. Биз уларни қустирмоқчи ва сурги қилдирмоқчи бўлган пайтимизда шўр балиқ беришга ҳаракат қиласиз. Карам бундай касаллар учун ўз хусусияти билан фойдалидир; нонни сут ва асал билан ейиш ҳам фойда қиласиз. Анжир, узум, майиз, қовурилган бодом, маҳсар, санавбар донаси ва шулардан тайёрланган овқатлар ҳам бундай касаллар учун мувофиқ келади.

Касал ҳазм қувватига қараб, ҳар куни икки марта заарар келтиради. Касаллик қўзғалган пайтда шароб овқатланиши керак; бир мартағина овқатланиш унга ичирилмасин, — озгина ичириш мумкин холос, — касаллик тинчаганида эса, эскирмаган суюқ шаробдан мўтадил миқдорда ичиш мумкин. Қош тўқилиш ва шунга ўхшашларга келсак, уларни «тулки касаллиги»нинг давоси билан ва биз зийнат китобида айтадиган бошқа дорилар билан даволанади.





ЖАРОХАТЛАР

УЗЛУКСИЗЛИКНИҢ БУЗИЛИШИ ҲАҚИДА ҮМУМИЙ СҰЗ

Биринчи китобда узлуксизликнинг бузилиш турларини ўша ерда керакли бўлган даражада айтиб ўтдик. Энди уларнинг айрим ҳолатларини кўрсатиб ўтмоқчимизки, бу [ҳолатлар] келгуси баёнимиздан олдин бизга маълум бўлиши керак.

Шундай қилиб, биз айтамизки, узлуксизлиги бузилган баъзи аъзоларда, масалан, этда, [уни даволагани мизда] узлуксизликнинг қайтадан ўз ҳолига келишини мақсад қилиб қўямиз, баъзи аъзоларда эса узлуксизлик аввалги ҳолига қайтмаса ҳам, тутиб турувчи [нарсалар] орқали аъзоларнинг бирикиб қолиши кўзда тутилади. Масалан, суякда шундай бўлади, бироқ гўдак ва болаларнинг суягига узлуксизлик қайтадан ўз ҳолига қайтиши кутилади. Асаб ва томирларга келганда, бир гурӯҳ табибларнинг айтишича, буларнинг узлуксизлиги қадимги ҳолига қайтмайди, балки уларнинг устидан ўтиб, тўплаб турган сақловчи [нарсалар] туфайли ёпишгандек бирикиб қолади. Бошқа бир гуруҳнинг айтишича, бу ёпишгандек бирикиш фақат артериялардагина воқе бўлмайди. Аммо Жолинус уларни инкор қилиб: «балки тажрибада кўринишига ва қиёс тақозосига қараганда, артериялар ҳам бирикиб битади», — деган Тажрибада кўрилганига келсак. Жолинус бослиқ тагидаги артериянинг, чакка ва поча артерияларнинг бирикканлигини кўрган. Қиёс тақозосига келганда, суяни бирикмайдигач қаттиқликда энг чекка тарафдир, — бу иккى бирикнини камроқ бўлса ҳам, болаларда учрайди, — энг эса юнисиёнликда [иниёнли] чеккани ташкил этади яшер ташкил, сунненинга ўтируни билди ревни ва эт бу тасдикуларни бирорини афзали ҳам ўртаси очидини ташкил этади. Бирорини очиди кўра иштирок этини дебарди, яъни бирорини очиди кўра иштирок этини дебарди. Кечканинг бирорини очиди кўра иштирок этини дебарди.

Бу мунозарачига [қарши] келтириладиган ҳужжатнинг бир тури холос, аммо асос — тажрибадир.

ЖАРОҲАТЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА СУЗ

Шундай аъзолар борки, уларда жароҳат воқе бўлса зарари катталашиб ўлдиради, баъзан, камдан-кам ҳолларда ўлдирмайди ҳам. Масалан, қовуқ, буйрак, мия, ингичка ичаклар ва жигар шундай. Шу билан бирга, жароҳат енгил бўлганда соғайиш ҳам мумкин. Аммо жароҳат юракда бўлганда соғайиш кутилмасин. Ичларида жароҳат воқе бўлган кишиларда ўхчиқ ё ҳиқичок, ёки ич суриш пайдо бўлса, уларнинг кўпчилиги ўлади.

Мушакларнинг, айниқса, асабли мушакларнинг боши ва охирига ўхшаш бир неча жойларда жароҳат воқе бўлганида, у жойларда оғриқ ва шишлар зўрайиши керак; агар шиш пайдо бўлмаса, бу ҳолат модда [оқиб] бораётган ички бир оғат борлигига ва жароҳат учун модда ортмаётганлигига далолат қиласи. Биз яралар бобида айтган яралар ва жароҳатлар учун умумий бўлган ҳукмларга аҳамият бериш керак. Уларнинг [бир қисмини] шу ерда айтишни мувофиқ кўрдик.

ЖАРОҲАТЛАРНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Эт жароҳати баъзан оддий ва тўғри ёки думалоқ, ёки бир неча қирралик ёриқдан, баъзан эса этдан бир қисми йўқотилиб ҳосил бўлган ёриқдан иборат бўлади. Жароҳатларнинг баъзиси чуқур ботган ва баъзиси юза бўлади. Буларнинг ҳар бири учун [максус] тадбир бор, аммо оқаётган қонни тўхтатиш эса буларнинг ҳаммаси учун умумийdir, бунинг учун биз айрим бир фасл ажратдик.

Баъзан қоннинг мўътадил миқдорда оқиши жароҳат учун фойдали бўлиб, у шиш, тошма ва иситма пайдо бўлишига тўсқинлик қиласи. Чунки жароҳатларда энг эътибор бериладиган нарса шишга тўсқинлик қилишдир; шиш пайдо бўлмаса, жароҳатни даволаш мумкин бўлади. Аммо шу жой шишса, ёки эзилиб пачақланса ва йиртилса, уларнинг сралиғида жароҳат билан бирга шишга ёки йирингга айланадиган қон йифилса, унга қарши тадбир кўрмай ва шишни даволамай туриб, жароҳатни даволаш мумкин бўлмайди. Агар эзилиб пачақланган жойда анчагина қон йифилиб тортиштирса, уни тезда тарқатиш зарур. Бунга юқорида билиб ўтилган барча иссиқ ва юмшоқ тадбирларни қўллаш орқали

қонни йирингга айлантириб тарқатиш билан эришилади. Шунинг учун ҳам [жароҳатдан] қон оқишида камчилик ёлганда, унинг оқишига ёрдам берилади.

Агар ёриқ оддий ва тўғри бўлиб, ундан ҳеч бир эт узилиб тушмаган бўлса, унинг тадбири учун пишиқ қилиб боғлаш, ёғлик ва сувлик нарса тегизмаслик, оралиғига на қил ва на бошқа ҳеч бир нарсани киргизмаслик, аъзо мизожини сақлаш, аъзога табиий қондан бошқа нарсанинг тортилишига йўл қўймаслик кифоя қиласди.

Агар [ёриқ] катта бўлиб, четлари айлана ҳолида бир-биридан узоқ ёки турли шаклда ва бир-бирига учрашмайдиган бўлса, ёки ундан кўп бўлмаса ҳам, озгина эт чиқиб кетган бўлса, унинг давоси тикиш, қуритиб қайтарувчи дориларни ишлатиб, рутубат йиғилишига қўймаслик ва қуйида баён қилинадиган ёпиширувчи дориларни ишлатиш билан бўлади.

Агар [жароҳат] чуқур бўлса, кўпинча, боғлашнинг [ўзи] ҳам уни ёпиширади, очишга эҳтиёж тушмайди. Баъзан, агар имконияти бўлса, уни очишга тўғри келади; бу эса, биз [келгусида] айтадиган маҳкам тутадиган боғич билан боғлаш фойда қилмайдиган пайтда, айниқса, чуқур ёриқнинг тагидан яхшилаб боғлаш мумкин бўлмаса, ўша жойнинг кучсизлиги, оғриғи сабабли ва биз яралар бобида айтадиган ҳолат сабабли чуқурликка модда қуилиб турсагина бўлади.

[Жароҳатни] очиш зарур бўлган тақдирда, айниқса, биз айтгандек, уни тагидан боғлаш мумкин бўлмаса ёки ёриқ ёмон модда тўқилиб кетадиган вазиятда турган бўлмаса, ёки унда суяқ [синиги] бўлса, ёки [чети] сополдек қотиб оқма ярага айланса, ёмон рутубат мавжуд бўлса, унинг оғзига пахта ёки шунга ўхшаш шимувчи нарсани қўймай чора йўқ. Бундай пайтда ёриқ жароҳатларнинг ҳукмига эмас, яралар ҳукмига киради.

Бир олим айтади: «Жароҳатларни ёпишириб биритириш мўлжалланганда атроф [лаб] ларини йиғиб боғлаш зарур бўлади; эт ундиришга эҳтиёж тушганда эса бундай қилиш зарур эмас, лекин бир гал жароҳатнинг чирки оқиб турсин учун, бир гал эса қўйилган дорини тутиб турадиган қилиб боғлашга эҳтиёж тушади». Яна у дейди: «Жароҳат оғзида чирк доимо ўзича оқиб турадиган жой бўлишига ҳаракат қил; бунга ё ўша ерини бриб кўйини, ёки жароҳатни шундай [чирк ўзи оқадиган] ҳолатга келтирин билан эришилади. Мен чуқурлиги тизада, эззи сонда бўлган бир жароҳатни унга кўйибсан — тиршо оғизини бошқа оғиз очмай тузатдим;

лекин [касалпинг] сонини жароҳатнинг таги юқорида, оғзи қўйида бўладиган вазиятда қилиб қўйдим, шунда жароҳат қўйи қўсмидан ёрмасданоқ тузалди. Шунингдек, билак, кафт ва бошқа аъзоларнинг ҳам жароҳат оғзи ҳамиша қўйида бўладиган вазиятда осиб қўйдим». Бу — ўша олимнинг сўзи.

Биз айтамизки, баъзан жароҳат тўла кесишни ва аъзони олиб ташлашини тақозо этадиган жойда бўлади. Аммо жароҳатдан анчагина эт узилиб тушган бўлса, эт ундирувчи дориларни ишлатиш лозим бўлиб, қуритувчи ва [модда келишига] тўқинлик қилувчи дори кифоя қилмайди. Балки қуритувчи ва тўқинлик қилувчи дорилар жароҳатдан эт ундирадиган моддани қайтариши сабабли, гоҳо зарап қиласи. Гоҳо суккака нуқсон етиб жароҳат шундай чуқурлашадики, тўла-тўкис эт битиши мумкин бўлмай, чуқурлигича қолади. Шунингдек, баъзан керагидан ортиқ эт битиб, [жароҳат ўрнида] ортиқча эт пайдо бўлади.

Жароҳатдан эт ундирилмоқчи бўлганда касалга яхши каймусли яхши овқат бериш керак. Эт ундирувчи дори гоҳо эт ундиради, аммо тери бутунлай узилиб тушган бўлса, ўсмай қолади. Балки тери ўрнига устидан мўй чиқмайдиган қаттиқ эт унади. Томирлар ҳам кўпинча, эт сингари ўсиб, уларда шоҳобчалар пайдо бўлади.


Жароҳатларнинг асаблари ва мушак учларида воқе бўладиган каби бир қанча хатарлилари бор. Биз улар ҳақида яқинда, асаблар ҳолатига бағишлиланган бобда айтамиз. Кўпинча, шу жароҳатлардан кейин ёмон аҳвол юз беради, масалан, мушак учи жароҳатланганда касалнинг ранги ўзгаради, томир уриши кетма-кет ва кичик бўлиб, сўнг тушиб [пасайиб] кетади; касал қувватлизланиб, беҳуш бўлади. Бундай жароҳатлардан кейин гоҳо тиришиш касаллиги ҳам юз беради. Тизза олди — кўзида воқе бўладиган жароҳатлар ҳам шундай: улардан кейин ҳам ёмон ҳолат юз беради ва ўлдиради, улардан қутулиш кам учрайди. Шундай жароҳатлар туфайли тиришиш воқе бўлса ва жароҳатлар даволани қабул қилмаса, бунинг давоси мушакнинг ишдан чиқишига рози бўлиб, уни энига қараб кесишдир. Лекин тиришиш ва ақл қоришуви [мушакни] кесишдан бўнига йўл билан даволаш мумкин бўлса, бу хилда кесишни кейинга қўйиш керак. Тизза жароҳати каби жароҳатларда бут шаклида қилиб, ёриб очишига ва уларнинг шиши ва жароҳатларила томирдан қон олиш ва] ич [

суриншга таянишга ҳамда улар етарли даражада тозаланмагунча эт битишига йўл қўймасликка эҳтиёж тушади. Сўнг эт битказилади.

ЖАРОҲАТЛАРНИ БОҒЛАШ УСУЛИ

Сиртқи жароҳат ва ёриқларга эт битказмоқч бўлганингда табобат аҳлидан бўлган [бир] олимнинг айтганига мувофиқ иш кўр. Унинг айтишича, бундай ёриққа эт битказмоқчи бўлингандаги жароҳатни икки учли боғич билан, — бошқа хил боғич билан эмас, — боғлаш лозим. Жароҳат катта бўлса, уч бурчакли бойлоқлар билан бириктириб [боғлашга] эҳтиёж тушади. Жароҳат жойи тўла бўлса, тикиш ҳам лозим.

Жароҳатларнинг четини бириктириш учун уч бурчакли бойлоқлар тўрт бурчаклидан яхшироқ; чунки улар фақатгина ёриқ жойнинг ўзини ушлаб туради. Уч бурчакли бойлоқларни жароҳат устига қўйидагича қўйилади: ёриқ иккала учбурчак оралиғида тўғри чизиқ бўлиб туради; бири «б» ҳарфи билан, иккинчиси «ж» ҳарфи билан кўрсатилган уч бурчакли иккита бойлоқ [жароҳат устига] қўйида сен кўрадиган шаклда қўйилади. Ёрилган жойлар икки учли боғич билан боғланганда, бу боғич тўрт бурчакли бойлоқдан кўра қаттиқроқ ушлайди. Шунинг учун жароҳатни бириктиришда икки учли боғичдан бошқасини ишлатиш тўғри эмас. Уч бурчакли боғичлар ва уларни боғлаш усули мана шу:



«Тузатиш ҳийласи» китобида айтилган: «бир кишида чуқурлиги човга, оғзи тиззага яқин келадиган жароҳат бор эди, биз уни ёрмасдан қўйидаги йўсинда тузатдик: тиззаси тагига ёстиқ қўйган эдик, жароҳат оғзи осонлик билан кўтарилиди. Пора ва билакда бўлган жароҳатларга ҳам шундай қилиб тадбир қўлладик, ҳаммаси ҳам осонлик билан соғайиб кетди». [Жолинуснинг] айтишича, тажрибага эътибор берган киши жароҳатлардаги қонни йирингга айлантириш зарур эканлигини билади, чунки қон жароҳат ичидаги ўзи билан бирга турган нарса ўзгаргунича турса яхшироқ бўлади ва буларнинг иккаласи ҳам тезроқ ўзгаради.

Икки лаби ажралиб бир-биридан узоқлашган жароҳатларни бириктирадиган бойлоқлар билан [боғлаб] бириктириш зарур, лекин бундай боғич боғлагандан [жароҳат] оғриса, ёки шишиб шу сабабли енгил бойлашдан ҳам оғриса, ёки мушақ кўндалангига кесилиб кетган бўлса, бу пайтда бириктириб [боғланмайди], балки [икки лаб] оралиғига тери битиб мушакларнинг битмай қолиш хавфи сабабли пилик қўйилади. У [давом этиб] дейдики, шунингдек, бош терисини ёрганимизда ёриқнинг иккала лаби ўртасига уни тўлдириб турадиган нарса қўйдик. Баъзан иккала лабнинг териси жароҳат ичкарисига қараб буришган бўлади, шу пайтда уни шишириб сиртга чиқарадиган бойлоқ ишлатиш зарур. Жароҳат узунасига жойлашган бўлса уни маҳкамроқ бириктириш учун бойлоқ қолдирилади; кўндаланг бўлганда эса, тикишга [ҳам] эҳтиёж туғилади. Жароҳатнинг чуқурлигига қараб, тикиш ҳам чуқурроқдан бўлади Кесишни кўпайтиргандан кўра чуқурроқ тиккан яхшироқ. Яна [Жолинуснинг] айтишича, жароҳат тор бўлса ва чуқурлиги сабабли унинг тепасида эт битиб таги битмайди, деб хавфланганимизда баъзан уни кенгроқ очишга мажбур бўламиз, жароҳатли аъзо уни ўз тўғри шаклига қайтаришганда йиринг оқиши мумкин бўлмайдиган бир шаклда жароҳатланган бўлиб, уни жароҳат етган пайтдаги шаклига қайтаришганда оғриқ қўзғаладиган бўлса, шунда мувофиқ [тарзда] ёришга мажбур бўлинади.

Умуман, билиш керакки, мушакнинг энига тўғри келган жароҳатларнинг лаблари бир-биридан жуда узоқлашади, шунинг учун уларнинг лабларини [бир-бирига] етказиб бириктиришга кучли эҳтиёж тушади. Баъзан, айниқса, эт камайган бўлса, тикмай ва уч бурчакли бойлоқлар ишлатмай чора йўқ. Мушакларнинг узунасига тўғри келган жароҳатларда буларга эҳтиёж кам тушади.

ЖАРОҲАТЛАРДА ЭТ БИТИРУВЧИ ДОРИЛАР

Бу дориларнинг қувватини ва қаерга етказиб қўйилишини баён қилдик. Бу дорилардан сепиладиганларнинг қуввати ёғлар ва мумли суртмалар билан тайёрланадиган [дорилардан] камроқ бўлиши кераклигига шубҳа йўқ. Ёғлар ва мумли суртмалар ишлатишга сабаб шуки, қуруқ дорилар, айниқса, куйдирилган қўрғошин ва бошқа маъданлар [жароҳатга] чуқур ботмайли ва тери тешикларига ўтмайди. Агар бу дориларда

мумли суртма тайёрланса, ёғ уларни исталган жойнгача етказади.

Эт битирувчи дориларнинг баъзиси маъданларга, баъзиси ўсимликларга, баъзиси эса ҳайвонларга тегишли бўлади ва баъзиси шу синфларнинг ҳаммасидан [ташкіл топади].

Маъданга тегишиллари — масалан, мирида ёғи ва мум билан қўшилган қўрошин упаси. Ўсимликларга тегишиллари — масалан, эркак эман барги, — буни қуюқ суртма қилиб ишлатилади, — тол барги, карам барги, олма дараҳтининг барги ва пўстлоғининг ички пардаси, баргизуб барги, сиркада ёки бирор шаробда ивитилган ҳалғо, айниқса, унинг эркак ва урғочи савнавбарлар барги билан аралаштирилгани, — буни савнавбар пўстлоғининг ички пардаси билан боғланади, — сарв барги ва унинг шохчалари ва асал билан қўшилган тоғ мурчиидир. Елимлардан, айниқса, кўп асаблар яқинидаги [жароҳат] лар учун сақич дараҳтининг елими ишлатилади. Мева ва донлардан: сув ва туз билан қўшиб янчилган янги ёнғоқ, қўзиқулоқ барги ёки лавлаги барги билан қайнатилган шароб, ёки сутчўп ва ёввойи нок, — бунда назлани тўхтатиш хусусияти бор, — сарв ёнғоги, куйдирилган саримсоқ, тегирмон тошининг кукуни, куйдирилган арпа, айниқса, унинг кексаларга ишлатиш учун мум ва гул ёғи билан қўшилгани. Мевали дараҳтларнинг гулларидан: дўлана гули каби гуллар ёки қирқбўғин ўти, айниқса, бирор аъзо ёки этнинг чеккасидаги [жароҳатга] ва мушакларнинг учига яқин турган жароҳатларга [қўйилади].

Ҳайвонларга тегишли дорилардан — жуда ачиган сут катта жароҳатларни бириклириш учун ишлатилади.

Мураккаб дорилардан: *диёруфус* дориси, «олтин дори», *Ниқулоқ* дориси, кийик ўти билан қўшилган тол дориси ва зифир марҳами [ишлатилади].

ЖАРОҲАТ ВА БОШҚА (ЯРА)ЛАРНИ ТУГАТИБ БИТИРУВЧИ ДОРИЛАР

Бу дориларнинг табиатларини билдинг; булардан сепиладиганларининг марҳамларга қўшиладиган [дори]лар каби қувватли бўлмаслигини ҳам биласан. Энди шу дориларни [жароҳатдаги] қаттиқ эт сатҳи тери билан жуда баробар бўлиб турганида ишлатмаслик кераклигини билишинг лозим. [Жароҳатдаги] ҳўл этга келганда, бу дориларни ҳўл эт тери билан баробар бўладиган да-

ражада ишлатиш керак; бу эса тахмин билан билинадиган нарса! Демак, битиравчи дорини ўша даражада эт унадиган жароҳатларга эт унишидан олдин ишлатиш зарур. Чунки битиравчи дори ҳам, гоҳо ҳали жароҳаг битмай туриб эт ҳажмини кўпайтиради; шу билан бирга, табиатнинг қуввати ҳам кўпаяди, натижада эт ўша [текислик] даражасидан ошиб кетади. Демак, дорини шу даражада ишлатиш керакки, у жароҳатни қуритиб ўз таъсирини кўрсатганида [табиат] керакли миқдорда эт ундирадиган ва битиравчи дори ҳам ўз битириш ишини бажарган бўлиши керак. Шунда бу икки иш биргалашиб жароҳатли сатҳ текисланадиган миқдорда янги эт ва янги тери ҳосил қиласи. Агар бу кўзда тутилмаса, яранинг изи теридан баландроқ бўлиб қолади.

[Битириб] тугатувчи дори бошлаб истеъмол қилинганда, ҳўл ҳолда, кейин, тугалиш яқинлашганда, қуруқ ҳолда ишлатилиши керак; уни жароҳатга мил чўпи учни билан қўйилади. [Битириб тугатувчи] дорилар, гул ёғи ёки ми尔та ёғларининг мумли суртмаси билан қўшилган санавбар дараҳтининг ички пўсти, қуруқ санавбар елими, қовурилган жилвиртош, мис тўпули, кундур елимининг кукуни, куйдирилган қўроғшин ва кичик луфолардир. [Маълум] илдизлар ва куйдирилган суюклар ҳам яхшидир. Куйдирилган аристолохия ва аччиқтош ҳам кучли битиравчидир. [Шунингдек] етилмаган мози, анжир барги, айтишларича, Буқрот буни «загизғон оёғи» деб атаган, у «қарға оёғи» деган ўтни назарда тутган бўлса керак, суюк еган итнинг тезаги, уромастика калтакесагининг тезаги, бу олдингисидан кўра тозаловчанроқ, шунинг учун бунинг қуввати буриштирувчи нарсалар билан синдирилиши керак, ҳаворанг гулсапсар илдизи, говшир илдизи пўстлоғининг ички пардаси ва тўтиёлар [битиравчи дорилардандир].

Сандал, нилуфар ва сабрлар, айниқса, орқа тешик ва эрлик олати томонидаги иссиқ мизожли ва шишган яраларда эт ундиравчи дорилардандир. Эт битиравчи дориларга, гарчи этни еб камайтирувчилар жумласидан бўлса ҳам, зок ва сариқ зоклар қўшилади. Лекин баъзан улар жуда рутубатли жароҳатни битиради, айниқса, уларни куйдирилса, битказиш хусусиятлари ейиш хусусиятларидан кам бўлмайди, хусусан ювилса, [еийидаи кўра] битказишга яқинроқ бўлади. Аммо зангор ва кучли ёювчи дориларни эт битириш учун ишлатиш яхши эмас, лекин кучли тадбир қўллашда, айрим жароҳатлар ва жуда рутубатли яралардагина ишлатилса бўлади.

Куйдирилган мисни ювилса, у ҳам битириш учун яхши-
диз

Тарҳам тайёрламоқчи бўлингандада битирувчи дори-
лардан бир қадар кучлироғига эҳтиёж тушади, масалан,
металл тўполи, айниқса унинг куйдирилгани, сариқ
зок, куйдирилган қўроғини упасини сиркада эритиб
ишлатилади; металл тўполнини янчилади, яхшиси куй-
дириллади, кейин уни сариқ зок билан қўшиб юқоридаги
дорилар аралаштириллади. Сирка ёки буриштирувчи
шароб қўшилган миরта ёғи шимдириллади. Баъзан жа-
роҳат ва яра жуда рутубатли бўлса, [таркибга] куйди-
рилган зок, анор гули ва мози ҳам қўшиллади.

Zigfir марҳамининг тавсифи. Бу жуда фойдалидир,
унинг таркиби: тозалаб ювилган каноп латта олиб, гард
ва сурмадек бўлгунча эзиб янчилади, кейин кучли бу-
риштирувчи зайдун ёғини ёки миранга ёғини олиб, бу-
ларга озгина гальбан елимини қўшиб эритиллади, кейин
бунга янчилган каноп латтани солиб марҳам ясалса,
ажойиб бўлади.

Қора марҳам ҳам эт ундиради. Бунинг эт ундириш
[хусусиятини] кучайтирмоқчи бўлсанг, унга кундур ели-
ми, говшир ва аристолохияларнинг ҳаммасидан баро-
бар минқдорда олиб [қора марҳамнинг] тўрт аралашма-
си вазнига баробар қилиб қўшасан.

Жароҳатга сепиладиган енгил дорининг таркиби:
қўроғини упаси ва куйдирилган қўроғиндан бир бў-
лакдан, қалай чирки, *мурр* ва мозиларнинг ҳар биридан
ярим бўлакдан олинади. Яна бошқа сепиладиган дори:
куйдирилган садафдан ўн икки *дирҳам*, дараҳтидан
ўзи тушиб қуриган майдада анор ва яшил зокларнинг
ҳар биридан ўн олти [дирҳамдан], куйдирилган тоғ
эчкиси шохи, жилвиртош, металл тўполи, санавбар ели-
ми ва гулсапсар илдизининг ҳар биридан тўрт [дирҳам-
дан], кундур елимининг майдаси ва санавбар дараҳти
пўстлоғининг ички пардасининг ҳар биридан олти [дир-
ҳамдан], анор пўсти, қўроғини упаси ва аччиқтошнинг
ҳар биридан саккиз [дирҳамдан] ва мозидан бир [дир-
ҳам] олиб, буларнинг ҳаммасидан сепиладиган дори
ясалади.

Яна бир сепиладиган дори: рўян, куйдирилган суюк
ва куйдирилган қўроғинларнинг ҳар биридан икки
[дирҳамдан], кундур елими ва сабрнинг ҳар биридан уч
[дирҳамдан] олиб, сепиладиган дори тайёрланади.

Яна сепиладиган дори: гул, қалай упаси, анор гули,
гул уруғи ва аччиқтошдан баробар бўлаклар олинади.

Яна бошқаси: гулсапсар илдизи ва говшир илдизидан баробар бўлаклар, аристолохиядан икки мисқол ва кундур елимининг майдасидан бир мисқол олинади.

Кексалар баданидаги жароҳатларга [қарши ишлатиладиган] марҳам таркиби мана шундай: куйдирилган арпага гул ёги ёки мирта ёғи билан қалай упаси қўшиб мумли суртма ясалади.

ЖАРОҲАТ ВА ЯРАЛАРДА ЭТ УНДИРУВЧИ ДОРИЛАР

Эт ундирувчи дориларнинг хусусиятларини ва уларнинг қандай мизожга бўлишлари кераклигини билдинг. Эт ундирувчи дориларни жароҳат ва ярали жой чирк ва шунга ўхшашлардан тозалангандан кейин ишлатиш керак. Жароҳат суякка бориб етган бўлса, шу суякни тозалаб, жуда қуритилсан; ундаги хиравлик, чириганликни ва пўстни мутлақо қолдирилмайди, айниқса, жароҳат бошда бўлса, [суякда] рутубат қолдирмай қуритилсан. Чунки суякнинг силлиқлиги ва рутубати суяк устида эт унишига тўскенилик қиласидиган сабабларнинг биридир. Суякни тирнаб дағал қилинса, эт унадиган модда унинг устида яхши ўрнашади.

Билгинки, гоҳо дори бир баданда ёки бир аъзода эт ундиради-ю, бошқа бадан ёки аъзода ундирамайди, чунки дори иккала баданинг мизожига қараб рутубатни бир баданда қуритади-ю, бошқасида қуритолмайди; юқорида билиб ўтилганидек, дори бир баданни ҳаддан ташқари тозалайди, бошқасини эса, бутунлай тозаламайди. Чунки у дори қуритиш ва тозалаш хусусиятига бадан тақозосига қараб, ўлчовли миқдордагина муҳтож бўлади, мутлақо эмас! Ўлчовли нарса таъсирланиши бир хилда бўлмаган нарсаларга турлича таъсир кўрсатади. Қуруқлиги даволанаётган бадан қуруқлигидан кам бўлган ҳар қандай қуритувчи дори этни тўла ундиrolмайди. Балки у дорининг қуруқлиги баданинидан кўра кўпроқ бўлиши керак. Шунинг учун кундур елими қуруқлиги мўътадил даражадан ўтган қуруқ баданларда эт ундиrolмайди. [Дорининг] қандай қуритиши, [ўз таъсирини] тўхтатиши, ёки тўхтовсиз эт ундириши, ёки [жароҳатнинг] чиркланаётганини тажриба орқали билинади.

Агар дорининг қуритиши эт ундирилмайдиган даражада бўлса, бир оз рутубатлантирувчи дори ишлатилади, агар у чирклантираётган бўлса, қуритувчи дорини кўпроқ ишлатилади. Тўхтовсиз [эт ундирилган дорини] эса ўз қувватила қолдирилади.

Гоҳо айрим баданларда айрим дориларга нисбатан маълум бир муносиблик пайдо бўладики, бунинг сабаби маълум эмас.

Шунинг учун кучсиз ва кучли ҳизима-хил дориларни аралаштириш керак бўлади. Марҳамлар тайёрланиши ва уларга эҳтиёж тушишини юқорида билдиб ўтдинг. Куригуви ва ҳўлловчи дори билан чекланиб туриш керак эмас; балки биз юқорида баён қидганинига биноан таъсир кўрсатувчи иккى қайфиятни ҳам кўзда тутиш лозим. Шу иккала таъсир кўрсатувчи қайфиятни кўзда ўтилганда ҳам яра ҳолати билан бадан мизожи ўртасидаги нисбатга риоя қилмай туриб, қуритувчи ва ҳўлловчи дори ишлатиш билан чекланилмасин. Чунки гоҳо бадан ҳўл, яра қуруқ, баъзан эса бадан қуруқ, яра ҳўл бўлади, гоҳо иккала ҳам ҳўл, баъзан эса иккаласи ҳам қуруқ бўлади. Аввалгисида кучсизроқ [дори], масалан, қундур елими, боқила уни, арпа уни ва шунга ўхшашлар ишлатилади. Агар бадан қуруқ ва яра жуда ҳўл бўлса, эт ундирувчи дориларга қараганда кучлироқ қуритувчи [дори], масалан, аристолохия, говшир илдизи ва куйдирилган зокларга эҳтиёж тушади. Қолганларида эса гулсапсар илдизи ва Миср боқиласи уни каби [қуритиш-ҳўллашда] ўртача дориларга эҳтиёж бўлади.

Гоҳо баъзи дориларда эт ундирувчи дорилар муҳтоҷ бўладиган қуритиш ва тозалаш хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳаддан ташқари [кучли] бўлади, масалан, қаттиқ қуритиши сабабли чиркни [кетказишга қўймай] тўхтатади ва моддага тўсқинлик қиласи, ҳаддан ташқари тозалаш сабабли ёювчи бўлиб қолади; шунда бунга зидлашадиган бошқа дори қўшилса, унинг кучини синдириб мўттадил қиласи, натижада у эт ундирувчи бўлади, масалан, зангори мум билан зайдун ёғи қўшилса, бу иккаласи ўша аъзони рутубатлантиради, чирклантиради, зангорнинг қуритишга ва кучли тозалашига қаршилик қиласи, натижада зангор [эт] битирувчи бўлиб қолади. Зангор қуруқроқ баданларга ишлатилганда мумли суртманинг ўн бўлакдан бир бўлагини, ҳўлроқ баданларга ишлатилганда ўн иккى бўлакдан бир бўлагини ташкил қилини керак. Бу дорини истеъмол қилганда ҳам юқорида эслаб ўтилган тажрибага риоя қилини лозим.

Кексалар ҳарорати кўпроқ, тортиш [хусусияти] кучлироқ дориларга муҳтоҷ бўладилар, у дориларга, масалан: зифт, қундур елими, арпа уни, боқила уни, ёввойи

ясмиқ уни, гулсапсар илдизи, аристолохия, металл тўполи, говшир чўпи қўшилади.

Бир дори фойда етказмаса, бошқасини [ишлатишга] ўтасан; [жароҳатлар] бу дориларга ҳам бўйсунмаса, яраларга хос дори билан даволайсан.

ЯРАЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Яралар жароҳат тешилиб оқувчи чиқиқ ва тошмалардан келиб чиқади; этнинг узлуксизлиги бузилиб узоққа чўзилса ва йиринг бойласа, буни «яра» деб аталади. Иирингланиш эса шу этга бораётган озиқнинг аъзо кучсизлиги туфайли бузилишидан келиб чиқади. Шунингдек, ўша аъзонинг кучсизлиги сабабли қўшини аъзолардаги чиқиндиларнинг унга томон тарқалиб, соғилиб бориши ёки рутубатлари ва ёғлари билан аъзони бўшаштириб ва ҳўллаб турган марҳамлар туфайли ҳам [эт йиринг йиғади].

[Ярадан чиқаётган] модда йирингга ўхшаган бўлиб, суюқ бўлса, зардоб, қуюқ бўлса, чирк деб аталади. Чирк қуюқлашиб қотган нарса бўлиб, оқ ёки қорамтир рангли, баъзиси эса шароб қуйқаси сингари бўлади. Зардоб эса хилтларнинг суюқ ва сув қисмидан ёки ҳароратли хилтлардан, чирк эса қуюқ хилтлардан пайдо бўлади. Зардоб, кўпинча, шиш пайдо қиласди. Зардоб қуритувчи дори, чирк эса тозаловчи дори ишлатишга эҳтиёж туғдиради.

Яраларнинг баъзиси тери юзасида, баъзиси чуқурликда бўлади. Чуқур ўрнашган яралар [икки ҳолатдан] ҳоли бўлмайди: ё уларни ўраб турган эт қаттиқлашади ва бундай яра *носур* деб аталади ҳамда у найга ўхшаб [эт] чуқурлигига ўтган бўлади; ёки у қаттиқлашмайди, буниси «кавакланниб хоналанган» деб аталади.

Баъзи [табиб] лар тери тагига ўтган ва тери ундан ажралиб турган ярани «кавакланган» деб, этга ўтиб ва хоналаб кенгайган ярани эса «хоналаган» деб атайдилар. Баъзилари эса кенгайганини «кавакланган», тор ва чуқурини *носур* деб атайдилар. Исим бериш устида тортишувнинг ҳожати йўқ. Юзадаги ярада қаттиқлик пайдо бўлса, уни «сополсимон яра» деб аталади.

Ёмон *носур* ҳиссиз яра бўлиб, қанчалик сезгисиз бўлса, шунчалик ёмон. Унинг баъзиси тўғри, баъзиси эгри бўлади. Асабга етиб боргани, айниқса, унинг тагига мил чўпи теккизилса, қаттиқ оғрийди. Баъзан [шундай ярали] аъзо қийинчилик билан ишлайди. Унинг рутубати суякка етиб борганиники сингари суюқ ва ла-

тиф бўлади. *Носур* бойлоққа етиб борганида ҳам ундан оқадиган нарса шунга ўхшаш бўлади, лекин суюқ ва бойлоққа етиб борганининг оғриғи, кўпинча, қаттиқ бўлмайди. Суякка етиб борганидан чиқадиган рутубат суюқ ва сарғиш бўлади. *Носур* вена ва артерияга етиб борса, кўпинча, ундан шароб қуйқаси каби нарса чиқади; баъзи вақтларда *носурдан*, агар у венага бориб тақалса, кўп тоза қон ёки артерияга бориб етса, сарғиш қон милдираб чиқиб туради. *Носур* этга бориб етса, ундан ёпишқоқ, қуюқ, хира [рангли] хом рутубат оқади.

Кўпинча, битта *носурнинг* кўп кўзи бўлиб, бунинг тадбири қийинлашади: *носур* биттами ёки кўпми эканни билиб бўлмайди. Агар шу тешикларнинг биридан бирор рангга эга бўлган рутубат оқиб турса, *носур* битта бўлганида бошқа тешиклардан ҳам [шу рангли] рутубат оқади. *Носур* турлича — оқ, хира, қизил ва бошқа рангларда бўлади.

Яралар бир неча турга бўлинади ва [табиблар] уларнинг баъзиси аламли, баъзиси аламсиз, базиси шишли, баъзиси шишсан; баъзиси тоза, баъзиси ифлос бўлади, дейдилар. Ифлоси баъзан, ҳўл бўлади, яъни у ўзи ёмон бўлмаса ҳам, унда хилт ва рутубат кўп бўлади; уларнинг баъзиси чиркли, баъзиси эса зардобли бўлади. Яраларнинг баъзиси чириб сасийдиган бўлиб, бунга энг заарарли нарса жануб шамоли ва иссиқ бўлиш билан бирга, рутубатли ҳаводир. Баъзи яралар ўйиб ейдиган, баъзилари югурик, баъзилари билқиллаб турувчи бўлиб, кейингилари совуқ ёки иссиқ бўлади. Билқиллаб турувчи яралар ўз атрофидаги мўйларни тушириб юборади.

Яраларнинг баъзиси сизувчан бўлиб, ундан ҳароратли сариқ зардоб сизиб оқиб туради; баъзан ундан атрофларини куйдирадиган даражада иссиқ суюқлик оқади; буниси ёмон ва ҳалокатлидир. Баъзи яралар қийин битадиган бўлади. Чириб сасийдиган яралар билан ўйиб еювчи яралар гарчанд югурук яра бўлса ҳам, улар бир-биридан фарқ қиласи *Ўйиб* еювчи яраларнинг баъзиси ҳеч бир сасимай ва иситмаси ҳам бўлмай туриб, ўтқирилиги сабабли ўзига туташган жойни ўйиб ейди. Лекин сасийдиган югурук яра кўпинча иситмали бўлади ёки [иситмадан] ажралмайди.

Жолинус *нори форсий* ва югурувчи учукни ўйиб еювчи яра, деб атайди, сасийдиган ярани эса, яра ва сасийдиган бирор касалликдан таркиб топган деб ҳисоблайди.

Ҳар бир яранинг [ўзига] хос ҳолати бор. Кўкара ва қорая бошлаган қаттиқ яралар ёмондир. Совуқ яралар билқиллаб туради ва оқ рангли бўлади; қиздирувчи дori ишлатилса, улар тинчийди. Ҳароратли яралар қизғиш бўлиб, совутувчи дори ишлатилғандা ором олади.

Ёмон яраларда бадан ранги ҳам ёмонлашса, масалан, у қўроғинсимон оқ ёки сариқ бўлса, бу жигар мизожининг ва ярага келаётган қоннинг бузилганлигига далилдир; бундай яранинг тузалиши қийин. Таги ҳароратли бўлиб, қичийдиган яраларнинг чиқиндиси ўткир бўлади. Таги кенг, оқ рангли ва қичиши кам яраларнинг мизожи совуқ бўлади. [Турли] касалликлардан кейин пайдо бўлган яралар ёмондир, чунки табиат бузуқ чиқидилар қолдиғини ўща яраларга йўналтиради. Атрофидаги мўйларни тўкувчи яра ҳам ёмондир.

«Тез ўлим белгилари» китобида «бирор кишида шиш ва юмшоқ яралар пайдо бўлиб, у ақлдан озса, ўлади» дейилган. Ёмон яраларнинг [пайдо бўлишига] баъзан ифлос чиқиндиларга учраган ёки бузувчи тадбир қўлланган чиқиқлар сабаб бўлади. Гоҳо улар ёмон тошмаларга эргашиб келади; [ёмон тошмалар] ҳосил бўлга; тезда ярага айланади.

Яранинг ёмон эканлигига унинг чириб сасиши, югуруклиги, атрофларини бузиши, тўғри тадбир қўлланса ҳам, тузалишининг қийинлиги далолат қиласи. Дори [қўллаш] ёки табиат фаолияти натижасида пайдо бўлган йиринг — яра ва чиқиқларнинг оқибати беҳавотир бўлишидан дарак берувчи далилларнинг афзалидир; чунки бу табиатнинг ўз табиий йўлидаги ишидир. Йиринг табиий етилишдангина пайдо бўлади; бундай йирингли яраларда, айниқса, йиринг яхши, оқ рангли, юмшоқ ва силлиқ бўлиб, тўла етилган бўлса ҳамда у сассиқ ва бузилган бўлмаса, ёмон сифатли яраларнинг ёмон белгиси кузатилмайди. Йирингда баъзан бир оз сассиқлик бўлади, чунки йиринг туғма ва ёт ҳароратларнинг ёрдами билан пайдо бўлади. Йиринг ҳақида бошқа жойда гапирганимиз.

Аммо тиришишни келтириб чиқарувчи яралар, савувчи яра, саратон яраси, *хайруния* яраси ва шуларга ўхшаш бошқа яралардан йиринг пайдо бўлмайди. Балки ярада йиринг ва шиш пайдо бўлиши яхшилик белгиси бўлиб, бунда гарчи шиш орқа ва олд аъзолари каби жойларда бўлганида ҳам, тиришиш, ақл қоришуви ва шунга ўхшашлар хавфи туғилмайди. Бироқ иш улғайиб чегарадан ўтса, шиш тўсатдан чуқур ботиб

ғойиб бўлса, йиринг ёки шунга ўхшаш нарса [чиқини] билан тарқалмаса, орқага чиқадиган яралар каби асабли аъзоларга, яъни умуртқа ва орқа мияга қўшини бўлса, ёки улар сон ва тизза олдида воқе бўлса, — бу яралар ҳам асабли мушаклар устида бўлади, — иш тиришишга ва ақл қоришувига ҳам бориб етади. Агар яра томирли аъзоларда, — бундай аъзоларнинг кўпигавда тандирининг олд томонида ўрнашган, — пайдо бўлиб [бадан] тандирининг қуйй ярмида бўлса, ичдан қон ўтиш хавфи туфилади, шунингдек, бундан ақл қоришуви хавфи ҳам келиб чиқади. Агар яра [бадан] тандирининг юқори ярмида бўлса, зотилжам [касаллиги] пайдо бўлиб, ундан кейин йиринглаш ёки қон туфлаш хавфи туфилади. Кўкрак ярасининг йиринглаши нималигини Учинчи китобда билдинг; гоҳо бунда ҳам ақл қоришуви хавфи туфилади.

Яраларнинг теварагидан тўкилиб кетган мўйларнинг [қайтадан] ўсиши яхши белгилардандир. Ўзларида яхши қон бўлиш билан бирга мизожлари яхши ва ортиқча рутубатлари кам баданлар яраларга қарши кўрилган тадбирни тезроқ қабул қиласди. Аммо кўп рутубатли ёки жуда қуруқ бадан яраларга қарши давони кеч қабул қиласди. Шу билан бирга, болалар баданига ўхшаш рутубатли бадан даволашни кексалар, айниқса, асл мизожи қуруқ ва тоза қонли бўлмаган кексалар ва [аслий бўлмай], кейин пайдо бўлган мизожлари рутубатли ва заиф бўлган кексалар баданидан кўра тезроқ қабул қиласди. Шунинг учун истисқо касалига учраганларнинг ярасини даволаш қийиндир; ҳайз қони тўсилиб қолиши сабабли, чиқиндилари тўхтаб қолган ҳомила-дор хотинларнинг [яралари] ҳам шундай.

Кексаларга келганда, кўрсатилган сабаблар ва яхши қоннинг камлиги туфайли уларнинг яралари тузалмайди; баъзан яра тузалса ҳам, кейин яна қайталайди. Чунки бу хил яра тозаланмай туриб эт унган бўлади; бунда тоза бўлмаган чиқинди тўхтаб қолгач, мавжуд узлуксизлик иккинчи марта бузилади.

Носур яраларини гоҳо соғайди деб гумон қилинади: улар қуриб [оқаётган нарса] тўхтайди, натижада у соғайди деб ишонилади; чунки бундай ҳолат, биз қуйида баён қиладиганимиздек, соғайганга ўхшаб кўринади. Бироқ кейин энг кичик бир ҳаракат, силкиниш, йўтал, туртиниш, ноқулай ётиш ва бошқа сабаб билан яна қайталайди.

Эт унадиган яраларнинг баъзисидан ортиқча эт уна-

ди, баъзисида бундай бўлмайди. Яра тозаланмай турниб унда эт ундиришга шошилинганда ортиқча эт унади; тозаланганидан кейингина эт унган ярадаги эт ортиқча бўлмайди.

Яра узоққа чўзилиб ейилса, сасиса ва жавҳаридан кўпгина нарса кетса, айниқса, бу яралар бир йиллик ва шунга яқин муддатлик эски яра бўлса ёки улар сополсимон бўлиб, шу сополсимон қисми, яни *носур* олинган бўлса, унинг фақат чуқурдан битишини кутиш мумкин. Эски яраларда уларга яқин жойдаги суякларнинг баъзи қисми чиқиб қолади.

Савдодан бўлган яраларнинг барча бузуқ [қисмини] то соғлом эт ва суяккача олиб ташланмаса, тузалмайди. Ярали аъзонинг кучсизлиги, — бунда яра ҳамма моддаларни қабул қила беради, — ўша [ярали] аъзо мизожининг ёмонлиги ва у аъзога келаётган қон кайфияти ёки миқдорининг ёмонлиги яраларнинг бузилишига сабаб бўладиган нарсалардир. [Қон] кайфиятининг ёмонлигига келсак, у кўпинча, жигар мизожининг ёмонлигидан бўлиб, бунда қон ранги қўроғошинсимон оқиш ёки сариқ бўлади, ёки талоқ мизожининг ёмонлигидан бўлиб, бунда қон ранги қорамтири ва ола бўлади. Бундай қон билан биргаликда бадандаги барча хилтлар ҳам ёмонлашади. Бу хил қон этга айланмайдиган бўлганлиги учун фойда етказмайди, чиркка айланиши туфайли эса этга зарар қиласди. Қон миқдорининг ёмонлиги шуки, қон кўп ёки кам бўлиб, ярага эт ундирадиган нарса топилмайди. Яра соғ ва тоза бўлса, у тезда қовжирайди. Агар бадан тоза ва кам қон бўлса, [қовжираш яра] тўлмагунча муваффақиятли бўлмайди; ёки яра девори ва атрофида юз берган сополсимонлик, ёки унга келувчи томирларнинг кенглиги, ёки атрофидаги суякларнинг бузилганлиги ёки уларнинг бузилиб хира, кўкимтири ва қорамтр рангли бўлиши, ёки мизожи бузилган қўшни аъзо сабабли ҳам [қовжираш яхши бўлмайди].

Даволанилиши қийин яралар, масалан, айлана шаклидаги ва шунга ўхшаш яралар, болаларда [пайдо бўлса] ўлдиради. Чунки болалар бундай яраларнинг қаттиқ оғригини, даволашдаги қийинчилик ва машаққатни кўтара олмайдилар.

ЯРАЛАРНИ ДАВОЛАШ ҚОНУНИ

Билгинчики, яраларнинг мушак мажақланиши ва эзилишидан пайдо бўлганларидан бошқа ҳаммасини қуритиш орқали [даволаш] керак бўлади; [мажақланиш ва

азилишдан] бўлғанларини эса, аввало, рутубатлантириб бўшашибтариш лозим. Кўп ҳолларда яраларга қуритиш тадбирини қўллаш зарур бўлса ҳам, уларга қўшилиб келган бошқа ҳолатлар қабабли тозалаш, аритиш ва бошқа тадбирларни қўллашга ҳам эҳтиёж туфилади. Яра қанчалик катта ва чуқур бўлса, шунчалик кўп қуритиш ва икки четини қаттиқ бириктириш керак бўлади. Баъзан яраларни тикишга тўғри келади, яхшилаб [тикиш] ва шунга ўхаш [тадбирлар кўришда] бизнин жароҳат бобида айтғандаримизни эътиборга ол!

Билгинки, баъзан яраларни даволашда чуқур ўтиб бориб [бошқа дориларга] йўл очадиган суюқ дориларни ишлатишга эҳтиёж тушади ва шу пайтда марҳамлар ё уларга ўхашларни [ишлатиш] зарур бўлади. Бундай вақтда дорилар, айниқса, *носур* ярасига ишлатиладиганлари кўринишидан ҳўл, ички [моҳиятда] эса қуруқ бўлиши керак. Чунки у дорилар жавҳарининг қуруқлик қуввати жисмининг рутубати устидан жуда голиб бўлиши керак. Гоҳо яраларга қўлланиладиган дориларни бошқа бир сабабга кўра, яъни дорилар ёпишқоқ бўлсин учун оқизувчи нарсалар билан аралаштиришга ҳам эҳтиёж тушади; буларни ҳам билиб қўй.

Билгинки, яралар боғлашга ва боғичларга уч важҳ туфайли муҳтоҷ бўлади; бири, чиркни оқизиб юбориш, бунда яхши сиқилсан учун яранинг таг томонини қаттиқ оғзига яқин томони бўшроқ боғланади; иккинчиси, ярага эт ундириб битирувчи дорини ушлаб туриш учун; бунда қаттиқ боғлаш зарур бўлмайди; учинчиси яра лабларини бириктириш учун; бунинг учун яра лабларининг олдини бўш боғламасдан, балки керакли даражада бириктириб боғлаш керак.

Боғлаш шиш пайдо қиласидиган даражада оғритьадиган бўлмасин. [Аксинча] боғлаш шишга тўскинлик қилишда ёрдамчи бўлсин, чунки шиш борлигига сен ярани даволай олмайсан. Шишга тўскинлик қилиб, уни [тўхтатиш] мумкин бўлмай у пайдо бўлса, қандай шиш бўлса ҳам, уни даволаш билан машғул бўл; шу билан бирга, шишни даволаб бўлгунча ярани ҳам эътибордан четда қолдириш керак эмас. Кейин фақат яранинг ўзини даволашга ўтилади. Агар яранинг атроф жойлари бузилиб, кўраган ёки қорайган бўлса, уни тилиб қортиқ қўйиш билан бўлса ҳам, қонни чиқарасан; кейин унга қуруқ булат, сўнгра қуритувчи дорилар ёпиштириб қўясан.

Яра [шишдан] фориғ бўлса, ёки у оддий яра бўлса,

аввало, бадандан ярага бирор нарса қўйилаётидими ёки қўйилишдан тўхтаганини аниқланади. Агар ярага ҳеч нарса келиб қуюлмаётган бўлса, [яранинг] ўзини даволашга киришасан. Агар бирор нарса қўйилаётган бўлса, томирдан қон олиш ё сурги қилдириш, ёки қустириш билан у қўйилаётган нарсага тўсқинлик қил! Чунки қустириш гоҳо бунга ҳам фойда етказади; Буқрот бу ҳақда гувоҳлик берган.

Яраларда суяқ ёки пардалар ёки бошқа нарсалар-нинг майда [бўлаклари] бўлса, уларни тортиб олишда шошилма; биз суяқ бобида айтган гапларга амал қил!

Ярага қарши энг аввал қўлланилиши зарур бўлган тадбир — уни дорилар билан йиринглатиш, кейин дорилар билан тозалаш, сўнгра эт ундириб битиришдир. Ярани тоза, чуқур эмас ва текис ҳолда учратсанг, ачиштирмайдиган дори билан фақат битириш тадбири қўлла. Аммо яра чиркин бўлса, ачиштириб тозаловчи дори ишлатмай илож йўқ. Аввало, жуда ачиштирувчи дори ишлатишга эҳтиёж тушади, чунки яра ҳеч нарсани сезмайдиган бўлади; кейин эт униш вақти келгунига қадар аста-секин ачиштириши енгилроқ дориларни ишлатиб борилади. Бу тадбирларнинг ҳаммасида, айниқса, ярада аланталаниш ва ҳарорат бўлса, уни оғритишдан сақлан.

Яранинг битишига тўсқинлик қиладиган сабабларни йўқотиш керак. Улар биз кўрсатиб ўтган сабаблар бўлиб, ярани ёмонлик томонга йўналтиради. Агар сен аввало ўша сабабларга қарши чора кўрмасанг, яраларни керагича даволай олмайсан, ҳатто даволаш мумкин бўлмай ҳам қолади. Аъзо мизожини тузатиш кўпинча яранинг тузалиши учун кифоя қиласди.

Кўпинча, яра юмшоқ бўлиб, ундан ёмон эт унади ва қизғиши рангли бўлиб қизиб туради. Шунда ярани ўраб турган этни совутувчи суюқ суртмалар, масалан, арман лойи ва сирка билан қўшилган итузум шираси, сандал ва кофур қўшиб тайёрлаб ях билан совутилган суюқ суртмалар ишлатилади; шунда жароҳат торайиб бита боради.

Қаттиқ оғриқни яраларни даволашда аввало оғриқни тўхтатиш билан шуғулланиш керак, — бунга эса, гарчи яраларнинг [битишига] тўсқинлик қилса ҳам, маълум бўшаштирувчи дориларни ишлатиш билан эришилади, — чунки агар оғриқ тўхтатилмаса, даволаш мұяссар бўлмайди; оғриқни тўхтатгач, [ярага қарши] чора кўра берамиз.

Чиркин яраларни тозалашга эҳтиёж тушади; бундай яралардан турли рангдаги рутубатлар оқиб туради. Бу яраларни баъзан ювиш билан ва бааъзан сепиладиган дорилар ва марҳамлар билан тозаланади. Уларни тозаламай қолдирилса дори, айниқса, сепиладиган дорилар, уларнинг жирмига холис ҳолда етиб бормайди. Шунинг учун бу хил яраларни тозалаш, сўнгра эт ундириш лозим. Тозаловчи дорида аритиш хусусияти кўпроқ, эт ундирувчи дорида эса тозалаш хусусияти, билиб ўтганингдек, камдир.

Баъзан [ярада] ёмон эт униб, уни ўткир дори ишлатиб едиришга ва сиртдан совутувчи суюқ суртмалар суртишга, кейин қовжираган [жойни] тушириб юборувчи дори билан туширишга эҳтиёж тушади. Шундан кейингина даволашга ўтилади. *Носур* яраларини даволашда ҳам бизнинг тутган йўлимиз шу; *носур* яраларининг сополсимон [чеккаларини] тушириб юбориб, сўнгра даволашнимиз керак.

Маълум бир дори баъзи баданларга нисбатан эт ундирувчи, баъзи баданларга нисбатан, агар у бадан жуда юмшоқ бўлса, кучли аритиб, ўйиб еювчи таъсир кўрсатса, айрим баданларда эса тозаламайди ва эт ҳам ундирамайди. Шунинг учун бир бадан учун дорининг ё вазнини кўпайтириб, ёки ёғини камайтириб, ёки унга қуритиш ва тозалаш хусусияти бўлган бошқа дорини қўшиб кучайтиришга эҳтиёж тушади, бу дорини бошқа бадан учун ишлатилганда эса ўйиб еювчи бўлади, шунинг учун вазнини камайтиришга ёки [қўшиладиган] ёғни кўпайтиришга ёки айрим буриштирувчи дорилар қўшишга тўғри келади. Битиши қийин бўлган яралар ишлатиладиган дорини кучайтиришни тақозо этади.

Дорини яра устида уч кунгача қолдириб, сўнг ечиб олиш керак; чунки шошилиб ечиб олинса, дори ўз таъсирини кўрсата олмайди.

Яраларга ёғ ишлатмаслик керак; агар ишлатмасликнинг иложи бўлмаса, канакунжут ёғи, мирта ёғи ва мастаки ёғи ишлатилсин.

Агар яранинг холис ўзи бўлса, яра чиққан аъзо сезгили бўлса — оҳисталик билан тадбир қўллашинг ва кучли дори ишлатиб, оғритешдан сақланишинг керак. Аммо аъзо ўткир сезгили бўлмаса, зарур тадбирни қўллашдан тўхтама! Ички аъзо, кўп фойдали шариф ва улуғ аъзо ҳамда турли оғатларни тез қабул қилалидиган аъзолар сезгили аъзо туридан бўлиб, буларнинг ҳукми ҳам ўша [сезгили аъзо] ҳукмидир; уларнинг зид-

лари сезгисиз ёки кучсиз сезгили аъзо туридан ҳисобла-
нади. Шундай сабабга кўра ички яралар, айниқса, ичи-
риладиган дори билан даволанадиганлари зангор ва
шунга ўхашларни кўтара олмайди; улар кўпроқ кати-
ро ва араб елими каби ёпиширувчи дориларга муҳтож
бўлади; ҳуқна билан даволанадиганлари эса, икки хил
[кучли ва кучсизлик] ўртасидаги дориларга муҳтож
бўлади.

Яраларни даволашда ярали аъзони тинч қўйиш ва
қўмирлатмаслик тўғри тадбир ҳисобланади. У аъзонинг
даволаш бошланишида аста-секин ҳаракат қилиши
кейинги қаттиқ ҳаракатдан кўра, айниқса, ёмон хилтли
баданда кам заарлидир. Яраларни даволашда ёндош
икки аъзонинг қўшнилиги сабабли бир-бирига бирикиб
қолишидан, масалан, қовоқ билан кўз орасининг, иккала
қовоқ орасининг ва икки бармоқ орасининг ёпишиб қо-
лишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Ковакланиб хоналаб кетган яралар тезда *носурга*
айланади. Артерия ва катта веналарга ёндош яралар
[ўзига] ёндош юмшоқ этда, масалан, чов, қўлтиқ ва
қулоқ орқаларида шиш [без] пайдо қиласди. Чунончи,
кўтириш ва биз баён қилган шу каби касалликлар, айниқ-
са, бадан ёмон ва чиқиндиларга тўлиқ бўлса, худди
шундай оқибатга олиб келади. Бу ҳолда оғриқ зўрайиб,
шиш ярага айланади; шунда бунга қарши баданни тоза-
лаш ва ўз бобида айтилган тадбирларни қўллаш керак
бўлади. Чунки шишни тозаламай туриб, ярани даволаб
бўлмайди. Бу ҳолда, — агар бадан тоза бўлса, — ярани
босилиқун ва шунга ўхаш [дори] билан азиятдан сақ-
лаш, [яъни] у билан аъзо ўртасига ҳамма ҳолатда [ҳам]
тўсқинлик қиласидиган тўсиқ қўйиш керак бўлади.

Бир қанча нарсани ўз ичига олган қуйидаги тавсия-
ни эшитиш керак; у шундан иборат: ярага қарши ишлати-
лаётган дори, албатта, ё мувофиқ, ё номувофиқ бў-
лади. Мувофиқ дори дарҳол фойда қилмаса ҳам, ундан
зарар етмайди. Номувофиқ дори ё ўзининг кучсизлиги
туфайли ярага тўғри келмайди, бунга у дори бошқа би-
рор зарар етказмаган ҳолда, ундан кутилган қуритини
ё тозалаш ёки бошқа хусусиятлар зиддининг кучайиши
далолат қиласди, шунда бу дорини кучайтириш керак
бўлади; ёки бошқа важҳлар туфайли тўғри келмайди,
масалан, дори керагидан ортиқ қиздириб, қизиллик ва
алангаланиш пайдо қиласди; шунда уни кучсизланти-
ришга ва дарҳол совутувчи марҳам ишлатиб, алангана-
сини сўндиришга эҳтиёж тушади. Баъзан яра бу лори

таъсирида қорамтирилган хира рангли бўлиб қолади, бундан дорининг совутаётган ёки керакли миқдорда қиздириш маётганлиги маълум бўлади, шунда унинг қиздириш қувватини орттиришга тўғри келади. Гоҳо дори ярани бўшаштириб юборади, бунда анор гули, мози ва шуларга ўхшаш буриширувчи ва қуритувчи [дорилар] билан унинг қувватини орттиришга эҳтиёж тушади. Айрим ҳолларда дори ярани жуда қуритиб юборади, шунда унинг қуритишига қарши биз [кейин] айтадиган нарса билан ҷора кўриш керак бўлади; ёки биз айтадигандек дори [ярали жойни] еб ўйиб юборади, шунда унинг тозалаш қувватини синдиришга эҳтиёж тушади. Кўпинча, дори касал мизожининг бирор жиҳатдан ҳаддан ташқари эканлиги сабабли номувофиқ бўлади. Шунда дори унга қарши кучли, ҳатто касални ўз мизожига қайтарадиган даражада бўлиши ёки кучсиз бўлиб, ўша мизожга мувофиқ келадиган бўлиши лозим.





СУЯҚ ЧИҚИШИ ҲАҚИДА УМУМИЙ СҮЗ

Чиқиш — суюкнинг ўз жойидан ва табиий вазиятидан бир томонга қараб бутунлай чиқишидир. Агар бутунлай чиқмаса, бўғиннинг чуқур ёки дўнг томонга қараб [тойиб] кетиши деб аталади, буни ушлаб кўриб билинади. Тойиш тўла бўлмайди, бир гуруҳ [табиблар] буни *васи* деб ҳам атайдилар. Агар бўғинга етган азият суюкни қўзғатмаса, лекин унинг атрофи эзилган бўлса, буни пай чўзилиши [*ваҳн*] дейилади; бу бўғин тойиши эмас.

Баъзан бўғинда учинчи бир ҳолат юз бериб, бунда бўғин ўз табиий узунлигидан кўра кўпроқ узайиб қолади; лекин бўғин чиқиши даражасига бориб етмаса ҳам, чиқиши осон бўлиб қолади. Кўпинча, бу ҳолат билак ва сонда юз беради. Баъзи кишиларнинг бўғин суюги чиқишига жуда қобилиятли бўлади, чунки улардаги бўғин суюкларининг чуқурчаси юза бўлиб, чуқурчаларга кириб турадиган суюк бошлари яхши кирмай қолади.

Баъзи бўғивларнинг жойидан чиқиши осон, баъзиларники қийин, баъзиларники эса ўртача бўлади. Чиқиши осон бўғинга мисол тизза бўғинидир, чунки унинг бойлоги бойлоқлар анатомиясида маълум бўлган манфаатларга кўра юмшоқ-силлиқ яратилган ва шунинг учун унинг чиқиб кетиши осон бўлиб қолган; шу сабабдан уни тизза косаси тутиб туради. Бу бўғиннинг қайтадан соғайиши ҳам осон, чунки жойига қайтишнинг осонлиги енгиллик билан чиқишига, қайтишнинг қийинлиги — қийинлик билан чиқишига қараб бўлади. Ориқ кишиларнинг ёлка бўғини [чиқишида] тизза бўғинига яқиндир, семиз кишиларда бундай бўлмайди.

Чиқиши қийин бўғинларга бармоқ бўғинлари мисол бўлади, чунки бармоқ бўғинлари деярли чиқмайди, балки улар синса синадики, аммо чиқмайди; тирсак бўғини ҳам шундай; шунинг учун уларни жойига қайта-

риш ҳам қийин. [Чиқиши ва қайтишда] ўртача бўғинларга келганда, бунга сон боши бўғини мисол бўлади:

Гоҳо чиқиши қийин бўғин бирор сабабга кўра осонлик билан чиқади: шунда уни жойига қайтириш ҳам осон бўлади. Масалан, сон боши чуқурчаси рутубат билан тўлса, бўғин чиқиши осонлашади, шу билан бирга, унинг жойига қайтиши ҳам осон бўлади. Чунончи, ирқуннасо касаллигига учраган кишиларда шундай бўлиб, сон боши бўғини дам-бадам чиқиб туради: озгина уриниш билан жойига қайтади, сўнгра тағин чиқиб яна қайтади. Бундай бўғин доғлашга муҳтоҷ бўлиб, бошқа нарса билан [тузалмайди].

Суяк чиққандан суюкни суюкка бириктириб турган майдага пайларнинг учи ҳам узилса, ундан чиқишини жойига қайтириш жуда қийин, бунинг ўз табиий ҳолатига қайтиши кам учрайди. Бундай чиқиши сон боши бўғинида, сўнг елка бошида ва оёқ тўпиқларида кўпроқ учрайди. Чиққан бўғин жойига қайтирилмаса, тузатилмаган синишдан кўра ёмонроқ ҳисобланади.

СУЯК ЧИҚҚАНЛИГИНИНГ УМУМИЙ БЕЛГИЛАРИ

Бўғинда одатдагидан ташқари пучайиш ва чуқур тушиш юз беради, масалаң, елка суяги ва бўксаси бўғини чиққанида бу ҳолат очиқ-ойдин кўриниб туради; бўйин бўғини [чиққандан] эса жуда аниқ кўринади. Солишириб кўриш буни яхши аниқлаб берувчи усулдир: зарарланган бўғинни бошқа кишининг эмас, худди ўша беморнинг бошқа шу каби соғлом бўғини билан солишириб кўрилади. Касалланган бўғин ҳаракат қилолмаса, батамом чиққанлигига ҳукм қилинади. Агар у турли томонга қараб ҳаракат қилиб, [илгари] етадиган жойларига ета олса, унда чиқишига алоқадор касаллик бўлмайди.

[БЎҒИНДА] СИЛЖИШ БУЛГАНЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Бунда бўғиннинг бир томони дўнг бўлиши билан бирга, [бошқа томонида] чуқурлик кўринади; худди шундай [соғлом] бўғинда бу хил дўнглик сезилмайди. Бироқ, шу билан бирга, бу бўғин айрим ҳаракатларни қила олади.

БҮГИННИНГ ЖОИИДАН ЧИҚМАЙ УЗУНЛИГИ ОРТГАНЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Бунинг белгилари шуки, бўғин осилиб турғанга ўхшаб қолади, уни биритирилса осонлик билан ўзининг табиий чегарасига қайтади, қўйиб юборилса, яна кейинги узунлигига чўзилади. Агар бу ҳолат елка каби камгўшт жойда воқе бўлса, бармоқ кира оладиган чуқурча ҳосил бўлади.

СИЛЖИГАН ВА ЧИҚҚАН БҮГИННИ ДАВОЛАШ

Табиб учратадиган чиқиш ё танҳо ўзи бўлади, ёки яра, жароҳат, шиш ва бошқа хил касалликлар билан қўшилган бўлади. Чиқиш бошқа касалликлар билан бирга қўшилиб келганда қараб кўрилади: агар у чидаб бўлмайдиган, шиш туғдирувчи қаттиқ оғриқни қўзғатмайдиган енгил тортиш билан жойига қайтадиган бўлса, қайтарилади; агар иш бунинг аксича бўлса, айниқса, бу ҳолат катта бўғинларда учраса, аввало, яра ёки жароҳатни, кейин чиққан бўғинни даволанади. Чунки биз [аввало] чиққан бўғинни даволасак, айниқса, чиқиш бошқарувчи аъзоларга яқин бўлса, зўр тиришишга олиб боради. Чиқиш шишлар билан бирга келганда ҳам аҳвол шундай бўлади. Чиқишни даволаш тадбирини қўллашда синаб кўрилади: агар иш осон ёки оғриқ қўзғатмайдиган бўлиб, чиққан бўғинни жойига қайтариш қийин бўлмаса, уни бемалол ўз жойига қайтара берамиз; агар оғриқ қўзғатадиган бўлса, унга тегмаслик керак. Қайтариш тадбири амалга оширилган бўлиб, бойлоқ оғриётган бўлса, уни ечиб ташлашимиз лозим. Агар бўғин осонлик билан жойига кирса, кейин шишни ҳам, ярани ҳам даволаймиз.

Синиш ва чиқиш биргалашиб келса ва бир томонга тортиш иккаласи учун ҳам тадбир бўла олса, шундай қилинади. Бир олим шундай ҳикоя қиласи: бир кишининг елкаси қиррасига тош тушиб, тери ва этни йиртган, ҳатто юқори билакнинг боши яланғоч бўлиб, кўриниб қолган, ўмров суюгининг боши [билак суюги учининг] тагидан чиқиб кетган; қандайдир билимсиз табиб суюкни тўғрилаш билан шуғулланиб, эт ва тери-сини суюк устига қайтарган ва устидан суюқ суртма қўйиб боғлаган, шунда эт сасиб, ёнидаги суюкни ҳам бузган, у ҳатто кўкарган; у билимсиз бундай этни кесиб ташлаш ва у жойни қайноқ зайдун ёғи билан доғлаш кераклигини билмаган.

Шунингдек, чиққан жойда катта шиш бўлса, аввалио, шишни даволаш керак. Аммо холис ва содда ҳолдаги чиқишига келганда, уни тузатиш тадбири қўйидагича: бир сүякнинг боши иккинчи сүякнинг бошига тўғри бўлганича бўғинни чиққан жойига қарши томонга қараб тортилади, кейин уни чиққан жойга қайтарилади, шунда у тушади; буни, кўпинч, [шиқиллаб] чиққан товшдан билинади. Кейин боғлаб қўйилади; боғлаб қўйиш шишишдан сақлайди ёки шишмасликка ёрдам беради. Катта шишининг олдини олиш зарурати кучлироқдир, шунинг учун чиқиши ўмров суягида ва қайси аъзода бўлса ҳам, уни жойига қайтариш шишни даволаб тўхтатилгандан кейингина мумкин. Чиққан аъзога қуруқ латтанинг тегиб туриши яхши бўлмайди, чунки у шишини қизитиб қўзғатади; аксинча, латтани совутилган мумли суртма ёки тахир шароб билан ҳўллаш қерак. Буқрот мана шундай тавсия қилган: «Чиққан бўғинни тортиб жойига қайтариш, айрим ҳолларни мустасно қилганда, учинчи ва тўртинчи кунга қолдирилсин». Силжиган бўғинни жойига қайтаришда ҳам шундай қилиш керак; кейин боғлаб қўйилади.

Жойидан чиққан аъзо ҳар бир ҳаракатда чиқиб кета берадиган бўлиб, жойига қайтарилганда яна қайтиб чиқа берса, бу бўшашиш ва рутубат сабаблидир; бундай ҳолларда доғлаш керак. Чиққан ёки тойған бўғин суягини солгандан кейин шишга ўҳшаш қаттиқлик қолса, юмшатувчи қуюқ суртмалар ва қўйиладиган дорилар ишлатилади; аммо бошлангич пайтда кучайтирувчи қуюқ суртмаларга ва қўйиладиган дориларга эҳтиёж тушади. Қўйиладиган дориларни, албатта, бойлоқ устидан қувиш яхшироқ. Қишида кучли ёғлардан бирини иситиб қўйилади; ёзда эса асални совуқ сувга қўшиб қўйилади.

Бўғин чиққан кишиларни кучайтирувчи нарсалар билан овқатлантириш керак, бундай овқат бўғинни маҳкаммалайди ва унинг бирикишини керакли даражада ушлаб туради.

СИНИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Синиш сүякка хос узлуксизликнинг бузилиши бўлиб, шу сабабли гоҳо сүяқда ажралиш воқе бўлади. Майда бўлакларга айланиб кетган [синишини] мажақланиш деб аталади. Баъзан ажралиш воқе бўлмайди ва бундай синиш гоҳо текис ва гоҳо тармоқли бўлади. Текиси

баъзан сүякнинг энига, баъзан узунасига воқе бўлади. Энига воқе бўлгани гоҳо аниқ билиниб туради ва баъзан аниқ билинмайди. Узунасига воқе бўлгани, яъни ёрилиш ва дарз кетиш аниқ билинмайди.

Бир гуруҳ табиблар сүяк синиш турларини бир қанча исмлар билан атаб, сүяк энига ва чуқурлигига қараб каттароқ синса, «турп [синиши] симон», «таррак [синиши] симон» ва «новда [синиши] симон», синган сүяк бўлаклари жуда майдаланиб кетса, «толқонсимон», «ёрмадонсимон» ва «ёнгоқсимон» дейдилар. Синиш узунасига кетса, «тарам-тарам синиш», узунасига синиш билан бирга энига очилса, «янги ойсимон» ва «новда синишисимон» деб атайдилар.

Сүяк бутунлай синганида, [ажралган] икки бўлаги табиий узлуксизлик [ҳолатидагидек] керакли даражада бир-бирига рўбарў бўлиб турмайди, балки, албатта, рўбарўлиги йўқолади. Шунингдек, силжиганлик сабабли сүякни ўраб турган пардаларда ва этда шубҳасиз санчилиш юз бериб, кетидан шиш келиб чиқадиган оғриқ пайдо бўлади.

Синган сүякнинг ажралиши даврали бўлиб, майда сүяк бўлаклари бўлмаса, аъзо осонлик билан қимирламайди. Синган аъзонинг сиртга мойил бўлиб қолиши, Букротнинг айтишича, ичкарига мойил бўлишидан кўра яхшироқдир. Чунки ичкари томонда синган жойга дуч келадиган асаблар кўп бўлиб, улар оғритади. Синиш бўғин олдида воқе бўлиб, пардалар ва бўғинларнинг бошини ўз ичига олиб турган сүяк чуқурчаларининг чеккалари ва чуқурликлари мажақланса, бўғин чиқишига мойил бўлиб қолади. Синиш бўғин олдида воқе бўлиб, кейин тузалиб битса, қаттиқлик сабабли бўғин ҳаракати қийинлашиб қолади: у ерда пайдо бўлган қадоқ юмшагунича кўп вақт керак бўлади. Кичик сүякли бўғинларда синиш воқе бўлганда, у бўғин ҳаракати жуда ҳам қийинлашади. Тўпиқ бўғини каби жуда тор яратилган бўғинда ҳам шундай бўлади.

Айланасига синиб, кейин қийшайиб қолган [сүяк]-нинг бирикиб битиши жуда қийин бўлади, чунки уни жуда узоқ муддат давомида яхшилаб мослаб боғлаб қўйилмаса, бирикмайди. Бундай бемор, биз келгусида баён қилишимизга мувофиқ, шундай ҳолатлар учун қон тайёрлайдиган овқатлар ва дориларни истеъмол килсин.

Сүяк синишининг энг ёмони, айтиб ўтганимиздек, сиртга қараб эмас, ичга қараб синганидир. Илик узи-

лашиб ҳалокатлидир, дейиш бемаъни сўзdir, чунки илик эриб турган юмшоқ ва ёпишқоқ нарса бўлиб, узилмайди.

Гоҳо синиш билан бирга жароҳат, қон кетиш, шиш ва синган жой атрофидаги этнинг эзилиши каби ёмон ҳолатлар юз беради; [эт эзилганда] унинг чиришига тўсқинлик қиласиган нарса билан тадбир қўлланилмаса ёки тилиб қўйилмаса, ундан қорасон пайдо бўлади.

Катта ёшли кишиларнинг синган жойини оғриқдан, синдирувчи сабабнинг келиб тушган жойидан ва қўл билан ушлаб кўриш орқали билинади. Кичик ёшлиларники эса оғриқ, шиш ва қизаришдан маълум бўлади.

ТУЗАЛИБ БИТИШ ВА БУНИНГ ЗИДДИ ҲАҚИДАГИ ХУҚМЛАР

Синган суякларни ўз [асл] вазиятларига қайтарилса, болалар ва уларга яқин ёшли кишиларда дастлабки кувват сақланиши сабабли уларнинг битиб кетиши мумкин. Аммо йигитлик ва ундан кейинги ёшдаги кишиларда битиб кетмайди, балки мисгарлар мис ва бошқа нарсани бириктиришда ишлатадиган қалай ва қўрғошин кавшардек, иккига ажралган суяклар устидан [ҳам] суяқ қадогидан иборат кавшар ўтиб, уларни бир-бирига қўшиб туради.

Суяклар ичida энг қийин битадигани билак, ундан кейин юқори билак суягидир. Умров суяги ичкарига қараб синганда уни тузатиш қийин. Билак синганида уларнинг энг ёмони, чиқиш бобида айтилганидек, қуйиси-нинг синишидир. Сон ва поча суяги синишига келганда, буларни [тузатиш] осон, чунки битиши уларнинг ёзилишига тўсқинлик қилмайди.

Синган суяклар турли муддатда бирикади, чунончи, бурун суяги ўн кунда, қовурға суяги йигирма кунда, билак ва унга яқин жойлар суяги ўттиз кундан қирқ кунгача, сон суяги эллик кунда бирикади. Баъзан битиши муддати бундан ҳам узоққа чўзилиб, ҳатто, сон суягининг бирикиши уч ойга ёки тўрт ой ва ундан ҳам кўпроқ муддатга чўзилади. Синган суяқ хато битгандан аъзонинг қоринга мойил бўлиб қолиши орқага мойил бўлиб, оғирроқ бўлиб қолишидан кўра яхшироқдир.

Қуйиладиган дориларнинг кўп ишлатилиши, боғичларни кўп ечиб боғлаш, шошилиб ҳаракат қилдириш ёки бадандада умуман қон камлиги, ёки ёпишқоқ қоннинг камлиги синган суякни битишга қўймайдиган сабаблардир. Шунинг учун сафроси кўп кишиларда ва ка-

саллиқдан янги турғанларда синган сүякнинг бирикини кам учрайди.

Синган жойдан қон силжиб кўриниши сүякнинг битганлигига далолат қиласидиган нарсалардандир. Табиат синган жойга кўплаб қон йўналтираётганлиги сабабли гёйе у ортиқчалиги учун ҳайдалиб чиқарилаётган бўлади.

СИНГАН СУЯКНИ БИРИКТИРИШ ВА БОҒЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Бириктириш қоидаси аъзони керакли миқдорда тортишдан иборат; кўп тортиш тириштиради, алам беради ва бундан иситмалар пайдо бўлади; баъзан бунда бўшашиш юз беради. Ҳўл баданлар тортишга мувофиқ бўлганликлари учун уларда [кўп тортишнинг] зарари камроқ. [Кераклигидан] кам тортиш яхши битиб бирикишга тўсқинлик қиласиди, бу қоида чиқишга ҳам, синишга ҳам баробардир.

Лозим бўлган усулда тортилганда, иккала сүякни тўғри вазиятга келтириб керакли миқдорда латталар қўйиб боғланади, устидан тахтакачлар қўйиб, боғичлар билан боғланади. У аъзони иложи борича ҳаракат қилдирмай тинч қўйиш керак; лекин бирор офат ва шиш бўлмаса, аъзо табиати ўлиб колмаслиги учун гоҳо-гоҳо кўтара оладиган миқдорда ҳаракат қилдириб турилсин.

Синганда ҳам, чиққанда ҳам тортиб боғланганда қаттиқ оғритишдан сақланиш керак. Қаттиқ боғлаб қўйиши, боғични кечиктириб ечиш ва бунга кам эътибор беришдан кўпинча ўша аъзо ўлиб чирийди ва уни кесиб ташлашга тўғри келади.

Бош сүягига ўхшаш бўлмаган сүяклар синганида уларни бириктиришдан аксари кутилган мақсад сүяқ қадоги [душбуз] пайдо бўлишидир; чунки бош сүякларида қадоқ унмайди. Қадоқнинг қуруқ ва кам бўлмаслиги, шунингдек, кўп қалин, керагидан ортиқ пайдо бўлмаслиги учун чора кўриб туриш керак. Маълумки, у нарсанинг ҳажми аъзога ва синиқнинг катталик ёки кўплик миқдорига ёки кичик ва озлигига қараб турлича бўлади. Бу ҳақда нима қилиш зарурлигини бундай касалларни овқатлантириш ва синган аъзони боғлаб қўйиш баён қилинган жойда батафсил биласан.

Қадоқ пайдо бўлиш олдида уринтирадиган ҳаракатларни ва жинсий алоқани тарқ қилиш, фазабланмаслик ва аччиғланмаслик лозим, чунки булар қонни суюлтиради; [касал] иссиқ жойда эмас, салқин жойда турсин. Бир қадар ҳаракати ва ёпиштириш хусусияти бўлган

буриштирувчи кучли суртмалар таркибига арча ууруғи, сарв ёнғоғи, катиро ва дабба касаллиги дориларини қўшиб [ишлатилади].

Синган жойда битиш деярли юз бермаганда тузалмайдиган яраларда ишлатиладиган қиришга ўхшаш тадбир қўлланилади, бунинг учун [синган жойни] то бирор нарса деб аташга арзимайдиган бекорчи, кучсиз ёпишқоқ [рутубат] чиққунича икки қўл билан қашланади, шунда синган жой қизиб, унга янги қон ҳайдалиб бориб, унинг устида кучли қадоқ вужудга келади. Қўпинча, суяқ рангининг ўзгариши ва унинг усти пўстлоқланиб танга-танга бўлиши қашлаш тадбирини қўллашни тақозо этади. Бу хил синганга таҳтакачлар қўйилмасин, балки агар зарур бўлса, яхшилаб боғлаб қўйиш билан чекланилсин.

Синиш ва жароҳат биргалашиб содир бўлса, жароҳат тузалгунича синганга қарши тадбир қўлламай туриш мумкин эмас, чунки суяқ қаттиқлашиб қийналиш, кучли тортиш ва зўр оғриқлардан кейин қийинлик билан тузалади. Шу билан бирга, жароҳатда оғриқ ва хатарли шишлир бўлса, бундай ҳолларда синган жойнинг эгри бўлиб қолиши катта хавф-хатар пайдо бўлишидан кўра яхшироқ; [шунинг учун] бу хил синишни тузатишда ҳаддан ортиқ тадбир қўлламаслик керак.

Синиш билан бирга [эт ҳам] эзилса, бундан ўша аъзонинг ейилиши хавфи туғилади; шунда қон чиқиб кетсин учун эзилган жойни тилиш керак, чунки бунда аъзонинг ўлиш хавфи бор. Қон тўхтамасдан чиқаберса, уни тўхтатиш лозим.

[Синишга] шиш ва жароҳат оғати қўшилса, аъзони даволашда лозим бўлмаган тадбирни қўллашга эҳтиёж тушиб, касалнинг томиридан қон олинади, сурги қилдирлади ва унга енгил овқат берилади.

Баъзан синган жойни [доимо] боғлаб қўя беришдан қичима пайдо бўлиб, ечишга ёки қичитаётган рутубатларни тарқатгунича ўша аъзога иссиқ сув қўйишга эҳтиёж туғилади. Буқрот синган суягига тадбир қўлланилаётган кишига шу вақтда бир оз ҳарбақ шимиб туришни буюради; бундан мақсад моддаларни ичга тортишdir. Жолинус эса бундан қўрқади ва у дарахт пўкагини ичишга, агар зарурат бўлса, ичидаги ҳарбақ қуввати бўлган сиканжубиндан бир оз истеъмол қилишга буюради ва у [ҳарбақ шимдириш] Буқрот замонида бўлган, дейди. Жолинус бу икки замонни ажратиши ажабланарлидир.

Синган [сүяк]ни жойига қайтарсанг-у, у оғриб бетоқат қилса, бунда, тадбирни тарк қилиб, жойига қайтарилган сүякни чиқариш тұғрироқ. Құпинча, бу билан касални оғриқлардан тинчтігандан бўласан.

Сүяк узунасига синганда уни ичкари томонга мойил қилиб, қаттиқ босиб, аъзони бошқа ҳоллардагидан қаттиқроқ боғлаб қўйиш кифоя қилади. Аммо синиш [сүяк] энига қараб бўлганда иккала сүякни иложи борича тўғри вазиятга қўйиш, соғлом қисмлар вазиятини зарда тутиб, бу сүяк вазиятининг ўзига ўхшаш [бошқа] сүяк вазиятига баробар эканлигига эътибор бериш лозим, кейин тахтакачлаб қўйиш керак. Бу ерда бир қанча нарсаларга, шу жумладан, майда сүяк бўлаклари, ўсиқлари ва кемтиқ жойларига ҳам эътибор бериш зарур.

Сүякнинг майда бўлакларини [ўз жойига] мослаштирилмаса, улар бирикишга тўсқинлик қилади; агар улар синса, синган сүякнинг иккала учи орасида туриб, уларнинг бир-бири билан бирикишига қўймайди ёки улар сурилиб, доимо сариқ сув йиғилиб турадиган бўшлиқ қолдиради, натижада бу сувда майда бўлакчаларнинг ўзи чириб, аъзони ҳам чиритади. Кейин [сүяк] пишиқ бирикмайди, чунки пишиқ бирикиш майда бўлакчалар ва ўсиқлар ўз жойларига мослашиб киргандагина ҳосил бўлади.

Демак, шу пайтда қўл, арқон ёки бошқа қуроллар ёрдамида мумкин қадар [оралиқни] узоқлатиб тортиши зарур. Шунда иккала сүяк ўртасида, ўсиқлар ўртасида ва [бир-бирига] дуч келадиган ўтиш йўллари ўртасида рўбарўлик тўғри келиб, сүяк дуруст битади. Сүякни тортиби рўбарў қилганингда тўғри бўлганини кўрсанг, қийшайтириб қўймаслик учун, рўбарўликни кўзда тутган ҳолда тортишни оҳиста-оҳиста бўшаштиришинг керак. Сүяклар [жой-жойига] мослашиб киргач, мосланиш ҳолатини қўлинг билан текшириб кўрасан, агар дўнглик ёки бошқа [камчилик] учратсанг, уни қўлинг билан тузатасан; шундан кейин аъзони ҳаракатсиз тинч сақлайдиган қилиб боғлаб қўйишинг лозим. Боғлаш қаттиқ бўлмасин, бу жуда оғритади; бўш ҳам бўлмасин — бу аъзони ушлаб туролмайди; «ишининг яхиси ўртачасидир».

[Сүяк] қийшайған жойга бойлоқни қаттиқроқ боғлаш керак. Агар сүяк бутунлай синса, уни ҳамма томондан текислаб боғлаш лозим. Агар синиш билан бирга сүяк бўлаклари ва майда парчалари бўлиб, улар алам

бериб оғритса, уларни тузатишга кириш, оғритмаса, парво қилма ва тегма. Агар, масалан, қисирлаётган то-вуш эшитилса, уларни қадоқ ўраб олишига умид қили-нади; бундай умид бўлмаганида уларни эътиборсиз қолдирмаслик керак.

Майда суяк бўлакчалари этни йиртиб чиқиб қолса, билимсиз табиблар қилгани сингари йиртилган жойни кенгайтириш билан шугулланиш керак эмас. Лекин иккала суякни қийшайтирмай жуда тўғри вазиятда икки томонга тортиш лозим; бундай пайтда қийшайти-риш зўр офатга сабаб бўлади. Суякларни тортгандан кейин [туртиб чиқсан] суяк бўлакчасига эътибор бе-риб, уни жойига қайтариб боғлаб қўйиш керак; қайт-маган тақдирда [этдаги] йиртиқ кенгайтирилмасин, балки керакли миқдорда намат парча ҳозирлаб, ўша суяк синиги кирадиган миқдорда уни тешилсин ва шу наматча катталигидаги ва унинг тешигидек тешикка эга бўлган юмшоқ терини наматча устидан қўйилсин ва суяк синиги шу тешикка киргизилсин. Тери билан наматни суяк парчасини тешикдан чиқарадиган қилиб, тагига етказиб босиб қўйилсин; кейин суякни жарроҳ-лар ишлатадиган арра билан арралаб ташлансин, бу арра тароқчилар арраси сингари ингичка ва ўткир бў-лади.

Баъзан ажратиб олиниши зарур бўлган суяк синиги турган жойни қамраб оладиган қилиб парма билан ту-таш тешиклар очилади. Бу хил кавлаш суяк орқасида муҳим жисм [аъзо] бўлса, хавфсиз бўлмайди, шу билан бирга, парма юлиб олиш ва кесиш орқали [аъзони] қўзратиб тебратадиган қуроллардан кўра бехавотирроқ-дир. Баъзан пармани маълум миқдордан нарига ўтишга қўймайдиган бирор маъдандан тўсиқ [fov] қилиб ишлатилади; бу пайтда унинг тебратувчи қуроллардан кўра зарари жуда кам бўлади. Шунинг учун шикаста-банд табиблар олдида шу хил парманинг кўп турлари тайёр туриши керак.

Баъзан синиқ суяк кўринмаса ҳам, албатта, сариқ сув оқиб туради, бундан синиқ суяк борлигига далил ол. Сариқ сувга қарши қуритувчи ва тўхтатувчи нарса-лар билан даво қил, сўнгра керакли тадбирни қўлла.

Агар суяк синиги ёки бўлакчаси ажралиб, мушакка санчилиб оғритса, уни ёриб очищдан ва чиқариладиган суякни чиқариб арралаш зарур бўлганини арралашдан бошқа чора йўқ. Синган суяк кўп уваланувчи бўлиб, унинг синиқ ва увоқлари ҳам кўп бўлса, бундай [суяк-

ни] бутунлай чиқариб ташлаш зарур. Агар синиқ увалинишсиз бўлса, унинг ўрилиб ёрилгани катта жойни өгалласа, энг кўп заарланган жойни кесиб ташла, қолганини қўя бер, чунки бу заарсиз, балки ҳаммасини кесишида зарар каттароқдир.

ШИКАСТАБАНД ТАБИБ УЧУН ҚЕРАҚЛИ ТАВСИЯЛАР

Шикастабанд синган сүякнинг қийшайганини диққат билан текшириши керак. У қийшайган томонида дўнглик, қарши томонида чуқурлик учратади; кўпинча, буни қўл билан ушлаб билинади. Шунингдек, оғриқ букилган томонда қаттиқ бўлади, сүякнинг қисирлаши ҳам шунга долалат қиласди. Демак, [букилганликни] шулардан аниқланади.

Шикастабанд синган жой устидан юқори ва қўйига қараб аста-секин қўлинни бир неча марта юргизиши керак; шунда у чуқурлик ёки дўнглик, ёки сүяк синифини сезса, бехудага иккинчи марта боғламаслик учун уни белгилаб қўяди. Бефойда боғланганида бузилиш ёки оғриқ пайдо бўлади. Тўла тузалмагунча синган жойнинг кўзга текис кўриниши билан алданиш керак эмас, чунки бузуқлик ва қийшиқликни кўпинча шиш беркитиб туради.

Шикастабанд синган сүякни текшириш натижасида аниқласаки, уни охирiga етказиб тузатмаганида у аъзо хунук бўлиб қоладиган бўлса, охирiga етказиб тузатганида эса, тиришиш ва даволаниши қийин иситмага олиб борса, шунда, яхшиси, уни ўз ҳолига қўйиш ва тегмаслик керак. Агар уни тузатишга киришса, лекин синган сүяк бўйсунмай ўз жойига ўтмаса, ҳеч маҳал уни зўрлаб киргизиб қўполлик қилмаслиги керак: агар шундай қиласа, касални сүякнинг нотўғри битишидан кўра оғирроқ аҳволга қўяди.

Синган сүякни қайтариб тузатганда жуда оғриса ва табиб сүякни қайтадан синган ҳолига қайтариши мумкин бўлса, бу касал учун ором ва зўр роҳат келтиради.

Шикастабанд синганин ўша куннинг ўзида тузатиб тахтакачлаб қўйишга шошилиши керак. Чунки муддат қанча узайса, жойига кириши шунча қийин бўлиб, унда, айниқса, сон сяяги каби мушак ва кўп асаблар ўраб турган сүякда оғатлар кўпаяди. Синган сүякни тез тузалишига айтиб ўтилган секин тузалиш воситаларига зид воситалар орқали ёрдам бериш керак. Бу воситаларнинг энг яхшиси ёпишқоқ қонни кўпайтиришдир.

ТУЗАТИЛГАН АЪЗОНИНГ ВАЗИЯТИ

Ҳар бир тузатилган аъзо уни оғришига қўймайдиган мувофиқ вазиятга қўйилиши керак. Бунинг учун энг яхши вазият табиий бўлган томонга, масалан, қўлви бурчак қилиб букиб, оёқни узатиб қўйишдир; бунда касалнинг одатига ҳам эътибор берилсин. Осиб қўйилиши зарур бўлган аъзони тўғри осиб қўйиш лозим бўлганидек, ҳолати осмасликни тақозо қиласидиган аъзо баъзи жойи осилиб, баъзи жойи тиралиб қолмаслиги учун текис нарса устига суюниб жойланishi керак. Бирор нарса монелик қилмагандай ҳар бир синган аъзони юқори томонга кўтариб қўйиш мувофиқ бўлганидек, уни осиб қўйиш ёмондир. Синган аъзони керагидан юқорироқ ёки пастроқ вазиятга қўйилмоқчи бўлганда осиб қўйиш ва вазият тақозосига қараб уни этиб букилсин.

БОГИЧ ВА БОЙЛОҚЛАР ҚАНДАЙ БУЛИШИ ҚЕРАК

Богич латталари тоза бўлиши керак, кир бўлса, қотиб оғритади, шунингдек, устидан қўйиладиган нарса ўтсин учун юпқа ва оғриб турган аъзога оғирлик қилмаслиги учун енгил ҳам бўлиши керак. Богич боғланганда соғлом жойдан ҳам бир оз қўшиб боғлаш лозим, чунки бу синган суюкни тойиб кетишдан яхшироқ сақлайди ва пишикроқ ушлаб туради; бироқ бунда ҳаддан ташқари кўп жойни қўшмаслик керак, аks ҳолда тери тешиклари торайиб аъзо озиқланишга қобилиятсиз бўлиб қолади. Шунингдек, биз тавсия қилган жойдан боғлаш касал аъзога қўйиладиган рутубатни узоқроқча сиқиб ҳайдайди ва унга сизиб келадиган рутубатга тўсқинлик қиласди.

[Синган суюқ] учун энлик богич ишлатиш яхшироқ, бу ёпишиброқ туради ва кенгроқ жойни олади; бироқ ҳар бир аъзода имкониятга қараб энлик богич ишлатиш яхшироқ: қўлга ишлатиш мумкин бўлган энлик богични кўкракка ишлатиб бўлмайди. [Умуман] кенг бўлмаган аъзоларда энлик богич ишлатиш мумкин эмас; энлик богич ишлатилганда бундай аъзода яхши ўрнашмайди. Шунинг учун бундай аъзоларда кенглиги уч энликдан тўрт энликкача бўлган богич билан чекланиш керак. Бу аъзолар — билак, ўмров суюги ва шуларга ўхшашлардир; буларга энлик богич ишлатишнинг иложи йўқ, ҳатто ингичка богич ишлатилмаса, боғлаш ҳам мумкин эмас. Ўмров суюгига кенг богич ўрнашмайди, бундай ҳолларда энлик богич ўрнига [ингичка] богични кўпроқ

айлантриб ўраш керак бўлади. Ўраб айлантриладиган боғичнинг кенглиги уч ёки тўрт энлик, узунлиги эса уч газ бўлса кифоя қиласи.

Латта парча [бойлоқ]ларни боғичларнинг ёпишиб туриши учун ишлатилади, уларни ишлатиш икки турли бўлади. Биринчисидан кўзда тутилган мақсад ўша [синган] аъзони текислашдир; бунда бойлоқнинг ҳар бир [айланган] тоқаси оралигига очиқ жой қолмаслигига, тоқалари бетараф йиғилиб қолмаслигига ва очиқ жойларни беркитиб юборишга ҳаракат қиласи. Иккинчисидан кўзда тутилган мақсад боғичларни устидан беркитиб, аъзони иккинчи марта текислашдир; шунда боғич текис айланниб ёпишида ва бир жойи қаттиқ, бир жойи бўш бўлиб қолмайди. Булар устидан тахтакачлар ҳам яхши ёпишиб туради. Демак, [бойлоқларнинг] аввалгиси, боғичларнинг иккинчиси эса тахтакачларнинг ёпишиб туриши учундир. Тагидаги боғич моддаларни ушлаб туради, иккинчиси букилиб қолишга тўсқинлик қиласи. Бойлоқларнинг тоқалари боғич қаттиқ айландиган жойда кўп бўлиши, мумкин бўлган жойда ўша аъзо айланаси тарафига қараб ўралиши керак; бойлоқларнинг сони ана шу [айланиш] миқдорига қараб бўлиши керак. Баъзан майдо бойлоқлар ишлатишга эҳтиёж тушиб, уларнинг устидан синган жойга боғландиган боғич узунлигига қараб текис беркитиб турдиган бошқа бойлоқлар қўйилади.

«Икки юзлик» ва «икки бошлик» деб аталадиган боғич мана шундай ишлатилади: касал жойни текис сақлаб турадиган латта боғичнинг ўртаси касалланган жой устига қўйилади; касалланган жой латта боғичнинг қоқ иккига бўлинадиган жойига тўғри келади. Кейин латта боғичнинг икки бўлагидан ҳар бирини қарши томонга қараб тортиб, машҳур тартибга мувофиқ икки қўл билан ўралади; буни тафсирлашга эҳтиёж йўқ.

БОҒЛАШ УСУЛИНИНГ МУФАССАЛ БАЁНИ

Боғланганда синган жойдан бошлаб, синган жойнинг катталашган муҳим ерига қараб [борилади], шу ерни жуда маҳкам қилиб боғланади. Қанчалик кўп синган бўлса, шунчалик маҳкам боғлаш керак. Қисқаси, синган ҳамда модда ҳайдалиши ва вазияти сақланиши зарур бўлган жойдан бошлаб боғланади. Шу билан [синган жойнинг] шишиб кетишидан қутилинади, балки кўпинча, шишиб тарқалиб ҳам кетади. Шишдан қутилиш

сабабли синган сүякнинг чиришидан ҳам сақланилади. Шу билан бирга, агар сүякнинг ўзида сариқ сув пайдо бўлиб, иликкача борса ҳамда илик ва сүякни бузса, [боғлашнинг] бунга фойдаси тегмайди ва [сүякни] синдириб ажратиб олишга, йиринг чиқиб кетиши учун йўл очишга тўғри келади. Шу қабилдаги [йирингни] кўпроқ [синган] жойнинг юқорисидан тушишидан сақланиш зарур. Шу билан бирга, юқори аъзолар заиф бўлганида қўйи аъзо ҳам ўзидаги чиқиндини уларга юборади.

Боғич ва тахтакачларни [аъзога] озиқ ва қон етишига тўсқинлик қиласиган даражада сиқиб боғлаш тўғри эмас; бу синган сүякнинг тузалишига тўсқинлик қиласиди. Буқрот боғичлар [ишлатиш]дан бўладиган шишни қайтаришни мўлжаллаганида думбул зайдун ёғи ва мум билан тайёрланган қайтарувчи мумли суртмалар суртиб ёрдамлашган. Шишга тўсқинлик қилсин учун, баъзан, боғичларни ҳаво ва сув билан билфеъл совутишга эҳтиёж жуғилади. Баъзан шишни бобуна ёғи ва буриштирувчи шароб кабилар билан тўхтатиш зарур бўлади, булар шишни тарқатади ва эъзони кучайтиради. Синган жойда яра бўлса, унга мумли суртма яқинлаштирилмасин! Баъзан мастаки ва қаврак елими қўшилган зайдун ёғи каби кучайтириш ва тарқатиш хусусиятига эга бўлган нарсага эҳтиёж туғилади. Хулоса, сүяк янги синган ва шишмаган бўлса, унга ишлатиладиган боғич каноп латтадан бўлиб шишни қайтариш учун со-вутилган бўлиши керак. Баъзан уни сув ва сирка билан ҳўллаш кифоя қиласиди. Гоҳо биз айтиб ўтган мумли суртма ва шунга ўҳшашлар ишлатилади. [Синган жой] шишгандан кейин боғланса, боғич шишни тарқатадиган ва юмшатадиган ёққа ботирилган юнгдан тайёрланган бўлиши яхшироқ. Ҳар қандай ҳолда ҳам мумли суртмани энг тагидаги боғич устига суртилади. Шунда, айниқса, табиб [боғични] доимо қўймасдан оғриқ пайдо бўлганида уни ечиб боғлаб тадбир қилиб турса, оғриқ қўзғалишидан сақланилади. Мумли суртмани, айниқса, синган жойда яра бор бўлса, ишлатиш керак эмас; ишлатилганда, кўпинча, аъзонинг чиришига сабаб бўлади; унинг ўрнига қора шароб ишлатилади.

Сүяк турлича синганда, кўпинча, унда яра пайдо бўлади. Шунинг учун ундан мумли суртмани узоқлаштириш, буриштирувчи шароб ишлатиш билан чекланиш зарур; бу шароб билан [синган жойга] ўраладиган латтани ҳўлланади. Синган сүякка [қарши] ишлати-

ладиган суюқ суртмаларни биз алоҳида бир бобда баён қиласиз.

Керакли жойдан боғлашга бошлаганингда синган сүякнинг кўплигига қараб кўпроқ, озлигига қараб шундай қиласан; кейин боғични ўша [аввалги] бошланган жойга қайтариб, сўнг соғлом жойга етгунча ўраб борасан. Бу биринчи боғичдир. Сўнгра иккинчи боғични ҳозирлат ва уни синиқ сүяк устига икки ёки уч марта айлантириб, кейин оз-оздан бўшаштириб, [синган жойдан] қўйироққа тушир. Сўнгра учинчи боғични келтириб, [қўйидан] юқорига қараб шундай айлантириб ўра; шунда иккита [аввалги] боғич аъзодан чиқиндиларни ҳайдашга, тўғри тутишга ва [умуман] боғични боғлашдан кўзда тутилган мақсадга эришишга ёрдам беради. **Боғлаётганд** ҳар икки томонга ҳам ҳаддан ташқари кўп ўтиб кетма, бундай қилинса, аъзо томирлари тўсилиб, [у] озиқ ололмайди; баъзан у аъзо ишдан чиқади.

Гоҳо бу йўсунда боғланмай, балки [аввал] юқорига қараб боғлаб чиқиб, кейин қўйига тушилади. Сўнг қўйига қараб тушган боғичнинг энг қўйисидан бошлаб, юқорига қараб боғланган боғичнинг энг юқорисигача боғланади; гёй бу [учинчи] боғич аввалги иккитасини сақлаб тўради. Боғични синган жой [устига келганда] қаттиқроқ сиқилади. Бу икки боғичнинг биридан кутилган мақсад [маълум] аъзога модда тортилиши учун боғланадиган боғичдан кутилган мақсадга зиддир. Бунда аъзоронинг қўйисидан узоқроқчача оҳиста-оҳиста бўшаштириб борилади; бу олдинги боғичга қарама-қаршидир.

Бу боғичлар тахтакач тагидан боғланадиган боғичлардир; аммо тахтакачлар устидан ҳам боғич боғланади. Устидан боғланадиган боғичга келганда, у синган аъзорни ҳаракатсиз бир бутун бўлакка айлантириб қўядиган ва уни қимирлаш ва букилишга қўймайдиган бўлиши керак.

Суяк энига қараб тамоман синганда боғични текис ва бир хилда ўраб боғлаш лозим. Агар синиш бир томонга қараб кўпроқ мойил бўлса, бу новданинг синишига ўхшайди, кўпроқ синган томонни маҳкамроқ боғлаш керак. Боғичларни [мазкур] шаклларда биридан кейин иккинчисини алмаштириб боғлаш керак эмас, чунки бу тўғрилаб тузатилган [суяк] шаклини бузади ва, кўпинча, бу хил боғлашдан юз берадиган буралиб қолиш сабабли оғриқ туғдиради. Тириштирадиган қилиб боғлаш боғлаш турининг энг ёмонидир, чунки бу хилда қаттиқ

боғланса, оғриқ-пайдо қилади, бўш боғланса қийшайтиради.

Буқрот боғични бир кун ечиб; бир кун ечмасликни тўғри топади. шундай қилиш яхшироқ, чунки бунда **касал** [боғлашдан] қийналиб шикоят қилмайди ва зарурӣ суратда суюқ, азият берувчи рутубат келиб турган аъзони тимирскилаб қашина бермайди; бу рутубат кўлинча сариқ сувга айланади. Боғлаш айтиб ўтилган шартларга мувофиқ яхши бўлганлигини текшириб кўриш учун энг яхши вақт, [сингандан кейинги] ўнинчи ва йигирманчи кун атрофидаги вақтлардир; чунки маҳкамловчи суюқ қадоғи ана шу вақтда унишга бошлайди.

Кейин, суюқ сиркакка биринканда жуда қаттиқ боғлама ва боғланган жой қисилиб қолмаслиги учун уни [ечиб] шамоллатиб тур; қисиб қўйиш қадоққа ва унинг керакли миқдорда пайдо бўлишига тўсқинлик қилади; натижада қадоқ юпқа ва кучсиз бўлибгина пайдо бўлади. Бироқ, қадоқ вужудга келиб, керагидан ортиқ ва жуда ҳаддан ташқари катталашаётган бўлса, қаттиқ қилиб боғлаш унга тўсқинлик қиладиган [тадбирлардан] биридир; тўсқинлик қиладиган буриштирувчи [дори] ларни ишлатиш ҳам шундай, чунки булар озиқ [ўтиши] га тўсқинлик қилади ва қадоқни буриштиради, натижада унга озиқ ҳам ўтмайди. Боғични бевақт ечиб қўйиб, ором бераш ҳам яхши эмас.

ТАХТАКАЧЛАР ҚАНДАЙ БУЛИШИ ҚЕРАҚ

Тахтакач ясаладиган жисм қамиш, самбит ёғочи, анор ёғочи ва шуларга ўхшаш пишиқ, эгилувчан ва юмшоқ бўлиши керак; унинг энг йўғон жойи синган жойга икки томондан тегиб турадиган жойи бўлсин; тахтакачларнинг синган жойга ёки қаттиқ синган жойга тегиб турадиган биринчиси қалин, атрофдагилари юпқа-роқ бўлиши керак, [Тахтакачларнинг] четлари силлиқ бўлиб, [тагидаги] бойлоққа ботмасдан, текис туриши лозим. Тахтакачлар тўрт томондан қўйилса, бу эҳтиётлироқ бўлади. Агар улар ортиқроқ узун бўлса, ҳеч зарари йўқ, чунки бу зарар қилмайди. Тахтакач бир бўғин яқинидан бошлаб, иккинчи бўғингача қопласа, бўғиннинг ўзини беркитмаса ҳам зарари йўқ.

Тахтакачнинг узунроқ томони аъзонинг букилиб ҳаракат қиладиган томонида туради. У оғирлик қилмайдиган, қаттиқ босмайдиган ва қисмайдиган бўлсин; шунингдек, улар боғичлардан деярли қисқа бўлмасин,

акс ҳолда тахтакачлар [синган жойни] қисиб босиб қолади. Шундай ҳолатлардан биронтасини учратсанг, мўътадил даражага келгунича уларни қисқартириш. Тахтакачлар очилиб қолган, этсиз ҳамда асабли ва суюкли жойларга тегиб туриши керак эмас.

ТАХТАКАЧЛАРНИ ИШЛАТИШ УСУЛИНИНГ БАТАФСИЛ БАЕНИ

Тахтакачлар [суяк сингандан кейинги] бешинчи ва ундан кейинги кунлардан бошлаб то оғат етишидан хотиржам бўлинадиган кунларгача қўйилиши керак. Синган аъзо йўғонлаша борса, тахтакач қўйишни кечкитириш лозим; бунда шошиб тахтакач қўйиш, кўпинча, шиш, қичишиш ва сувли қаварчиқ каби оғатларни келтиради. Лекин тахтакач кейинга қолдирилганда, боғичлар билан яхшилаб боғлаш ва [аъзони] яхши вазиятга қўйишдан иборат тахтакач ўрнига ўтадиган тадбирларни қўллаш зарур. Агар бу мумкин бўлмаса, [синишнинг] дастлабки пайтидаёқ тахтакачлар қўйиш лозим.

Тахтакачлар боғич ва бойлоқларга уларни текис тутиб турадиган ҳолда ёпишиб бирикиб туриши, энг қалин жойи синиқ устига мос келиши, бироқ, уни қаттиқ босиб тўсиб қўймаслиги лозим; балки беморнинг ҳолатига қараб тахтакачни оз-оздан қаттиқроқ боғлайсан.

Агар боғич ва бойлоқлар билан тахтакач орасида кавак қоладиган бўлса, уларни кўп ўралмасин, чунки кавак қолганда бўш бойланади. Тахтакач устидан боғланадиган боғичларни тахтакачларни буралтириб ва мувофиқ вазиятини йўқотиб юборадиган қилиб боғламаслик керак. Боғичларни ихтиёрий равишда эмас, зарурат юзасидан дастлабки пайтда ҳар икки кунда, айниқса, қичишиш пайдо бўлган вақтда ечиб туриш лозим; бу пайтда биз [юқорида] буюрган тадбирларни амалга оширилади. Тахтакач боғланашдан етти кун ўтганлан небни ҳар тўрт ва бин кунда бир очиб турилади; чубини шу вақтда қичин ва шини пайдо бўлишидан ошириши бўлади. Озиқ ўтишига тўскиллик китмаслигин учун шунда боғични ҳом оғзине бўнсантирилади. Тахтакачларни йигирма кунгача счмай, боғлоқ ҳолида қўйин мумкин бўлса ва бу зарар қилмаса, уларни ечишмайди, лекин баъзи вақтларда бирбр аниқ сабаб бўймаса ҳам эҳтиёт [юзасидан] кимга бўлганини

билиш, очилиб қолган эт рангининг ўзгарганини ва ҳолатини кўриш учун очиб қаралади. Тахтакачни синган жойга озиқ етишига тўсқинлик қиласидиган қилиб боғламаслик кераклиги сенга маълум; чунки синиқ жой ўзига етиб турадиган қон ва кучли озиқ туфайлигина битади.

Синган суяк битганини кўрсанг ҳам, тахтакачларни олиб ташлашга шошилма; кўпинча, ҳали қадоқ маҳкамалашмай аъзо қийшиқ бўлиб қолади. Қерак бўлмаса ҳам, тахтакачни синган аъзо устида қолдириш уларни вақтидан олдин олиб ташлашдан кўра яхшироқдир; [уни олишга] шошилмай қўйиб қўй!





ИЧИРИЛАДИГАН ЗАҲАРЛАРДАН САҚЛANIШ ВА ҮЛАРГА ҚАРШИ ЧОРА ҚУРИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Уэзига заҳар ичирлишидан ҳавфсирайдиган киши анча нордон, шўр, ўтқир ёки ширин мазали овқатлар ва ҳиди ўтқир овқатлар [ейиш]дан сақланиши керак. Чунки [заҳар ичирмоқчи бўлган кишилар] ичирмоқчи бўлган заҳарларниң таъми ва ҳидини шу хил [овқатлар] орқали сингдирадилар. Жуда оч ёки қаттиқ ташна бўла туриб, шубҳали жойларга бормасликлари керак, чунки шу ҳар иккала [ҳолат] сезилиши зарур бўлган ҳавфни очқўзлик натижасида унуттириб юборади. Шу билан бирга, овқат ёб ва ичимлик ичиб, жуда тўйган кишига заҳар ичирлса, заҳарда икки ҳолат юз беради: бири, заҳар тўйиб [ейилган] овқат оралигига кўмилиб қолади, иккинчиси, томирлар тўлиб, заҳар уларга ўтишга йўл топмайди. Баъзан [заҳарланган овқатда] заҳарга қаршилик қиласидиган нарсанинг маъсай бўлади.

Шунингдек, бундай киши заҳар заарини қайтарадиган дориларни одат тариқасида ичиб юриши керак, масалан: *митридат*, — бунинг фойдаси тажрибада кўрилган, — ҳамда Рум лойидан қилинадиган маъжун, шунингдек, газагўт барғи билан бирга анжир, ёнғоқ ва йирик янчилган тузларни [истеъмол қилиши керак]. Буларнинг вазнларига келгандা, газагўтнинг қуриганидан йигирма бўлак, ёнғоқдан икки бўлак, туздан беш бўлак ва қуруқ анжирдан беш бўлак олинади. Парни ҳамда *бухо* барча заҳарларниң заарини қайтаришда ажойибdir. Мен бу иккаласи икки хил дори ёки битта дори экандигини аниқлай олмадим. Шунингдек, майда [хил] шолғом уруғидан бир ярим *дирҳами матбуҳ* шароби билан ичилади; туз билан газагўт ҳам шундай [таъсирга эга].

[Заҳарланишдан] хавотир бўлувчи киши [фақат] уни бошқа одам беради ва ичиради дебгина ўйламасин;

баъзан кутилмаган жойда заҳар ичиб қўйиш ҳам мумкин; гоҳо ҳатто қайнатилаётган [қозонга] ёки шароб солинган идишларга калтакесақ, қорақурт ва чаён каби ёмон нарсалар тушиб қолади. Чунки кўн ҳашаротлар шароб ҳидини яхши кўради ва унга тезда [ётиб] боради; гоҳо улар [шароб] идишларида ўлиб қолади, баъзан щаробни ичиб [идишга] қусади; шунинг учун уй шиплари, катта дараҳтлар тагидан ва серўт жойлардан эҳтиёт бўлиш керак.

ИЧИРИЛАДИГАН ЗАҲАРЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Заҳарлар икки турли; ўз кайфияти билан таъсир қилувчи ҳамда ўз сурати ва бутун жавҳари билан таъсир қилувчи бўлади.

Биринчи хил [заҳарлар] «денгиз қуёни» каби ўйиб еб, чиритувчи ёки фарфюн каби қиздириб алангалантирувчи, ёки афюн каби совутиб увштирувчи, ёки куйдирилган қўргошин каби бадандаги нафас йўлларини тўсувчи бўлади.

Бутун жавҳари билан таъсир қилувчи заҳарга келсақ, бунга аконит ёки ҳалҳал, — буни аконитнинг ёки қурун ус-сунбулнинг, ёки шунга ўхшаш бошқа бирон нарсанинг елими дейдилар, — ёки қоплоннинг ўти ва шуларга ўхшаш нарсалар мисол бўлади. Бу заҳарларнинг энг ёмонидир. Шунингдек, баъзи заҳарлар бир аъзонинг ўзига, масалан, олакуланг — қовуқча, «денгиз қуёни» — ўпкага таъсир қиласи; баъзилари эса афюн каби бутун баданга таъсир қиласи.

Заҳарнинг [инсон] мизожини ўзгартириши, бирор аъзони чиритиши ғана таъсир қўрсатиши тўғрисида гапирилганда, унинг бирон муддатдан кейин таъсир қилиши мумкинлиги [кўзда тутилади], шу билан бирга, саситиб чиритувчи заҳар баданда қанча кўп қолса, таъсири [шунчалик] ёмонроқ бўлади. Бундан терлаш ва бошқа шунга ўхшаш тадбир билан [заҳарни] ва ундан келиб чиқсан нарсани эритиб тарқатиб юбориш орқали ёки унга қарши даво қилиш билан қутилиб қолинади.

Билгинки, увштирувчи заҳарлар иссиқ мизожли баданларга бир жиҳатдан жуда кучсиз ва бошқа жиҳатдан жуда кучли зарар қиласи; қайси жиҳат ғолиб бўлса, хўкм ўшанда бўлади. Юрак иссиқ мизожли бўл-

ганидан [бундай заҳарларга] қарши туради; демак, уларнинг таъсири [юракка] жуда кучсиз бўлади.

Бироқ иссиқ бадан [заҳарнинг] совуқ оғир жавҳарини суюлтиради, артериялар эса ўзининг кучли ҳаракати билан уни әргаштириб, сиқилган пайтларида торади; шу сабабли [бу хил заҳар] иссиқ баданларга кўпроқ зарар етказади, бунинг устига [бу заҳарлар] бадан мизожига зид бўлади.

Иссиқ [мизожли] заҳарлар ҳақидаги сўз ҳам шу [юқоридаги] сўздан иборат бўлса керак, чунки иссиқ мизож [иссиқ заҳарларга] қарши туриб, уларни юракдан ҳайдайди ва қувватини тарқатади, лекин иссиқ мизожли [бадан] артериялари уларни тортади, натижада [совуқ заҳарлардагидек] ҳолат юз беради. Шунинг учун Жолинус: — *Қуниюн*, менимча, аконит ёки [бошқа бирон] ўлдирувчи заҳар бўлса керак, у одамни ўлдиради, [аммо] чуғурчуқларни ўлдира олмайди, — дейди. У [заҳар] чуғурчуқ баданидан таъсиrlаниб, энди фақат унинг озиққа айланадиган ўзгариш муддати ўтгандан кейингина унинг юрагига етиб боради; одамда эса, унинг баданидаги йўлларнинг кенглиги, ҳароратининг кучлилиги, [заҳарни] тортувчи артериялар ҳаракатининг кучлилиги сабабли, юракка тезроқ етиб боради.

Мен айтаманки, бу [фикр] ҳам бир важҳидир. Аммо таъсир қилувчи ва таъсиrlанувчи қувватлар ўртасидаги муносабатларни ҳам кўзда тутиш керак. *Қуниюннинг* умуман жониворларга оид кенг мизожга қиёс қилганда кучли заҳар эканлиги, ҳатто у инсон баданига кучлилик қилиб ўлдиришини, чуғурчуққа ўхшашларга эса кучи етмасдан ўлдирмаслийгини [Жолинус] қаердан билган? *Қуниюн* инсон юрагига осонлик билан етгандек, чуғурчуқ юрагига ҳам озиққа айланмай етганида ҳам унинг чуғурчуқ мизожига қиёсан заҳар бўлмаслиги ва уни ўлдира олмаслиги мумкин эди.

Жолинуснинг айтишнча, баъзи кекса аёллар олдия аконитдан жуда озгинадан ёб, кейин уни даром эттира берадилар, ниҳоят табнатлари шунта ўрганидан ва уни қўй, қиасдан истеъмол ишлардан ёлиб ёлалишар ҳамда оғринт уларга ҳеч бир вакъор қилимайди.

Гуфуснинг ҳикоя қиринингча, нағизакларни улар Сирии ялоқа қилувчи подшоқларни ўлдирини учун заҳар билан сизиклантирилар экан. Шунда уларнинг мизожи [заҳарларидан] зўр дарахматга етиб, ҳатто сўлаклари ҳам ҳайронни ўлдиради, уларнинг тутуги тунгиган уйларни ўзине таштаганда экан.

ЗАҲАРЛАРНИНГ ТУРЛАРИНИ БИЛИШ УЧУН ДАЛИЛ

Гоҳо заҳарларнинг [қайси] турдан эканлигига улар туфайли баданда пайдо бўладиган одатлардан маълум олинади: Агар ачишиш, шол-шол бўлиш, ичбуриш ва ўйиб ейиш каби ҳолат пайдо бўлса, заҳарнинг зирниҳ, маргимуш ва ўлдирилган симоблар каби ўткир, тез ва иссиқ дорилар хилидан эканлиги билинади. Агар қаттиқ алангаланиш, кўп терлаш, кўзда қизариш, бекузурлик ва ташналик пайдо бўлса, булар заҳарнинг *фарфцион* каби фақатгина ҳарорати туфайли [заҳар] эканлигига далолат қиласди. Агар оғир ўйқу, увудишиш ва совуқ қотиш пайдо бўлса, заҳарнинг увуштирувчи нарсалар жумласидан эканлиги маълум бўлади. Қувват тушиш, совуқ тер ва беҳушлиқдан бошқа ҳолат юз бермаса, бу, инсонга ўзининг бутун жавҳари билан зидлашадиган заҳарлардан бўлиб, энг ёмонидир.

Гоҳо заҳарларга уларнинг ҳидидан далил олинади: ё бутун бадан ҳидидан, — масалан, афюн ичган кишидан унинг ҳиди келиб туради, — ёки бирор аъзонинг ҳидидан, масалан, «денгиз қуёни», аконит ва олакуланг каби саситиб чиритувчи заҳарлар ичилганда оғиз ҳидидан далил олинади. Гоҳо [касални] қустириб кўриб, ичилган заҳарга далил олинади, заҳар ичирилган кишини қустирилса, ичилган заҳарнинг жавҳари кўзга ташланиши эҳтимолдан узоқ эмас; ёки уни [қусуқ] ҳидидан ёки мазасидан ҳам билинади. Масалан, куйдирилган қўроғшин, ганч, қотган қон ва ивиган сутни кўриб билинади, шунингдек, афюн ичирилган бўлса, унинг ҳидидан, «денгиз қуёни» ва қурбақани эса тер ҳидидан билинади.

ЁМОН БЕЛГИЛАР

Заҳар ичирилган киши ўзидан кетса ва кўзи олайиб, кўз қорачиги кўринмай қолса, уни [тузалишидан] умид қилинмасин. Кўзи қизариб, тили осилиб қолса ҳам шундай. Томир уриши тушиб совуқ тер чиқса, бу ёмонлик белгисидир, бу ҳолда киши камдан-кам тирик қолади.

ЗАҲАР ИЧИРИЛГАН КИШИНИ ДАВОЛАШ ҚОНУНИ

Даволашни кечиктирмаслик, балки [заҳарланганик] сезилиши биланоқ, заҳарнинг қуввати баданга ёйилишидан бурун тезда даволашга киришиш керак. У кишига илик сув ёки кунжут ёғи ва зайдун ёғи ичириб,

қустирилади, бу тадбирни мумкин бўлганича кўпроқ қўллаш лозим. Бу [ичирилаётган] нарсаларга укроп ва бурақ қуввати ўтказилса яхшироқ бўлади. Зайтун ёғига гоҳо ҳузаз ва фоз ёғи қўшилади. Айтиб ўтилган нарсалар ва бошқа моддалар ёрдамида қусиш учун улар билан биргаликда кўпроқ сув ва [суюқ] овқат ичириш яхшироқ бўлади, чунки булар қустирмаган тақдирда ҳам заҳарнинг [қувватини] синдиради ва унинг устидан ғалаба қиласди.

Заҳарланган киши мумкин қадар кўп қусгандан кейин кўп сут исчса, бу тадбир заҳарнинг зарарини синдиради, сутни [ҳам] қусиб ташласа зарари йўқ. Шунингдек, қичитқўт уруғи қайнатмасини сариёғ билан қўшиб ичилса, у ҳам қустириб ва ични суриб заҳарни ҳайдайди; кейин сут ичирилади, сутдан кўра қаймоқ яхшироқ. Яна зигир уруғи қайнатмаси, шунингдек, эритилган фоз ёғи қўшилган ширин шароб ва ток ёғочи кулининг суви ҳам ичилади.

Агар заҳарнинг увушириувчи моддалардан эканлиги билинса, тарёк ва ангуза дорисини шаробнинг ёлғиз ўзи билан ичирилади; саримсоқ ҳам истеъмол қилинади. Унинг ўз жавҳари билан [бадан мизожига] зидлашувчи заҳар эканлиги билинса, унга [қарши] митридат, гарёк, мушк дориси ва подзаҳрлар билан даво қилинади. Гўшт сели ва шароб ҳам истеъмол қилдирилади. Қасалга хушбўй [нарсалар сепилади]; унинг турган жойи шамоллатилади; унга хушбўй кийимлар кийдирилади, аксиртирилади, меъдасининг оғзини [сиртдан] ишқаланади; оғзига пулланади ва сочини юлинади.

Заҳарнинг нави билинганда, унинг ўзига хос, биз келгусида баён қиладиган дори билан даво қилинади. Қисқаси, заҳарга қарши ичиладиган дорилардан мақсад ё заҳарнинг ўтиклигини синдириш, ёки заҳар жавҳарини чиқариб ташлаш мўлжалланади; — масалан, муҳр лойи билан, ёки мақсад [дорилар ёрдамида] заҳар кайфиятига қарши туриш бўлади, — масалан, чаён чаққан кишига саримсоқни шаробга солиб ичирилади.

БАРЧА ЗАҲАРЛАРГА [ҚАРШИ] УМУМИЙ ДОРИЛАР

Булар заҳарга қарши турадиган дорилар бўлиб, унинг юракка бориб етишига йўл қўймайди. Улар, масалан, гарёк, митридат, синалган подзаҳр, муҳр лойи ва ундан тайёрланган тарёк ҳамда тўрт нарсадан тайёрланадиган тарёқдан иборат.

Айтишларича, самбитгулнинг гули ва барги заҳар, [Зарари] дан қутқаради, тоғ арчасининг бужури ҳам бу соҳада ажойиб ва тенгсиздир, дейдилар.

Бундан ташқари, болдиғон ва унинг илдизидан ба-
робар бир дирҳамдан ва арман дарманасидан икки дир-
ҳам олиб, асал билан қориширилади ва олма суви
билан ичирилади; бундан тайёрланган дори ғоятда
[фойдалидир]. Альп гунафшасининг илдизини шароб
билан ичириш, шунингдек, ялпиз ва шолғом ургуни
бериш ҳам [фойдалидир].

Шунингдек, дараҳт пӯқагидан икки дирҳамни шароб
билан [истеъмол қилинади]; сунбулсоҷ, ёввойи гулкай-
ри, унинг уруғи, барги ва қайнатмаси ҳам [ичирилади].
Шунга ўхшаш икки үқия дорчин ва қуён илигини узум
сиркаси билан ёки бир мисқол қундуз қирини икки үқия
зайтун ёғи билан ҳамда бўйимадоронни [ичирилади].
Темиртиканнинг сиқиб олинган суви ҳам ичирилади.
Сабзи уруғи, айниқса, иқлитийсининг уруғи, ангуза,
жулаҳ қайнатмаси, Рум сассиқ қавраги қайнатмаси,
Эрон қавраги дараҳтининг уруғи жуда ажойибдир.

Мураккаб [дори]: Эрон ёввойи қавраги, қундуз қи-
ри ва қамиш баргининг ҳар биридан бир бўлак, Абу
Жаҳл тарвузининг этидан уларнинг ҳаммасига уч баро-
бар олиб, бу таркибдан катта бир бундуқа микдорида
ичириб турилади.

Таъсири ўзидағи маҳсус хусусиятидан келиб чиқади
дейилувчи дориларга келсак, масалан, айтишларича,
тозалаб терисини шилиб қоқланган ёввойи латча гўшти
заҳарларни ҳайдашда энг кучли дорилардандир.

СИМОБ

Үлдирилмаган симобни ичган кишиларининг кўпчили-
ги заарларланмайди, чунки бу қуйи томондан қандай бўл-
са, шундайлигича чиқиб кетади. Аммо қулогига үлди-
рилмаган симоб қўйилган кишида қаттиқ алам ва ақл
қоришуви юз беради; баъзан у тиришни касаллигига
слиб боради; у киши ўша [симоб қўйилган] томонда
отирилиб етади; симобнинг созуинга, тозабиб турини
ва оғирни сабаби мия жаҳори, азиятлангенидан,
куйнита, у тутқаңқ ға санта касаллигига олиб боради.

Үлдирилган ва буглатилган симобга келсак, бу ёмон,
зарарли не парчаловчидир. Бундан куйдирилган қўро-
ғиши тоза кишида юз берадиганга ўхшаш хотаттар,

иҷбуриб оғриши, ичак буралиши, [иҷдан] қон ўтиши, тил [гапириш] оғирлашуви ва меъда оғирлашуви юз беради. У кишининг танаси шишади ва сийдиги тутилади.

ДАВОЛАШ

Бунга қарши қустириш ва шунга ўхшаш тадбирларни қўллагандан кейин, масалан, *муррдан* уч дирҳам олиб шароб билан ичириш ёки асал сувини дам-бадам ичириб туриш яхши даволардандир. Шунга ўхшаш асал сувини бурақ билан қўшиб хуқна ҳам қилинсин. Ундан кейин ичак шилинишининг [дорилари] ва унга [қўлланадиган] ҳуқналар ишлатилади ҳамда умумий дорилар ёрдамида [у кишининг] юрагини кучайтирилади.

Агар [симоб] кишининг қулоғига қуйилган бўлса, у киши ўша [симобли] томони билан бир оёқлаб сакраши керак; бунда у киши, айниқса, бошқа томондаги қўли билан бирор нарсани ушлаб туриб ўша [симобли] томони билан силкинаётганда, бошини [одатда] мумкин бўлгандан кўра кўпроқ эгсин. Қулоққа қўроғиндан ишланган мил чўпини киргизиб, симобни милга илаштириб тутиб олмоқчи бўлган киши хато қиласди. Чунки симобнинг ўша [мил чўпи киргизилган] жойда ва унинг яқинида эканлиги маълум бўлса, фақатгина силкини шаҳардан бошқа тадбирга эҳтиёж қолмайди. Агар [симоб] ундан кўра чуқурроқда бўлса, мил чўпи фойда бермайди ва симобга бориб етмайди.

ҚУИДИРИЛГАН ҚЎРГОШИН ВА ҚЎРГОШИН ҚИПИГИ

Куйдирилган қўргошин ичган кишининг бадани шишади, тили [гапириши] оғирлашади, сийдиги ва ахлати тутилади, баъзан [эса] ахлати тутилмай, балки ҳаддан ташқари ич кетади, [касал] меъда ва ичакларидаги оғирлик сезади, ҳатто, баъзан тўғри ичак чиқиб қолади, ичак шилиниши юз беради. Юқори ичакларда ел пайдо бўлади, қорин устидан тошдек қотган ғудда сингари нарса чиқади, у кишининг ранги қўргошин рангига ўхшаб қолади, нафаси қисилади, бўғилиш юз беради. Баъзан у кишида *иловус* касаллигининг белгилари юз беради, баданининг ранги қўргошин ранги каби бўлади.

Қўргошин қипиги ичган кишида ҳам шундай [ҳолат юз беради].

ДАВОЛАШ

Аввало, тезлик билан қустиришдан иборат умумий тадбирни қўллаш керак. Қустириш петрушка уруғи қайнатмаси, анжир, укроп ва бурақлар каби очиш хусусиятига эга бўлган нарса билан амалга оширилсин. *Муррдан* уч дирҳам олиб, шароб билан ичириш ёки Рум сунбулига уй капитари тезагини қўшиб, шароб билан ичириш керак; бу жуда яхши даводир. Ёки эрман ва зуфо, ёки пётрушка уруғи, ёки айниқса, мурчни шароб билан ичирилади, ёки бир дирҳам муррни ярим дирҳам мурч билан ичирилади, ниҳоят, у киши терлайди. Олти қирот сақмуниёни асал сувига солиб ичирилади. У кишига бериладиган овқат доимо ёш қўзичоқ гўштидан тайёрланган қайнатма шўрвалар бўлиши керак.

Ич юришиши ва сийдикнинг равон бўлиши соғайганик белгиси бўлади. Хулоса, [бундай заҳарланишни даволашда] терлатиб, сийдикни юргизувчи ва ични суриб очувчи дориларга эҳтиёж тушади.

ШАНГАРФ ВА МАРГИМУШ

Бу иккаласи [ичилганда] ўлдирилган симоб [ичгандаги] каби ҳолатлар юз беради. Лекин маргимуш, баъзан, кўп ич суради, бу унинг кучли белгисидир.

Даволаш. Бунинг давоси ўша [юқоридаги] давонинг худди ўзидир. Сўнг ёғлиқ суюқ овқатлар ва юмшоқ чарви ёғлари истеъмол қилинади.

ЗАНГОР

Зангор [ичиш]дан қаттиқ ич буриб оғриш, томоқда кучли ачишиш, ички аъзоларда парчаланиш ва яралар пайдо бўлади. Бунинг давоси биз келгусида айтадиган зирних давоси кабидир.

ОҲАҚ ВА ЗИРНИХ

Буларнинг ҳар иккаласини қўщиб ичирилган кишида ич буриб оғрийди ва ичакларида яралар пайдо бўлади. Қиздириб ҳайдалган зирних ичирилган кишида маргимушдан пайдо бўладиганга яқин ҳолат юз беради. Гоҳо азият берувчи йўтал пайдо бўлади. Оҳакнинг ёлғиз ўзини ичирилган кишида оғиз қуриши, меъла оғриши, сий-

дик тутилиши ва ичдан қон ўтиш юз беради; оҳак сийдик билан чиқиб туради. Баъзан бундан қўл-оёқ совуб, беҳушлик келиб чиқади, гоҳо тил қурийди ва бўғилиш содир бўлади.

ДАВОЛАШ

Олдин зарурий тадбир қўлланилади, кейин [касал] қуссин учун иссиқ сувни гулоб ёки ёғ билан қўшиб ичирилади. Сўнгра зигир уруғи қайнатмаси, гуруч қайнатмаси ва таратизак қайнатмаси ёки [кейинги] иккаласими қўшиб ҳамда асал қўшилган тугмачагул шираси ичирилади.

Ҳамма вақт сут, [турли] ширалар, ёпишқоқ ва ёғли нарсалар ва чарви ёғи [билин тайёрланган], айниқса, ёввойи гулхайри солинган шўрвалар ичириб туриласди. Агар йўтал бўлса, юмшатувчи нарсалар билан даво қилинади.

Оҳак [ичган] ни ҳам қустириш, ҳуқна қилиш, ёғли ва юмшатувчи нарсалар билан даволанилади. Унинг давоси олакуланг [чаққан] нинг давосига яқин туради. Бу соҳада [табиблар томонидан] айтилган нарсалардан бири шуки, эшак сийдиги ва кийигўтдан икки донақ миқдорида олиб, иссиқ сувга солиб, [захарланган кишига] ичириб туриласди.

УСИМЛИҚЛАРДАН [ОЛИНАДИГАН] БАЪЗИ БИР ЗАҲАРЛАР. АКОНИТ

Аконит ёмон заҳарлардандир, буни ичган кишининг лаблари ва тили шишади, кўзлари [косасидан] чиқади, ҳадеб боши айлана беради ва хушидан кетади. Икки оёғи ишламай қолади. Бу ёмон [захар]дир, ундан оз киши қутулади, [қутулганда ҳам] ингичка оғриқ ёки сил касалларига учрайди. Баъзан унинг ҳиди тутқаноқ-қа учратади. Унинг сиқиб олинган суви билан ўқларни суғорилса, улар теккан кишини дарҳол ўлдиради.

ДАВОЛАШ

Аконит ичган кишига тезда шолғом уруғи қайнатмасини ичириб, қустириш керак. Унга яна тило шароби ва сигир сариёғини устма-уст ичириб туриласди. Шунингдек, эман дарахти пўстлоғининг қайнатмасини узум шаробига қўшиб ичирилади. Сўнгра фойдалироқ даво подзахар, мушк дориси, парпи, буҳо ва катта тарёк қўлла-

нилади; [булар] аконитга [қарши] маълум чегарагача фойда етказади.

Мушкни подзаҳр қириндисига қўшиб ёки бир дирҳам миқдоридаги мушк дорисини бир қирот мушк билан қўшиб ичирилса, энг фойдали нарсалардан бўлади.

Бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишича, ковул илдизи аконитнинг подзаҳридир. Ҳамма подзаҳрлар унга қарши яхши [таъсир қилади], айниқса, аччиқтошга ўшаган ва куйдирилган қўргошин иплари каби ипларга эга бўлган [нарсалар] аконитга [қарши фойдалидир].

Бишмуш деб аталадиган жонивор шундай бир сичқонки, агар унинг [гўштини ейилса], аконитга қарши курашади ва унинг таъсирини кетказади.

САМБИТГУЛ

Бунинг кўп [миқдордагиси] одамлар ва от [каби жониворларни] ўлдиради, ози эса қаттиқ бехузур қилали, қоринни кўпчитади ва зўр алангаланишни келтириб чиқаради. У иссиқ, қуруқ, ачиштирувчи ва парчаловчидир. [Ичидан] самбитгул ўсадиган сув ёмондир, у сувни [ичмасликнинг] иложи бўлмаса, уни буғлатиб томчилатиш ёки унга ширин нарсалар аралаштириш лозим.

ДАВОЛАШ

Оғизга сариқ йўнгичқа қайнатмасини ва йирик хурмони солиш керак; бу ажойиб таъсир кўрсатади. Тоғ мурчи уруғи, тоғ мурчининг ўзи ва унинг қайнатмаси ҳам самбитгулга [қарши] тарёkdir. Асал билан анжир, шакар, гулоб, барча ширинликлар ва узумнинг қайнатиб қуолтирилган шираси фойдалидир. Шу билан бирга, сен бир неча марта билиб ўтган ёғлиқ ва ёпишқоқ нарсаларни бериб, улар кетидан ҳуқса ишлатиш зарурдир.

ЗАҲДРИ СОВУҚ УСИМЛИҚЛАРДАН ИБОРАТ АЙРИМ ДОРИЛАР

Афюн, Афюз ичгани кишининг қўл-оғи үзушшиб соўйди, унда қочима пайдо бўлади, [баданидан] афюн ҳиди келиб туради, боши айланади, ҳиқиқоқ тутади, кўз олди қоронгилашади, томок ва нафаси қисилади; [нафаси] кичраяди, қўл-оғининг [расиги] жиралашади, лаби за хози сарғалди, кекириноң қийнилашади, бир

уйқу босади, тили тутилади ва кўзи чуқур ботади. Кейин бўгувчи кузоз, совуқ тер, совуқ нафас ва ўлимга олиб боради. Бунинг қонни қуолтириб юргизмай қўйиши, руҳни совутиши ва нафас аъзоларини тириштириши ўлдиришининг сабабларидандир. Афюндан икки дирҳами ўлдирувчи бўлиб, икки кун ичидаги ўлдиради, айниқса, шароб билан ичириса шундай бўлади. Шароб туфайли [афюн] кучлироқ таъсир қилади, лекин шароб афюнга қарши тура оладиган даражага етган бўлгандан бундай бўлмайди; биз [заҳарлар таъсири] қонунида айтганимизга кўра [афюн] иссиқ [мизожли] баданлар учун [зараарлироқ], чунки унга қарши қаттиқ курашади ва уларга тез сингийди.

ДАВОЛАШ

Бунда ёғ, туз ва бурақ ҳамда *сиканжубин* ва асал билан сув бериб қустиришдан иборат [ҳамма заҳарлар учун] умумий бўлган бўщатиш қўлланилади, кейин кучли ҳуқна [дори] билан ҳуқна қилинади. Эрман билан қўшилган *сиканжубин* ҳамда шароб билан эрман афюнга қарши ишлатиладиган дорилардандир. Ангуза эса унинг тарёкидир. Дорчиннинг ёлғиз ўзи ва сирка ҳам *сиканжубин* билан қўшилгани ҳам шундай [таъсирга эга]. Айниқса, қундуз қири ёки шароб, *сиканжубин* билан қўшилган мурч, ёки какликўт, газагўт ва туз ҳам шундай; сирка ёки асал билан биргаликда гул ёғи ва саримсоқ ҳам шундай; ёнгоқ бундан яхшидир.

Гоҳо афюн ичган кишига шуни ўзинга хос тарёқ ичирлади; унинг таркиби: ангуза, арча бужури, қундуз қири ва мурчлардан баробар бўлакларни олиб асал билан қориштирилади. Унинг бир ичими бир *нафқадан* бир жавза [ёнгоқ] вазнигачадир. Бир мисқол ангузани йигирма беш дирҳам хушбўй шаробга солиб ичириса, кўпинча, афюн [зараари]дан қутқаради. Кўп миқдордаги эскирган шароб, айниқса, унинг суюқ, хушбўй, кўп сув кўтарадигани ва дорчин қўшилгани бунга [қарши] ажойибdir. Шароб билан ичиладиган тарёқ, *сажазониё* ва *митридат* каби дори йўқdir. Афюн ичган кишига етмак ва шунга ўхшаш нарсалар [ҳидлатиб], уни аксиртириб миясини қимирлатиш керак, чунки бу афюннинг [ўлдирувчи] сабабларини даф қилишда яхши чора ҳисобланади.

У кишининг сочини юлиш, ухлатмаслик, баданига иссиқ ёғлар, масалан, қуст ёғи ва гулсанспар ёғи суртиш

ва унга қундуз қири ҳамда омила шираси кабиларни ҳидлаш керак. [Касал] тиришмаслиги ва қичимасининг кучаймаслиги учун уни иссиқ ваннага ўтқазиш лозим, ёғлиқ шўрвалар, айниқса, илик ва чарвилар истеъмол қиласин.

ҲАЙВОН МОДДАЛАРИДАН ИБОРАТ ИЧИРИЛАДИГАН ЗАҲАРЛАР

Ҳайвонларга тегишли бўлган ичиладиган заҳарларнинг баъзиси шу ҳайвоннинг гўштидан ҳамда унинг қандай бўлса шундайича олинган бутун гавдасидан, баъзиси ҳайвоннинг бирор хос аъзосидан, баъзиси эса ўша ҳайвондан [чиқадиган] рутубатдан иборат бўлади. Мана шу қисмларнинг ҳар бири икки туркумдан [иборат]: ўз жавҳари сабабли заҳар нарсалар, масалан, тўқай қурбақаларининг гўшти ёки ўзида юз берадиган ҳолат сабабли заҳарлар, масалан, совуб қолган балиқ гўшти, [қайноқлигига] ўраб беркитилган қовурдоқ ва меъдада ивиб қолган сутлар шундайдир.

БУТУН ЖАСАДИ БИЛАН УЛДИРАДИГАН ЁКИ [ТҮҚИМАЛАРНИ] БУЗАДИГАН ҲАЙВОНЛАР

Бу икки қисмнинг биринчиси геккон калтакесаги, олакуланг, қурбақалар, «денгиз қуёни» ва сусмор кабиладир, иккинчиси эса совуб қолган балиқ гўшти ва қайноқлигига усти ёпилган қовурдоқлардир.

ОЛАКУЛАНГ

Олакуланг ўткир, тез ва ўлдирувчи [заҳардир], у ични буриб оғритади ва ички аъзоларда оғриқ пайдо қиласи: қисқаси, у оғиздан тоқовгача чўзилиб борадиган оғриқни, шунингдек, ёнбош, буйрак ва қовурға тоғайлари олдида [сезиладиган] оғриқни келтириб чиқарди, қовуқни яра қилиб оғритади ва шиширади. Эрлик олати, қов ва қов теварагини қаттиқ алангалантириб шиширади; сийиш учун [тез-тез] турғиза беради, бундай киши туриб сиймоқчи бўлса, сия олмайди, ёки қон ва қаттиқ оғриқ берувчи эт парчаларини сияди. Шу билан бирга, ич суреб, ичак шилиниши, кўнгил айниш, ақл қоришуви, тургандা йиқилиб тушиш ва беҳушликлар пайдо бўлади; [олдин бош] оғирлашади. Бу [заҳар] кўпроқ қовуқقا зарар етказади. У билан заҳарланган киши оғзида қитрон ва зифт мазасини сезади. Бу ҳайвоннинг энг зарарли вақти кузда Ёриқ юлдуз [Сириус] чиқишидан олдин ва кейинги пайдир.

ДАВОЛАШ

Тударий қайнатмаси билан қустирилади ва ҳуқна қилдирилади. Қустирадиган ва ҳуқна қилинадиган дөрига табий сода ва анжир қайнатмаси қўшиш ва [касални] қайта-қайта қустириш керак. Қовуқни сақлаш учун томирдан қон олиш лозим бўлса, олинади; кейин [касалга] сут, испагул шираси, семизўт суви ва кўнлаб қаймоқни қайта-қайта ичирилади. Шу вақтнинг ўзида арпа ва гулхайри сувлари, тухум оқи, зигир уруғи шираси ёки арпа суви билан гуруч суви ёки сарнқ йўнғичқа қайнатмаси ёки *хандарус* қайнатмаси билан ҳуқна қилинади.

Еғлиқ шўрвалар, бодом ёғи, гоз ёғи, илитилган тухум сарифи, сариёғ, асал, гулоб, бодом ёғи ва сигир [қатифи] айрони у киши учун фойдалидир.

ГЕККОН ҚАЛТАКЕСАГИ ВА БУҚАЛАМУН

Геккон калтакесагининг гўшти ўлдирувчандир. Баъзан бу калтакесак шаробга тушиб ўлиб чирийди, шунда бу шароб заҳар сингари бўлиб, уни ичганда қусиш ва юракда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади.

Буқаламун ҳам шунга яқин ўлдирувчидир, унинг тухуми, айтишларига қараганда, [ичган] соатдаёқ [ўлдирувчи] заҳардир, у ҳақда келгусида гапирамиз. Бир гурӯҳ [табиблар] нинг айтишича, бу сургалувчи [ҳайвон]ни қайнатиб, қайнатмасини ҳаммом сувига сочилса, ўша сувда ювинган ҳар бир киши бир оз муддат яшил рангга кириб туради, кейин кам-кам ўзига келади. Мен бу сўзни нотўғри деб ҳисоблайман.

Даволаш. Бунинг давоси умумий бўлиб, олакулангга [қарши қўлланиладиган] даво кабидир.

СУСМОР

Сусморнинг саламандра деган бир тuri бор ёки уларнинг табиатида ўхшашлик бор; унинг мана шу ўхшашхили ўлдирувчидир. Сусмор ичган кишининг тили шишиди, унда қичима, бош оғриғи, куйиб ёниш ва кўз олди пардаланиши юз беради.

ДАВОЛАШ

Кунжут, набатий жинжак ва шакардан баробар бўякларни олиб, сигир сути сариёғи билан ичирилади. [Касалга] янги соғилган сут ичириш, [баданига] ёғ суртиш ва уни ҳаммомга тушириш лозим.



ҲАШАРОТЛАРНИ ҲАЙДАШ, ИЛОН ЧАҚҚАННИ ДАВОЛАШ ВА ИЛОНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

ДАВОЛАШ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА ҮМУМИЙ СҮЗ

Билгинки, [ҳашаротлар] чаққанига қарши даволашдаги энг буюк қонун «барбар ўйинчоги» ва тарёк јажарадиган ишдек туфма ҳароратни кучайтириш ва уни мудофаага қўзғатишдир: туфма [ҳароратни] кучайтириш борасидаги тадбиримиз заҳарни куйдириб сиртга ҳайдаб чиқариш учундир; [шунингдек] ички аъзоларни кучайтириш ҳам кўзда тутилади. Кейин заҳарни ҳайдалиди, унинг таъсирини ичиладиган дорилар билан ҳамда маҳсус хусусиятга ёки биз келгусида баён қиласидан маълум табиатга эга бўлган суюқ суртмалар билан йўқ қилинади. Баъзан [даволашдаги] мақсадлар қаторига бошқа нарса ҳам киради. У — бадан рутубатларини камайтирувчи [овқат] тадбиридир, чунки заҳарнинг асосий аъзолар [куруқлигига уларга] сингиши рутубатларни учратиб, уларга илашиб олиб, [сўнг] сингишидан кўра қийинроқдир. Мана шу бобга томирдан қон олиш, сурги ва шуларга ўхшашлар ҳам киради. Томирдан қон олишнинг энг яхши вақти, айниқса, [хилтларга] тўлиқ баданлиларда, заҳарнинг баданга тарқалганлиги ҳамда у тортиладиган хилдаги заҳарлардан эмаслиги маълум бўлган вақтдир. Кўпинча, шу бобга бошқа бир тадбир ҳам киради. У хилтларни бошқарувчи аъзолардан бошқа томонга йўналтириш тадбиридир.

Заҳарларга қарши ичиладиган дорилар [барча заҳарлар учун] үмумий ёки маълум бир заҳарга хос тарёклар ва подзаҳр ёки ўз мизожи билан заҳарга қарши турувчи дорилардир, масалан, ангуза ўз хусусияти билан чаён заҳарига қарши туради. Ёки улар хилтларни сиртга томон қўзғатиши сабабли заҳарни сиртга йўналтирувчи дорилар бўлади, масалан, терлатувчи дорилар; ёки улар сурувчи, қустирувчи ва сийдикини юргизувчи дорилар каби заҳар ҳаракат қиласидиган йўлдан хилтларни четлатувчи дорилар бўлиб, заҳар, биз айтиб ўтган-

дек, илаштириб олиб борувчи нарсанни топа олмайди. Ёки улар моддаларни бошқарувчи аъзолардан узоққа йўналтирувчи дори бўлиб, [булар орқали] аъзоларга йўналаётган [заҳар] ҳайдалиб чиқиб кетади, бунга ҳам ўша сурувчи, қустирувчи ва сийдикни юргизувчи дорилар мисолдир.

[Ҳашаротлар] чаққанига қарши суюқ суртмалар тарзида ишлатиладиган дориларни қўйишдан [маълум] мақсадлар кўзда тутилади. Улардан бири заҳарнинг баданга ўтишига тўсқинлик қилишдир. Бунга ё боғичлар боғлаб йўлларни тўсиш билан ва турма ҳарорат сиртга томон ҳаракат қилиб заҳарни ҳайдасин учун касални ухлатмаслик билан эришилади; [ҳашарот] чаққан аъзони кесиб ташлаш ҳам шулар жумласидандир; ёки бунга доғлайдиган дорилар ва тортувчи сабаблар билан эришилади, шунинг учун буриштирувчи дориларни [ҳашарот] чаққанга [қарши ишлатиш] зааралидир. Чунки, айниқса, ҳали заҳар баданга тарқалмаган вақтда, заҳарни сиртга тортадиган, уни ичкарига ўтишига тўсқинлик қиласидиган доридан кўра фойдалироқ нарса йўқ. Қортиқ қўйиш шу қабилдандир. Агар заҳар чуқурлашиб, баданга ўтган бўлса, баъзан тилиб [қортиқ қўйишга] эҳтиёж тушади. Имконияти бўлса, шу пайтда зулук солиш қортиқ қўйишга ҳамда ҳали заҳар терида экан, уни сўриб олишга ҳам эҳтиёж қолдирмайди. Баъзан шундай сўришнинг ўзи кифоя қиласиди. Сўрувчи [киши] рўзадор бўлмасин, аксинча [олдин] овқатлансин, оғзини ювсин; унинг тишлари ейилмаган бўлсин; оғзини хушбўй шароб билан чайсин, шу шаробдан озгина ичсин ва оғзида гул ёғи ёки гунафша ёғини олиб турсин. Агар [у кишининг] оғзида бирор оғат бўлса, уни четлатиб бошқа киши билан алмаштирилади. Сўрувчи киши нимаини сўриб олса, уни туфлаб ташлаши керак.

Дориларга келсак, улар — ичишганда терлатувчи ҳамда суртилганда қизартирувчи ва тортиб олувчи бўлиши керак. Жолинчус айтади: «Заҳарни тортувачи дорилар ё қиодлирувчи қувисти санни. ёки шакадони нарсанни тортини турдайли ҳамшашити билан тортувачи бўлади, яисалсон, тимсоҳ ёки тимсоҳ чиқарсанга қарин таъсир бўрастади; чики томони [бон ва лумб] иссиб ташланган афзо илонининг гўшти эса, унинг заҳарнин тортали. Бора, тарта қарин фойдали дернисининг баъзини, ўзгу, ўзи заҳар бўлади, лекин у ҳашарот [чаққандаги] астровичи кунсанорини за бадан мисожи билан эзҳар ми-

зожи оралигидадир». Бу сўз файласуф — табиатшунослар эътибор бериб, пишиқ эмаслигини аниқлашлари лозим бўлган сўзлардандир. Аммо табиб учун буни билмасликнинг зарари йўқ.

Қуйиб ишлатиладиган кўпгина тортувчи дорилар яра қилиб қаварчитади; қаварчиган жойдаги модда оқизиб юборилиши керак. Бу суртиладиган дорига [ҳам] таалуқли шартлардан биридир. Шартларнинг [яна] бири шуки, дори заҳар табиатини [қуидаги] ҳолатлардан бири томон ўзгартирадиган бўлсин: ёки меҳригиёҳ илдизи каби қотиравчи ёки олов, зайдун ёғи ва зифт, айниқса, қайнатилган зифтлар билан доғлаш сингари, — бу мисрликларнинг иши; — таъсири қотиравчи бўлсин, ёки дори иссиқ ва совуқликда заҳарга зид кайфияти билан уни [ўзгартирсинг].

Дастлабки пайтда бирор тортувчи нарсани ёки биз айтиб ўтган таъсирлардан биронтасини бажарувчи дори ишлатилса-ю, у фойда қилмай иш улгайса, [ҳашарот] чаққан жойнинг атрофини кесиб, этни суюкка тақаб бутунлай олиб ташланади. Агар хавф бундан ҳам зўрроқ бўлса, ўша аъзо кесиб ташланади ва доғланади.

Заҳарга қарши ишлатиладиган барча дорилар, айниқса, суюқ суртмалар оғриқни тўхтатиш, [ҳашарот] чаққандан кейин юз берадиган махфий ҳолатларнинг олдини олиш хусусиятларига эга бўлиши зарурдир. Масалан, [ҳашарот] чаққанидан кейин кўп қон оқаётган бўлса, уни тўхтатиш учун [ҳашарот] чаққанига қарши [ишлатиладиган] суюқ суртмаларга сариқ зок қўшилиши керак.

Заҳарлар ва [ҳашарот] чақишлиари рўй берганида эсда сақланиши лозим бўлган тавсиялардан бири касал заҳар зараридан соғайгунича жароҳатнинг битишига тўсқинлик қилишдир.

[ҲАШАРОТЛАР] ЧАҚҚАНИГА ҚАРШИ ИЧИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Қора йўнғичқа уруғи яхши дорилардан бўлиб, уни сувга ёки шаробга солиб ичирилади ёки ялпизнинг уч турининг қайнатмаси ичирилади; қундуз қири ажойибдир; аммо логия сути,— мен буни бушанжий ва фаровий деб машҳур бўлган тарёк деб гумон қиласман, — барча ҳашаротлар ва, айниқса, афъо илони чаққанига қарши жуда фойдалидир; шунингдек, парпи, бухо ва бишмуш, тирноқгул, оқ қаррак уруғи, индов, седанага ўхшаш зира, Рум сассиқ қавраги, саримсоқ, төр арчаси-

барги пўстининг мурч билан қўшилгани ва мурчнинг ўзи ҳам фойдали. Жолинус айтганидек, ичига *афъо* илони тушган шароб ҳашарот чаққанига қарши фойдали бўлгач, тарёк қандай [қилиб фойдали бўлмасин]!

Цитрон уруғи барча заҳарларга қарши курашади, унинг бир ичими — икки *мисқол*. Болдиғон илдизи барча заҳарларга қарши фойдалидир; панжангушт меваси, бальзам ёғи, бальзам дараҳти уруғи, панжангушт, анжир билан бирга ёнғоқ, фундуқ, гентиана илдизи, аристолохия билан бирга говшири, самбитгулнинг гули ва барги [ҳам фойдалидир]. Чинорнинг янги меваси бу соҳада ажойибдир. Чин дорчини ва таканинг куйдирилган тезаги қуюқ суртма қилиб боғланади ёки ичирилади; «ер дуби», Рум сассиқ қавраги, шунингдек, сут билан бирга дарё қисқичбақаси, жувона, Эрон қавраги, шароб билан бирга писта, ялпиз ва унинг қайнатмаси ичилса ва қўйиб боғланса қора андиз, бўйимодарон, ёввойи зира, дараҳт пўкаги ва уч *дирҳам* «эшак ганданоси» илдизи [ҳам фойдали]. Шунингдек, латчанинг қорни ва меъдасини кашнич билан тўлғизиб қуритиб қўйилади ва бундан керак пайтида [ишлатилаи]. Тугмачагулнинг қайнатмаси, гулхайрининг уруғи, товуқнинг мияси, айниқса, унинг панирмоя билан қўшилгани ва агар шароб билан ичилса, тирик латча ва тирик чигиртканинг шўрваси, тузланган денгиз тошбақаси, дарё қисқичбақаларининг қайнатмаси, тошбақа қони ва гальбан елими ажойибдир; гентиана илдизи ҳам ажойиб; ёввойи сабзи уруғи фойдалидир.

Бу соҳада фойда қиладиган совуқлик дорилардан [бири] меҳригиёҳ илдизи бўлиб, уни асал билан қўшиб, қуюқ суртма қилиб ишлатилади. Чўл саҷратқиси ва сунбулсоҳ ҳам бу соҳада ажойибдир. Баъзан дараҳт пўкагини бир *мисқол* узун аристолохия билан қўшиб ишлатилади. Шунингдек, ажойиб тарёк: афюн ва *муррдан* бир *дирҳамдан*, мурчдан бир ярим *дирҳам*, узун ва юмaloқ аристолохия илдизидан уч *дирҳам*, исириқ ва Ҳинд зирасининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, седанадан беш *дирҳам*, гентиана илдизидан уч *дирҳам*, газагўтдан икки *дирҳам* олиб, асал ва таратизак суви билан қориштирилади ва яхши *матбуҳ* [шароби] билан қўшиб бир *мисқолдан* ичирилади. Яна муҳр лойи дориси: дафна дараҳти мевасидан икки *мисқол*, муҳр лойидан икки *мисқол* ва икки *оболо* олиб, зайдун ёғи билан ичилади. Бунинг бир ичими бир фундуқ вазнида бўлиб, уч *үқия* асал сувига солиб ичилади.

Яна барча [ҳашаротлар] чаққанига ва ичилган [захарларга] қарши умумий бўлган тарёк: мурчдан ўн дирҳам, сунбулдан икки дирҳам, аристолохия ва беклар ўти илдизининг ҳар биридан бир дирҳамдан олиб, жинжак шираси билан қориштириб, қирқ кун давомида күешга қўйилади; ҳар қуни бир марта кавлаб қўйилади, қуриган вақтида ҳўллаб турилади. Уни иссиқ сув билан ичирилади. Бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишича, бу таркибни суртилса ҳам фойда беради. Дарё қисқичбақаларининг қайнатмаси, тошбақа қони ва тузланган денгиз тошбақаси [ҳам фойдали].

Ҳар қандай [ҳашарот] чаққанига қарши фойдали дори: седана, исириқ уруғи ва зиранинг ҳар биридан икки драхмийдан, гентиана илдизи ва юмaloқ аристолохиянинг ҳар биридан бир драхмийдан, оқ мурч ва мурринг ҳар биридан ярим драхмийдан олиб, асал билан қориштирилади, бунинг бир ичими бир [дона] Рум бокиласича бўлиб, буни ҳам шаробга солиб ичирилади.

Яна гентиана илдизидан икки дирҳам, мурч ва газагутнинг ҳар биридан икки дирҳамдан олиб, асал билан қориштирилади, шу [таркиб]нинг ўзи бир ичим бўлиб, шаробга солиб ичирилади. Яна амомо ва бальзам дараҳти уруғининг ҳар биридан уч драхмийдан, таратизак уруғи ва гандано уруғини ҳар биридан бир драхмийдан, аристолохия ва қора болдиғон илдизининг ҳар биридан бир драхмийдан, мухр лойидан тўрт драхмий олиб, кўпиги олинган асал билан қориштирилади, бунинг бир ичими бир боқила миқдорида бўлади.

Яна: бальзам дараҳти уруғи, ёввойи шолғом уруғи, оқ ва қорамурч, узун мурч, игир, Рум арпабодиёни, төғ петрушкаси, туёғўт, Кермон зираси ва мингдевона уруғининг ҳар биридан тўрт [драхмий]дан, сунбул ва қорачайир гулининг ҳар биридан олти [драхмий]дан олиб, асал билан қориштирилади, бунинг бир ичими бир [дона] Рум бокиласичадир.

[ҲАШАРОТЛАР] ЧАҚҚАНИГА ҚАРШИ СУЮҚ СУРТМАЛАР

Оқ ёки кўк нефть, ёки саримсоқнинг ёлғиз ўзи, ёки унинг сариёғ билайн қайнатилгани, ёки зайдун билан бирга қундуз қири ёки ганданонинг сув тегмаган шираси [ҳашаротлар чаққанига қарши] суртиладиган дорилардандир. Сув ялпизи ва сийдик билан бирга олtingугурт

захарни яхши тортувчидир. Ёки товуқ ва хўрозни тириклийн ёриб чақсанга қарши қўйиб боғланади ва дамбадам алмаштириб турилади. [Бу дорини] қуюқ суртма қилиб ҳам ишлатилади.

Бир гурӯҳ [табиб]ларнинг айтишича, товуқнинг ҳарорати кучлидир, шунинг учун у мис, қум ва майдо тошларни ютганида эритиб юборади. [Менимча] бу хусусият унинг жигифлодонида ва қорнида бўлиб, бошқа жойларида бўлмаса керак.

[Ҳашаротлар чақсан жойга] туз ёки сирка, ёки ҳўкизнинг ўти, ёки тошчўп ва «эшак ганданоси» барги, ёки кул билан сирка, — айниқса, анжир ва ток ёғочларининг кули, — хусусан, [илон] чақсан заҳоти [ишлатилса], — шунингдек, қайнатилган зифт ва туз ҳам қўйиб боғланадиган дорилардандир.

Айтишларича, саримсоқ, туз ва така тезагини қўйиб боғлаш ал-асалат үс-самм [ўқ илон]дан бошқа ҳар қандай [ҳашарот] чақсаннига қарши фойдалидир. Оҳак, асал ва зайдун ёғини қўйиб боғлаш, ҳатто ал-асалат үс-самм чақсаннига ҳам фойдалидир.

Яна: хардал, сирка ва оҳакни олиб, совун суви ёки қитрон билан суюқ суртма қилиб ишлатилади, ёки зифти туз билан бирга қайнатиб суртилади. Қайнаб турган зайдун ёғини агар [ҳашарот] чақсан жойга қўйиб турилса, ҳатто афъо илонлари чақсаннига қарши ҳам фойдалидир. Бу мисрликларнинг даволаридан бири бўлиб, доғлаш учун яхши тадбир. Толқон билан бирга пиёз, туз билан ишланган марҳам ва табиий сода марҳами [қўйиб боғланадиган дорилардан саналади].

Иссиқ денгиз сувининг танҳо ўзи ёки хардал қўшилсанни, тирик чигиртка ва латчаларнинг қайнатмаси [чакилган найча] қўйиладиган фойдали дорилардандир.

УМУМАН ҲАШАРОТЛАРНИ ҲАЙДАШ ҲАҚИДА

Уйга биге байди қиласдиған нарсаларни сениш ва ёйиб ўйини ҳамда ҳашаротлар яқинланимасин учун, биз тутатиладиган ва бошқа дориларга тўхтаганимизда айтадиган [у] подиумдориларни даҳдиз ва деразаларга тургани керак.

Тутатиладиган дориларга келсак, бунга мисол анор [тишининг тутганидир, чунки бу ҳашаротларни ҳайдайди; оғизлар иштари мактуб шундай]. Анор навладару бу со-

ҳада ажойибdir. Гальбан елими, шохлар, тоқ туёқли ва жуфт туёқли ҳайвон туёқлари, мўйлар, муқл, Эрон қавраги, ангуза, дафна дараҳти барги ва меваси, ялпиз ва дарманалар ҳам шундай. Қатрон ва жулах [уйга] ёйлади, панжангушт тутатилса ва ёйилса [фойда беради]; индов ҳам шундай; санавбар ёғочининг кули, айниқса, унинг гальбан елими билан қўшилгани ҳам шундай.

Агар афюн, седана, фальбан елими, тоғ эчкиси шохи, олтингугурт ва эчки туёғи тутатилса, илонларни ва ҳашаротларни ҳайдайди. Шунингдек, майъа елими, тоғ эчкиси шохи, седана ва мумдан бир бўлакдан, эчки юнги ва туёғининг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб майдаланади ва [ётадиган] ўринга тутатилади.

Бошқа хили: ёввойи зира, қора болдиғон илдизи ва майъа елимининг ҳар биридан бир үқиядан, тяқуш туҳумининг пўчоғи, седана ва исириқ уруғининг ҳар биридан икки үқиядан олинади. Яна: сарв ёки санавбар барги, седана ва мингдевона уруғининг ҳар биридан бир драхмийдан, меҳригиёҳ илдизининг пўстлоғидан бир драхмий, эчки мўйидан уч драхмий, ялпиздан икки драхмий, мумдан тўрт драхмий [олиб] аралаштирилади ва тоқ ёғочи чўғи устига қўйиб тутатилади; бу тутун [ҳашаротдан] сақлайди.

Тошчўп ва сув ялпизи ётиладиган жойга ёйилганда қўпчилик ҳашаротларни қочирадиган дорилардандир. Панжангушти ётиладиган жой теварагига ёйиб ташланса, ҳашаротдан сақланишда ажойибdir. Дармана ва ангуза ҳам шундай; дафна дараҳти бу соҳада ажойиб [таъсирга эга]. Шунингдек, ўтирадиган жой атрофига санавбар ёғочи кулини сепиб, доира ясалса ҳам [ҳашарот қочади].

Ҳашаротни узоқлатишга ёрдам берадиган тадбирлардан бири: шамдон ва чироғларни ётиладиган жойдан узоққа қўйилса, ҳашаротлар ўша томонга боради. Лайлак, товус, тухум қилувчи [уй] қушлари, тоғ эчкилари, типратиканлар, латчалар ва шуларга ўхшашларни [уйда] сақлаш ҳашарот ва қурт-қумурсқаларни ҳайдаш учун ёрдам берадиган тадбирлардандир, чунки ҳашаротлар булардан қочади, агар юзага чиқса, бу [ҳайвон] лар уларни ўлдиради. Айтишларича, қоплон терисидан супра қилиб олган ҳамда шу теридан кийим қилиб кийган кишига илон яқинлашмайди, буни сўзиға ишониб бўлмайдиган бир киши ҳикоя қилган.

ИЛОНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Илонларнинг хатти-ҳаракатлари ва табиатларини билувчилар уларни уч қисмга бўладилар. [Биринчи] қисмга кирувчи илонларнинг [заҳари] жуда тез бўлиб, [улар чаққан киши] уч соатдан ортиқ яшай олмайди ва бунинг чаққанини даволаб бўлмайди. Булар «кар» ва «шалдирорчи» илонлардир. Бу илонларнинг чаққанига дарҳол аъзони кесиб ташлаш ёки олов билан [таъсири] етарли даражада [баданга] ўтадиган доғлашдан бошқа ҳеч қандай чора йўқ. Доғлаш заҳарни куйдиради ва ўтадиган йўлини сиқади. Гоҳо буларни даволашда тузланган балиқни тўйиб егандан кейин қусиб ташлаш фойда қиласди; бундан сўнггина бошқа даволар қилинади. Агар илон [кўрсатилгандан кўра] заифроқ бўлса, қаттиқ [сиқиб] боғлаш кифоя қиласди, сўнг бошқа умумий даволар қўлланилади.

[Иккинчи] қисмга кирувчи илонлар кучсиз [бўлиб], улар камдан-кам ўлдиради. [Учинчи] қисми эса ўртacha [тезликдаги илонлардир], улар уч ёки етти кунга қолдирмай ўлдиради.

Айтадиларки, чўл аждарҳоси ва шунга ўхшаш катта жуссали илонлар чақса, заҳарли бўлгани учун эмас, яра [қылгани] учунгина даволанади.

Айтадиларки, аввалги турдаги илонлар бир неча жинсдан иборат. Булардан, масалан, «малика», юончада «босилиқус» деб аталадигани бўлиб, у назар ташлаши ва овози эшитилиши билан ўлдиради; [яна] масалан, шулардан «қалдирғоч» деб аталадиган илон бор, бунинг ранги қалдирғоч рангига ўхшайди, узунлиги бир газга яқин, [чаққан кишисини] икки соатга қолдирмай ўлдиради, [яна] масалан, шулардан пўстининг жуда қуруқлиги сабабли қуруқ усқулис деб аталадигани бўлиб, унинг узунлиги уч-беш газ ўртасида, ранги кулранг ёки сарғиш, кўзлари чақнаб тўради ва [чақса] икки-уч соат ўртасида ўлдиради.

Шулардан [яна] «тупурувчи» [номлиси] бўлиб, у тишларини бир-бирига қисиб туриб тупук чиқаради ва отади; тупуги ёки тупигининг ҳиди кимга бориб тегса ўлдиради. Унинг узунлиги икки газга етади, ранги сарғиш кулранг, чаққан кишисини оғриқ қўзғалмасданоқ ўлдиради.

Бу хил [илонлар]ни улар [чаққанида] даволашдан кўпда умид қилиниши керак деган мақсаддада эмас, балки уларни танитиб ўтиш ва биз айтганлардан бошқа

[ҳеч нарса] фойда келтирмаслигини билдириш учунгина китобларда эслатиб ўтилган. Уларга ахёнан [бўлса ҳам], биз айтганлар фойда етказиб қолса ажаб эмас.

Улдирувчи «кар» илонларнинг бошқа турлари ҳам бор. Улар кўпроқ Мисрда учрайди. Уларнинг баъзилари шохдор бўлади, ранглари эса турлича: оқ, малларанг, қизил, асал рангли ва кулранг бўлади; тузилиши афъо илони тузилиши кабидир; баъзиларининг тишлари илмоққа ўхшаб кетади. Дарҳол ўлдирувчи катта илонлар шулар жумласидандир.

Афъо илонлари ва шуларга ўхшаш иккинчи турғакиравчи илонлар ҳам турлича бўлиб, улар асл афъо илонлари, «дуб ёнғоги» афъо илонлари, ташна қилувчи афъо илонлари ва бошқа биз қуйида айтадиган илонлардир.

Илонлар баъзан турлари билан эмас, балки бир жинсга тегишли бўлиб, эркак-урғочи эканликлари эътибори билан ҳам ҳар турлидир. Гарчи бир гуруҳ [табиблар] урғочи илонлар тишлари кўп бўлгани учун ёмонроқдир десалар-да, эркак илоннинг тишлари кам бўлса ҳам, заҳарлилиги кўпроқ ва ўткирроқдир. Шунингдек, илонлар бир турдан бўлганда ёш жиҳатидан, — қарироги ёшроғидан ёмонроқдир, — ҳамда гавдаларининг катта-кичиклиги жиҳатидан ҳам фарқ қиласидилар; катта илон кичик ва калта гавдали илондан ёмонроқ.

Яшаш жойлари эътибори билан илонларнинг турлича бўлишларига келсак, сувсиз тоғ ва чўлларда яшайдиган илонлар кўкаламзор ва кўп сувлик жойларда яшайдиганларидан ёмонроқ бўлади. Тўқлик ва очлик жиҳатидан эса, уларнинг очи ёмон ва заҳарлироқдир. Насоний таъсиrlанишлар жиҳатидан эса ғазабланган илоннинг заҳари ёмонроқ. Замон эътибори билан турланишига келсак, уларнинг заҳарлари ёзда жуда ёмон бўлади.

Айтадиларки, бир жинсдан бўлса ҳам узун ва йўғон илои худди шу жинсдаги [ингичка ва калта илондан] бўмонроқ.

Баъзи ийнилар клочлар ва сифозларнинг заҳарчияи сувук деб гумон қилиб янглишгаилар. Илон чақкан ийниларда эт увушшиб, жунийли, буига сабеб улардати табигий ҳароратнинг заҳарга қаршилашини асроридан ўлишидидир. Табиий ҳарорат ўзининг ёйилиши ва алантаганини билан баданин қиздиради. Бу ҳарорат бўлмаганида эса, юрак оловдек алантагалиниб уриб тургани билан сўқ-кўл [атроф]лар қисимиздиди.

АФЪО ИЛОНЛАРИНИНГ ЧАҚИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУҚМЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Афъо илонлари ва аждарларнинг ёмони эркаклари-дир; урғочилари эса бехавотирроқ бўлади. Урғочиси чаққанини у тишлаган жойда иккитадан ортиқ тишнинг ўрни мавжудлигидан билинади. Дастрраб иккита ёки ундан кўп тиш ўрнидан қон, кейин мағзавага ўхшаш зардоб чиқади; баъзан эса аввал сувсимон, кейин зайдун ёғсимон, ундан кейин зангорсимон зардоб оқади, чунки энди у заҳар жавҳарига ва рангига айланган бўлади.

[Илон] чаққан жой оғрийди, сўнг оғриқ [атрофга] ёйлади, ундан кейин қизил рангли иссиқ шиш пайдо бўлади ва бу шиш, баъзан ёйилади. Кейин мана шу шишнинг тишланган жойга яқин этлари кўкаради; [Илон чаққан кишининг] оғзи қурийди, ички аъзоларида куйиб ёниш, баданида титроқли иситма, кейин совуқ тер пайдо бўлади; унинг ранги айниб кўкаради, боши айланиб ҳаяжонланади, қётма-кет, калта-калта нафас олади, кўнгли айнийди ва ҳиқиҷоқ тутади, баъзан у сафроли хилт қусади, сийиши қийинлашади, боши оғирлашади, кўпинча, бурни қонайди; умуртқа суюгига оғирлик, сўнг совуқ төрлаш, қаттиқ титраш ва ҳущдан кетиш зўхир бўлади. Бу илон тишлаган киши ўладиган бўлса, кўпинча, учинчи куни ўлади, баъзан эса етти кунгача яшайди.

ГҮЕ ҚОНУН СИФАТИДАГИ УСУЛ БИЛАН АФЪО ИЛОНЛАРИ ЧАҚКАНИНИ ДАВОЛАШ

[Буни] даволаща умумий асосларга риоя қилинади, сўнгра энг кучли бўлган давони — афъо илони тарёкини шошилинч равишда ишлатилади; агар кечикилса, кўп [миқдордаги] тарёк фойда бериши мумкин, ёки фойда бермаслиги ҳам мумкин. Аммо тарёк заҳарга қарши олат бўлиб қолади [дейиш] бекор гап, чунки олатни табиат истеъмол қиласи, аммо [табиатга] ёт бўлган [заҳарнинг] уни истеъмол қилиши мумкин эмас. Бироқ улар [тарёк ва заҳар] биргалашиб ҳаракатга келса, [тарёкни заҳарга қарши олатга айлантириши мумкин].

Агар киши саримсоқ ва шаробни кўплаб истеъмол қила олса, у гоҳо барча даволарни ишлатишдан қутлади; агар саримсоқ топилмаса, гандано ва пиёзни ша-

роб билан [истеъмол қилиш] ҳам шундай натижа беради. Айтишларича, кийикнинг олатини қовуриб, дарҳол едирилса фойда етказади. Исириқ [илон чаққанидан] халос қилувчи дорилардандир, цитрон уругининг мағзи ҳам шундай.

Афъо илони чаққанига хос кучли тарёклардан: Рум арпабодиёнидан бир *уксубофун*, мурчдан тўрт *драхмий*, юмaloқ аристолохия пўсти, қундуз қири ва *муррларнинг* ҳар биридан бир *драхмийдан* олиб, суюқ шаробда қориширилади. Бир ичими бир *жавза* [ёнғоқ] миқдорида бўлади.

Бундан бошқаси: *мурр*, қундуз қири, мурч ва қизил зирниҳларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, укроп уруғидан икки *үқия* олиб, суюқ шаробда аралаштирилади.

Яна: қора йўнғичқа уруғи, юмaloқ аристолохия, чўл газагўти олинади. Чўл газагўти, баъзилар тушунганидек, исириқ эмас, балки газагўтнинг ўзининг бир туридир. Бу дорини кўп миқдорда сариёғ, айниқса, эски сариёғ билан бериш лозим. Кўпинча, [заҳарланишдан] эски сариёғнинг ёлғиз ўзи ҳам халос қилади. Қасални сутли ваннага ўтқазилади; ухламасликка ва юришга ундалади, вақт-вақти билан терлатувчи ҳаммомга туширилади ва бундан кейин панирмоялар ва шуларга ўхашлар ичирилади. Панирмояларнинг энг яхшиси қуённинг янги панирмоясидир. Буни ўрта даражада сув аралаштирилган тўрт *үқия* узум шароби билан ичирилса, яна ҳам яхшироқ. Тоғ эчкиси панирмояси ҳам яхши. Баъзилар айтадиларки: «Агар киши денгиз пиёзини олиб чайнаса ва ундан чиқсан сувни ютса ва турпини илон чаққан жойга қўйиб боғласа, у албатта омон қолади».

Бир гуруҳ кишилар қурбақалар шўрвасини тажриба қилиб кўрганларида, уни ичилганда етарли даражада фойда қилганлиги [маълум бўлган]. Латчанинг сирка-лаб тузланган гўшти, денгиз қисқичбақалари ва денгиз тошбақаларининг қони [ҳам шундай]. Баъзилар мор-мўҳра деб аталган тошни [бўйинга] осиб қўйилса соғайтиради, дейдилар.

АФЪО ИЛОНЛАРИ ЧАҚҚАНИГА [ҚАРШИ] БОШҚА МАҚТОВЛИ ИЧИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Айтадиларки, ёввойи петрушка, яъни *самарниён* бунга қарши яхши [фойда келтиради]; игир илдизи, аристолохия барги ва илдизи, *мурр* илдизи, чўл қовори

илдизи ёки «қора ток» ёки дараҳт пўкаги — буларнинг қайси биридан бўлмасин ширин шаробга солиб бир *драхмий* миқдорида берилса [фойда қиласи], шунингдек, анагаллис, яъни бўтакўзниңг сиқиб олинган суви, зира, хусусан, тоғ зираси, карамнинг сиқиб олинган суви ёки икки *усулус* мурч билан қўшилган икки *драхмий* қуст ёки *Бахур Марямнинг* илдизи, Рум сассиқ қаврагининг уруғи ёки илдизи, ганданонинг ёки кангарнинг сиқиб олинган суви билан бирга исириқ уруғи ҳам [фойдалидир]. Шунингдек, қўён панирмояси, айниқса, хотинлар сутига [солинган] ёввойи ясмиқ уни ва занжабил фойда қиласи. Беклар ўти илдизи, Турк ерларида машҳур ва ғоят манфаатли бўлган *хазанбалнинг* илдизи, аристолохиянинг пўсти ёки қора йўнғичқанинг илдизи ичирилади. Турбудни янги согилган сутга солиб ичирилса, жуда фойда беради, деб даъво қиласидар; *афзо* илонлари ва барча ҳашаротлар чаққанига [қарши] *логия* сути, — мен буни *фаровий* ва *бушанжий* тарёки деб гумон қиласман, — ёки сирка билан қўшилган икки *дирҳам* говшир ҳам фойдалидир.

Шунингдек, қустдан ёки гентиана илдизидан уч *мисқол* олиб [ишлатилади]. Яна, яхши нарсалардан бирин эчкининг қумалогини шаробда эзиб ичиришdir.

Барча [заҳарни] кесувчи ўткир дорилар, хусусан, саримсоқ, пиёз, гандано, турп ва унинг суви ва барча тузланган нарсалар, хусусан, латчанинг қорни, қовурилган чаён, ҳўрознинг ва бошқа қушларнинг ўти ҳам фойдали нарсалардандир.

Газагўтнинг сиқиб олинган суви, олма баргининг сиқиб олинган суви ва саримсоқнинг сиқиб олинган суви ғоятда фойдали сувлардандир. Сирканинг ёлғиз ўзи, агар ундан тўрт *үқиясини* қайнатиб ичирилса, [фойда қиласи]; набатий карамининг атроф [барг]лари ёки айтишларига қараганда, одам сийдиги ҳам фойда қиласи.

ҚУТУРГАН ИТ, ҚУТУРГАН БУРИ ВА ҚУТУРГАН ЧИЯБУРИЛАРНИНГ БАӘНИ

Ит ва ундан бошқа айтиб ўтилган [ҳайвон]ларда қутуриш пайдо бўлади, яъни уларнинг мизожи заҳарлик, ёмон қора савдовийликка ўтади. Бу ҳолат уларда ёки ҳаводан, ёки овқат ва ичимликлардан юз беради.

Ҳаводан бўладиганига келсак, кучли ҳаракат [ёзда] итнинг хилтларини куйдиради ва у ит кузда қутуради

ёки [қишида] қаттиқ совуқ итнинг қонини қотириб савдовийликка айлантиради ва у ит баҳорда қутуради. Овқатдан ва ичимликлардан бўладиган қутуришга келсак, ит қассоблар [тўккан] қонни ялайди, ўлимтикларни ейди, сасиган сувларни ичади ва унинг хилтлари чириган савдога айланади. Шунингдек, худди мохов касаллигига учраганларда бўлганидек, итнинг мизожида ўзгариш юз берганида унинг хатти-харакатида ҳам ўзгариш пайдо бўлади; баъзан итнинг бадани шишади, ранги кул рангидаги бўлиб қолади, [мизожидаги] бузилиш сабаблари яна ҳам ортади, чунки у оч бўла туриб овқат емайди, ташна бўла туриб сув ичмайди, сувга дуч келиб қолса, ундан қочади ва қўрқади, кўпинча, сувни [кўрса] титраб қалтирайди, титраш кўпроқ унинг терисида бўлади, баъзан, айниқса, қутуришда доимо тилини осилтириб юради, эс-хушсиз бўлиб, ўз эгасини танимайди. Сен унинг кўзлари қизарганини, хўмрайиб ёмон қарашини кўрасан. У тилини осилтириади, кўпикли сўлакай чиқаради, бурнидан суюқлик оқади; боши эгилади, қулоқлари осилиб қолади ва ит уларни [доимо] қимирлатиб туради; орқаси букчаяди, умуртқаси бир томонга қийшяди ва сен унинг ёнга ёки юқорига қараб букирганини кузатасан, думи эса қимирламайди. Ит қўрқиб-қўрқиб, худди мастдек чайқалиб юради, шумшайган [кўринади] ва ҳар қадамда қоқилади.

Кутурган ит рўбарўсида бирор нарсанинг шаклини кўриши биланоқ, хоҳ у девор бўлсин, хоҳ дарахт бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин, югуриб ҳамла қиласди. У ҳамла қилганида камдан-кам ҳурийдӣ, одатдаги итларда бўлганидек, ҳамла қилаётган нарсасига ҳуримайди, аксинча тинч, салмоқланиб [ташланади]. Агар ҳурадига бўлса, бўғиқ овоз эшиласан. Сен [бошқа] итлар унинг йўлидан четга чиқини, узоқданоқ ундан қочишини кўрасан; агар бирор итга бехосдан яқинлашиб қолса, у [соғ ит] думини ликиллатиб ундан қўрқкан бўлиб, қочишига уринади.

[Кутурган] бўри итдан ёмонроқ; жуссаси [бўрига] тенг кедалигиган сиртлон ва чиабўри ҳам шундай қутурган.

ҚУТУРГАН ИТ ТИШЛАГАН ҚИШИНИНГ АҲВОЛИ

Кишини қутурган ит тишлиганида [умуман] бошқа жароҳатларга ўхшаш оғриқли жароҳатдан бошқа парса кузатилмайди. Сўнграки бир неча кундан кейин, у киши-

нинг фикри бир оз бузилади, ёмон тушлар кўради, ғазабланганга ўхшаш ҳолат, восvosлик ва ақл қоришуви, сўралган нарса қолиб, бошқача жавоб бериш содир бўлади. Сен унинг бармоқлари ва оёқлари тортишиб, ўзига тортаётганини кўрасан. Қасал ёруғлиқдан қочади; унинг кўкрак-қорин пардаси пирпираб учади, ҳиқичоқ тутади, ташна бўлади, оғзи қурийди; у кўпчиликдан қочади, ёлғиз туришни севади ва кўпинча, ёруғликини ёмон кўради. Бутун аъзоси, айниқса, юзи қизаради ва сўнг юзи яраланади; унда кучли оғриқлар пайдо бўлади, овози бўғилади; у йиғлайди ва сўнг иш охирига яқинлашгач, сувдан ва [умуман] суюқликдан қўрқа бошлияди, унга қачон бўлмасин сув келтирилса, ит деб хаёл қилиб хавфсирайди, баъзан сувдан қўрқмайди, ундан йирганади, баъзан тупроққа ағанашни яхши кўради, баъзан эса ихтиёrsиз равишда маний чиқиши содир бўлади ва бу, албатта, тортишиш ва кузозга олиб боради, [иш] совуқ тер чиқиши, беҳушлик ва ўлимгача бориб етади. Баъзан эса қасал бу ҳолатлар содир бўлмасданоқ ташналиқдан ўлади. Гоҳо у сув истайди, [аммо] сув берилса, додлаб ичмайди, ёки бирор қултум ичгудек бўлса, сув тиқилиб қолиб, ўлади.

Кўпинча, қутурган киши итга ўхшаб ҳурийди, аммо товуши бўғиқ бўлади. Баъзан эса товуши бутунлай чиқмай, соқовлардек бўлиб қолади ва овоз чиқара олмайди. Гоҳо у шундай нарса сиядики, унда кичик ҳайвонларга, кучукчаларга ўхшаш ажаб этлик нарсалар кўринади, аммо кўп ҳолларда унинг сийдиги суюқ, баъзан эса қора рангли бўлади. Гоҳо сийдик келиши тўхтайди ва [қасал] сиёлмайди; унинг қорни, кўпинча, қуруқ бўлади.

Бундай [қасалда] юз берадиган ғайритабиий ҳолатлардан бири шуки, у одамни тишлашга уринади, агар [қасаллик] авжига етган пайтда тишлагудек бўлса, бу одамда ҳам қутурган кишидагидек ҳолат юз беради; ундан қолган сув ва овқатни истеъмол қилган киши ҳам қутуради.

Биронта [қасал], агар у сувдан қўрқа бошлаган, айниқса, ойнада ўз юзини кўриб таҷий олмайдиган ёки ойнада [ўзининг ўрнида] итни кўриш даражасига етган бўлса, уни даволаб бўлмайди, ёки у бирор бошқа тадбир ёрдамида соғая олмайди. Бундан фақат икки кишигина мустаснодир; қадимгиларнинг айтишича, улар шундай ҳолатдан ўлмай қолганлар, аммо уларни қутурган итнинг ўзи эмас, қутурган ит қопган одам тишлаган,

Сувдан қўрқа бошлашдан олдин даволашга [бир оз] умид бор. [Бу касаллик] икки ҳафта ва шунга яқин вақтдан бошлаб олти ой муддат орасида ўлдиради; ўртacha муддат — қирқ кун. Бир гуруҳнинг айтишича, сувдан қўрқиш гоҳо етти йилдан кейин бошланади, аммо бу сўзга [бошқалар] ишонмайдилар.

[Табиблардан] бири, яъни Руфус айтадики, сувдан қўрқиш ва тупроққа ғанашибнинг сабаби шуки, [касалнинг] мизожида қуруқлик ғалаба қиласди ва мизожига зид бўлган нарса ёқмайди, мувофиқ нарса эса хуш қелади. Бу сўз мен майл қилмайдиган нарсалардан бири дир, чунки ёт мизожга мувофиқ бўлган нарсага мойиллик асоссиз бир нарсадир.

Қутурган ит қопганида тишлиланган жойидан кўп қон оққан кишининг ҳолати соғломроқдир. Шунингдек, агар [ит қопган киши] бунга тарёқ бўлган дориларни ичгандан кейин қон сийса, демак, у сувдан қўрқиндан қутулган бўлади.

ҚУТУРГАН ВА ҚОПИШИ ОРАСИДАГИ ФАРК

Баъзан бирор кишини ит тишлиайди, аммо бу киши итнинг қандай эканлигини аниқлашга ва ҳолатини билб олишга муваффақ бўломмайди; бу кишини даволашга эҳтиёж тушади. Бунинг давоси, у жароҳат бўлганлиги жиҳатидан битиришдан ҳамда қутурган ит қопганилиги [эҳтимоли] жиҳатидан, йиринглаштириш ва очишдан иборатдир, чунки [агар қутурган ит қопган бўлса], жароҳатни битириб юбориш ҳалокатга олиб боради. Шунинг учун бунда [қопган итнинг] ҳолатини аниқлашга имкон туғдирувчи бирор белгига муҳтоҷ бўлинади. Бунинг учун айтилган [усул] лардан бири шуки, «шоҳ ёнғоқ»ни ёки ундан бошқасини олиб, бир оз вақт жароҳат устига қўйиб турилади, кейин олиб, товуққа ташланади, агар товуқ ундан юз ўғирса, демак, қутурган ит қопган бўлади; агар товуқ ёнғоқни еб ўлиб қолса, бунда ҳам [ит] қутурган бўлиб чиқади. Еки бир бурда ноҳни олиб, жароҳатдан оқаётган нарсани, хоҳ у қон бўлсин, ёки бирор бошқа нарса бўлсин, суртилади ва [бирор] итга ташланади, агар ит уни емаса, демак, қутурган ит қопган бўлади.

Айтишларига кўра, ит қопган кишига совуқ сув ичирилгандан кейин унинг бадани қизиса, бу — қутуриш белгиларидан биридир. Мен айтаманки, бу қутуришнинг ўзигагина хос бўлган белги эмас,

Аввало жароҳатни бирикишга қўймаслик, аксинча, агар у кенг бўлмаса, кенгайтириш ва очиш керак. Сўнгра биз сенга [ҳашаротлар] чақиши бобида айтган тадбирлар — сўриб олиш ва қортиқлар қўйишини қўлланилади. [Қандай ит тишлиганини] аниқлаш учун жароҳатни энг камида қирқ кунгача битишига йўл қўймаслик керак; агар сен аввало жароҳатдан [заҳарни] тортиб олган ва сўнг эт унишига йўл қўймаган бўлсанг — жуда фойдали иш қилган бўлиб чиқасап, агар хатога йўл қўйилиб, жароҳат эт олиб қолган бўлса, уни қайтадан жароҳатлантириш лозим. Агар сен жароҳатни биринчи куниёқ учратган бўлсанг, унга, масалан, говшир, ёнғоқ, саримсоқларни ёки говшир ва сирка билан [қўйидагича] тайёрланган зифт марҳамини қўясан, унинг таркиби: сиркадан, — у ўткиридан бўлиши лозим, — бир қист, зифтдан бир ритл, говширдан бир *уқия* олиб, говширни то эриб кетгунича сиркада ивтилади ва булар ҳаммаси аралаштирилади; баъзан саримсоқ **ва** пиёзнинг ўзи, шунингдек, қайнатилган таратизак **ва** ангузалар алоҳида-алоҳида ёки қўшилган ҳолда [ишлатилса] кифоя қиласди. Лавлаги ҳам шундай; баъзан буни сариёғ билан бирга қўйилади. Кўпинча, ўйиб єовчи дориларга *фалдафиюн* қўшиб қўйишига ва ундан кейин ёғ қўйишига эҳтиёж тушади.

Иш сувдан қўрқишига бориб етганида ҳам, то касал ўзини ойнада таниёлмайдиган бўлиб қолгунича қўрқмасдан [даволай бер]. Айтадиларки, баъзан у ўз юзини [ойнада] таний олмайди ва, шу билан бирга, баъзан унинг кўзига ойнада ит бор бўлиб кўринади. Унга юқорида айтилган, ичига темир солиб ўчирилган сувдан ичир ҳамда биз кейинроқ айтмоқчи бўлган ҳийлани қўлла, чунки бу энг яхши даволаш [усулидир].

Қасалга сув ичириш учун барча ҳийлаларни ишлат, агар уни боғлаб зўрлик билан ичиришига эҳтиёж тушса, шундай қил; унинг меъдаси устига совутувчи дориларни қўйиб боғла, баробар сув қўшилган шаробни [ичириб] синаб кўрганлар, у жуда ажойиб фойда етказган.

Баъзан шундай вақтда қўйидаги сифатда [ишланган] дori фойда қиласди. Қўён панирмояси, Искандариядан келтириладиган Буҳайра лойи, тоғ арчаси уруғи **ва** гентиана илдизининг ҳар биридан тўрт *драхмийдан*, дафна меваси **ва** *мурни* ҳар биридан саккиз *драхмий-*

дан олиб асáл билан қориширилади; бир ичиш миқдори — бир дона Миср боқиласидек.

Яна: Буҳайра муҳрлари ва тоғ арчаси уруфининг ҳар биридан ўн [дракмийдан], кийик панирмоясидан тўрт, қуён панирмоясидан олти, юмалоқ аристолохия, дафна меваси, *муrr*, амом ва ёввойи газагўт уруфининг ҳар биридан уч *дракмийдан* олиб. ширин шаробга солиб, қоришириб хамир қилинади, сўнг асалга қўшилади, бир ичими бир боқила миқдорида бўлади.

Яна муҳр лойидан саккиз мисқол, дафна дарахти мевасидан ҳам шунча, қуён панирмоясидан ўн олти, кийик панирмоясидан ўттиз икки *дирҳам*, гентиана илдизидан тўрт, *муrrдан* тўрт [дирҳам] олинади; бунинг ҳаммасини асал билан қўшилади ва сақланади. Бир ичими бир нўхат миқдорида бўлиб, иссиқ сув билан берилади.

Баъзи кишиларнинг айтишларича, агар киши баданига қутурган итнинг тишини осиб юрса, ундан қутурган ит ҳам, бошқа итлар ҳам четлашади ва ҳамла қилимайди. Аммо булар сўзига ишониб бўлмайдиган кишилардир.

ИЧИРИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Ёлғиз ишлатиладиган дориларга келсак, улар ҳузаз, ангуза, эрман, *жулаҳ* ва шаробга солингган муҳр лойидир; сёдана бу соҳада жуда ажойиб, ҳатто юнончада унинг исми қутурган ит қопганида фойда етказувчи маъносини ифодаловчи [сўз билан] аталади; *муrr* ҳам: қўйиб, боғланса ва ичирилса, яхши фойда қиласиди. Гентиана илдизидан, шунингдек, «ер дуби»дан ҳам яхши дори йўқ деб айтадилар. [Табиблардан] бири ҳикоя қиласики, қисқичбақаларнинг кўзи ичирилса, қутурган ит қопганига қарши энг фойдали нарсалардандир. Бир [табиби] айтади: эмадиган кучук боланинг панирмояси ни сувга солиб ичирилса [касал] тузалади; яна бирининг сўзича қутурган ит қонининг ўзи ҳам даво эмиш; аммо менинг бунга рағбатим йўқ. Шунингдек, касални қутурган итнинг, хусусан, ўша қопган итнинг қовурилган жигари билан овқатлантирилсин, деб ҳам айтганлар.

[Яна] касалда сувдан қўрқиш ҳолати шайдо бўлганидан кейин уни мазкур жигар ва юрак ёки сиртлоннинг қовурилган териси билан овқатлантирилсин дейдилар.

[Яна] айтадиларки, агар касалга шундай ҳолда қун-
дуз қири билан ҳабб ул-мулук ичирилса ва шулардан
шамча ясаб кўтартирилса, фойда етказади ва сувдан
кўрқиш йўқолади.

Мураккаб дориларга келсак, булар Жолинуснинг до-
риси ва биз юқорида айтганларимизга яқин бўлган
катта тарёkdir. Унинг таркиби: дарё қисқичбақасининг
куйдирилгани ва гентиана илдизининг ҳар биридан беш
[бўлакдан], кундур елими ва ялпизлардан уч [бўлак-
дан], муҳр лойидан икки [бўлак] олинади ва эрта на-
ҳорга уч дирҳамини илиқ сувга солиб ичирилади, кеч-
курун ҳам уч дирҳамини ичирилади. Бу дорини [касал-
лик] қирқинчи кунига етмасдан олдин кўп кунлар да-
вомида истеъмол қилинади.

Бундай касалларга фойда қиласидан олакулангдан
тайёрланадиган дорининг таркиби: оёғи, боши ва қанот-
лари юлиб ташланган семиз, катта олакулангдан бир
бўлак, пўсти ажратилган ясмиқ, заъфарон, сунбул, қа-
лампирмунчоқ, мурч ва дорчинларнинг ҳар биридан бир
бўлакнинг олтидан бирини олиб, ҳаммасини, хусусан,
олакулангни майдалаб янчилади ва сув билан қорилади,
[сўнг] ҳар биттаси икки донақ вазнича келадиган кул-
чалар ясалади; ҳар куни битта кулчани илиқ сув билан
ичирилади. Агар [касал] қовуғида санчиқ борлигини ҳис
қилса, пўсти арчилган ясмиқ қайнатмаси, бодом ёғи,
қаймоқ ёки сариёғ ичирилади. Ҳар куни, шулардан
ичганидан кейин, касални ҳаммомга туширилади ва
ваннага ўтиргизиб, ҳатто у ерда сийдирилади; касал
семиртирилган жўжаларнинг қайнатма шўрвалари каби
хўлловчи овқатларни ейди ва набиз [шаробини] ичади;
совуқдан сақланади.

Олакулангдан тайёрланадиган дорининг қисқарти-
рилган таркиби: биз юқорида баён қилганимиздек, ола-
кулангдан олиб, қатиқ айронига солиб, бир кечаю бир
кундуз турғизилади, кейин бу қатиқ айронини сузуб
ташлаб, бошқа қатиқ айронига солинади ва яна бир ке-
ча-кундуз турғизилади. Бу ишни уч марта такрорланади.
Сўнг олакулангни олиб, соя жойда қуритилади ва унинг
вазнича пўсти ажратилган ясмиқ билан қўшиб янчилади,
сўнг кулча ясалади. Ундан бир ичими икки донақ
вазнида бўлиб, шароб билан ёки илиқ сув билан ичири-
лади, дорини ичириб бўлгач, юргизиш ёки [кўрпага]
ўраш билан терлатишга ҳаракат қилинади. Агар ичи-
рилган дори кўнгил айнитса, унинг устидан бир ускур-
ражга зайдун ёғи ёки сариёғ ичирилади; [касал] ваннага

тушади ва унга сияди, агар [шунда] қон сийса, сувдан қўрқишдан қутулган бўлади.

ЗАҲАРНИ ТОРТИШ ВА [ЖАРОҲАТНИ] ҚЕНГАИТИРИШ УЧУН ҚҮЙИБ БОҒЛАНАДИГАН ВА БОШҚА ДОРИЛАР

Ангиза жуда яхши қўйиб боғланадиган доридир. Айтадиларки, уни қутурган итнинг жигари билан қўйиб боғланса жуда фойдалидир, бунга бир гуруҳ [табиблар] гувоҳлик берганлар. Саримсоқ қўйиб боғланадиган ва ичириладиган доридир; тузланган балиқ гўшти бунинг учун етарли даражада фойда етказади.

Жароҳатдан заҳарни куч билан тортувчи тадбирлардан бири одамнинг турғизиб эскитилган, айниқса, табиий сода билан қўшилган сийдигидир. Ток новдаси кулининг ёлғиз ўзи ёки сирка билан қўшилгани, туз қўшилган ялпиз ва говшир жуда ажойибdir. Боғ таррагининг барги, шунингдек, арпабодиён илдизи ҳам жуда фойда қиласи.

Ит тишлаган жойга балиқ елимини бир неча марта суртилса, шунингдек, янчилган чумолиларни қўйиб боғланса ёки зангор ва тузнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, бузоқ мойидан ўн икки [дирҳам] олиб марҳам тайёрланса, ажойиб бир манфаат етказади, дейдилар. Шунингдек, қўйпечақдан уч [бўлак], бурақдан икки [бўлак], дengiz кўпигидан бир [бўлак], туздан тўрт [бўлак], ғоз ёғидан ўну учдан икки [бўлак] ва хина ёғидан керакли миқдорда олиб [ишлатилади].

СУВ ИЧИРИШДА [ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН] ҲИЙЛАЛАР

Филагрий: «[Қасал] сувдан қўрқанида мен унга сиртлон терисидан қилинган идишда сув берган эдим, у ичди», — дейди, бошқа бир [табиб] эса [унга қўшилиб]: «ёки сиртлон териси қопланган идишда, айниқса, агар идиш ёғочдан қилинган бўлса, ёки қутурган итнинг териси [қопланган] бўлса, [қасал сув ичади]», — дейди.

Табиблардан бири [буни давом эттириб]: ёки идишнинг тагига ёки идиш устига [хотинларнинг] таҳорат латтасидан бир парчани қўйилса, [қасал сув ичади] дейди. Булардан бошқа яна бирининг айтишича, бу тадбирларнинг бирортаси ҳам фойда бермайди.

Бир [табиб] узун қамиш найни қасалнинг ҳалқумига ҳийла билан чуқур киргизиб, сувнинг устини беркитадиган бирор нарса билан ёпиб туриб, унга сув қўйган,

[яъни] найнинг бир тарафини касал ҳалқумига ўрнаштириб, унга сув қўйган ёки тилладан ишланган маҳсус найча [ишлатган].

ҚУРУҚЛИКДА ЯШАЙДИГАН ЧАЁН ТУРЛАРИ

Бир гуруҳ [олимлар]нинг айтишича, ургочи чаён эркак чаёнданд каттароқ бўлади, чунки эркак чаён ингичка ва ориқ, ургочиси эса семиз ва катта бўлади, аммо ургочи чаёnnинг игнаси ингичка, эркагиники эса йўғондир. Бир табибининг даъвосича, чаёнларнинг баъзиси иккита игналик бўлиши ҳам мумкин бўлиб, у чаққан жойда иккита тешик қолади; чаён чаққан жой совуди, [лекин] бутун бадан қизийди, гоҳо [баъзи кишиларда] совуқ тер чиқади.

Қанотли чаён катта бўлади; кўпинча, учганида шамол унинг қайтиб қўнишига тўскенилик қиласи ва уни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга учирив кетади.

Чаёнлар думининг бўғинлари ҳар хил бўлиб, баъзиси олти бўғинлидир, Шаъро [Сириус] юлдузи чиққан пайтларда бунинг қуввати жуда зўраяди ва чаққан кишиси ни ўлдиради. Баъзи чаёнларнинг бўғини эса камроқ бўлади. Бир гуруҳ [кишилар]нинг даъвосича, чаёнлар тўққиз рангли: оқ, сариқ, қизил, кулранг, оч қизил, кўк, баъзиси тилларанг ва игналари ҳамда думларининг учлари қора, баъзиси узум шароби рангида бўлиб, унинг зарбасидан игна санчилгандек санчиқ ва азиятли оғриқ сезилиди; баъзиси тутун рангида бўлиб, у чаққан киши [бейхтиёр] қаттиқ кулади ва ақл қоришувига учрайди.

ЧАЁН ЧАҚҚАНИДА ЮЗ БЕРАДИГАН ҲОЛАТЛАР

Чаён чаққан заҳотиёқ [кишида] қизил [рангли] қаттиқ шиш ва давомли оғриқ пайдо бўлади. Чақилган жой гоҳ аланталанади, гоҳ совуди; худди у ерга дума-лоқланган қор келиб тегаяпти, деб гумон қилинади. Бирданига оғриқ ва игна санчилгандек санчиқ пайдо бўлиб, бунинг кетидан совуқ тер чиқади, лаб учади ва совуиди; [киши оғзидан] лабларда қотиб қоладиган ёпишқоқ нарса ташлайди; эт увушиб ҳурпаяди, мўйлар тиккайди, бадан атрофлари, айниқса, чаён чаққан жойга яқинлари совуб, қалтираш пайдо бўлади, бутун бадан бўшашади, иккала чов дўмбаяди, эрлик олати чўзилади.

Баъзан, қорин дам бўлиб, айниқса, қуён томонларини чаён чаққан киши, кўп ел чиқаради. Киши қўлтиқларида, айниқса юқори томонларини чаён чаққан кишининг қўлтиқларида шиш пайдо бўлади, у кўп кекиради, ранги ўзгаради.

Агар чаён ёмон туридан бўлса, жуда ёмон белгилар юз бериб, мазкур ҳолатлар ҳаддан ташқари [кучли] бўлади; чаён чақиши [бадани] худди доғлагандагидек куйдиради; бутун бадан совуқдан увушади, лабга ёпишқоқ рутубат чиқиб қотади, кўздан ҳам шундай рутубат оқади, кўз бурчакларида йиринг қотиб қолади. [Киши] кўринишининг ўзгариб бориши зўрайади, кўтган чиқади, эрлик олати шишади, тил йўғонлашади, тишлар бир-бирига ишқаланади; томоқ [бўйин] аъзолари тортишади; баъзан тишлар бир-бирига мингашиб, очилмай қолади — бу эса ёмон белгидир.

Жолинуснинг айтишича, чайённинг зарбаси артерияга тегса, беҳушлик пайдо қиласди, ёки асабга тегса тириштиради, ёки веналарга тегса, чиришини келтириб чиқади.

ДАВОЛАШ

Буни умумий қонунлар асосида ҳамда, туз, тариқ ва шуларга ўхшашлар билан компресс қилиб даволанади. Энг аввал бажарилиши зарур бўлган шартларга риоя қилинган ҳолда [ярани] сўриб ташлаш ва [заҳарни] тортиш борасида айтилган нарсаларни қўллаш лўзим. [Чаён чаққан жойга] ангуза, саримсоқ ва назла ўти каби ўткир, латиф ва тез аланглантирувчи нарсаларни қўйиш керак. Аммо беклар ўти чаён чаққанига қарши ишлатиладиган энг яхши дорилардандир, ритта мағзи, — бу Ҳинд фундуғидир, — ва умуман барча фундуқлар, барги саримсоқ баргига ўхшаш ерга ёйилган, даврали, эни бир қарич келадиган, елимшак таъмли, мазаси кунор дарахти мевасиники сингари тахир мазали ўсимлик ҳам шундай. Буни сувга солиб ичилса, оғриқни дарҳол тўхтатади. Биз танимайдиган кўп ўсимликлар ва дархтларнинг ҳам номларини атаб эслатиб ўтилган. Шунингдек, шохлари бир газ узунликда бўлиб, тўғри кўтариладиган ва уларда хурмога ўхшаш, мазаси ҳам хурмо мазасидек мева пайдо бўладиган ўсимлик эслатилади, уни ичилса, оғриқни дарров тўхтатади. «Барбар ўйинчоги» бу соҳада ғоятда [фойдали] дир. Денгиз пиёзини ейилса, у ажойинб [таъсир кўрсатади].

Чаён чаққанига қарши тарёк: форуқ, митридат, Азро тарёни, тўрт нарсадан тайёрланадиган тарёк, сажсанниёлар фойда қиласди. Ангуга дориси чаён чаққанин қарши яхши доридир. Чўл қовоги ва исириқлар бизнинг вақтимизда тажрибадан ўтказилган дориларданди. Ёввойи маҳсар ҳақида Жолинус: «Уни [қўлда] туза б турилса, оғриқни тўхтатади», — деб гувоҳлик беради. Бу тиканли кангарлар туридандир.

Бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишича, аконитдин бир кунжут донасилик ичирилса, оғриқни тўхтатади, [чаённи] қочиради, аммо [кишини] ўлдирмайди, чунки унинг ярим дирҳам вазнича бўлганигина ўлдириш [куватиган эгадир]. Шароб билан саримсоқ чаён чаққанга қарши яхши дорилардандир. Бунда шаробни саримсоқ ейилгандан бир оз фурсат ўтгач ичилади. Саримсоқни ўз вазнича ёнғоқ билан қўшиб ейлса, айниқса фойдалидир; уларнинг ҳар иккаласидан бир үқияча ейлади. Саримсоқ ва шаробни истеъмол қилгандан кейин [касал] жуда иссиқ жойда ўралиб [ётиши] керак. Агар уни бирор ҳийла билан иссиқ сувдан чиқаётган буғ устига ётқизиш мумкин бўлса, бу фойдалидир. Бундан мақсад терлатиш, терлатишдан мақсад эса, моддаларни сиртга қараб ҳаракат қилдиришдир. Чаён чаққанлар учун ҳаммом жуда фойдали; ҳаммомдан чиққач, холис шароб ичадилар.

Чаён чаққанлар учун яхши тарёк таркиби. Узун аристолохия, гентиана илдизи, дафна меваси, ковул илдизининг пўстлоғи, Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, набатий эрмани, зарчава ва чўл қовоқларни олиб, асал билан қўшиб қўйилади.

Бошқа яхши дори. Ёввойи газагўт уруғи, Ҳабаш зираси ва қора йўнғичқа уруғининг ҳар биридан бир уксубофун, [шуларни] қоришириларли миқдорда сирка, сиркани ёпишқоқ қиласидиган ва дориларни бир-бирiga бирлаштира оладиган миқдорда араб елими олиниади. Бу таркибининг бир ичими бир драхмий бўлиб, бундан орттирилмайди; [орттирилса] — хатарли, агар бирор соатдан кейин орттиришга эҳтиёж туғилиб қолса, яна прям дирҳам ичирилади.

Чаён чаққанига қарши бошқа яхши тарёк. Саримсоқ ва ёнғоқдан бир бўлакдан, газагўтнинг қуруқ барги, ангуза ва муррларнинг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб, юмшаб асалдек бўлгунича ивтилаган анжир билан қоришириллади. Бунинг бир ичими уч уч дирҳам бўлиб, шароб билан ичилади.

Чаён чаққанига қарши яхши тарёк. Қундуз қири, оқ мурч, *мурр* ва афюнлардан баробар бўлакларни олиб, кулча ясалади. Бир ичими уч оболо бўлиб, тўрт уқия шароб билан ичилади. Бу қорақурт чаққанида ҳам фойда беради.

Яна: говшир, *мурр*, гальбан елими, қундуз қири ва оқ мурчни олиб, баробар вазнда олинган майъа елими, ва асал билан қориширилади.

Аскарий давосининг таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг илдизи, ковул илдизи, эрман, юмалоқ ва узунчоқ аристолохия ва қоқигуллардан баробар бўлаклар олинади. Бир ичими — болалар учун икки *донақ*, катталар учун бир *дирҳам*. Бу [дори] ғоят ажойиб ва тенги йўқдир.

ИЧИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Ичириладиган яхши дорилар: ангузадан, шунингдек, чўл қовоғи ҳамда ёввойи зирадан шароб билан бирга бир *дирҳам* вазнида, шунингдек, тўпалоқ, миরта уруғи, тоғ қорарайхони ва унинг уруғи, ёввойи қўзиқулоқ уруғи, қоқигул, сачратқи ва Эрон қавраги ичилса ва суюқ суртма қилиб ишлатилса, ёввойи ялпиз ва дарё қисқичбақасини эшак сути билан ичилса, [яхши доридир].

Араблар [чаён] чаққан кишига Абу Жаҳл тарвузи илдизидан икки *дирҳамини* янчидан ичирадилар. Бу аниқ фойда етказади. Бир гуруҳ кишилар тузни, яъни хамир тузини тажриба қилиб кўрганлар, ундан бир марта кафт отилса, кифоя қиласди.

Бир гуруҳнинг даъвосича, кўк ишқорни янчидан, эландан кейин сигир сути ёғи билан қоришириб, икки *мисқолга* яқин ишлатилса, зўр фойда қиласди.

Турп ёки тоғ қорарайхонини еб юрган киши чаён чақишидан заарламайди. Жуссаси катта *харкук* деб аталадиган қанотсиз чигирткани қуритиб, шароб билан ичилса, чаён чаққанига қарши фойда етказади. Ишончли бир кишининг айтишича, чаён чаққан кишига афюн ва мингдевона уруғидан баробар [миқдорда] олиб, асал билан қориширилиб [берилса], фойда қиласди.

Яна: *мурр*, говшир ва афюнлардан баробар бўлакларни, чўл қовоғидан тўрт бўлакни олиб, бу таркибдан кулчалар ясалади.

Яна: узунчоқ аристолохия илдизининг пўстлоғи ва назла ўтининг ҳар биридан бир бўлакдан олинади ва керакли миқдорда ичириб турилади.

Бир гурухнинг айтишича, шароб дурдасидан олти [дириҳам], сариқ олтингугуртдан саккиз, газагўт уруғидан уч, қундуз қири ва таратизак уруфининг ҳар биридан икки дириҳамдан олиб, денгиз тошбақаси қони билан аралаштирилади. Бунинг бир ичими бир дириҳам бўлиб, беш уқия шароб билан ичилади.

СУРТИЛДИГАН ВА ҚУЙИБ БОҒЛАНДИГАН ДОРИЛАР

Чаённинг ўзи ҳамда унинг думи, шунингдек, чаён думига ўхшашлиги сабабли «чаён думи» деб аталадиган ўсимлик ҳам чаён чаққанига қарши қўйиб боғланадиган яхши дориларданdir. Шу билан бирга, [бу ўсимлик] яҳудийлардан бирининг даъвосича, [аъзо] соғломлик ҳолида қўйиб боғланганида [ҳам] увштиради ва у жойдаги қонни ўлдиради.

Сичқонни ёриб чаён чаққан жойга қўйилса, барча [табиблар]нинг фикрича фойда қилади, қурбақа ҳам шундай. Биз ҳам Ҳинд сиёҳини суртма дори қилиб, тажрибадан ўтказдик, у фойда етказиб, оғриқни тұхтатди. Хом анжир сути ва қундуз қири ҳам шундай. Айтишларича, бу соҳада балозур ажойиб [дори] бўлиб, оғриқни тұхтатувчидир. Сирка билан бирга ишқор яхши [дори]. Санавбар елими ёки сақыч билан қўшилган ўлдирилмаган олтингугурт, тузланған балиқ гүшти ҳам [шундай]; қайнатилган саримсоқ билан сариёғни иссиқ ҳолида қуйилади. Яна: зигир уруғи ёки гулхайри уруғи, ёки шу иккаласининг туз билан қўшилгани, шунингдек, арпа унининг газагўт шираси ёки қайнатмаси билан қўшилгани [ни қўйиб боғланади].

Яна: кантар тезаги билан қўшиб қайнатилган кепак [ҳам фойдали]. Тоғ қорарайхони дарҳол оғриқни тұхтатувчи яхши суртма доридир. Шунингдек, Абу Җаҳлтарвузи илдизи, сачратқи, қоқигул ҳамда тоғ қорарайхони билан бирга амом ва қуритилган саримсоқ ҳам яхши суртмадир. Сийдик тузи шундай дорилардандирки, ундан фойдалироқ бирор нарса йўқдир.

Қиздирилган тош устига сепилган сиркадан чиқаётган буғга [чаён] чаққан жойни тутиб туриш фойдали тадбирлардан биридир. Чаён чаққан жойга қуйиладиган дорилар эса кепак қайнатмаси, қичитқиўт қайнатмаси ва бобуна қайнатмасидир. Иситилган денгиз суви, қора йўнгичқа шираси ва қайнатмаси ҳам ажойиб фойда етказади. Иситилган оқ нефть ҳам ажойиб. Ичи-

га геккон калтакесаги солиб қайнатилган зайдун ёғини иссиқ ҳолда чәён чаққан жойга томизилса, ажойиб фойда келтиради.

УРГИМЧАҚЛАР, УРГИМЧАҚ БИИИ ВА ҚОРАҚҮРТ

Қорақүртларга келсак, бундай нарсалар соҳасида кузатувчан ва тажрибакор кишиларнинг баёнича, улар олти турлидир; аммо уларнинг ҳар бир турини баён қилишда ҳар хил фикрларни айтадилар; ишончли табиблардан бири: «Қорақүрт турларидан биринчиси, яъни *аддоиён* деб аталадигани юмaloқ шаклли ва узум рангли бўлади», — деган, узум рангли дейишдан мақсадлари қорамтири демакдир.

Иккинчи тури *луқус* деб аталади; бунинг танаси биринчи юмaloқ шакллисидан кўра ёйиқроқ бўлади, бунинг бўйин [ни ташкил этувчи] қисмларида кертиклар кўриниб туради; оғзи устида бўртиб чиққан ғовак ва силлиқ учта жисм [ўсма] бўлади.

Учинчи тури — *мурмиқиён*. Бу *ујсрұф* деб аталадиган катта чумоли ҳажмида бўлиб, ранги кулрангсизмон, баданини, айниқса, орқа томонини бўртиб чиққан майда қизил жисмлар бекитиб туради.

Тўртинчи тури — *силқириғуғқуун*. Бунинг бутун бадани ва боши қаттиқ бўлиб, катта чумолининг қаноти қаби қанотлидир.

Бешинчи тури — *сиқлиқун*. Бунинг танаси узун ва ингичка бўлиб, баданида, айниқса, боши ва бўйни олдида [қора] нуқталари бор.

Олтинчи тури — *қуртуғулқитис*. Бунинг танаси узун, ранги кўк бўлиб, бўйни тагида игнага ўхшаш ўсмаси бор.

Мазкур табиб қорақүртнинг барча турлари чақанини фақат бир хилдаги белгиларни кўрсатган. Бошқа бир табиб ҳар бирининг ўзига хос белгиларини баён қилган. Бундан ҳам бошқа табиб эса: «Қорақүрт *фаҳд* деб аталадиган ўргимчакка ўхшаш ўрмаловчидир», — деган, *фаҳд* эса — пашша овлайдиган ўргимчак.

Қорақүртнинг турлари кўп; улар, Жолинуснинг айтишича, ўн икки турдан иборат. Улардан энг ёмоши — Мисрда бўладигани. Уларнинг баъзиси қизил [рангли] бўлиб, ўргимчакка ўхшаш юмaloқ бўлади; баъзиси тутунсимон қора бўлиб, бу ҳам ўргимчакка ўхшайди; баъзиси олачипор, баъзиси оқ бўлиб, қорни юмaloқ, оғзи кичкина, кўриниши юлдузсимон, оғқаси

ўткир, ялтироқ чизиқларга эга; баъзиси сариқ [рангли] бўлиб тукдор; баъзиси эса «узумсимон» бўлади. Бу исмга хос бўлган турининг оғзи бошининг ўртасида, оёқлари калта ва орқага мойил бўлади. Бундай қорақурт чақмоқчи бўлганида икки оёғи устига кўтарилади [игнаси билан] зарба бермоқчи бўлса, [оғзидан] озгири рутубат ташлайди. Бу тuri олдинроқ [айтиб ўтилган] «узумсимон» туридан кичикроқ бўлади.

«Чумолисимон» дейилган қорақурт ҳам бўлиб, у чумолига ўхшайди, бўйни қизил, боши қора, орқаси оқ, [аммо] ҳар хил рангли ҳоллари бор. Баъзи қорақуртлар «олакулансимон», баъзиси «арисимон» бўлади. Буниси қизил рангли бўлиб, арига ўхшайди. Сўнгра Жолинус буларнинг ҳар бирининг чаққанида юз берадиган белгиларни кўрсатди.

Қорақуртларнинг баъзиси «ясмиқсимон» бўлиб, кийичик ва ясмиқа ўхшашиб даврали бўлганилиги сабабли шу исм билан аталган. Бунинг оғзи кичкина, қорни малларанг, оёқлари оқ, сертук бўлади. Илгарироқ эслатиб ўтилган Миср қорагуртига келсак, у ёмон тuri бўлиб, катта қоринли ва катта бошлидир. чироқ атрофида учиб юрадиган пашшага ўхшайди.

ҚОРАҚУРТ ЧАҚҚАН ҚИШИДА ЮЗ БЕРАДИГАН ҲОЛАТЛАРНИНГ УМУМИЙ ВА МУФАССАЛ БАЁНИ

Жолинуснинг айтишича, қорақуртнинг чақиши чаён чаққандек чуқур ботмайди, шунинг учун ҳам томиргача етиб бормайди, кўпинча, [у чаққан жой] кўкармайди.

Қорақурт турларини олтида деб, дастлаб исм бериб атаган киши: «Уларнинг ҳаммаси учун умумий [белги шуки], улар чаққан жой шишади, у жой камдан-кам ҳолларда қизаради, кўпинча, хира кўк рангли бўлиб, шу жой ва унинг атрофлари қичишиб туради, баъзан қичишиб почагача етиб боради», — деган. Бу [кишидан] бошқалар: « У жой деярли дўмбаймайди ва аллангаланмайди», деган сўзни кўшимча қилган. Аввалги киши эса: «[Қорақурт чаққач] асабли аъзолар, масалан, тизза, белнинг қуйиси, орқа ва куракларда доимо совуқ сезилади, баъзан бутун бадан совуб, титраб қалтирайди», — деган. Унинг айтишича, қорақурт чаққан жойда доимий қаттиқ оғриқ бўлиб, уйқусизлик кузатилади, юзнинг ранги сарғаяди; кўз ёшланишдан кўра рутубатчироқ кўринади, четма-кет ёш томчилаб туради. Ко-

рийнинг қуёйи томони, айниқса, қов яқини бўш ва холи сезилади, табиат ҳам юқоридан, ҳам қуийдан сувсизмой моддани ҳайдайди ва баъзан, шу модда ичидаги ўргимчак уясисимон нарса кўринади. Чов ва мояклар кўпчийди, буғинлар ёйилмайдиган даражада тиришганга ўхшаб буришади. Юрак оғрийди, кўнгил айнийди, бадандан совуқ тер чиқади, баъзан барсом касаллигига учраганлардаги сингари бош оғрийди.

Бошқа [табиб]лар бунга қуийдагиларни қўшганлар: юз сарғаяди, бадан оғирлашади, сийдик куйдириб ачиширади, баъзан сийиш қийинлашади, гоҳо сийдикдан ўргимчак [уясига] ўхшаш нарса чиқади; жинсий аъзо, тизза, қов, шунингдек, меъда қаттиқ тортишади; тил дудуқланиб тутилади ва оғриқлар кучаяди.

Аввалги [табиб]нинг кўрсатишича, у айтиб ўтган олтинчи турдаги [қорақуртларга] хос белги шуки, уларнинг чақишидан меъдада қаттиқ оғриқ, жуда кўп силкиниш билан бирга жуда қаттиқ учиш воқе бўлади. Унинг айтгани шу. Жолинус ва бошқалар эслатган [белгиларнинг] муфассал баёнига келсак, улар шундай деганлар: қорақуртнинг қизил турига келганда, унинг чақишидан озгина, тезда босиладиган оғриқ пайдо бўлади. Қора ва олачипорининг чаққанида эса оғриқ кучли бўлади, эт увушиб ҳурпайиш, совуқ ейиш, қалтираш юз беради, иккала сон оғирлашади. Қорни юмалоқ, оғзи кичик оқ тури чаққанда қичишиш билан бирга озгина оғриқ пайдо бўлади, ич бураб оғрийди ва қорин бўшашиб ич кетади. Юлдузсимон тури чаққанда оғриқ зўрайди, қичишиш, қалтираш ва увушиш юз беради, бош оғирлашиб, бадан бўшашади.

«Узумсимон» қорақуртга келсак, бу чаққан жойда қаттиқ оғриқ қўзғалади, бутун бадан совуиди, эт увушиб тук ҳурпайиш, қалтираш ва кузов пайдо бўлиб, совуқ тер оқиб туради, товуш узилади, бутун бадан увшади, қорин шишади, жинсий олат қўзғалиб, тарангларшиб, ихтиёrsиз маний ташланади, лойқа сийдик чиқарилади.

Қорақуртнинг тутунсимон қораси ёмон тури бўлиб, бундан меъда оғриғи, кетма-кет давомли қусиш, бош оғриғи, узлуксиз йўтал, сийдик тутилиши юз беради ва ва бу тезда ўлдиради. Тукли, сариқ тури чаққанда эса, оғриқ жуда қаттиқ бўлади, қалтираш юз беради, совуқ тер чиқади, қорин дам бўлади ва, кўпинча, [киши] ўлади. Баъзи кишилар бунга «узумсимон» [қорақурт] чаққанда юз бералиган жинсий олат қўзғалиб таранг-

лашини, товуш узилиб қолиши, маний ташлаш ва *кузоздан* иборат айрим хусусиятларин қўшганилар. [Уларнинг гаплари] мен учун эътибор бергудек ишончли гаплардан эмас.

«Чумолисимон» қорақуртнинг чақиши бехавотир ва әлами оздир. «Олакулангсимон» тури чаққанида баданга сувли қаварчиқлар пайдо бўлиб, тил оғирлашади. «Арисимон» тури чаққан жой шишади, *кузов* ва қаттиқ ўғир уйқу юз берниб, иккала тизза заифлашади.

«Ясмиқсимони»га келсак, бу қорақуртларнинг ёмон тури бўлиб, бу [чаққанида] «узумсимон» тури чаққандаги ҳолатлар юз беради, лекин бундаги ҳолатлар «узумсимон» тури чаққандагидан оғирроқ бўлади.

Мисерда бўладиган турига келсақ, бу ҳам ёмон тури бўлиб, [чаққанида] қаттиқ бош оғриги ва оғир уйқу пайдо қиласди, кейин киши тезда ўлади.

ДАВОЛАШ

Буларни даволашда ҳам заҳарни тортиш, сўриб олиш, [ҳашарот] чаққан жойга тузли иссиқ сув қуиши, чаёнлар бобида айтилган тарёкларни беришдан иборат умумий қондида қўлланилади. Ҳаммом ва ванналар оғриқни тез тўхтатувчиdir. Чунки қорақурт чаққан кишилар ваннага тушсалар, оғриқлари пасаяди, ваннадан чиксалар, қайтадан оғриқ бошланади. Демак, уларни ҳар соатда ҳаммомга тушириб туриш керак.

Қорақурт, денгиз аждари ва илонларнинг барча турлари [чаққанига]га қарши тарёк. Айтишларича *самуриё* ва *туруғурун* кабилар чаққанда мана шу сифатдаги дори ичирилади: оқ мурч, аристолохия, ҳаворанг гулсанспар илдизи, Рум сунбули, назла ўти, ёввойи сабзи уруғи, қора харбақ, қора зира, ёввойи жингак барги, *афрунитрун*, анор пўсти, қуён панирмояси, дорчи, дарё қисқичбақаси, *майъа* елими, кўйнор шираси ва бальзам дарахти уруғининг ҳар биридан бир *үқиядан* олиб янчиб, ковул шираси билан қориштирилади ва кулчалар ясалади. Ҳар бир кулча бир *Фрахмий* вазнида бўлиб, бу унинг бир ичим миқдоридир: уни шароб билан ичирилади. Баъзи нусхаларда оқ гулсанспар илдизи, бальзам дарахти шохчалари, қоқигул уруғи, сарв ёнғоги ва петрушка уруғи [дэйилган].

Қорақурт чаққанга қарши тажриба қилиб кўрилган тарёк: санавбар донаси, қора зира, чинор дарахтининг

барги ва пўстлоғи, қоқигул уруғи, қора нўхат, айниқса, унинг ёввойиси, мирта уруғи, — бу жуда яҳшидир, — бўйимодарон уруғи, укроп уруғи, аристолохия, юлруғ уруғи, гулҳамишабаҳор шираси, ёввойи сутчўп сутидир. Бу [дори]ларнинг қайси биридан бўлса ҳам, бир ичими икки мисқол вазнида бўлиб, шароб билан ичилади.

Яна: сарв ёнғоги солиб, айниқса, дорчин қўшиб қайнатилган шароб, қисқичбақалар шўрваси, гоз шўрваси, шароб билан биргаликда морчўба илдизининг қайнатмаси [Фойдалидир]. Бундай касалларга ичириладиган яҳши мураккаб дори: аристолохия ва зирадан баробар бўлаклар олинади. Бунинг бир ичими уч дирҳам бўлиб, иссиқ сувга солиб ичирилади.

[Қорақурт] чаққанга қарши тажриба қилинган тарёқ: седанадан ўн дирҳам, ёввойи сабзи уруғи ва зира-нинг ҳар биридан беш дирҳамдан, арча бужури ва сарв ёнғогининг ҳар биридан уч дирҳамдан, хушбўй сунбул, дафна меваси, юмалоқ аристолохия, бальзам дарахти уруғи, дорчин, гентиана илдизи, қоқигул уруғи ва петрушка уруғининг ҳар биридан икки дирҳамдан олиб, асал билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир жавза миқдорида бўлиб, эски шароб билан ичилади.

СУРТМА ДОРИЛАР ВА ШУНГА УХШАШЛАР

Уларнинг яҳхиси анжир ёғочининг шароб ва туз билан қориштирилган кули, оқ зок, сиркага ботириб олиб, сиқиб ташланган булат, арпа уни билан бирга сиркада қориштирилган аристолохия, кангар барги, гандано, қизил тасма, анжир ёғочи кули билан қўшилган аристолохиядир.

Қўйиб боғланадиган яҳши дори: анор пўсти, аристолохия ва сирка билан арпа уни олинади ҳамда жароҳатни юваби ташлагандан кейин сув ва туз билан қўшиб ишлатилади.

Суртиладиган дорилардан бўлган қора йўнғичқа ёғини иссиқ ҳолда қўйиладиган дори сифатида ҳам [ишлатилади]. Йиситилган денгиз суви, ҳар қандай тузли сув, кангар қайнатмаси ва сарв ёнғоги қайнатмаси қўйиладиган дорилардандир.

АРИЛАР ЧАҚИШИ

Арилар [чаққанида кишини] асалари [чаққанидағи]дан кўра кучли қиздиради; чаққан жойи оғрийди ва қизариб шишади. Катта арилардан боши қора, кўп


игнали, [чаққанда], ўлдирадиган бир тури бор, унинг чақиши кўп ҳолларда ўлдирувчидир.

ДАВОЛАШ

Бунинг чаққанига қарши юқорида сен билган сўриш тадбири ишлатилади; иш улғайган тақдирда эса ичириладиган дорилардан бир *дирҳам* оғирлигига саримсоқ уруғи ичирилеа, ўша заҳотиёқ оғриқни тўхтатади; ёки уч кафт қуруқ кашнич ичирилади. [Касал] машҳур совутувчи ширалар ва машҳур совутувчи шарбатларни ичсин, баъзан худди шиёф дўридек қилиб ях кўтарттирилса, фойда етказади; суртмалардан ёввойи гулхайри суви, тоғ қорарайхони суви, ёввойи гулхайри, — бу ўз хусусияти билан ажойибdir, — шунингдек, гулхайри, Яман бақласи, итузум, янчилган кунжут ва унинг барги [ишлатилади]. Яна: анжир, сирка, тоза тупроқ лойи, ғўра суви, шунингдек, мол тезаги, — айниқса, сирка билан, — шунга ўхшаш тошчўп барги ва дафна дарахтнинг янги барги [суртилади].

Яна баъзиларнинг айтишича, сув ва туз билан компресс қилинади ва анжир сути суртилади. Сирка қўшиб, деворларнинг шўрхоки ҳам [суртилади]. Гоҳо шуларнинг сувлари ва қайнатмаларидан қўйиладиган дорилар ясалади.





ЗИЙНАТ

МУЙ ЧИҚМАСЛИҚНИНГ САБАВИ

Мўй ё моддадаги сабаб билан, ёки мўй ўсадиган нарсадаги сабаб билан бутунлай чиқмай қолади, ё кам чиқади. Моддадаги сабаб ё унинг камлиги ёки йўқлигидир. [Модданинг] камлигига сабаб шу бўладики, бирон нарса беркитиб қўяди ёки ўзгартиради, ё асли жавҳар кам бўлади. Масалан, болалар ва хотинларда ҳўл буғ кўплиги сабабли тутунсимон буғ кам бўлади, натижада уларда соқол чиқмайди. Асли жавҳарниг камлигига сабаб ё бирор ҳодиса юз беришӣ, ёки табиатнинг уни тугатиб қўйишидир. Бирон ҳодиса сабабли мўй камайиши касалликдан янги турган кишиларда юз беради; узоққа чўзилган касалликлар, сил ва ингичка оғриқ касалликлари улардаги [рутубатни] сўриб қуритади, натижада уларда мўй овқатланадиган модда қолмайди ва сувсаган ўсимлик сурорилмагандага бўладиганидек, мўй тушиб кетади ва ўсмайди.

Бичилган кишиларда ҳам, уларнинг бичилганлиги сабабли ҳўл ва совуқ мизожлиликда хотинларга ўхшаганликларидан шундай бўлади. [Бичилган кишиларда] эрлик уруғига айланадиган модда йифилиб, совуб қолади ва у совуқлик шариф аъзоларга бориб, уларни совутади, шунинг учун уларнинг рутубатлари тарқалиб қуримайди ва кам тарқалиши ва суюқлиги сабабли тери тешикларида туриб қолмайди, балки чиқиб кетади. Бошига доимо оғир салла ўраб юрадиган кишиларда ҳам шундай ҳолат юз беради.

Табиат жиҳатидан [мўй] кам бўлишига тепа сочи-нинг тўкилиши мисол бўлади. Чунки бош тепасида мўй моддасининг етишмовчилиги сабабли тепа сочи тўкилади. Бунга модданинг камлиги ёки миянинг бош ко-сасига тегмай пастга чўкиши сабаб бўлади, шунда мия бош ко-сасига тегиб тургандагидек бош суюгини етарли дараражада сурора олмайди.

Мўй ўсадиган жойдаги сабабга келганда бу уч турли

Бўлади: ё у жойга мўй моддаси ўтмайди, ёки ўтади, лекин тўхталиб турмайди; ёки у жойда модда бузилиб, мўйга айланмайдиган кайфиятга ўтиб кетади. У жойга модда ўтмаслигининг сабаби тери тешикларининг берклигидир, бунга эса қуруқлик туфайли бўлган кучли зичлашув сабаб бўлади, бу тепа сочининг тўкилишига ёрдам беради. Иssiқ мизожли кишида қуриш тезлашгани сабабли тепа сочи тез тўкилади, шунинг учун тепа сочи тўкилишга қобилиятли кишиларда мизож иссиқлиги сабабли бадан ва кўкрак мўйи кўп бўлади; улардаги мўйнинг кам қисми юлиниши қийин бўлади. Ёки олдин бўлиб ўтган яраларнинг изи сабабли юз берадиган кишида ҳам шундай ҳолат кўринади.

Тери тешикларида модда тўхталмаслигининг сабаби терининг жуда сийрак экани ва тешикларининг кенглигидир. Бу соқол чиқмасликка ёрдам берадиган ҳоллардан биридир, бундай кишилардаги мўйнинг қолган қисми сийрак бўлиб, юлиниши осон бўлади. Умр охира мизож қуруқлашадиган пайти келиб, тери тешиклари торайгач, ҳарорат камлиги сабабли мизож ҳўл бўлса ҳам [ҳалиги торайиш] тепа сочининг тўкилмаслигига таъсир кўрсатади; масалан, хотинларда ва бичилган кишиларда шундай бўлади.

Мўй моддасининг бузилишига келганда эса бу пўст ташлаш ва «тулки касаллиги»даги сингари ё жойлашиб олган ёмон хилтдан бўлади, ёки бутун бош сочи ва мия сочи тўкилиши турларининг баъзисидаги каби даволаниши қийин, ўйиб еювчи яралардан бўлади. Соч тўкилишни даволаш қийиндир; гарчи уни бошланишдан олдин қайтариш ёки кечиктириш мумкин бўлса ҳам, шундай бўлади.

Буқротнинг мия сочи тўкилган кишиларда оёқ венасининг кенгайиш касаллиги юз берса, мўйлари ўсади, дейишдан мақсади «тулки касаллиги» ва шунга ўхашлар билан сочи тўкилган кишиларни кўзда тутганидир.

Қош ва киприклар ўсадиган жой тоғайсимон ҳамда пишиқ ва мўйни сақловчи бўлгани сабабли у мўйлар тез тўкилмайди. Шунинг учун ҳабаш ва занжиларда терилари мўйларни кашловчан бўлганидан уларнинг тепа соchlари кейинроқ тўкилади, чунки пишиқ нарса тешилмайди, шу сабабли унда мўй кам бўлади, лекин бор мўй сақланади ва тезда тўкилиб кетмайди. Тили, чучук кишиларнинг миясида рутубат кўплигидан тепа соchlари тўкилмайди, шунинг учун уларда назладан бўладиган ич кетиши кўп бўлади.

МҮИНИ ТУҚИЛИШДАН САҚЛАЙДИГАН ДОРИЛАР

Мўйларни сақловчи дорилар латиф тортувчи ҳароратли ва буриштириш қувватига эга дорилар ҳамда шундай таъсир кўрсатадиган хусусиятга эга дорилардан иборатdir. Биз бу дориларнинг мураккаб бўлмаганларини Содда дорилар [китобида] айтиб ўтдик. «Қарободин»да эса мураккабларини ҳам айтдик. Биз ҳозир бу ерга лойиқ дориларни, умуман, мўйни сақлашга ва унинг тўкила бошлишига қарши чора кўришга мос келадиган содда дориларни, ниҳоят, бундан кейин у дориларни ишлатишда кўзда тутилиши керак бўлган зарур шартларни баён этамиз.

Мирта, унинг дони, ладан, омила, Кобул ҳалиласи, *муур*, сабр ва сунбулсоchlар ана шундай дорилардан-дир, гоҳо буриштириши сабабли мози ҳам муҳим дориларга киради. *Филзаҳра*, айниқса, бунинг буриштирувчи шароб билан қўшилгани, ёки мирта ёғи, мастаки ёғи, ёки мирта суви, ёки озоддараҳт баргининг шираси, шунингдек, зигир дарахтининг уруғи билан бирга куйдирилгани ва унинг ёғ билан суюқ суртма қилингани ҳам ўша дорилар қаторига киради. Яна ёнғоқ пўстини куйдириб, мирта ёғига аралаштирилса, бу ҳам ўшанга киради; буриштирувчи шаробни ҳам, айниқса болаларга суртилади.

Мураккаб дорилар: Мирта дони, мози ва омилани маълум йўсинда гул ёғи, мирта ёғида қайнатиб ишлатилади. Шунингдек, ҳўл мирта барги, ладан, жумрут, сарв новдалари ва мирта донини зайдун ёғида янчиб, шу таркибни бошга суртилади. Яна қора мирта дони, петрушка уруғи, мирта доналари, лавлаги уруғи ва жумрут новдаларидан бир бўлакдан, сунбулсоchlардан ярим бўлакдан, қора шаробдан олти бўлак олиб, шу шаробда ҳалиги дориларни то шаробнинг учдан бири қолгунча қайнатилади. Кейин бунга тўполоқ ва сунбул билан хушбўй қилинган зайдун ёғидан икки бўлак қўшиб, қайтадан уч мартаба қайнатилади. Кейин сув ва ёғ қисмини дориларидан сиқиб олиб сопол идишга солиб қўйилади, чайқатиб турилади ва керак пайтида ишлатилади. Бу [дори] мўйни сақлайди ва қорайтиради.

Яна: петрушка уруғи, лавлаги уруғи, сунбулсоchlардан кундур елимининг ҳар биридан икки *үқия*, ўн беш дона ёнғоқ, санавбар дарахти илдизининг пўстидан бир ритл олинади ва ҳаммасини лой билан сувалган қозонга со-

либ, тандирга қўйилади ва унда кўйиб янчиладиган бўлгунича қолдирилади. Сўнгра олиб янчилади, унга бир ритл айиқ ёғи қўшилади, — бу яхшироқ, — ёки ғоз ёғи қўшилади, кейин дорига эҳтиёж тушганда хушбўй қилинган ёғда әритиб ишлатилади. Бу тепа соч энди тўкила бошлаганда ҳам фойда келтиради.

Ёки буриштирувчи шаробдан бир ярим *ритл*, ладандан бир *үқия*, санавбар дарахти пўстининг кўйдирилганидан икки *үқия*, кўйдирилган сунбулсочдан ҳам шунча, айиқ ёғидан бир *ритл*, итузум ширасидан тўрт ярим *үқия* олиб, ладанни тило шаробида то қуюлгунча қайнатилади, бунга ҳалиги дориларни қўшиб аралаштирилади, сўнгра идишга кўтариб олинади. Қачон керак бўлса, ундан бир оз олиб, хушбўй ёғ билан, яхшироқ и Рум сунбулининг ёғи билан қўшиб суртилади ва гоҳо ёғсиз ҳам суртилади.

Яна бир қадар енгилроқ дори: *мурр*, ладан, мирта ёғи, айниқса, бунинг шаббўй ёғи билан мирта сувини қайнатиб олингани ва буриштирувчи шаробларни олиб, уларни кўриниб турган аҳволга яраша аралаштириб суртилади.

Яна лола баргини мирта ёғи билан қўшиб, бошга суртиб бир кеча қўйилади, кейин ҳаммомга тушилса, бу сочни тўкилишдан сақлайди ва қорайтиради. Яна ладан, сунбулсоч, санавбар дарахти пўстининг кули, айиқ ёғи ва тахир шаробдан етарли миқдорда олиб, шу таркибни мастаки ёки мирта ёғи билан аралаштирилади.

Яна: тўзондек қилиб янчилган хинадан ярим *ритл* ва янчилган кўк мозидан ўн *дирҳам* олиб, буларни ўзиға баробар ўткир сиркага қўшилади ва «қовоқ» ва амбиқ асбоби билан [буфлатиб] томчилатилади; бу томчилатишдан ҳосил бўлган [модда] мўйни тўкилишдан сақлайди.

Яна сунбулсоч ва ладандан баробар бўлаклар ва мирта ёғидан етарли миқдорда олиниб [ишлатилади]. Ёки кундур елими, калтакесак тезаги ва денгиз кирпининг тезакларидан беш *дирҳамда* ва тоғ газагўтидан икки *дирҳам* олиб, буриштирувчи шаробда эзилади ва айиқ ёғи билан аралаштириб ишлатилади.

СОЧНИ УЗАЙТИРАДИГАН ДОРИЛАР

Сочни узун қиласиган дорилардан кўпчилигининг жавҳарида сочининг олиши мумкин бўлган ёпишқоқлик бўлади. Бу дориларга кунжут барги, қовоқ барги, ҳа-

Горати ва буриштириш хусусияти бўлган ёвлар, масалан, куйдириб мум билан қўшилган ёки ўзича қолдирилган гулсапсар ёғи, хина ёғи, айниқса, мирта ёғи мисол бўлади; гоҳо бошни Абу Жаҳл тарвузи ивитилган сув билан ювиш ҳам фойда қиласди.

Бу ҳақда фойдали дорилардан: ладанинг яхши хилини лой билан сувалган косага солиб, енгил олов устида зайдун ёғи билан эритилади, унинг устига хурмонинг куйдирилган данагидан бир оз сепилади ва ҳаммасини олов устида яхши аралаштирилиб, кейин ишлатилади. Бу ҳақда озоддараҳт баргининг ва у барг сувининг яхши хусусияти бор. Зифир уругининг кўмирини кунжут ёғи билан қўшиб ишлатилса, у ҳам ана шундай таъсир кўрсатади.

Мурakkаб дори. Озоддараҳт барги, янги Рум сунбулсочи, мурр ва омилани олиб, шу таркибни ювишда ишлатиладиган маълум моддаларнинг баъзисига солиб бошга ёпилади.

Яна; хардални лавлаги қайнатилган сувга солиб, бу билан бош ювилади, кейин бошни мирта ёки омила ёғи билан ёғланади.

СОЧНИ УСТИРАДИГАН ҚУЧЛИ ДОРИЛАР, БУЛАР ДАВОЛАШ МУМКИН ВУЛАДИГАН ТЕПА СОЧНИНГ ТЎКИЛИШИ, ҚОШ ВА БОШҚАЛАРНИНГ ТЎКИЛИШИНИ ҲАМ ДАВОЛАЙДИ

Бошни ишқалаш ва уни қизартириш, бошга ёвлар ишлатиш, сўнгра «тулки касаллигига» хос ва бир йўла тортиш ва тарқатиш хусусиятига эга бўлган кучли дорилар ҳам шундай; уларни ишлатиш тепа соч тўклишида, тўкилган мўйни ўстиришда, қош ва соқолни ўстиришда фойдалидир. Бобил толи илдизининг пўстини зайдун ёғи билан қўшилса, мўйни кучайтиради, яхши сақлайди ва қорайтиради.

Биз шу ерда баён қилмоқчи бўлган дориларга келгандা, улар, мўйни тўклишидан сақлаш бобининг охирида айтган гапларимизни эътиборга олганда, «тулки касаллигига» ҳам фойдали бўлади. У дорилар қўйидагилардан иборат:

Таркиб: оёқ ва бошлари юлингандан янги олакулангларни олиб, сояда қуритилади ва гунафша ёғида эзизлаги ёки гунафша ёғида, ё зайдун ёғида қуюқлашгунча қайнатилади. Бу таркибни исталган жойга суртилса, у жойни қавартириб, кейин мўй ўстиради. Шунингдек,

«балозур асали» мўйи тўкилаётган жойларга суртилса ёки етмакни тухум ёғида янчиб, киши истаган жойига бир неча марта суртса, мўйни ўстиради.

Яна бошқаси. Эшакнинг куйдирилган туёғи, куйдирилган шохларни сирка қўшиб суртилса, кучли [таъсир қилади]. Аммо чумоли тухумини бон дарахти ёғи билан қўшилса, у ҳам мўй ўстирувчи дорилардан бўлади, бироқ кўпчиликнинг фикрича, бу [мўй] ўсишига тўсқинлик қилади.

Үйларда бўладиган калтакесак ҳам тажрибадан ўтган [дорилардан] ҳисобланади, уни ўлдириб қуритилади ва ёғи билан эзиз суртилади. Фиръавн шишасини ҳам янчиб, оқ гулсапсар ёғи билан қўшиб ишлатилади. Улардан кўра енгилроқ дори: қалайдан ясалган салоя таҳтаси ва дастани олиб, икковининг ўртасига сочга ишлатиладиган маълум ёғи ёки мойни қўйиб то қалайнинг қуввати ёққа ўтганигача таҳтага дастани ишқаланди ва шуни чапилади. Ўша жойга қайнатилган анжир баргини қўйиб боғланса ҳам бўлади; ана шу дори анча қувватлидир.

Яна: фундуқдан йигирма дона олиб, янчиладиган бўлгунча қовурилади, кейин турп ёғи билан қўшиб ишлатилади. Ёки баргизуб деб аталадиган ўтдан, эшак олати ва эшак талофининг қовурилганидан ярим ритлдан, ладандан йигирма [уқия] вазнида олиб, ладанни шаробда эритгандан кейин ҳаммаси қўшиб ишлатилади.

Филагрий айтган дорилардан бири: ҳўқизнинг тузланган ёридан тўқсон олти дирҳам, ишқор ва тоғ газагўти елимининг ҳар биридан ўн саккиз дирҳам, муррдан саккиз дирҳам, ладандан ҳам шунча, сунбулсоҷдан қирқ саккиз дирҳам, эшак олатидан қирқ саккиз дирҳам ва эшакнинг талоғидан олти дирҳам олиб, эшакнинг талоғи ва олати қовурилади ва майдаланади, бу таркибининг ҳаммасини қора шароб билан қўшилади, кейин бошни қириб туриб уни суртилади ва суртилганча беш кун қўйилади. Кейин ювиб ташлаб, [касалга] икки кун дам берилади, сўнгра яна қайтадан ишлатилади. Агар бош яра бўлса, яраланган жойни ўрдак ёғи билан даволанади.

Қаритун [дориси]: олтита қўёининг қорнини олиб, яхшилаб қуритиб, лой билан сувалган сопол қозонда куйдирилади. Бунга жумрут баргидан ва мирта баргидан ўзига баробар миқдорда ва сунбулсоҷдан тўққиз уқия қўшилади; [ҳаммасини] иккинчи марта идишда куйдирилади. Сўнгра янчиб уч ритл айиқ ёғи ва шу

миқдорда турп ёғи билан аралаштирилади. Бу таркиби қозондан кўтариб олиб, керак пайтида хушбўй қилинган ёғи билан қўшиб ишлатилади.

Дафна меваси, мурч ёғи ва канакунжут ёғи — буларнинг ҳаммаси сочнинг ўсишига ёрдам берадиган нарсалардандир. Яна бўйимодарон кулини эски зайдун ёғига аралаштириб ишлатилса, секин ўсадиган соқолни ўстиради. Седана кулини сув билан қўшиб ишлатилса ҳам шундай, у айниқса, қошни ўстиради. Яна қошга ишлатиш учун [дори]; икки дона ёнғоқни фақат янчиладиган бўлганича куйдирилади, кейин унга унчалик қаттиқ куйдирилмаган хурмо данагидан бир. мисқол ва мурчдан ўн беш дона қўшилади ва бу таркибни гул ёғи билан суртилади. Яна бўйимодарон кули куйдирилган фундуқ, ладан, олакуланг ва етмакларни олиб, бон дарахти ёғи билан ёғлоғида то қорайгунча қайнатилади. Бу таркибга ўзига баробар голия қўшилади ва керакли жойни ишқалаб туриб, сўнгра буни суртилади. Яна: сунбулсоҷ, мирта дони ва петрушка уруғини қорайгунича бир оз куйдирилади ва ҳаммасини айиқ ёғи ва турп ёғи билан қўшиб ишлатилади.

Қошни ўстирадиган дори: кундур елимидан тўрт драхмий, тимсоҳ тезаги, денгиз кирписининг тезаги ва тоғ газагўтидан бир драхмийдан олиб, буриштирувчи шаробда эзилади, айиқ ёғи билан қўшиб ишлатилади.

«Тулки касаллиги» ёки бошқа [касаллик] натижасида илгаритдан ёмон суратда тўқилган қош учун ишлатиладиган бошқа хил дорининг таркиби: дарманадан бир бўлак, денгиз кўпигидан саккиз бўлак, фарфцион ва дафна мевасидан уч бўлакдан, ҳўл зифтдан тўрт бўлак олиб, зифтни гулсапсар ёғида ивтилади ва шу ёғда фарфционни ҳам эритилади, сўнгра бу ёғга ҳалиги бошқа дориларни аралаштириб [ишлатилади].

Шунга ўҳшаш бошқа дори: қамишнинг илдизини куйдириб, ундан етти [бўлак], қурбақа кулидан беш [бўлак], таратизак уруғидан тўрт [бўлак], сирач илдизидан тўрт [бўлак] олиб, дафна ёғи билан эзив ишлатилади.

МУЙ ОҚАРИШИНИ ҚЕЧИКТИРУВЧИ НАРСАЛАР

Мўй оқаришини қечикитирувчи тадбирлардан бири унинг дастлабки сабабларига қарши чора қўриш, шунингдек, мўйнинг ўзига етказиладиган нарсаларни [Яхшилашдан] иборатдир. Биринчиси, ҳар доим балғам

хилтини, айниқса, овқатдан кейин, қусиб ва ҳуқна қилиб бўшатиб туриш, дам олиб-дам олиб яна шу тадбирни қўллаш орқали бўлса, [иккинчиси], маъжунларни ва келгусида биз айтадиган мўйни қорайтирувчи дориларни истеъмол қилиш билан бўлади. Шу билан бирга, пишиқ ва яхши қон пайдо қиласидиган яхши каймусли овқатларни мўътадил равишда истеъмол қилиш, масалан, қовурдоқ, қозон кабоби ва сих кабоблар, қовурилган нарсалар [ейиш керак]. Шўрва ва суюқ ошлар истеъмол қилинмаслиги керак; юқоридагиларни ҳам ҳазм қила олиш даражасида ейиш керак, асл қоида шудир, чунки ҳазм бузилса, қон ҳам бузилади.

Мизож жуда ҳўл бўлса, хардал, мурч, масаллиқлар, нонхўришлар ва *муррийдан* иборат иссиқ дориворларни, айниқса, наҳорга истеъмол қилиш, хардал билан қўшиб лавлаги истеъмол қилиш, озгина шаробнинг ёлғиз ўзини ичиш билан чекланиб туриш керак. [Мизожни] рутубатлантирувчи ҳўл мевалар, сабзавотлар, сут, балиқ, ҳалим, шовла [ейиш], кўп сув ичиш, томирдан кўп қон олдириш, [оқарган] мўйни юлиш, ҳаддан ташқари маст бўлиш, жинсий алоқани кўп қилишдан сақланиш лозим. Кофур, гул суви, ёсуман ёфи ва ёсуман сувини мўйга суртиб туриш лозим. Ичиладиган оддий ширин сувда кўп ювингаслик керак, агар [бундай сувда] ювингилса ҳам дарров қуритиб, артиниш керак. Шу билан бирга, мўйни ювиги туриш унинг қувватини сақлайди, ювингандаги ҳам Абу Жаҳл тарвузининг эти, седана, бурақ ва ҳўқиз ўтидан ясалган ювуви керак. Шу билан бирга, мўйни ювиги туриш унинг қувватини сақлайди, ювингандаги ҳам Абу Жаҳл тарвузининг эти, седана, бурақ ва ҳўқиз ўтидан ясалган ювуви керак.

Балғам мэддасини қирқадиган ва мўй оқаришини кечиктирадиган маъжунлар ва дориворларга келганда, масалан, Кобул ҳалиласидан ҳар куни биттадан чайнаб ютиб турилади; бу, кўпинча, умр охиригача мўйни қоралигича сақлайди. Турли ҳалилалардан тайёрланадиган катта ва кичик *атрифуллар*, темир чиркидан тайёрланадиган маъжун ҳам шундайлардандир, бунга тилла қўшилса, яхшироқ бўлади.

Шу хилдаги дорилардан бири мана бу: қора ҳалила ва омиланинг ҳар биридан бир бўлакдан, балозурдан яиқариладиган асалдан ярим бўлак олиб сариёғ билан аралаштирилади ва асал билан қориб, сўнг истеъмол қилинади. Бу жуда кучли доридир, уни ёмон таъсир кўрсатмайдиган миқдорда [яъни] оз-оздан истеъмол қилиш керак. *Анақардиё*, митридат ва тарёк ҳам кучли дорилардандир. Афзо илонларнинг этларини ейишга,

одат қилинса, мўй қоралигини ва қувватини сақлаш мумкин.

Мўътадил, яхши маъжун таркиби: қора ҳалила, биринж, узун мурч, омила, — гоҳо узун мурч ўрнига темир чирки ҳам олинади, — ва шакарни олиб, шулардан атрифул ясалади. Бошқа бир яхши дори: занжабил, Кобул ҳалиласи ва узун мурчдан баробар бўлакларни олиб, маъжун қилиб истеъмол қилинади.

Яна бир бизга тегишли дори. Кобул ҳалиласидан йигирма дирҳам, темир чиркидан тўрт дирҳам, дараҳт пўкагидан беш дирҳам, занжабил, узун мурч ва қалам-пирмунҷоқнинг ҳар биридан уч дирҳамдан олиб, асал билан қориштириб истеъмол қилинади.

Мўйни қорайтирувчи бу дориларни тўла бир йил истеъмол қилиш керак. Мўй қорайишини яхши кўрган киши шундай маъжунлардан ичганда то кун ярмигача сабр қилиб, кейин овқатлансин.

МЎЙГА ИШЛАТИЛАДИГАН БҮЕҚЛАРНИНГ БАЁНИ

Гоҳо китобларда ёғларнинг баёни учраганда уларни бўёқлар деб гумон қилинади. Тажриба шуни кўрсатадики, хос дориларнинг қуввати устига ёғли нарсалар чиқса, улар билан мўйлар ўртасига парда пайдо бўлиб, дориларнинг қуввати мўйга ўтмай қолади ва ҳеч таъсир кўрсатмайди; лекин у дориларда кучли қувват ёки зўр хусусият бўлса, [таъсир кўрсатиши мумкин]. Кучли қувват темир занги, қўрғошин занги, ёнғоқ пўчоининг сув қисми каби бўяш хусусияти кучли нарсалардагина бўлади. Булар ва буларга ўхшаш нарсаларнинг қувватлари ёғларга қайта-қайта ўтказилса, шунингдек, сирка ва узум шароби каби ўтказувчи дориларнинг қуввати воситачилик қилса, бирор нарса [юз бериши] мумкин.

Ёнғоқ илдизларидан бирини эрта баҳорда кесиб олиб, ёғ солинган шишага солиб қўйилса, сўнгра иккаласини бир ерга кўмилса, ёнғоқ илдизи шишадаги ёғни сўриб олади, кейин кузда қайтариб ўзидан чиқариб ташлайди; шунда сўриб олинган ёғнинг кўп қисми шишага қайтиб чиқади ва у бўёқ бўлади. Шу гапнинг ўғри эканига гувоҳлик берастган кишиларни мен кўрганман ва эшитганман. Бу хилда фойда етказадиган ва таъсир кўрсатадиган нарсаларнинг кўпчилиги қайта-қайта қўллаш натижасида таъсир кўрсатади.

Мўйни бўйдиган бўёқ уч хил: қорайтирувчи, қизғиш қилувчи ва оқартирувчи. Биз қорайтирувчи яхши дорилардан бир қанчаларини баён этишга бошлаймиз.

МУИНИ ҚОРАЙТИРАДИГАН ДОРИЛАР

Хина ва ўсмага келсак, булар [дориларнинг] асоси эканлиги тўғрисида ҳамма одамлар бир фикрдадир. Улар мўйларнинг турлича қобилиятига қараб турлича таъсир кўрсатади. Одамлар хина ишлатиб, кейин уни ювиб ташлаб, ўсма ишлатадилар. Ҳар иккаласини ҳам [қўйгандан кейин] анчагина вақт ушлаб турадилар, қанча кўпроқ ушланса, шунча яхши бўлади.

Баъзилар ҳар иккаласини бирга ишлатадилар. Баъзи кишилар эса фақат хинани ишлатиб, унинг саргиш қилиб қизартиришига рози бўлиб тура берадилар. Баъзилар эса фақат ўсманни ишлатиб, унинг товусранг қилишига қаноат қиласидилар. Яхши ҳинд ўスマси мўйни тез бўяди, лекин жуда товусранг ва қизғиш қиласи, кермон ўスマси эса камроқ ва кечикиброқ бўяди, аммо у мўйни [табиий] қоралигига мойил қилиб бўяди ва унда товусранглилик кўп бўлмайди. Ўсма рангининг мўй рангига қайтишини хоҳлаб, мўйнинг қизғиш бўлмаслигини ва ялтираб турмаслигини истаган киши, гарчи хинадан олдин ўсма ишлатган бўлса ҳам, ўсма устидан яна бир мартаба хина ишлатсин, у товусранглиликни кетказади ва мўй рангини [аслига] қайтаради. Бироқ аввалги бўёқдан кейин ишлатилган хинани узоқ тутиб тuriш керак эмас, балки тезда ювиб ташлаган яхши.

Баъзи кишилар иккаласини татим суви ва анор суви ёки қатиқ суви билан қўшадилар, ёки иккаласини қурт ва ёнгоқ пўстининг суви билан таркиб қиласидилар; буларнинг ҳаммаси [мўйни қорайтиришга] ёрдам беради. Баъзи кишилар [ўсма билан хинага] куйдирилган қўрғошин ва оҳак солиб, уларни то ичига солинган юнг қораядиган бўлгунча қайнатадилар ёки офтобга қўйиб қўядилар. Бу ҳам яхши бўлади. Агар бўёққа бир дирҳам қалампирмунчоқ қўшилса, у жуда қорайтиради ва бўёқнинг мияга зарар етказишига йўл қўймайди.

Қўпчилик истеъмол қиласидиган, лекин аввалгидан кўра камроқ ишлатиладиган бўёқ қуйидагичадир; мозини олиб, унга зйтун ёфи суртиб куйдирилади. Уни сирти лой билан [сувалган] қозонда куйдириш яхшироқ, уни қорайиб янчиладиган даражага боргунча куйдирилади холос, бироқ бундан ортиқ куйдириб юборилмасин. Шу [куйдирилган мозидан] йигирма дирҳам, куйдирилган мисдан ўн дирҳам, аччиқтошдан икки дирҳам.

андарон тузидан бир дирҳам олиб, шу таркибдан бўёқ ясалда, мўйни кетмайдиган қилиб қорайтиради.

Гоҳо қуйидаги таркибдаги бўёқ ишлатилади: мозидан бир ритл олиб, унга зайдутун ёғи суртилади ва ёрилгўнгача қовуриллади. Куйдирилган мис, аччиқтош ва қатиронинг ҳар биридан ўн беш [дирҳам] ва туздан етти дирҳам олиб, ҳаммасини яхшилаб янчилади ва иссиқ сув билан қориштириб мўйни бўялади, [сўнгра] уч соат қўйиб қўйиллади. Баъзан бу таркибга хина ва ўсма ҳам аралаштирадилар.

Бундан кейинги машҳур бўёқ шуки, оҳак, куйдирилган қўрошин, ейиладиган кесак ёки Хузистон кесаги, ёки қимулиё лойӣ, ёки бошга ишлатиладиган лой турларининг қайси биридан бўлса ҳам, баробар бўлаклар олинади ва уларни [одатда] бўёқ дорини қориштирадиган йўсинда сув билан қориштириллади, буни ишлатганда унинг устидан лавлаги барги қўйиллади. Бу таркибдаги муҳим иш куйдирилган қўрошиннинг яхшилаб янчилишидир. Агар бу таркибнинг суви хина ва ўсманни сувга солиб, қайта-қайта қайнатиш ёки қуёшга қўйиш орқали тайёрланган сув бўлса, яхшироқ бўлади. Лекин у олти соатга яқин туриши ва унинг рутубати сақланиши керак.

Яна; хина, ўсма, куйдириб сурмадай қилиб янчилган қўрошин, оҳак, қовурилган мози, куйдирилган мис, аччиқтош, [тоза] лойӣ, катиро ва қалампирмунчоқлардан бир хил миқдорда олиб, шу таркиб билан мўйни бўялади.

Китобларда баён қилинган мўйни қорайтирувчи бўёқлардан яна айримларини — кўнгил кўтарадиган ва ишончлисими шу ерда айтиб ўтаман.

Яши бўёқнинг таркиби. Хинадан бир бўлак, ўсмадан икки бўлак, куйдирилган мис, аччиқтош, андарон тузи, қовурилган мози ва темир чиркидан баробар бўлакларни олиб, сирка билан янчилади ва ачигунича қўйиб, [сўнгра] ишлатилади.

[Китобларда] баён қилинган дорилардан бири мана бу: темир чиркини олиб, уни узум сиркасига [солинади, шунда] сирка темир чиркидан тўрт энлик кўтарилиб туриши керак; уни шу сирка ичидаги қаттиқ янчилгандан кейин ярми қолгунгача қайнатиб, сўнгра ҳаммаси зангга айланиб кетгунгача икки ҳафта қўйиб қўйиллади. Кейин темир чирки миқдорида қора ҳалидан олиб янчилади ва ўша сиркага солинади ва сирка буриб таркиб ҳалуқга ўхшаб қолгунигача қайнатилади.

Кейин у таркибни ёққа чўмдирилиб, то ғолияга ўхшаб қолгунча қайнатилади; агар истасанг, буни хушбўй қилишга ҳам ишлатсанг бўлади. Бу таркиб ёғли бўлиб туриб ҳам мўйни бўяйдиган бўлса, у фақат темир зангининг қуввати туфайлигинадир.

Яна кумушний сиркада қастиқ қайнатилган чирки мўйни қорайтирувчи кучли дорилар жумласидан сана-лади. Аммо, менимча, сирка ўрнига норанж ёки лимон суви ишлатиш, қайнатиш ўрнига маълум муддат уларнинг иккаласидан бирига [кумуш] чиркини солиб қўйиш маъқулроқдир. Яна айтишларича, бир идишга бир қатор лола ва бир қатор аччиқтош ҳамда гальбан елими ва омила шираси солинади; лоланинг бир ритлига бу икаласидан икки үқиядан солинади; кейин бу таркибни гўнгга кўмиб қўйилса, у эриб бўёққа [айлланади]. Айтишларича, яна арпа ўсимлигини бошоқ олишдан олдин ўзининг ярмига баробар аччиқтош билан бирга шишага солиб гўнгга кўмиб қўйилса, ҳаммаси қора сув бўлиб, чапланганда мўйни қорайтирувчи таркибга айланаб қолади. Шунингдек, айтишларича, ҳўл қовоқни палагида эканида юмaloқ қилиб кесиб олиб ичидаги чарсаси чиқариб ташланса, кейин ичига туз ва бир оз темир чирки солиб, кесиб олинган пўчоини қайтадан ўрнига қўйиб лойлаб қўйилса ичида бор нарсанинг ҳаммаси бўяйдиган қора сув ёки сиёхга айланаб қолади.

Айтишларича, ковул баргиний эзиб сут билан, айниқса, хотин сути билан учдан бирига келгунча қайнатилса ва бутун кеча қўйиб қўйилса, яхши бўёқ бўлади. Менинг фикримча, бу таркиб мўйни сақловчи дорилар жумласидан деб ҳисобланиши дурустроқдир. Ҳолбуки, Жолинус бунинг бўёқлигини уқтиради.

[Жолинуснинг] айтишича, ёнғоқ дарахтида узумнинг боши сингари бўлиб турадиган гулларни олиб, зайдун ёғи билан эзилади ва бунга бир оз янги мум қўшиб [мўйга] суртилади; баъзиларнинг айтишича, бунга эчки тезаги аралаштирилса, яхши бўлади. Яна айтишларича, Бобил толи илдизининг пўстини зайдун ёғи билан эзиб у билан мўй ёғланса, у мўйни қорайтиради; фикримча, агар бу ҳам мўйни бўяйдиган бўлса, унинг таъсирини зайдун ёғи кучсизлантиради агар зайдун ёғи ўрнига сув ишлатилса, яхшироқ бўлади. Бавлуснинг қўйида келириладиган фикри тўғрисида ҳам менинг сўзим ана шундайдир, у бундай дейди: «Пола баргини зайдун ёғида ғолия каби бўлганича эзилса, у бўёққа айланади». Агар бунда бирор маъно бўлса, шу таркибда аччиқтош

га ўхшаб чуқур сингдирувчи бирор нарса бўлиши керак.

Шунингдек, ўсимлик ёгини ёнроқ пўсти билан ишлаш ва уни ёнроқ пўсти сувида қайнатиш ҳамда бунга озгина аччиқтош қўшиш ҳақидаги сўз ҳам шундайдир; буларнинг ҳаммасини мен кучсиз [дорилардан] деб ҳисоблайман. Ўсимлик ёгини лола сувида то сув йўқ бўлиб кетгунигача қайнатиш ҳақидаги [фикс-рим] ҳам шундай. [Табибларнинг] кунжут ёгини олиб, унга ўзининг учдан бирича омила солиш ва аста-секин бирор соат қайнатиб тинитиш, бу таркибининг ҳар бир ритли учун чорак ритл қўрғошиннинг юпқа парчаларини қўшиб, сўнгра қўрғошин эриб кетмаслиги ва ёф ёнмаслиги учун секин-аста қайнатиш ва доимо кавлаб туриш, кейин уч кун ўз ҳолига қўйиб, сўнгра ишлатиш керак, деган сўзлари ҳам [юқоридаги гапларга ўхшайди]. Мен айтаманки, ана шу таркибдан [бирон натижадан] кутиш мумкин, айниқса, унга аччиқтош қўшилса, [бўяш мумкин].

Яна айтишларича, бон дарахти ёгини норжил ичига солиб, сўнгра устини яхшилаб лойлаб, эҳтиёт билан тандирга қўйилса, бу ёф бўёққа айланади; бироқ бунинг мўй оқаришига тўсқинлик қиласидиган дорилардан саналгани афзалроқ.

Айтишларича, майизнинг уруғини тозалаб сурмадек қилиб, яхшилаб янчгандан кейин кунжут ёғига чўмдирив, бир ой гўнгга кўмиб қўйилса, у бўёққа айланади ва ранги кетган мўй учун яхши [дори] бўлади. Лайлак тухумининг кучли бўёвчи нарсалардан бири экани тўғрисида ҳамма табиблар [бир фикрга] келганлар, тудоғ тухуми ҳам шундай.

Бизнинг замонамида, Тангри руҳингни пок қилғур подшоҳ Шамсуддавланинг ҳаёт экан пайтида, тасодифан қўйидаги ҳодиса юз берди: унинг қоплонларидан бири ёнида ухлаб ётган қоплонбоқарнинг соқолидан бир қисмини ўз ахлати билан булғаб қўйган, шунда унинг соқоли қорайиб қолган.





ТЕРИ РАНГИНИ ЎЗГАРТИРАДИГАН САБАБЛАР

Ранг қуёш ёки совуқ, ё шамол, ёки [баданнинг] қуриши ва кам юваниш, ёки шўр нарсаларни ейиш ёки қоннинг савдо хилтига айланиши сабабли ҳам қораяди, шунингдек, [ранг] сарғаяди.

РАНГЛИ РАВШАН ВА ҚИЗИЛ ҚИЛИБ ҲАМДА ЕНГИЛГИНА ТОЗАЛАБ, ЧИРОЙЛИ ҚИЛУВЧИ НАРСАЛАР

Билгинки, ҳар қачон қон ва рух тери томонга ҳаракат қилганда, бу нарса терини равшан, тоза ва қизил қилади. Бунга енгил тозалаш хусусияти бўлган нарсалар ёрдам беради; улар терини юпқалаштириб, тери юзасида ўлиб қолган нарсаларни латиф равища шилиб олади; айниқса, уларда бўяш хусусияти бўлса, шундай қилади. Шуларнинг ҳаммаси билан бирга иссиқдан, совуқдан ва шамоллардан сақланиш керак.

Қонни тери томонга ҳаракат қилдирувчи нарсалар тўрт йўл билан ҳаракат қилдиради. [Шу йўллардан] бири қон, айниқса, суюқ қон туғдиришdir, чунки яхши қон туғилиб кўпайса ва баданга тарқалса, ҳамма жойга етиб боради. Яна бири қонни тозалаш, бошқа бири қонни сиртга қараб қўзғатиб ва унинг йўлларини очиб баданга тарқатиш ва ёйиш, яна бири қонни мажбурий равища ичкаридан сиртга қараб тортишdir.

Биринчи йўл билан рангни чиройли қилувчи нарсалаr; улар, масалан, нўхат ва илтилган тухум, гўшт сели ва хушбўй шароб истеъмол қилиш ҳамда анжир ейишдан иборат; [анжир] терига қараб ҳайдаладиган суюқ қон пайдо қилади ва шу сабабли семиртиради. Касалдан янги турган кишининг ранги хунуклашиб кетиб, уни аввалги рангига қайтармоқчи бўлинса, унга анжир ва думбул хурмо фойда қиласи: бу иккалasi ҳам латиф қон билан туғма ҳарорат.

ни кўпайтиради. Бир неча кун кетма-кет наҳорга шароб ва сут ичиш бу ҳақда синалган тадбирларданdir.

[Қонни] тозалаш йўли билан [рангни чиройли] қиладиган нарсалар, масалан, давомли суратда ишлатиладиган кичик атрифул ва ҳалила [мураббосидир]. Қобул ҳалиласи атрифулдан кўра кучлироқ.

Қонни баданга ёйиб тарқатиб [рангни чиройли] қилувчи нарсалар, масалан, ангуза, мурч, тўпалоқ ва қалампирмунчоқни овқатга қўшилса, [рангни чиройли қилади]; заъфарон ҳам шундай, бироқ заъфарон, айниқса уни шиннига солиб ичилса, қонни ҳам бўяйди. Унинг бир ичими бир дирҳамгача бўлади. Зуфо ҳам шулар жумласидандир; зуфодан икки дирҳам ва заъферондан ярим дирҳам олиб, шакар билан ичилади.

Игир ҳам рангни чиройли қилади. «Барбар ўйинчоғи»ни бир дирҳамдан икки дирҳамгача турли толқонларга яхши қориштириб ичилса ҳам, шундай таъсир қилади; ёмон аланталаниш пайдо қилмаслиги учун [уни толқонларга аралаштирилади]. Сабзавотлардан турп, гандано, пиёз, айниқса, карам, — уни доимо еб туриш, — ва саримсоқ шу хил [таъсир кўрсатади].

Иш ва [руҳий] ҳаракатлардан аччиғланиш, ғазабланиш, жанжаллашиш, мўътадил бадантарбия, кураш тушиш; шунингдек, шодлик, ўйин-кулги, ашула ва кўйлар каби ёқимли иш ва амалдор бўлиш, пок ва хуш чақчақ кишилар билан ўтириш ҳамда мусобақа, пойга, ҳўroz уриштириш ва бошқаларда баҳслашув билан бўладиган турли жанжалларни тамоша қилиш рангни қизартиради.

Ташқаридан туриб қонни тортиш ва тозалаш орқали рангни яхшиловчи нарсалар: пўсти ажратилган боқила уни, арпа уни, ёввойи ясмиқ уни, буғдой уни ва крахмал, айниқса, нұхат уни, шунингдек, ясмиқ уни, гуруч уни, балиқ елими, гулсапсар илдизи, ладан, анжир, кундур елими, мастаки ва унинг ёғи, тухум пўчоги, садаф гўшти, муқл, куйдирилган қўрғошин, қўрғошин уласи, фил тиши қипиги, чириган суюклар ва маҳлабдан тайёрланиб чапиладиган ва ювиладиган дорилардир. Хушбўй рўяч, ширин ва аччиқ бодом, бодринг ва қовун уруғлари, Рум исмалоги, қовоқ ва таратизак уруғи ҳам бу жиҳатдан кучли дорилардир. Юзга ҳар куни крахмал ва катирони сут билан суртиш ҳам, кўпинча, юзни тозалаб тиниқ қилади; тунбуш шираси, маҳсар, янги соғилган сутлар. Дил-хил қилиб қайнатилган бузоқ туёкларининг қай-

Натмаси, салаф гўштининг қайнатмаси, тухум оқи, сарик йўнгичқа қайнатмаси ва қашқарбеда қайнатмаси ҳам шундай.

Юз ювиладиган яхши дори: пўсти ажратилган боқила, ёввойи ясмиқ, Миср боқиласи, турп уруғи, пўсти ажратилган қовун уруғи, нўхат ва крахмалдан олиб, ювиладиган дори ясалади.

Яхши суртма дори. Боқила уни ва арпа унининг ҳар биридан бир бўлак, нўхат унидан бир бўлак, пўсти ажратилган ясмиқ, катиро ва крахмалнинг ҳар биридан ярим бўлак, қовун уруғидан икки бўлак ва заъфарондан бўяш учун етарли миқдорда олиб, шу таркибни кечаси юзга суртилади, кундуз куни қовун пўчоғи қайнатмаси, гунафша қайнатмаси ва шунга ўхшашлар билан ювиб ташланади.

Бошқа суртма. Ширин бодом, катиро, араб елими, боқила уни, гулсапсар илдизи ва балиқ елимидан баробар бўлаклар олинади, елимни ҳаммасига етарли миқдордаги сувга солиб эритилади, сўнгра шу

Яна бошқа суртма. Боқила, арпа ва нўхат унлари ва кепаксиз буғдой унини олиб, тухум оқи билан қўшиб суртилади. Тоғ пиёзи, пиёз, бурақ, асал билан қўшилган жувона, қаврак елими ва бобуна ёғи кучли тозаловчилардандир. **Хўл майъа** елими ҳам жуда фойдалидир, зирних, калтакесак тезаги ва наргиз илдизи ҳам шундай [таъсирга эга].

Кучли суртма. Махсар сувини олиб қуюлгунига қадар қайнатилади, сўнгра шу қайнатмадан бир **уқия** миқдорида олиб, унга қуйидаги дориларни суюқ суртмани аралаштиргандек аралаштирилади; чумчук тезаги, Миср боқиласининг уни, нўхат уни ва пўсти ажратилиб янчилган қовун уруғлари, буларни бир-бираiga қўшиб юқоридаги қайнатмага аралаштирилади.

ТЕРИНИ ҚУЁШ, ШАМОЛ ВА СОВУҚДАН САҚЛАШ

[Бунинг учун тухум оқи ёки араб елимининг ивимаси, ёки мумравғани суртиш керак. Ёки сувда ивитиб, сузуб олинган кепаксиз ноннинг увоқларини олиб, тухум оқи билан аралаштирилади ва уни юзга суртилади.

БАДАНГА СОЛИНГАН НАҚШ ВА УНИ ЙУҚОТИШ

Гоҳо бундай нақшга биз қизил сепкил бобида айтиб ўтган иккала дори қўйилади. Баъзан ўша жойни табиий **сода** билан ювиб ташлаб, устига бир ҳафта давомида.

сақиични боғлаб қўйинш, сўнгра ечиб туз билан яхшилаб ишқалаш кифоя қиласди. Нақш ва у билан нақшнинг қоралиги кетгунигача сақиич қўйиш тадбири қайта-қайта қўлланила беради. Бундай тадбирлар фойда қилмаса, нақш соладиган иғналарни санчиди, яра қилиб, еб юбориши учун балозур томизилади.

БАҲАҚ, ВАЗАҲ ОҚ ВА ҚОРА ПЕСЛИК

Иккала баҳақ билан ҳақиқий оқ песлик ўртасидаги фарқ шундаки, иккала баҳақ терида бўлиб, чуқур ботса ҳам оз ботади, песлик эса тери ва гўштга то суюккача ўтади. Ҳаммасига умумий сабаб ўзгартирувчи қувватнинг заифлиги бўлиб, у [озуқани] мослаштириб ўзгартира олмай қолади. Иккала баҳақда модда суюқроқ, ҳайдовчи қувват эса кучлироқ бўлади ва у моддани тери юзасига ҳайдайди. Песликдаги модда қуюқ, ҳайдовчи қувват эса кучсиз бўлиб, модда ичкарида ўрнашиб қолади ва ичкарисига ўтган нарсанинг мизожини бузади; натижада модда ичкарида кўпроқ ёпишиб қолади ва ўзгартирувчи қувват уни мослаштириб ўзгартира олмайди, бу маъноларни қувватлар бобида билдинг.

Модда ўрнашиб олганда ўзига келаётган озуқни ўз табиатига айлантиради; агар келаётган озиқ жуда яхши бўлса ҳам, шундай қиласди. Худди, шунингдек, яхши мизож бузуқ моддани яхши ва мослашган моддага айлантиради. Бу эса дарахтлар бир жойдан бошқа жойга кўчирилганда уларнинг меваси заҳарликдан ейладиган ҳолатга ва ейиш мумкин бўладиган ҳолатдан заҳарли ҳолатга ўтишига ўхшайди. Чунончи, Жолинус ва бошқаларнинг айтишича, лабах деб машҳур бўлган дарахтнинг меваси Эронда заҳарли эди, уни Мисрга кўчирилгач, унинг меваси ейиладиган бўлиб қолди. Шунингдек, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ранглари ҳам мамлакатларга қараб ўзгаради. Шунга ўхшаб, аъзоларга қараб моддаларнинг ҳам ўзгариши эҳтимолдан узоқ эмас, чунки [аъзолар] моддалар учун гўё мамлакатлардир. Аъзо балғам мизожли бўлиб, эти садафлар эти каби бўлса, тоза қонни ўзининг балғам мизожига ва оқ рангига айлантиради.

Иккала баҳақ ўртасидаги фарқ шуки, уларнинг бирри савдо моддаси сабабли, иккинчиси эса хом балғам сабабли вужудга келади.

Қора песлик деб аталадиган [қасалликка] келсак, бунинг оқ песликка иисбати қора баҳақнинг оқ баҳақка

нисбий каби эмасдир; балки бу оқ песликдан тубдаған фарқ қилувчи бир касаллиқдир. Қора песликни пўст ташлайдиган темиратки деб аталади, бу [темиратки] жуда дағал ва балиқ сингари тангали бўлиши билан бирга терида юз берадиган сополсимонлик ҳамдир; унда қичиш ҳам бўлади. Бунинг [сабаби] савдо хилтидир. У хилтни тери ўзига ёндош турган жисмдан рангга таъсир қилиш даражасидан ортиқроқ равишда сўради; бу мохов касаллигининг бошланишидир. Бу [касаллик] ёмонлиги ва узоққа чўзилиши билан бирга узоққа чўзилган баҳақ сингари тузалмас ҳамдир. Бироқ у оқ песликдан кўра бехавотир. Буларнинг ҳаммасининг сабаблари маълум.

Билгинки, песлик гоҳо қортиқлар ишлатгандан кейин уларнинг изларида пайдо бўлади ва шу жўйларда кўпаяди. Чунки қон билан бирга рутубат ҳам тортилади; қортиқ сўрган пайтда қон рутубат билан бирлашмай терида қолади. Яна бир сабаб шуки, жароҳатланган тери заифлик қилиб, ўз ишларини тўла бажара олмайди.

БЕЛГИЛАР

Қора баҳаққа келсак, уни ажратиш қийин эмас; оқ баҳақ деб аталадиган *вазаҳ* билан ёмон песлик орасидаги фарқни эса [ажратса билиш] қийиндир. Бу икковининг ўртасидаги фарқлардан бири мўйнинг *вазаҳ* устида [бошқа] мўйлар рангида қора ёки қизғиш бўлиб ўсишидир; песлик устида эса мўй фақат оқ бўлиб ўсади. [Песликда] тери баданинг бошқа жойларидаги терига қараганда пастроқ ва чўкканроқ бўлади, баъзан *вазаҳда* ҳам бу ҳол юз беради, лекин у жуда кам учрайди. Яна [бир фарқ шуки], игна санчилганда *вазаҳдан* қон чиқади, песлик жойдан қон чиқмайди, балки сувсимон рутубат чиқади, бу тузалмайди. Яна: ишқалаганда қизарса, унинг соғайишига умид бор ва у баҳақ бўлиши мумкин. Қизармаса, у ёмон хили бўлади. [Қора баҳақ] билан қора песлик ўртасидаги фарқ пўст ташлаш, пўстнинг танга-танга ва сополсимон бўлишидир; бу ҳолатлар қора баҳақда бўлмайди. Кейин қора песлик ҳам бир хил бўлмайди; унинг баъзиси дағал ва баъзиси силлиқ бўлади. Иккала оқ [доғ]нинг ҳам силлиқ хили ёмондир; иккала қора [доғ]нинг силлиқ хили бехавотирроқдир, чунки бу баҳақдир. [Қора песликнинг] баъзиси бадан рангидан жуда узоқ, баъзанен ба-

дан рангиға яқинроқ бўлади, буниси бехавотирдир. Чуқур ўрнашиб қизармайдиган ва қонамайдиганининг ёки жуда кенгайиб кўпроқ жойни оладиганининг соғайишига умид йўқ. Ҳар доим кўпайиб турадигани ҳам тузалмайди, чунки унинг мизожи кучли бўлиб, яқин келган моддани ўзига мослаштира беради. Шунинг учун бу хили жуда ёмондир.

ҚОРА БАҲАҚНИ ДАВОЛАШ

Агар бунда қон кўп бўлса, дастлаб томирдан қон олиш, куйган хилтни ва савдо хилтни девпечак ва дарахт пўкаги, қора ҳалила, чилпоя ва Румрайхони қайнатмаларига майиз, анжир ва шуларга ўхшашларни қўшиб ишлатиб бўшатиш керак. Арман тоши ва ложувард [қора баҳақ] дориларига қўшилса, ўткир дори бўлади. Оқ харбақни *Лугозиё иёражи*, *Рӯфус иёражи* ва бошқалар билан ҳам [бўшатилади]. Девпечак қўшилган оғиз суви бўшатувчи мулоийм дориларданdir: ҳар куни бир *дирҳам* девпечакни бир коса оғиз сувинга солиб ичилса, аста-секин бўшатади. Гоҳо яхши каймусли овқатларни истеъмол қилиш, ҳаммомга тушиб туриш ва девпечак қўшилган *атрифулларни* ичиб туриш ҳам фойда қилади.

Қора баҳақ ҳамда қора песликка қарши фойдали элаки дори. Қора ҳалила, омила ва седананинг ҳар биридан бир бўлакдан, беклар ўтидан бир ярим бўлак олиб, бу таркибдан ҳар куни эрталаб уч *дирҳам* ва кечқурун уч *дирҳам* ичиб турилади. Агар [дори] бадани қиздирса, бир неча кун ичмай қўйиб, сўнгра яна ичилга бошланади.

Агар ундан беморларнинг талоги бузилган ва савдони тортишда занфлашган бўлса, уни тузатиш билан шуғулланиш керак. Шундан сўнг пўстни қўчириб, кучли тозаловчи ва соғлом қон тортувчи дорилар ишлатилсин. Сувли қаварчиқ пайдо бўлса, тери тушиб кетгунигача беморга дам берилсин; кейин зарур бўлса, тери тушиб кетгунигача беморга дам берилсин; кейин зарур бўлса, [доричи] қайта ишлатилсин. Баъзан у дорининг қаварчиқ пайдо қилишига йўл қўймасдан ачиштирганда [ачиштириш] босилгунча дорини олиб қўйиб, сўнгра яна қайтадан ишлатила беради.

Бу дорилар тоғ газагўтининг елими, мурч, ҳардал, индов, яттүб сути, чакамуг, исириқ, турп уруғи ва ковул илдизининг пўстидир. *Баҳақ* ва песлик касалликларида

айиқтовоннинг суюқ суртмаси ҳам фойда қилади, ўқонни қаттиқ тортади. Чириган суяклар, деворлардан топиб олинган эски данаклар ва яра изларини кетказиш бобида айтилган ҳамма тозаловчи кучли дорилар ҳам [шундай], тунбош суви ва Абу Жаҳл тарвузи қайнатмаси суюқ суртма тайёрланадиган сувлардир.

Яхши суртманинг таркиби. Турп уруғини олиб, етмак билан қўшиб янчилади ва ҳаммомда қора баҳаққа суртилади. Яна турп уруғи ва хардал уруғини олиб, сиркада қайнатилган анжир билан қўшилади.

Яхши суртма таркиби. Қовурилган седана ва Эрон чикамуғининг ҳар биридан ўн [дирҳам], аччиқтош ва санонинг ҳар биридан уч дирҳамдан, зок ва мозининг ҳар биридан икки ғирҳамдан ва қовурилган исириқ уруғидан беш дирҳам олиб, ўткир сирка билан суртилади. Кейин агар бирор из пайдо бўлса, унга хотин сути билан чора қилинади.

Қора, қизил ва бошқа хил сепкиллар бобида айтилган ҳамма кучли суюқ суртмалар ҳам қора баҳаққа қарши фойда қилади.

ВАЗАҲ ВА ПЕСЛИКНИ ДАВОЛАШ

Бирор кучли сабаб тақозо қилмаса, томирдан қон олишдан ва ҳаммомга тушишдан сақланиш керак, лекин аҳёнда бир наҳор вақтида ҳаммомга тушиш мумкин; шароб ичишдан ҳам сақланиш керак, лекин шаробнинг ёлғиз ўзини ичиш мумкин. Беморнинг бадани тоза бўлса, ҳамомда терлаш унга фойда қилади. Бундай bemor қусиши тадбирини ҳам ишлатсан. Агар бадан тоза бўлмаса, балғамни бўшатувчи дориларни, сўнгра сийдикни юргизувчи за ични сурувчи катта иёражларни, айниқса, таркибига Абу Жаҳл тарвузи эти кўшилган иёраж ва шунга ўшашибдориларни истеъмол қилиш керак. Иёра сарни ҳалила, девнечак, чилпол, майин ва туз қайнатмасига соғиб ичилади. Вазаҳ ва песликни келтириб чиқараётган хилтни бўшатнида Нил ўсимлиги уруғининг ажойиб хусусияти бор.

Абу Жаҳл гарвузи этга билан тайёрланадиган иёражи ўндо ёки мана шу таркибдаги дори ундан bemorларга оғим берадиган сургиларданadir: Хитой дорчини, сунбул, сарчаклардан дарактининг чўплари, маастаки, туёғўт, заъфарон, ўзбаж, сув яллиз ва Абу Жаҳл тараузи этининг ҳар йиритаси бир дирҳамдан, сабрдан ўн сақиз дирҳам

олинади. Бунинг бир ичими бир *дирҳам* ёки бир *мисқол* бўлиб, асал *сиканжубини* ва иссиқ сув билан ичилади.

Яна бир мувофиқ сурги дори: ҳалила ва омиладан бир бўлакдан, турбуддан уч бўлак, — ҳар бир бўлак, бир *үқиядан* бўлади — ва каллақанддан ярим бўлак олиб, иссиқ сувда эритиб, қиём қилинади ва юқоридаги дориларни шунга қориширилади. Бунинг бир ичими уч *дирҳам* ёки бир *мисқолдан* беш *мисқолгача* бўлади. Мен бу таркибга бир бўлак занжабил қўшишни яхши деб ҳисоблайман.

Атрифул маъжуналари ва шу таркибдаги *жуворишинлар* истеъмол қилинади; қора ҳалила ва оқ кундур елимининг ҳар биридан бир бўлак, занжабилдан чорак бўлак олиб, майиз асали билан қориширилади; бундан ҳар куни бир *фундуқ* миқдорда истеъмол қилинади.

Яна: қора ҳалила, омила ва седанадан баробар бўлакларни ва беклар ўтидан бир ярим бўлак олиб, бу таркибдан ҳар куни уч *дирҳамдан* ичилади; [бадани] қиздириб юборса, ичилмай қўйилади.

Яна: игир, узун мурч, Кобул ҳалиласи, мастаки, кундур елими, седана ва дафна мевасини олиб, шу таркиб миқдоридаги асал билан қориширилади. Бунинг бир ичими икки *дирҳам* бўлади. «*Китоб ул-ихтисорот*»да айтилган дорилардан қаттиқ қовурилган буғдој толқони истеъмол қилинади. Агар қайтадан қовуришга эҳтиёж тушса қовурилади; унинг орқасидан ярим *үқия* набат *муррийсини* ичиб то куннинг ярмигача ташаликка чи-даб турилади.

Беклар ўти ёки унинг уругини шароб билан ичилса, бу бобда ажойиб хосиятли дори бўлади. Ток новдаларининг нордон ва ширинликда ўртача ширасидан ҳар куни бир қадаҳ ичиб турилса, песликни кўчириб туширади ва унинг кўпайиб кетишига тўсқинлик қиласи. Тарёқ ичиш ва *афъо* илонларнинг этларини ейиш бу касалликда жуда фойдалидир, *афъо* илонларнинг кулчалари ҳам шундай.

Маъжуналар, *атрифул* ва сурувчи дорилардан бири мана бу: беклар ўти уруғидан бир бўлак, қичитқиёт уруғидан ярим бўлак ва сабрдан чорак бўлак олиб, ҳаммасини асал билан қўшилади. Унинг бир ичими уч *дирҳам* бўлиб, муттасил истеъмол қилиб турилади. Баъзи кишилар бу таркибга игир ва девпечак ҳам қўшадилар.

Яна: икки *дирҳам* калкалонаж, бир *дирҳам* қора

ҳалила ва икки *донақ* девпечак таркибини йил бўйи ичилади. Шунга ўхшаш, лекин ундан кўра кучлироқ ва фойдаси кўпроқ ва бир йил [муттасил] ичилиши зарур бўлган дорилардан: иғирдан олти *дирҳам*, Кобул ҳалиласи ва чилпоянинг ҳар биридан ўн *дирҳам*, сариқ ҳалиладан ўн беш *дирҳам*, иёражи *фиқрода*н йигирма *дирҳам*, ҳинд тузидан етти *дирҳам*, беклар ўти уруғидан йигирма *дирҳам*, назла ўтидан ўн *дирҳам*, турбуддан эллик *дирҳам*, Абу Жаҳл тарвузи этидан йигирма *дирҳам*, дараҳт пўкагидан беш *дирҳам* ва *сақмуниёдан* саккиз *дирҳам* олиб, какликути асали билан қориштирилади. Бунинг бир ичими бир *мисқолдан* икки *мисқолгача* бўлади.

Ал-Киндиининг шу тарздаги дориси: индов уруғидан саккиздан бир *келича*, беклар ўти ва Суқутра сабриянинг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олиб, [ҳаммасини] бир яrim ритл асалга қўшиб қуюлтирилади. Бунинг бир ичими ҳар куни овқатдан олдин керакли миқдорда бўлиб, толқон қўшиб ичилади. Унинг кетидан уч ҳўплам *муррий* ҳўпланади. Бошга гунафша ёғи ва гул ёғи суртилади, ундан кейинги овқат қайнатма шўрва бўлади. Доимо ҳар куни кичик бир ичимдан — яrim *дирҳам* ва ундан камроқ миқдоргача *лугозиё* ва *тиёдарикус* истеъмол қилиш гоҳо мумкин бўлади.

Баъзилар пес бўлган жойни доғлаб фойдаланганлар ва бу касалликдан қутилиб тинчиганлар. Лекин бу песлик кам бўлган вақтдагина мумкиндир.

Бадан тоза ва бадан мизожи мўътадил бўлса, ичиладиган дориларни ичирма! Чунки у дорилар баъзан бирор оғатга дучор қиласи, энг камида кўп қон кетиб, руҳ камаяди, бу иккаласи эса песликни даволашда зарур нарсалардир. Песлик аъзони даволашда песликка хос сяюқ суртмалар ва шунга ўхшаш дорилар билан чекланилсин!

Бундай беморга ёпишқоқлиги ва ёғли бўлмаган, тез ҳазм бўладиган овқат берилсин. У киши сабзавотлар, ҳалимлар ва шунга ўхшаш овқатлардан сақлансан.

Вазаҳ ва песга ишлатиладиган дориларга келганда, тозалashi қаттиқ, тоза қонни тортиши кучли ва ўша аъзони қаттиқ қиздирувчи бўлганлари биринчи дарожадаги дорилардандир. Яра қилиб пўст ташлаттирадигани эса ундан кейингисидир. *Вазаҳ* дорилари қаторида бўяш учун ишлатиладиганлари [ҳам] бор. Доғли жойга ишлатиладиган дориларни ўша жойни ишқалаб қизартиргандан кейин ишлатиш керак, у жойни анжир билан

то қонагунча ишқалаш, ёки кўпгина жойларга игна санчилгандан кейин ишқалаш яхшироқдир.

Чапиладиган дориларни беморни қўёшга тутиб ишлатиш у дориларнинг фойда қилишига ёрдам берадиган тадбирлардан биридир.

Песлик дориларининг афзали яралантирадиган ёки сувли қаварчиқ пайдо қиласидиган дорилардир; улар моддани оқизиб [песликни] тузатади ва ўша [жойни ўз рангига] қайтаради. Баъзан у дориларни қаварчиқ пайдо қилишга қўймай, фақат ачиштиргунча қўйиб, сўнгра беморга дам берилгач, [уларни] яна қайтадан ишлатилади.

Дастлабки эътиборга кўра песлик дорилари айтиб ўтилган кучли дорилардан иборат бўлиб, икки турли ҳарбақ, охақ, зирних, етмак, тоғ майизи, чўл қовоғи илдизи, гентиана илдизи, арча бужури, санавбар елими, бақам дараҳти илдизи, эшак ганданоси илдизи, денгиз кўпиги, ангуза, ковул илдизининг пўстлоғи, хардал, исириқ, турп уруғи, ёввойи бодринг илдизи, таратизак уруғи, рўян, қоқила, мозарион, зок, яшил зок, зангор, олтингугурт, [агар] ҳаммомда ишлатилса, — қитрон, дашт пиёзи, қуст, аристолохия, лола, тоғ газагўтиниаг елими ва *фарфлюн* кабилардир.

Кирмона ҳамда сирка қўшиб кетма-кет суртилса, олтингугурт ва наргис пиёзи ҳам [пес касаллигига] жуда мувофиқ доридир. Навшадил ҳам синалган дорилардан. Тухум ёғи яхши суюқ суртма, чаёнүт илдизи ҳам ажойиб доридир. *Вазаҳ* учун нилуфар илдизи, пўст ташлаган қора илон қони, *сақмуниё* илдизи, қуруқ анжир барги, самбитгул барги, қора андиз ва унинг барги, *уштурғоз* ҳам [ажойиб доридир].

Суюқликларга келсак, улар сирка, махсар, сариқ тунбош суви, дашт пиёзининг суви, айниқса, денгиз пиёзининг суви, саримсоқ суви,— у айниқса, қортиқ изларидан иборат [бўлган] песликка [фойдали], — қора андиз шираси ва *афзо* илони этининг шўрвасидан иборатдир.

Яхши суртмалар тарёк, *митридат* ёки тунбош суви билан қўшилган *лугозиё* ҳамда янчилган чакамуғ ва янчилган хардалдир; баъзан [янчилган хардал] тери оралиғидаги песликни ҳам тузатади.

Кўйдирилган чакамуғ солиб қайнатилган, ундан кейин зок аралаштирилган мирта ёғи яхши ёғлардан ҳисобланади. Сиркада янчиб суртиладиган оләкуланг яхши суртмалардандир. Ёки ҳўл ё қуруқ шоҳтараний

олиб, сўйилиб ичи тозаланган афъо илони қорнига тв-
қилади, [сўнг уни] тикиб, жуда етилгунигача қовури-
лади. Кейин ўша шоҳтарани олиб, пес бўлган жойга
боғлаб қўйилса, тезда тузалади. Ёки самбитгулнигт
хўл баргини олиб, то барг қуригунча зайдун ёғи билан
қўшиб қайнатилади. Кейин зайдун сузғичдан ўткази-
лади ва унга тозаланган мумдан бир миқдор қўшилади,
сўнгра бунинг устига сариқ олтингугурт сепиб, марҳам-
дек қилинади ва қуёшга тутиб туриб суртилади.

Ҳиндларга хос суртма [қўйидагичадир]: қуст, ҳинд
чакамуғи, қизил зирних, мурч ва зангорни олиб, мис
идишда сирка билан эзилади [ва уни] бир ҳафта қўйиб
қўйилади. Беморни қуёшли жойга ўтиргизиб қўйиб, бу
дори суртилса, баҳақни ва бошланаётган песни кетка-
зади. Ёки ишқор ва оҳакни эмадиган болаларнинг сий-
дигида ивётилади ва етти кунгача сийикни янгилаб
турилади. Сўнгра қайнатиб асалдек қилиб [оқарган
жой] яралангунча ишлатилади. Кейин зифт, мум, қит-
рон, куйдирилган ёнгоқ пўсти, каптар боласининг қони
ва хина ёғини олиб, ҳаммасини бир-бирига аралашти-
риб қайнатилади, сўнгра бу таркибни [касал] жой
ранги бадан рангидек бўлиб қўрингунча ўша жойга
қўйила беради. Буни иссиқ қуёшда бир неча марта
қўйиш яхшироқдир.

Билгинки, бундай касалликка учраган кишининг
суюқ моддани аста-секин бўшатадиган кучсиз дори би-
лан бўшатилиши керак. Маълум илдизлар суви модда-
ни етилтириб дорини йўллайди. Даволашнинг охирида
сассиқ ҳаб дори ичирилади, кейин қайтадан ўша илдиз-
лар суви моддани етилтириб дорини йўллайди. Даво-
лашининг охирида сассиқ ҳаб дори ичирилади, кейин
қайтадан ўша илдизлар сувини икки ҳафта истеъмол
қилинади. Паррандалар гўшти ва қовурилган гўштлар
каби иссиқлик гўштлар орқали қон пайдо қилинади.
Нордон нарсалар ва шўрвалар истеъмол қилинмайди,
текин соҳо зирбож истеъмол қилиш мумкин. [Бундай]
бемор учун сув энг зарарли нарсадир, сув ичса ҳам
ески шаробдан қўшиб озгина ичсин. Қон тортилиши
учун постик жойни ҳар доим дағал латта билан ниқа-
таш керки. Ҳаммомга тушиш, ғализ овқат, хўл ва ку-
мук мевалар у кишига зарар қилади. Постикчи доғлан
бўлан уни баданга ёяди ва кўпайтиради. Бирор са-
бабе о кўра доғлангандан кейин пайдо бўладиган по-
стик айб эмас. Тилган жойларда пайдо бўладиган по-
стик ҳам шурдайдир.

Мұтасим учун тайёрланған күп тар-
кибли суюқ суртма: қора илон қонидан уч-
уқия, олақарға, фламинго, олапохта ва похта боласи
ва чүл тошбақаси қонларининг ҳар биридан бир үқия-
дан; қитрон, ҳұл зифт, нефть ва балозур асалининг ҳар
биридан бир үқиядан олиб, уларни қориб қуритилади.
Сұнгра ҳұл Абу Жаҳл тарвузининг сувидан бир бұлак,
эски шаробдан икки бұлак, ҳұл қора андиз сувидан
икки бұлак, газагұт суви ва ҳұл хардал сувининг ҳар
биридан бир бұлакдан олиб, ҳаммасини ана шу тар-
кибга күра ўн ритл қилиб қозонга солинади, үннинг
устига қорамурч, узун мурч, занжабил, седана, қундуз
қири, назла ўти, етмак, тоғ газагұтининг елими, қалам-
пирмұнчоқ, Цейлон дорчини, мозариюн ёввойи бодринг
илдизи, қора харбақ ва говширнинг ҳар биридан бир
үқиядан солиб, ҳалиги сувлар билан то учдан бири
қолгунча қайнатилади. [Сұнгра] дорилардан сузіб
[қайнатмани] айтиб үтилган қонлар ва дориларга құ-
шилади, ниҳоят, уларни шиміб олиб қурийди, кейиң
ҳұл Абу Жаҳл тарвузининг суви, қора андиз, түқай
пиәзи, саримсоқ суви ва эскирган шаробдан бир оз олиб,
ҳалиги сувлар устига сепилади; буларнинг ҳаммаси
саккыз ритл бўлиши керак. Бунга сассиқ ангұза, сассиқ
қаврак илдизи, уштурғоз, иккала хил зирних, зангор
ва олтингугуртнинг ҳар биридан бир ярим үқиядан қў-
шиб, ҳалиги сувларда тўртдан бири қолгунгача қайната-
тиб, [сұнг] сузилади. Айтиб үтилган қонлар ва қуруқ
дорилар бу қайнатмани ҳамиша эмиб туради ва уларни
доимо янчилади; ниҳоят, ҳаммасини эмиб қурийди.
Сұнгра бу таркибни [песлик] жойга ҳаммомда сурти-
лади. Мен айтаманки, бу дорини ўша подшоҳ табиби
айтгандан кўра меҳнатни енгилроқ ва таъсирини куч-
лироқ қилиб ишлаш ҳам мумкин.

Соҳир тайёрлаган яхши суртма: се-
дана, харбақ, лола ва ковул илдизининг ҳар биридан
бир бұлак, чакамуғ, ҳузаз, дамодим, мурр ва зирних-
нинг ҳар биридан ярим бұлак олиб қүёшда суртилади.
Енгил, яхши ва фойдали суртма: бу сирка билан қў-
шилган лола ва чүл қовоғидан иборатдир. Яна: узум
шаробининг сиркаси билан қўшилган рўян, денгиз кў-
пиги; турп уруғи ва етмак [ҳам шундайдир]. Яна са-
риқ мис қипиги, қора харбақ, куйдирилган мис, ола-
куданг ва қизил зирнихнинг ҳар биридан бир дирҳам-
дан олиб, сепиладиган ҳолга келтирғандан кейин, сир-
када ивигилгай құтрон билан қориб суртилади.

Биз қўйидаги дорини тажриба қилиб кўрдик: бало-зур асали, айиқтовон, капитар тезаги, олакуланг, чакамуғ, турп уруғи, хардал уруғи, рўян, хина, ўсма ва зокдан баробар бўлакларни олиб суртиб, сувли қаварчиқ пайдо қилинади, сўнгра уларни тешилади ва [пайдо бўлган] яраларни даволанади. [Песлик] тузалгунигача бу тадбир қайта-қайта қўлланила беради.

Қортиқ излари сабабли бўлган песликни кетказадиган дори тунбош суви, саримсоқ суви, рўян ва чакамуғдан иборат бўлиб, бу таркибни бақам дарахти суви билан қўшиб суртилади.

Песликка ишлатиладиган бўёқларга келсак, буларга аниқ миқдор кўрсатиш мумкин эмас, чунки териларнинг ранги турличадир. Бироқ буларга қонун-қоидалар кўрсатилади, кейин ундан олдинга ёки кетинга қараб чекинилади. Ушандай бўёқларнинг бири: шўра тузи, мурр, шароб қуйқаси, қизил кесак, рўян, аччиқтош ва шуларга ўхшашларни олиб таркиб қилиб суртилади. Еки мана бу биз синаб кўрган бўёқ ишлатилади: ёнроқ пўсти, ўшанча хина ва хинага баробар миқдорда ўсма аралаштирилади.

Яна: оҳак, зирних ва чакамуғнинг ҳар биридан бир бўлакдан, рўяндан икки бўлак олиб, асал суви билан қўшилади ва [песликнинг] кўринишига қараб ишлатилади.

Бу касалликка учраган кишиларнинг овқатлари: енгил гўштлардан, доривор қўшиб тайёрланган қовурилган нарсалар — қовурмалар, мутажжана [товарда пиширилган овқатлар] ва кабоблардан иборат бўлади. Бундай киши шароб ичиш билан чекланиб, имкон борича сув ичишдан мутлақо сақлансин ёки уни қайнатиб, ё шароб билан арлаштириб озгина ичсин.

ТЕМИРАТКИ

Темиратки *саъфадан* узоқ эмас, фақатгина яширин бир нарса орқали *саъфадан*, айниқса, қуруқ *саъфадан* фарқ қиласди. Қуруқ *саъфа* энг ифлос, энг ёмон, энг єювчан ва энг чуқур жойлашадиган темиратки бўлиши мумкин. Темираткининг сабаби *саъфа* сабабига яқни: бу ҳам ўткир, тез ва сувсимон модда бўлиб, қўтириб мөддасидан кўра қуюқроқ савдо мөддасига аралашади. Суюқ мөддаси ғолиб бўлган темиратки энг тез тузади.

Хўл темираткининг баъзиси қондан пайдо бўлиб, қашланган пайтда намлик кўринади, бу хил темиратки

бехавотирдир. Баъзиси қуруқ бўлиб, у аксар куйиб савдога айланган шўр балғамдан вужудга келади. Темираткининг баъзиси жуда қуруқлиги ва кўп чуқур жойлашиши сабабли пўст ташлаб туради, бу қора песлик ва қовжираган ярага ўхшайди. Унинг баъзиси пўст ташламайди. Темираткининг айрим хиллари ёмон бўлиб, кўчиб юради; баъзиси эса бир жойда тўхтаб туради. Баъзиси янги ва баъзиси узоққа чўзилган ёмон бўлади, бундай [темиратки] кузда пайдо бўлади.

ТЕМИРАТКИНИ ДАВОЛАШ

Темираткини даволашда асосан тарқатиш, парчалаш, эритиш ва суюлтириш хусусиятларини ҳамда тўхтатиш ва рутубатлантириш каби хусусиятларни ўзига йиғадиган дориларга эҳтиёж тушади. Уларнинг олдинги [хусусиятларга эга бўлганлари] қуюқ моддаларга нисбатан қўлланилади, иккинчилари эса ўткир ва суюқ модда учун қўлланилади. Шу икки ҳолатдан бирининг устун чиқишига қараб темираткига юқоридаги икки тадбирдан бири кўпроқ қўлланилади.

Зулук солиши темираткининг энг яхши даволаридан-дир. [Темиратки моддасини] тозалашда, унинг ортидан кўринаётган ҳолатга мослаб оғиз суви ичириш, овқатлантириш, рутубатлантириш ва рутубатлантирувчи тадбир қўллашда *саъфани* даволашда зарур бўладиган нарсалар керак бўлади. Ҳаммом ҳам унинг зўр даволаридандир; баъзан қуруқ ҳаводан ажralиб туришга ҳам эҳтиёж тушади. Айрим кишиларнинг айтишича, темиратки пайдо бўлишига қарши фойда қиласидиган ва пайдо бўлганини тузатадиган дорилардан бир ўшуни, лаккдан бир дирҳамини сабрни ювгандек ювиб, хушбўй матбуҳнинг уч уқияси билан қўшиб ичирилади. Темиратки ёйилиб кўпайиб кетса, мохов касаллигининг давоси билан даволанади.

УМУМАН ТЕРИ ҲИДИННИГ БУЗИЛИШИНИ ДАВОЛАШ

Хилти бўшатиш, мизожни эса алмаштириш билан тузатилади, кайфияти ва миқдори орқали яхши ҳазм бўладиган нарсалар ҳам истеъмол қилинади. [Балани] ҳаммомда ва бошқа жойларда яхшилаб тозаланади. Терини хушбўй қиласидиган нарсалар, масалан, Сарандии дорчини, фаланжа, петрушка, кангар, морчўба каби нарсалар ҳамча сийдикни юргизиб изими чиринди-

лардан тозалайдиган ҳар бир нарса наҳорга истеъмол қилинади. Лекин у дориларниг баъзиси, масалан, морчӯба сийдикни саситиб юборади. Яхши ҳидли туршак ивтимасини ичиш, ўрикнинг ўзини ейиш бу соҳала фойдали тадбирлардандир.

Баданга миরта суви, Яман аччиқтоши эритилган сув, гулсалсар шарбати, тошчӯп қайнатмаси, бор ялпизи, чўл ялпизи, самсақ, олма барги, тол барги суртилади, шунингдек, янчилган мири, айниқса, сандал ҳам фойдали. Яна тўпалоқ, қорачайир гули, хушбўй қамини, сарв, айниқса, гул, самсақ, райҳон, *ушина* қитрон барги, унинг пўсти, олма баргини ҳам [баданга] суртилади. Гулсалсаар барги бу жиҳатдан жуда фойдалидир; омила шираси қўшилган гул кулчалари ҳам шундай [тасирга эга]. Куйдирилган қўрғошин, тўтиё, гулсалсар баргининг кули, аччиқтош ва шунга ўхшаш нарсалар; *муrr*, сабр, мирида ёғи ва гул ёғи тери тешикларини тўсиб, терга тўскинлик қиласидиган нарсалардандир.

ҚУЛТИҚ ҲИДИ ВА УНИ ДАВОЛАШ

Айрим кишиларнинг даъвосича, қўлтиқ ҳиди инсон пайдо бўладиган маний қолдиқларидан вужудга келар эмиш, гўё у қолдиқлар қўлтиқка келиб тери тешикларига жойлашар эмиш. Бу даъвога ишониш керак эмас. Қўлтиқ ҳидини инсонда манийга айлац адиган модда буғига ва унинг қўзғалишига нисбат бериш тўғрироқ бўлур эди.

Буни даволашга келсак, аввало, зарур бўлса, [бадани] тозалагандан кейин тўтиё, куйдирилган қўрғошиннинг ишлангани, турли тўполлар, мирида кули ва аччиқтош эритилган сув билан даволаш керак. Годо бу дориларга сандал қўшилади ва кофур билан ҳам аралаштирилди. йхши кулча дори: сандал, Сарандиндорчини, омила шираси, сунбул, аччиқтош, мурр, соғаж ва гулнинг ҳар биридан бир бўлакдан, тўтиё ва куйдириб оқланган қўрғошиннинг ҳар биридан уч бўлакдан ва кофурдан ярим бўлак олиб, бу таркибдан гул суви билан кулча дори ясалади ва қуритиб истеъмол қилинади.

Яна: қизил гул, омила шираси, сунбул, тўпалоқ, *муrr* ва аччиқтошнинг ҳар биридан ўн [бўлакдан] олиб, гул суви билан кулча ясад қўлтиқка чапланади.

ОРИҚЛИКНИ КЕТҚАЗИШ

Ориқликка сабаб овқатда семиртирувчи модданинг бўклиги ёки суюлтирувчи овқатни кўп истеъмол қилиш, — бунда баданда кўпда қон пайдо бўлмай қолади, — ёки тоза қон пайдо бўлмайдиган овқат билан чекланиб туришдир; бунга яна овқатни ишлатувчи қувватнинг, яъни ҳазм қилувчи қувватнинг ёки озиқни аъзоларга тортувчи қувватнинг заифлиги ҳам [сабаб] бўлади; уларнинг заифлигига [эса] мизож бузилиши, кўпинча, бузилган совуқ мизож сабаб бўлади; ёки кўп ҳаракатсиз ётиш бўлади, бунда тортувчи қувват ухлаб қолади, айниқса, табиятга озиқни тортишда ёрдам берадиган ва табият унга одатланган жисмоний ҳаракатдан кейин ана шундай бўлади; жисмоний ҳаракат қилинмай қўйилса, [тортувчи] қувват, ҳатто, мўътадил озиқни ҳам тортмай қўяди.

[Ориқликка] яна қоннинг табиятга ёқмаслиги ҳам сабаб бўлади, — сафро аралаш қон тортувчи қувват учун сув аралаш рутубатли қондан кўра ёқимсизоқ бўлади, — ёки талоқнинг катталашиб, жигарни қисиши сабаб бўлади; бунда қоннинг кўпи талоққа тортилади, талоқ ва жигар орасидаги зиддият сабабли жигар қуввати заифлашади. Гавдада гижжаларнинг [кўпайиб] тўдаланиб ётиши ёки хилтдан тери тешикларининг тўсилиб торайиши, ёки совуқлик, ё иссиқлик, ё фақатгина қуруқлик натижасида тери тешикларининг бирикиб буришиб торайиши ҳам [ориқликка] сабаб бўлади; буларнинг ҳаммасини ўз белгилари орқали биласан. Доимий равишда боғич боғлаб қўйиш ҳам [ориқликка] сабаб бўлади, бунда тери тешиклари ва йўллар тўсилиб, баданга озиқ тортилмайди, айниқса, кесак ейиш тери тешикларини тўсиб қўяди. Ёки [ориқлик] тарқалишнинг кўплигидан бўлади; бунда аъзоларга тортилаётган озиқ бир ерга тўпланмай, сочилиб-тарқалиб кетади. Масалан, тез қилинадиган жисмоний ҳаракатлар, турли хафалик ва ғамгинликлар тарқатувчи касалликларда шундай бўлади.

Озгина вақт ичида озиб кетадиган баданларнинг қайтадан семириши ҳам қисқа бир муддатда бўлиши мумкин. Узоқ вақт ўтиб озган баданлар эса кўп овқат истеъмол қилишга қувватларининг заиф экани сабабли аста-секин қўлланиладиган тадбирдан бошқа [тадбирни] кўтара олмайди.

Териси ғовак ва осон чўзиладиган баданлар семи-

ришга қобилиятли бўлади. Заифлик, иссиқ-совуқдан, тўқиниш-уринишлардан кўп таъсирланиш, уйқусизлик, нафсоний таъсирланишлар, меҳнат-машаққат, бўшати-лиш ва жинсий алоқа кишини ориқланишдан сақла-нишга мажбур қиласдиган омиллардандир; бундай ки-шининг еган овқати томирларда тўхталиб қолади, на-рига ўтмасдан бузилади.

Семизликнинг ҳам заарлари бор, уларни келгусида баён қиласмиз. Мўътадил [семизликдан яхши] йўқ. Агар семизлик зарар келтирмаса, уни ёмон санама, чунки ҳаёт рутубатдадир: лекин эҳтиёт бўлишинг, гар-чанд оғат юз бермаса ҳам, ҳаддан ташқари семириш йўлини севмаслигинг керак. Чунки семизлик оғати тўсатдан ва бирданига келиб етадики, бу ҳақда ўз жойида айтилади.

Бадан ва ҳаволар қуриса, ориқлик пайдо бўлади.

ДАВОЛАШ

Ориқликнинг биз юқорида баён қилган сабаблари-дан қайси бири мавжуд эканини аниқлаб, унга қарши чора кўриш ва уни кетказиш керак. Масалан, овқат кучли қуюқ қон пайдо қиласдиган бўлса, ана шундай қон пайдо қиласдиган овқат берилади ва фақатгина яхши қон пайдо қиласдиган овқат билан чекланилмайди, чунки бу хил овқат баъзан суюқ ва тарқалиб кетадиган қон пайдо қиласди. Агар аъзолардаги тортувчи қувват бўшашибган бўлса, уни қўзғатиб кучайтирилади; мизож бузилган бўлса, уни ўзгартирилади. Уйқудан уйғониш биланоқ ишқаб уқалаш тортувчи қувватни уйғотадиган тадбирлардандир.

Агар [гавданинг] икки қисми ориқликда хилма-хил бўлса, баъзан озгинидан бошқа томонга озиқ тортилишига монелик қилишга ва уни озган томонга тортти-ришга эҳтиёж тушади. Масалан, бир қўл озгин, иккinci семиз бўлса, семиз қўлни қўйи [қисмидан] бошлаб қаттиқ оғритмасдан, балки тери тешикларини то-райтириб, озиқ ўтишига тўсқинлик қиласдиган қилиб боғлаб қўйиш зарур. Шунда озиқ тақсимланадиган жойига қайтиб бориб, кейин бошқа томонга тортилади. Айниқса, иситилган мумдан сэргина қўшиб, зайдун ёғи каби ёғ билан оғритмасдан ишқалаш тортувчи қувватни уйротади. [Шунда] аъзо қизиб ловулласа, ишқаламай қўйилади, ловуллаш тўхташи биланоқ, яна ишқалана бошлансади. Агар ёўллар тўсилса, уларни очилади. Агар

бадан зич бўлиб, шу сабабли тери тешиклари тўсилган бўлса, рутубатлантириб баданни иситадиган овқатлар билан иситиб бўшаштирилади. Агар баданни совуқлик зичлаштирган бўлса, уни жисмоний ва нафсоний ҳаракатлар билан, агар иссиқлик тортишириб ёпиштирган бўлса, совутиш ва рутубатлантириш билан бўшаштирилади. Совуқлик сабабли семиришни қабул қилмаётган аъзога энг яхши қиздирувчи тадбир ишқалаш ва ундан кейин унга қизартирадиган нарсалар кўйишдир.

Агар ориқликка талоқ сабаб бўлса, талоқни даволанади, агар ориқлик гижжалардан бўлса, уларни ўз бобида айтилган [дорилар] билан ўлдириб чиқарни ташланади. Ориқ кишии тинч қўйиб ором берилади, кўрпа-тўшаги юмшоқ қўшиб қўйилади, соя жойга жойлаштириб, хурсанд қилинади, хушбўй [нарса ҳидлатиб] совуқ нарсалар ичирилади. Чунки бу тадбирлар табиий қувватни жуда кучайтиради, натижада у озиқларни яхши ишлатиб, чиқндиларни ҳайдаб чиқаради. Булар эса семириш сабабларининг бошланғичидир.

Қуюқ шароб ичиш, ҳазм бўлганда каймуси яхши бўладиган кучли ва пишиқ овқатлар, масалан, турли ҳалимлар, умочлар, ширгуруч, қовурилган гўшт кабиларни ейиш [керак]. Чунки қовурилган гўштда гўшт қуввати қамалиб қолиб, у пишиқ эт пайдо қиласди, қайнатилган гўшт эса говак, таралиб кетадиган ва қарорланмайдиган эт пайдо қиласди. Урдак гўшти семиртирувчи, товуқ гўшти ҳам шундай; каклик гўшти бу жиҳатдан жуда етукдир. Шакар қўшилган мағизлар ҳам шундай. Овқатдан кейин ҳаммомга тушиш озиқни баданга жуда тортирувчи ва семиртирувчи [тадбирдир], лекин бу иш кишининг жигарида, айниқса, [еийилган] овқат семирмоқчи бўлган кишилар ейдиган овқатдан бўлса, тиқилмалар пайдо қиласди. Шунинг учун буни қўллайдиган кишиларда тош пайдо бўлади. Яратилишда томирлари тор бўлган кишида шу хил тиқилма ва тошлилар кўни пайдо бўлади; бироқ ҳамма [кишилар] шундай бўла бермайди. Агар бундай [кишилар] ўнг томонида оғирлик сезсалар, уларга жигар тиқилмаларини очадиган маълум дорилар ичирилади. Уларга тоғирлик келгунча овқатдан олдин сирка ва асал қўшилган аввал ҳамда маълум уруғлар сиканжубини и пригади.

Ончот бирнегани ҳазмдан ўтиб, қўйига тушсан пайдада ҳаммомга [юзим] яхшиадир. Шу билан бирор, ҳаммомдан чиқадиган кескин фурсат ўтказмай орқате сийни

ҳам семиришга сабаб бўлади. Кўпчилик одамларни, айниқса, сўлиш ҳолатидаги одамларни ҳаммом жуда яхши семиртиради; ҳаммомга дастлабки ҳазмдан кейин, яъни овқат, айрим хилларини мустасно қилганда, меъдадан қуйига ўтганда тушиш керак. Иссик мизожли кишиларга ачимаган қатиқдан тайёрланган айрон берилсин.

Бадантарбияга алоқали ҳаракатлар ҳам семиртирувчи тадбирларданdir; бу ҳар бир енгил ва аста-секин қилинадиган мўътадил бадантарбия бўлиб, бир оз дағал ҳамда қаттиқ ва юмшоқликда мўътадил [латта] билан тез ишқалашдан кейин қилинади, айниқса, биз айтгандек, тери қизаргунча ишқалаш [яхшироқ]. Шундай ишқалашдан кейин мўътадил даражада бадантарбия қилинади ва қисқа вақтга ҳаммомга тушилади, кейин бадани артиб қуруқ уқаланади, семиртирадиган дорилар чапланади.

Сув ва ҳавони алмаштириш [семиртиришда] кўзда тутилиши зарур бўлган нарсалардан биридир: бу иккаласи, кўпинча, озиб кетишга сабаб бўлади.

Аъзоларни ҳаракатлантириб, қизартиргандан кейин чапланадиган дорилар, масалан, жуда суюқ бўлса, зифтнинг танҳо ёзи ёки уни чаплаш учун суюлтирадиган миқдордаги ёғда эритилгани семиртирадиган дорилардан ҳисобланади. Гоҳо зифтнинг ўзини оловга яқин тутилган терида ишлатилади, у эригач [аъзога] ёпиштирилади, қотгандан кейин эса у терини кўчириб олинади, шунда [зифт] озиқни аъзога тортади ва уни ўша аъзода тўхтатиб туради, шунингдек, у тортувчи қувватни ҳам уйғотади, агар совуқлик қувват занфлиги ёки тери тешикларининг тўсилиши сабабли бўлса, уни кетказади; [озиққа] ёпишқоқлик ва зичлик беради, унинг устидан тери тешикларини тўсади, натижада у маълум аъзонинг бўлагига айлангунича тарқалиб кетмай тўхтаб қолади. Бу тадбир ёзда кунига бир марта ба, қишидагиси эса кунига икки марта ишлатилиши керак; [зифтни] аъзодан кўчириб олганда ёки ёпиштирганда аъзонинг қизариб кўпчиганига, ёки шу ҳолатнинг сустлик билан юз берадётганига қараш керак. Агар бу ҳолат юз берса, [зифтни] аъзода узоқ вақт кўйилмасин, балки тезда кўчириб олинсин; баъзан уни иссиқ ҳолда ёпиштиргандан кейин совуши биланоқ кўчириб олиш кифоя бўлади. Гоҳо зифтдан олдин дағал ва қаттиқ нарса билан тез ишқалаш фойда беради; кейин зифт суртилади. Еки аъзонни силлиқ бамбук нов-

далари билан, айниқса, уларни ёғлаб то аъзо қизарисб кўпчигунча урилади, кейин тўхтатилади, чунки бундан ортиқ даражада ишқалаш ва уриш [озиқни] тарқатиб юборади. Кейин зифтни оловда мўътадил даражада иситиб ёпиширилади, у совуб қотгач, бирдан кўчириб олинади. Яхиси зифтдан олдин аъзога бир қадар иссиқлик ва ачиштириш хусусияти бўлган сув қўйиб, сўнг зифт суртиш керак.

Олтингугуртли ва мумли сувлар ҳам озиқни бадан сиртига тортади. Жолинус: «Озиб кетган бир қулни мана шу тадбирни қўллаб семиртирган бир қул сотувчини кўрдим; у қул оз муддағ ичидаги думба солиб, сонлари семириб кетди», — дейди.

Зифт суртишни истамаган киши унинг ўрнига тери тешикларини тўсувчи бир қадар иссиқлик ёғларидан бирортасини ишлатади. Агар баданинг ҳамма ёғига ёки маълум аъзосига совуқ сув қўйишга чидаса, уни ишлатсан. Бунинг учун энг яхши вақт озиқ тортилдаган аъзосига чапиладиган дори ишлатилган бўлиб, [табиий] қувват озиқни деярли қонга айлантирган вақтдир. Агар бу тадбир фойда бермаса, узоқ вақт даволашдан қочмай, балки латта билан ишқалаб иссиқ сув қўйиш, кейин қўл билан уқалаб, сўнгра зифт суртиб, тадбирни давом эттириш лозим. Баъзан уқаламай қизартирувчи дорилар, масалан, назла ўти, олтингугурт ва тоғ газагўти қабилар орқали қонни тортиш зарур бўлади.

Аъзоларнинг баъзиларини семиртиришда одатдагидан кўра кўпроқ озиқа эҳтиёж тушади, чунки ундан аъзолардан озиқ одатдагидан кўра кўпроқ тарқалади. Уларни семиртириш учун ортиб қоладиган озиққа, айниқса, озиқ уқалаш натижасида тарқаладиган бўлса, эҳтиёж тушади.

Энди ичдан истеъмол қилинадиган дориларни ва ҳуқналарни баён қиласиз. Ичдан истеъмол қилинадиган дориларга келсак, буларнинг қувватидан кутиладиган мақсад шуки, улар озиқни ҳазм қилиб, уни меъдада ва ичакларда тутиб турувчи қувват орқали бир оз тўхтатиб туриши ва уни томирлар орқали жигар томонига ўтказиши керак. Сийдикни ҳайдаш хусусияти мўътадил бўлган дориларни, айниқса, овқат пайтида ёки овқатдан озгина муддат кейин ичилганда шундай таъсир кўрсатади. Сўнгра озиқни аъзода қуюлтиришга эҳтиёж тушиди, буни эса совутиб увиштирувчи мингdevона ва шунга ўхшаш дорилар бажаради. Яна маҳсус семирти-

риш хусусиятига эга бўлган дорилар ҳам бўлиб, улар жуда кучли дорилардир.

Мўътадил [мизожлилар] учун мўлжалланган дориларнинг бири: бодом, пўсти ажратилган фундуқ, сақиҷ дарахтининг меваси, писта, наша уруғи ва катта хил санавбар донасидан олиб, бу таркибни асал билан қорилади; ундан жавзва миқдорида ғўлаклар ясалади ва шулардан ҳар куни беш жавзадан ўн жавзагача истемол қилиб, устидан шароб ичирилади. Бу семиртиради, рангни чиройли қиласи ва жинсий алоқа [қувватини кучайтиради].

Яна семиртириб рангни чиройли қиласиган яхши дори: бир маккук оқ ун ва беш үқия анзиратгўштхўрни олиб, иккаласини қорамол ёғи билан яхшилаб қорилади ва бу таркибдан кулчалар ясад эрталаб ва кечқурун еб турилади. Ёки бодом, пўсти артилган фундуқ, сақиҷ дарахтининг меваси, кунжут ва кўкнордан баробар [миқдорда], касилодан ярим бўлак, каллақанддан [шуларнинг] ҳаммасича олиб, ҳар куни эрталаб ва ухлаш олдидан йигирма дирҳамгача кафт отиб турилади.

Ал-Киндий [ишлаган дори]: канакунжут донидан чорак килжани олиб, яхшилаб янчиб, устига янги соғилган сутдан икки ритл қўйилади, керакли миқдорда буғдой уни билан қориб бароздаҳийя кулчалари ясалади; ҳар бир кулча бир ярим үқия оғирилигига бўлади, кулчаларни қуритиб пиширилади ва ҳар куни икки кулчани янчиб ейилади.

Кесак еб, жигар томонлари тўсилиб озиш ва ранг сарғайишга қарши яхши тадбир: яхши майизни олиб, устига унинг тўрт баробарича сув қўйилади ва бу то ярим қолгунигача қайнатилади, сўнгра майизнинг ҳар бир кафтига икки ритл вазнида темир чирки, бир кафт жувона, бир кафт шакар ва бир кафт какликўт ташланади. Араслашма икки ёки уч кун қайнагандан кейин, сузуб наҳорга бир ритл миқдорида ичилади. Уч соатдан кейин ковул ва ганданодан қилинган нонхўриш билан нон ейилади, устига бир ритл кучли набиз ичилади. Кейин етти соат ўтгач, семиз гўшт еб, устидан уч ритл гача кучли набиз ичилади. Бу тадбир, албатта, мизожи кучли кишиларда ажойиб таъсир кўрсатади ва уларнинг рангини чиройли қиласи.

Ёки катиро, кўкнор уруғи, гавз гандум, баҳман, ковул, қаррабо, ёввойи занжабил ва муғоснинг ҳар биридан уч прям дирҳам олиб, янчиб сариёғда қовурилади,

бунинг устига икки *манн* буғдой толқони ташланади. Бу таркибдан ҳар куни ўттиз *дарҳамгача* олинади ва сут, сариёф ва шакар билан қайнатиб ҳolvайтар ясалади ва ейлади; ундан кейин енгил равишда иссиқ сув билан ювилади.

Еки муғосдан эллик *дирҳам*, ҳарбақдан йигирма *дирҳам*, катиродан қирқ *дирҳам* ва ёввойи занжабидан ўттиз *дирҳам* олиб эланади, кейин ҳаммасининг учдан бирича оқ нон, яна ҳаммасининг учдан бирича пўсти ажратилган бодом ва яна ҳаммасининг учдан бирича сулаймоний шакаридан олиб, бу таркибдан ҳар куни йигирма *дирҳамни* бир ритлдан қўй сути ва узум шираси билан қўшиб ҳolvайтар ясаб, истеъмол қилинади.

Мўътадил семиртирадиган содда дорилар, мағзлар, турли унлар, гавз *гандум*, касило, айниқса, унинг толқон билан қўшилгани, — чунки бу семиртириш билан бирга толқоннинг қоринни кўпчитиш хусусиятини синдиради, — ёввойи наша уруғи, — лекин бу меъдада узоқ туриб қолади, — муғос, ёввойи занжабил, [ҳар] иккала хил баҳман, шунингдек, тоғ пиёзи, ёввойи ясмиқ ва ловия каби эрлик уруғини қўзғатадиган ҳамма нарсалардан [иборатдир].

Хос дорилар ўрнида юрадиганлардан бири шуки, хурмо қуртини қуритиб янчиб, ундан бир озини толқонга аралаштириб ичилади.

Иссиқ мизожлилар учун яхши тадбирлар. Кўпда қуюқ бўлмаган ва ачимаган, балки сингишли ва енгил [ҳазм] бўлиши учун ёги олинган қатиқ айронини олиб озғин кишига ярим ритл миқдорида ичирилади ва у то ҳазм бўлгунича уч соат тўхтатилади, кейин иккинчи марта ўшанча ичирилади; кечгача овқат берилмайди. Ундай кишиларнинг овқати семиз жўжа [гўштидан] иборат бўлади, агар суюқ оқ шароб ичишни кўтара олса, ичирилади. Агар кечки овқат ейишдан олдин суюқ тиниқ набиздан бир қадаҳ ичib, сўнг ҳаммомга тушса ва ҳаммомдан чиқиб кечки овқатни еса, жуда яхши бўлади.

Бошқа хил [тадбир]. Нўхатни олиб, сигир сутида бир кеча-кундуз ивitiб қўйилади, агар сутни янгила б нўхатни кўпроқ ивitiлса ҳам мумкин. Сўнгра ювилган оқ гуруч, янчилган кўкнор уруғи, янчилган буғдой ва арпаларнинг ҳар биридан ўттиз *дирҳамдан*, қуритилган оқ нон ва оқ шакарнинг ҳар биридан ўттиз *дирҳам*, пўсти артилган бўломдан эллик *дирҳам* олиб, ҳамма-

сини бирга қўшилади. Бу таркибдан ҳар куни ўттиз дирҳамни янги соғилган сутда ёки ўсимлик мойи ва сариёғда қайнатиб ичилади. Кейин ичилган нарса [баданга] тарқаладиган миқдорда ваннада чўмилиниади.

Ёки янги соғилган сутдан бир ритлни бир ритл сувга солиб, то сув йўқолиб кетгунича аста-секин қайнатилади. Бу қайнатмага бир уқия каллақанд ва бир уқия сигир сути ёғи ва кунжут ёғи солиб, яхшилаб қайнатиб истеъмол қилиниади.

Ёки нўхат уни, боқила, арпа ва гуручдан баробар бўлакларни, пўсти ажратилган ясмиқ, оқ кўкнори, пўсти ажратилган кунжутдан ярим бўлакдан ҳамда шакардан икки бўлак олиб, қўй сути қўшиб суюқ овқат тайёрланади ва эрталаб истеъмол қилиниади.

Ёки мингдевонани олиб, сувда яхшилаб қайнатилади ва сувини синчилаб сузиб ўтказилади, сўнгра ўзини сояда қуритиб хамир ўртасига қўйилади. У хамирии тандирдаги пишиқ ғишт устига қўйиб нон қилиниади; хамир ҳам хурмо сингари қизаргач, уни тандирдан олиб янчилади. Шундан икки мисқолини кунжут ва кўкнордан тайёрланган майда таркибининг бир ритлига қўшиб, эрталаб ва кечқурун уч кафтдан истеъмол қиличади.

Ажойиб дори. Мингдевонани олиб, бир кеча-кундуз ивитгандан кейин сув билан ювиб қуритилади. Сўнгга сариёққа чўмдириб янчиладиган даражада қовурилади. Устига тўрт баробар келадиган миқдорда пўсти ажрагилган бодом ва шунча ёнғоқ ва шу миқдорча шакар қўшилади. Ухлаш олдидан ундан беш дирҳамча истеъмол қилиниади.

Бу хил кишиларни пақ-пақ, итузум, сутчўп, тут ва каклик гўшти семиртиради. Ҳаддан ташқари озғин кишилар биз ингичка оғриқ касаллиги ва меъда қуруқлиги бобида айтиб ўтган рутубатлантирувчи давога муҳтоҷ бўладилар; ўша бобларга мурожаат қилинисин. Буларга ҳам ҳар уч-тўрт кунда маълум йўсинда зифе суртиш керак.

Совуқ мизожли кишилар учун қўлланиладиган талбади. Совуқ мизожлилар учун кафт отиб [ишлилатилади] дерин сўқ ҳарбак, бўрганижон ва оқ кўкнорнинг ҳар бир дан ишни дирҳамидан, бурақ ва санавбар денини гўзинчадан уч дирҳамдан, ёвоби начиа уруғидан тўғен оғриқ, ё сасринижон, мингхезона уруғи, назла ўти, ҳасниножон ва оқ баҳманинг ҳар бирчдан бир дирҳамдан, коскиюдин беш дирҳам, оқ бўрганижон бир макони

олинади. Буғдойни кўпчигунча сутда ивтилади, кейин сояда қуритиб қовуриб толқон қилинади. Кейин ҳамасини бир-бирига қўшиб устига сигир сути ёғидан ўн чўмич солинади ва бу таркибдан ҳар куни эрталаб ўн ва кечқурун ўн [дирҳам] истеъмол қилиб, устидан сут ичилади.

Бошқа машҳур дори. Оқ индов, нўхат уни, боқила уни ва жувонанинг ҳар биридан бир бўлакдан, *касило-дан* икки бўлак, Кирмон зираси ва мурчнинг ҳар биридан ярим бўлакдан олиб янчилади ва хамир қилиб тандирда пиширилади, сўнгра қуритиб ўзига баробар қуритилган оқ нон қўшилади ва бу таркибдан ҳар куни сут билан қўшиб овқат тайёрлаб истеъмол қилинади. Ёки семиз жўжа шўрvasига [ўша нонни] солиб, овқатдан олдин истеъмол қилинади.

Бу хил кишилар учун ичимлик: *касило-дан* беш *дирҳам* олиб, ҳеч нордонлиги бўлмаган икки ритл яхши шаробга қўшилади; шундан эрталаб, кечқурун ва ҳар бир ухлаш олдидан бир пиёладан ичиб турилади, Қетидан толқон, шунингдек, толқонга қўшиб «барбар ўйинчоғи» истеъмол қилинса, улар учун зўр фойда етказади, чунки бу уларни қиздириб ҳўллайди, лекин бунинг ҳарорати кучлидир.

Қуруқ мизожлилар учун қўлланиладиган тадбир. Бу кишиларни улар учун тайинланган маълум ҳўлловчи дорилар ва ингичка оғриқ касаллигига учраганлар учун қўлланиладиган тадбирлар билан даволанади. Сўнгра қуруқ мизожлилиги ҳароратдан пайдо бўлган кишиларга иссиқ мизожлиларга қўлланиладиган тадбир, қуруқ мизожлилиги совуқдан бўлган кишиларга эса, кексайиб ориқлаган кишиларга ишлатиладиган тадбир қўлланилади.

Хуқна дориларга келсак, буйракни семиртирадиган ҳар бир ҳуқна дори, масалан, қўй сути ва шунга ўхашлар, айниқса, ичида бир оз гальбан елими эритилган қўй сути улар учун [фойдалидир]. Ҳуқна дориларнинг баъзиси мураккаб бўлиб, улар жинсий алоқа бобида айтилади, улардан бирини [ҳозир] айтиб ўтамиз: семиз қўйнинг калласини олиб, тозалаб яхшилаб майдаланади ва унга ярим ритл думба ва икки ритл сут қўшилади, кейин янчилган буғдой, гуруч ва нўхатларнинг ҳар биридан чорак *ритлдан* олиб, ҳаммасини бир-бирига қўшгандан кейин сувда эзилтириб пишириб сузилади. Бунинг ўзини ҳам, сувини ҳам юқоридаги бошқа нарсаларга қўшиб қайтадан ҳаммасини тандирда қайнати-

лади, ниҳоят, қўй калласи ҳам ҳил-ҳил пишади, кейин ҳаммасини сузилади. Шу шўрвадан уч ўқия, ёғидан икки ўқия, бодом ва ёнроқ унининг ҳар биридан бир ўқиядан олиб, шу таркиб билан ҳуқна қилиб ухланади.

ҲАДДАН ТАШҚАРИ СЕМИЗЛИКНИНГ АИБЛАРИ

Ҳаддан ташқари семизлик баданнинг ҳаракатига, кўтарилишига ва ўзини эплай олишига халақит беради. У томирларни қисиб торайтиради, натижада руҳ йўли тўсилиб, кўпинча, руҳ сўлиб қолади. Уларга майнин ҳавво ета олмай қолади, натижада улардаги руҳнинг мизожи бузилади. Уларда тор жойга қоннинг ҳайдалиб бориш хавфи пайдо бўлади; баъзан тўсатдан бирор томир ёрилиб ўлдириб қўяди. Бундай ҳолатда ва бундан олдинги вақтларда у кишиларда нафас қисилиш ва хафақон юз беради; шу пайтдаги ҳолатга қарши томирдан қон олиш чораси кўрилсин; қисқаси, улар тўсатдан ўлиши мумкин. Умуман, ҳаддан ташқари семиз кишилар тез ўлади, айниқса, умрининг бошланғич пайтида семиз бўлган кишиларда шундай бўлади, чунки уларнинг томирлари тор ва қисилган бўлади: улар сакта, фалаж, хафақон касалликларига, рутубатлиликлари сабабли ич кетишга, нафас олишнинг ёмонлашувига, беҳуш бўлиб қолишга ва ёмон иситмаларга мойил бўладилар. Улар руҳ йўлларининг торлиги, мизожларининг жуда совуқлиги, қоннинг камлиги ва балғамнинг кўплиги сабабли очликка ва ташниаликка чидай олмайдилар.

Киши совуқ мизожли бўлмаса, бундай семизликка эриша олмайди, шунинг учун улардан фарзанд бўлмайди, ўзлари соғлом бўлмайдилар ва эрлик уруғлари оз бўлади. Семиз хотинлар ҳам шундай; уларнинг бўйида бўлмайди, ҳомиладор бўлсалар ҳам, бола ташлайдилар, уларнинг шаҳватлари ҳам заиф бўлади.

Бундай кишиларни дорилар билан даволаганда дорилар томирлар орқали касал аъзоларига ўтмайди, касал бўлганиларида ҳам тезда уни сезмайдилар, чунки сезгиллари кучсиз бўлади. Уларнинг томиридан қон олиш қийин, уларга сурги қилдириш хавфли бўлиб, баъзан хилтларини қўзғатиб юборади ва хилтлар қайтиб томирларга ўта олмайди, чунки томирлар қисилган бўлади; бу баъзан уларни ҳалок қиласади.

Агар улар бирон нарса қилсалар, туғма ҳароратлари кучсиз бўлганидан заифлашадилар. Чунки [туғма ҳароратлари] турган жой тордир. Биз мўттадил дара-

жада семизлик, айниқса, ёшлик пайтида яхши әканини айтдик. Уртача семизлик гарчи кишини чарчатиб ҳараткат қилиш учун заифлаштирса ҳам, рутубатликка далолат қилиши сабабли узоқ яшашдан дарак беради.

ОЗДИРИШ ТАДБИРИ

Оздириш тадбири семиртириш тадбирининг аксиdir. Бу эса овқатни кам бериш, овқатдан кейин ҳаммомга тушириш, кучли бадантарбия қилдириш, узоқ вақт ўтказиб овқатлантириш, овқатни озиқ бўлмайдиган ва озиги қуруқ бўладиган нарсадан ёки ясмиқ, нонхўриш ва сиркалангандар [нарсалар] сингари мазаси ўткир ёки шўр нарсаларни беришдан иборат.

Уларнинг ейдиган нонлари кепакли нон ва арпа нони бўлсин; овқатларига иссиқлик дориворлар кўпроқ қўшилсин. Уларнинг айтиб ўтилган овқатларига баён қилинган жуда ёғли нарсалар қўшилса, айниқса, уларни тез тўйғизиб, кам овқат бўлишларига ёрдам беради, чунки иштаҳалари кучсизdir. Улар кунда бир маҳал овқатланисинлар. Овқат моддаси йиғилиб қолса, уни тарқатиш тадбири қўллансин; бунга кучли бадантарбиялар қилиш, дағал кийим кийиш, дағал тўшакда ётиш, совуқ сув ўрнига иссиқ сув ишлатиш, совуқ ҳаво ўрнига иссиқ ҳавода бўлиш орқали баданин сийраклашиб, — шунингдек, тешиклари буришиб тўсилини ва тук ҳурпайиб [тери] тифизлашуви орқали бадан озиқи қабул қилмасин учун доимо бадани очиб совуқ [ҳавога] тутиш ёрдам беради; бу ичкаридан келаётган нарсаларнинг тортилиш муқаддимаси бўлган мўътадил тарқалишга тўскенилик қиласи. Агар ёз пайти бўлса, бадани иссиқ ҳавода очиб туриласи, шунда тарқалиш кўпайиб аъзога тортилаётгандан кўра кўпроқ озиқ тарқалади.

Мўътадил бўлмаган турли бўшатишлар ва қусини [ҳам оздириш тадбиридир]; чунки овқатдан олдин ва кейин бўладиган қусиши мўътадил семиртиради, лекин кўп қусиши оздиради. Мизожни семиртиришин келтириб чиқараётган мизожнинг тескарисига айлантириш, агар мизож совуқ бўлса, — иситиш тадбирини қўллаш билан, агар мўътадил ҳарорат бўлса, совуққа ёки ҳаддан ташқари иссиққа мойил қилиш билан бўлади. Кўпроқ аҳволда ҳаддан ташқари семирган ва семизлиги совуқдан бўлган кишиларнинг кўпчилигига энг фойдали нарса [моддани] суюлтирувчи дориларки истеъмол қи-

лишдир; бу тадбир иссиқ мизожли киши учун ҳам фойдали.

Семиз кишиларга кучли бадантарбия ва турли бўшатиш тадбирларини юклаш керак, чунки, бу тадбир хилтларга уч хил таъсир кўрсатади ва бу таъсирларнинг ҳар бири озишга ёрдам беради. У [уч таъсирнинг] бири шуки, хилтларни суюлтириб қуюлганликдан узоқлаштиради ва тарқалишга мослаштиради. Яна бири шуки, у [тадбирлар] хилтларни қўзғатиб томирлардан бошқа томонга йўналтиради. Улар яна қонга тортувчи қувват ёқтирилдиган ўткир кайфият беради.

Суюлтирувчи дорилар кўпроқ вақт бўғин оғриқларида ишлатиладиган дорилардан иборат бўлиб, улар сийдикни юргизиша ҳам жуда кучли таъсирга эга бўлади. [Аммо] овқатга аралашиб томирларга қараб йўналадиган, томирлардан моддаларни олиб, уларни сўрувчи майда томирларга ҳамда сийдик йўлларига йўналтиришга қодир бўлмайдиган мўътадил дорилар ишлатилмайди. Лекин буларни иккинчи ҳазм воқе бўлгандан кейингина ишлатилади, шунда у дорилар жигарга тушиб, шу ерда дастлабки ишини кўрсатади. Бироқ кучли хилтларни бир-биридан ажратиб томирлар йўлидан бошқа ёққа йўналтирадиган натижада томирларни оч қўядиган ва бошқа ишларни ҳам бажариб турадиган дори ишлатиш яхшироқ; бу дорилар ҳайз қонини ҳам кучли равишда юргизиб, семиз хотинларнинг озишига ёрдам беради. Бу дорилар гентиана илдизи, газагўт уруғи, юмaloқ аристолохия, тоғ петрушкаси ва жулах кабилардир. Сандарак елимида каҳрабо қунватига қарши оздирувчи жуда кучли хусусият бор. *Лакк* ҳам ана шундай хусусиятга эга, петрушка уруғи ҳам шундай. Зок кучли равишда оздирувчи бўлса-да, хатарлидир, самсақ ҳам шундай.

Мураккаб дори. Юмaloқ зарованддан бир *дирҳам*, ингичка хил *лӯфодан* учдан икки *дирҳам*, Рум гентианаси йлдизи, жулах, тоғ петрушкаси ва *афъо* илони тўзининг ҳар биридан уч *дирҳамдан* олинади, шунинг ўзи бир ичим бўлади.

Кучли дори. Ёввойи бодринг илдизи, гулхайри илдизи ва говшир илдизини олиб, ҳаммасидан элаки дори ясаб бир *дирҳамдан* ичилади. Яна жувона уруғи, газагўт уруғи ва зирадан баробар бўлакдан, қуруқ самсақ ва бурақнинг ҳар биридан чорак бўлак ва *лаккдан* бир бўланини олинади. Бу таркибнинг бир ичими бир *жон*.

Сирка, *муррий* [моддани] суюлтирувчи дорилардан-дир, айниқса, наҳорга ичилса, шундай таъсир кўрсатади; лекин асаблари кучсиз ва бачадони касал киши сиркадан сақлансан. Наҳорга шароб ҳам [моддаларни] тарқатиши ҳамда кўп ичилганда томирларни бугга тўлғазиши сабабли оздиради, чунки томирлар ўзларига кирадиган бошқа овқатни қабул қилмай қўяди. Ични юмшатувчи дорилар ҳам шундай: улар томирдаги овқатларни сарф қилиб юборади; бу хил дорилар кўп ишлатилса, озиқни тортувчи қувват бўшашади ва томирлар хилтларнинг ичаклар томон бўладиган озгина ҳаракати пайтида ҳам ўзларига йўналиб турадиган нарсалардан бўшалишга одатланиб қолади. Ични юмшатувчи ва [хилтларни] суюлтириб юргизувчи дорилар бир-бирига ёрдамлашиб турганда томирларга кўп нарса келолмайди.

Тарёк истеъмол қилиш, *афъо* илонлар тузи, зарчава дориси, *каммуний*, *фалофилий*, *сажазониё*, *анқардие*, *лакк* дориси, *асоносиё*, *амрусие*, кичик *атрифул* ҳам оздирувчи дорилардандир. Ўларга суртиладиган дориларга келсак, бу дорилар тортувчи қувватни совутиб увштирувчи бўлиб, заҳарли хусусиятга эга бўлади, масалан, сассиқалаф ва мингdevона, ёки улар кучли тарқатувчидир, масалан, ўсимлик ёғлари ва кучли тарқатадиган суртмалар [шундай хусусиятга эга].

Бундай кишилар наҳорга ҳаммомга түшишлари, ҳаммом эса ҳаволи ва терлатадиган бўлиши, сувли ва рутубатлантирувчи бўлмаслиги керак. Агар ҳаммом сувли бўлса, тарқатмай фақатгина тортиш натижаси келиб чиқмасин учун унда узоқ туриш керак эмас. Ҳаммомдан кейин овқатланишга шошилмаслик, балки сабр қилиб ётиш, бадантарбия қилиш, сўнг ором олиш, шундан кейин озгина ва енгил овқатланиш керак. Шунингдек, бундай кишини уқалаганда кетма-кет ва тарқатадиган равишда уқалаш лозим.

МУРАҚҚАБ ДОРИЛАРНИНГ ҚЕРАКЛИГИ

Биз ҳар бир касалликда, хусусан, мураккаб касалликда унга қарши тура оладиган содда дорини топа олмаймиз, агар [ундай дори] топилганда ҳам, биз уни афзал кўрмаймиз. Ҳатто биз, кўпинча, мураккаб [касалликка] қарши тура оладиган мураккаб [дорини] ҳам топа олмаймиз ёки уни топамиш, бироқ бизга унинг тарқибий қисмларидан биронтасининг қуввати ортиқ.

роқ бўлиши зарур бўлади ва натижада унинг қуввати-ни кучайтирувчи бирон содда [дори] қўшишга муҳтоҷ бўламиз. Масалан, бобунани олайлик, унда эритиб тар-қатиш қуввати кўпроқ, буруштириш қуввати эса озроқ-дир, шунинг учун унга биронта буриштирувчи содда дори қўшиб, унинг буриштириш қуввати кучайтирила-ди. Баъзан бизда бирон қиздирувчи содда дори мавжуд бўлади, лекин биз учун унга нисбатан камроқ қиздириш зарур бўлади, натижада унга биронта совутувчи [до-рини] қўшишга тўғри келади; ёки унга қараганда кўп-роқ қиздириш [керак бўлиб], унга яна бошқа бир қиз-дирувчини қўшишга муҳтоҷ бўламиз. Кўпинча, бизга тўрт жуз билан қиздирувчи дори керак бўлади, аммо бизда фақат уч жуз билан қиздирадиган бир дори **ва** беш жуз билан қиздирадиган бошқа бир доригина мавжуд бўлади; шунда тўрт жуз билан қиздирувчи [дори] ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қў-шамиз.

Гоҳо биз истаган дори бизга зарур соҳада етук [таъсирга] эга бўлса-да, бироқ бошқа жиҳатдан за-рарли бўлади, шунинг учун унга унинг заарини синди-радиган нарса аралаштириш зарур бўлиб қолади. Баъ-зан [дори] инсон табиатига ёқимсиз ва кароҳатли бў-либ, меъда уни ёқтирмайди ва қайтариб чиқаради, шунда уни ёқимли қиласидиган бирон нарса билан ара-лаштиришга мажбур бўламиз. Гоҳо дори ўз таъсирини [гавданинг] узоқроқ ерида кўрсатиши мақсад қилиб қўйилади, бироқ биринчи ва иккинчи ҳазм унинг қув-ватини синдириб юборади деб қўрқилади, шундай ҳол-ларда у [дори] мўлжалланган аъзога бузилмаган ҳол-да етиб борсин учун, унга ўзи таъсириланмасдан, икка-ла ҳазмнинг таъсирини [доридан] узоқлатадиган сақ-ловчини қўшишга тўғри келади, масалан, тарёқ дорисига афюн қўшилади.

Баъзан дорини [ичкарироқ] олиб бориш мақсад қилиб қўйилади, масалан, кофур кулчаларини юракка етказиш учун уларга заъфарон қўшилади, улар юракка бориб етгач, ажратувчи қувват ишга киришиб, заъфа-ронни [кулчалардан] ажратади ва уни йўқотади; сову-тувчи ва сўндирувчи [дорилар] эса юракка ўз таъси-рини кўрсатади. Ажратувчи қувват эритиб, тарқатувчи қувват билан буриштирувчи қувватни бир-биридан айирганда ҳам шундай таъсир кўрсатади; дори табиий ёки сунъий бўлишидан қатъи назар шундай бўлади, натижада эритиб тарқатувчи [қувват] оғриётган аъзо-

нинг ўзига таъсир этиб, моддани тарқатади, қайтарувчи [кувват] эса модда юрадиган йўлларга таъсир кўрсатиб, уни қайтаради.

Гоҳо биз дори ўтиш йўлларида жуда етарли дараҷада таъсир кўрсатсан учун, унинг бир оз ушланиб туришини истаймиз, бироқ дори тез сингиб ўтадиган бўлади, шунда уни тутиб турувчи [дори] билан аралаштирамиз. Масалан, [тиқилмаларни] очувчи дориларнинг кўпи жигардан тез ўтиб кетадиган бўлади, кўпинча эса, уларнинг жигарда ушланиб туришлари жуда зарур бўлади, шундай ҳолларда уларни жигарнинг қарши томонига тортувчи дорилар билан аралаштирамиз; масалан; турп уруғи дорини меъда оғзи томонтортади, натижада дорининг фойдаси жигарга ўтганга қадар у гўё тараддулланиб [тўхтаб туради], сўнгра ўтиб кетади.

Кўпинча, биздаги дори иккала томон учун ҳам умумий бўлади; бизнинг мақсадимиз эса, уни фақат бир томонга [йўналтириш] бўлади ва уни ўша томонга олиб борадиган нарса билан қўшамиз, масалан, [тиқилмаларни] очиб, сийдикни юргизувчи дориларни томирлардан буйрак ва қовуқ томонга йўналтириш учун уларга олакуланг қўшилади.

Билгинки, кўп дориларнинг [баданга] тушиш ўринлари билан таъсир кўрсатадиган ўринлари [бошқабошқа] бўлади. Баъзан [дорининг] тушиш ўрни унинг таъсир кўрсатиш ўрнидан узоқроқ бўлиши назарда тутилади, шунда биронта олиб борувчи [дори]га эҳтиёж туғилади. Баъзан эса, таъсир кўрсатиш ўрнининг тушиш ўрнидан яқинроқ бўлиши мақсад қилиб қўйилади бундай ҳолда тутиб қолувчи [дорига] эҳтиёж тушади.

Билгинки, тажрибадан ўтказилган [дори] тажрибадан ўтказилмаганидан яхшидир; бир мақсад учун дорининг ози кўпидан кўра яхшироқдир. Дорининг ози кўпидан яхши эканлигининг сабаби Иккинчи китобнинг бошида изоҳланган. Тажрибадан ўтган дорининг яхши эканлигининг сабаби шуки, ҳар бир мураккаб дори учун унинг тарқибидаги содда қисмлари юзасидан бир турли ҳукм ва бириккан ҳолатидаги сурати юзасидан бир ҳукм бўлади. Тажрибадан ўтказилмаган дори фақат ўзининг содда қисмлари эътибори билангина фойда келтириши мумкин, уларнинг қўшилиши натижасида нима юз беринин биз билмаймиз: бунда улар кучлироқ бўлиб қоладими ёки кучсизроқми? Тажрибадан ўтган дорида эса, бу имми ҳол текшириб кўрнатсан бўлати.

Қўпинча [мураккаб дорининг] таркиб ҳолидаги фойдаси унинг таркибий қисмларидан кутилганига қараганда кўпроқ бўлади.

[Дорилар] қандай таркиб қилинади. Билгинки, агар сенда [даволаш учун] тўрт хил эҳтиёж туғилса ва улар учун [етарли бўлган] табиий дорини тополмай сунъий дорига муҳтоҷ бўлсанг, масалан, *сақмуниё*, Абу Жаҳл тарвузининг эти, сабр ва турбуд билан бўшатишга эҳтиёжинг тушиб, бир умумий дори ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшишни истасанг, қарашинг керак: агар [дориларга] ва уларнинг таъсирига бўлган ҳожат бир хилда бўлса ва улар тўртта бўлса, уларнинг ҳар биридан бир ичимнинг тўртдан бирича олиб қўш. Агар уларга бўлган эҳтиёж бир хилда бўлмаса, балки бирига кўпроқ ва бошқасига озроқ бўлса, тиб санъатига асосланиб чамалаб, [уларнинг ҳар бирига бўлган] эҳтиёж даражасини аниқла ва [бирига] бўлган эҳтиёжнинг [иккинчисига] бўлган эҳтиёжга нисбатини асосий қоида қилиб ва шу нисбатга асосланиб, умумий таркибнинг бир ичимиға кирадиган баъзи [сада дориларнинг] миқдорини ошир, баъзилариникини камайтириб, сўнгра ҳаммасини қўш!

Билгинки, тарёқ каби најот келтирувчи мураккаб дори ўз таркибидаги содда қисмлари туфайли бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлганидек, у дорида маълум бир мизож ҳосил бўлсин учун уни бир қанча муддат давомида ачитиш натижасида пайдо бўладиган сурати туфайли ҳам бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлади. Қўпинча [сурати] таркибидаги содда қисмларига қараганда афзалроқ бўлади. Табибларнинг: — Тарёқ фалон касалликка [ўз таркибидаги] сунбул туфайли, фалон касалликка эса *муrr* туфайли фойда қиласди, — деган сўзига аҳамият бермаслик керак, тўғри, [тарёқ] шу [қисмлари] туфайли ҳам фойда етказади, бироқ ундаги асосий нарса унинг суратидир. [Таркибий қисмлари] ҳаммаси биргалашиб жуда яхши фойда келтиради, бироқ биз у қисмларнинг [тарёқнинг] таъсирига муносабати қандай эканлигини аниқ кўрсатиб берса олмаймиз.

Сенга яна маълум бўлсинки, мураккаб дорилар таркибида асосий қисм ва асл вазифасини бажарувчи дорилар бўлади ва уларни таркибдан чиқарилса, [мураккаб дорининг] фойдаси йўқолади, масалан, тарёқдаги *афъо* илонининг гўшти, *иёраж* фикрордаги сабр ва *Лугозиё* иёражидаги ҳарбақлар шундай. Баъзи дорилар

борки, уларни тушириб қолдириш, бошқаси билан алмаштириш, [миқдорини] кўпайтириш ёки камайтириш ҳам мумкин. Баъзи дорилар ҳам борки, агар улар [мураккаб дорига] қўшилса, зарар етказади, [масалан], тарёкка балозур қўшилса, у дорини, айниқса *афъо* илони гўштини бузган бўлар эди; дориларнинг ичида шундайлари ҳам борки, агар уларнинг миқдори ортирилса, зарар етказмайди, масалан, сен тарёкга мускат ёнғофини қўшсанг, катта гуноҳ қилган бўлмайсан.

Билгинки, кўп таркиблар [дориларнинг таъсирини] бузишга сабаб бўлади, кўплари эса жуда яхши таъсирили бўлиб чиқади. Кўп таркиблар содда ҳам мураккаб дорилардан тузилади, масалан, тарёк содда қисмлардан ва уч хил кулчадан таркиб топади, ҳар бир кулча ўзининг мураккаблиги туфайли содда дориларда бўлмайдиган хусусиятга эгадир. Баъзи дори мураккаб дорилардан таркиб топади.





ТАРЁКЛАР ВА ҚАТТА МАЪЖУНЛАР ҲАҚИДА

Тарёк форуқ. Бу тарёк мураккаб дориларнинг энг яхшиси ва энг афзалидир, чунки у кўп нарсаларга фойда қиласди, хусусан илон, чаён ва қутурган ит заҳарига ҳамда ичилган ўлдирувчи заҳарларга, шунингдек, балғамдан ҳамда савдодан бўладиган касалликларга ва уларнинг иситмаларига, ёмон бодлар, фалаж, сакта, тутқаноқ, юз фалажи, қалтироқлик, власвасалик, жиннилиқ, айниқса мохов касаллигига ҳамда песликка фойда қиласди.

Бу [тарёк] юракни тетиклаштиради, ҳислари ўткирлаштиради, иштаҳаларни қўзғатади, меъдани кучайтиради, нафас олишни осонлаштиради, хафақонни кетказади ва қон туфлашни тўхтатади, буйрак ва қувукнинг кўпчилик оғриқларига ҳамда улардан [турли нарсаларнинг] оқишига қарши ҳам фойда қиласди, тошини майдалайди, шунингдек, ичак яраларига, жигар, талоқ ва бошқа [аъзоларда] бўладиган ички қаттиқларга ҳам фойда қиласди. [Тарёк] бу таъсирларни ўз таркибидаги содда [дориларнинг] аралашувидан келиб чиқадиган суратининг хусусияти туфайли амалга оширади, чунки у руҳ билан туғма ҳароратни кучайтиради ва шу орқали [инсон] табиатига совуқлик ва иссиқликка қарши туришда ёрдам беради.

Бу дори учун энг яхши нусха Андромахнинг дастлабки асл нусхасидир. Жолинус ва бошқа кўп табиблар [тарёкнинг таркибини] орттириш ёки камайтиришга уриниб кўрганлар, буни улар бирон зарурат ёки кўчли сабаб туфайли қилмаганлар, балки [номлари] зинкә этилсин ва улардан ҳам Андромахдан қолгани каби ёдгорлик қолсин деган умидда қилганлар. Тажриба натижасида нажот берувчи бўлиб чиққан [таркибдан] ҳеч нарсани ўзгартирмаслик дурустроқ бўлади. [Тарёкни] ўша хил вазнда таркиб қилиш [зарурлиги] тажрибанинг тақозосидир. Агар ундаги [таркибий қисм-

ларнинг] вазни ўзгартирилса, у бунчалик хусусиятга эга бўлолмайди. Агар бирон [киши] тарёк қисмларининг, ўша хилдаги вазнлари нима учун [тарёкда] шу хил хусусиятни келтириб чиқариш сабабани биламан, деб даъво қилса, у киши рад қилинадиган, ёлғон нарсани даъво қилган бўлади; у худди бирон кишининг от, инсон ва бошқалардаги содда унсурларнинг вазнларини билишни даъво қилганига ўхшайди.

Тарёкнинг болалик, ўсмирилик, ёшлиқ, қарилик ва ўлиш [даврлари] бор. У олти ой ёки бир йил ўтгандан кейин бола бўлади, кейин у ўса ва орта бориб, ниҳоят иссиқ мамлакатларда ўн йилдан кейин, совуқ мамлакатларда эса, йигирма йилдан кейин [ўсишдан] тўхтайди. Сўнgra у ўн ёки йигирма йил давомида тўхтаб туради, кейин йигирма ёки қирқ йилдан сўнг [унинг кучи] камая боради, ниҳоят, унинг тарёклиги ўттиз ёки олтмиш йилдан кейин йўқолади ва у тарёклик даражасидан тушган маъжунлардан бири бўлиб қолади.

[Бирон нарса] чаққан кишига [тарёкнинг] янги ва кучлисини ичириш керак, бошқаларга эса заифроғи ичирилади. Кўлинча, бирон нарса чаққан кишига янги [тарёкдан] ярим мисқолдан бир мисқолгача ичиришга тўғри келади. [Тарёкнинг] янги ва кучлисини эски, кучсиз ва ёмонидан ажратадиган синовлардан бири шуки, бир кишига биронта сурги ичириб, ичи суришини кутуб турилади, ичи сургач, тарёк ичирилади, агар у ичини тўхтатса, демак, у янги ва яхши [тарёк], бўлмаса — ёмон. Жолинус эслатиб ўтган синовлардан бири мана бу: ёввойи хўрозни тутиш лозим, чунки унинг мизожи уйда боқиладиганинидан кўра қуруқроқ бўлади, — менимча, бу эркак қирғовул бўлса керак, — кейин уни бирон [заҳарли] ҳашаротга чақтирилади, кейин унга тарёк ичирилади, агар у тирик қолса, тарёк яхши ҳисобланади. Яна [тарёкни] афюн, сассиқалаф ва бошқа нарсалар ичган одамга бериб ҳам синааб кўрилади. Аммо аконитга тарёк кам фойда қилади, у фақат ўлим муддатини бир оз кечикириади, холос; баъзи [табиблар]: бунга мушк дориси бошқа ҳамма нарсадан кўра фойдалари бўлса керак, — дейдилар.

Ҳар бир айрим касалликда тарёкдан қанча ичириш кераклигига келсак [шуни айтиш керакки], эски йўтал, кўкрак ва биқин оғриғида ундан бир турмуса миқдори-дагисини асал суви билан ёки [касалнинг] иситмаси бўлеа, гулоб билан ичирилади. Даврий қалтиратувчи иситма, совуқлиқ ва күшиннинг дастлабки даврида

[тарёкдан] бир турмуса миқдоридагиси уч үқиядан кам бўлмаган ва тўрт ярим үқиядан ортиқ бўлмаган сув ёки шароб билан ичирилади. Қуланжга учраган, меъдаси кўпчиган ва ичаги бураб оғрийдиган кишиларга бир турмуса миқдоридагиси, билганингдек, асал сувида ёки гулоб билан ичирилади. Иштаҳаси тушган кишига ҳам, ўзинг билганингдек, сув ёки шароб билан ичирилади, тарёкдан бир турмусани туёғут қайнатмаси билан ичирилади. Истисқода бир турмуса [тарёкни] овқатдан олдин ютқизилади ёки бир ярим үқия миқдоридаги суюлтирилган сиркада ичирилади. Қон туфлайдиган кишига эса, агар касаллик яқинда бошланган бўлса, [тарёкдан] бир мисқолгачаси суюлтирилган сиркада ичирилади, агар [касаллик] эски бўлса, ўша миқдорни сўмқутун қайнатмасида эрталаб ва кечқуруқ ичирилади. Овози бўғилиб қолган кишига бир боқила миқдордаги [тарёкни] асалли сув ёки узум шинниси билан ичирилади, ёки тил тагида тутиб туришга буюрилади. Ичак яралари ва ичдан қон ўтишига қарши уни татим суви билан, нафас қисишига қарши эса, бир үқиядан камроқ денгиз пиёзи сиканжубини билан ичирилади. Тутқаноқда [тарёк] билан томоқ чайлади, кейин чорак мисқолдан ярим мисқолгачани сувда ёки денгиз пиёзи сиканжубинида ичирилади; бош сегриги ва шаҳиқада ҳам шундай қилинади.

Агар [тарёк] петрушка қайнатмаси билан ичилса, қовуқ ва буйракдаги тошни майдалайди. У ҳайзани қайтаради ва табиатни боғлайди. Соғлиқ вақтларида [тарёк] ичиб юрган кишига заҳарлар зарар қилмайди. У турли оғатлардан сақланади ва вабо касалликларидан омон қолади.

[Тарёкнииг] сифати. Денгиз пиёзи кулчаларидан — қирқ саккиз мисқол; афзо илони кулчаларидан — йигирма тўрт мисқол; андруҳурун кулчалари, қорамурч ва афюнларнинг ҳар биридан — шунчадан; дорчиндан,— бир ривоятга кўра,— ўн икки мисқол,— бошқа бир ривоятга кўра,— йигирма тўрт мисқол; қизил гулдан — ўн икки мисқол; ёввойи шолғом уруғи, ёввойи саримсоқ, гулсапсар илдизи, дарахт пўкаги, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси ва бальзам ёғининг ҳар биридан — шунча вазндан; мурр, заъфарон, занжабил, ровоч, фантафилун, тоғ ялпизи, канавча, тоғ петрушкаси, Румрайхони, қуст, оқ мурч, узун мурч, кийигўти, кундур елими, қорачайир гули, сақич, қора Сарандип дорчини, Ҳинд сунбули ва жулаҳларнинг ҳар биридан — олти

мисқолдан; суюқ майъа елими, петрушка уруғи, Рум сассиқ қавраги, оқ индов уруғи, жувона, *камодарюс*, *камофитус*, такасоқол шираси, Иқлит сунбули, *садаж*, ёввойи укроп илдизи, гентиана илдизи, арпабодиён уруғи, муҳр лойи, күйдирилган сариқ зок, амом, игир, бальзам дараҳти уруғи, далачой, төф сунбулининг илдизи, [араб] елими, ёввойи зира, Рум арпабодиёни ва араб акациясининг шираси — шуларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*; ёввойи сабзи уруғи, гальбан елими, яҳуд муми, говшир, ингичка *луфо* ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, — бир ривоятга кўра, — узун аристолохиянинг ўрнига унинг думалоғи кўрсатилган. Қундуз қиридан, — бир ривоятга кўра, — икки *мисқол*, — бошқа бир ривоятга кўра, — тўрт *мисқол* [олинади]; Эрон қавраги ҳақида ҳам гап шундай; асалдан ўн ритл, эски хушбўй шаробдан икки қист олинади. [Дорилардан] эрийдиганлари эритилади, ивийдиганлари ивитилади, қуруқлари эса янчиб эланади. [Сўнгра ҳаммасини] асал билан қориб, сопол ёки қалай, ёки кумуш идишга солиб қўйилади; шунда идиши тўлатмасдан, дори нафас олсин учун, бўш жой қолдирилади. Асал ва шаробдан ташқари ҳамма дорилар— олтмиш тўртта.

Бошқа нусха. Денгиз пиёзи кулчаларидан — қирқ саккиз *мисқол*; *афбо* илони кулчалари, *андрухурун* кулчалари, қорамурҷ ва яхши афюннинг ҳар биридан — йигирма тўрт *мисқолдан*; ёввойи саримсоқ, қуруқ қизил гул, ёввойи шолғом уруғи, гулсапсар илдизи, дараҳт пўкаги, гулсапсар шираси, бальзам ёғи ва дорчинларнинг ҳар биридан — ўн икки *мисқолдан*, *муrr*, канавча, заъфарон, узун мурҷ, занжабил, төф ялпизи, төф петрушкаси, *фантофилун*, яъни ёввойи ғозпанжа, Хитой ровочи, оқ аччиқ қист, Рум райҳони, оқ мурҷ, кийигўти, қорачайир гули, сақич, кундур елими, Сарандип дорчини ва сунбулларнинг ҳар биридан — олти *мисқолдан*; гентиана илдизи, *солосфис*, яъни оқ индов стиракс елими, Рум сассиқ қавраги, Иқлит сунбули, яъни нордин, жувона уруғи, *камодарюс*, *камофитус*, такасоқол шираси, *садаж*, Рум арпабодиёни, төф сунбулининг илдизи, ёввойи укроп илдизи, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, муҳр лойи, қиздирилган сариқ зок, амом, далаҷой, игир, бальзам уруғи, араб акацияси шираси, араб елими ва ёввойи зираларнинг ҳар биридан — тўрт *мисқолдан*; беклар ўти, гальбан елими, говшир, Эрон қавраги, яҳуд муми, *луфо*, думалоқ аристолоҳий ва

қуидуз қирининг ҳар биридан — икки мисқолдан. Базан бу нусхага ажам нусхаларида кўрсатилган қуидаги дориларни ҳам қўшадилар: сув ялпизи, чаёнт, катиро, артанисо, узун аристолохия ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан икки мисқолдан олинади. Асалдан ташқари, ҳамма аралашмалар — етмишта; асал дориларга нисбатан икки ҳисса кўпроқ олинади. Шундай қилиб, тарёк таркибиға кирадиган ҳамма нарсалар бир минг тўрт юз ўтиз тўрт мисқолни ташкил этади.

Зальфарон алоҳида эзилади, мурр, афюн ва кундур елими эса алоҳида янчилади, буларни қайнатилган тило шаробида бир кечада ивтилади. Сақич ва гальбан елими бальзам ёғида эритилади; сариқ зок алоҳида янчилади, кейин бошқа дориларни янчиб зланади ва ҳаммаси кўпиги олинган асал билай қорилади. Қориш олдидан дориларни аралашсин учун довончада яхшилаб эзилади. Кейин улар шиша ёки сопол идишга кўтариб қўйилади ва тўрт йилдан кейин истеъмол қилинади. Тўла бир ичими бир дирҳам бўлиб, наҳорга илиқ сув билан ичилади.

Афъо илонидан қилинадиган кулчалар. Афъо илонлари баҳорнинг охирида ва кузнинг бошларида тутилади. Агар баҳор совуқ келса, [тутиш] ёзининг иссиригача кечиктирилади. Афъо илонлари боши ясси илонлар бўлиб, яссилик, айниқса, ингичка бўйинларига яхши сифда [кўрилади]; уларнинг думи калта бўлиб, узишиллайди ва пишиллайди. Ҳар қандай афъо илони ҳам бу хил кулчалар [тайёрлашга] ярай бермайди, фақат тўқ сариқ ранглиси ҳамда уррочиси ишлатилади. Бунинг аломати шуки, эркагининг ҳар чакагида биттадан тиши бўлади, уррочисини веъ биттадан кўп бўлади. Шоҳли, ола ва оқца мойни чавкар хилидан сақланиш керак. Уларни шўрҳок ерлар, шунингдек дарё ариқ ва денгиз қирғоқлари ҳамда дараҳтли жойлардан тутмаслик керак, чунки уларнинг ичиди [задари] чансов пайдо қиласиган эман ёнроқ шаклли ёмон хиллари бўлади; балки намлиқдан узоқда бўлган ерлардан тутилади. [Илоннинг] суст ҳаракат қиласиганини ҳам тутмасдан, тез ҳаракат қиласиган ва бошини кўтариб юрадиганини танлаш керак.

[Илонни] тутгандан кейин имкон борича бепарво бўлмасдан, бош томондан тўрт энлиқ қолдириб кесилади, дум томондан ҳам шундай қилинади. Шунда [илондан] кўп қон оқса, у кўп қимирласа ва секин ўлса, яхши ҳисобланади; агар қони кам бўлса, оз қимирласа

ва тез ўлса, у ёмондир. Яна унинг аломатларидан бири шуки, у тез ҳаракат қиласи, қараши журъатли ва қаттиқ бўлиб, ахлат чиқадиган жойи думининг учига яқин бўлади.

[Илон] ўлгандан кейин, ичидаги нарсалари, хусусан, ўт қопчиғи олиб ташланади ва намакоб билан яхшилаб ювилади. Кейин намакобда қайнатилади, бир оз укроп солинса ҳам ёмон бўлмайди; суяги гўштидан осон ажраладиган бўлгунча ҳил-ҳил қилиб пиширилади. Сўнгра гўштини суягидан тозалаб, ҳовончага солинади ва майдалаб эзилади. Шу ишни қилувчи кишига бурнига бальзам ёғи тортиш ва бармоқларига шу ёғдан суртиш тавсия қилинади. [Гўшт] майдалангандан кейин унга *каък* аралаштирилади, бу турли нусхаларда турлича бўлиб, Андромах нусхасига имтиёз берилмайди. Кейин юпқа ва нозик кулчалар тайёрлаб, сояда қуритилади ва сақлаб қўйилади. Қуритишдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам [кулчаларга] мутлақо офтоб тегмаслиги кепрак, чунки офтоб *афъо* илони гўштига хос бўлиб, бирон нарсанинг чақиши ёки ичиш билан [баданга ўтган] заҳарга қарши турадиган қувватни қирқиб қўяди.

Митридат. *Митридат* бир маъжун бўлиб, уни буюк Митридат ясаган ва ўз номи билан атаган. У буни турли заҳарлар ва .хилма-хил касалликларга қарши умумий манфаатга эга бўлсин учун, асосан, заҳарларга қарши, шунингдек, бошқа касалликларга ҳам қарши ишлатиб, синаб кўрилган дорилардан таркиб қилган. Бу ўша даврдаги тарёқ эди. Кейинчалик Андromах илонларнинг гўшти ва бошқа нарсаларнинг манфаатидан хабардор бўлгач, унга *афъо* илони кулчалари ва бошқа нарсаларни қўшиб, [унинг таркибидағи нарсаларни] бир оз орттириди ёки камайтириди, натижада буюк тарёқ пайдо бўлди. Буюк тарёқ бир нарсадагина, яъни илонларнинг заҳарига қарши туришда [митридатдан] кўра фойдалироқdir, бошқа ҳолларда эса *митридат* тарёқдан деярли қолишмайди, ҳатто кўп ҳолларда у фойдалироқ ва манфаатлироқdir. Биз бу манфаатларни санаб, сўзни чўзиб ўлтирмаймиз, улар тарёқ қисмida эслатиб ўтилган. Бунинг бир ичими [тарёкникидан] бир оз кўпроқ бўлади.

Умумий нусха. Зальфарон, *муrr*, дарахт пўкаги, занжабил, дорчин ва катироларнинг ҳар биридан — ўн *дирҳамдан*; сунбул, кундур елими, *соласфис*, яъни Бобил индови, қорачайир, бальзам ёғочи, Румрайхони, Рум сассиқ қавраги, қуст, *камофитус*, гальбан елими,

бандост узун мурч, такасоқол шираси, қундуз қири, *мөлобосрун*, яъни Ҳинд *содағи*, *майъа* елими ва говширларнинг ҳар биридан — саккиз дирҳамдан; Сарандын дорчини, оқ мурч, қорамурч, савринжон, жулах, ёвчили саримсоқ, ёввойи сабзи уруғи, қашқарбеда, гентиана даи — саккиз дирҳам, исириқ уруғи, назла ўти ва узун мурчларнинг ҳар биридан — тўрт мысколдан; Эрон қавраги, қундуз қири ва говширларнинг ҳар биридан— икки дирҳамдан; ёввойи занжабил, дарунак ва бальзам ёғининг ҳар биридан саккиз дирҳамдан олинади, сурёний ва ажам нусхаларида қуйидагича [кўрсатилган]: *муррдан* — тўрт дирҳам; кофурдан тўрт дирҳам [олинади]. Қуруқлари янчib эланади, ҳўллари қайнатилган тило шаробида иштилади. Кейин ҳаммасиши қўшиб, асал билан қорилади ва олти ойгача қўйиб қўйилади. Бир ичими бир *жавза* бўлиб, илиқ сув билан ичилади.

Файласуфларнинг «ҳаёт моддаси» деб аталувчи маъжуни. Бу [дори] балғам чиқиндилариға фойда қиласди, нафси қувватлантиради, кўнгилни очади, [овқатни] ҳазем қиласди, кекиритиради ва иштаҳани қўзғатади, бу гўё ёшликни қайтарувчиидир. У яна эсда сақлаш ва хотирга келтириш [қобилиятини] орттиради, ақлни ўтқирлаштиради, тилни бўшатади, *ибридан* кетказади, чакмазакни тўхтатади, бодларни босади, манийни кўпайтиради, олатни кучайтиради, милкларни ёпишиширади, тишларни маҳкамлайди, орқа, бўғинлар, ёнбош ва [бўйракдан келувчи] сийдик йўлидаги оғриқларни кетказади.

Таркиби. Мурч, узун мурч, занжабил, дорчин, омила, балила, чакамуг, Шом думалоқ аристолохияси, бобуна илдизи, катта санавбар бужурининг ички қисми, башқа бир нусхада: норжил ёнғоги, — *сатурион*, яъни «тулки мояги» — шуларнинг ҳар биридан бир *үқияддан*: бобуна уруғидан ярим *үқия*, ҳабб ул-инаб ўсимлигидан уч *үқия* олинади. Кейин қизил майизни уруғлардан тоғалаб янчилади; асалдан эса ҳамма дорилар миқдори ча олиб қуюлтирилади, кейин у билан юқорида кўрсатилган дорилар қорилади. Ҳар қандай ҳолларда ҳам бу доридан бир кичик *жавза* миқдорида истеъмол қилинади.

Шалисо ва унинг фойдалари. Бу шундай дорилар, табиблар ундан бутун манбаатлар ҳосил бўлишига кафиллик берадилар; унинг таркибида ҳамма ажойиб нарсалар бор. Биз эса унда бирон катта таъсир борлигини кўрмадик, фақат тил касалликлари ва унинг

шалвираши натижасида содир бўладиган тутилишни кетказишгагина [Фойдасини кўрдинк]. Аммо табиблар айтишларича, буюк *шалисо* жиннилик, балғам ва савдодан кели чиқадиган совуқ касалликлар, фалаж, тутқаноқ, *сакта*, юз фалажи, васвасалик, ўз-ўзи билан сўзлашиб, бош оғриғи, *шақиқа*, унутувчаник, меландидизи, бальзам ёғи, бальзам уруғи, қуфийон кулчалари ва муқлларнинг ҳар биридан — етти *дирҳамдан*; газагўтдан — икки *дирҳам*; қаврак елими, Рум сунбули, мастаки, [араб] елими, тоғ петрушкаси, ёввойи зира ва арпабодиён уруғининг ҳар биридан — беш *дирҳамдан*; Рум арпабодиёни, иғир, ёввойи укроп илдизи, Эрон қавраги ва туёғўтларнинг ҳар биридан — уч *дирҳамдан*; ағон, қизил гул ва кийигўтларининг ҳар биридан — беш *дирҳамдан*; тоғ сунбули илдизи, араб ақацияси шираси, *сақанқур* киндиги ва далачой уруғларининг ҳар биридан — тўрт ярим *дирҳамдан*; эски хушбўй шароб ва кўпиги олинган асалдан етарли миқдорда олинади. Ивтилиши лозим бўлган нарсалар шаробда ивтилади ва [ҳаммасини] асал билан аралаштириб, сақлаб қўйилади. Олти ойдан кейин истеъмол қилинади; бир ичими бир *бундуқа* миқдорида бўлиб, мос келадиган бирон шарбат билан ичилади.

Бу нусхада Жолинус нусхасида йўқ дорилар бор, улар ўн учта: дараҳт пўкаги, савринжон, қуруқ газагўт, қаврак елими, кийигўти, туёғўт, катиро, Рум райҳони, *камофитус*, қашқарбеда, бальзам ёғочи, қорамурч ва муқл. Жолинус нусхасида бу нусхада бўлмаган иккита дори бор: чучукмия илдизи ва туз. Бошқа бир нусхада бу нусхада йўқ битта дори бор, у газагўт уруғидир.

Тўрт [нарсадан тайёрланадиган] тарёк. Рум гентиаси илдизи, дафна меваси, узун аристолохия ва *муррларнинг* ҳар биридан баробар бўлаклар олиб янчилади ва кўпиги олинган асалнинг етарли миқдори билан қорилади. Бир ичими — бир *мисқол*, иссиқ сув билан [ичилади]. Айтишларича, баъзи табиблар *муррнинг* ўрнига аччиқ қустни қўшадилар. Саҳор Бухтнинг айтишича, у. бир нусхада заъфарондан ҳам бир бўлак солинганини учратган.

Тўрт дори тарёки чаён ва ўргимчакларнинг чаққанига ва совуқ касалликларга фойда қиласиди.

Бузург дору. Бу форсларнинг танланган буюк дориларидан бўлиб, *филуниё*, тарёк ва *шалисо* дара-жасидадир; у қуланжда катта фойда етказади.

Таркиби. Заъфарон ва оқ мингдевона уруғлари-

нииг ҳар биридан — бир истордан; афюн ва фарфиюн-
нинг ҳар биридан — йигирма дирҳамдан; сунбул ва
стиракс елиминдан — икки истордан; Ҳинд содажи ва
қалампирмунчоқдан — тўрт дирҳамдан; оқ мурчдан —
икки дирҳам, тешилмаган марварид, навшадил ёвойи
баргизуб уруғи, мушк, кофур, хил, дорчин ва Сарандип
дорчинларининг ҳар биридан — бир дирҳамдан; қуст-
холия, миянинг совуқлиги, қалтироқлик ва хафақонга
фойда қиласди; қориндаги болани сақлайди, бола таш-
лашга тўсқинлик қиласди, томчилаб сийиш, бачадон
оғриқлари ва еллари, тилнинг шалвираши, бош айла-
ниши ва ғамгинликка, шунингдек, замбуруқ, заҳарлар
ва меъдада ивиб қолган сут ва бошқа нарсаларнинг
зарарига қарши фойда қиласди; у яна бўғин оғриқлари
ва барча эскирган совуқ оғриқларга ҳам фойда қиласди.
Уни ҳамма ҳолларда ҳам биронта лойиқ нарса билан
қўшиб ичилади. Масалан, кучли совуқ [касалликлар-
да] хиёранбар суви билан [ичилади], шароб билан
[ичиш] фойдалироқ ҳам дейдилар; ички тиқиммалар-
да — [маълум] илдизларнинг суви билан; бачадон
оғриқларида — Рум арпабодиёни суви билан; қовуқ
оғриқларида — самсақ суви ёки лавлаги илдизи суви
билан; болаларга эса гунафша ёғи билан ичирилади.
Табибларнинг айтадиганлари — мана шу. Менинг фик-
римча, [шалисо] чалкаш ва таркиби тартибга тушма-
ган бир дори бўлиб, қонни ва [бошқа] хилтларни куй-
диради ва у кулчаларга қараганда нуқсонлидир.

Таркиби, Мушк, кофур ва анбарларнинг ҳар би-
ридан — икки дирҳамдан; тешилмаган марварид ва
зарьфароннинг ҳар биридан — ўн дирҳамдан; олтин ва
кумуш кукунларидан — ярим дирҳамдан; амом, иси-
риқ уруғи, фарфиюн, набат ишқори, ушна, петрушка
уруги, газагўт уруғи, тоғ сигирининг тезаги, қизил ва
сариқ олтингугурт оқ ҳарбақ, стиракс елими, тўпалоқ,
мёрчуба, яъни ҳилюн чўпи, асфанд илдизи, яъни оқ
ҳардал [илдизи], кончўп, маҳлаб уруғи, бальзам ёрочи,
чўл қовоги ва шашбандонларнинг ҳар биридан — икки
дирҳамдан; қорачайир гули, содаж, мускат ёнғори, қун-
дуз қири, таратизак ва сабзи уруғларининг ҳар бири-
дан — ўн дирҳамдан; зарнаб, чаёнүт, маҳсидўзлар зоки,
седана, тулки тезаги ва ковул илдизларнинг ҳар би-
ридан — ярим дирҳамдан; хом ипак, укроп уруғи ва
илдизи, ёввойи занжабил, дарунак, занжабил, гентиана
илдизи, қуш тили, Ҳинд тузи, назла ўти, маржон, яхуд-
муми, тоғ сунбули илдизи ва испағулларнинг ҳар би-

ридан — тўрт *дирҳамдан*; қалампирмунчоқ, сунбул, туёғўт, қуст, ҳил ва *парсиёвашонларнинг* ҳар биридан— саккиз *дирҳамдан*; мускат ёнғори қобиги ва гулсапсар илдизининг ҳар биридан — бир *дирҳамдан*, қуруқ меҳригиёҳ мевасидан — йигирма дона; Сарандиӣ дорчини ва Сарандиӣ дорчинининг ёғочидан — ярим *дирҳамдан*; арпабодиён уруғи ва қуруқ зуфоларнинг ҳар биридан— йигирма *дирҳамдан*; Форс саътари ва Хузий саътарларининг ҳар биридан — тўрт *дирҳамдан*; бозовард, деворларда чириган сомон ва Чин ровочларининг ҳар биридан — етти *дирҳамдан*; оқ мурч, қорамурч, узун мурч, афюн, узун ва думалоқ аристолохия ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан — йигирма *дирҳамдан*; норжил ёнғоридан — икки *дирҳам* ва тўрт *донақ*; толгули, қуруқ сачратқи илдизи, *ҳумул-мажус*, жулаҳ, гулсапсар илдизи шираси, қандул ва бўйимодаронларнинг ҳар биридан — бир *дирҳамдан*; қора болдирғондан — биру чорак *дирҳам*; қашқарбедадан — тўрт *дирҳам* ва тўрт *донақ*; «ғул сочи», *ангушти зард, кашт бар кашт*, хушбўй ангуза, Эрон қавраги ва говширларининг ҳар биридан — икки *дирҳамдан*; чорраҳа йўл тупроғидан тўрт *дирҳам* олинади.

Шалисо таркибига кирадиган дорилардан ажамий манбаларда учрайдиганлари қўйидаги нусха бўйича қўшилади: *зарнаб* ва оқ исириқдан — икки *дирҳамдан*; қизил шаббўйдан — уч *дирҳам*; хина гулидан икки *дирҳам*; тукли райҳондан — тўрт *дирҳам*; ёввойи зирадан— бир *дирҳам*; Чин ровочи, бальзам меваси, бальзам ёғочи, Миср миртасининг уруғи, *маҳтум үл-малик*, «Довуд тоши» ва сассиқ ангузаларнинг ҳар биридан — икки *дирҳамдан*, кичик қоқиладан — уч *дирҳам*, пўсти тозаланган бон донасидан — уч *дирҳам*, *табоширдан* — бир *дирҳам*; зэрпечак, каҳрабо, ёввойи миরта, салеп, арча бужури, *муғос*, *муrr*, хушбўй канавча ва икки жил, яъни оқ ва қизил баҳманларнинг ҳар биридан — икки *дирҳамдан*; Рум арпабодиёнидан — уч *дирҳам*; дарманадан — уч *дирҳам*; тош туз, нон тузи, хамир тузи, ёввойи сабзи уруғи, тоғ петрушкаси уруғи, гулсапсар илдизи шираси, *ғофит* шираларининг ҳар биридан — уч *дирҳамдан*; қуритилган цитрон пўчоғи ва пион гул новдаларининг ҳар биридан — тўрт *дирҳамдан*; *кавардондан* — беш *дирҳам*; магнетитдан — олти *дирҳам*; қалқиёл, яъни тоғ ялпизи ва тоғ бодомларининг ҳар биридан — етти *дирҳамдан*. Қуруқ [дорилар] янчиб эланади, ҳўллари яхши *тило* шаробида ивтила-

ди; [кейин ҳаммасини] дориларга уч ҳисса келадиган асал билан қориб, шиша идишга кўтариб олинади ва олти ойгача қўйиб қўйилади. Унинг бир ичими бир ҳаммаса [нўхат] миқдорида бўлиб, илиқ сув билан [ичилади].

Мушк маъжуни. Бу хафақонга, барча савдоий қасалликларга ва қийналиб нафас олишга фойда қилади; бу нафас дорисидир.

Таркиби. Ёввойи занжабил, дарунак, тешилмаган марварид, каҳрабо ва маржонларнинг ҳар биридан — бир дирҳамдан; хом ипакдан — бир ярим дирҳам; қизил ва оқ баҳман, Ҳинд содажи, сунбул, қоқила, қалампирмунчоқ ва қўндуз қирларининг ҳар биридан — бир ярим дирҳамдан; занжабил ва узун мурчдан — икки донақдан; Тибат мушкидан бир дирҳам [олинади]. Буларнинг ҳаммасини янчиб, хом асал билан қориласди. Бир ичими бир ҳиммаса миқдорида бўлиб, хушбўй шароб билан [ичилади].

Бошқа мушк маъжуни. Меъда ва жигар оғриқлари ҳамда уларнинг заифлигига фойда қилади, бод ва елни тарқатади.

Таркиби. Мушкидан — икки дирҳам; хушбўй сунбул, Сараандип дорчини, Ҳинд содажи, тозаланган лакк ва Чин ровочларининг ҳар биридан — икки дирҳамдан; Рум гентианаси илдизидан — икки дирҳам; зальфарон, жувона, петрушка уруғи ва мастакиларнинг ҳар биридан — тўрт дирҳамдан; дорчин ва думалоқ аристолохиялардан — уч дирҳамдан; Ҳинд уди, қалампирмунчоқ ва муррларнинг ҳар биридан бир ярим дирҳамдан олинади. Бу дориларни янчиб, элагандан кейин кўпиги олинган асал билан қориласди ва идишга кўтариб олиб қўйиб, истеъмол қилинади. Бир ичими бир боқилло бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади].

Эрман билан [тайёрланадиган] мушк дориси. Бу хафақон, васвасалик ва ҳиқилдоқ шишларига фойда қилади ва меъда рутубатини қуритади.

Таркиби. Эрман ва сабрларнинг ҳар биридан — саккиз дирҳамдан; Чин ровочидан — саккиз дирҳам; жувона, зальфарон ва петрушка уруғларининг ҳар биридан — тўрт дирҳамдан; мушки, Рум сунбули, содаж ва муррларнинг ҳар биридан — икки дирҳамдан; қўндуз қиридан бир ярим дирҳам [олинади]. Буларни аралаштириб, асал билан қориласди.

Катта шажазониё. Бу тажрибадан ўтган дори бўлиб, барча совуқ қасалликлар, ғализ еллар, тиш оғриги ва

еилиши, меъданинг совуқлиги, ҳазмнинг сустлиги ва қуланжга, шунингдек, совуқлик ва балғам туфайли ҳамда сийдикнинг шиллиқлиги сабабли сийиш қийинлашганда фойда қиласи.

Таркиби. Қундуз қири, афюн, дорчин, туёғүт, тоғ сунбулининг илдизи, ёввойи укроп илдизи ва ёввойи сабзи уруғларининг ҳар биридан — бир *дирҳамдан*; мурч, узун мурч, гальбан елими ва қустларнинг ҳар биридан олти *дирҳамдан* ва заъфарондан ярим *дирҳам* олинади. Булардан эрийдиганлари асалли сувда сри-тилади, қуруқлари янчилади, гальбан елими эса асал билан эритилади; кейин [ҳаммасини] қориб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Бошқа нусха бўйича таркиби. Қундуз қири, қорамурч, заъфарон; ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи; ёввойи сабзи уруғи, туёғүт, афюн, оқ мурч ва гальбан елимларининг ҳар биридан — икки *дирҳамдан*; қустдан бир *дирҳам* ва дорчиндан икки *дирҳам* олинади. Булар янчидан эланади ва кўпиги олинган асал билан қорилади.

Кичик шажазониё. Бу ҳам [каттасидек] аҳамиятга эга.

Таркиби. Қундуз қири ва афюнларнинг ҳар биридан — ўн *дирҳамдан*; мурч, узун мурч, гальбан елими, *мурр* ва қустларнинг ҳар биридан — олтиши *дирҳамдан*; дорчин, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи сабзи уруғи ва туёғўтларнинг ҳар биридан — ўн *дирҳамдан*; заъфарондан чорак уқия олинади. Бошқа бир нусхада: занжабилдан — бир *уқия*; суюқ *майъа* елиминдан — уч *уқия*. Бошқа бир нусхада: қундуз қири, қорамурч, заъфарон, ёввойи укроп илдизи, тоғ сунбули илдизи, ёввойи сабзи уруғи, туёғүт, афюн, дорчин **ва** оқ мурчларнинг ҳар биридан бир *дирҳамдан* ва қустдан бир *дирҳам* [олинади]. Бу дориларни майдалаб, асал билан қорилади ва олти ойгача эскитиб қўйилади. Бир ичими ярим *мисқол* бўлиб, наҳорга илиқ сув билан [ичилади]. Бошқа нусхада бир ичими — бир *донақдан* икки *мисқолгача*; яна бир бошқа нусхада бир ичими — бир мурч донаси миқдорида.

Айтадиларки, бу [маъжундан] бир қиротни эзиб, заҳарларга қарши суртилади; бачадондаги еллар, кам туғиши ва ҳайзининг [кам келишига] қарши бундан бир мурч донаси миқдоридагисини гулсапсар ёғида эритиб, юнг билан кўтарилади. Уни оқ гулсапсар ёғида эритиб, [шундай] хотинга ҳидлатилади; шунингдек, у билан

Буғлатилади ҳам. Кўкрак оғриғи, йўтал ва буйрак [ка-
салликларида] ҳам ибридадан бўладиган қийналиб
сийишда [мъжундан] бир ҳиммаса миқдоридагиси тоза
тило шароби билан ичилади; меъда бузилганда бундан
бир мисқоли тоза тило шароби билан ичирилади.

Анақардиё, яъни балозурый. Бу эски касалликларга
фойда қиласи.

Таркиби. Қора ҳалила, балила ва омилашларнинг
ҳар биридан — ўттиз олти дирҳамдан; седанаидан —
йигирма тўрт дирҳам; табоширдан — олти дирҳам;
кичик қоқиладан — етти дирҳам; тўпалоқдан — олти
дирҳам; балозурдан — олти дирҳам; мурч узун мурч,
занжабил, мурч илдизи ва Рум арпабодиёнларининг
ҳар биридан ўн икки дирҳамдан олиниади. Буларни
янчидан эланади ва олти юз дирҳам каллақандни етарли
миқдордаги иссиқ сувда эритиб, дориларга аралашти-
рилади ва қорилади. Дори солинган идишни олти ойгача
арпага кўмиб қўйиб, кейин ишлатилади.

Балозурий маъжуни. Меъданинг барча хил оғриқла-
рига, эски бош оғриғи, меъда сабабли бўладиган бош
айланиши, жиннилик ва алаҳлаш, кўкрак, жигар, та-
лоқ ва буйрак оғриқлари, совуқ мизож, бачадон оғриқ-
лари, подагра, мохов ва савдодан бўладиган касаллик-
ларга фойда қиласи.

Таркиби. Сунбул, ёввойи укроп илдизи, заъфа,
рон, Сарандип дорчини, содаж, девпечак, қорачайир,
бальзам уруғи, аристолохия, қалампирмунчоқ, бон до-
наси, занжабил, сабр, муқл, мурр ва бальзам ёғлари-
нинг ҳар биридан — бир уқиядан; мастаки, «балозур
асали» ва дарахт пўқакларининг ҳар биридан — сак-
киз гаромийдан, ҳаворанг гулсалсар илдизидан — икки
уқия; арпабодиён илдизининг пўстлоғидан уч ритл ва
сиркадан уч қист олиниади. Арпабодиён илдизининг
пўстлоқларини сиркада уч кун ивитиб қўйиб, қозонга
солинади ва енгилгина қайнатганда кейин сузиб, илдиз-
лар сиқилади. Шу сиркага бир ярим ритл асал қўшиб,
олови паст чўғ устида бир оз қуюлгунча қайнатилади,
кейин унга дорилар аралаштирилади. Бир ичими бир
дирҳам бўлиб, мувофиқ келадиган бирон ичимлик би-
лан [ичилади].

Бизнинг ёқутдан [тайёрлаган] маъжунимиз. Бу
бизнинг маъжуни бўлиб, уни биз подшоҳлар ва уларга
ўхшаш кишиларда синаб кўриб, зўр манфаати борлиги-
ни билдиқ; хусусан, у васвасалик, юрак сиқилиши, ха-
фақон, юрак заифлиги касалликларига [жуда фойдали]

бўлиб чиқди] ва бу [касалликлардан] эскириб кетиб, муояжана таъсир қилмайдиганларини ҳам таг-туги билан йўқотиб юборди. Унинг яна мия, меъда, жигар ва талоқ касалликларига, хусусан, қуланжга ҳам жуда фойдали эканлигини кўрдик. У бўғин оғриқлари ва эски иситмаларга ҳам фойда қиласди.

Нусхаси. Ёкунт, хусусан, анор рангидаги қизил ёкунт майдаларидан бир мисқол олиб, ҳовойчага солинади ва у увалансин учун аста-секин янчилади, кейин уни салоя тошига олиб, кукундек қилиб янчилади. Сўнгра яшма тошидан — бир дирҳам; ақиқдан — бир дирҳам; ичи куйдирилган қўрғошин билан сувалган тигелга солиб эритиб, шиша сингари майда қилинган олтийндан — икки донақ; қалай буғларининг [таъсири билан] шиша хусусиятига эга қилинган кумушдан бир донақ олинади. Буларнинг ҳар бири ёкунти майдала-гандек қилиб майдаланади ва янчилади. Шундан кейин ҳаммасини салоя тошига солиб, хушбўй шароб билан ҳўлланади ва қуригунча эзилади; улар тўзондек бўлиб кетгунча бу иш такрорланади. Сўнгра улар олиб қўйилади; буларнинг ҳаммаси бир ҳиссани ташкил этади.

Кейин дараҳт пўкаги, девпечак, мурч, занжабил, қалампирмунчоқ ва самсақларининг ҳар биридан — ярим ҳиссадан; «арман тоши», ложувард тоши, нефть тузи, ёввойи занжабил, дарунаж, баҳман ва говзабонларининг ҳар биридан — учдан бир ҳиссадан; сўнгра Иқлит сунбули, яъни *нордин*, амом, игир, *садам*, Чин дорчини, каклигўти, торжанбил, зуфо ва зираларининг ҳар биридан — чорақ ҳиссадан; кийигўти, тоғ петрушкаси уруфи, яхуд тоши, петрушка уруфи, *муrr*, кундур елими, заъфарон ва оқ мурчларининг ҳар биридан — олтидан бир ҳиссадан; фыл суюгидан учдан бир ҳисса олинади. Бу дориларнинг ҳаммасини янчиб, устига юқорида кўрсатилган тошларининг оҳаклари солинади; кейин яна эзив-янчиб [аралашмага] икки ҳисса вазнда олинган, балила асали билан қорилади ва бир мисқолли қулчалар ясад ичирилади.

ИЕРАЖЛАР

Зарур муқаддималар ҳақида бир фасл. Мен айтамки, иёраҗ — тузатувчи сургининг исмидир, бу — унинг таъвили; унинг [луғавий] маъноси илоҳий дори демакдир. Маълум сургиларининг биринчиси Руфус иёражиидир; қадим замонда иёраҗ исми билан шу [до-

рини] ифодалар эдилар, кейинчалик ундан бошқа [дорилар ҳам] шу исм билан атала бошланди. Сургининг илоҳий дори деб аталганлигига сабаб шуки, сургининг таъсири табиий қувватларга топширилган бир амри илоҳийдан иборат. Қадим замонларда *иёражларни* шунинг учун ичиргандарки, табиблар Абу Жаҳл тарвузининг эти, ҳарбақ ва бошқа нарсалар каби нуқул сургиларнинг зараридан қўрққанлар. Буларни ишлатмоқчи бўлганларида, уларга ўтказувчи, тузатувчи ва подзахр нарсаларни аралаштиргандан кейингина истеъмол қилишга журъат этгандар. Кейинчалик бу нарсаларга ўрганиб, уларнинг қайнатмасини ишлатса бошладилар, сўнгра уларни шундайича олиб, ҳаб шаклида истеъмол қилишга ҳам журъат этдилар.

Табиб шуни ҳам билиб қўйсинки, қайнатма ва ҳаб дориларга қараганда *иёражлар* ёнча зарарсизdir, уларни ишлатмасликнинг сабаби улар зарарли бўлгани учун эмас, балки уларга аҳамият бермаслик ва ёмон одат натижасидир; [қайнатма ва ҳаблар] моддани [баданинг] узоқ ерларидан *иёражларчалик* торта олмайди.

Иёражларнинг бир ичими тўрт мисқолгача бўлади. Баъзан унга хамир тузи ҳам қўшадилар. [*Иёражлар*] солиб ичиладиган нарсаларнинг энг мувофиғ майиз билан [тайёрланган] девпечак қайнатмаси, хусусан, унинг баъзи [табиблар] томонидан келтириладиган қўйидаги нусха бўйича тайёрланадиганидир: девпечакдан — тўрт *дирҳам*; тозаланган майиздан — ўн *дирҳам*; тозаланган қора ҳалиладан — етти *дирҳам*; Румрайхонидан уч *дирҳам* ва сувдан уч *ритл* [олиб], яrim *ритл* қолгунча қайнатилади ва наҳорга ичирилади. Бунинг кетидан бир *дирҳам* гулҳайри уруғи ва яrim *дирҳам* бодринг уруғини озгина ширин бодом ёғи қўшиб, илиқ сув билан [ичилади]. Уч кунгача бериладиган овқат зирбож билан [шароб] қўшилган сувдан иборат бўлади.

Иёраж фикро, яъни аччиқ [и-ёраж]. Бу сабрдан [тайёрланадиган] *иёраждир*; унга дорчин ҳам қўшилади, чунки бу латиф бўлиш билан бирга, ичаклар ҳамда меъдага фойда қиласди; унга яна худди шунини учун ҳамда шу [абзбларнинг] қўзватини сақлаш хусусиятига эга бўлгани учун мастаки, шунингдек, Сарандип дорчини ҳам қўшилади. Зъяфарон ҳам қўшилади, чунки у [моддаларни] етилтиради ва юрак билан меъдани бақувват қиласди. Бироқ заъфарон баъзан бош оғриғини келтириб чиқаради, шунинг ваз-

нини камайтиришга ёки уни [бутунлай] қўшмасликка тўғри келади. Туёғўт ҳам [қўшилади], чунки у ични суриш ва рутубатларни туширишга ёрдам беради, баъзан унинг ўрнига келиндона [қўшилади] — бу латиф нарса. Бальзам уруғи ва бальзам ёғочлари меъданни кучайтиргани, эритиб тарқатгани ва подзаҳрлик хусусияти бўлгани учун [қўшилади]. Баъзи кишилар сабр келтириб чиқарадиган ичак шилинишининг олдини олиш учун [иёражга] қорачайир ғулини қўшадилар ёки сабрнинг ҳароратидан келадиган зарарни меъда ва бошдан қайтириш учун қизил гул қўшадилар. Баъзида [иёражни] икки ҳисса асал қўшиб ачитилади, баъзан эса ачитилмаган қуруқ ҳолда бўлади. Аммо мен уни янчиб, муқл суви билан қориб, кулчалар ясайман ва сояда қуритаман. Уларни истеъмол қилганимда улар бошқа хилидан кўра етукроқ бўлиб чиқди. Муқлдан, тахминан, бир ҳисса олиш тўғри бўлса керак.

Қадимги табиблар сабрни ислоҳ қилувчи нарсаларнинг миқдори ҳақида турлича фикрда бўлганлар. Улардан баъзилари [ислоҳ қилувчи] дориларнинг вазнини сабр вазнига олти ҳисса, баъзиларини эса саккиз ҳисса қилиб оладилар. Баъзан бундан оширадилар ёки камайтирадилар.

Гоҳо [иёражни] ювилган [сабрдан] тайёрлайдилар, буниси ични кучизроқ сурадиган бўлади ва иссиқ миъозли ҳамда иситмаси бор кишиларга кўпроқ мувофиқ келади; бироқ уни ҳар бир иситмаси бор кишига ичириб бўлмайди, балки иситмаси енгилларгагина [берилади]. Баъзи [табиблар] ювилмаган сабрдан тайёрлайдилар, буниси ични суришда кучлироқ бўлса ҳам, бироқ иситмали кишиларга кўпроқ заар қилади; шунга қарамасдан, бир гуруҳ кишилар уни ичганлар ва у буларга унчалик заар қилмаган. Аччиқ иёраж ични тезлиқда сурмайди, аксинча, суриши оз-оздан ва аста-секин бўлади, баъзан у иккинчи куни амал қилади. Бундан ташқари, у [моддаларни баданинг] узоқ ерларидан тортиб чиқариш орқали сурмайди, балки меъда ва ичакларга ўзи билан йўлиқиб аралашган нарсаларнигина суради. Унинг тортиш [куввати] етадиган энг узоқ чегара жигар бўлиб, томирларга етмайди. Аммо ҳаммага маълум бўлган нусха бўйича [тайёрланадиган иёраж] ичак, меъда ва бошқа туғиладиган рутубатларга, шунингдек, бўғин оғриқлари, қуланж, юз фалажи, тилинг оғирлашиб қолуви ва аъзолар бўшашиб қолишида фойда қилади.

Таркиби. Мастаки, дорчин, туёгўт, сунбул, балзам уруғи, заъфарон, бальзам ёғочи ва Сарандип дорчинларининг ҳар биридан — бир дирҳамдан, сабрдан эса бу дориларға иккى ҳисса [олиб] янчилади ва элакдан ўтказилади. Тўла бир ичими иккى дирҳам бўлиб, асал ва илиқ сув билан [ичилади].

Табиб Андромах иёражи. Меъда ва қорин оғриғига фойда қиласиди.

Таркиби. Дорчин, қора Сарандип дорчинни, хушбўй қамиш, бальзам ёғочи, қорачайир гули ва ёввойи сачратқиларнинг ҳар биридан уч ярим уқиядан [олинади]. Бу дориларни янчиб, янги сопол қозонга солинади ва устига олти донақ ёмғир сувидан солиб, ярми қолгунча қайнатилади ва сузилади. Кейин қизил сабрдан бир ритл олиб, устига етарли миқдорда ёмғир суви солинади ва тозалансин учун куннинг ярмида эзив ювилади, сўнгра устига дориворларнинг сувини солиб, қуригунча офтобда ишқаб эзилади. Шундан кейин янга эзив майдалаб, устига заъфарон, мурр ва чаёнутларнинг ҳар биридан — уч уқиядан, — қадимги бир нусха бўйича бир уқиядан, — солинади, сўнгра ҳаммасини янчиб, шиша ёки сопол идишга солиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Бу [иёраж] тиришишга, урилиш ва йиқилиш [изларига], синишга, барча хил биқин оғриқларига, меъданинг кўпчиши ва оғриқларига, шунингдек, қон туфлаш ва ёнбош оғриқларига фойдалидир. Тўла бир ичими бир дирҳам бўлиб, илиқ сув билан ичирилади, бироқ ҳар бир кишига унинг қувватига қараб [берилади]. Қаттиқ шишларда у сиканжубин билан [истеъмол қилинади], кўз яллиғлашига қарши ялпиз ёки итузумнинг сиқиб олинган суви билан қўшиб боғланади, орқа тешик шишларида эса қизил гул ёғи ва яхши шароб билан [ишлатилади]. Бу [иёражни] узум сиркасида ивитиб [қўйилса], тирноқда чиқадиган яраларга ҳам фойда қиласиди. Оғиз куйгандада у билан ғарфара қилинади.

ИЧНИ СУРАДИГАН ВА СУРМАЙДИГАН ЖУВОРИШНЛАР

Биз бу Жумлада машҳур ва [фойдаси] умумийроқ бўлган жуворишнларни эслатиб ўтмоқчимиз, кам фойдага эга бўлганларини баён қилиш учун мувофиқроқ ўрин эса Иккинчи жумладир.

Зира жувориши. Ички аъзоларда совуқдан зайдо бўладиган оғриқларга ва кексаларда балгамдан бўладиган касалликларга фойда қиласди, меъдани кучайтиради, овқатни ҳазм қиласди, «ит иштаҳаси» ва нордор кекирикни йўқотади. Бир ичими бир мози миқдорида бўлиб, иссиқ сув билан [ичилади]. У яна савдо ва балгамдан келиб чиқадиган совуқ иситмаларга ҳам фойда қиласди.

Таркиби. Бир кечакундуз узум сиркасида ивтиб қўйиб, кейин қуритиб, қовурилган Кермон зираси, сояда қуритилган газагўт барги, мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан беш истордан ва арман бурақидан ўн дирҳам олинади. Бу дориларни янчиб элагандан кейин аралаштирилади ва кўпиги олинган асал билан қориб, идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади.

Жолинус тайёрлаган зира жувориши. Совуқ еллар ва меъда бузилишида фойда қилиб, елларни ҳайдайди ва овқати ҳазм бўлмайдиган кишига фойда қиласди.

Таркиби. Бурақдан ярим ҳисса, сиркада ивтиб, кейин қовурилган Кермон зираси, оқ мурч, қорамурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан бир ҳиссадан [олинади]. Бу икки нусха асосида тайёрланади: баъзан барча таркибий қисмларни, яъни зира, мурч, газагўт ва бурақлар баробар ҳиссадан олинади; бу хили табиатни жуда эритиб юмшатади. Баъзида эса барча қисмларни баробар вазнда олиб, бурақдан шу вазннинг ярмича олинади.

Кермон зирасидан [яхшисини] танлаб олиб, ўткир сиркада ивтилади ва сўнгра қовурилади. Мурч оқ бўлиши керак, чунки бу хили бошқа икки хили, яъни узун мурч ва қорамурчга қараганда меъдани кўпроқ кучайтиради; бундан ташқари, у майдада ва буришган бўлмаслиги, пўсти ҳам қалин бўлмаслиги лозим, аксинча оғир вазнли, йирик ва яхшилари танлаб олинади. Бураққа келсак, — агар дори табиати тўхталиб қолган киши учун тайёрланадиган бўлса, — бурақнинг *натрун баҳариқун* деб аталадиган қизил хили ишлатилади; агар табиати [яъни ичи] суюқ кийши учун тайёрланса, бошқа хил бурақ истеъмол қилинади, шунда ҳам ундан эслатиб ўтилган ҳар бир дориларнинг ярмисича қўшилади. Газагўтнинг барги ҳам бир миқдор қуритилган бўлиши керак, чунки агар у қаттиқ қуритилган бўлса, иссиқ ва атчиқ бўлиб, керагидан ортиқ қиздирадиган бўлиб қолади. Агар яхшигина қуритилмаса, унда ортиқча руту-

бат қолади ва у ҳақиқий ҳазм бўлишгача бориб етолмайди, шу сабабли дамлик бир галда кетказилмайди.

Шу тўрт хил нарса кўпинча, кўпиги олинган асал билан аралаштирилди, баъзан эса ҳеч нарса билан аралаштирасдан, асалсиз алоҳида сақланади. Эҳтиёж туғилгандаги уни арпа суви ёки бошқа бирон мувофиқ овқатга солиб, [истеъмол қилинади]. Бу дорини алоҳида, овқатдан олдин ва кейин истеъмол қилинади. Кўпиги олинган асал билан аралаштирилганини шу [кейинги] ҳолда ишлатиш яхшироқ, чунки у дамликни бутунлай кетказади. Агар бу дорининг елни кўпроқ тарқатиб, кучлироқ бўшатиши лозим бўлса, [қўшиладиган] асал яхши бўлиши керак.

Сен шуни ҳам билгинки, агар бўшалишнинг кучлироқ бўлишини истасанг, [жуворишига] кирадиган дориларни йирикроқ янчишинг керак. Мен бир кишини биламан, у бу дорини жуда яхшилаб янчибди, чунки у мен ҳозир айтган нарсани билмас экан, натижада [дори] табиятни мутлақо юмшатмаган, аксинча кучли равишда сийдикни ҳайдаган. У киши таажжубланиб, содир бўлган воқеанинг сабабини сўраб, менинг олдимга келди; у касалнинг гавдасидаги маълум бир хусусият шундай ҳодиса рўй беришига сабаб бўлган, деб ўйлаган экан. Мен бунинг сабаби [дорини] таркиб қилиш усулида эканлигини тушунтирганимдан кейин, у мен айтгандек қилиб, бошқатдан таркиб қилган эди, [дори] тўла таъсир қўрсатди. Бошқа дориларни таркиб қилишда ҳам шу [майдалаш] чегарасини эсда тутиш лозим.

Дисқулитус жуворишини. Меъда [мизожининг] кучли совуқлиги, нордон кекирик, «ит иштаҳаси», балғамсимон қуюқ каймусларнинг кўплигидан бўладиган ҳиқиҷоқ, шунингдек, совуқлик ва ҳазм бузилиши вақтида бўладиган эски иситмаларга [истеъмол қилишга] мос келади.

Таркиби. Сиркада ивитиб қуритилган зирадан ўн беш истор, мурч, занжабил, қуруқ газагўт ва бурақларнинг ҳар биридан йигирма дирҳамдан [олиб] майдаланади ва кўпиги олинган асал билан қориб, истеъмол қилинади.

Хузий жуворишини. Ич кетиш, [овқатнинг] ёмон ўзлаштирилиши ва меъданинг заиф ҳам совуқлигига фойдалидир.

Таркиби. Қуст, қирфа, хушбўй сунбул, бальзам уруғи ва Сарандип дорчинларининг ҳар биридан — ўн

дирҳамдан, мускат ёнғоғидан — беш дона; қоқила, қалампирмунчоқ, Рум арпабодиёни, қашқарбеда ва Ҳинд чакамуғларининг ҳар биридан — тўрт дирҳамдан; мускат ёнғофининг қобигидан — уч дирҳам; баранкдан — уч дирҳам, норимушкдан — тўрт дирҳам; Чин ровочи, аристолохия ва ушналарнинг ҳар биридан — икки дирҳамдан; тўпалоқ ва занжабилларнинг ҳар биридан — ўн истордан; хушбўй қамиш, мурч ва узун мурчларнинг ҳар биридан — беш дирҳамдан; уруғи олинган қора ҳалиладан — икки истор, уруғи олинган балиладан — ўн дона; қуруқ мирта уруғидан ярим Жўндишопур қафизи миқдорида [олинади]. Бу дориларни янчib, элакдан ўтказилади ва ҳаммасини қўшиб, шакарқамиш асали билан қорилади; сўнгра бир идишга кўтариб олиб қўйиб, икки ойдан кейин истеъмол қилинади.

Мушк қўшилган беҳи жуворишини. Ич кетишни тўхтатади, шунингдек, мөъда заифлиги, қусиш ва [бўқат] ўзлаштиришнинг ёмонлигига [фойда қилади] ва рангни яхшилайди.

Таркиби. Пўсти арчилиб ичи тозаланган беҳи ва кўпиги олинган асалларнинг ҳар биридан — икки ритлдан; мурч, узун мурч ва занжабилларнинг ҳар биридан — беш дирҳамдан; кичик қоқиладан — саккиз дирҳам; қоқила, қалампирмунчоқ, хушбўй сунбул, дорчин ва заъфаронларнинг ҳар биридан икки дирҳамдан [олинади]. Бу дориларни янчib, элаб, бир-бiri билан қўшилади. Сўнгра беҳини олиб, узум сиркасида яхшилаб пиширилади; баъзи табиблар уни шаробда, яъни аслда пиширадилар. Кейин оловдан тушириб сузилади ва суви оқиб тушиб кетгунча қўйиб қўйилади, сўнгра яхшилаб майдаланади. Сўнгра асални олиб, паст олова қайнатилади ва деярли қуюлгунча секин-секин кавлаб турилади. Кейин унинг устига беҳи солинади ва улар бир текис [аралашгунча] ва беҳининг суви кетгунча кавланади. Шундан кейин оловдан тушириб, устига дорилар сепилади ва бир текис аралашгунча чалинади, сўнгра гул ёғи ёки зигир ёғи суртилган мармар тахта ёки текис хонтахта устига солиб, бир текис қилиб ёйилади ва қуриб қотсин учун икки ёки уч кунгача қўйиб қўйилади. Шундан кейин пичноқ билан ҳар бири тўрт мисқолдан қилиб, тўрт бурчак шаклидаги бўлакчаларга қирқилади ва уларни цитрон барғига ўраб боғлаб олиб қўйилади-да, керагида истеъмол қилинади. Баъзи табиблар бунга икки дирҳам мушк ҳам қўшадилар.

Ични сурадиган беҳи жувориши. Қўланжга фойда қилади ва бадандаги ҷиқиндиларни қуритади.

Таркиби. Пўсти арчилиб, ичи тозалангани беҳидан — бир ритл, кўпиги олинган асалдан — икки ритл, занжабил ва узун мурчларнинг ҳар биридан — тўрт дирҳамдан, дорчиндан — икки дирҳам; кичик қоқила, қоқила ва заъфаронларнинг ҳар биридан — уч дирҳамдан; дастакидан беш дирҳам, сақмуниёдан ўн дирҳам ва яхши оқ турбуддан ўттиз дирҳам [олинади]. Бу дориларни янчидан элагандан кейин қўшилади. Беҳини эса шаробда пишириб, ични тўхтатадиган беҳи [жувиришида] ишлангандек ишланади. Буни ҳам ўша усулда тайёрланади ва идишга кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади. Бир ичими — тўрт мисқол, иссиқ сув билан [ичилади].

Сақанқур жавориши. Бу жинсий қувватни оширади.

Таркиби. Морчуба уруғи, пиёз уруғи, шолғом уруғи, ратоб уруғи, гандано уруғи, сабзи уруғи, тарағизак уруғи, қичитқиўт уруғи, раён, сақиҷ дарахти уруғи, қуш тили, пўсти тозалангани кунжут, турп уруғи, икки хил тударий, санавбар донаси ва индовларнинг ҳар биридан — уч дирҳамдан, занжабил, ёввойи сабзи, ҳавлинжон ва узун мурчларнинг ҳар биридан — беш дирҳамдан; дорчин, мускат ёнғоғи ва икки хил баҳманларнинг ҳар биридан — икки дирҳамдан; сақанқур киндигидан беш дирҳам, пиширилган денгиз пиёзидан уч дирҳам ва каллақанддан мана шу дориларнинг ҳаммасича [олинади]. Буларни янчидан эланади ва кўпиги олинган асал билан қорилади. Бир ичими икки дирҳам бўлиб, уни мусаллас ёки янги соғилган сут, ёки асал сувий билан қўшиб, наҳорга истеъмол қилинади.

Бобшқа жувориши. Хафақонга фойда қилади, меъданни кучайтиради, овқатни ҳазм қилади ва ични суради.

Таркиби. Кобул ҳалиласидан ўн беш дирҳам, толисфардан беш дирҳам, ёввойи занжабил, дарунак ва Сафандийдорчинларининг ҳар биридан уч дирҳамдан, турбуддан йигирма дирҳам, сақмуниёдан уч дирҳам ва каллақанддан йигирма дирҳам [олиб], асал билан қорилади. Бир ичими — уч дирҳам.

ЭЛАҚИ ДОРИЛАР, КАП ОТИЛАДИГАН ДОРИЛАР ВА БОЛАЛАРНИНГ ОҒЗИГА ҚУИЛАДИГАН ДОРИЛАР

Биз жуворишилардан қандайларини келтирган бўлсак, элаки дорилардан ҳам ҳудди шундайларини зикр қилиб, бошқаларини ўз жойида қолдирамиз.

Мақлиёсо. *Заҳир*, ичак оғриқлари, ич кетиш ва бавосирга фойда қиласди.

Таркиби. Қовурилган индов уруғидан бир ярим ритл, бир кеча-кундуз сиркада ивитиб қўйиб, кейин қовурилган Кермон зираси ва қовурилган гандано уруғларининг ҳар биридан ўн *истордан*, қовурилган зигир уруғидан тўрт *үқия*, чаёнутдан бир *үқия*, сариёғда қовурилган Қобул ҳалиласидан уч *үқия* [олинади]. Бир ичими уч *дирҳам* бўлиб, беҳининг қуюлтирилган шираси ва совуқ сув билан [ичирилади].

Элаки дори. Бавосир еллари, ич кетиш *заҳир* ва ичак оғриқларига фойда қиласди.

Таркиби. Қовурилган индов уруғидан бир *ритл*, қовурилган зигир уруғи ва испағулларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, қовурилган петрушка уруғи, «арман лойи» ва канавчаларнинг ҳар биридан икки ярим *дирҳамдан* ва араб елимидан бир *дирҳам* олинади.

Касило деб аталувчи элаки дори. Бу ич кетишни тұхтатади.

Таркиби. *Касило*, ми尔та уруғи, әман ёнғорининг ички пўсти, оқ индов, ёввойи занжабил, *гаев гандум*, катиро, *муғос*, ҳузаз, фундуқ ва писталарнинг ҳар биридан бир ҳиссадан, пўчоги тозаланган ширин бодомдан ўн *дирҳам* ва оқ ундан йигирма *дирҳам* олинади ва аралаштириб истеъмол қилинади.

[Бошқа] элаки дори. Ҳомиладорларга фойда қиласди, елларни ҳайдайди, жигар ва меъданни кучайтиради.

Таркиби. Майда марварид ва назла ўтларининг ҳар биридан бир *дирҳамдан*, занжабил ва Рум сақичларининг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, ёввойи занжабил, дарунак, петрушка уруғи, игир, кичик қокила, мускат ёнғори, мурч ва дорчинларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, тударий ва арпабодиён уруғларининг ҳар биридан бир *мисқолдан*, қанддан барча дўриларнинг вазнича [олинади].

Убода элаки дориси. Жигарнинг ориқлиги, меъданнинг бўшащуви ва рутубатига фойда қиласди.

Таркиби. Даражт шохларидаги *лакк*, ми尔та уруғи, қуритилган әман ёнғори, новвот, мастаки, анор

пўсти ва мозиларнинг ҳар биридан — бир қисмдан; кундур елими ға занжабилларнинг ҳар биридан чорак қисмдан [олинади] ва элакдан ўтказиб аралаштирилади; бундан бир мисқолдан икки мисқолгачани бир ҳафта давомида әрталаб ва ўйқудан олдин элаки дори ҳолида истеъмол қилинади; [шу вақт давомида] гўштни оғизга олинмайди.

Қовундан тайёрлаб кап отиладиган дори. Бўшашган меъданни кучайтиради, меъданинг бўшашуви сабабли бўладиган ич кетишни тўхтатади ва заиф нафасни кучайтиради.

Таркиби. Қовуннинг ичидаги уруғи ва бошқа нарсалари олиб ташланади ва ичи *кунор* мевасининг толқони, муқл толқони, *таросис*, қовуриб янчилган жийда ва қовўрилган гуручларнинг ҳар биридан баробар қисмда олиб тўлдирилади ва қовуннинг рутубати шимилиб ўтгунча қўйиб қўйилади. Сўнгра чиқариб, қуритилади ва янчилади. Бундан тўрт *дирҳам* миқдорида олиб кап отилади.

Аристотелнинг Искандар учун тайёрлаган элаки дориси. *Зараб*, меъда бузилиши, рангнинг сариқлиги, оғиз сассиқлиги, васвасалик ва унутувчанликка фойда қиласди, овқатни ҳазм қиласди ва кўнгилни хурсанд қиласди.

Таркиби. *Қирфа*, Ҳинд *содажи*, кичик қоқила, Ҳинд уди, туёғут, чаёнүт, данаги олинган Қобул ҳалиласи, қашқарбеда, туклирайхон *норимушк*, *нориқайсар*, зира, дорчин, *ушна*, мурч, узун мурч, занжабил, қалампирмунчоқ, анор уруғи, мускат ёнғори ва қоқила-ларнинг ҳар биридан — икки ҳиссадан; мушк, анбар ва кофурларнинг ҳар биридан — бир ҳиссадан; новвотдан эса барча дорилардан олти марта кўп [олинади]. Бир ичими бир *дирҳамдан* уч *дирҳамгача* бўлиб, совуқ сув билағ наҳорга [ичилади]; овқатдан сўнг, [истеъмол қилинса] ҳам айтишларича, катта фойдаси бор.

Бармакий элаки дориси. Бу гижжалар ва меъда заифлигига фойда қиласди.

Таркиби. Ҳалила, омила ва *баранкларниң* ҳар биридан бир ҳиссадан, турбуд мағзидан шуларнинг ҳаммасича, новвотдан эса шуларнинг ҳаммасидан икки марта кўп олинади. Бир ичими — ўн *дирҳам*.

Денгиз пиёзи элаки дориси. Бу болаларнинг оғзига қўйиладиган тажрибадан ўтган дори бўлиб, елни ҳайдайди, ични юргизади ва улардаги ўт билан балгамнинг азиятини қирқади.

Таркиби. Ҳалила, балила, омила, назла ўти, қизил гул, анор гули, татим, *каймурда*, зарчава, қустирувчи ёнғоқ, миরта уруғи, ялпиз, мози қоқила ва қалампирмунчоқларнинг ҳар биридан баробар бўлакдан [олиб] янчилади ва элакдан ўтказиб, истеъмол қилинади.

Болаларнинг оғзига қўйиладиган дори. [Болаларнинг] баданини рўтубат ва ўтдан тозалайди.

Таркиби. Сариқ ҳалиладан беш дона, юлғун меваси, *табошир*, атторлар анбари, қончўп, ялпиз, анор гули, ҳузаз, омила шираси, зъяфарон, қоқила, мози ва новвотларнинг ҳар биридан ҳалиланинг вазнича олилади. Бундан [болаларнинг] катта ва кичиклигига қараб ичирилади.

ЯЛАНАДИГАН ДОРИЛАР

Бизнинг яланадиган дорилар ҳақида айтадиган сўзимиз юқоридаги мақолаларда айтган сўзимиз сингари-дир. Яланадиган дориларни, кўпинча, оғизда ушлаб туриш учун тайёрланади, шунда [дори] бирданига меъдага бориб тушмасдан оз-оздан ўпкага етиб боради; акс ҳолда унинг меъдадан ўпкагача бўлган узоқ масофани босиб ўтиши керак бўлар эди.

Қуруқ йўталга фойда қилувчи яланадиган дори. [Таркиби]. Қовурилган зигир уруғини олиб, асал билан қорилади ва идишга олиб қўйиб, керагида истеъмол қилинади.

Бошқа бир яланадиган дори. Бу иссиқлик ва қуруқликдан бўладиган йўталга фойда қиласи.

[Таркиби]. Пўсти тозалангандан бодринг уруғидан беш *дирҳам*; пўчоғи тозалангандан ширин бодомдан — олти *дирҳам*; гулхайри уруғи ва ёввойи гулхайри уруғларнинг ҳар биридан — беш *дирҳамдан*; [араб] елими, катиро, крахмал ва пўсти тозалангандан беҳи уруғларнинг ҳар биридан — тўрт *дирҳамдан*; чучукмия шираси ва оқ каллақандларнинг ҳар биридан тўрт яrim *дирҳамдан* олиб янчилади — ва элакдан ўтказилади. Кейин тозалангандан чучукмия илдизи, Сабистон олхўриси ва тозалангандан ширин майизларни олиб, сувда қўялгунча қайнатилади. Сўнгра бунга шинни қўшилади ва юқоридаги дорилар қориштирилади. Бу дорини оқ ун кепагининг суви, боқила уни, каллақанд ва ширин бодом ёғидан тайёрланган атала билан ичилади, **унинг** кетидан арпа суви ичилади.

[Бошқа] бир яланадиган дори. Буни иссиқликдан бўладиган йўталда [ишлатилади].

[Таркиби]. Сабистон олхўрисидан уч қисм, йирик чилонжийдадан эллик дона, пўстлоғи тозаланиб майдаланган чучукмия ғлизидан ўттиз *дирҳам*, тозаланган ширин *кашмаҳоний* майизидан қирқ *дирҳам*, поясидан ажратилган *ҳиёршанбардан* — йигирма *дирҳам* [олинади] ва етти *ритл* сувга солиб, то бир *ритл* қолгунча қайнатилади. Кейин сузиб устига ярим *ритл* шинни ва учдан бир *ритл* каллақанд солинади ва асалдек бўлиб қуюлгунча қайнатилади, шундан кейин ипак-элакдан ўтказилган боқила унидан етарли миқдорда олиб аралаштирилади.

Кўкнордан тайёрланадиган яланадиган дори. Бу қон қусиши, ўткир иситма, йўтал, кўкрак оғриғӣ ва *шүсага* фойдалидир.

Таркиби. Косачасидан ажратилган қизил гул ва [араб] елимларининг ҳар биридан — ярим *дирҳамдан*, буғдой крахмали, катиро ва кўкнор уруғларининг ҳар биридан — икки *дирҳамдан*, *табошӣр* ва заъфаронларнинг ҳар биридан — ярим *дирҳамдан*; чучукмиянинг қуюлтирилган ширасидан икки *дирҳам* олинади. Бу дорилардан янчиладиганларини янчиб элагандан кейин аралаштирилади ва *мусаллас* билан қориб, идишига кўтариб қўйиб, керак вақтида истеъмол қилинади. Буни янтоқшакар ёки зуфо қайнатмаси билан ичилади.

ШАРБАТЛАР ВА ҚЮЛТИРИЛГАН ШИРАЛАР

Шарбатлар ва қуюлтирилган шиralарнинг [нусхаларини] келтиришда ҳам юқорида айтиб ўтилган шартга асосланамиз.

Шарбат билан қуюлтирилган шира орасидаги фарқ шуки, қуюлтирилган шира деганда [мевалардан] сиқиб олинган сувларнинг ўз ҳолича қуюлтириб, қиём қилингани [тушунилса], шарбат деганда қайнатма ва сиқиб олинган сувларнинг биронта ширинлик билан қўшиб қиём қилингани [назарда тутилади].

Уруғлар сиканжу бинининг умумий [нусхаси]. Иситмаларни ва меъданинг алангланишини сўндиради, балғамни парчалаб ундан тозалайди, сафрони босади; жигар ва талоқ тиқилмаларини очади ва сийдикни ҳайдайди.

Таркиби. Яхши эски узум сиркасидан ўн *ритл* олиб, унга тиниқ чучук сувдан йигирма *ритл* ёки сирка-

нинг нордонлиги ва яхши ёмонлигига қараб, бундан кўп ёки озроқ қўшилади. Кейин арпабодиён илдизининг пўстлоғи ва петрушка илдиши пўстлоқларининг ҳар биридан — уч уқиядан; арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан бир уқиядан солиб, бир кечакундуз кўйиб қўшилади. Шундан кейин [суюқликнинг] олтидан бири [буғланиб] кетгунча паст оловда қайнатилади, сўнгра оловдан тушириб, совутиб қўшилади. Сўнгра сузиб, мана шу илдизлар ва уруғлар билан қайнатилган сув ва сирканинг ҳар икки қисмига бир қисм новвот ёки илдиз ва уруғлар билан қайнатилган сирка билан сув [аралашмасининг] ҳар икки ярим қисмига бир қисм ҳисобида асал қўшилади ва то ярми қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра оловдан тушириб совутилади ва сузиб истеъмол қилинади. Қайнаган вақтда кўпиги олиб турилади.

Ким истаса, бунга кўпиги олинин бир ёки икки марта қайнаб-чиққандан кейин уч дирҳам янчилмаган заъфарон солади: [заъфаронни] латтага тугиб, қозоннинг ичига осиб қўшилади ва унинг қуввати [сиканжубинга] ўтсин учун вақти-вақти билан қўл билан эзид турилади. Баъзи кишилар [сиканжубинни] пишириб бўлгандан кейин унга икки дирҳам янчилган заъфаронни солиб эзадилар, аммо уни қайнатмайдилар.

Бизники сикани жубин. Яхши шакардан олиб, қозонга текислаб солинади ва устига ўткир узум сиркасидан шакар тагидан милтираб кўринадиган, бироқ уни беркитмайдиган миқдорда қўшилади. Агар у нордон бўлиб кетмасин десак, сиркадан камроқ соламиз. Сўнгра [қозонни] чўғ ёки кучсиз олов устига қўйиб, [шакар] эритилади ва кўпигини тоғорачанинг тагига илаштириб олиб, латта билан артиш йўли билан олиб турилади; демак [тоғорачани] ботирмасдан фақат тегизиб кўтариш орқали кўпик олинади. Кўпикдан тозалангандан кейин [қиём] суйисин учун сув солинади, сўнгра яна қайнатиб қиём қилинади.

Сафрони сурвчи сикани жубин. Кўпиги олинган асал ёки шакар ҳамда ўткир сиркадан юқорида айтилгандек олиб, паст оловда қайнатилади. Сўнгра ёввойи бодринг ширасий ва сақмуниёдан бир уқиядан қанча кераклигига қараб, бундан кўра кўп ёки оз олиб янчилади ва зигир латтага тугиб, қозон ичига осиб қўшилади. Латта ичидаги нарсалар эриб, ҳеч нарса қолмагунча уни тез-тез қўл билан эзид турилади. [Қиём] қуолгандан кейин оловдан туширилади. Баъзи

кишилар қайнатишнинг бошида сақмунисе ўрнига сақмунисе [чиқадиган ўсимликнинг] илдизини петрушка илдизи ва арпабодиёни илдизи билан бирга қайнатадилар.

Балғамни камайтирувчи сикан жубин. Асал ва денгиз пиёзи сиркасини олиб юқорида эслатиб ўтилган илдизлар билан қўшиб қайнатилади. Кейин Чин ҳабб ус-салотини ва маҳсар мағзидан кишининг қувва тига қанча [миқдордагиси] тўғри келишини мўлжаллаб олиб, янчасан ва латтага туғиб, юқоридаги сингари қозон ичига осиб қўясан; кейин у истеъмол қилинади.

Савдони камайтирувчи сикан жубин. Асал ёки шакар ва сиркани олиб, юқорида айтилгандек қилиб қайнатилади. Кейин девпечакдан керагича олинади, яна чилпоя ва қора харбақдан ҳам олиб, [ҳаммаси] янчилади ва латтага туғиб қозонга осилади-да, олдингилар сингари пиширилади.

Гулоб тайёрлаш. Бир манн шакар олиб, устига тўрт уқия сув қуйилади ва паст оловда қайнатилади; сўнгра унга икки уқия гул суви солиб оловдан туширилади ва сузиб истеъмол қилинади.

Асал ва шакар суви. Совуқ касалликларга ҳамда жигар ва кўкрак оғриқларига фойда қиласди.

Тайёрлаш. Бир ҳисса асал ва икки ҳисса сув олиб, иккаласи паст оловда қайнатилади, кўпиги олингач, учдан бири қолгунча [яна] қайнатилади; сўнгра оловдан тушириб сузилади. Шакарли сув ҳам шундай [тайёрланади]. Агар уни қиздирувча ва кучли қилмоқчи бўлсак, унга кўпигини олгандан кейин мастаки билан заъфарон, шунингдек, дорчин ва хавлинжон каби бошқа хил дориворлардан қўшамиз.

Асал суви учун бошқа нусха. Иситма ва алангала нишга ҳамда меъдадаги кучли ташналийка ва ҳароратдан бўладиган йўталга фойда қиласди; у шусада ҳам фойдалидир.

Тайёрлаш. Тозаланган қизил гулдан тўрт ритл олиб, шиша идишга солинади ва устига ўн ритл иссиқ сув солиб, идишнинг оғзини яхшилаб беркитгандан кейин бир кечакундуз қўйиб қўйилади. Кейин [гулни] олиб сиқилади ва [сувини] сузиб, ичига ўн ритл шакар солинади, кейин қуюлгунча паст оловда қайнатилади ва сузиб истеъмол қилинади.

Гул сувидан қилинадиган гулоб. Новвотдан олиб янчидан тортилади ва унинг ҳар бир кайласига яхши тиниқ гул сувидан уч кайладан солиб, паст оловда уч-

дан бири қолгунча қайнатилади ва кўпиги олинади. [Гулобга] у қайнаб турган вақтда заъфарон солмоқчи бўлган киши унинг кўпигини олгандан кейин янчилмаган заъфаронни латтага туғиб, [гулобга] солсин ва вақти-вақти билан олиб, сиқиб турсин, то латта бўшагунча шундай қилинади. [Гулоб] пишгандан кейин унга заъфарон солинмоқчи бўлинса, у оловдан туширилади ва совимасдан бурун ичига янчилган заъфарондан солиб эзилади, кейин шиша идишга кўтариб қўйиб ишлатилади.

Беҳи шарбати, яъни майбиҳ. Бу меъдани кучайтиради ва ични боғлайди, шунингдек, жигар оғриғи қусиши кўнгил айнаши, ҳиқичноқ, ичак ва буйрак оғриқлари ҳамда қийналиб сийишда фойда қиласиди.

Таркиби. Нордон беҳининг сиқиб олинган сувидан ўттиз ритл ва яхши эски шаробдан йигирма беш ритл олиб, [иккаласи] то ярми қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра кўпигини олиб сузилади ва тингунча қўйиб қўйилади. Кейин иккичи марта қозонга солиб устига кўпиги олинган тоза асалдан ўн ритл қўшилади ва паст оловда қайнатилади. Шундан кейин занжабил ва мастакиларнинг ҳар биридан икки дирҳамдан, катта ва кичик қоқила, дорчин ва ҳилларнинг ҳар биридан тўрт дирҳамдан, қалампирмунчоқдан уч дирҳам ва янчилмаган заъфарондан тўрт дирҳам олинади. [Буларни] йирик қилиб янчиб, зифир латтага туғилади ва қозонга солиб, доимо қўл билан эзиб турилади; [аралашмани] қуюлгунча қайнатиб, сўнгра оловдан тушириб сузилади. Кейин ярим дирҳам мушкни эски шаробга солиб [шарбатга] қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади-да, истеъмол қилиш вақтигача олиб қўйилади.

Агар сен буни дориворларсиз тайёрламоқчи бўлсанг уни беҳи суви, шароб ва асаллардан одатдагича олиб тайёрла.

Бошқа [майбиҳ]. Нордон-чучук беҳининг сиқиб олинган сувидан олиб, юқорида айтилганидек ярми қолгунча қайнатилади. Кейин шундан икки ритл, ярми-гача қайнатиб сузилган нордон-чучук тоғ олмасининг сувидан бир ритл, яхши эски шаробдан бир ритл, яхши асал ёки шакардан бир ритл олиб, [ҳаммаси] паст оловда қуюлгунча қайнатилади ва кўпиги олинади. Кейин хом уддан икки дирҳам, мастаки, омила шираси ва толасимон заъфаронларнинг ҳар биридан бир дирҳамдан, мускат ёнғори, кичик қоқила, қоқила, дорчин

ва занжабилларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан* ва мушкдан икки *донақ* олиниади. Буларнинг мушк ва омила ширасидан бошқа ҳаммасини майдалаб, зифир латтага тугилади ва қозондаги шарбат ичига осиб қўйилади. Мушк билан омила ширасини алоҳида янчиб, шаробга аралаштирилади, сўнгра уни қолган дориларга қўшиб истеъмол қилинади.

Хандиқун тайёрлаш. У меъданинг совуқлиги, ҳазмнинг камлиги, совуқ сабабли жигарнинг заифлиги ва тўрт кунда бир тутадиган иситмага, шунингдек, балғам [мизожли] кексаларга мувофиқ келади.

Таркиби. Эски шаробдан беш *ритл*, тоза асалдан бир ярим *ритл*, занжабилдан олти *дирҳам*, қоқила ва кичик қоқилаларнинг ҳар биридан ярим *дирҳамдан*, қалампирмунчоқдан бир *донақ*, дорчиндан бир ярим *донақ*, заъфарондан бир *донақ*, қорамурч ва мушкларнинг ҳар биридан бир ярим *донақдан* [олинади]. Мушк ва заъфарондан бошқа дорилар йирик қилиб янчилади ва заъфарон билан бирга қўшиб, зифир латтага тугилади. Кейин [ҳаммаси] қуюлгунча қайнатилади ва оловдан туширишдан олдин мушкни солиб, кейин оловдан туширилади ва бир йишига кўтариб қўйиб, истеъмол қилинади.

Бошқа хандиқун. Сунбул, қалампирмунчоқ, қоқила ва хом улларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, заъфарондан бир *мисқол*, дорчин, занжабил ва мурчларнинг ҳар биридан уч *мисқолдан*, омила ширасидан ярим *мисқол* ва мушкдан чорак *мисқол* [олинади]. Мушк ва омила ширасидан бошқа дориларни йирик қилиб янчиб, зифир латтага тугилади ва устига ўн икки *ритл* эски хушбўй шароб қўйиб, икки кечакундуз қўйилади. Кейин қозонга солиб, устига уч *ритл* тоза асал, икки *ритл* новвот қўшилади ва қиём бўлгунча қайнатиб, сўнгра оловдан туширилади-да, омила шираси ва мушкни солиб, [идишга] кўтариб қўйилади.

Салмавайҳ шарбати. Меъдани кучайтиради, иштаҳани қўзғатади ва хафақонни йўқотади.

Таркиби. Бир *ритл* цитрон пўчоги, бир *уқия мармохур*, бир *мисқол* қалампирмунчоқ ва бир *мисқол* хом ул олиб майдаланади ва устига беш *ритл* шароб солиб, уч кечакундуз қўйилади. Кейин унга уч *ритл* оқ новвот, бир *мисқол* мастаки, ярим *дирҳам* заъфарон ва икки *донақ* яхши омила шираси солиб, [ҳаммаси] бир текис бўлгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра сузиб, бир

идишга иўтариб қўйилади ва гулоб сингари истеъмол қилинади.

Ғўра шарбати. Меъданинг ҳароратига ва сафро эрганига ҳамда иссиқликдан бўладиган оғриқлар билан заҳарларга қарши фойда қилади. У яна чанқашни босади ва ҳомиладор хотинларнинг меъдасини кучайтириб, ёмон хилтларни қабул этмайдиган қилади.

Таркиби. Үзум ғўрасидан сиқиб олинган сув ярми қолгунча қайнатилади ва сузиб бир кеча қўйгандан кейин қозонга яна солиб, унинг ёқимсиз ҳиди кетсин учун икки дирҳам қалампирмунчоқ қўшилади. Сўнгра [қайнатиб] қуюлтирилди ва сузиб истеъмол қилинади. Агар уни ширин қилишни истасанг, паст оловда шарбат даражасигача қюлгунча қайнатгандан сўнг шакар кўш, кейин қуюлтириб истеъмол қил.

Биз тайёрлаган бўза нусхаси. Бу фойдали бўлиб, жинсий қувватни оширади.

Тайёрлаш. Мурҷ, занжабил, сунбул ва мускат ёнғоқларининг ҳар биридан беш дирҳамдан; янчилган темир чиркидан ўн дирҳам, гандано уруғидан ўн беш дирҳам, таратизэк уруғи, шолғом уруғи, қичиткиўт уруғи ва хардалларнинг ҳар биридан тўрт дирҳамдан, қуш тили, ёввойи сано уруғи, ҳабб уз-залам ва сақиц дарахти уруғининг мағзидан уч дирҳамдан олиб, янчилади ва сенга маълум йўсинда тугунчага тугилади. Кейин шуни айрон [зардобига] даҳ ёздаҳ ҳисобида солиб аралаштирилди, сўнгра шу айрон [зардобини] ўзига баробар миқдордаги нон бўзаси билан қўшиб [бошқатдан] бўза тайёрланади.

МУРАББОЛАР ВА АНБАЖЛАР

Жуланжубин тайёрлаш. Иситмага ва меъда оғриғига фойда қилади.

Қизил гулни косачасидан ажратиб олиб, пастки қаттиқ оқ жойлари қирқиб ташланади-да, намлиги қуригунча тоза латтага ёйиб қўйилади. Сўнгра тоғорага солиб, қўл билан эзилади ва устига кўпиги олинган асалдан [ҳаммасини] майин қилиб қориш мумкин бўладиган миқдорда қўшилади. Шундан кейин ўни шаша ёки сопол идишга олиб, қирқ кун офтобга қўйилади. [Кунда] эрталаб ва кечқурун аралаштириб турилади, агар асал керак бўлса, қўшилади. Кейин олиб қўйиб, олти ойдан кейин истеъмол қилинади.

Гунафша билан ҳам шундай қилинади. Агар *жуланжубин* ёки гунафша [мураббоси] шакар билан тайёрланса, олдин шакарга бир оз чучук сув солиб, асалдек қилиб эритилади-да, кейин *жуланжубин* тайёрлагандек қилиб тайёрланади.

Цитрон мураббоси. Меъда заифлигига мувофиқ бўлиб, овқатни ҳазм қиласди.

Янги цитрондан олиб, ҳар бир цитрон узунасига тўрт қисмга бўлинади, кейин [пўчоғини] ички нордон қисмидан тозалаб, сопол тоғорага солинади ва улар қотсин учун йирик оқ туз қўшилган чучук тиниқ сувда етти кун ивитиб қўйилади. Кейин яна етти кун тузсиз сувда [ивитилади] — шунда [пўчоқларнинг] ранги ўзгариб, сиртқи томони ҳам ичига ўхшаб оқаради. Сувни тотиб кўриб, мазасида шўрлик қолмагунча [алмаштирилади]. Шунда кейин бир қисм яхши асал ва икки қисм сув қўшиб [тайёрланган аралашмадан] цитронни кўмадиган миқдорда солинади ва қозонда паст оловда икки соат қайнатилади; сўнгра [цитронни] асал ва сувдан чиқариб олинади. Эртасига асал олиб қайнатилади ва үнинг кўпигини олиб, ичига цитрон солинади, бир қайнатиб олинади. Кейин [цитрон] тоғорага солинади ва устига қўйидаги дорилар сепилади: ҳар икки *манн* цитронга зальфарон, кичик қоқила, ва қоқи лаларнинг ҳар бирйдан — бир мисқолдан; қалампир-мунчиқ ва дорчинларнинг ҳар бирйдан ярим мисқолдан, мушкдан эса бир ярим *донақ* [солинади]. Бу дориларни янчиб, цитроннинг икки томонидан сепилади ва бир идишга солиб, устига асал қўйилади.

Беҳи мураббоси. Меъданни кучайтириб ични боғлайди, шунингдек, ҳазм бузуқлигига ҳамда меъданнинг оғзи сабабли юз берадиган қусишда [фойда қиласди].

Таёёрлаш. Яхши йирик беҳидан олиб, ичи ва пўчоғи тозаланади ва [ҳар бирини] тўртга бўлиб, сув билан асалда қайнатилади, шунда сув икки қисм ва асал бир қисм бўлиши керак, баъзи одамлар уни шароб билан асалда пиширадилар, бу — энг яхши усул. Кейин уни совутиб асалнинг ёлғиз ўзида пиширилади. Сўнгра [беҳини] тоғорага ёйиб, устига цитрон [қисмida] кўрсатилган дорилар сепилади ва устига асал солиб сақлаб қўйилади.

Беҳи мураббоси учун бошқа нусха. Меъда заифлиги ва ич кетишга фойда қиласди.

Пишган беҳидан олиб, тўртга бўлинади ва ичидаги уруғларидан тозалаб устини зиғир рўмолча билан арти-

лади. Кейин бир қисм асал ва тўрт қисм сув [аралаш-
масидан] беҳини кўмадиган миқдорда солиб, икки ёки
уч марта қайнатиб олинади. Сўнгра сузib [беҳи] яна
қозонга солинади ва устига бир ҳисса кўпиги олинган
асал ва бир ҳисса сув солиб, икки ёки уч марта қайнатиб
олинади; кейин сузib намлиги қуригунча лаганга
ёйиб қўйилади. Сўнгра артиб қозонга қайтариб солина-
ди ва устига тўрт энлик кўмадиган қилиб асал қуйиб,
бир қайнатиб олинади. Шундан кейин цитрон қисмида
эслатиб ўтилган дориворлар сепилади ва яшил қўзачага
солиб, оғзи маҳкамлаб беркитиб қўйилади. Баъзи та-
библар қоқила, қалампирмунчоқ ва заъфарондан бош-
қа дориворларни қўшмайдилар.

Сабзи мураббоси. *Ибрида*, буйрак заифлиги ва
умуртқа оғриғига фойда қиласи ва жинсий қувватга
ёрдамлашади.

Таркиби. Ранги тиниқ, тоза ва қаттиқ сабзидан
олиб, икки учидан кесиб ташланади-да, устига ўз оғир-
лигича каллақанд ёки шакар солинади ва кўмадиган
қилиб сув қуйиб, паст оловда [сабзи] юмшагунча қайнатилади. Кейин оловдан тушириб, қурисин учун лаганга
ёйиб қўйилади, [қуригач] устидаги морорлаган
жойларини артиб [тозалаб], қозонга қайтариб солинади ва устига кўпиги олинган асалдан тўрт энлик кўмадиган миқдорда солиб, паст оловда пиширилади. Асал [сабзининг] ҳамма қисмларига ўтгандан кейин оловдан туширилади ва сопол қўзачага бир қават [сабзи] териб, устига доривор сепилади, шу тариқа ҳаммаси
жойлаб чиқилади.

Ҳалила мураббоси. Хитой ва Ҳиндистонда бу мураббони ҳалиланинг ҳўлидан тайёрланади, ўша ерлардан
келтириладигани жуда яхши бўлади. Бизда эса қуидаги-усулда тайёрланади: яхши Кобул ҳалиласидан олини-
нади-да, шўр тупроқли бўлмаган, қумли нам ердан чуқур қазиб ичига бир қатор ҳалила терилади, бунинг
остига ва устига ҳўл қумдан солиб, сув сепиб қўйилади. Икки кундан кейин ҳалиланни олиб, [чуқурга] олдин-
гидан бошқа ҳўл қум солинади ва [ҳалила] намлансан
учун икки кун қўйилади. Ўн кунгача шундай қилинса,
ниҳоят, ҳалила катталашиб, нам тортиб кўпчииди.
Кейин уни чучук сув билан уч-тўрт марта ювилади. Сўнгра хурмо ва тўпалоқдан олиб, иккаласи кўп сувда
қайнатилади ва мана шу қайнаган сувга ҳалиланни солиб паст оловда аста-секин қайнатилади. Ўншигандан
кейин олиб, тозалаб ювилади. Кейин асални қайнатиб

кўпиги олинади-да, унда [ҳалила] қайнатилади. Шундан кейин цитрон мураббоси бобида мен эслатиб ўтган дориворларни олиб, юпқа ва тоза зифир латтага туgiladi-da, қозоннинг ичига осиб қўйилади ва дориворларнинг қуввати ҳалилага ўтсин учун [тугунча] тез-тез эзиз турилади. [Мураббо] пишгандан кейин уни сопол тоғорага солиб, ҳалила дориворларнинг қувватини олсин учун икки уч кун қўйилади. Кейин шиша идишга олиб, устига кўпиги олинган асал солинади, унинг устидан мушк, заъфарон ва исталган миқдорда бир оз анбар солиб, идишнинг оғзини беркитиб қўйиб истеъмол қилинади. Бу қанча эскиса, шунча яхши бўлади.

Занжабил мураббоси. Занжабил ҳам зарчавага ўхшаш ердан олинадиган илдиз бўлиб, Хитойда унинг ҳўлидан жуда яхши мураббо тайёрланади. Бизга эса унинг асал ёки гуруч суви билан тайёрланган мураббоси келтирилади. Бизда яна [занжабилнинг] қуруғини бир ой тузсиз сувда ивтилгандан кейин асал ва дориворлар билан қўшиб [мураббо] тайёрланади. Бошқалар эса уни ҳалилага ўхшатиб қумга кўмиб қўйиб, кейин ҳалила бобида биз айтган йўсинда [мураббо] қиласидилар.

Олхўри мураббоси. Агар [олхўри] ҳўл бўлса, унинг данагини ажратгандан кейин асал ва сув билан сўнгра ёлғиз асалнинг ўзи билан пишириб ичига юқорида биз эслатиб ўтган доривор қўшилади. Агар қуритилган бўлса, уч кун сувда ивтииб қўйиб кейин пиширилади.

Шолғом мураббоси. Яхши шолғомдан олиб, уларнинг катта-кичиклигига қараб тўрт ёки олти бўлакка бўлиниди ва пўчоғини арчиб, тузли сувда тўрт кун ивтииб қўйилади. Шундан кейин уч кун иссиқ сувда ивтилади-да, асал билан сувда, сўнгра ёлғиз асалнинг ўзида пишириб хушбўй қилинади.

Бодом мураббоси. Янги ширин бодомни пўсти билан бирга олиб, ивитмасдан пиширилади ва [бодомларни] тешиб, хушбўй ҳидли дориворлар қўшилади.

КУЛЧАЛАР

Бизнинг бу ердаги сўзимиз ҳам олдин ўтган [мақолалардаги] сўзимиз сингари бўлади.

Юлдуз кулчалари. Қадимги табиблар буларни шударажагача улуғлаган эдиларки, ҳатто уларни *акрос кавказбо...*, яъни ҳаётни енгилишга қўймайдиган юлдуз кулчалари деб атаганлар.

Бу кулчалар бошқа аъзолардан ҳайдалиб келаётган чиқиндиларни қабул қиласидан заиф меъдаларга мувоғиқ келади ва нордон кекирикни йўқотади. Агар улар пешонага суртилса, бош оғригини босади; улар назлалар ва тиш оғриғига ҳам фойда қиласиди, — уларни гальбан елими билан қўшиб, [тишнинг] ейилган жойига қўйилади. Улар яна қулоқ оғрифи, қон туфлаш ва ҳар қандай аъзодан қон оқишида ҳамда эски йўталда фойда етказади. Агар улар самсақ суви билан ичирилса, даврий иситмаларга фойда қиласиди, газагўт сувига солиб ичирилганда эса, заҳарли [ҳашаротлар] чаққанда ва заҳар ичганда фойда қиласиди.

Бу [кулчаларнинг таркиби] «ер юлдузи» қўшилади; кўпчилик [табиблар] буни талқ дейдилар, баъзилар эса Самос лойи деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, талқ меъданинг ички сочиқсимон деворига ёпишиб ўнашиб олса керак, шунда унинг ўзи тугма ҳароратдан таъсирланмасдан бошқа нарсага таъсир кўрсатади. Биз [кулчаларнинг] таркибини улар келтирган тарзда келтирамиз.

Таркиби. *Mурр*, қундуз қири, сунбул, Саранди́дорчини, муҳр лойи ва меҳригиёх илдизининг пустлоғи — шуларнинг ҳар биридан — тўрт дирҳамдан; афюн, заъфарон, қуст ва «ер юлдузи», яъни талқларнинг ҳар биридан — беш дирҳамдан; оқ кўкнордан олти дирҳам; ёввойи сабзи уруғи, Рум арпабодиёни, Рум сассиқ қавраги, мингевона уруғи, суюқ майъа елими ва петрушка уруғларининг ҳар биридан — саккиз дирҳамдан [олинади]. Елимлар хушбўй шаробда ивтилади, [бошқа] дорилар эса янчилади, кейин [ҳаммасини] қоришириб, ярим дирҳамлик кулчалар тайёрланади ва сояда қуритиб истеъмол қилинади.

Қизил гул кулчаларининг умумий [нусхаси]. Меъда оғриғига фойда қиласиди, меъдадан рутубатларни тозалаб кетказади ва балғамдан бўладиган эски иситмаларни йўқотади.

Таркиби. Косачасидан тозаланган қизил гулдан — йигирма дирҳам, хушбўй сунбул ва чучукмия илдила-рининг ҳар биридан — ўн дирҳамдан; баъзи табиблар чучукмия илдизи ўрнига чучукмиянинг қуюлтирилган ширасини оладилар. Бу дориларни янчидан элагандан кейин аралаштирилади, кейин мусаллао билан қорилади ва кулчалар ясад, сояда қуритилади.

Асклепиад нусхаси бўйича қизил гул кулчалари. [Меъда] ҳароратини сўндиради ва меъда оғриғига фой-

да қилиб, у [меъда]ни кучайтиради; у яна астма, ҳарорат, алангаланиш, рутубат, «меъда ағдарилиши», ҳарсиллаш ва куйишда ҳам [фойда қиласди].

Таркиби. Ҳўл қизил гулдан олти мисқол, чучукмия илдизидан тўрт мисқол ва Ҳинд сунбулидан икки мисқол олиб, шинни билан қорилади ва бир дирҳамлик кулчалар ясад, сояда қуритилади.

Кофур кулчалари. Ҳароратни сўндириб иситмалардаги алангаланишни босади, ингичка оғриқ ва силга фойда қиласди, ташналик, беҳузурлик ва қон қусишини тўхтатади.

Таркиби. Табоширдан тўрт дирҳам, қизил гулдан етти дирҳам, бодринг уруғи, семизўт уруғи, ширин қовоқ уруғи, катиро, Рум сунбули, [араб] елими, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси, хом уд ва қоқилаларнинг ҳар биридан уч дирҳамдан, заъфарондан икки дирҳам, новвот ва янтоқшакарларнинг ҳар биридан етти дирҳамдан ва кофурдан бир ярим дирҳам олиб янчилади ва испағул шираси билан қориб, кулчалар ясалади.

Кофур кулчаларининг бошқа нусхаси. Меъда ва жигарнинг алангаланиши, қон қусиши, ташналик ва ўткир иситмаларга фойда қиласди.

Таркиби. Табоширдан — тўрт дирҳам, косачаларидан тозаланган қизил гулдан — ўн дирҳам, тоза яхши уд, қоқила ва қуюлтирилган чучукмия шираларининг ҳар биридан — уч дирҳамдан, новвот, янтоқшакар ва пўчоги тозаланган таррак уруғларининг ҳар биридан — икки дирҳамдан; заъфарон ва кофурларнинг ҳар биридан — бир дирҳамдан олинади. Бу дориларни янчиб, өлаб қўшилади, кейин испағул шираси билан қориб, бир дирҳамлик кулчалар ясалади ва сояда қуритиб истеъмол қилинади.

Кофур кулчалари учун бошқа нусха. Ўткир иситмаларга фойда қиласди ва жигар тиқилмаларини кучли равишда очади.

Таркиби. Қуритилган гунафша ва нилуфарларнинг ҳар биридан — уч дирҳамдан, таррак уруғи, қасад уруғи, табошир ва заъфаронларнинг ҳар биридан — икки дирҳамдан; Чин ровочи ва лаккларнинг ҳар биридан — бир дирҳамдан, катиро, араб елими ва чучукмия шираларининг ҳар биридан икки дирҳамдан, кофурдан — ярим мисқол; бошқа бир нусхада кофурдан — бир мисқол; янтоқшакар ва қандларнинг ҳар биридан ўн дирҳамдан олиб янчилади ва кўлчалар ясалади.

Кофур кулчалари учун бизнинг нусхамиз. Сачратқи

уруги, коху ва семизўтларнинг ҳар биридан — икки дирҳамдан, пўсти чақилган қовоқ уруги ва пўсти чақилган бодринг ўрурларининг ҳар биридан — иккю учдан бир дирҳамдан; топилса, қадирнина қуюлтирилган ширасидан, бўлмаса мақосирий сандалидан уч дирҳам, куйдирилган қисқичбақа, заъфарон, қуюлтирилган чучумия шираси ва кофурларнинг ҳар биридан бир дирҳамдан ва қизил гулдан ^{тўғ} дирҳам олиб, кулчалар тайёрланади.

ҚАЙНАТМА ВА ҲАБ ДОРИЛАР

Сургилик хусусияти бўлган қайнатма ва ҳаб дорилар ҳақидаги сўзни, шунингдек, томоқ чайиладиган, бурунга тортиладиган, аксиртирадиган, қўйиб борланадиган ва қўйиладиган [дорилар] ҳамда кўз, тиш ва бошқа [аъзога ишлатиладиган] дорилар тўрисидаги гапни Иккинч жумлага қолдиралмиз. Бу жумлани оса ёғлар ва марҳамлар ҳақидаги сўзлар билан тутгаллаймиз, аммо ундан олдин қайнатма ва ҳаб дориларининг Иккинчи жумлагача зикр этилиши мувофиқ кўрилган айrim нусхаларини келтирамиз.

Илдизлар қайнатмаси. Тиқилмалар, қийналиб сийин ҳамда жигар ва меъда оғриғига фойдали бўллиб, уни ёғлар ва бошқа хил нарсалар билан истеъмол қилинади.

Тавсифи. Ковул илдизининг пўстлори, арпабодиён илдизи, петрушка илдизининг пўстлори, қораҷайир илдизи, арпабодиён уруги, петрушка уруги, Рум арпабодиёни, хушбўй сунбул, парсиёвашон, сунбул, мастаки ва уруги олинган майизларнинг ҳар биридан керакли миқдорда олиб қайнатилади ва керагича ичрилади.

Киндий тайёрлаган илдизлар қайнатмаси. Бу жигар оғриғига фойдалидир.

Таркиби. Арпабодиён илдизи пўстлори ва петрушка [илдизи пўстлоқларининг] ҳар биридан бир дирҳамдан, арпабодиён уруги ва петрушка ургуларининг ҳар биридан ярим дирҳамдан, янчилган қизил гул, ялпиз ва қораҷайирларнинг ҳар биридан ярим дирҳамдан, уруги тозаланган майиздан икки дирҳам, туғрӯдан икки донақ ва сунбулдан ҳам икки донақ олиб, устига учдан икки ритл сув солинади ва ундан икки ўқиј ёки бироз кўпроқ қолгунча қайнатилади. Кейин бир дирҳам ширин бодом ёридан қўшиб ичрилади.

Эрман қайнатмаси. Жигар ва мөнда оғриқларига ҳамда балгам ва савдодан бўладиган аралаш совуқ иштмаларга фойда қиласди.

Таркиби. Рум арлабодиёни, потрушка уруги, Рум эрмани, туёрт, арлабодиён уруги ва ҳорачайир иадизларининг ҳар бирдан керакли миқдорда олиб қайнатилади ва суви ажратиб ичирилади.

Мушк билан тайёрланадиган Ҳинд ҷаби. Мөнда оғриғига фойда қиласди, оғиз ҳиди ва ичилган шароб ҳидини кетказади ва [мөнда] рутубатларини қуритади.

Таркиби. Ромак ва ковулларникаг ҳар бирдан бир ритлдан олиб майдаланди ва сув билан юзиб қозонга солинади; устига қирқ ритл сув солиб, беш ритл қолгунча қайнатилади. Кейин сузиб, сувни тоза қозонга қайтариб солинади ва у қуюлгунча қайнатилади; у [қозон тагига] ёпишиб куймаслиги учун доимо қошиқ билан кавлаб туриш лозим. Сунгра уни кўк тогорага солиб, ювилган сабрни қуритгандек қуритилади. Бундан ҳаб тайёрламоқчи бўлсанг, йигирма мисқолини олиб, янич ва эла. Кейин кичик қоқила, қалампирмучок, мускат ёнғоги, мускат ёнғогининг қобиги, Ҳинд уди, содаж, кичик қоқила, оқ сандал, уд меваси ва келиндоналарнинг ҳар бирдан бир мисқолдан, мушкдан беш мисқол ва кофурдан ўн мисқол ол. Буларнинг ҳар бирин айрим айрим янчиб эланади, сунгра аралаштирилади. Шундан кейин яна ромакдан беш мисқол олиб, устига олти уқия сув қуй ва икки уқия қолгунча қайнат. Сунгра сузиб, шу [қайнатма] билан дориларни қориштир ва нўхат сингари ҳаблар ясаб қуритиб, керагида истеъмол қил.

ЁГЛАР

Бизнинг ёглар ҳақида бу жумлада айтадиган сўзи-
миз [юкоридаги] шартимизга биноан бўлади.

Рум сунбули ёғи. Бунинг фойдаси кўп бўлиб, энг яхши ёғлардан бири ҳисобланади. У ичдаги совуқлик ва еллардан бўладиган барча оғриқларга фойда қиласди, қулоқдаги совуқлик оғриқларни босади ва йўқотади; агар у бурунга тортилса, бош оғриғи ва шақиқатади; у яна рангни яхшилайди, еллардан бўладиган қуланж билан ичак оғриқларни йўқотади ва уларнинг оғриқларига фойда қиласди, жигар ва қорини оғриқларини босади ва бачадонни қиздиради. Агар унни олатинларни ичига юборилса, бўйрак ва ковуқка ҳамда қовуқнинг бўшашганига фойда қиласди.

Биринчи пиширув ва таркиб. Хушбўй қамиш, тўпалоқ, дафна барги, бальзам ёғочи, Ҳинд содажи, қора андиз, қорачайир, арча бужури, мирт, ёввойи зира ва самсақларнинг ҳар биридан икки *үқиядан* олиб, йирик қилиб янчилади ва қозонга солиб, устига шароб ва сув қўйилади-да, ивитиб қўйилади. Кейин устига беш қист кунжут ёғидан қўшиб, қўшалоқ идишида уч соат давомида паст оловда қайнатилади; шунда доимо кавлаб турилади, кейин оловдан тушириб, совутиб қўйилади ва ёғи сузилади.

Иккичи пиширув ва таркиб. Қизил гул, Сарандип дорчини, ҳўл мирт шираси ва *муррларнинг* ҳар биридан икки *үқиядан* олиб, йирик қилиб янчилади ва устига сув ёки шароб солиб ивтилиади; [кейин] биринчи гал пиширилган ёғни қўшиб, уч соат паст оловда қайнатилади ва совутиб сузилади.

Учинчи пиширув ва таркиб. Сунбул, қалампирмунчоқ ва *майъа* елимларининг ҳар биридан уч үқиядан, мускат ёнғофидан беш үқия ва бальзам ёғидан олти үқия олинади. Дориларни йирик қилиб янчиб, устига сув қўйилади, [аралашма] қизигац, юқорида кўрсатилган пиширилган ёғни, шунингдек, бальзам ёғи ва совуқ *майъа* елимини қўшиб ковлаш орқали яхшилаб аралаштирилади ва суви кетиб ёғи қолгунча қайнатилади.

Катта канакунжут ёғи. Бу [аъзолар] бўшашибганда ҳамда фалаж ва юз фалажига фойда қиласи, жигар ва талоқ тиқилмаларни очади, шунингдек, бу қуланж ҳуқналарига қўшилади.

Таркиби. Жувона, каклигўти, тоғ ялпизи, *мурр*, хушбўй канавча, петрушка уруғи, арпабодиён уруғи, Рум арпабодиёни, қора йўнғичқа уруғи, түёфўт, мастаки ва сариқ йўнғичқаларнинг ҳар биридан етти *дирҳамдан*, шулл, бил, фулл, иғир, Ҳинд чакамуғи ва муқлларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан*, Эрон қавраги, қаврак елими ва говширларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, петрушка уруғи, арпабодиён илдизининг пўстлоғи, қорачайир, чучукмия илдизи, қуруқ қора андиз ва темиртиканларнинг ҳар биридан ўн *дирҳамдан*, чўл қовоғи ва «қора ток»ларнинг ҳар биридан уч *дирҳамдан*, занжабил, дорчин, қалампирмунчоқ, қоқила, кичик қоқила, келиндона, узун мурч, мурч, мускат ёнғоги, мускат ёнғоги қобиги, седана, қуст ва қора зираларнинг ҳар биридан тўрт *дирҳамдан*, ёввойи занжабил ва дарунакларнинг ҳар биридан беш *дирҳамдан* [олинади]. Бу

дорилар йирик қилиб яничилади ва устига кўмадиган қилиб сув солиб, улар титилиб кетгунча қайнатилади. Кейин сузид [қайнатмага] етти ритл сиқиб олинган қа-нақунжут ёри солинади ва сув кетиб ёғ қолгунча паст оловда қайнатилади. Қерагида бундан иккى ёки уч мисқоллик илдизлар суви билан бирга истеъмол қилинади.

Содда қанақунжут ёғи. У сувнинг ёлғиз ўзи билан қайнатилади. У ёлғиз сувнинг ўзида қайнатилса, ҳарорати камаяди. Сувнинг ўзи билан ювилгани рикобни зайтун ёғига ўхшаш бўлади.

Қовоқ ёғи. Бу [ёғнинг] ёлғиз ўзи бутун бадандаги ҳар қандай ҳароратга фойда қиласди. Агар [ҳарорат] ташқи аъзода бўлса, бу ёғ ўша ерга суртилади, агар қовуқ ва буйракда бўлса, уларнинг устига суртилади, [бу ёғ] ичирилади ва [овқатга] қўшиб берилади. Агар ҳарорат бутун баданда бўлса, у ичирилади ва [овқатга] қўшиб берилади; агар [ҳарорат] бошда бўлса, бу [ёғ бошга] суртилади ва бурунга тортилади. Агар ичакларда ўткир ўт бўлса, бу ичирилади, у ҳақиқатан ҳам, буларнинг ҳаммасида фойда етказади.

Тайёрлаш. Қатта пишган қовоқни олиб, пўчоги артилади ва майдалаб сиқилади; унинг сувидан тўрт қисм ва янги кунжут ёғидан бир қисм олиб, [иккаласи] паст оловда сув кетиб, ёғнинг ўзи қолгунча қайнатилади, кейин сузид, шишага солиб қўйиб истеъмол қилинади.

Райҳон ёғи. Тизза, бўғинлар ва бутун бадандаги бодга фойда қиласди.

Тайёрлаш. Райҳон сувидан бир қисм ва кунжут ёғидан ҳам бир қисм олинади-да, сувнинг ҳаммаси [буғланниб] кетиб, ёғ қолгунча қайнатилади. Кейин сузилади ва шиша идишга солиб, оғзи маҳкамлаб беркитиб қўйилади. Бир ичими биз юқорида айтган [касалликлар] учун бир мисқолдан ярим уқиягача бўлиб, уни бир оз зира қўшиб қайнатилган нўхат сувининг иккى уқияси билан ичирилади ва устидан зирбож билан овқатлантирилади. Аъзоларга бу ёғ суртилса ҳам фойда қиласди.

МАРҲАМЛАР ВА ҚУЙҚ СУРТМАЛАР

Кўрошин упаси марҳами. Олов куйдирганига ва териси шилингнага фойда қиласди.

Таржифа. Куйдиринган кўрошиндан ғир дирҳам, кўрошин упасидан беш дирҳам, сўнг мумдан етти дирҳам

ва гул ёғидан икки *үқия* олинади. Мум ва ёғни эритиб туриб, ҳовончада унга қўрғошин упаси билан куйдирилган қўрғошин қўшилади ва совумасдан олдин ҳаммаси аралаштирилади; бунга яна битта тухум оқини аралаштириб истеъмол қилинади.

Бошқаси. Қўрғошин упасидан беш *дирҳам*, куйдирилган қўрғошиндан икки *дирҳам*, кумуш чиркидан бир *мисқол* ва катиродан бир *дирҳам* [олинади] ва янчиб, ипак элакдан ўтказилади. Кейин бир *үқия* оқ мум, уч *үқия* гул ёғи билан эритилади ва устига юқоридаги дориларни солиб, ҳовончада эзилади.

Катта босилиқун марҳами. Бу яраларга фойдали бўлиб, уларни [эт билан] тўлдиради, [бадандаги] асабга бой жойларга ҳамда ҳарорати йўқ жароҳатларга мос келади.

Таркиби. Мумдан бир *ритл*, зифтдан саккиз *үқия*, *мурр* ва *ротинажларнинг* ҳар биридан тўрт *үқиядан*, сақичдан тўрт *үқия* ва зайдун ёғидан беш *ритл* олинади. Мум билан зифт зайдун ёғида эритилади, *мурр* билан санавбар елими эса эзиб янчилади-да, кейин [ҳаммасини] ҳовончада қўшиб, марҳам тайёрланади.

Кичик босилиқун марҳами. *Ротинаж*, зифт ва мумлардан баробар миқдорда олиб, истеъмол қилинади.

Сирка қўшилган қўрғошин упаси марҳами. Янчиб әлангтан қўрғошин упасидан бир *манн* ва зайдун ёғидан икки *ритл* олинади-да, қўрғошин упасини зайдун ёғи билан қўшиб чалинади. Кейин сиркадан ўн *ритл* олинади ва оз-оздан аралашмага қуйиб туриб чалинади [аралашма] қуюлгандан кейин идишга кўтариб олиб, керагида ишлатилади.

Зангор марҳами. Эски яраларга фойда қиласи ва ортиқча этни ейди.

Таркиби. Зангордан — икки *дирҳам*; мум, *ротинаж* ва санавбар елимларининг ҳар биридан беш *дирҳамдан* олинади. Зангор янчилади, бошқа дориларни эса керакли миқдордаги зайдун ёғида эритилади, кейин буларга зангорни солиб, бир текис аралашгунча чалинади-да, истеъмол қилинади.

Қора марҳам. Куйдирилган қўрғошиндан бир *үқия*, ўткир сиркадан уч *үқия* ва зайдун ёғидан икки *үқия* олинади-да, ҳаммаси қуйиб кетмасин учун эҳтиётлик билан кавлаб туриб, қайнатиб қуюлтирилади.

Диёхилун марҳами. Салъаларга ҳамда қулғуна ва қаттиқ шишларга фойда қиласи.

Таркиби. Сариқ йўнғичқа, зигир уруғи ва оқ гулҳайриларнинг ҳар биридан бир *кайлаҗадан* олина-ди ва ҳар бири алоҳида бир кеча-кундуз ивитиб қўйи-лади. Кейин ҳар бирининг ширасидан биру чорак *ритл-дан*, куйдирилган қўрғошиндан бир ярим *ритл* ва зайдун ёғидан икки *ритл* олинади. Ширалар бир қайнатиб олиниб, оловдан туширилади, сўнгра зайдун ёғи янчил-ган қўрғошин упаси билан қуюлиб ранги ўзгаргунча қайнатилади, кейин унга бирин-кетин ширалар қўшиб, паст оловда қуюлтирилади.

Қизил марҳам. Янчиб эланган куйдирилган қўрғо-шиндан бир *манн*, зайдун ёғидан икки *ритл* ва сиркадан ўн *ритл* олиб, ҳаммаси қуюлгунча чалинади. Қуюлган-дан кейин устига бир *ритл* янчиб эланган зарчава қў-шилади.





Биз бу қисмда ҳар бир касалликка кўпроқ ҳос бўлган мураккаб дориларни келтирамиз, шунда ҳам олдин Биринчи қисмда айтилганларни эслатамиз, натижада бу китобни ўқиган киши барча хил даволарни ёки уларнинг жуда қўпини иҳота қилиб олади.

БОШНИНГ АҲВОЛИ ВА ҮНДА БУЛАДИГАН (КАСАЛЛИКЛАР)

Бош оғриғи. Бунга Антиллнинг бош оғриғи учун [тайёрланган] увуштирувчи дориси фойда қиласди.

Таркиби. Фофоданун сутидан ўн олти мисқол, кўкнор сути, яъни афюндан тўрт мисқол, заъфарондан тўрт мисқол, Рум арпабодиёнидан тўрт мисқол, мингдевона уруғидан тўрт мисқол, муррдан тўрт мисқол ва сақмуниёдан тўрт мисқол [олинади]. Буларнинг ҳаммаси сирка билан қорилади ва кулчалар ясаб, сояда қуритилади. Қачон буларга эҳтиёж тушса, уларни сиркада ивитиб, пешанага бир чаккадан иккинчи чаккагача етказиб суртилади; агар касалнинг иситмаси бўлса, [кулчаларни] сувда ивитиб суртилади.

Антилл истеъмол этган кулча. Таркиби. Дафна мевасидан — тўрт мисқол, сақмуниё, афюн, мурр ва гўра узум шираларининг ҳар биридан — тўрт мисқолдан; петрушка уруғи, заъфарон ва тошчўпларнинг ҳар биридан саккиз мисқолдан [олинади]. Булар етарли миқдордаги сирка билан қориширилади ва кулчалар ясаб, суртма шаклида истеъмол қилинади.

Бурунга тортиладиган дори. Бу [дори] бошни тозалайди, шунингдек, кўпдан бери кўз оғрифига мубтало бўлган, тутқаноққа йўлиққан ҳамда бошидан кўп рутубат тушадиган кишиларга фойда қиласди.

Таркиби. Седанадан икки мисқол, навшадилдан бир мисқол ва ёввойи бодринг ширасидан бир мисқол

[олиб], ҳаммаси майдалаб янчилади ва сукровион деб атоловчи зайдун ёнида ёки гулсапсар ёнида ёки хина ёнида қориб, ёнда суюқ қилиб эритилган мум ҳолига келтирилади да, бир идишга солиб қўйилади. У [шундай] истеъмол қилинади; уни бурун тешикларининг ичига суртиб, касалга ҳаво тортиш буюрилади.

Шақиқа. Бунга [қўйидаги] кулча дори фойда қиласди, агар у чаккадав чаккагача икки ёки уч марта суртилса, яхшигина таъсир кўрсатади.

Таркиби. Зальфарондан — ўн беш мисқол, яшил зокдан — ўн мисқол; мурр, аччиқтош, афюн, узум ғўрасининг қуритилган шираси ва сариқ зокларнинг ҳар биридан уч мисқолдан ва [араб] елимидан ўн беш мисқол олинади. Булар янчилади ва устига буриштирувчи шаробдаи етарли миқдорда солиб, яна шиёфни эзив, янчандек қилиб эзилади да, кулчалар тайёрланади. Бунга эҳтиёж тушганда, сув қўшилган сиркада ивитиб истеъмол қилинади.

ҚЎЗ ВА УНГА ТЕГИШЛИ ҚАСАЛЛИҚЛАР

Кўзнинг яллиғланиши ва унга моддаларнинг оқиб келиши. Бунга Баклус аҳолисидан бўлган бир кўз табиби тайёрлаган шиёф фойда қиласди.

Нусхаси. Момисо шамчаларидан қирқ саккиз мисқол, анзиратгўштхўрдан йигирма тўрт мисқол, шоданадан ўн икки мисқол, афюндан ўн икки мисқол, меҳригиёҳ илдизидан саккиз мисқол, [араб] елимидан ўн олти мисқол ва катиродан ўн икки мисқол [олинади] ва сув билан қориб, истеъмол қилинади.

«Уйқу келтирувчи» деб аталадиган шиёф. Қаттиқ оғриқ ва барча хил шишга, шунингдек, моддалар кучли равишда қуюлиб келганда фойда қиласди.

Нусхаси. Момисодан йигирма тўрт мисқол, анзиратгўштхўрдан саккиз мисқол, заъфарон, мурр, афюн ва куйдирилган зокларнинг ҳар биридан саккиз мисқолдан ва [араб] елимидан ўн икки мисқол [олиб], ёмғир суви билан қорилади ва тухум оқи билан истеъмол қилинади.

Эразистрат дориси. Бу трахома ва эски кўз яллиғланишига, шунингдек, йиринг оқадиган қулоқقا, битиши қийин яраларга ва оғизда бўладиган ел яраларга фойда қиласди.

Таркиби. Куйдирилган мисдан икки мисқол,

мурдан бир мисқол, куйдирилган зокдан бир мисқол, мурчдан учдан бир мисқол, заъфарондан ярим мисқол, шаробдан тўқиз ўқия ва шиннидан тўрт ярим ўқия олинади. Қуруқ дорилар эзib янчилади ва эзиш вақтида устига шароб қўйиб турилади; қуригач, шинни қўшиб яна эзилади ва бир идишга солиб паст оловда қайнатилади; кейин мис идишда сақланади.

Кўзга тушган оқقا ишлатиладиган кукун дори. **Таркиби.** Зангор, қаврак елими ва куйдирилган денгиз қисқичбақаларининг ҳар биридан беш дирҳамдан, **Абу Жаҳл** тарвузининг этидан икки ярим дирҳам, ҳўқиз ўти ва Арман бурақларининг ҳар биридан икки дирҳамдан, Дароний тузидан уч дирҳам, оқ мурчдан йигирма дирҳам, денгиз кўпигидан тўрт дирҳам, жўжа чиққан тухум пўчоғидан уч дирҳам, қайроқтош кукундан беш дирҳам, уромастикс калтакесагининг тезагидан ўн дирҳам ва тешилмаган марвариддан тўрт дирҳам [олинади].

Қовоқларининг қалинлашуви ва қотиши. *Нусомдарус* номи билан танилган ва биз трахома бобида эслатиб ўтган сурма бунга фойда қиласди. Шунингдек, эслатиб ўтилган Эразистрат дориси ва Масиҳ томонидан кўзга тушган оқقا [ишлатиш] учун келтирилган тўтиё шиёфи ҳам фойдали.

Қибтий шиёфи. Бу [кўздаги] қаттиқлик ва оқقا фойда қиласди ва ўша заҳоти қаттиқ пардан қирқиб туширади.

Таркиби. Зангор ва қаврак елимларининг ҳар биридан олти мисқолдан, тош туздан уч мисқол, Абу Жаҳл тарвузининг этидан учун учдан икки мисқол, қорамол ўтидан икки мисқол, қора бурақдан бир ярим мисқол, мурчдан қирқ дона, яхши асалдан бир қавосус [олинади] ва аралаштириб, бир идишга солиб қўйилади.

Бошқа шиёф. Бу антусомун деб аталади; у [кўзга] эскидан моддаларнинг оқиб тушуви, қовоқларининг оғирлик ва дағаллиги, кўз бурчагидаги этчанинг эриб камайиши ва ейилиши, кўзда бўладиган кўп рутубатга ва [кўз] қаватларининг туртиб чиқишига фойда қиласди, [яра] излари ва қаттиқликларни кетказади.

Таркиби. Сурмадан тўрт мисқол, куйдирилган мис ва қалай упаларининг ҳар биридан икки мисқолдан, заъфарон, мурр, кундур елими кукуни, зангор ва яшил ясмиқларининг ҳар биридан бир мисқол, оқ мурчдан ярим мисқол ва араб елимидан икки мисқол олиб, ша-

роб билан [қорилади] ва сув билан ивитиб, истеъмол қилинади.

Сариқ шиёф. Бу фонҳаритус деб аталади; бу нажот берувчи шиёф бўлиб, трахомага, кўз бурчакларининг ейилишига, қаттиқ қичимага ва қовоқлар оғирлашганга фойда қиласди.

Таркиби. Қалимиёдан саксон мисқол ва оқ қалимидан қирқ мисқол [олиб], сопол кўздан сизиб ўтган сув билан қорилади.

Трахома ва кўз қичимаси. Ҳинд шиёфи қичимага фойда қиласди.

Хато қилмайдиган сурма. Кўз табиби Қаритун томонидан тузилган бу сурма қичимага ва қовоқлар қалинлашганга фойда қиласди.

Таркиби. Қибрис қалимиёсидан йигирма тўрт мисқол, шоданадан олти мисқол, — бошқа бир нусхада, — ўн олти мисқол олиб, толқондек қилиб янчилади ва асал билан қориб кўйдирилади-да, устига шароб қўйиб ўчирилади. Кейин қуритилади ва янчиб кўзга гортилади.

ҚУЛОҚ ВА ҮНГА ТААЛЛУҚЛИ КАСАЛЛИҚЛАР

Қулоқ оғриғи, шиши, йиринги ва оғирлиги. Кўз бобида эслатиб ўтилган Эразистрат дориси йиринг оқадиган қулоққа ҳам фойдалидир.

[Бошқа] дори. Барча хил қулоқ оғриқларига ва унда бўладиган ҳамма яраларга фойда қиласди.

Таркиби. Муррдан бир мисқол, кундур елиминдан уч мисқол, содадан уч мисқол, заъфарондан тўрт мисқол, кўкнор ширасидан икки мисқол, гальбан елиминдан икки мисқол, чақилган бодомдан йигирма дона [олиб], ҳаммаси янчилади ва сирка билан қориб, кулчалар ясалади. Бунга ҳожат тушса ва қулоқда қаттиқ оғриқ бўлса, уни гул ёғида ивitiб, қулоққа томизилади, агар эшитиш оғир бўлса, сиркада ивitiб томизилади.

Фолис тавсифлаган дори. [Таркиби.] Муррдан тўрт мисқол, сабрдан тўрт мисқол, кундур елиминдан уч мисқол — бошқа бир нусхада бир мисқол, — заъфарондан уч мисқол, содадан уч мисқол, кўкнор ширасидан уч мисқол, аччиқ бодомдан ўттиз дона, гальбан елиминдан икки мисқол, яхши сиркадан [аралашмани] асал қуюқлигига келтиришга етарли миқдорда олинади.

Фолис дориларидан бўлган қулсқ дориси. [Қулсқ-

даги] шинилар ва азоб берувчи қаттиқ оғриқларга фойда қиласди.

Таркиби. Гальбан елими, яъни борзаддан икки мисқол, дорчиндан икки мисқол, муррдан саккиз мисқол, заъфарондан саккиз мисқол, кундур елиминдан тўрт мисқол, содадан уч мисқол, сиркадан эса [ҳаммасини] асал қуюқлигига келтириш учун етарли миқдорда [олинади].

Йиринг оқадиган қулоқнинг дориси. [Таркиби]. Анор косачалари, анор пўсти, аристолохия, сариқ зок, Қибрис зоки, мози ва мис тўполларининг ҳар биридан бир мисқолдан, мурр, кундур елими, қиздирилган яшил зок ва Яман аччиқтошларининг ҳар биридан ярим мисқолдан [олиб], сирка билан биргаликда янчидан эзилади ва кулчалар ясаб, истеъмол қилинади.

ТИШНИНГ АҲВОЛИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ [КАСАЛЛИКЛАР]

Тиш оғрифи. [Қуйидаги] дори [тишнинг] қаттиқ оғрифини босади, ейилган тишга мувофиқ келади; у ўйталга ҳам фойда қиласди.

Таркиби. Афюндан икки мисқол, муррдан ҳам шунча, асалдан ҳам шунча, оқ мурчдан бир мисқол, гальбан елиминдан ҳам шунча олиб, етарли миқдордаги шиннига қорилади, кейин майдалаб янчидан, шиёф тайёрланади ва тишларга суртилади, уни тишнинг ейилган жойига қўйилади.

Андромах тайёрлаган дори. Тишининг барча оғриқларига ва тишка юз берадиган ҳамма касалликларга ҳамда тиш қамашганга фойда қиласди.

Таркиби. Мурч, назла ўти, яттуъ сути ва гальбан елимларининг ҳар биридан бир ҳиссадан олиб янчилади ва майъа елими билан қориб, ейилган жойга қўйилади.

Бошқа дори. Бу тишининг лўқиллашига фойда қиласди.

Таркиби. Абу Жаҳл тарвузининг этидан бир ҳисса ва сабрдан бир ҳисса олинади ва тош қозон ёқи темир ёғлогига солиб, зайдун ёғи ва узум сиркасида қаттиқ қайнатилади, кейин [оловдан] тушириб, оғриётган тиш томондаги қулоққа кетма-кет томизилади.

Тишин доғлаш. Қаттиқ лўқиллаб [оғриб], ҳеч бир дори фойда бермайдиган тиш [доғланади]. Бунинг

учун зайдун ёғидан бир *үқия*, самсақ суви ёки қуруқ самсақ ва исириқларнинг ҳар биридан бир ярим *дири* ҳамдан олиб, майдалаб янчилади ва зайдун ёғига солиб қайнатилади. Кейин иккита жуволдиз олиб, икка-ласини тешиклик томонидан бир-бирига бириктириб қўйилади. Сўнгра касалнинг оғзини очиб, доғланиши керак бўлган тишига қаралади, агар унда бирон нарса бўлса, тозаланади-да, унга темир ёки жез ёки кумушдан қилинган найча қўйилади ва жуволдизнинг биттасини ҳалиги зайдун ёғига тиқиб, шу найчага киргизилади ва тишига тегизилади. [Жуволдиз] совугач, бошқаси олинади, бу олти марта қайтарилади. Шунда тишнинг оғриғи босилиб, суви чиқади.

ОҒИЗ, ТОМОҚ ВА [ГАВДАНИНГ] ЮҚОРИ БЎШЛИГИ

Забҳ ва томоқ оғриқлари. Жолинус айтади: «Бир гуруҳ [кишиларнинг] фикрича, қалдирғоч болалари янгилигига ҳам, тузлаб қотирилган ҳолда ҳам томоқ оғриқларини дарҳол босади». Болалар ва кексаларга уни гулсапсар илдизи билан аралаштириб [берилади].

Тилча ва бодомсимон безлар. [Қўйидаги] дори бўшашиб шишган тилчага мувофиқ келади.

Таркиби. Оқ мурчдан бир *мисқол*, *муррдан* бир *мисқол*, Яман аччиқтошидан икки *мисқол* ва кўк мозидан икки *мисқол* олинади ва янчиб, истеъмол қилинади.

[Гавданинг] юқори бўшлиғи. Кўкрак рутубатига фойдали дори.

Таркиби. Гальбан елими ва суюқ *майъа* елимларининг ҳар биридан икки *үқиядан*, қуруқ гулсапсар илдизидан икки *үқия* ва афюндан чорак *үқия* олинади. Булардан янчиладиганларини янчиб, *майъа* ва гальбан елимлари ҳамда бир оз кўпиги тозаланганди асал билан аралаштириб яланади.

Томоқ дориси. Жолинус бу билан даволаганини айтади.

Таркиби. Қундур елимидан бир *мисқол*, — бошқа бир нусхада тўрт *мисқол*, — *муррдан* бир *мисқол*, — бошқа бир нусхада тўрт *мисқол*, — заъфарондан бир *мисқол* — бошқа бир нусхада тўрт *мисқол*, — денгиз пиёсидан икки *мисқол* ва ширин шаробдан уч қуст олинади. Денгиз пиёсини шароб солиб, то шароб қуюлгунча қайнатилади, кейин денгиз пиёзи олиб ташланади-да, шаробга бошқа дорилар солинади.

Болоустисга нисбат бериладиган томоқ дориси. Жолинуснинг айтишича, у ўпкасида яраси бор кишиларни шу дори билан даволаган; бу — жуда фойдали дори.

Таркиби. Иқлит сунбулидан тўрт мисқол, амомдан саккиз мисқол, Ҳинд содажидан тўрт мисқол, Ҳинд сунбулидан уч мисқол, қораҷайирдан икки мисқол, Сарандип дорчинидан саккиз мисқол, дорчиндан ўн мисқол, кундур елимидан уч мисқол, муррдан тўрт мисқол, қустдан тўрт мисқол, содаж аралашмасидан тўрт мисқол, чучукмия ширасидан уч мисқол, меҳригиёҳ илдининг ширасидан беш мисқол ва заъфарондан олти мисқол олиб, шу дориларнинг ҳаммаси аралаштирилади. Сўнгра хурмодан олиб, асалли сув ёки ширин шарбода қайнатилади; [шу қайнатмадан] бир ускурражга олиб, йигирма ҳабба янчилган йирик санавбар бужури қўнилади ва [юқоридаги] доридан бир бундуқа миқдорида аралаштирилади. У бир печа кун ичирилади, бундан кейин икки ёки уч кунгача дорининг ўзи ҳеч нарса аралаштирмасдан ичирилади, бунинг кетидан бир кун, сабрдан тайёрланган иёраждан бир милъақа миқдордагиси сув билан ичирилади. Үпка найида касаллик бўлган кишиларни бу дорини эшак сути билан [ишлатиб] даволанади; бу билан касалнинг томоғи чайдирилади, кейин у бир неча кун тинч қўйилади. Кейин уни шу дорига биронта оғриқ қолдирувчи дорини қўшиб, [ишлатиш орқали] даволанади. Агар модда кучли равишда оқаётган бўлса, бу маъжун дорига ағион ва қундуз қири қўшилади.

Жолинус дориларидан бўлган бошқа бир дори. Үпка найи касалликлари ва ўпка яраларига ҳамда йиринг ва қон туфлашга, шунингдек, кўкракка модда сизиб келганга ва балғам ташлаш қийинлашганда фойда қиласди. Бу — жуда кучли дори.

Таркиби. Сақичдан тўрт мисқол, заъфарон, кундур елими, мурр ва дорчинларнинг ҳар биридан тўрт мисқолдан, амомдан уч мисқол, йирик санавбар донасидан тўрт мисқол, пўстлоғи тозаланган чучукмия илдинидан шунча, Шом сунбулидан икки ярим мисқол, қора Сарандип дорчинидан икки мисқол, катиродан уч мисқол, Шом хурмоси этидан уч мисқол, «юлдуз» деб аталувчи Самос тупроғидан тўрт мисқол, тоза ва тиниқ гальбан елимидан учдан икки мисқол, қустдан тўрт мисқол — бошқа бир нусхада биз унинг бир мисқол эканлигини кўрдик, — ва яхши асалдан тўрт қутулий олиниади. Сақич билан асални қўшқават идишга солиб,

бир қадар қуолгунча қайнатилади, кейин уларга гальбан елими аралаштирилади ва [аралашмадан] томизилган томчи ёйилмайдиган бўлгунга қадар қайнатилади. Шундан кейин совутилади-да, бошқа дорилар янчидан кўшилади ва истеъмол қилинади.

Юракнинг аҳволи. Юрак дорилари. Таркибига исироқ қўшиладиган маъжун фойдалидир.

[**Таркиби**]. Исириқ уруғи, седана, кофур, қундуз қири, мингдевона уруғи, аристолохия, тўпалоқ, чўл қовоғи, фоширистин, назла ўти, мурч, каклик ўти, Абу Жаҳл тарвузи, сунбул, петрушка уруғи, газагўт уруғи, қора зира, афюн, заъфарон, мускат ёнғоги, Сарандип дорчини ва қустларнинг ҳар биридан ярим дирҳамдан, Эрон қавраги ва говширларнинг ҳар биридан тўрт дирҳамдан, шакардан бир дирҳам ва асалдан етарли мақдорда олинади. Бир ичими — кучли кишилар учун — бир дирҳам, заифлар учун — ярим дирҳам.

[ГАВДА] ҚУИИ БУШЛИГИНИНГ АҲВОЛИ

Меъда заифлиги. Меъданинг бўшашганлиги ва заифлигига [қуийдаги] ёф фойдалидир.

Таркиби. Мастаки, сабр, эрман шираси, афюн, Рум сунбули ёғи ёки беҳи ёғларидан етарли миқдорда [олиб] аралаштирилади ва юмшоқ жун билан меъда устига суртилади. Агар бу дорининг иссиқлигини оширишни истасанг, унга бир ҳисса ладан ва икки ҳисса **майҳа** елиминдан қўш; агар унинг буриштирувчи ва кучайтирувчи бўлишини хоҳласанг, унга фўра узум шираси ёки такасоқол ширасидан қўшасан.

Меъда заифлиги ва ҳазм бузуқлигига фойдали дори. [**Таркиби**]. Беҳи сувиди қайнатиб қовурилган Кобул ҳалиласидан — тўрт дирҳам; балила, омила, сиркада ивитиб қовурилган зира, тўпалоқ ва мастакиларнинг ҳар биридан — икки дирҳамдан, Рум арпабодиёни билан петрушка уруғларнинг сиркада ивтилганидан — бир дирҳамдан, уд ва омила шираларининг ҳар биридан — бир ярим дирҳамдан, ялпиздан — уч дирҳам, мақдунисдан — бир ярим дирҳам, қизил гулдан — тўрт дирҳам, анор донасидан — саккиз дирҳам, татимдан — тўрт дирҳам, қирфа, кундур чориси ва сунбулларнинг ҳар биридан — бир дирҳамдан.

Меъдани кучайтирувчи лахлаҳа. [**Таркиби**]. Сабр суви, гул суви, олма суви, беҳи суви ва тол сувларининг ҳар биридан — бир ҳиссадан, оқ ва қизил

сандал огочи, қизил гул, заъфарон, кофур, ладан, анор тули, оромангиз, уд ва омила шираларининг ҳар бирдан — ярим ҳисседан.

Жигар қаттиқлиги. Вўри жигаридан тайёрланадиган маъжун жигар, талоқ ва мөъда оғриқларига ҳамда еллар, дусинториё ва эски йўталга, шунингдек, қон қусадиганларга фойда қиласди.

[Таркиби.] Заъфарон, мурр, афюн, кундуз қири, мингдевона уруғи, қуст, ёввойи зира, кўкнор, сунбул, гофит, бўри жигари ва тор ёчкисининг кўйдирилган ўнг шохи — шуларниң ҳар биридан баробар [қисмда олинади-да], янчиладиганлари янчилади, эрийдиганларини эса шароб билан эритиб, [кейин ҳаммаси] кўпиги олинган асал билан қорилади. Бу олти ойдан кейин истеъмол қилинади; ҳар гал нўхатдагиси мувофиқ келадиган биронта ичимлик билан ичирилади.

Жигар мизожининг бузилиши. Бунга мозариюн ёғи фойда қиласди.

[Таркиби]. Мозариюндан ўн дирҳам олиб, бир ритл сувда бир кеча-кундуз ивитилади, кейин қозонга солиб, сувдан ярим ритл қолгунча паст оловда қайнатилади. Сўнгра оловдан тушириб сузилади ва [қайнатмани] яна қозонга қайтариб солиб, устига чорак ритл ширин бодом ёғидан солинади-да, кейин суви кетиб, ёғининг ўзи қолгунча қайнатилади. Кейин қуйидаги дориларни янчиб элаб, шу ёғ билан ҳўлланади: сариқ ҳалила, балила ва омилаларниң ҳар бирдан — ўн дирҳамдан, тамр ҳиндийдан — ўттиз дирҳам, олхўридан — ўттиз дона, чилонжийдадан — шунча, хиёранбардан — бир ритл, майиздан — ярим ритл. Бу дориларниң хиёранбардан бошқасини аралаштириб, тош қозонга солинади ва устига ўн ритл сув қўйиб, сувнинг учдан бири қолгунча қайнатилади. Кейин [қайнатма] хиёранбар устига сузилади ва уни қўл билан эзив яна сузилади-да, [қайнатмани] қозонга қайтариб солинади; бунга бир манн каллақанд солиб, асал қуюқлигига келгунча қайнатилади. Сўнгра бунга ярим ритл бодом ёғи қўшиб, устидан юқоридаги [ёғ билан] элаб, ҳўлланган дорилар солинади ва қуюлгунча қайнатиб, кейин оловдан туширилади-да, шиша идишга солиб қўйилади. Бир ичими — олти дирҳам.

Истисқонинг бошланғичига фойдали бўлган әлаки дарси. Бу янги туққан тутнинг сути ёки оғиз суви, ёки сабзавот сувлари билан ичирилади.

[Таркиби]. Гофит ширасидан — бир ярим дир-

ҳам, лаккдан — икки **дирҳам**, ровоч илдизидан — бир ярим **дирҳам**, қорачайир гулидан — бир **дирҳам**, заъфарондан — бир ярим **дирҳам**, зарпечак уруғидан — икки **дирҳам**, таррак ва семизўт уруғларининг ҳар биридан — бир **дирҳамдэн** ва **сақмуниёдан** — бир **дирҳам**. Бир ичими — бир **мисқол**.

Ичак шилиниши ва ундаги яралар. «Беркитгич» деб аталувчи дори ичак яраларига фойда қилади.

Таркиби. Араб акацияси ширасидан йигирма беш **мисқол**, анор пўстидан етмиш беш **мисқол**, мозидан йигирма беш **мисқол**, афюндан йигирма беш **мисқол**, мингдевона уруғидан эллик олти **мисқол**, янчилган **холовусдан** бир юз олтмиш **мисқол**, Шом татимидан етмиш **мисқол**, Шом татим ширасидан икки ярим **мисқол** ва кундур елимидан йигирма беш **мисқол** [олинади]. Буларни янчидан қўшилади, қора шароб билан аралаштирилади. Тўла бир ичими — бир **мисқол**.

Луқюс ат-Тарсусийга нисбат берилган дори. Бу дори сизиб келувчи ҳар қандай моддага ва ҳар хил дамликларига фойда қилади.

Таркиби. Рум арпабодиёни ва петрушка уруғларининг ҳар биридан икки **мисқолдан**, арпабодиёни уруғи, ёввойи сабзи уруғи ва **тардилун** уруғи, — бу Рум сассиқ қаврагининг бир тури, — шўларнинг ҳар биридан тўрт **мисқолдан**, афюн ва мингдевона уруғларининг ҳар биридан бир ярим **мисқолдан** [олинади] ва сув билан қориб, истеъмол қилинади.

Жолинус ишлатган ҳуқна. Бу Антиновус ҳуқнаси бўлиб, қадимги [табибларнинг] кўп нусхаларига мувофиқ келади.

Таркиби. Узум ғўрасининг қуритилган ширасидан олти **мисқол**, Яман аччиқтошидан ҳам шунча, сув тегмаган оҳак ва мис тўполларининг ҳар биридан олти **мисқолдан**, қизил зирниҳдан уч **мисқол**, сариқ зирниҳдан саккиз **мисқол**, куйдирилган папирус қофозидан ўн **мисқол** [олинади] ва мирт уруғи шароби билан қориб, ҳар бири уч ёки тўрт **мисқоллик** кулчалар ясалади. Бу икки қавосус суюлтирилган шароб билан ҳуқна қилинади, баъзан эса бу ёмғир суви билан ҳуқна қилинади.

Мева кулчалари. Булар ич кетишга ва ичак яраларига фойда қилади, улар Бијотијос кулчалари деб аталади. Бу нажот берувчи дорилардан бўлиб, ич кетишни тезликда тўхтатади.

Нусхаси. Заъфарондан тўрт **мисқол**, Ҳинд сунбули ва Рум арпабодиёниларининг ҳар биридан тўрт

мисқолдан, мурр, Ҳинд сабри, тақасоқол чиң анор
хузази, араб акацияси шираси, афюп, жуда сере при-
ва оқ мурчларнинг ҳар биридан икки мисқолд
нади] ва шароб билан қориб, ҳар бири ярим мисқолди-
кулчалар тайёрланади.

Орқа тешик бўшашиб, [кўтон] чиқиши қон қу-
Жолинус дориси кўтон чиққанга фойда қилади.

Таркиби. Арбай деб аталувчи ўсимликнинг мисқоли
васи, мози, қалай упаси, араб акацияси шираси, тақасоқол
шираси, қатус деб аталувчи санавбар пўстлоғи,
кундур елими ва муррларнинг ҳар биридан тўрт мисқолдан
[олинади]. Орқа тешикни тахир шароб билан
ювгандан сўнг [бу дори] қуруқ ҳолда сепилади.

Буйрак тоши. Мен айтаманки, қовуқдаги тошни
майдалайдиган ҳар бир нарса, ҳеч шубҳасиз буйрак-
даги тошни ҳам майдалайди, сўнгра у қайталамайди.

Маъжун. Бу [маъжун] тоши борларга фойда қила-
ди, чунки бу дори тошни майдалайди ва уни янгитдан
пайдо бўлишга қўймайди.

Таркиби. Сарандип дорчинидан икки мисқол,
петрушка уруғидан уч мисқол, муррдан тўрт мисқол, оқ
мурчдан икки мисқол, кундур елимидан уч мисқол,
эркак Шом тошидан бир мисқолдан, майға елимидан
уч мисқол, ҳаворанг гулсапсар илдизидан уч мисқол,
оқ кўкнор уруғидан икки мисқол, сунбулдан ҳам шунча,
чақилган аччиқ бодом ва туёғўларнинг ҳар биридан —
уч мисқолдан, гулсапсар уруғи ва тўпалоқларнинг ҳар
биридан икки мисқолдан ва яхши асалдан етарли миқ-
дорда [олинади]. Бу ҳар куни ичирилади.

Бошқа дори. Жолинус айтади: «Мен буйраги касалланган кўп кишиларни биламан, улар шу [дори] билан
даволаниб, тузалиб кетганлар». Бу дорини кўп кунлар
давомида истеъмол қилиш лозим. У тоши бор ва қу-
ланж касаллигига учраганларга ҳам шифо бағишлайди,
шунингдек, қовуқ касалликларини ҳам тузатади. Мана
уни тайёрлаш усули.

Таркиби. Чақилган фундуқ, чақилган бодом, то-
заланган таррак уруғи ва тозаланган қора зира уруғ-
ларининг ҳар биридан уч мисқолдан, сассиқалаф уруғи,
заъфарон, бодринг уруғи ва афюнларнинг ҳар биридан
олти мисқолдан, оқ мингdevона уруғи ва петрушка уруғ-
ларининг ҳар биридан ўн икки мисқолдан олинади ва
асал билан қориб, кулчалар ясалади. Шундан ярим
мисқолни уч қўзосус илитилган тиниқ асал суви билан

ҳам, бир пусхада бунга яна олти мисқол ярим турган. **Бу** ҳақда айтилган ва гувоҳлик беккабориши. **Ш.** **Бу** ҳақда айтилган ва гувоҳлик беккабориши шуда шу ҳам борки, агар қуённи тутилридан билишада билан куйдириб, куйиндиси сақлаб Бир ичим. **Ича** кунгача икки дирҳамдан илиқ сув илса, тошни майдалайди.

Дирҳам яшайтган тайёрланадиган дорининг тавсифи. Бу [дорининг] буйракларда пайдо бўладиган тошни майдалайди; уни истеъмол қилган киши буйрагида тош пайдо бўлишидан қутилади. Бу дори ўзининг мизожи билан эмас, хоссаси билан таъсир кўрсатади.

Таркиби. Унта тирик чаённи тутиб, тоза темир қозонга солинади ва қозоннинг усти буғдои уни хамири билан сувалади. Кейин ўчоққа қараб, унга ток ўтин ёқиб, қизаргунча қиздирилади, сўнгра шу ўчоқ [ичига] қозонни қўйиб, бир кеча қолдирилади. Шундан кейин қозон олинади ва у совугач, ичидан чаён кулини олиб, бир идишга солиб қўйилади. Буйрак оғриқларини даволашда шундан икки қиротни ҳандиқун деб аталувчи шароб билан ичирилади; бу тошни майдалаб, сийдик орқали бўлак-бўлак қилиб чиқаради. Афзо илонининг гўшти илонлар ва бошқа хил заҳарли ҳашаротларнинг заҳарига қарши тургани сингари чаённинг табиатида ҳам буйрак ва қовуқда пайдо бўладиган тошга қарши туриш [хусусияти] бордир.

Биз таркиб этган дори. Агар буни олат ичига зарроқа асбоби билан юборилса, қовуқ ярасига, шунингдек, олат ичидаги ярага фойда қилади.

[**Таркиби**]. Куйдирилган қўрошин ва қовун уруғи магизларининг ҳар биридан беш дирҳамдан, табоширдан икки дирҳам, араб елими, кўкнор уруғи ва куйдирилган тоғ эчкиси шохларининг ҳар биридан уч дирҳамдан, афюндан ярим дирҳам, мингдевонадан икки донақ ва муррдан бир дирҳам олинади. Буларнинг ҳаммаси яхшилаб янчилади ва сачратқи суви билан қўшиб, кўз шиёфлари сингари шиёфлар тайёрланади. Буни сут ёки қовун уруғи ёғи билан аралаштириб, катетер ердамида олат ичига юборилади.

Қовуқ ва буйракларда пайдо бўладиган тошларни майдалайдиган кулчалар. [**Таркиби**] Ёввойи сабзи уруғи, бартақий тарраги уруғи, Рум арпабодиёни, мурр, тоғ петрушкаси уруғи, боғ петрушкаси уруғи, Сарандип дорчини, дорчин ва сунбулларнинг ҳар биридан бир ҳиссадан олинади. Шу дориларни ячиб эланади ва ҳар

били бир дирҳам ёки бир мисқоллик кулчалар ясалади, ёки нӯхатдек ҳаблар тайёрлаб, наҳорга ўнтадан ҳабиссиқ сув билан ичирилади.

Тошни майдалайдиган маъжун. [Таркиби]. Ҳинд сунбулидан уч драхмий, занжабилдан тўрт драхмий, узун мурчдан ҳам шунча, Сарандип дорчинидан ўн икки қирот, дорчинидан тўрт драхмий, тўпалоқдан ҳам шунча, туёғутдан бир дирҳам, ёввойи сабзи уруғидан ҳам шунча, заъфарондан икки драхмий, қундуз қиридан тўрт драхмий, қорачайир гулидан ҳам шунча, ёввойи саримсоқдан ҳам шунча, қустдан икки драхмий, оқ мурчдан ҳам шунча, тог петрушкасидан ҳам шунча, бальзам уруғидан тўрт драхмий ва игирдан икки драхмий [олиб], асал билан қорилади.

Томчилатиб сийиш. [Қўйидаги] кулча томчилатиб сийиш ва зарабга фойда қиласди.

[Таркиби]. Қундуз қиридан икки дирҳам, самсақ, газагўт, мингdevона уруғи ва Рум арпабодиёнларининг ҳар биридан бир дирҳамдан ва анор донасидан ўн беш ҳабба олинади ва янчиб, кулчалар ясалади. Бунинг бир ичими — бир дирҳам. Ёки тозаланган таррак уруғидан бир дирҳамни тухум оқи билан бирликда наҳорга ичирилади.

Олат қўзғалиши ва шаҳватнинг заифлиги. Бунда қўйидаги дори фойда қиласди.

[Таркиби]. Пиёз уруғидан икки дирҳам, тартизак уруғидан тўрт дирҳам, наша уруғи, бузидон ва пиширилган денгиз пиёзларининг ҳар биридан олти дирҳамдан, ёввойи сабзидан уч дирҳам, тозаланган кунжутдан беш дирҳам, қичитқиўт уруғи ва оқ кўкнорларнинг ҳар биридан тўрт дирҳамдан ва каллақандан олти дирҳам олинади ва янчиб аралаштирилади. Бир ичими икки дирҳам бўлиб, сув қўшилган тило шароби билан ичилади.

Бунга қўйидаги дори ҳам фойда қиласди.

Таркиби. Форсуюж, яъни морчўба илдизи, сигир сути ва сариёғларнинг ҳар биридан уч ритлдан, тартизитак уруғи, сабзи уруғи ва шолғом уруғларининг ҳар биридан уч уқиядан олинади. Куруқ дориларни янчиб, сут ва ёғ билан аралаштирилади. Бир ичими — беш истор ёки ўн истор; уни сути кетиб ёғи қолгуинча қайнатилади-да, кейин сузиб ичирилади.

Ҳинд жувориши. Бу жинсий қувватни орттиради ва шаҳватни ниҳоятда қўзғатади.

Таркиби. Занжабил, мурч, узун мурч, дорчии,

содаж, қирфа, сунбул, Ҳинд чакамуғи, мускат ёнғоғи, қазил сандал оғочи, қоқила, бальзам уруғи, мускат ёнғоғи қобиғи, ногбушт, толисфар, қалампирмунчоқ, тұналоқ, табошир ва тоза Ҳинд удларининг ҳар биридан уч **үқиядан**, мушк ва кофурларнинг ҳар биридан ўн **мисқолдан**, новвотдан эса шу дориларнинг ҳаммасича олинади. Булар яничилади ва әлакдан ўтказиб, күниги олтинган асал билан қорилади. Бир ичими — икки дирхам.

БҮГИН ОФРИҚЛАРИ, ПОДАГРА ВА ИРҚУННАСО

Бўғин оғриғи ва подаграга ишлатиладиган қуюқ сўртма. Бу сассиқалаф ва дараҳт пўкағидан тайёрланадиган, нажот берувчи доридир.

Таркиби. Сассиқалаф уруғидан бир қист, дараҳт пўкағидан бир қист, сариқ йўнгичқадан бир қист, бурақдан бир үқия, мумдан бир ритл, пиширилган санавбар елимидан бир ритл, қаврак елимидан бир ритл, эски зайдун ёғидан бир ритл, тоғ эчкиси суякларининг илигидан тўрт үқия, арутакий гулсапсарининг илдизидан тўрт үқия [олинади]. Қуруқ дориларни янчиб, әлакдан ўтказилади, эрийдиганларини эса эритиб соvuтилади, сўнгра бунга қуруқ дориларни солиб аралаштирилади ва олиб қўйиб, истеъмол қилинади.

Бу [касалликларга] мана бу дори ҳам фойда қиласиди.

Таркиби. Савринжондан ўн икки дирхам, ариқ [бўйида ўсадиган] ялпиздан уч дирхам, мурч ва зиралярнинг ҳар биридан тўрт дирхамдан олиб яничилади. Бундан ҳар гал бир дирхами асалли сув билан ичилади.

Марҳам. Бу оёқлар заифлашганда фойда қиласиди.

Таркиби. Түёфут, сабр, момисо шиёғи, чакамуғ, қасб, анзиратгўштхўр ва муррларнинг ҳар биридан уч дирхамдан ҳамда қундуз қиридан тўрт дирхам олинади. Буларни майдалаб яничилади ва хушбўй тило шароби билан қориб, [оёққа] суртилади.

«ТУЛКИ ҚАСАЛЛИГИ»

«Тулки қасаллигига» чапиладиган дори. [Таркиби]. **Фарфюон**, тоғ газагўтнинг елими ва дафна ёғларининг ҳар биридан икки мисқолдан, олов тегмаган олтингугурт ва қора ёки оқ ҳарбақ — қайсиниси тоғисса ўшаниси, бўларнинг ҳар биридан бир мисқолдан

олинади. Бу дориларни янчидан кейин қўшилади ва дафна ёғи ёки канакунжут ёғи, ёки эски зайдун ёғида эритилган тўқиз дирҳам мум билан аралаштириб истеъмол қилинади. «Тулки қасаллиги» узоққа чўзилиб, даволаниши қийинлашиб кетганда бу дори жуда кучли даво бўлади. Жолинус: «Мен баъзи вақтларда бунга бир мисқол индов ва икки мисқол куйдирилган денгиз кўпиги аралаштирас әдим», — дейди.

Қорайтирувчи бўёқ. Жолинуснинг айтишича, итнинг сийдигини олиб, беш ёки етти кун саситиб қўйилса-ю, кейин у билан [соҳ] ювилса, [қорайтирувчи] таъсир кўрсатиб, қоралигини сақлаб қолади,





КИТОБДА УЧРАИДИГАН АЙРИМ ИСТИЛОҲЛАР ИЗОХИ

1. ҚАСАЛЛИҚ ВА АЪЗО НОМЛАРИ

Ақчал — Vena mediana — Тирсак ўрта венаси.

Байза ва худа — «темир қалпоқ», бошнинг барча қисмини ҳопловчи бошогриғи.

Барас — Песлик.

Барсом — зотилжамнинг бир хили.

«Бачадон бўғилиши» — Истерия.

Баҳақ — Vitiligo — Теридаги оқ доғлар.

Бослиқ — V. basillca — Билакнинг ички томонидаги тери осиги венаси.

Булимус — булимия — очиқиш, ютоқиши.

Бумохило — ўлат бубони; тоун шиши.

Бұхр — астма, ҳарсиллаш.

Вабо — вабо, эпидемия.

Вазаҳ — Morphala alba — оқ баҳақ.

Даввора — диабет.

Диәсқұмос — диабет.

До ул-асад — «шер қасаллиги» — мохов.

Дисенториә — дизентерия, ичбуурғ.

Душбуз — сүяк қадоғи.

Жұмуд — каталепсия; бир ҳолатда қотиб туриш.

Забұ — ангинা.

Зараб — диарея; кетма-кет ич кетиши.

Зарроқа — дори пуркагич, спринцовка.

Заҳир — дизентерия; ичбуурғ.

Зиләк ул-куля — диабет.

Зиләк ул-мажор өал-жал-мәзбар — диабет.

Зифдаъ — (қурбақа қасали) — тил остининг безланиши, лапша, ранула.

Зотилжам — плеврит; күкрак бўшлиғи пардасининг яллиглациши.

Зотирриа — ўпканинг яллигланиши.

Ибрида — мизож союзқлигидан келиб чиқадиган жинсий заифлиқ.

Илавус — плеус; ичакнинг тўсилиб қолиши.

«Илон қасаллиги» — Ophiasis — мўй тўқилиши билан бирга тервнинг юпқа пўст шаклида кўчib тушуви.

Имтило — Плетора; баданинг хилтларга (масалан қонга) ортиқ даражада тўлиб кетиши.

Иркуннасо — Ишиас; қўймич асабининг яллигланиши.

Истисқо — тўқималарда кўп суюқлик йиғилиши.

Истифрог — бўшатин.

Қаймус — Химус; овқатнинг меъдада ҳазм бўлиб, атала шакъида ичакларга ўтишидаги ҳолати.

Куозз — Тетанус; тиришиш, мушакнинг узоқ вақт қисқариб қолиши.

Литаргус — Летаргия; узоқ вақт давом этадиган уйқу.

Мазий — простата бези ишлаб чиқарадиган суюқлик.

Мизож — Мизож, темперамент, табиат.

Мизрақа — қовуққа дори юборадиган қурол.

Микдача — кўздан катаректани олишда ишлатиладиган асбоб.

Михатт — кўзни операция қилишда ишлатиладиган нинасимон асбоб.

Мониё — Мания, руҳий касалликнинг бир тури.

Мошаро — Сарамас.

Нафс — жон (руҳдан бошқа нарса).

Нори форсий — чипқон турларидан бири.

Носур — оқма яра, фистула.

Рабу — ҳарсиллаш, астма.

Рұх — Рұх; юонча «пневма» сўзининг таржимаси бўлиб, томир ва асаблар орқали айланиб юрувчи эфирсимон бир жисмини ифодалайди.

Сакта — апоплексия, мияга қон қуюлиши.

Салға — Атерома; ёғли ўсма.

Саратон — рак.

Сарком — Менингит, бош миянинг яллиғланиши.

Саъфа — тангачали темиратки; кал.

Сиқиррүс — Скирр; ракнинг бир тури.

Силға — қ. салға.

Софин — Vena saphena — болдири таги томири.

Суборо — қаттиқ ақлдан озиш.

Сулоқ — Блефарит; кўз қовоғи четларининг яллиғланиши.

Сунохус — ҳолдан кетказувчи иситма.

«Темир қалпоқ» — қ. байза ва худа.

«Тикка нафас олиш» — (ар. интисоб үн-нафас) — ортопиоз; кучли нафас қисиши, бунда касал тикка ўлтирган ҳолдагина нафас олаолади.

Тоун — Pestis — вабо (чума) касаллигининг бубон тури.

«Тулки касаллиги» — (ар. до-үс-саълаб) — Алопеция; соч, соқол ва бошқа мўйларнинг тўқилиши касаллиги.

Умм үс-сибён — шайтонлаш, болалар тутқаноги.

Усаллим — Vena salvatalia — қутқарувчи вена.

Фаронитус — мия қобиғининг яллиғланиши.

«Фил касаллиги» — (ар. до-ул-фил) — Элефантазис; қўл-оёқнинг йўғонлануви ва терининг дағаллашуви.

Фолиж — фалаж.

Хилт — қадимги юон табобатида асос солинган гуморал назариясига биноан тўртта асосий суюқлик (хилт) мавжуд, булар — қон, балғам, сафро ва савдо («қора ўт»).

Хилфа — Диарея; ич кетиши.

Чаҳор раз — («тўрт томир») — юқори ва қўйи лабда иккита даири бўладиган тўртта томир.

Шаро — эшакем.

Шаҳиқа — мигрень, бош ярмининг оғриши.

Шуса — қобирғалар плеврти.

Каронитус — қ. фаронитус.

Қифол — Venacephalica — қўлнинг тирсакдан ўхорисида ташқи тарафдан терн остида жойлашган вена.

Куланж — колит; йўғон ичажда бўладиган санчиқ.
Кулун — йўғон ичак.
Кутруб — меланхолиянинг бир тури.
Ҳайза — қусиш билан бирга бўладиган ич кетиши.

2. СОДДА ДОРИЛАР

Акоқиё — *Succus Acaciae*. — *Acacia arabica Willd.*
Амбарборис — *Berberis asiatica Roxb.* *B. vulgaris L.*
Афсантин — *Artemisia absinthium L.*
Ирисо — *Iris florentina L.* ёки *I. Pallida Lam.*
Афюон — Opium.
Ижжос — *Prunus domestica L.*
Арузз — *Oryza sativa L.*
Банафсаҗ — *Viola odorata L.*
Басал — *Allium cepa L.*
Биртоникий — *Amaranthus tricolor L.*; *Rumex hydrolapathum*

Huds.

Бақла ҳамқо — *Portulca oleracea L.*
Жавз — *Jugians regia L.*
Занжабил ул-қиlob — *Polygonum hydropiper L.*
Зиъбақ — Симоб.
Зож — Зок.
Зуърур — *Crataegus azarolus L.*
Ҳурф — *Lepidium sativum L.*
Ҳармал — *Peganum Harmala L.*
Ҳиммас — *Cicer arietinum L.*
Ҳадид — Темир.
Ҳайя — Илон. Табобатда асосан, афъо (кўлвар) илони ишлатилиган.

Ябруҳ — *Mandragora officinarum L.*
Қундус — *Gypsophila struthium L.*
Кибрит — Олтингугурт.
Қаммун — *Cuminum cyminum L.*
Қамъа — *Tuber album Sow.*
Қабар — *Capparis spinosa L.*
Қурунб — *Brassica oleracea L.*
Қузбура — *Coriandrum sativum L.*
Лисон ул-ҳамал — *Plantago mayor L.*
Лубиё — *Phaseolus vulgaris L.*
Лавз — *Amygdalus communis L.*
Лабан — Сут.
Лаҳм — Эт.
Мо — Сув.
Машкатаромаши — *Origanum dictamnus L.*
Мумиё — Мумиё.
Мош — *Phaseolus mungo L.*
Мишиши — *Prunus armeniaca L.*
Наржис — *Narcissus poeticus L.*
Набно — *Mentha piperita Smith*; *M. sativa L.*
Саътар — *Satureia thymbra L.* (гулрайҳон); *Origanum L.* (торайҳон).
Сазоб — *Ruta graveolens L.*
Сумоно — Бедана.
Салак — Балиқ.
Сафаржал — *Cydonia vulgaris Pers.*

Инаб ус-саълаб — Solanum nigrum L.
Уннаб — Zizyphus sativus Гаєтін.
Фулфул — Piper nigrum L.
Фужл — Raphanus sativus L.
Фустиқ — Pistacia vera L.
Фуққо — Бўза, турли донлардан дориворлар қўшиб тайёрланадиган пивога ўхаш ичимлик.
Сабир — Aloe vera L.
Қаранфул — Caryophyllus aromaticus L.
Қиқинун — Oleum ricini.
Кутн — Gossypium herbaceum L.
Қаръ — Cucurbita maxima Duch.
Қўнфуз — Sphaerchinus esculentus.
Риванд — Rheum palmatum L., R. officinale Batt.
Руммон — Punica granatum L.
Шиҳ — Artemisia cina Berg.
Шуниз — Nigella sativa L.
Шибис — Anethum graveolens L.
Тин — Ficus carica L.
Хашхоз — Papaver somniferum L.
Хардал — Brassica nigra Koch. ба В. ўрнатас Герн.
Хауҳ — Persica vulgaris Mill.
Халл — Сирка.
Хубз — Ноң.
Харотин — Lumbricus terrestris L.
Зарориҳ — Lytta vesicatibia Fabricius.
Ғубайдро — Sorbus domestica L.; Elaeagnus angustifolia L.

3. ОФИРЛИК ҰЛЧОВЛАРИ

Бундуқа (фундуқ) — 4,25 грамм.
Дирҳам — 2,975 г.
Донақ — 0,495 г.
Драхмий — 4,25 г.
Жааза (ённок) — 38,25 баъзан 17,0 г.
Истор — 17 г.
Қайла — 892,5 г.
Қайлажа — 1275 г.
Карама — қ. гаромо.
Мани — 680 г.
Мастарун
 — кичик — 25,50 г.
 — каттә — 89,25 г.
Матритус — (метрет) — 38380 г.
Мисқол — 4,25 г.
Обол — 0,708 баъзан 0,999 г.
Ритл — 340 г.
Тассуж — 0,18 г.
Турмуса — 0,472 г.
Үксубоғун — (оксибаф) — 76,5 г.
Үскурраяса — 106,25 г.
Үқиз — 29,75 г.
Қавосус — (кнаф) — 44,625 г.
Қафиз — 17000 г.
Қирот — 0,236 г.

Қист (кесест)

— автолиқий — 510 г.
 — румий — 566,66 г.
 — асал учун — 850 г.

Қутулид — (котил) — 208,25 г.

Гаромо — 0,743 дан 0,990 г. гача.

Ҳабба — 0,059 г.

4. ШАХСИЙ НОМЛАР

Арасту — Аристотель, қадимги юон файласуфи ва олимни (эрэмизгача бўлган 384—322 йй.).

Архаганис — Архиген, Троян давридаги румлик табиб (53—117 йй.).

Акселепиад — қадимги юон табибларининг машҳурларидан биря бўлиб, 124 йилда Пруза (Бифиния)да туғилган.

Буқрот — Гиппократ, юон табобатининг отаси (эрэмизгача бўлган 459—60—355 йй.).

Диоскоридус — Диоскорид, юон ботаниги, доришуноси ва ҳарбий табиби (I-аср).

Жолинус — Гален, қадимги румлик табиб (129—200 йй.).

Ибн Журайж — ар-Рабиҳ деб ҳам аталган, тўла исми Наастас ибн Журайж. Дамашқда X асрда ўтган христиан табиби.

Ибн Мосавайҳ — Аббосийлар сарой табиби (777—857).

ал-Киндий — Абу Иусуф Еқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, араб файласуфи, энциклопедик олим (вафоти 870 й.).

Руфус — румлик табиб (эрэмизнинг I—II асрлари).

Саҳорбухт — Абу Наср ибн Зайд, Жундишопурлик табиб (X аср).

Масиҳ — Абу-л-Ҳасан Исо ибн Ҳакам Масиҳ ал-Димишиқий, Хорун ар-Рашид (786—809)нинг сарой табиби.

Ҳунаайн ибн Исҳоқ — юон олимларининг асарларини араб тилинга таржима қилган машҳур таржимон (808—873).

